

67
0-4

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА
УСЛУБИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ТУПЛАМИ

1994 йилда чоп этилган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

**Меърий-ҳуқуқий ва услубий
ҳужжатлар тўплами**

“ИСТИҚЛОЛ” Нашриёти
шўба корхонаси. Бош таҳририяти
Тошкент - 2004

67
0-54

196004

Тўпламда Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг тадбиқ этилишидаги олий таълим тизимининг асосий меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлари келтирилган. Тўпламнинг тузилиши олий таълим муассасаларининг мутасадди ходимлари томонидан қўллашга қулайлик яратилишига қаратилган, унда таълимни ташкил этилиши ҳақидаги энг муҳим материаллар тартибга солиниб, мужассамланган. Қонунчилик ва йўриқ кўрсатишга оид ҳужжатлар тўлиқ ёки улардан кўчирма шаклида келтирилган.

Бундай тажриба дастлабки эканлигини эътиборга олган ҳолда айрим камчиликлардан ҳоли эмаслиги мумкин.

Тўплам бўйича ҳар қандай таклиф ва мулоҳазалар тузувчилар томонидан мамнуният билан қабул қилинади ва кейинги фаолиятда эътиборга олинади.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари ходимлари ва таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.С.Қосимовнинг умумий таҳрири остида, О.У. Салимовнинг амалий маслаҳатлари асосида ҳамда Вазирликнинг бошқармалари, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимни ривожлантириш Маркази ходимлари томонидан тузилган.

АВТИ
АХВ-РЕСУРС МАРКАЗИ
9843

© "Истиқлол" нашриёти шўъба корхонаси
Бош таҳририяти, 2004 йил.

*Кадрлар тайёрлаш узоқ давом
этадиган жараён бўлиб, у ҳар
биримиздан - астойдил, бети-
ним, изчил меҳнатни талаб
этади.*

Ислом Каримов

1. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ: ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА 1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;
 - ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;
 - таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек, таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;
 - барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;
 - оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.
- Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5-модда. Педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шугулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шугулланишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тadbиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

• давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

• таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

• таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда

шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар);
- умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажминини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрый равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгалланган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-хунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юрларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалаврият ва магистратурага эга.

Бакалаврият олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалаврият негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юрлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга қўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан

хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллار ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақтўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим оловчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўйбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

- ўқув ва ўқув-услугият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим оловчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;
- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

- таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;
- таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;
- ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёزلарни белгилайдилар;
- таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг

фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

У. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакиллarning вазифалари

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактаб-гача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблаглари, шунингдек бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва jisмоний шахсларнинг, шу жумла-

дан чет эллик юридик ва jisмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қуйилсинки, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг умумий ўрта таълим олишга, уч йиллик академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқишга ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга тааллуқли 12, 13 ва 14-моддаларидаги қоидалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган муддатларда жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Белгилаб қуйилсинки, қонун ҳужжатлари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги Қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

5. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 342-модда; 1993 йил, № 6, 268-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ
Ташкент шаҳри,
1997 йил 29 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич рўёбга чиқариш юзасидан комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширсин. Давлат бюджетини тасдиқлашда миллий дастурнинг молиявий ва

моддий таъминотига алоҳида эътибор берилсин.

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон
Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**
1997 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилигини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очикфуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

1. МУАММОЛАР ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

1.1. Ривожланишнинг эришилган даражаси

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора-тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этишни (1992 йил); янги ўқув режалари, дастурлари,

дарсликларини жорий этишни, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқишни; ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.

Мактабгача таълим соҳасида уйларда ташкил этиладиган болалар боғчалари ҳамда «болалар боғчаси-мактаб» мажмуи тармоғи ривожланиб бормоқда. Болаларга чет тилларни, хореография, тасвирий ва мусиқа санъати,

компьютер саводхонлиги асосларини ўргатувчи 800 дан ортиқ гуруҳ ташкил этилган.

Янги типдаги мактаблар ва умумтаълим ўқув юртлири тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият ва маърифат», «Иқтисодий таълим», «Қишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари рўйбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини, энг аввало қишлоқ жойларда меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан, 209 касб-ҳунар мактаби, 180 касб-ҳунар лицейи ва 53 бизнес-мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юртини, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг ўн иккитаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳуқуқий йўналишга ўтказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилмоқда. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини теет ва рейтинг асосида баҳолашнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатига ошган талабаларга мувофиқ аспирантура ва докторантурада кадрлар тайёрлаш иши кенгаймоқда. Олий аттестация комиссияси ташкил этилди. Республикада қарийб 4 минг аспирант бўлиб, улардан 69 фоизи олий таълим тизимида ва 31 фоизи илмий-тадқиқот институтларида таълим олмоқда. Жами илмий ва илмий-педагог

кадрларнинг 8 фоизини фан докторлари ва 37 фоизини фан номзодлари ташкил этади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида 23 институт, 16 факультет, 4 марказ ва 14 малака ошириш курслари ишлаб турибди.

Иқтидорли болалар ва ўқувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати собитқадамлик билан олиб борилмоқда. Истеъдодли ўсмир ва қизларни излаб топиш, уларга қўмаклашиш, уларнинг қобилияти ва истеъдодини ўстириш бўйича махсус фондлар ташкил этилди, қобилиятли ёшларни чет эллардаги етакчи ўқув юртлари ва илмий марказларда ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш йўлга қўйилди.

Фан ва таълим соҳасида халқаро алоқалар кенгайиб бормоқда.

Шунга қарамай, содир этилган ўзгаришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлай олмади.

1.2. Камчиликлар ва муаммолар

Кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизимидаги жиддий камчиликлар сирасига киради.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизimini ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмайtir.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизини мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш

услугиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолаяпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас, ўрта мактаб битирувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юр்தларига ўқишга кирмоқда, холос.

Мажбурий тўққиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланишини таъминламайпти. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 миң нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-ҳунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.

Таълим тизимидаги мавжуд умумтаълим ва касб-ҳунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг йўқлиги сабабли таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмай қолаяпти. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. Ўқув дастурлари мафкуравий сарқитлардан тўлиқ холи бўлганича йўқ, уларда маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, ҳуқуқий, эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти.

Ҳунар-техника билим юр்தларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услугий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмаётир. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юр்தлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти.

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада қўшилганлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат

аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазифалари белгилаб олинмаган. Ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Касб-ҳунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз ишламоқда.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди.

Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши "улғайиб" бормоқда. Республика олий ўқув юр்தларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

1.3. Ислоҳ қилиш омиллари

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

• республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

• мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хомашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

• давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

• миллий ўзлиқни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

• Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

2. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Мазкур дастурнинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш;
- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

• узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

• кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2.2. Дастурни рўёбга чиқариш bosқичлари

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари bosқичма-bosқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи bosқич (1997-2001 йиллар) — мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу bosқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;
- педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;
- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;
- ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;
- таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;
- таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

· халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

· Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўйбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш, уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўйбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўйбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимга, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш

таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) – тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уландиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

3. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

· шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

· давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

· узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

· фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор

педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

· ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча

жиҳатларига даҳлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларида биридир.

3.1. Шахс

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сийсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутати. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўйбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутати.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариши шарт.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

3.2. Давлат ва жамият

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга, чунончи:

· Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўйбга чиқарилишига;

· Мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишга;

· Давлат грантлари ёки публик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

· Давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;

· Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш

борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

· Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга;

· Соғлиқ ва ривожланишда нуқсон бўлган шахслар таълим олишига кафолат берадилар.

3.3. Узлуксиз таълим

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

3.3.1. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш принциплари қуйидагилардан иборат:

· таълимнинг устуворлиги – унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;

· таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайтилиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимида ўтилиши;

· таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

· таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

· таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

· таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

· иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

3.3.2. Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қуйидагиларни назарда тутати:

· таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

· давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

· таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

· мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

· махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

· илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари қўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

· миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

· таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

· таълим олишда, шунингдек болалар ва ёшларни маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

· таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига ҳолис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

· таълим тизимини молиявий, моддий-техника ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

· узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштиришнинг пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

· таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

· туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

· таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш.

3.3.3. Узлуксиз таълим тизими ва турлари

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

· мактабгача таълим;

· умумий ўрта таълим;

· ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

· олий таълим;

· олий ўқув юртидан кейинги таълим;

· кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

· мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олади.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

· малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

· мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;

· болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

· замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар

яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча массалари бўйича малакали консалтация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Умумий ўрта таълим

Тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I-IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммадний билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

- мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан кейин олинган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олинishi лозим;
- юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;
- худудларнинг жўғрофий ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш;
- таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий жамуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчилар касб-хунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

Ўрта-махсус, касб-хунар таълими

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши - академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўйбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг

мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

• ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

• академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

• касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;

• ҳудудларнинг жўғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

• академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Олий таълим

Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизда ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалаврият – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилди ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизда таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

• бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

• олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

• олий таълим муассасаларида таркибий ўзгаришлар ўтказиш;

• олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

• таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

• ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

• янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

• халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртиларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантура) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Яқуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

• “Таълим тўғрисида”ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

• касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илгор

1990001

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ ШАХСАТЛИК ҚУБЛАШ КИТАБХОНАСИ - 17 -

7843

педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

- ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

- фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиниш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатта асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини авлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

- профессионал тренингнинг илгор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

Мақтадан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва

дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мақтадан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мақтадан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўлайитириш;

- миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илгор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмнинг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари такомиллаштириш, миллий турлари ва шакллари тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

3.4. Кадрлар тайёрлаш тизимида фан

Кадрлар тайёрлаш миллий модели салмоқли элемент сифатида фанни ўз ичига олади, бу соҳада:

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинув амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимида илм-фаннинг узвий равишда кириб бориши учун қуйидагилар зарур:

- илгор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга

ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш орқали илмий тадқиқотлар натижаларини ўқув-тарбия жараёнига ўз вақтида жорий этиш механизмини рўёбга чиқариш;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар даражасини баҳолашга замонавий ёндашувни рўёбга чиқариш, илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар натижалари тижоратлашувни асосида олимларнинг обрў эътибори ва ижтимоий мақомини ошириш;

- мамлакат илм-фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш;

- фан ва технологиялар соҳасидаги фаолиятни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш, талабалар ва ёш олимларнинг илмий ютуқлари учун махсус мукофотлар ва совринлар таъсис этиш, махсус стипендиялар сонини кўпайтириш, ёшлар илмий-техника ижодиётининг доимий ишлайдиган кўргазма ва экспозицияларини ташкил этиш.

3.5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш

Ишлаб чиқаришнинг талаб-эҳтиёжлари кадрлар тайёрлаш тизимининг йўналиши, даражаси ва миқёсларини шакллантиради, касб тайёргарлигининг мақсади, вазифалари ва мазмунини белгилайди, малака талабларини илгари суради, таълимнинг мувозий технологиялари ва шакллари танлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш пировард натижада кадрларнинг сифати ва рақобатбардошлигига баҳо беради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги вазифалари қуйидагилар билан белгиланади, чунончи у:

- турли савия ва малакадаги мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни шакллантиради;

- ўз ихтиёридаги моддий-техника, молия, кадр ресурслари ҳамда кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун зарур бошқа ресурсларни бериш билан узлуксиз таълим тизимига қўмаклашади;

- муассис, васий, донор, ҳомий тариқасида айрим мутахассисларни ва гуруҳларни мақсадли тайёрлашни, шунингдек турли тип ва даражадаги ўқув юртларини молиялашда қатнашади;

- таълим ва илм-фаннинг турли шакллар-даги интеграциясини (муваққат ижодий жамоалар, ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуалари, марказлари, технопарклар, технополислар) ривожлантиради.

Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавқеини кучайтириш қуйидаги йўллар билан таъминланади:

- таълимни корхонадаги унумли меҳнат билан, шу жумладан ишлаб чиқариш амалиёти жараёнидаги меҳнат билан қўшиб олиб бориш асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

- кадрлар тайёрлаш ҳамда биргаликда илмий-технология ишланмаларини олиб боришда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш;

- таълим олувчиларни меҳнат жамоаларида тарбиялаш (меҳнат, маънавий ва жисмоний тарбиялаш);

- ишлаб чиқаришнинг талаб эҳтиёжларини инобатга олиб, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг янги йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш учун олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш;

- педагог кадрларнинг илғор технологиялар соҳасидаги малакасини бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам ошириб бориш;

- ишлаб чиқаришнинг юқори малакали кадрларини таълим жараёнига ва педагогик фаолиятга жалб этиш;

- ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун таълим олувчиларни иш жойлари билан таъминлаш;

- ўзаро интеграцияланган таълим муассасаларини замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш.

4. КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш тизimini шакллантириш ва ривожлантириш қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

4.1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш

Таълимнинг ўз ичига мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизими барпо этилади. Олий касб-ҳунар таълимининг бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни назарда тутувчи икки босқичли тизими жорий этилади. Аспирантура ва докторантура фаолияти ривожланиб боради. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартириш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизimini ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устуворлиги таъминланади.

4.2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замон талабларига мослашувчан, таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизими вужудга келтирилади. Педагог кадрларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатбардош даражада уларнинг касб сифатини қўллаб-қувватлаш таъминланади.

Олий таълим муассасаларида давлат таълим стандартларига мос юқори малакали ўқитувчилар тайёрлаш бўйича махсус факультетлар, шунингдек республика вилоятларида умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш юзасидан махсус марказлар ташкил этилади.

4.3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш

Кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш миллий тикланиш принциплари ва мустақиллик ютуқлари, халқнинг бой миллий, маънавий ва интеллектуал салоҳияти ҳамда умумбашарий қадриятларга таянган, инсонпарварликка йўналтирилган таълимнинг мазмуни давлат

таълим стандартлари асосида ислоҳ қилинади. Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди.

Педагог кадрларнинг обрў-эътибори, масъулияти ва касб кўникмасини ошириш юзасидан собитқадам давлат сиёсати олиб борилади. Илғор педагогик технологиялар, таълимнинг янги шакл ва услублари, ўқув, шу жумладан дифференциялашган дастурлар амалиётга жорий этилади.

4.4. Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади.

Ўзбекистон мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, жамоат ташкилотлари, фондлар билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар.

4.5. Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилади, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланади. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собитқадам фаолият амалга оширилади. Академик лицей-

ларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъодли рўбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади.

4.6. Таълим тизимини бошқариш

Узлуксиз таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларни изчил ривожлантириш давлат йўли билан бошқариб борилadi. Барча даражадаги таълим бошқарув органларининг ваколат доиралари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланади. Таълимнинг норматив-ҳуқуқ базаси ривожлантирилади. Молия-ҳўжалик фаолияти олиб бориш ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ўқув юрталарининг ҳуқуқлари кенгайди ва мустақиллиги таъминланади. Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилади ҳамда аккредитацияланади. Аккредитация якунларига кўра таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи берилadi.

Муассасе ташкилотларнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг, савдо-саноат доираларининг, жамоат ташкилотларининг, фондларнинг ва ҳомийларнинг вакилларини ўз ичига олувчи вазийлик ва кузатув кенгашлари тузиш орқали таълим муассасаларининг самарали жамоат бошқаруви тизими жорий этилади.

4.7. Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш

Таълим бошқаруви органларига боғлиқ бўлмаган, касб-ҳунар таълими сифатини аттестациядан ўтказувчи давлат хизмати ташкил этилади. Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқбол талабларига монанд давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилади. ўқув юрталари фаолиятини, профессор-педагог кадрлар сифатини ҳамда таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими талбиқ этилади. Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоат шакллари ривожлантирилади. Таълим муассасалари битирувчиларини якуний аттестациялаш тизими такомиллаштирилади.

4.8. Таълим тизимини молиялаш

Таълимни ва кадрлар тайёрлашни молиялаш тизими такомиллаштирилади, унинг кўп вариантли (бюджетдан ажратилadиган ва

бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилади, таълим муассасаларининг ўзини ўзи пул билан таъминлаш ривожлан-тирилади, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш рағбатлан-тирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тўлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизми шакллантирилади. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийларнинг мавқеи кучайиб боради.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш, талбиркорлик, маслаҳат, эксперт, ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ҳамда уставда белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият ҳисобидан таълим муассасаларининг даромадлари кўпайиши таъминланади.

4.9. Моддий-техника таъминоти

Ҳар бир минтақанинг демографик ва жўгрофий хусусиятларидан келиб чиқиб, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари тармоғи барпо этилади. Таълим олувчиларни оқилдан ажралмаган ҳолда ўқишга имкон қалар кўпроқ қамраб олинади.

Мавжуд таълим муассасаларини капитал таъмирлаш ва янги таълим муассасалари қуриш, уларни норматив талабларга мувофиқ, замонавий техника ва технологияларнинг даражасини ҳисобга олган ҳолда жиҳозлашнинг таъминлаш чоралари қўрилади.

Ўқув-тарбия муассасаларини зарур ускуналар, инвентарлар, ашёлар, таълимнинг техникавий, дастурий ва дидактик воситалари билан жиҳозлаш юзасидан ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш қўллаб-қувватланади. Барча босқичдаги таълим жараёнини компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш амалга оширилади.

4.10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш

Замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб боради. Таълим жараёнида оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ошиб боради, телевидение ва радионинг таълим дастурлари интеллектуаллашуви таъминланади. Фан ва таълимнинг наشريёт базаси ривожлантирилади, ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилади.

4.11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш йўли билан таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозори шакллантирилади. Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизмати кўрсатиш бозори давлат йўли билан бошқариб борилади. Асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган консултация ва қўшимча таълим хизматларидан иборат пуллик таълим хизмати кўрсатиш тизими ривожлантирилади.

4.12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Педагогик фаолиятнинг обрў-эътиборини ва ижтимоий мақомини ошириш юзасидан давлат сиёсати рўёбга чиқарилади. Таълим олувчиларнинг ва педагогларнинг ўқиши, соғлиги ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилади.

Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш органлари болалар ҳамда ўқувчи ёшларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарур чораларни кўрадилар. Ўқув-тарбия жараёнининг соғломлаштиришга қаратилган йўналишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шароитлар таъминланади. Таълим олувчиларнинг тиббий-гигиена маданиятини ошириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бобидаги фаоллигини кучайтириш ҳамда жисмоний камолот даражасини ошириш учун ташкилий-услубий ёндашувлар такомиллаштирилади. Соғлиқ ва ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун муносиб муҳит яратилади.

4.13. Фан билан таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш

Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор амалий илмий тадқиқотлар ўтказилади, таълим сифати давлат таълим стандартларига

мувофиқ келишини ташкил этиш ва таъминлаш мақсадида педагогика ва таълим соҳасида илмий тадқиқотлар ва илмий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш фаоллаштирилади. Фундаментал ва амалий фан соҳасидаги илмий кадрларнинг таълим жараёнидаги иштироки рағбатлантирилади, педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларининг алоқаси таъминланади. Ёшларнинг фан-техника соҳасидаги ижодкорлиги ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

4.14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизими интеграциялашувини ривожлантириш

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини (марказларини) ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жиҳозлаш рағбатлантирилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий-технологик ечимлар яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-қувватланади. Илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб борилади.

4.15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади, илмий-педагог кадрлар, талабалар ва ўқувчилар алмашиш кенгайди. Таълим тўғрисидаги миллий ҳужжатлар халқаро миқёсда эътироф этилиши учун асос яратилади. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги элчихоналарининг кадрлар тайёрлаш соҳасига чет эл инвестицияларини бевосита ва билвосита кенг жалб қилиш борасидаги фаолият кучайтирилади.

5. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Миллий дастурни амалга ошириш мақсадида:

· Миллий дастурнинг йўналиш ва босқичларини амалга оширишнинг аниқ механизмлари, муддатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминоти ифодаланган ечим ва чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилади;

· Миллий дастурни бажариш юзасидан давлат ва жамоат институтларининг фаолияти ҳамда вазифалари белгиланади;

· Миллий дастурнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнига малакали чет эл экспертлари жалб этилади;

· Миллий дастурни бажаришда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолияти мувофиқлаш-

тирилиб, халқаро ташкилотлар қатнашуви ташкил этилади;

· Миллий дастурнинг мониторинги ва бажарилишини экспертиза қилиш асосида унинг айрим қондалари ва тадбирларига тузатишлар киритилади;

· оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, кадрлар тайёрлаш миллий модели рўёбга чиқарилишини таъминлаш масалалари юзасидан семинарлар ва конференциялар ўтказиш орқали Миллий дастурнинг принципиал ёндашувлари ҳамда асосий қондаларини кенг кўламли тауунтириш ишлари олиб борилади;

· Миллий дастурнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш жараёнига жамоат бирлашмалари ва марказлари, республика аҳолиси кенг табақаларининг фаол иштироки таъминланади;

· оммавий ахборот воситаларида Миллий дастурнинг бажарилиши мунтазам ёритиб борилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш юзасидан Республика комис-сияси ташкил этилади, бу Комиссиянинг зиммасига дастурни бажаришга доир барча ишлар ва тадбирларни ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шу жумладан қуйидаги вазифалар юкланади:

· узлуксиз таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларига қўйила-диган умумий талабларни ишлаб чиқиш;

· умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартларини ва бошқа зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

· ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун давлат таълим стандартларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан иборат таълим тизимини жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш;

· ўрта умумий таълимга эга бўлган ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари тизими билан тўла қамраб олиш тадбирларини, бу тизимни ҳудудларнинг демографик, жўрофик хусусиятлари ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, унинг моддий-техника асосини яратиш;

· академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган ўқитувчилар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун таълим муасса-

саларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини таъминлаш;

· олий таълим муассасалари тизимини Миллий дастур талабларига биноан ислоҳ қилиш, бу борада тегишли давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

· мактабгача таълим ва тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, болалар тарбиясида ва уларни мактабга тайёрлашда оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотларининг масъулиятини ошириш;

· таълим муассасаларини зарур дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлаш, бу ишга йирик олимлар, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, таълим ва илм-фан соҳасининг нашриёт базасини ривожлантириш;

· профессор ва педагог кадрларни ривожланган мамлакатлардаги етакчи таълим муассасаларида тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида махсус Республика жамғармаси ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш;

· узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш, уларни ўргатишнинг жадаллаштирилган услубларини жорий этиш, ўзбекча-чет тиллар дуғатларини, давлат тилидаги махсус адабиётларни нашр этиш;

· узлуксиз таълим соҳаси ўқитувчилари ва педагог кадрларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

· таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш, кадрлар тайёрлашнинг малака талабларини аниқлаш ҳамда сифатини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича таълим тизими бошқарувида боғлиқ бўлмаган ягона давлат хизматини ташкил этиш;

· таълимни ахборот билан таъминлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уни жаҳон ахборот тизими билан боғлаш, оммавий ахборот воситаларининг таълим соҳасидаги вазифаларини белгилаш;

· касб-ҳунар таълими соҳасида кадрларга бўлган талаб ва таклифни ўрганишни ташкил этиш, таълим хизмати кўрсатиш ва касбий меҳнатнинг рақобатта асосланган бозорини ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июль 341-сонли

ҚАРОРИ

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасининг талаб этиладиган даражасини таъминлаш, ўқитишнинг инновация усуллари жорий этиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда талаба ёшлар ўртасида тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш масалаларидаги фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилган-лигини, бу мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрларни сифатли ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорига кўра ходимларнинг умумий сони 387 нафар булган 8 та хўжалик ҳисобидаги Вазирлик тасарруфидagi ташкилот унинг тузилмасидан чиқарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шакллари эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш:

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоравий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъий назар республиканинг олий

ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари ва таълим даражасига ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайергарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайерлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан таълим хизматларига бўлган талабни ўрганиш ва унинг қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш.

Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ, дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустақам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбалар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантириш фойдаланилиши устидан назорат қилиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 54 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 38 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлига ходимларнинг

белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига айлантирилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг давлат таълим стандартларини, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга талабаларни ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш, шунингдек мамлакат лицейлари, коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ўзаро боғлиқлиги ва узлуксизлигини методик таъминлаш;

ўқитишнинг интерактив методларини, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган мултимедиа ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

лицейлар, коллежлар, бакалаврият ва магистратура таълим дастурларига кирувчи барча фанлар бўйича янги авлод ўқув адабиётлари тайёрлашни ва улар билан таълим муассасаларини таъминлашни ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг фаолият кўрсатишини илмий-методик таъминлаш, рақобатбардошли кадрлар тайёрлашга йўналтирилган тадқиқот ишларини амалга ошириш;

илгор жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида республикада юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади) республикада олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма даромادلари ҳомийлар, хайрия жамғармалари маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитиш учун тушадиган маблағларнинг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ҳамда янги авлод дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишга, ўқув бинолари ва ётоқхоналарнинг моддий ҳолатини яхшилашга, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга сарфланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимни ривожлантириш марказининг Низомини ҳамда унинг тузилмасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда – Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси даромادلарини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхужаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирлик фаолияти Вазирликка ажратилган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ва қонуни ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

6. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Вазирлиқнинг вазифалари ва функциялари:

8. Қуйидагилар Вазирлиқнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий ғазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шаклларини эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоровий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида катъи назар республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда таълим даражаси ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-комму-

никация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртлирида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбалар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланиши устидан назорат қилиш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

олий таълим муассасаларида ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоровий мансуб ташкилотларда «Таълим турисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишини таъминлайди;

бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари бўйича давлат таълим стандартларини, олий таълим фанларининг намунавий ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек олий таълим муассасаларини фаолиятининг аниқ турларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқариш ва тасдиқлайди;

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргалда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликларининг рўйхатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Олий таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, янги авлод ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон кутубхоналар жорий этилишини таъминлайди;

олий таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими

муассасаларида миллий мустақиллик гоёла-рига, халқнинг бой миллий ва маданий-тарихий анъаналари ва умумисоний қадриятларга асосланган ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ташкил этилишини амалга оширади;

олий таълим муассасасининг намунавий уставини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда олий таълим муассасаларининг ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоровий мансуб ташкилотларининг уставларини тасдиқлайди;

Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим сифатини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг олий муассасаларига абитуриентларни танлаш ва қабул қилишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари ва олий укув юртидан кейинги таълимга, кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари амалга оширилишини таъминлайди;

педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этишнинг самарали шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлари, педагоглари ва муҳандис-педагог ходимларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори, проректори ва факультет декани лавозимига номзодларни танлаш ва кўрсатиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

таълим сифатини оширишга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, педагог кадрларнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва ўқув жараёнига жорий этади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог кадрларини ишга қабул қилишнинг танлов тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этади ҳамда уларнинг кўриб чиқиш учун вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларини, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини моддий-техник жиҳозлашни молиялаштиришнинг давлат нормативларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

олий таълим муассасалари, Вазирлик корхоналари ва ташкилотларининг ҳўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

идоровий мансуб олий таълим муассасалари ва ташкилотларнинг таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда белгиланган тартибда уларни молиялаштиришни амалга оширади;

Вазирликнинг идоровий мансуб муассасалари ва ташкилотлари бошқарув ходимлари сонини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Республика илмий-техник дастурлари бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни бажаришда олий мактабнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

илмий ва илмий-педагог кадрлар аспирантура ва докторантура орқали белгиланган тартибда тайёрланишини ташкил этади;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва битимлари асосида хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатади;

идоровий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъий назар республиканинг олий таълим муассасаларида хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда давлат тилида ва бошқа тилларда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш ва уларнинг нусхаларини ишлаб чиқади;

Вазирлик тизими ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этишга материалларни кўриб чиқади ва ҳулоса беради;

талабалар учун белгиланган тартибда универсиадалар ва бошқа спорт тадбирларини ўтказди, уларнинг голибларини халқаро танловлар ва мусобақаларга юборади;

олий мактабни ривожлантириш, фан ва техниканинг долзарб масалалари бўйича белгиланган тартибда республика ва халқаро кенгашлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказди; идоровий мансуб таркибий бўлимлар, марказлар, Вазирлик тизимига кирадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини тайинлайди.

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига идоровий мансуб ташкилотлар ва муассасалар орқали ҳал қилади.

III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ту-

зилмасини такомиллаштириш ва бошқариш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

Ҳайъат мажлисларида олий ва ўрта махсус ўқув юртлигига эга бўлган республика вазирликлари ва идоралари раҳбар ходимларининг ахбороти (маърузалари)ни кўриб чиқиш;

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан шартнома асосида тайёрланган мутахассисларнинг ишга жойлаштирилиши мониторингини юритиш учун зарур бўлган таҳлилий материалларни ва бошқа материалларни сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари бўйича эксперт хулосалар бериш;

барча манбалар, айниқса ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультетлари ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхатини белгилаш;

республика вазирликлари, идораларидан ва бевосита олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан Вазирликка юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича белгиланган статистика ҳисоботини олиш ва Вазирликнинг таълим муассасаларида ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолати устидан назорат қилиш;

ўзига қарашли ўқув юртлигини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлдириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек ўқув бинолари ва ётоқхоналарнинг моддий ҳолатини яхшилаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш. Жамғарма олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдоридagi ажратмалари ҳисобига шакллантирилади;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда банк муассасаларида ва бошқа кредит муассасаларида валюта ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш учун идоравий мансуб олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда махсус курслар, кафедралар, факультетлар ва лабораториялар очиш;

Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда танлов ва грантлар асосида муаммоли лабораториялар ташкил этиш ва уларни ёпиш ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда - Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларида тармоқ илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этиш ва уларни ёпиш;

Вазирликда республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун етакчи олимлар, юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассислардан илмий-методик кенгашлар ташкил этиш;

марказий аппаратнинг тасдиқланган тузилмасига Вазирликнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва аппарат ходимларининг чекланган сони доирасида бошқарувнинг технологияси ва техникасини такомиллаштириш зарурияти туфайли келиб чиққан ўзгартиришлар киритиш;

идоравий мансуб муассасаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;

белгиланган тартибда Вазирликнинг мукофотлари, кўкрак белгилари ва фахрий ёрликларини таъсис этиш ҳамда улар билан илғор ходимларни ва профессор-ўқитувчилар тартибини, шунингдек энг яхши илмий ва экспериментал конструкторлик ишлари учун олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг талабалари ва ўқувчиларини мукофотлаш;

олий таълим муассасаларининг талабаларини белгиланган тартибда бир ўқув муассасасидан бошқасига ўтказиш, талабалikka тиклаш ва талабаликдан чиқариш, якуний давлат аттестациясини қайта топширишга рухсатнома бериш;

олий таълим муассасалари фаолиятини белгиланган тартибда текшириш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бажариши мажбурий бўлган, таълим сифатини оширишга, рақобатбардош кадрлар

тайёрлашга, педагог ходимларнинг самарали ишини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

12. Вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

13. Вазирлик олий таълим соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши, Вазирлик маблағларидан самарали фойдаланилиши, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

14. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланганидан ва лавозимдан озод қилинадиغان вазир бошчилиги қилади.

Вазирнинг уч нафар ўринбосари бўлади, улардан бири Вазирнинг биринчи ўринбосари - Вазирликнинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази директори ҳисобланади.

15. Вазир:

Вазирлик фаолиятига яқка бошчилиги асосида умумий раҳбарлик қилади:

Ўз ўринбосарларнинг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Вазирлик тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Вазирлик Марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг, тасарруфидаги органлар ва муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимига кирадиган тасарруфидаги бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни, белгиланган тартибда тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори лавозимига тайинлаш учун номзодларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, Вазирлик марказий аппарати ходимларини, олий таълим муассасалари проректорларини, Вазирлик тизимига кирадиган бошқа

идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, уларни аттестациядан ўтказишни ташкил этади (ректорлардан ташқари);

педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битимлар, шартномалар тузади.

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Вазирликда 9 кишидан иборат таркибда Вазир, Вазирнинг биринчи ўринбосари ва Вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирлик тизимининг бошқа ходимларидан иборат Ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик Ҳайъати олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг, қабул қилинган қарорлар бажарилишини текширишнинг, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий масалаларини, энг муҳим буйруқлар ва йўриқномалар лойиҳаларини, Вазирлик бошқармалари ва бўлимларининг, таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади, қарорлар қабул қилади.

Ҳайъат қарорлари, қондага кўра, Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир билан Ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир ўз қарорини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади. Ҳайъат аъзолари, ўз навбатида, ўз фикрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум

17. Вазирликнинг идоравий мансуб олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланган уставлар ва низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

18. Вазирлик фуқароларнинг муносабатларида ўртага қўйилган масалалар тўғри ва адолатли ҳал этилишига эришиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризалари ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этади ҳамда Вазирлик тизимининг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
«Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1999 йил 19 январ 15 сонли

Б У Й Р У Г И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 5 сонли қарори билан тасдиқланган таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш Тартибига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174 моддасига биноан

БУЮРАМАН:

1. Тасдиқлансин:

Давлат олий ўқув юртининг Намунавий устави (илова1);

Ўзбекистон Республикаси Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмалари Марказий қўмитаси билан келишилган (1999 йил 4 январь 01-16-01/1)Олий ўқув юртлари ички тартибининг Намунавий қоидалари (илова2).

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

...қайд этилган меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ушбу буйруқ билан

тасдиқланган олий ўқув юртининг Намунавий устави ва ички тартиб қоидаларидан тавсия ва кўрсатма сифатида фойдаланилсин.

2.2. Тасарруфида олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар томонидан тасдиқланган ва маҳаллий ҳокимиятларда рўйхатдан ўтказилган уставларнинг биттадан нусхаси олий ўқув юртида, тасарруфида олий ўқув юрти бўлган вазирлик (идора) да ва олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида сақлансин.

2.3. Олий ўқув юртларининг тасдиқланган уставларига қўшимча ва ўзгартиришлар олий ўқув юрти бўйсинадиган вазирлик (идора)да мувофиқ буйруқ чиқарилгандан сўнг киритилсин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Х.)га: Вазирликка сақлаш учун жўнатилган олий ўқув юртларининг уставларини ҳисобга олиш топширилсин.

**ДАВЛАТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ
НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
1999 йил 19 январ 15 сонли буйруғи билан тасдиқланган

(Олий ўқув юртининг тўлиқ номи)

I. Умумий қоидалар.

1. _____ 199__ йилда
(Олий ўқув юртининг номи)

(таъсис этилиши тўғрисидаги ҳужжатнинг номи, санаси, рақами)

асосида ташкил қилинган ва _____ нинг
(вазирликнинг, идорасининг исми)
тузилишига киради.

2. _____ давлат олий ўқув
(Олий ўқув юртининг номи)
юрти ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча (ёки фақат асосий) таълим профессионал дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шугулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳолда ўқув методик, илмий ва бошқа фаолиятни амалга оширади.

3. _____ ўз фаолиятида
(Олий ўқув юртининг номи)

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, ҳамда Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва Фармойишлари, «Олий таълим тўғрисида»ги Низом, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4. _____ юридик шахс

(Олий ўқув юртининг номи)

ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулккий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

_____ жойлашган

(Олий ўқув юртининг манзили)

манзил:

(Олий ўқув юрти амалда жойлашган юридик манзили ва реквизитлари)

5. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

бош вазифалари:

– шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий – ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни қондириш;

– ҳар томонлама ривожланган ва содиқ шахсни, мустақил давлат фуқаросини, ўз Ватани фидойиси, халқ, жамият ва оила олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустақкамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакиллантириш;

– илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида фойдаланиш;

– иқтисоднинг мувофиқ соҳаларидаги олий маълумотли ходимларни ва илмий -педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– жамиятнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва кўпайтириш;

– аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг таълимий ва маданий даражасини кўтариш.

II. Ўқув-тарбиявий ва илмий- методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари

а) Талабалар

6. _____ ректорининг

(Олий ўқув юртининг номи)

буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс _____

_____ нинг талабаси

(Олий ўқув юртининг номи)

ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг (ёки синов) дафтарчаси берилади. _____ га ўрта

(Олий ўқув юртининг номи)

(тўлиқ) умумий, ҳунар - техник, ўрта махсус (техникумлар, билим юртлари, коллежлар ва ҳ.к.) ҳамда ўрта махсус, профессионал (академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари) маълумотга эга бўлган шахслар аризалари бўйича, тест синовлари натижаларига кўра танлов йўли билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидалари тўғрисидаги Низомга мувофиқ давлат грантлари ҳамда тўлов- контракт асосида қабул қилинади.

8. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

талабаларнинг қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– фан, техника ва маданиятнинг замонавий тараққиёти даражасига мос келувчи билимларни олиш;

– олий ўқув юртининг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда қатнашиш, шу жумладан, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда олий ўқув юртини бошқариш органлари орқали;

- олий ўқув юртининг кутубхонаси, ахборот жамғармаси, ўқув, илмий, тиббий ва бошқа бўғинларининг хизматидан бепул фойдаланиш;
- илмий-тадқиқот ишларининг барча турларида, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш, ўз ишларини, нашрга тақдим этиш, шу жумладан олий ўқув юрти нашрларида ҳам;
- танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича ўтиладиган фанлардан ташқари олий ўқув юртида ўқитиладиган бошқа ҳар қандай фанларни ҳам шартнома асосида ўзлаштириш;
- олий ўқув юрти маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда ҳарбий ихтисослик бўйича таълим олиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келмайдиган, олий ўқув юртига берилган бошқа ҳуқуқлардан.

9. Давлат грантлари асосида кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар. Талабалар мувофиқ низомларга асосан номдор (именные), шунингдек, ўқишга йўланган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳуқуқига эгадилар.

Тиббий кўрсаткичлар ва бошқа истисноий ҳолларда, талабага таълимни бошқаруви бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда академик таътил берилади.

I курс талабаларига академик таътил истисноий ҳолларда, қарътий якка (индивидуал) тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, кундузги ўқув шакли талабаларига олий ўқув юртида ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақариш муддатини кечиктириш имкони берилади.

Турар жойга муҳтож талабалар олий ўқув юртининг талабалар уйларида санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланадилар. Талабалар уйларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тулов миқдори, қонунчиликка мувофиқ белгиланади. Турар жойга муҳтож талабалар мавжуд бўлган ҳолда, олий ўқув юртининг талабалар уйларида турар-жой майдонидан бошқа мақсадларга фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар)га рухсат этилмайди.

Кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида меҳнат шартномаси бўйича олий ўқув юртининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади. Бу иш меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўриндошлик ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ _____

_____ томонидан талабаларга

(Олий ўқув юртининг номи)

берилган бошқа ҳуқуқлар.

10. _____ нинг талабалари

(Олий ўқув юртининг номи)

сафидан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга биноан четлаштирилган талаба, талабалар сафидан четлаштириш вақтида амалда бўлган тартиб (бепул ёки пуллик) сақланган ҳолда 5 йил ичида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга. Узрсиз сабабларга кўра талабалар сафидан четлаштирилган талабаларни олий ўқув юртига ўқишга қайта тиклаш ва ўқитиш фақат тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Талабаларни ўқишга қайта тиклаш тартибини таълим бошқарувчи бўйича ваколатли давлат органи белгилайди.

_____ нинг талабалари

(Олий ўқув юртининг номи)

бошқа олий ўқув юртларга ўқишларини кўчириш (ўқишга қайта тикланиш) ҳуқуқига эга. Аккредитация қилинмаган олий ўқув юртларидан талабаларни _____ га ўқишини кўчириш (ўқишга тиклаш) мумкин эмас.

(Олий ўқув юртининг номи)

Талабалар ўқишини аккредитация қилинган бир олий ўқув юртидан бошқасига кўчириш (ўқишга тиклаш) тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

11. _____ талабалар

(Олий ўқув юртининг номи)

олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари, зарур ҳамда _____

_____ нинг уставига,

(Олий ўқув юртининг номи)

ички тартиб қоидалари ва талабалар уйлари қоидаларга риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

12. Ушбу Устав ва олий ўқув юртининг ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган талабаларга қуйидаги интизомий жазолар қўлланилиши мумкин: хайфсан, қатъий хайфсан, олий ўқув юрти талабалари сафидан четлаштириш.

Интизомий жазолар талабаларнинг кассалик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда ҳатти - ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва ҳатти - ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабалар касаллик пайтида, таътилда, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил пайтларда талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

13. _____ да таълимнинг

(Олий ўқув юртининг номи)

сиртқи ёки кундузги - сиртқи (кечки) ўқув шаклларида муваффақиятли ўқиётган талабаларга уларнинг иш жойидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 248-257 моддаларида назарда тутилган имтиёзлар (маош сақланган ёки сақланмаган ҳолда қўшимча таътил, олий ўқув юрти жойлашган манзилга бориш ва келиш учун йўл ҳақи ва бошқалар) берилди.

б) Тингловчилар

14. _____ қошида малака

(Олий ўқув юртининг номи)

ошириш институти (факултети)да ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Тингловчиларнинг мақоми таълим хизматларини олиш қисми бўйича олий ўқув юрти мувофиқ ўқув шаклида таълим олаётган талабанинг мақоми билан тенглаштирилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари тегишли низомлар билан белгиланади.

в) Аспирантлар, докторантлар, изланувчилар ва стажёр тадқиқотчилар

15. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

аспирантлари, докторантлари ва изланувчилари бўлиб, тадқиқотчиларига тегишли илмий даражани олиш учун диссертация тайёрлаётган шахслар ҳисобланади.

Олий маълумотга эга, олий ўқув юртининг аспирантурасида ўқиётган ва фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс - аспирант ҳисобланади.

Фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ва фан доктори илмий даражасини олиш мақсадида диссертация тайёрлаш учун олий ўқув юртининг докторантурасига қабул қилинган шахслар - докторант ҳисобланади.

Олий ўқув юртига (кафедрага) бириктирилган ва фан номзоди ёки доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс - изланувчи ҳисобланади.

Одатда олий ўқув юртининг юқори малакали олимлари раҳбарлигида илмий фаолиятга тайёрланиши билан шуғулланувчи қобилиятли, илмий тадқиқот ишини олиб боришга моил олий ўқув юртини битирувчи шахс - стажёр - тадқиқотчи ҳисобланади.

16. _____ аспирантурасига

(Олий ўқув юртининг номи)

олий маълумотга эга бўлган: магистр, дипломли, мутахассис дипломига (муҳандис, шифокор, агроном ва ш.к.) эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов асосида қабул қилинади. Аспирантурада ўқиш кундузги ёки сиртқи шаклларда амалга оширилади. Кундузги шаклдаги аспирантурада ўқиш уч йилдан, сиртқи шаклда эса тўрт йилдан ошмаслиги керак. Аспирантурага кириш ҳуқуқини фақат олий маълумот тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат беради. Магистрлик дипломини тақдим этишда, бакалаврлик дипломини ҳам кўрсатиш лозим.

_____ докторантурасига

(Олий ўқув юртининг номи)

фан номзоди илмий даражаси бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади. Докторантурада бўлиш муддати узоғи уч йилдан ортиқ эмас.

Аспирантура ва докторантурага қабул қилиш, шунингдек олий ўқув юртига тадқиқотчилар бириктириш, ҳамда аспирантлар, докторантлар ва изланувчиларга диссертация устида

ишлаётганликлари учун имтиёзлар бериш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга, чет эллик фуқаролар учун хорижий давлатлар фуқароларини Ўзбекистон Республикаси ўқув юртлари ва илмий муассасаларига қабул қилиш ва ўқитиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Стажер-тадқиқотчини қабул қилиш тартиби, стажировка муддати ва шартлари, шунингдек, маош ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган олий ўқув юртлари қошидаги стажер - тадқиқотчилар тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

г) **Олий ўқув юртининг профессор - ўқитувчилар таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий - хўжалик ходимлари (персонали)**

17. _____ да профессор-
(Олий ўқув юртининг номи)

ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, муҳандислик - техника, маъмурий - хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув - ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор - ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи ва ассистент лавозимлари киради.

18. Профессор - ўқитувчилар таркибидagi лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Олий ўқув юртларига педагог ходимларини ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Олий ўқув юртининг проректори ректор тавсиясига биноан _____ раҳбари томонидан тайинланади.

(Вазирликнинг, идоранинг номи)
19. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

профессор - ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда олий ўқув юртининг илмий кенгашига сайлаш ва сайланиш;
- олий ўқув юртининг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилишда иштирок этиш;

- олий ўқув юртининг кутубхонаси, ахборот жамғармаси, ўқув ва илмий бўғинлар (бўлималар)нинг хизматларидан, шунингдек ижтимоий - маиший, тиббий ва олий ўқув юрти тузилмасидаги бошқа бўлималари хизматидан жамoa шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқотлар ўтказиш;

- олий ўқув юрти маъмуриятининг бўйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш;

- ўзининг касбий фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий ўқув юрти томонидан белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

20. _____ нинг

(олий ўқув юртининг номи)

профессор - ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларининг бурчлари:

- ўқув курслари мазмунини олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг давлат таълимий стандартларига мувофиқ белгилаш;

- педагогик ва илмий жараённинг юксак самарадорлигини таъминлаш;

- ушбу уставга риоя қилиш;

- талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ҳам;

- таълим олувчиларда танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича юксак касбий сифатларни, фуқаролик нуқтаи назарни, замонавий цивилизация ва демократия шароитида меҳнат ва ҳаётга бўлган қобилиятни шакллантириш;

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни тараққий топтириш;

- ўз малакасини ошириш устида муттасил шуғулланиш;

- қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолатларда ўқитувчиларни касбий бурчларини бажаришдан бошқа нарсаларга жалб этиш ман этилади.

21. Штатларнинг қисқариши муносабати билан маъмуриятнинг ташаббуси бўйича ўқитувчиларни бушатиш, фақат ўқув йили тугаганидан сўнг амалга оширилади.

22. _____ олий ўқув

(Олий ўқув юртининг номи)

юртининг профессор-ўқитувчилар таркибига уч йилда камида бир марта малакасини ошириш кафолатини беради.

23. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдлашчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва бурчлари олий ўқув юртининг ички тартиб-қоидалари ва лавозимий йўриқномалар билан белгиланади.

Ўқув-тарбиявий ва илмий-услугий ишлар

24. _____ қуйидаги

(Олий ўқув юртининг номи)

йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълимий профессионал дастурлари, қўшимча профессионал таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади);

1). Олий таълим (бакалаврият).

а) кундузги ўқув шакли _____

(Йўналишларнинг номи)

б) сиртқи ўқув шакли _____

(Йўналишларнинг номи)

в) кундузги-сиртқи (кечки) ўқув шакли _____

(Йўналишларнинг номи)

г) экстернат тартибида _____

(Йўналишларнинг номи)

в) кундузги-сиртқи (кичик) ўқиш _____

(мутахассисликлар номлари)

г) экстернат тартибида _____

(мутахассисликлар номлари)

III. Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

а) аспирантура _____

(мутахассисликлар номлари)

б) докторантура _____

(мутахассисликлар номлари)

Қўшимча профессионал таълими (қайта тайёрлаш ва малака ошириш) _____

(мутахассисликлар номлари)

25. _____ олий

(Олий ўқув юртининг номи)

таълимнинг асосий таълимий дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият-таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура-йўналишнинг конкрет (муайян) мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалаврият негизда, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси якунлари бўйича тайёрланган муайян мутахассислик бўйича «магистр» даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналиши (мутахассислик)га мувофиқ таълим муассаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Магистратурага қабул қилиш тартиби таълимни бошқариш бўйича Давлат органи томонидан тасдиқланган «магистратура тўғрисида»ги Низомга мувофиқ белгиланади.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

26. _____ да ўқув

(Олий ўқув юртининг номи)

жараёнини ташкил этиш, олий ўқув юрти томонидан мустақил ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув режалар (ўқув курслари, фанлар ва ўқув йиллари бўйича тақсимланган таълим дастурлари мазмуни), йиллик календар ўқув жадвали ҳамда машгулотлар жадвали билан тартибга солинади.

- ўқув жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуб ва воситаларни танлаш йўли билан олий ўқув юрти талабаларига олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзгартириш учун зарурий шароитларини яратиб бериши лозим.

Таълим ва тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Олий ўқув юртининг ижтимоий - иқтисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш маънавий ва тарбиявий масалалар бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

27. _____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

ўқув машгулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, консультация, семинар, амалий машгулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машгулотларининг барча турлари учун 45 (ёки 40 минутлик танаффуссиз қўшма маъруза) дақиқалик академик соат белгиланган. Ўқув машгулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар:

Ўзбек ҳамда _____ ҳисобланади.

(тилларнинг номи)

28. _____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

мутахассислар тайёрлаш кундузги, кундузги-сиртқи, сиртқи шунингдек экстернат тўғрисидаги Низомга мувофиқ, экстернат шаклида олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун, ягона давлат таълим стандарти қўлланилади.

29. _____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

- ўқув йили икки (ёки уч) семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг назорати (ёки имтихон сессияси) шаклида яқунланади.

Сиртқи ўқув шаклида ўқув йили ўқув режасига кўра белгиланади.

Кундузги-сиртқи ўқув шаклларидаги талабаларга ўқув йили давомида камида икки марта умумий ҳажми 7-10 ҳафталик таътил берилади.

Рейтинг назоратида талабалар ўзлаштириши баллар миқдори ёки «аъло», «яхши», «кониқарли» ва «кониқарсиз» баҳолар билан белгиланади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ, албатта битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

30. _____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

илгор педогогик ва информацион технологиялар, таълимни индивидуаллаштириш ва ўзича таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофали таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар

тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

31. _____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

олий ўқув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тасдиқланган мутахассисликлар бўйича _____ аспирантура ва докторантура илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фан номзоди ёки доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун олий ўқув юртига изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш тартиби, узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

_____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

(мутахассисликларнинг номлари) мутахассисликлари бўйича фан номзоди ҳамда (мутахассисликларнинг номлари) мутахассисликлар бўйича фан доктори илмий даражасини бериш юзасидан ихтисослашган кенгаш (кенгашлар) фаолият кўрсатади.

32. _____ тайёрлаш ва малака ошириш факултетида ходимлари учун қўшимча касбий таълим дастурлари амалга оширилади.

(Ишлаб чиқариш мутахассисликлар бўйича)

_____ мутахассисликлари

(мутахассисликларнинг номлари)

бўйича _____ ой (йил) гача қисқа муддатли пуллик профессионал курслар ташкил этилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факултетларида, шунингдек курсларда ўқиш натижаларига қараб давлат намунасидаги шаҳодатнома берилди.

33. _____ илмий кенгашнинг тематик режалар бўйича, бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, аспирантлар ва докторантларни кенг жалб этиш илмий тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментлар ва қидирув тадқиқотларини бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети;

- шартнома асосида, соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа, шу жумладан ҳорижий ташкилотлар маблағлари.

IV. Олий ўқув юртининг таркиби

34. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

таркибига қуйидагилар киради:

а) _____

(Факультетларнинг номи)

б) _____

(Кафедраларнинг номи)

в) _____

(Илмий лабораторияларнинг номи)

г) _____

(Бошқа бўлимларнинг номлари)

д) _____

Олий ўқув юрти, академик лицей, касб - ҳунар коллежи фаолияти кўрсатади (қисқача малумот берилсин.)

_____ қошида академик лицей, касб-

(Олий ўқув юртининг номи)

ҳунар коллежи очилган (уларнинг қисқача характеристикаси).

35. _____ Ўзбекистон

(Олий ўқув юртининг номи)

Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

V. Олий ўқув юртини бошқариш

36.

ни

(Олий ўқув юртининг номи)

бошқариш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда ушбу уставга мувофиқ, яқка раҳбарлик ва олий ўқув юртининг ҳомийлар кенгаши орқали жамоатчилик бошқаруви уйғунлаштириш принципи асосида амалга оширилади.

37.

ни

(Олий ўқув юртининг номи)

бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлайдиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор олий ўқув юрти фаолиятининг натижасига тўла масъулдир. У, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий ўқув юрти номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг вакили сифатида қатнашади, олий ўқув юртининг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банкда олий ўқув юртининг ҳисоб рақамларини очади, кредитлардан қандай фойдаланиш бўйича фармойишлар беради.

Ректор олий ўқув юртининг ваколати доирасида:

- олий ўқув юртининг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;
- бош бухгалтерни ишга тайинлайди ва ишдан озод қилади;
- проректорларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;
- олий ўқув юрти ходимлари ва хизматчиларини, шунингдек илмий - педагогик ходимларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ишга олиш ва бўшатишни амалга оширади;
- олий ўқув юрти таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг ваколатини (компетенциясини) белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;
- олий ўқув юрти ходимларининг лавозим маошларига устама ва қўшимчаларни белгилайди;
- касаба уюшма қўмитаси ёки олий ўқув юртининг бошқа ваколатли органи билан келишган ҳолда ички тартиб қондаларини тасдиқлайди.

Ректор, олий ўқув юртининг Намунавий штатида мувофиқ, ажратилган маблағлар ҳамда меҳнат ҳақи жамғармаси, олий ўқув юрти ходимларининг сони, лимити ва лавозим маошлари тариф еткази доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- профессор - ўқитувчилар таркиби киритилган, олий ўқув юрти ходимларининг штат бирлигини тасдиқлаш ҳамда лавозим маошларини белгилаш;
- олий ўқув юрти илмий Кенгашининг тавсиясига биноан факултетларни очиш ёки ёпиш: кундузги ўқув шаклида факултет талабаларининг сони 150 гача бўлган ҳолда 0,5 штат бирлиги ҳажмида, 150 нафардан зиёд бўлганда тўла штат бирлиги ҳажмида, сиртки ўқув шаклида: факултет талабалар сони 300 дан кам бўлмаганда декан лавозимларини (жисмоний шахсларда - бир бирлик, шунингдек белгиланган тартибда декан ўринбосарлари лавозимини) киритиш;
- қуйидаги штатлардан келиб чиққан ҳолда олий ўқув юрти илмий Кенгашининг тавсиясига биноан, кафедраларни ташкил этиш ёки тугатиш, кафедралар таркибида камида 5 нафар ўқитувчи бўлиши ва улардан бири, одатга кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлиши, камида 2 нафари фан номзоди илмий даражасига ёки доцент унвонига эга бўлиши лозим. Жисмоний тарбия, чет тиллар (чет тиллар бўйича ихтисослашмаган олий ўқув юртларида), графика ва чизмачилик, расм ва мусиқа кафедраларида, одатда, камида икки ўқитувчи илмий даража ёки унвонга эга бўлиши лозим;

Олий ўқув юрти ректорига узи ишлаётган олий ўқув юртида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий - методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга руҳсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

38. Олий таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ _____ да олий ўқув

(Олий ўқув юртининг номи)

юрти фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун илмий кенгаш ташкил этилади.

Илмий кенгаш таркибига ректор қиради ва илмий кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар, факултетлар деканлари ҳамда битурувчи кафедралар мудирлари, шунингдек талабалар ва олий ўқув юрти ходимлари касаба қўмитаси вакиллари қиради. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан илмий кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Илмий кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган олий ўқув юрти илмий кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

39. _____ да

(Олий ўқув юртининг номи)

ҳомийлар кенгаши олий ўқув юртини бошқарувчи жамоатчилик органи ташкил этилади ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, маҳаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, жамғарма ва ҳомийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Ҳомийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолият ҳомийлар кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

40. _____ да қасаба уюшмалари ва

(Олий ўқув юртининг номи)

бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини, шунингдек улар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан қасаба уюшмалари ҳамда уларнинг олий ўқув юртида сайланган органлари амалга оширади. Талабалар ва ходимларни ваколат органларининг ҳуқуқлари ва уларга нисбатан олий ўқув юрти маъмуриятининг бурчлари қуйидагилардир:

(ҳуқуқ ва бурчлари саналади)

Амалдаги низомларга мувофиқ _____ да

(Олий ўқув юртнинг номи)

илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар ташкил этилиши мумкин.

Ректорат ва илмий кенгаш ўз фаолиятида олий ўқув юрти жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини кўриб чиқади ва ўз фаолиятида уларни ҳисобга олади.

41. _____ нинг

(Олий ўқув юртнинг номи)

факультетини _____ вазирлиги билан келишилган ҳолда

(ваколатли орган)

ректор томонидан тайинладиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятида олий ўқув юртининг факультети тўғрисидаги Низомга амал қилади.

Факультет тўғрисидаги Низомга мувофиқ факультетда илмий кенгаш ташкил этилади.

Илмий кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантириш ва фаолиятининг тартиби олий ўқув юрти факультетининг илмий кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Кафедра фаолиятига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ танлав асосида олий ўқув юртининг илмий кенгаши томонидан сайладиган мудир раҳбарлик қилади.

Кафедра мудирининг ваколатлари ва кафедра фаолиятининг тартиби олий ўқув юртининг кафедраси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

VI. Молия – хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

42. _____ га ушбу

(Олий ўқув юртнинг номи)

уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкый мажмуалар, олий ўқув юртининг паспортига мувофиқ асбоб -ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

(Олий ўқув юртнинг номи)

фақат Ўзбекистон Республикаси Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва приватизация қилинадиган объектлар қаторига киритилган.

_____ га ажратилган

(Олий ўқув юртининг номи)

ер участкалари олий ўқув юртига муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

43. _____ жисмоний ва юридик

(Олий ўқув юртининг номи)

шахслардан соъга, ҳада ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкый объектларга, олий ўқув юрти фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий

маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинadиган мулккий объектларга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган.

44. _____ мол-мулкни

(Олий ўқув кўрсатиш ҳуқуқи)

ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юрти ўзига бириктирилган мулккий объектларни илмий кенгашнинг розилиги билан сотиб олиш ҳуқуқисиз, жойлардаги ҳокимият органлари томонидан белгиланган нархлардан паст бўлмаган нархда ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳақи сифатида олинган маблағлар таълим жараёнини таъминлаш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади, шунинг учун ҳам у солиқ ва маҳаллий бюджет тўловлардан озод этилади.

45. _____ нинг

(Олий ўқув юртнинг номи)

таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган маблағлар, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов - шартнома асосидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

46. _____ олий ўқув

(Олий ўқув юртининг номи)

юртининг асосий фаолиятига зарар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Олий ўқув юрти шуғулланadиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Олий ўқув юрти ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав жамғармасида қатнашиш, пуллик таълим хизматлари, консалтинглар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш; солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган ва бошқа мажбурий тўловлардан сўнг, қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Олий ўқув юртнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишни бюджетдан ажратилadиган маблағлар ҳисобидаги таълим фаолияти доирасига ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Олий ўқув юрти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда бу уставга зид бўлмаган шарномаларни тузиш, мажбурийлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

47. _____ да бюджетдан

(Олий ўқув юртининг номи)

лавозим маошлари меҳнат шарномаси (битими) тузилаётганда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. Олий ўқув юрти ходимига лавозим маоши (ставка), ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини олий ўқув юрти мустақил, бюджет ҳисобидан эса, иш ҳақи фонди доирасида, қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда белгилайди.

Белгиланган маошлар аттестация натижасига кўра, фақат уни ошириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

49. _____ олий ўқув

(Олий ўқув юртининг номи)

юртида ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун уларга зарур бўлган хоналарни беради ва тозалашни ташкил этади.

Олий ўқув юрти қошидаги тиббий - санитар муассасасига, шунингдек унинг ҳудудига жойлашган ёки олий ўқув юртининг балансида бўлган ҳамда, талаба, тингловчи ва ходимларга хизмат кўрсатувчи ошхона ва бошқа умумий овқатланиш муассасаларига иситиш, ёритиш ва сув таъминоти билан таъминланган хоналар берилади.

VII. Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон

(Олий ўқув юртининг номи)

Республика олий ва олий таълимдан кейинги таълим соҳаларидаги халқаро ҳамкорлигида куйидаги тариқада қатнашиш ҳуқуқига эга:

- олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарорига биноан хорижий давлатларнинг тегишли ўқув юрти билан бевосита алоқаларни ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорликда факультетлар ташкил этиш;

- талабалар, аспирантлар, докторантлар, педагогик ва илмий ходимлар билан икки томонлама алмашиш дастурида иштирок этиш;
- ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар, шунингдек конгресслар, симпозиумлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- хорижий юридик шахсларнинг буюртмалари бўйича фундаментал ва амалий - илмий тадқиқотларни, шунингдек тажриба-канструкторлик ишларини амалга ошириш;
- олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълимни такомиллаштириш халқаро дастурларида иштирок этиш.

50. _____ да чет эл

(Олий ўқув юртининг номи)

фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқув юрти илмий - педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий - тадқиқотчилик ишлари давлатлараор органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

қонунчилигига муфовиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

51. _____ қуйидаги

(Олий ўқув юртининг номи)

ҳуқуқларга эга:

- халқаро нодавлат ташкилотларга кириш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари деб қаралиши мумкин бўлмаган, хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги фаолият тўғрисида шартномалар тузиш;

Хорижий шериклар иштирокида олий ўқув юртининг таркибий бўлинмалар (марказлар, лабораториялар, техник саройлар ва бошқа бўлинмалар)ни ташкил этиш.

52. _____ Ўзбекистон

(Олий ўқув юртининг номи)

Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ушбу уставга назарда тутилган ва «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги қонунларга белгиланган вазифаларни бажаришга, шунингдек халқаро алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган ташқи иқтисодий фаолият билан шўғулланиш ҳуқуқига эга.

53. _____ нинг

(Олий ўқув юртининг номи)

ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган валюта, моддий тушумлари амалдаги қонунчиликка биноан, унинг уставида белгиланган фаолияти тامينлаш учун ишлатилади.

VIII Яқуний қоидалар

54. _____ Ўзбекистон

(Олий ўқув юртининг номи)

Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавоб беради:

- унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлигини;
- ўқув жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;
- таълим жараёни вақтида олий ўқув юртида таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиги;
- таълим олувчилар ва олий ўқув юрти ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларнинг бузилганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар учун.

55. Ушбу Уставга ўзгартиришлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

П Р И К А З

МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПОЛОЖЕНИЯ О ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ»

ВСТУПАЕТ В СИЛУ С 9 ЯНВАРЯ 2003 ГОДА

Во исполнение постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 августа 2001 года № 343 «Об утверждении государственных образовательных стандартов высшего образования» в целях обеспечения нормативно-правовыми актами высшей школы

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Утвердить прилагаемое Положение «О высшем образовании».
2. Главному управлению высшего образования (Б.Рахимов) совместно с главным юрисконсульту министерства (Р.Сулейманова) в десятидневный срок со дня регистрации в Министерстве юстиции провести

семинар по реализации положений данного нормативного акта в высших образовательных учреждениях и обеспечить его рассылку.

3. Настоящий приказ вступает в силу по истечении десяти дней с момента государственной регистрации в Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

4. Со дня вступления в силу настоящего приказа Положение «О высшем образовании», утвержденное приказом Министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан от 30 октября 1998 года № 305 отменяется.

5. Контроль за исполнением настоящего приказа оставляю за собой.

ПОЛОЖЕНИЕ о высшем образовании

1. Общие положения

1. Высшее образование является самостоятельным видом системы непрерывного образования и осуществляется в высших образовательных учреждениях на базе общего среднего (11 классов) и среднего специального, профессионального образования в соответствии с законами Республики Узбекистан «Об образовании» и «О Национальной программе по подготовке кадров».

2. Высшее образовательное учреждение является юридическим лицом, реализующим образовательные программы высшего образования, создается в порядке, установленном Кабинетом Министров Республики Узбекистан и действует на основании своего Устава и настоящего Положения.

Устав высшего образовательного учреждения разрабатывается в установленном порядке, утверждается уполномоченным государственным органом по управлению высшим образованием и регистрируется в органах исполнительной власти на местах.

3. Государственная политика в области высшего образования включает следующие принципы:

- подготовка высококвалифицированных кадров на основе идеи национальной независимости;
- гуманистический, демократический характер обучения и воспитания;
- непрерывность и преемственность общего среднего, среднего специального, профессионального, высшего и послевузовского образования;
- светский характер системы образования;
- общедоступность образования в пределах государственных образовательных стандартов;
- единство и дифференцированность подхода к выбору программ обучения;
- поощрение образованности и таланта;
- сочетание государственного и общественного управления в системе высшего образования;
- интеграцию высшего образования, науки и производства.

4. Лицам, проживающим в Республики Узбекистан, предоставляется право свободного выбора языка обучения. Республика Узбекистан обеспечивает получение высшего образования на государственном языке, а также на других языках.

5. Прием в высшие образовательные учреждения осуществляется на основе изучения маркетинговых исследований потребности кадров по государственным грантам и на платно-контрактно и основе. Оценка уровня знаний абитуриентов производится по результатам тестовых и других видов испытаний в соответствии с установленными Кабинетом Министров Республики Узбекистан Правилами приема в высшие образовательные учреждения.

6. Использование кадров, получивших высшее образование на основе государственных грантов, производится с учетом соблюдения государственных интересов и гражданских прав выпускников.

7. Граждане вправе получать второе и последующее высшее образование на платно-контрактной основе.

II. Цель и задачи высшего образования

8. Целью высшего образования является подготовка с учетом перспектив развития страны конкурентоспособных высококвалифицированных кадров с высокими духовно-нравственными качествами, способных к самостоятельному мышлению и обеспечению прогрессивного научно-технического, социально-экономического и культурного развития общества.

9. Основными задачами высшего образования являются:

12.2. Олий ўқув юртида раҳбар лавозимга тавсия этиладиган кадрлар ўз касб-корининг чинакам устаси, шу ишнинг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўла оладиган, она юртини чин қалбидан севадиган ва унинг тинчлиги тўғрисида доимо қайғурадиган, фидоий инсон бўлишига алоҳида эътибор берилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

«Об организации Управления развития информационных технологий и дистанционного обучения в образовательных учреждениях» из

ПРИКАЗа

Министерства высшего и среднего специального образования

№129 от 1 июня 2001 года

Во исполнение постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23.05.2001 г. «О мерах по организации разработки Программы развития компьютерных и информационных технологий на 2001-2005 годы, обеспечения широкого доступа к международным информационным системам «Интернет», реализация Национальной программы по подготовке кадров в части

внедрения информационных технологий и дистанционного обучения в учебный процесс образовательных учреждений

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Создать в составе Центра маркетинговой службы Минвуза Республики Узбекистан Управление развития информационных

технологий и дистанционного обучения в образовательных учреждениях (УРИТДООУ) в количестве 12 штатных единиц.

3. Утвердить Положение об управлении РИТДООУ.

5. Основными функциями УРИТДООУ считать:

Широкое внедрение современных компьютерных и информационных технологий и дистанционного обучения в учебный процесс профессиональных колледжей, академических лицеев и высших учебных заведений.

Повышение уровня организации

подготовки в высших и средних специальных профессиональных образовательных учреждениях республики высококвалифицированных специалистов по современным компьютерным и информационным технологиям.

Обеспечение широкого доступа образовательных учреждений к международным информационным сетям, включая «Интернет», другим официальным материалам, освещающим конъюктуру рынка труда и образовательных услуг с целью расширения международного маркетинга образования.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий ва ўрта махсус таълим мактаб муаммолари институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 22 декабр 319а-сонли БУЙРУГИ

Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асососий йўналишларидан бири таълим жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан боғланишини ташкил этишдир. Педагогик ҳамда илмий фаолиятларнинг яхлитлигини таъминлаш ва шу асосда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, талаба ёшлар илмий фаолиятини ривожлантиришга имкон беради.

“Олий таълим муаммолари бўйича устувор тадқиқотлар ҳақида”ги вазирлик Ҳайъатининг қарорини бажариш, жаҳон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш бўйича таълим тизимини ислоҳ қилишда бошқарув органлари ҳамда таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (ОЎМММИ) таркибида муаммоли лаборатория ташкил этилсин.

Муаммоли лаборатория Низоми ва тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Муаммоли лабораториянинг асосий вазифаларига қуйидагилар киритилсин:

- ўқув - тарбиявий жараёни такомиллаштириш масалалари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш;

- олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида олти борилаётган ислохотларнинг амалга оширилишини ахс эттирувчи кўрсаткичларни жорий қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

- рақобатбардош кадрларни тайёрлаш бўйича-

янги таълим технологияларини тажриба-синовдан ўтказиш.

Олий таълим соҳасидаги тадқиқотларнинг республика мувофиқлаштирувчиси этиб ОЎМММИ белгилансин.

5. ОТМ ректорларига:

5.1. (ОЎМММИ) билан келишган ҳолда 2004 ўқув йили ва ундан кейинги йилларга режалаштирилаётган тадбирлар қаторига тасдиқланган олий таълим муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш киритилсин.

Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказилиши илмий кенгашларда мунтазам равишда муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Тадқиқот натижалари ҳақида маълумотлар ОЎМММИга белгиланган тартибда (бир йилда 2 марта) тақдим этлсин.

6. Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик кадрлар бош бошқармаси (Ш. О. Бўтаев)га:

6.1. ОЎМММИ буюртмасига асосан Фан ва Технологиялар маркази (ФТМ)дан олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишлари учун давлат грантлари ажратиш ҳақида таклифлар киритиш топширилсин.

6.2. Ўзбекистон Республикаси ОАКига ОЎМММИ таркибига олий таълим муаммолари бўйича диссертация ҳимояси ўтказиладиган ихтисослашган илмий кенгашни очиш ҳақида таклиф киритиш юклатилсин.

6.3. ОЎМММИда аспирантура очиш таклифини қўллаб-қувватлаш ва ФТМга тегишли таклиф киритиш топширилсин.

7. ОЎМММИ (Раҳимов Б. Ҳ)га

7.1. Олий таълим муаммолари бўйича тадқи-

қотлар амалга оширилиши мониторинги яратилсин.

Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқотлар тажриба-синовдан ўтказиш мақсадида ОУМММИ га 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб таълимни бошқариш (турлари бўйича)-5A340205, Ижтимоий менежмент (олий таълим)-5A340203 ва Маркетинг (таълим соҳаси)-5A340301 мутахассисликлари бўйича ўқитишнинг янги технологиялари асосида ҳар йили 10 нафардан магистрантни таёрлашга рухсат берилсин.

Иқтисод инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (Алёхина В. В.) қабул кўрсаткичларини ишлаб чиқишда 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб, ОУМММИда магистрлар тайёрлаш учун квота ажратилиши назарда тутилсин.

Мониторинг бўлими (Ходжаева М. А.) жорий қилинган тартибда вазирлик Ҳайъатининг "Олий таълим муаммолари бўйича устувор тадқиқотлари ҳақида"ги қарори бажарилиши бўйича ахборот йиғсин ва уни таҳлил этсин.

Мазкур буйруқ бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ўзлуksиз таълим тизимининг муаммоли лабораторияси тўғрисида

НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ўзлуksиз таълим тизимининг муаммоли лабораторияси (бундан буён матнда «Муаммоли лаборатория») Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг тадқиқот-тажриба бўлими ҳисобланади ва у кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самарали бажарилишини таъминлаш бўйича йирик тадқиқот ишларини ўтказиш мақсадида ташкил қилинган.

1.2. Муаммоли лаборатория ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва ҳайъат қарорлари, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Устави ҳамда мазкур Низом асосида олиб борилади.

1.3. Муаммоли лаборатория ўзлуksиз таълим тизими сифатини такомиллаштиришга, муаммоларини ҳал этишга, унинг йўналтирилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган тематик режасига кўра тадқиқотлар олиб боради.

1.4. Муаммоли лабораторияда тадқиқотлар Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технология Маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Фанлар Академияси билан келишилган ҳолда олиб борилади.

II. Ҳуқуқий мақоми

2.1. Муаммоли лаборатория юридик шахс ҳисобланмайди. Ўз фаолиятини Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти номидан юритади.

2.2. Муаммоли лаборатория Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти томонидан берилган ваколатлар доирасида шартномалар тузиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин.

2.3. Муаммоли лаборатория ўзбек, рус ва инглиз тилларида қуйидагича номланади:

Ўзлуksиз таълим тизимининг муаммоли лабораторияси. Проблемная лаборатория системы непрерывного образования. The laboratory of problems of the continuous education system. Манзил: Тошкент ш. Пахтакор кўчаси, 3 уй.

III. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Муаммоли лаборатория олий таълим муаммолари бўйича қуйидаги йўналишларни қамраб олган тадқиқотларни олиб боради:

- XXI асрда олий таълим миссияси;
- шахс, жамият, давлат, иқтисод ва олий таълимнинг комплекс ўзаро таъсири;
- олий таълим: муаммолар ва имкониятлар;
- кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- катта ёшдагилар таълими;
- масофавий таълим;
- олий таълимнинг сифати ва рақобатбардошлиги;
- ўқув жараёнининг услубий ва ахборот ресурслари;
- олий таълим-ишлаб чиқариш-фан интеграцияси;
- ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим интеграцияси;
- олий таълимнинг моддий-техник таъминоти;
- олий таълим педагогикаси;
- олий таълим психологияси;
- олий таълим иқтисоди ва молиялаштириш;
- олий таълим субъектларининг ижтимоий таъминоти ва саломатлиги.

3.2. Муаммоли лаборатория қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган (жорий этиш, рўбга чиқариш, дастурий таъминот, сервис хизмати кўрсатиш ва ш.к.) Муваққат меҳнат жамоаси, келишув ва шартномалар асосида илмий-амалий фаолият олиб бориш;

– педагогик ва инфор­мацион технологиялар, компьютерлаштириш, автоматлаштириш соҳаларида мутахассисларни ўқитиш;

– электрон ўқув-услубий мажмуаларни дастурлаш ва яратиш;

– малака ошириш курси, тайёрлов курсларини очиш ва амалда бажариш;

– мамлакатимизда ва хорижда таълим хизматларини кўрсатиш;

– иқтисодиёт тармоқлари учун янги техника намуналари ва янги материаллар яратиш;

– тугалланган тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда консалтинг фаолиятини олиб бориш;

– таълим муассасаси ва бошқалар буюртмаси бўйича аудит хизматини кўрсатиш;

– илмий ва ўқув-услубий ишланмаларни чоп этиш;

– Ўзбекистан Республикаси қонунчили­гига зид бўлмаган бошқа фаолиятлар олиб бориш;

– халқаро ҳамкорлик доирасида ишларни бажариш;

– олий таълим муассасаларида ўз филиалларини очиш.

3.3. Тадқиқот ишлари йиллик режаси ва тугалланган тадқиқот иши натижаларини жорий қилиш бўйича таклифлар Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

3.4. Муаммоли лабораторияда тадқиқот ишлар муаммоли лаборатория ва унинг филиали штатидаги ходимлари; Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ходимлари; Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркиби, талаба ва аспирантлардан тузилган Муваққат меҳнат жамоаси томонидан олиб борилади.

3.5. Муваққат меҳнат жамоаси фаолияти, хўжалик шартнома асосида илмий текшириш ишларини бажариш ва жорий қилиш буюртмачи билан тузилган шартнома шартлари негизда белгиланади.

3.6. Муаммоли лаборатория тугалланган тадқиқот иши мавзулари бўйича ҳисоботларни Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг илмий кенгаши тасдиқлагандан сўнг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига топширилади.

IV. Муаммоли лабораторияни молиялаштириш ва моддий-техник таъминоти

4.1. Муаммоли лаборатория маблағлари куйидагилардан ташкил топади:

– олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги орқали Фан техника маркази томонидан давлат бюджетидан ажратилган махсус топшириқ ва вазифаларни бажаришга ажратилган лимит ва мақсадли маблағлар;

– танлов асосида ютиб олинган хорижий ва бошқа грант маблағлари;

– хўжалик шартномаси асосидаги илмий тадқиқот ишлари бўйича буюртмачилардан тушадиган маблағ ва лимитлар;

– юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фондлар томонидан муаммоли лаборатория ходимларининг ижтимоий ҳимояси ва моддий техника базасини кенгайтиришга ажратиладиган ҳомийлик маблағлари;

– қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбаалар маблағи.

4.2. Муаммоли лабораторияни молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоботини юритиш Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг ҳисоб бўлими орқали амалга оширилади.

V. Фаолиятни бошқариш.

5.1. Муаммоли лабораторияни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори томонидан тайинланган илмий раҳбар (одатда фан доктори) бошқаради.

4.2. Муаммоли лабораториянинг илмий раҳбари:

– лабораториянинг барча фаолиятига раҳбарлик қилади ва тадқиқот ишлари натижалари ҳамда ҳолати учун жавобгардир;

– Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти кенгаши ва директорига тадқиқот фаолияти режасини муҳокама учун тақдим этади, тадқиқот фаолиятини ташкил қилади ва бажарилишини бошқаради;

– бажарилган тадқиқот ишларини таълим жараёнига жорий қилиш ва унинг апробацияси бўйича муаллифлик назоратини ташкил қилади;

– муаммоли лабораториянинг моддий ресурсларига тасдиқланган режа ва смета доирасида эгаллик қилади;

– муаммоли лабораторияда магистр, аспирант ва тадқиқотчиларни тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилади;

– муаммоли лаборатория фаолиятини ташкиллаштиришга тегишли таклифларни Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директорига тасдиқлашга тақдим этади.

VI. Якуний қисм

6.1. Муаммоли лабораторияни очиш, қайта ташкил қилиш ва ёпиш тўғрисидаги қарор Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинади.

ҚАРОРИ

4. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Д.Жонбоев)га:

4.1. Олий техника таълими Концепциясининг лойихаси бўйича келиб тушган таклиф-мулоҳазаларни жамлаш, таҳлил этиш ва Концепция лойихасига тегишли тузатишлар киритиш топширилсин.

4.2. Концепциянинг якуний таҳририни тасдиққа киритиш ва Вазирлар Маҳкамасига келишув учун тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

5. Кадрлар ва илм-фан Бош бошқармаси (Ш.О.Бўтаев)га:

5.1. Техника соҳаларида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқотларини замонавий ва долзарб муаммолар ечимига қаратишни таъминлаш тоширилсин.

5.2. Техника ва технология ихтисосликлари бўйича аспирантурага қабул қилиш режаларининг бажарилишини ва диссертациялар ҳимояларини алоҳида назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

5.3. Илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда Халқаро ҳамкорлик кучайтирилсин, Россия ва Европада аспирантларни мақсадли тайёрлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилсин.

6. Ташқи алоқалар Бош бошқармаси (Д.Расулев)га:

6.1. Республика олий таълим муассасаларига турдош соҳалар бўйича кадрлар тайёрловчи хорижий таълим муассасалари билан алоқа боғлашларига амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

6.2. Хорижий таълим муассасалари билан талабалар алмашуви бўйича тузиладиган шартнома ёки битимларда техника йўналиши ва мутахассисликлари учун квоталарни

кўпайтиришни ҳисобга олиш вазифаси юклатилсин.

6.3. Техникага оид Халқаро ва хорижий илмий лойиҳалар ва грантлар бўйича ахборотларни тўплаш ва мунтазам равишда олий таълим муассасаларига етказиш топширилсин.

7. Маркетинг хизмати маркази (А.Маманзаров)га: техника ва технология соҳаларидаги корхоналарнинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжлари алоҳида таҳлил этилсин, уларда жаҳон техника ва технология ривожининг 5-10 йиллик истиқболи инобатга олинсин.

8. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (В.В.Алехина)га:

8.1. Техника олий таълим муассасаларининг бюджетлари ва сметаларига мувофиқ таълим жараёнини моддий-техника таъминотини (дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари, лаборатория анжомлари, дарс ўтишининг техник воситалари, кутубхона жиҳозлари ва ҳужжатлари) кучайтиришга қаратилган харажатларнинг бажарилиши назоратга олинсин.

8.2. Олий таълим муассасаларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик молиявий ҳисоботларида актив (дарсликлар яратиш, нашр қилиш, малака ошириш, ўқитишнинг техник воситалари, лаборатория анжомлари ва ускуналари, тарқатма материаллар, дастурлар, компьютер дастурлари, дискеталар) ва пассив (биноларнинг қиммат баҳо ашёлар билан таъмирланиши, мебеллар, гилам-поёндозлар, люстралар, паннолар, юбилейлар, зиёфатлар ва бошқа дабдабали тadbирлар) харажатлар нисбатлари талаб қилинсин ва ҳайъат мажлисига етказилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш тўғрисида»ги
2004 йил 2 март 48 сонли

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2003 йил 11 декабрдаги ҳамда 2004 йил 7 февралдаги ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси раҳбари котибияти мудирининг 2004 йил 23 феврал 07-1-20 сонли топшириқ хатини амалга ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида кўрсатиб ўтилган камчиликларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиш, ҳайъат мажлислари муҳокама-

сита лухта тайёрланган ва мавжуд аҳвол танқидий таҳлил этилган долзарб масалаларни кiritиш ҳамда уларнинг ижросини қатъий назоратта олиш вазифалари топширилсин.

1.2. Ҳар бир раҳбар ва ходимнинг 2004 йил 1-ярим йиллиги бўйича шахсий иш режаси тузилсин ва бир ҳафта муддатда тасдиққа тақдим этилсин.

1.3. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарорининг бажарилишини танқидий таҳлил этиш ва мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг тўла бажарилиши таъминлансин.

1.4. 2004 йилнинг 15 мартига қадар бошқарма ва бўлимларнинг тегишли маълумотлар бўйича архив базаси ташкил этилсин ва уни йилнинг ҳар чорагида янгилаб туриш амалга оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.Каримов)га:

2.1. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари касбий малака даражасини аниқловчи ягона кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва унинг асосида ҳар ўқув йили якунида профессор-ўқитувчилар рейтингини ҳолисона аниқлаш ва эълон қилиш, шунингдек, рейтинг натижалари бўйича профессор-ўқитувчиларни табақалаштирилган ҳолда моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида зарурий меъёрий ҳужжатлар лойиҳасини топширилсин.

2.2. Бир ой муддатда, ўқув жараёни сифатини мунтазам равишда ошириш учун, ўқув йили давомида олий таълим муассасаларидаги профессор ва доцент илмий унвонларига эга бўлган педагогларнинг очиқ маърузаларини ўтказиш ташкил этилсин. Очиқ маърузаларни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилсин ва олий таълим муассасаларига етказилсин.

2.3. Бир ой муддатда, Давлат тест маркази билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини оператив ташқи назоратини (давлат аттестациясидан ташқари) ўтказиш ва уни амалга ошириш тартиби, шакли ва жадвалини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

3.1. Ишлар бошқармаси (И.Йўлдашев) билан биргаликда 2004 йилнинг 1 мартдан

бошлаб, Вазирликнинг бошқарма ва бўлимларига тегишли маълумотларнинг архив базасини яратиш ва уни йилнинг ҳар чорагида янгилаб туриш бўйича ташкилий, техникавий ва услубий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

3.2. Мониторинг бўлими (М.А.Хўжаева) билан биргаликда Вазирликда йиғилган маълумотларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқилсин.

3.3. Олий таълим тизими маълумотлар базасини ўз таркибига олувчи Автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш бўйича техникавий топшириқ ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ фаолиятини мувофиқлаштириш ва мазкур гуруҳга амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

4. Мониторинг бўлими (М.А.Хўжаева)га:

4.1. Вазирлик фаолиятига доир маълумотларнинг электрон базаси яратилсин. Маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланишда қуйидаги босқичлар ҳисобга олинсин:

- маълумотлар базасини яратиш мақсади, юритиш ва фойдаланиш тартибини аниқ белгилаш;

- кўрсаткич ва маълумотларни гуруҳларга бўлиш, уларнинг тақдим этилиш шакли ва тузилишини белгилаб бериш (маълумотнома, жадвал, диаграмма ва бошқа шакллар);

- ахборот манбаларини аниқлаш;

- маълумотлар базасини мунтазам янгилаб бориш учун, масъул шахсларни белгилаш;

- ахборотларни йиғиш механизминини ишлаб чиқиш (модем, электрон почта, дискеталар ва бошқалар);

- маълумотларни мунтазам ва тизимли сақланишини таъминлаш.

5. Олий таълим муассасалари ректорларига:

5.1. Вазирликнинг 2004 йил 20 февралдаги «Талабаларни Интернет тармоғида ишлашга ўргатиш тўғрисида»ги 38 сонли буйруғининг бажарилиш ҳолати назоратга олинсин.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳукумат мажлисларида сўзлаган нутқларида белгиланган дастурий вазифаларни бажариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва унинг бажарилиши қатъий назоратга олинсин.

6. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюп ўзиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг «Олий таълим муассасаларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини такомиллаштириш тўғрисида 2004 йил 30 март 85 сонли БУЙРУҒИ

Олий таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошириш мониторингини янгилаш шакллантириш ва такомиллаш-тириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. «Ўзбекистон Республикаси олий

таълимнинг сифат кўрсаткичлари (тақдлий кўриниш)» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасаларидан олинган таълим сифат кўрсаткичларини тақдир этиб бориш ва умумлаштириш вазифаси ОМММИ (Б. Раҳимов) ва Мониторинг бўлими (М. Хужаева) ларга юклатилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

3.1. Олий таълимнинг сифат кўрсаткичлари

асосида олий таълим муассасасининг доимий статистик маълумотлар банки яратилсин.

3.2. Ҳар йили ноябр ойида Вазирликнинг Мониторинг бўлимига тасдиқланган жадваллар тақдим этилиши таъминлансин.

3.3. Аниқ маълумотлар сифатли ва ўз вақтида топширилиш масъулияти шахсан ректор зиммасида эканлиги белгилаб қуйилсин.

4. Мазкур буйруқни бажарилиш назоратини ўз зиммамда қолдираман.

3. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртлари ректорларининг Республика ва Минтақавий Кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 22 апрел 101 сонли

Б У Й Р У Қ И

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тўғрисида»ги Қонунларини бевосита бажарилишини ҳамда Республика ва минтақаларнинг истиқболлий ривожланишини назарда тутган ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг аниқ ва равшан дастурларини тузиш ва уларни босқичма-босқич амалга оширишни таъминлаш, шунингдек олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳатларни барча олий ўқув юртлари фаолиятида бир тарзда татбиқ этиш ва таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро узвийлигини янада такомиллаштириш ва шу тариқа олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалардан юқори малакали, рақобатбардош ва атрофлича камол топган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида

Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши тўғрисида

НИЗОМ

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши (бундан буён матнда Республика кенгаши деб юритилади) олий ўқув юртлари фаолиятини энг мақбул тарзда мувофиқлаштириб бориш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалиётга жорий этиш, олий ўқув юртларининг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида ташкил қилинади.

2. Республика кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва фармойишлари, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари, ушбу Низом ва бошқа норматив ҳужжатларга амал қилади.

3. Республика кенгашининг асосий мақсади ва вазифалари:

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг Республика ва Минтақавий Кенгашларининг таркиблари ва Низомлари 1 ва 2 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Ҳокимликларидан Минтақавий ректорлар Кенгашларининг фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин.

3. Олий ўқув юртлари ректорларининг Республика ва Минтақавий Кенгашлари фаолиятининг йиллик ҳисоботлари Вазирлик Ҳайъати мажлисларида муҳокама этилсин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

3.1. Республика кенгашининг асосий мақсади:

Республика кенгашининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури»ни амалга ошириш мақсадида олий ўқув юртлари фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўқув жараёнларини, маънавият ва маърифат ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларини «Устоз» жамғармаси орқали малакаларини ошириш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этишнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва тарқатиш, ҳамда иқтидорли талабаларни «Умид» жамғармаси орқали чет элларга ўқишга юбориш, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига жорий қилиш, Республика ривож учун рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш.

3.2. Республика кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

3.2.1. Ўзбекистон Республикасида олий таълимни янада раванқ топтириш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва юқори органлар муҳофазасига киритиш ҳамда ўз ваколат доирасида ушбу Низомда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш;

3.2.2. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан олий ўқув юртларининг ўзaro ўрганиш ва тажриба алмашиш ишларини ташкил этиш, ҳамда илғор тажриба ва ибратли ташаббусларини республика миқёсида кенг ёйиш;

3.2.3. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур талабларига риоя қилган ҳолда таъминлаш.

3.2.4. Касб-хунар коллежларга патронат қилишни таъминлаш.

4. Республика кенгаши ўз олдига қўйилган мақсадларга мувофиқ равишда:

4.1. Республика халқ ҳўжалигининг мутахассисларга бўлган талабларини инобатга олиб, ёшларни касбга йўналтириш ишлари самарадорлиги ва савиясини ўстиришда, олий ўқув юртларининг ўзaro ҳамкорлик усуллари-дан фойдаланиб, олий ўқув юртларига иқтидорли талабалар қабул қилишга қаратилган фаолиятини изчил амалга оширади.

4.2. Таълим сифатини яхшилаш, ўқитишнинг илғор усуллари ва воситаларини жорий этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан талаб даражасида фойдаланишда олий ўқув юртларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан алоқасини мустахкамлаш борасидаги ижобий тажрибаларни аниқлаш ва кенг ёйишда кўмаклашади.

4.3. Олий ўқув юртлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш асосида ўқитувчилар малакаси ва касб маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштиришда ёрдам беради ва бу ишга тажрибали педагог кадрлар, таниқли олимлар, мутахассислар, раҳбар ходимлар ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларини жалб этишда кўмаклашади, илмий-педагог кадрларни жойлаштириш ва улардан талаб даражасида фойдаланиш масалаларини мукамаллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлашда иштирок этади.

4.4. Олий ўқув юртлари маблағларини ва моддий-техник ресурсларини бирлаштириш, олий ўқув юртлари ҳамкорлигининг илғор шаклларини ривожлантириш асосида фаннинг муҳим йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ва сифатини оширишга, фанни ўқув жараёни билан узвий бириктиришга, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга кўмак берувчи олий ўқув юртлараро

марказлар ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолиятни амалга оширади.

4.5. Олий мактабнинг долзарб масалалари, ҳамда республика олий ўқув юртларида хорижлик талаба, аспирант ва тажриба орттирувчи тадқиқотчиларни ўқитиш муаммолари бўйича хорижий давлатлар олий ўқув юртлари билан алоқаларни мустахкамлашга кўмаклашади.

4.6. Талабаларнинг яшаш ва маиший шароитини, уларга маданий ва тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга, олий ўқув юртларининг соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришга ёрдам беради; олий ўқув юртларининг олий ўқув юртлараро ўқув-моддий негизини, шу жумладан ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва яшаш, ҳамда маиший хизматга мўлжалланган негизларни ривожлантириш ва мустахкамлашга қаратилган ҳаракатларини бирлаштиради ва мувофиқлаштиради.

5. Республика кенгаши таркибига республика олий ўқув юртлари ректорлари, тегишли йирик корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари кирдилад.

Республика кенгаши таркиби Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъати томонидан 5 йиллик муддатга тасдиқланади.

6. Республика кенгаши фаолиятига Кенгашининг умумий мажлисида тасдиқланган режага мувофиқ раис раҳбарлик қилади. Жорий ишларни олиб бориш ва ҳужжатларни расмийлаштириш учун раис тажрибали илмий-педагог ходимлардан Ректорлар кенгаши котибиятини тайинлайди.

7. Ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун, Республика кенгаши раёсати фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича шуъбалар, турдош кафедралар, ўқитувчиларнинг илмий-услубий кенгашлари каби жамоатчилик асосида ишчи органлари тузиши мумкин.

Ишчи органларининг таркиби, вазифа ҳамда ваколатлари, режа ва дастурлари, шунингдек, фаолият юзасидан ҳисоботлари Республика Кенгашининг умумий мажлисида тасдиқланади.

8. Республика кенгашининг алоҳида маъмурий аппарати бўлмайди. Кенгаш ўз аъзолари – олий ўқув юртлари ректорлари ўртасидаги фаолият турлари тақсимотини ҳисобга олган ҳолда, Кенгаш таркибига кирувчи олий ўқув юртлари негизиде ишлайди.

9. Республика кенгаши ўз иши ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ва унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғига ҳисобот беради.

Ўқув йилида қилинган ишлар юзасидан ҳар йили 15 июлгача ҳисобот берилади.

**Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий
кенгаши тўғрисида
Н И З О М**

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши (бундан буён матнда Минтақавий кенгаш деб юритилади) олий ўқув юртлари фаолиятини энг мақбул тарзда мувофиқлаштириб бориш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга жорий этиш, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ижобий тажрибасини умумлаштириш ва кенг ёйиш, тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишларини яхшилаш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва ташқи алоқаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

2. Минтақавий Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, фармойиш ва кўрсатмаларига, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарор ва буйруқларига, ушбу Низом ва бошқа норматив ҳужжатларга асосланиб иш юритади.

3. Минтақавий кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

3.1. Минтақа олий ўқув юртларида олий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва улар белгиланган тартибда маъқулланганидан кейин амалиётга жорий этиш.

3.2. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан олий ўқув юртларини ўзаро ўрганиш ва ижобий тажриба алмашиш ишларини ташкил қилиш, ҳамда илғор тажриба ва ибратли ташаббусларни республика миқёсида кенг ёйиш.

4. Минтақавий кенгаш ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ:

4.1. Минтақа бўйича халқ хўжалигининг мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртлари талабаларини комплекшлашни яхшилашга, ёшларнинг касб танлаш даражаси ва самародорлигини ошириш, курс ишларини такомиллаштиришга йўналтирилган фаолиятни амалга оширади, шу мақсадда олий ўқув юртлараро ҳамкорлик усулларида фойдаланади.

4.2. Таълим сифатини яхшилаш, ўқитишнинг илғор усуллари ва воситаларини жорий этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан талаб даражасида фойдаланишда олий ўқув юртларининг корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлаш юзасидан саъи-ҳаракатларини бирлаштираётган олий ўқув юртларининг ижобий тажрибасини аниқлаш ва кенг ёйишда кўмаклашади.

4.3. Минтақадаги олий ўқув юртлари фаолиятини талаба ёшлар билан олиб борилаётган маънавий ва маърифат ишларидаги ижобий тажрибани алмашиш, ижтимоий фанларни ўқитишнинг энг яхши усуллари ривожлантириш сари йўналтиради.

4.4. Олий ўқув юртларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш асосида ўқитувчиларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ишга тажрибали педагог кадрларни, таниқли олимлар, мутахассислар, раҳбар ходимлар ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларини жалб этишда кўмаклашади, илмий-педагог кадрларни жойлаштириш ва улардан талаб даражасида фойдаланиш юзасидан таклифлар тайёрлашда иштирок этади.

4.5. Илмий-тадқиқот ишлари сифати ва самарадорлигини оширишда олий ўқув юртларининг моддий техника ресурсларидан, фаннинг устувор йўналишидаги, олий ўқув юртлараро илғор усуллари ривожлантириш асосида фан ва ўқув жараёнини бирлаштирган ҳолда фойдаланишга ҳаракат қилади, амалий натижаларга эришмоқ учун олий ўқув юртлараро марказлар имкониятларидан кенг фойдаланиш чораларини кўради.

4.6. «Умид» жамғармаси орқали чет элларда талабалар, аспирант ва стажёрларни ўқитиш, олий мактаб муаммолари бўйича хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

4.7. Талабаларнинг яшаш шароитини, уларга маданий ва тиббий хизмат кўрсатишни, оммавий соғломлаштириш ва спорт ишларининг ўқув-моддий базасини, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот негизлари билан таъминланиш шароитини яхшилашга имкон яратади.

5. Минтақавий кенгаш таркибига олий ўқув юртларининг ректори, профессор-ўқитувчилари, тегишли йирик корхона, муассаса, ва ташкилотларнинг раҳбарлари киритилади.

Минтақавий кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан 5 йиллик муддатга тасдиқланади.

6. Минтақавий кенгаш илмий-педагогик тажрибага эга бўлган, тегишли режани амалга ошириш учун йул кўрсата оладиган, кенгаш раиси раҳбарлигида иш олиб боради.

7. Минтақавий кенгаш зиммадаги вазифаларни ҳал этиш учун: Кенгаш Раёсати, фаолиятнинг асосий йўналиши бўйича ҳайъат, мутахассислигига яқин кафедра ўқитувчиларининг илмий-услубий кенгаши сингари

жамоатчилик асосида ишчи органлар тузиши мумкин.

Ишчи органларнинг вазифалари, режалари ва таркиби, шунингдек қилинган ишлар юзасидан ҳисоботлари Минтақавий кенгашнинг ялпи мажлисида тасдиқланади.

8. Минтақавий кенгашнинг алоҳида маъмурий аппарати бўлмайди. Кенгаш ўз аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаган ҳолда иш олиб боради.

9. Минтақавий кенгашнинг мажлиси сайёр (кўчма) тартибда камида ҳар уч ойда бир марта

ўтказилади. Кенгаш мажлиси ўтказиладиган олий ўқув юртининг ректори шу сайёр (кўчма) мажлисга раислик қилади ва вилоят ривожланиши талабларидан келиб чиқадиган илмий, педагогик кадрлар ва ўз илм даргоҳининг фаолиятига доир масалаларни мажлис муҳокамасига қўяди.

10. Минтақавий кенгаш ўз фаолияти ҳақида Ўзбекистон Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши Раёсатига ҳисобот беради. Ўқув йилида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот ҳар йили 15 июлгача тақдим қилинади.

Олий ўқув юртлари ректорларининг республика Кенгаши шўбаларининг мақсадлари ва асосий вазифалари.

1. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, ўқув жараёнларини такомиллаштириш бўйича билдирилган гоё ва таклифларнинг шўбалар мавзулари мажмуасига тегишли қисмларини олий ўқув юртлари томонидан амалга ошириш тadbир-чораларини ишлаб чиқиш.

2. Олий ўқув юртлари фаолиятига тегишли масалаларни ўрганиб чиқиш ва Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантириш ва тараққий қилдириш концепциясини амалга ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни киритиш.

3. Олий ўқув юртлари олдида турган масалаларни ҳал этиш учун олий ўқув юртлари сазн ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш.

4. Ҳар бир шўба мавзулари мажмуаси бўйича олий ўқув юртлараро тadbирлар тайёрлаш ва ўтказиш (анжуманлар, семинар, танловлар ва ҳоказо).

Шўбалар ишларини ташкил қилиш

1. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши шўбалари «Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши тўғрисидаги Низом»га мувофиқ масалаларни ҳал этиш учун олий мактаб фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузилади.

2. Шўбаларни барпо этиш ва қайта ташкил қилиш, уларнинг фаолиятлари йўналишларини белгилаш ва таркибларини тасдиқлаш Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши раёсати томонидан амалга оширилади.

3. Шўбалар раҳбарияти таркибига шўба раиси, унинг ўринбосари ва илмий котиб кирди.

4. Шўбалар ўз фаолиятида Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши

ягона иш режаси билан мувофиқлаштирилган, белгиланган тартибда тасдиқланган иш режасига амал қилади.

5. Шўба раиси шўба мажлисларини ўтказишни ташкил қилади ва доимий ишчи гуруҳлари раҳбарлари орқали уларнинг ишларига раҳбарликни амалга оширади.

6. Шўба ўзининг иш йўналишига мувофиқ олий мактабнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш учун мунтазам равишда мажлислар ўтказиб туради. Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгашига бериш учун таклифлар ва олий ўқув юртлари учун тавсиялар ишлаб чиқади, заруратга қараб муваққат ишчи гуруҳлари тузади, олий ўқув юртларини режалаштирилган тadbирлар ўтказиши.

7. Шўбанинг барча ташкилий ишларини унинг илмий котиби амалга оширади. Кўрсатилган ишларни бажариш учун котиб ҳафтада бир кун дарс машғулотларидан озод этилади.

8. Барча илмий котиблар Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши қошидаги назорат гуруҳи таркибига кирди.

9. Ўқув жараёнлари ва олий ўқув юртлари моддий-техника базасини такомиллаштириш борасида шўбалар олдида қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ўқув жараёнини Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида такомиллаштириш;

- Мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишни таъминловчи ўқув жараёнларини ташкил этишнинг самарали шаклларини ўрганиш ва кенг ёйиш. Талабаларнинг мустақил равишда самарали ишлаши учун зарур бўлган ўқув жараёнининг қўшимча услубий таъминотини тайёрлаш;

Маърузавий дарслар ўтиш сифатини оширишга қаратилган тadbирларни ўтказиш, энг яхши маърузавий дарс ўтишга эришган ўқитувчилар тажрибасини кенг ёйиш. Ўзбекистон Республикасининг атоқли олимлари ва олий

ўқув юртлири педагогларининг очик маърузавий дарсларини ўтказиш:

- ўқув жараёнини компьютерлаштириш ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини тadbик қилиш, амалий ва тажриба ишлари самарасини ошириш тadbирларини ишлаб чиқиш;

- Иштихон сессиясини, ўқув жараёнини ташкил қилишни, талабалар билимини рейтинг назорати орқали аниқлашни такомиллаштириш.

- Иқтидорли талабаларни саралаш ишларини такомиллаштириш ва «Умид» жамғармаси орқали хорижий давлатларнинг етакчи университетларига юборишга тайёрлаш:

- Олий ўқув юртлараро илмий - услубий семинарлар ўтказиш, услубий ўқув қўлланмалари ва бошқа ўқув адабиётларининг кўргазмаларини ташкил этиш:

- Олий ўқув юртларининг кутубхоналари фаолиятларини мувофиқлаштириш:

- Шаклланаётган бозор иқтисодиёти шароитларини инобатга олиб, ёш мутахассисларнинг тақсимооти ва улардан талаб даражасида фойдаланишни назорат қилиш тadbирларини ишлаб чиқиш:

- Сиртқи таълим тизимида умумтаълим фанларини ўқитиш услубидаги илгор тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш:

- Мамлакатимиз ва хорижий давлат университетларида «Устоз» жамғармаси орқали ўқитувчилар малакасини ошириш, юқори малакали мутахассисларни педагогик ишга жалб қилиш тadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

- Факультетлар ва бўлимларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ишларини мувофиқлаштириш;

- Олий ўқув юртларининг техник таъминотини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

- Янги ўқув-тажриба, асбоб-ускуналарни, ўқитишнинг янги педагогик технология ва техник воситаларини яратиш бўйича илмий-конструкторлик режаларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича олий ўқув юртлири савъҳаракатларини мувофиқлаштириш.

- Олий ўқув юртларидаги капитал қурилиш режаларини кўриб чиқиш.

- Олий ўқув юртлири ректорларининг республика кенгашига капитал қурилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Маънавият ва маърифат ишларини юқори савияда олиб бориш;

- Талабаларни Ватанга садоқатли қилиб тайёрлаш, миллий қадриятларга чуқур эътибор бериш;

- Олий ўқув юртларида бажарилаётган

қурилиш-таъмирлаш ишларининг боришини назорат қилиш;

- Олий ўқув юртларининг вестибюль ва дарсхоналар, махсус ўқув ва тажриба хоналарини эстетик безаш борасида тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

- Олий ўқув юртларининг ўқув-моддий асослари кўрикларини ўтказиш;

- Олий ўқув юртлараро муассасалар, шу жумладан технопаркларни лойиҳалаш ва қуришни ташкил этишда иштирок этиш.

10. Шўъбалар ўз ишларини олий ўқув юртларининг йўналишлари таклифлари асосида олиб боради.

1. Маънавият ва маърифат ишларини такомиллаштириш шўъбаси

Республика олий ўқув юртларида олиб бориладиган маънавият ва маърифат ишларини ўқув жараёни орқали талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида кенг жорий этиш.

Гуманитар фанлар дастурларини мувофиқлигини ўрганиб чиқиш ва таклифлар бериш.

Таълим ва тарбия ишларини юқори савияда ўтказиш ва бу соҳада юқори кўрсаткичларга эришган олий ўқув юртларининг тажрибасини бошқа олий ўқув юртларига тadbик қилиш.

2. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тadbик этиш шўъбаси

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида:

Йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича классификаторни қайта кўриб чиқиш ва Миллий дастур талабларига жавоб берадиган мутахассисликлар рўйхатини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳларни ташкил қилиш ва уларнинг ишини бошқаришда фаол иштирок этиш.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари эгаллайдиган касб-ҳунар йўналишларини белгилаш, уларнинг дастурларини тузиш, таълим муассасаларини жиҳоз ва дастгоҳлар билан таъминланишини ташкил қилишда фаол иштирок этиш.

Таълим йўналишлари бўйича давлат стандартларини қайта ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш.

Намунавий ўқув режа ва дастурларини тузишда фаол иштирок этиш ва уларни ўқув жараёнига тadbик этиш.

3. Академик лицейларининг ўқув стандартларини такомиллаштириш ва тажриба алмашиш шўъбаси

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида Академик

лицейлар давлат стандартларини, намунавий ўқув режаси ва предметлар бўйича намунавий дастурлар тайёрлашда фаол иштирок этиш.

Академик лицейлар ўқитувчиларини қайта тайёрлашда, моддий – лаборатория базаларини ташкил этишда, замонавий ускуналар ва дастгоҳлар билан таъминлашни режалаштириш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш.

4. Малака ошириш ва «Устоз» жамғармаси ишида фаол иштирок этиш шўъбаси

Амалдаги илғор тажрибани ўрганиш ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича ўқув-услубий марказ бўлиб қолган ўқитувчилар малакасини ошириш факультетларининг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Олий ўқув юртларида маърузалар ўқиш ва семинарлар олиб бориш учун юқори малакали хорижий мамлакатлар ўқитувчиларини таклиф этиш;

Профессор-ўқитувчиларни ривожланган хорижий давлатларнинг университетларига малака ошириш ва стажировкаларга «Устоз» жамғармаси орқали юбориш ва жамғарма ишида фаол иштирок этиш

Малака ошириш институтларининг ишларини қайта кўриб чиқиш;

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга ошириш ишларини ташкил қилишда фаол иштирок этиш.

Олий ўқув юртлари ва тармоқ ўқув юртлари малака ошириш тизимларининг халқ хўжалиги ходимлари билимларини узлуксиз янгилаб бориш, уларни фан, техника, маданият ва илғор тажриба ютуқларини ўзлаштиришларига йўналтирилган ишларни мувофиқлаштириш;

Малака ошириш ва халқ хўжалиги кадрларини қайта тайёрлаш тизимида ўқув машгулотларининг илмий-услубий савиясини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

Малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш соҳасида олий ўқув юртларининг корхоналар, турдош корхоналар гуруҳлари, тармоқлар ёки ҳудудий идоралар билан ҳамкорлик тажрибаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимида ишлайдиган ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш.

5. Халқаро алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш шўъбаси

Республика олий ўқув юртлари билан хорижий олий ўқув юртлари ҳамкорлигини ҳамда ўзаро ўқитувчилар ва талабалар билан алмашишни мувофиқлаштириш;

Ривожланаётган давлатлар учун миллий кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш;

Республика олий ўқув юртларини битирган хорижлик мутахассислар билан алоқаларни кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Чет эллик талабалар учун ўқув жараёнини ташкил этиш, уларни ўқитиш услубларидаги ижобий тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Ривожланаётган давлатлар миллий байрамларига бағишланган олий ўқув юртлараро тадбирлар ташкил қилиш;

Хорижлик талабаларни ўқиш ва яшаш шартини яхшилаш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

Чет давлатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик шартномаларини амалга ошириш бўйича ижобий тажрибаларни умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Чет элга хизмат сафарига бориш учун мутахассисларни танлаш ва тайёрлаш;

Чет давлатлар олий ўқув юртлари билан халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш.

6. Бюджетдан ташқари маблағдан самарали фойдаланиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш, талабалар ва ўқитувчилар жисмоний тарбияси шўъбаси

Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағини кўпайтириш масалаларини ҳал қилиш билан бир қаторда, бундай маблағни ўқув жараёнининг моддий-техника базасини ривожлантириш, компьютерлаштириш, замонавий ўқув-илмий лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, маънавият ва маърифат ишларини талаб даражасида йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш, профессор-ўқитувчиларни "Устоз" жамғармаси орқали малака оширишга юбориш каби муҳим муаммоларни ҳал қилишда тежамкорлик билан сарфлаш режаларини ишлаб чиқиш. Минтақалардаги олий ўқув юртларига ўқув лабораторияларини жиҳозлашда кўмаклашиш.

- Талабалар ётоқхоналарининг маъмурияти, ётоқхоналардаги талабалар кенгаши раисларининг малакаларини ошириш, уларнинг тажриба алмашишини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Талабалар ётоқхоналарининг кўриктанловларини ташкил қилиш;

- Олий ўқув юртларида умумий овқатланиш тармоқлари ишининг сифатини яхшилаш ва хизмат кўрсатишнинг илғор шаклларини тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Олий ўқув юртларидаги талабалар ошхоналари ва буфетларининг ишини назорат қилишни ташкил этиш ва улар ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Талабалар ошхоналарининг кўрик-танловларини ташкил этиш;

- Олий ўқув юртларининг талаба ёшлар билан оммавий-маданий тадбирлар ўтказишни ташкил этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Олий ўқув юртлари жамоаларининг бадий-ҳаваскорлик кўрикларини ташкил этиш ва ўтказиш, талабалар бадий-ҳаваскорлик ишларини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ётоқхоналарда маданий-маърифий ишларни ташкил қилишнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

- Олий ўқув юртлари талабаларига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

- Талабалар соғлигини сақлаш ишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уни ташкил этишнинг оқилона шаклларини ишлаб чиқиш;

- Талабаларнинг касалланиш сабабларини таҳлил қилиш ва улар саломатликларини сақлаш тадбирлари тўғрисида тавсиялар тайёрлаш;

- Талабалар орасида санитария-гигиена билимларини ташвиқотини ташкил этиш;

- Санаторий-профилакторийлар, спорт-соғломлаштириш базалари ва лагерлари ташкил қилиш, олий ўқув юртларининг тиббий шаҳобчалари моддий базасини мустақамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Олий ўқув юртлари тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Энг яхши санаторий-профилакторий, спорт соғломлаштириш базаси ва лагерларининг иш тажрибаларини кенг ёйиш.

- Олий ўқув юртларининг тиббий шаҳобчалари шифокорлари учун хизмат фаолиятига тегишли долзарб масалалар бўйича тавсиялар тайёрлаш;

- Олий ўқув юртлари талабалар поликлиникалари иши устидан назоратни амалга ошириш;

- Олий ўқув юртлари жамоалари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш;

- Жисмоний тарбия кафедраларининг ўқитувчилари, спорт шўбалари раҳбарлари малакасини ошириш ва тажриба алмашишни ташкил этиш тадбирларини такомиллаштириш;

- Талаба - ёшлар жисмоний тарбиясининг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш мақсадида жисмоний тарбия кафедралари ўқитувчиларининг олий ўқув юртлараро шўбаларини ташкил қилиш;

- Олий ўқув юртларида оммавий-жисмоний тарбия ишлари энг яхши йулга қўйилганлиги-

ни аниқлаш бўйича кўрик-танловлар ўтказиш;

- Олий ўқув юртлараро спорт мусобақаларини ташкил этиш;

- Олий ўқув юртлараро спорт муассасаларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

- Республика олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш ва жисмоний тарбия бўйича Олий ўқув юртлари ректорларининг республика кенгаши таклифларини ишлаб чиқиш.

7. Иқтидорли талабаларни саралаш ва «Умид» жамғармаси орқали чет элларга ўқитишга тайёрлаш шўъбаси

Олий ўқув юртларида иқтидорли талабалар билан мунтазам иш олиб бориш мақсадида уларни аниқлаш ва саралаш усулларини ишлаб чиқиш.

Иқтидорли талабаларни яқка тартибдаги ўқув режаси асосида ўқитишни ташкил қилиш масалаларини мувофиқлаштириш. Уларни илмий ишларга жалб қилиш, илмий маърузалар билан анжуманларда чиқишларини ташкил қилиш ва мақолаларини чоп этиш масалаларини хал қилиш. Саралаш асосида Президент ва давлат стипендияларига лойиқ кўриладиган иқтидорли талабалар номзодини тайёрлаш тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш. «Умид» жамғармаси орқали: хорижий давлатларга ўқишга юборишда фаол иштирок этиш.

8. Ўқув жараёнини такомиллаштириш, сессиясиз ўқув услубиётини кенг тарғиб этиш шўъбаси

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, педагогик технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини имтиҳон сессиясиз ташкил қилиш, талабалар билимини рейтинг назорати орқали аниқланишини такомиллаштириш. Блокли ва модулли ўқув жараёнини ўрганиб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида таклифлар бериш. Олий ўқув юртлараро илмий-услубий семинарлар, услубий ўқув қўлланмалари ва адабиётларини кўргазмаларини ташкил этиш, ўқув жараёнида компьютерларни қўллаш ва таълимнинг замонавий техник воситаларини татбиқ қилиш.

9. Ўқув дарсликлари ва қўлланмалари билан таъминлаш шўъбаси

Кўп босқичли таълим тизимидаги бакалавр ва магистрлар учун намунавий ўқув рсжалари ва ўқув дастурлари асосида ўқув дарсликларини ёзишга етук олим ва професор-ўқитувчиларни жалб қилиш, дарсликларни танлов асосида

аниқлаш ва уларни керакли нусхада чоп этиш масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиш. ўқув фанлари бўйича дарсликлар тайёрланишига қадар, маъруза матнларини тайёрлаш ва чоп этишни ташкил этиш масалаларини режалаштириш.

Олий таълим йўналишлари бўйича ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларни тайёрлаш ва тарқатишни режалаштириш.

Ўқув дарсликлари ва қўлланмалари муаллифларини моддий рағбатлантириш масалаларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар бериш.

10. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини ривожлантириш шўъбаси

Олий ўқув юртларида табиий ва умумхандислик ва умумқасбий фанлар бўйича лаборатория ускуналарини тайёрлайдиган ва таъмирлайдиган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларини ўрганиб чиқиш ва таклифлар киритиш. ўқув жараёнида қўлланиладиган плакат ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш масаласини ўрганиш ва таклиф бериш, уларни тайёрлашни имконият доирасида ташкил этиш масаласини ҳал қилиш.

Бюджетдан ташқари маблағлардан, хомийлар орқали, хорижий давлатларнинг илмий дастурлари ёрдамида мутахассислик ва йўналиш бўйича ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш масалаларини режалаштириш ва бу ишда фаол иштирок этиш.

11. Илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш шўъбаси

Республика олий ўқув юртлари илмий ишларининг мавзулари-режасини таҳлил қилиш. Олий ўқув юртлари олимларининг салоҳияти ва имкониятларини, фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш борасидаги ҳаракатларини бирлаштириш, халқ хўжалигининг муҳим муаммолари бўйича фундаментал ва амалий ишларини ҳар томонлама ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этиш юзасидан олий ўқув юртларида олиб бориладиган илмий ишларни мувофиқлаштириш;

- Шартномалар бўйича бажариладиган илмий тадқиқот ва синов конструкторлик ишларини яхши ташкил қилишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

Олий ўқув юртлараро синов-конструкторлик ишлари базасини яратиш имкониятларини ўрганиш ва тегишли таклифлар киритиш;

Олий ўқув юртларининг тармоқлараро илмий-техникавий тизимлар бўйича иш тажрибаларини умумлаштириш ва кенг ёйиш;

Илмий тадқиқот ишлари натижаларини тезкорлик билан ўқув жараёнига тадбиқ қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси институтлари билан ҳамкорликни кенг доирада ташкил этиш;

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш, талабалар илмий жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш. Олий ўқув юртлараро талабалар илмий ишлари ва диплом лойиҳалари кўрик-танловларини ўтказиш, талабаларни республика ва халқаро олимпиадаларда фаол иштирок этишини таъминлаш;

Докторантура ва аспирантура бўйича кадрлар тайёрлаш борасидаги аҳволни таҳлил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Илмий-педагог кадрларни жойлаштириш ва улардан талаб даражасида фойдаланишга эришиш бўйича тавсиялар тайёрлаш:

- Профессор-педагог кадрларнинг таркибини мос негизли маълумотга эга бўлган мутахассислар билан жамлаш-тадбирларини ишлаб чиқиш ва малака ошириш (биринчи навбатда умумилмий кафедраларда)

- олий ўқув юртлараро мавзули семинарлар ва маърузавий тизимлар, педагогик маҳорат мактаблари ташкил қилиш;

- олий ўқув юртларининг илғор ўқитиш услубларини, ўқитувчиларнинг услубий маҳоратини ошириш борасида ижобий тажрибаларни кенг ёйиш

- олий ўқув юртларини ўқитувчилар билан жамлашнинг энг мақбул тизимига эришиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши илмий котибининг лавозим йўриқномаси

2. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши режалаштираётган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

3. Олий ўқув юртлари ректорлари минтақавий кенгаши ҳайъатининг ялпи ва оддий мажлисини тайёрлаш ва ўтказишни ташкил қилиш.

4. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши ҳайъатининг ялпи ва оддий мажлисларини юритиш.

5. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши мажлисида ҳамда Кенгаш ҳайъатида қабул қилинган қарорлар ва тавсияларни расмийлаштириш ва уларни кенгаш аъзоларига тарқатиш.

6. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши томонидан олий ўқув юртларида ўтказиладиган тадбирларни тайёрлаш ва бу тадбирларда иштирок этиш.

7. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши иши тўғрисида йиллик ҳисобот ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ахборот ва

маълумотномалар тайёрлаш.

8. Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгашининг ишлар рўйхатига мувофиқ иш юритишни ташкил қилиш.

Олий ўқув юртлари ректорларининг минтақавий кенгаши ҳайъати пленумлари ва мажлислари катнашчиларининг ҳисобини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртларида йиллик кўрик ўтказиш тўғрисида» ги 1998 йил 29 апрел 110 сонли

Б У Й Р У Г И

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида» ги қонунлари таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишни, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини кўтариш ва шу тариқа рақобатбардош, маънавий баркамол мутахассисларни тайёрлаш каби муҳим вазифаларни қўйган.

Факультетлараро йиллик кўрик ўтказишнинг асосий мақсади - ўқув жараёнини ислоҳ қилиш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, талабалар билан тарбиявий ишлар олиб бориш ҳамда иқтидорли талабаларни излаб топиш улар билан ишлашда янгича ёндошишларни жорий қилиш бўйича энг юқори кўрсаткичларга эришган жамоа ва раҳбарларни аниқлашдан иборат.

Олий ўқув юртлари раҳбарларининг ўз хизмат вазифаларига маъсулиятини ошириш, илмий ва таълим-тарбия ишларининг самарасини кўтариш, боқимандачилик кайфиятидан қутилиш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. «Олий ўқув юртларида факультетлараро йиллик кўрик ўтказиш тўғрисида» ги Муваққат Низом тасдиқлансин.

Олий ўқув юртларида ҳар йили ўтказиладиган факультетлараро кўрик тўғрисида Муваққат Низом

1. 1. Умумий қоидалар

1.1. Факультетлараро кўриқни ҳар йили ўтказишдан асосий мақсад - ўқув жараёни, илмий тадқиқот ва тарбиявий ишларни ташкил этишда ютуқларга эришган жамоалар ва раҳбарларни аниқлашдир. Қуйидагилар, факультетлар фаолиятини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади: иқтидорли талабаларни излаш ва улар билан ишлаш, деканлар ва уларнинг муовинлари ҳамда кафедра мудирларида боқимандачилик кайфиятини бартараф этиш, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.1. Вазирликнинг ушбу буйруғи, кўрик ўтказиш Муваққат Низомини эълон қилинсин ва ижроси таъминлансин.

2.2. Кўрик жараёнида барча факультетлар, кафедралар ва профессор ўқитувчиларнинг тўлиқ иштирок этиши таъминлансин.

2.3. Муваққат Низомга кўра кўрик натижаларини балларда баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилсин ва Илмий Кенгашда тасдиқлансин.

2.4. Кўрик ғолибларини аниқлаш жараёнида одиллик - ҳаққонийлик, ҳолисона баҳо бериш тамойилларига амал қилиш мақсадида нуфузли ҳакамлар ҳайъати ташкил этилсин.

Факультетлараро ғолибларни рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари маблағдан фойдаланишга рухсат берилсин.

Кўрик натижалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши назарда тутилсин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б. Раҳимов)га кўрик натижаларини умумлаштириш юклатилсин.

4. Илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (М. Саидов)га кўрик ғолибларини рағбатлантириш назорати юклатилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.И. Холмуродов зиммасига юклатилсин.

манбаларининг самараси ва улардан рационал фойдаланиш (ректор билан келишилган ҳолда), шунингдек, бозор иқтисодиёти талабларига биноан туб ўзгаришни таъминловчи, ўқув, услубий, илмий ва тарбиявий жараёнларда новаторлик ташаббусларни кўрсатувчи раҳбарлар ва жамоаларни аниқлаш (илова этилади).

1.2. Факультетлараро кўриқни ўтказиш олий ўқув юрти ректорининг буйруғи билан эълон қилинади.

1.3. Кўриқда олий ўқув юртининг барча факультетлари иштирок этадилар.

2. Факультетлар фаолияти бўйича кўриқни ўтказиш ва натижаларни умумлаштириш тартиби.

2.1. Факультет фаолиятини баҳолаш, ректорнинг буйруғи билан ташкил этилган жюри томонидан амалга оширилади. Жюри – тажрибали ва обрўли профессор-ўқитувчилар таркибидан, олий ўқув юртининг бўлимлари (тармоқлари) ва ҳомийлар сафидан шакллантирилади.

2.2. Жюри факультетлар тақдим этган кўрсаткичларни таҳлил этади ва натижаларни умумлаштириш бўйича мувофиқ хулосани тайёрлайди.

2.3. Жюри, ўз таркибининг 2/3 қисмидан кам бўлмаган аъзолари иштирок этган мажлисда, очиқ овоз бериш йўли орқали кўпчиликнинг овози билан қарор қабул қилинади ва баённомани расмийлаштиради. Овозлар сони тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

2.4. Олий ўқув юртининг ректори ўтказилган кўриқ натижалари бўйича факультетларнинг тўпланган рейтингига мувофиқ,

ўринларнинг тақсимоли тўғрисида буйруқ чиқаради. Жюри, тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига масъулдир.

2.5. Олий ўқув юртининг ректори ўз буйруғи билан бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан, кўриқ натижалари бўйича биринчи ўринни эгаллаган факультет деканини иш ҳақи минимал миқдорининг 20 баробари миқдоридан, шунингдек, декан (лар) тасдиқномасига биноан, юқори натижаларига эришган айрим кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчиларини ректорнинг белгилашига мувофиқ мукофотлайди.

2.6. Агар факультет, кўриқ натижалари бўйича тўплаш мумкин бўлган максимал баллнинг 70% дан кам миқдорини тўпласа, унинг фаолияти етарли даражада эмас, 60% дан кам бўлганда эса - қониқарсиз деб ҳисобланади.

Қайд этилган ҳолларда, ректорат бундай факультетлардаги ҳолатни тўғрилаш учун, кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришга мажбур.

2.7. Фаолияти қониқарсиз деб топилган факультетнинг раҳбари, факультетга раҳбарлик қилишни таъминлай олмаган сифатида деканлик вазифасидан озод этилади.

Олий ўқув юртларида ҳар йили ўтказиладиган факультетлараро кўриқ тўғрисидаги Муваққат Низомга илова

№	Факультет фаолиятининг номи	Пунктлар сони
1	2	3
1.	Ўқув жараёни	
1.1.	Ўқув юктамаларни самарали тақсимлаш ва унинг бажарилиши.	10
1.2.	Техник воситалар билан таъминланиш ҳолати ва ундан фойдаланишнинг самараси.	3
1.3.	Рейтинг тўғрисидаги Низом ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1996 йил 25 сентябрь 225 сонли буйруғининг бажарилиши.	6
1.4.	Олий ўқув юртининг буйруқлари, илмий ва илмий-услубий Кенгашлари ҳамда факультетнинг илмий-услубий кенгаш қарорларининг бажарилиши.	3
1.5.	Факультетнинг иш режаси ва унинг бажарилиши.	2
1.6.	Ўқув жараёни ташкил этилишининг Давлат таълим стандартларига мувофиқ келиши.	10
1.7.	Талабаларнинг машғулотларга қатнашиши; тартиббузарликни таҳлил этиш ва қабул қилинган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат этиш.	4
1.8.	Ўзлаштиришнинг абсолют кўрсаткичлари.	10

1.9.	Чет тиллар бўйича ўзлаштириш.	10
1.10.	Профессор-ўқитувчиларнинг чет тилларни билиш даражаси.	10
1.11.	Иқтисодий таълим фанлари бўйича талабаларнинг ўзлаштириши.	10
1.12.	Хуқуқий таълимнинг натижалари.	8
1.13.	Талабалар томонидан демократик жамият қурилишининг назарий ва амалий масалалари эгалланганини таҳлил этиш.	8
1.14.	Талабаларнинг компьютер бўйича саводхонлиги.	8
1.15.	Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг компьютер бўйича саводхонлиги.	8
1.16.	Иқтисоддорли талабаларни излаш ва улар билан ишлашни ташкил этиш.	8
1.17.	Талабаларнинг «Умид», «Акселъс» ва бошқа жамғармалардаги иштироки:	
	а) бир иштирокчига	1
	б) бир голибга	10
1.18.	Талабаларнинг олимпиадалардаги иштироки:	
	а) ҳар бир иштирокчига	1
	б) биринчи ўринни эгаллаган ҳар бир голибга	5
	в) иккинчи ўринни эгаллаган ҳар бир голибга	3
	г) учинчи ўринни эгаллаган ҳар бир голибга	2
1.19.	Талабаларнинг кўргазма ва кўриклардаги иштироки:	
	а) ҳар бир қатнашчига	1
	б) биринчи ўринни эгаллаган ҳар бир голибга	5
	в) иккинчи ўринни эгаллаган ҳар бир голибга	3
	г) учинчи ўринни эгаллаган ҳар бир голибга	2
1.20.	«Устоз» жамғармаси бўйича профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш:	
	а) ҳар бир иштирокчига	2
	б) танловда ўтган ҳар бир шахсга	10
1.21.	Ўқув режадаги фанларнинг ўқув-ахборот базаси билан таъминланиш ҳолати.	10
1.22.	Деканнинг мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ҳужжатлар билан ишлаш, ҳамда меҳнатни ташкил этиш ва муҳофаза этишга қаратилган ташаббускор фаолияти.	
2.	Илмий-тадқиқот жараёни	
2.1.	Илмий-тадқиқот ишларига профессор-ўқитувчиларни жалб этиш:	
	а) конференция ва симпозиумларни ташкил этиш	5
	б) аспирант ва докторантларнинг мавжудлиги	10
	Шартномалар (бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот қиймати) ва бюджет бўйича илмий-техник маҳсулотларни яратиш.	5
2.2.	Бюджетдан ташқари маблағлар фондини шакллантириш	
3.	Таълим жараёнига ҳомийларни жалб этиш ва инвестицияларнинг бошқа турлари.	
3.1.	Таълим хизматларини кўрсатиш.	
	Маънавий-маърифий ишлар	
3.2.	«Маънавий ва маърифий» ишлар бўйича ўтказиладиган тадбирлардаги иштирок.	10
4.	Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш.	10
4.1.	Талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш.	10
4.2.	Профессор-ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш.	5
4.3.	Ётоқхоналарнинг ҳолати, уларнинг жиҳозланиши ҳамда улардаги таълим ҳимоя ишлар.	5
4.4.	Маънавий-маърифий ишлар.	10

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш марказини тузиш тўғрисида»ги 1998 йил 7 июл 172 сонли

БУЙРУҒИ

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент давлат ва педагогика университетларининг «Ўзбекистон тарихи» кафедралари қошида ўқув юртининг штатдаги ходимлари миқдоридан келиб чиқиб, 3 та ходим (бошлиқ, бош илмий ходим ва илмий ходим)

таркибида ўлка тарихини ўрганиш маркази ташкил этилсин. Марказга вилоятдаги олий ўқув юртларининг тарихчи профессор-ўқитувчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш топширилсин. Марказ тегишли хоналар, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Республика олий ўқув юртларида касб берувчи курсларни ташкил этиш тўғрисида»ги 1998 йил 14 июл 189 сонли

БУЙРУҒИ

Меҳнат бозорида кенг талаб этилувчи касб ва мутахассисликлар бўйича ёшларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни таъминловчи шароитларни яратиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ўқув юртларининг мавжуд ўқув-моддий базаси негизида 1998 йилнинг 1 сентябрга қадар, ўқиш муддати икки йилгача бўлган, пуллик, касб берувчи курслар ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

– курсларга қабул қилиш, ўрта (11 синф)

ёки ўрта махсус таълим муассасаларини тугатган шахслар сафидан амалга оширилади;

– курсларни муваффақиятли тугатган тингловчиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома (сертификат) берилди;

– курслар хўжалик ҳисобида ўз-ўзини тўла қоплаш асосида фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти таркибида дарслик, ўқув адабиётлари ва дастурлари қўлёзмаларини тайёрлаш бўлимини ташкил этиш ҳақида»ги

1998 йил 17 июл 196 сонли

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5.01.98 йил 4 – сон “Узлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш” ҳақидаги қарорини ижроси, муаллиф ва муаллифлик жамоаларининг ижодий фаолиятини рағбатлантириш ва ўқув адабиётлари сифатини ошириш, уларни давлат таълим стандартларига мослигини таъминлаш ва ўқув адабиётларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш мақсадида:

БУЮРАМАН:

1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (ОУМММИ) таркибида дарслик, ўқув адабиётлари ва дастурлари қўлёзмаларини тайёрловчи бўлим институтга ажратилган мансаблар ва иш ҳақи фонди доирасида ташкил этилсин.

2. Бўлимнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

– дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва дастурларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

– олий ўқув юртларини дарслик, ўқув қўлланма ва дастурларини яратишдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш;

– муаллифлар жамоасини ташкил этиш, улар билан қўлёзмалар тайёрлаш ҳақида шартномалар тузиш, янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини танлов асосида яратиш;

– дарслик, қўлланма ва дастурлар қўлёзмалари мазмунини давлат таълим стандартлари талабларига мослигини таъминлаш;

– йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи танловини ўтказиш;

– олий ўқув юртлари кутубхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳозирги замон дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа илмий техник адабиётлар билан таъминланганлигини таҳлил этиш.

3. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Ғуломитдинов С.З.) га:

– мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган дарслик, ўқув қўлланма ва дастур қўлёзмаларини ўз вақтида нашрга йўллаш учун Вазирликнинг “Ўқув адабиётларини нашрга тайёрлаш маркази”га белгиланган тартибда топширишни таъминлаш юклатилсин;

4. Вазир муовини лавозимини бажарувчи М. Саидовга, ОУМММИ нинг дарслик, ўқув қўлланма ва дастурларни яратиш, тақризга бериш, дарслик ва энг яхши ўқув қўлланмаси

танловини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашни Вазирлик бюджетидан инобатга олиш юклатилсин.

5. Буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Қ.Р. Аллаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 5 декабр 343 сонли БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини жадаллаштириш ҳамда олий ўқув юртлирини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. «Олий ўқув юртининг факультети тўғрисида»ги Низом илова 1 га мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Олий ўқув юртининг кафедраси тўғрисида»ги Низом илова 2 га мувофиқ тасдиқлансин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ФАКУЛЬТЕТИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5 декабр 343 сонли буйруғи билан тасдиқланган

1. Факультет - олий ўқув юртининг ўқув-илмий ва маъмурий тармоғи ҳисобланиб, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича талаба, аспирант ва докторантларни тайёрлаш ҳамда иқтисод, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тегишли соҳаларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш, шунингдек, кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ишлари билан шуғулланади.

2. Олий ўқув юртининг факультети таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш мақсадида йирик корхона ва муассасалар қошида ҳамда белгиланган тартибда тузилган битим асосида хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилиши мумкин.

3. Факультет мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ва ажралмаган ҳолда амалга оширади. Ўқув ишларини ташкил этиш учун, айрим ўқув шакллари ёки бакалавриятнинг айрим таълим йўналишлари бўйича факультет таркибида бўлимлар ташкил этилиши мумкин.

4. Факультет, одатда, ўз таркибига киритилган бакалаврият таълим йўналишларига (магистратура мутахассисликларига) тааллуқли кафедра ва лабораторияларни, шунингдек, олий ўқув юрти таркибидаги, лекин фаолият мазмуни бўйича факультет профилига яқинроқ бўлган бошқа кафедраларни бирлаштиради. Факультет, олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади. Кундузги бўлим факультети талабалар сони 150 дан ортиқ бўлганда, сиртқи бўлим факультети талабалар сони 300 дан кам бўлмаганда ташкил этилади.

5. Факультет ишига раҳбарликни факультет декани амалга оширади. Факультет декани, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, олий ўқув юрти ректори томонидан профессор ёки тажрибали доцентлар сафидан тайинланади. Декан лавозими мустақил штат лавозими ҳисобланади ва уни ўриндошлик тартибда эгаллашга йўл қўйилмайди.

6. Факультет деканининг асосий вазифалари:

- факультетда ўқув, илмий, маънавий-маърифий ва илмий-услубий ишларга бевосита раҳбарлик қилади;

- олий ўқув юрти илмий кенгаши қарорларининг бажарилишини кузатади ва ўз қарорларининг (факультет кенгаши) бажарилишини назорат этади;

- ўқув-тарбиявий жараён, талабаларнинг малакавий иши ва амалиёти устидан назоратни амалга оширади;

- ўқув машғулотлари жадвалини тузишга раҳбарлик қилади ва унинг бажарилиши устидан назорат ўтказади, талабалар давомати учун масъул ҳисобланади;

- талабаларнинг мустақил ишлаши, шунингдек, уларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш устидан назоратни ташкил этади; талабаларни курсдан курсга ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳасини тайёрлайди, уларни давлат аттестациясига ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишга киритади; факультетда хорижий талабалар мавжуд бўлган ҳолларда, улар билан ишлаш ўқув юртининг халқаро бўлими билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

- иқтидорли талабаларни излаш ва улар билан ишлаш, уларни «Улугбек», «Умид» жамғармалари, номли стипендиялар ҳамда фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадалар танловида иштирок этишга тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ташкил этади;

- амалдаги низомга мувофиқ факультет талабаларига стипендия тайинлаш бўйича тақдимнома беради;

- аспирантларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради, алоҳида ўрناق кўрсатганларни турли танловларда ("Устоз", "Умид" ва ҳақозо) иштирок этишлари учун тавсия этади;

- факультет таркибига кирувчи кафедра-ларнинг фанлари бўйича, шу жумладан хорижий олимлар билан ҳамкорликда, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга оширади, компьютер соводхонлиги бўйича машғулотлар ташкил этади;

- "Йилнинг энг яхши факультети" унвони учун, ҳар йили ўтказиладиган кўрик-танловда факультет иштирокчини ташкил этади;

- факультет кенгашига раҳбарлик қилади, кафедра-ларга йиғилишлар, илмий ва илмий-услубий конференцияларни (шу жумладан хорижий мутахассислар иштирокида) ташкил этади;

- олий ўқув юртининг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда корхона ва муассасаларнинг факультет чиқараётган малакали мутахассисларига бўлган эҳтиёжни ўрғанади, шунингдек, педагог кадрлар, талабалар ва илмий ахборотлар билан ўзаро алмашиш учун бошқа таълим муассасалари билан алоқаларни ўрнатади;

- таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга оширишга жавоб беради; бюджетдан ташқари маблағларни топиш ва улардан ўқув мақсадларида фойдаланиш йўлларини қидиради;

- факультет "Маънавият" марказининг ишига раҳбарлик қилади, маънавий-маърифий ишларни ўтказиш, жумладан, талабалар уйларида (ётоқхона);

- факультетни томонлаганлар билан алоқа ўрнатади, уларнинг амалий ишлари сифатини

таҳлил қилади;

- факультет ихтисослиги бўйича халқ ҳўжалигида банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг малака оширишини ташкил этади;

- ўз ваколати доирасида, факультетнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа ўқувчилари учун мажбурий бўлган фармойиш ва кўргазмаларни чиқаради.

7. Низом бўйича факультет декани олий ўқув юрти илмий кенгашининг аъзоси, Давлат аттестация комиссиясининг аъзоси, олий ўқув юрти қабул комиссиясининг аъзоси ҳисобланади.

8. Факультет декани ҳар йили олий ўқув юртининг илмий кенгашида ўтган ўқув йилида амалга оширилган ўқув-тарбиявий, илмий ва илмий-услубий ишлар бўйича ҳисобот беради ва факультет фаолиятининг натижалари бўйича тўла масъулиятни ўзига олади.

9. Кундузги ўқув шаклида талабалар сони 150 дан 300 гача бўлган ҳолатда, факультет деканига ёрдам тариқасида 0,5 штат бирлигига эга бўлган декан муовини штат вазифаси киритилади. Талабалар сони 300 дан ортиқни ташкил этганда, келгуси ҳар 150 кишига кўшимча равишда 0,5 штат бирлиги берилади.

Сиртқи факультетларда талабалар сони 500 дан ортиқ бўлганда декан муовини лавозими белгиланади.

Декан муовинлари, аксарият ҳолларда, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахслар сафидан, факультет деканининг тавсиясига кўра, олий ўқув юртининг ректори томонидан тайинланади.

10. Факультет фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун декан қошида факультетнинг илмий кенгаши ташкил этилиши мумкин.

11. Факультетлар, олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарори асосида, ректорнинг буйруғи билан қайта ташкил этилади ва тугатилади.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ КАФЕДРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5 декабр 343 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

1. Кафедра, олий ўқув юрти (факультет) тузилишидаги, бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, услубий ва илмий-услубий ишларни амалга оширувчи, талабалар орасида маънавий-маърифий ишларни олиб борувчи, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи, асосий тармоқ ҳисобланади.

Кафедра факультет деканига ёки бевосита ректорга бўйсинади.

2. Кафедрани, одатда, профессор унвонига ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган, белгиланган тартибда шу вазифага сайланувчи, кафедра мудир бошқаради. Кафедра таркибига профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, ассистентлар, катта ва кичик илмий ходимлар, докторант ва аспирантлар, шунингдек, стажёрлар, инженер-техник ва ўқув-ёрдамчи ходимлар кирди.

Кафедра муdiri, олий ўқув юртининг барча тармоқларида кафедра фаолиятига тегишли масалалар муҳокама ва ҳал этилишида иштирок этади; кафедра иш режаси, профессор-ўқитувчи ва ходимларининг шахсий иш режаларини ва кафедра фаолияти доирасидаги бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди; кафедра ходимларига педагогик юктамаларни бўлади ва ходимларининг функционал вазифаларини белгилайди ҳамда уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади; кафедрага ишга олиш, ишдан бўшатиш ва ходимларни янги вазифаларга тайинлаш, уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, интизомий чора кўриш тўғрисида олий ўқув юрти раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритади; олий ўқув юртининг тегишли хизмат тармоқларидан ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот жараёнини ўтказиш учун зарурий бўлган шароитларни таъминлашни талаб этади. Кафедра муdiri-нинг шахсий режаси олий ўқув юртининг ректори ёки факультет декани томонидан тасдиқланади.

Кафедра фаолияти учун шахсий масъулият кафедра муdiriга юклатилади. Кафедра муdiri раҳбарлик қилаётган кафедранинг иши бўйича ҳисоботнинг муддат ва шакллари белгиланган тартибда олий ўқув юртининг ректори томонидан белгиланади.

3. Кафедранинг иши, ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий, тадқиқот ва бошқа иш турларини қамраб олган, истиқболий ва жорий (йиллик) режаларга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу режалар ва кафедра фаолиятига тегишли бошқа масалаларнинг бажарилиши, кафедра профессор-ўқитувчиларининг иштирокидаги кафедра мажлисларида, кафедра муdiriнинг раислигида муҳокама этилади. Кафедра мажлисларига кафедранинг бошқа ходимлари ёки бошқа кафедралардан ва олий ўқув юртларидан (хорижийлардан ҳам) ходимлар таклиф этилиши мумкин.

4. Кафедра зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларда белгиланган маърузалар, лаборатория, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш; талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига (ишларига), битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига, шунингдек, мустақил ишларига раҳбарлик қилиш; талабалар билимининг рейтинг назоратини

жорий этиш; талабаларнинг аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

- дарслик, ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топширигига биноан қайта нашр этиладиган дарслик, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳаммуаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш; нодавлат таълим муассасаларининг буюртмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

- иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда, жумладан, "Умид" жамғармаси танловида иштирок этишга тайёрлаш, талабаларнинг мустақил тайёрланиш шакл ва услубларини такомиллаштириш; аудитория ишларини оптимизациялаштириш ҳисобида мустақил тайёрланиш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўриш;

- тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, тугатилган илмий ишларни нашр этишга тавсия бериш; таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш; талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- кафедра ходимларининг шахсий режаларидаги ўқув, ўқув-услубий ва тарбиявий ишларини кўриб чиқиш; тажрибали ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш, янги педагогик технологияни жорий этиш; педагогик фаолият билан шуғулланишни бошлаган ўқитувчиларга педагогик моҳирликни эгаллашда ёрдам бериш; ахборот базасини яратиш, ўқув машғулотларини ўтказиш жараёнида замонавий ўқув-техника воситаларидан ва яқка тартибда ўқитиш, мустақил таълим олиш воситаларидан фойдаланиш; масофали таълим тизимини ривожлантириш; хорижий ўқув юртларининг иш тажрибасини ёритиб бориш;

- рақобатбардош ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш; кафедра аъзолари ёки ректорат топширигига биноан бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳимояга тақдим

этилган диссертацияларни кўриб чиқиш; таълим ҳужжатларининг эквивалентлигини белгилаш бўйича эксперт гуруҳлари таркибда иштирок этиш;

- бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек, илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, кооперативлар, деҳқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

- олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада аспирантурани ўтаганлар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

- кафедра профили бўйича мутахассислар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш; таълим хизмати кўрсатиш тизимини кенг ривожлантириш;

- хорижий ҳамкорлар, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш.

5. Кафедра, камида бешта ўқитувчи мавжуд бўлганда уларнинг бири, одатда, профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига ва камида иккитаси фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий унвонига эга бўлганда ташкил этилади. Жисмоний тарбия, чет тиллари (нолисоний олий ўқув юртларида), графика ва чизмачилик, расм ва мусиқа кафедралари эса, одатда, камида икки ўқитувчи илмий даража ёки унвонга эга бўлган тақдирда, ташкил этилади.

6. Кафедра, ўқув-тарбиявий ва илмий жараёни таъминловчи, ўқув ва илмий лабораторияларга, кабинетларга, марказларга ва бошқа тармоқларга эга бўлиши мумкин.

7. Мутахассис чиқарувчи кафедра, зарурий ҳолларда, корхона ёки ташкилот ҳудудида жойлаштирилган филиалга эга бўлиши ва уларнинг моддий-техника базасидан фойдаланиши мумкин.

Кафедра филиалида штатдаги ўқитувчи ва ходимлар каби, ўриндошлик бўйича жалб этилган, корхона ва ташкилотнинг ётакчи мутахассислари ишлайдилар.

Кафедра филиалига раҳбарлик қилиш, кафедра мудирининг тақдимномасига биноан ва мувофиқ корхона ёки ташкилот билан

келишилган ҳолда, олий ўқув юртининг ректори томонидан филиал ташкил этилган корхона ёки ташкилотнинг ётакчи мутахассисларидан бирига, одатда, илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган ва кафедрада штат ўриндошлиги шартида ишлаётган шахсга топширилади.

Кафедра филиалига раҳбарлик қилиш бўйича ишлар, ректорнинг топшириғи бўйича ташкилий-услубий ишлар сифатида, ўқитувчининг шахсий режасида ҳисобга олинади.

Кафедра филиали барча турдаги ишлари бўйича белгиланган муддатларга мувофиқ кафедра олдида ҳисобот беради.

8. Кафедра, олий ўқув юрти илмий кенгашининг қарори асосида ректорнинг буйруғи билан ташкил этилади ва тугатилади.

Кафедранинг тузилиши ва унинг штатлари олий ўқув юртининг ректори томонидан тасдиқланади.

9. Олий ўқув юрти кафедраларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари лавозимларига сайлаш "Олий ўқув юртлари педагогик ходимларини ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ белгиланган тартибда танлов бўйича амалга оширилади.

10. Кафедрада қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- ўқув, илмий-тадқиқот, услубий ва тарбиявий ишларни қамраб олган иш режалари;

- талабаларда ватанпарварлик, ўз ватани билан фахрланиш, бой миллий анъаналарга, халқ меросига ва умуминсоний қадриятларга ҳурматни шакллантириш бўйича "Маънавият" Марказларида, Талабалар уйларида ўтказиладиган тадбирларнинг режалари;

- кафедра фанлари бўйича амалдаги ўқув-услубий ва бошқа ҳужжатлар;

- анкета маълумотларига эга бўлган кафедра таркибининг рўйхати (докторант ва аспирантлар учун тадқиқот мавзулари, раҳбарлари ва тадқиқотнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак);

- мажлислар баённомаси.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида»ги 1998 йил 9 декабр 345 сонли

Б У Й Р У Ғ И

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини жадаллаштириш ҳамда олий ўқув юртларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

«Олий ўқув юртининг илмий кенгаши тўғрисида»ги Низом илова I га мувофиқ тасдиқлансин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ИЛМИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Олий таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ, олий ўқув юртининг фаолиятига тегишли асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ректор раислигида илмий кенгаш ташкил этилади.

2. Илмий кенгашнинг асосий вазифаси - олий ўқув юрти жамоаси сайи-ҳаракатларини қуйидаги масалаларни бажаришга қаратилган фаолиятни бирлаштириш ҳисобланади: Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, замонавий педагогик технология ва компьютерлаштириш асосида юқори сифатли бакалавр ва магистрлар тайёрлашни таъминлаш, илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, ёшларда ватанпарварлик, фуқоралик, ўз Ватани билан фахрланиш, маънавий-маърифий ва маданий ҳусусиятларни шакллантириш.

Низом бўйича илмий кенгаш таркибига қуйидагилар кирилади: ректор (раис), проректорлар, факультет деканлари, олий ўқув юрти таркибига кирувчи мустақил ташкилот ва тармоқлар директорлари, мутахассис чиқарувчи кафедралар мудирлари, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари ва ходимлари қасаба уюшмаларининг вакиллари. Илмий кенгашнинг бошқа аъзолари факультетнинг умумий мажлисида (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Профессор-ўқитувчилар таркибидан илмий кенгашга сайланувчи аъзоларнинг сони ректорнинг буйруғи билан белгиланади. Илмий кенгаш таркибига олий ўқув юртининг муайян йўналиш муаммолари бўйича ишловчи, йирик олим ва мутахассислар, шунингдек, давлатлараро ва бевосита алоқалари бўлган хорижий ўқув юртларининг вакиллари киритилиши мумкин. Ваколат муддати - 5 йил.

3. Илмий кенгаш таркиби олий ўқув юрти ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Ҳар ўқув йилининг бошида, ҳар хил сабабларга кўра илмий кенгаш таркибидан чиққанлар ўрнига, янги аъзолар сайланади ёки низом бўйича киритилади.

4. Олий ўқув юртларининг кенгаши:

- Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурларнинг қатъий бажарилишини кўриб чиқиш;

- Хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари билан бирлашган илмий кенгашларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди;

- Факультетларнинг ўқув илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлари тўғрисидаги

ҳисоботларни, шунингдек, лицейлар, олий ўқув юрти қошидаги илмий жамиятларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиб боради, қабул натижалари тўғрисида қабул комиссиясининг, халқ хўжалигининг битирувчи мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, буюртмалар билан алоқалар тўғрисида маркетинг хизматининг ҳисоботларини эшитади;

- Талабаларнинг йирик малакавий амалиётига яқин ясади ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

- Илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларнинг режаларини ва профессор-ўқитувчилар таркибининг малака ошириш масалаларини муҳокама этади;

- Хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан алоқаларни ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилинади;

- Факультет ва кафедраларни очиш, бекитиш, ўзгартиришга боғлиқ бўлган масалалар бўйича қарор қабул қилади;

- Маркетинг хизмати таклифларини ҳисобга олган ҳолда янги таълим йўналишларини (мутахассисликларни) очиш тўғрисида таклиф киритади;

- Дарслик, ўқув қўлланма ва илмий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш масалаларини кўриб чиқади;

- «Олий ўқув юртлари педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида» ги Низомга мувофиқ профессор-ўқитувчилар лавозимларини эгаллаш учун танловлар ўтказилади;

- профессор, доцент илмий унвонини олишга интилаётган изланувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда илмий унвонга тасдиқлашга тақдим этади;

- аспирантура, доктарантура ва олий ўқув юрти таълимидан кейинги бошқа шаклларга номзодни тавсия этади;

- аълочи-талабалар сафидан ва профессор-ўқитувчилар таркибидан номзодларни «Устоз», «Умид» жамғармалари орқали хорижий олий ўқув юртларига стажировкага тавсия этади;

- таълим хизматлари билан шуғулланувчи кичик корхоналар, фирма ва курслар фаолияти ҳақида раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитади;

- ушбу олий ўқув юртининг битирувчилари сафидан номзодларни аспирантурага қабул қилишга тавсия этади, шунингдек, олий ўқув юрти факультетларга бўлинмаган ёки факультетда кенгаш ташкил этилмаган ҳолларда, аспирантларнинг шахсий режаларини ва

номзодлик диссертацияси мавзуларини тасдиқлайди;

- олий ўқув юртининг аълочи-талабалари ва аспирантлари сафидан номзодларни номли степендияларни олишга тавсия этади;

- факультет деканларининг факультетни тамомлаганлар ва аспирантурани битирганлар билан алоқалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади, кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади;

- «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда талабаларнинг жисмоний тарбияси ва уларнинг соғлиқларини янада яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

- олий ўқув юрти талабалари ва ходимларининг техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасини такомиллаштириш бўйича тадбирларни белгилайди;

- олий ўқув юрти ривожланишининг жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлайди ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини эшитади;

- олий маълумотли мутахассисларнинг малака ошириш режаларининг лойиҳаларини муҳокама этади, олий ўқув юртининг малака ошириш тармоқлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитади.

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Журналист кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги 1999 йил 12 март 66 сонли
Б У Й Р У Ф И**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 феврал «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини эълон қиламан.

Республика олий таълим муассасаларида журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг бугунги ҳолати қониқарсизлиги, таълим ва тарбия тизими, журналистика мутахассислиги бўйича ўқув режа ва дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда бошқа турдаги адабиётларнинг жаҳон андозаларига жавоб бермай қолганлиги, шунингдек, соҳа моддий-техник базасининг заифлиги сабабли ўқув жараёнини ташкил этишда, ўқитиш усулларида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда дунё андозалари даражасига кўтариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультети замон талабларига мувофиқ тарзда қайта ташкил этилсин, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиде халқаро журналистика

5. Илмий кенгаш, ўз ишини ҳар ўқув йили учун ишлаб чиқиладиган режага мувофиқ амалга оширади. Илмий кенгаш режаси Илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилгандан сўнг, олий ўқув юртининг ректори томонидан тасдиқланади.

6. Ўқув ва илмий ишларнинг барча масалалари бўйича илмий кенгашнинг қарорлари очиқ овоз бериш тартибда кўпчиликнинг овоз билан қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларини эгаллашга ўтказиладиган танловлар, профессор ва доцент илмий ишларини беришга тақдимномалар эса ёпиқ овоз бериш йўли билан белгиланган тартибда қабул қилинади.

7. Илмий кенгаш қарорлари, олий ўқув юртининг ректори тасдиқлаганидан сўнг, кучга киради.

8. Илмий кенгашнинг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар илмий кенгашнинг раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади.

9. Илмий кенгаш раиси, мунтазам равишда, илмий кенгаш қарорлари бажарилиши бўйича текширувларни ташкил этади ва илмий кенгаш аъзоларига қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳақида ахборот беради.

факультети очилсин ва 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб олий маълумотли журналист кадрлар тайёрлаш ана шу ўқув юрларида амалга оширилиши, бошқа олий ўқув юрларидаги (Қорақалпоқ Давлат университетидан ташқари) журналистика факультетлари (бўлимлари) тугатилиши белгилаб қўйилсин.

Журналистлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Тошкент Давлат университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетлари негизда мақсадли усулда амалга оширилсин.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

1999/2000 ўқув йилидан бошлаб журналистика факультетлари қошида иккинчи мутахассислик бўйича тўлов-контракт асосида бир йиллик махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

Мазкур курслар тингловчилари бошқа ихтисосликка эга бўлган, журналистика соҳасида камида икки йил мобайнида ўз ижодий қобилияти ва истеъдодини кўрсатган тажрибали мутахассислар орасидан танлаб олиниши таъминлансин;

Бу ишга мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги чуқур билим ва катта тажрибага эга бўлган таниқли амалиётчилар ҳамда соҳа мутахассислари кенг жалб этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат университетининг журналистика факультети қошида ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, журналистика истиқболларини прогноزلаш масалалари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги илмий-услубий марказ ташкил этсин.

Давлат тест маркази билан биргаликда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб:

- журналистика факультетларига қобилиятли талабалар қабул қилиш мақсадида абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда ижодий имтиҳонлардан ўтказиш ташкил этсин;

Ҳар йили янги меъзонлар асосида журналистика факультетларининг рейтингини аниқлаш ва таҳлил этиш, улардаги таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва амалий иш олиб боришни йўлга қўйилсин.

3. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, ЎЗА, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда:

- журналистика факультетларида юқори босқич талабалари учун ихтисосликлар бўйича машҳур ва таниқли журналистларнинг ўқув студияларини ҳамда ўз таҳририятлари қошида журналистика факультетларининг ҳаракатдаги филиаллари ёки ўқув марказларини ташкил этсинлар;

- қобилиятли ва ўз маҳоратларини намоён эта бошлаган талабаларнинг амалий тажрибаларини ошириб бориш мақсадида уларни иш ўрганувчи сифатида таҳририятларга ижодий ходимликка қабул қилиш чораларини кўрсинлар;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб мустақил Ватанга ва миллий истиқлол гоёларига садоқатли, юқори журналистик иқтидорни намоён этган, фаол жамоатчи, хорижий тилларни яхши биладиган талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшимча Давлат стипендияси таъсис этилсин;

Давлат стипендиясининг совриндорларини аниқлаш ва стипендияни молиялаштириш

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли қарорида кўрсатилган тартиб бўйича амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Умид», «Устоз», Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва бошқа манфаатдор идоралар журналистика факультетларининг илғор педагоглар ва иқтидорли талабаларининг хорижий давлатларнинг етакчи ўқув ва илмий марказлари, оммавий ахборот воситалари таҳририятларида ҳамда халқаро ташкилотларнинг матбуот хизматларида мақсадли ўқув амалиёти ва стажировкалар ўтиши учун шарт-шароит яратсин ва амалга оширсин.

Вазирлар Маҳкамасининг

Раиси И.Каримов

Тошкент шаҳри, 1999 йил 26 феврал

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 февралдаги «Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори дастур сифатида ижро учун қабул қилинсин.

2. ТошДУ ва ҚКДУ «Журналистика», ЎзДЖТУ «Халқаро журналистика» таълим йўналишлари бўйича республикада малакали кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлиари деб белгилансин.

3. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультети таркибидаги Журналистика бўлими тугатилсин.

4. «Журналистика» ва «Халқаро журналистика» факультетларининг тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Журналистика» ва «Халқаро журналистика» факультетлари ташкил этилиши муносабати билан қайд этилган университетлар уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети (Буранов Ж.Б.)га:

5.1. ЎзДЖТУда 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб «Халқаро журналистика» таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашга киришилсин.

5.2. «Халқаро журналистика» таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашни жалаллаштириш мақсадида 1999/2000 ўқув йили бошланишига қадар, 1-курсни тугатган, журналистика соҳасида қобилиятга эга бўлган талабалар сафидан икки гуруҳ (Ўзбек ва рус) ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

6. СамДУ ректори (Сатторов Ж.)га:

6.1. «Ўзбек филологияси» таркибидаги «Журналистика» бўлими тугатилиши

муносабати билан белгиланган тартибда «Тугатиш комиссияси» ташкил этилсин.

Журналистикага оид фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ қисқартирилсин.

6.2. «Журналистика» бўлими тугатилиши муносабати билан ушбу йўналишда таълим олаётган талабалар истакларига мувофиқ 1999/2000 ўқув йили бошланишига қадар СамДУнинг «Ўзбек (славян) филологияси», ТошДУ, ҚҚДУ «Журналистика» ва ЎзДЖТУ «Халқаро журналистика» (хорижий тилларни талаб даражасида билувчилар) факультетларига кўчирилсин.

7. ТошДУ (Т.Долимов), ЎзДЖТУ (Ж.Бўронов) ва ҚҚДУ (К.Ўтениёзов) ректорларига:

7.1. ТошДУ журналистика факультети қайта тузилиши сабаби билан факультетда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар билан тузилган шартномалар амалдаги қонунчиликка мувофиқ бекор қилинсин.

7.4. ТошДУ қошида ташкил этилаётган хўжалик ҳисобидаги марказ учун ТошДУ, ЎзДЖТУ ва ҚҚДУ ҳар йили 1 млн. сўмдан ажратиб турсин.

7.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари таркибига журналистика таълим йўналиши киритилиши муносабати билан ҳар йили ўтказиладиган танловга номзодларни тавсия этиш топширилсин.

7.8. 1999/2000 ўқув йилидан журналистика факультетлари қошида журналистика соҳасида камида икки йил мобайнида ўз ижодий қобилияти ва бир йиллик махсус ўқув курслари ташкил этилсин.

7.9. ТошДУ «Журналистика» факультетининг декан лавозими проректор лавозими мақомига тенглаштирилсин.

8. Вазир ўринбосари (Аллаев Қ)га:

8.1. Журналистлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ТошДУнинг «Журналистика» ва ЎзДЖТУнинг «Халқаро журналистика» факультетлари негизида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин ҳамда ТошДУ хўжалик ҳисобидаги илмий-услубий марказга Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан мақсадли грантлар ажратиш дастури мазкур қўмита билан келишилсин.

9. Кадрлар, фан ва иқтисодиёт, малака ошириш ва қайта тайёрлаш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари (Бўтаев Ш.) ва ТошДУ ректори (Долимов Т)га:

9.1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 20 кун муддат давомида белгиланган тартибда ТошДУнинг журналистика факультети қошида дарслик, ўқув-услубий адабиётлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар

тайёрлаш, журналистика истиқболини башорат этиш билан шуғулланувчи, хўжалик ҳисобидаги марказ ташкил этилсин. 1999/2000 йилдан бошлаб ҳар йили ушбу марказга учта махсус грант ажратилиши сўралсин. Марказнинг Низомини ишлаб чиқиш ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш ТошДУга юклатилсин.

10. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Х.)га:

10.1. Журналист кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган олий ўқув юртларига мунтазам равишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

10.2. «Журналистика» ва «Халқаро журналистика» таълим йўналишларида ўқитган қобилиятли, ўз маҳоратларини намоён эта бошлаган талабаларнинг ўқув амалиётини Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, ЎзА, «Жаҳон» ахборот агентликлари тармоқларида ташкил этиш мақсадида, улар билан тегишли шартномаларни расмийлаштириш топширилсин.

10.3. 1999/2000 ўқув йили қабулида ТошДУ, ЎзДЖТУ ва ҚҚДУларда ижодий имтиҳонга тайёргарлик кўришларида услубий ёрдам кўрсатиш ва имтиҳон жараёнини назорат этиш топширилсин.


10.4. Ягона меъзонлар асосида журналистика факультетларининг рейтингини аниқлаш ва таҳлил этиш, улардаги таълим тарбия жараёнини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш топширилсин.

11. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Иминов Т.) ТошДУ (Долимов Т.), ЎзДЖТУ (Бўронов Ж.), ҚҚДУ (Ўтениёзов Қ.) ректорлари билан ҳамкорликда:

11.2. ТошДУнинг журналистика факультети қошида дарслик, ўқув-услубий адабиётлар, соҳани яхшилаш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, журналистика истиқболларини башорат этиш билан шуғулланувчи, хўжалик ҳисобидаги марказнинг фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

12. Ташқи алоқалар Бош бошқармаси (Бобомухамедов П.С.)га:

12.1. 1999/2000 ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, «Умид», «Устоз», Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари билан келишилган ҳолда журналистика факультетларининг илғор педагоглари ва иқтидорли талабаларининг хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари, оммавий ахборот воситалари таҳририятларида ҳамда халқаро ташкилотларининг матбуот марказларида мақсадли ўқув амалиёти ва стажировкалар ўташи учун квоталар ажратилиши таъминлансин.



Б У Й Р У Ф И

3. Халқаро туризм факультетининг тузилиши иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқаро туризм факультети ташкил этилиши муносабати билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

9. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ректори (Р.Алимов) га:

...9.3. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда “1999/2000 ўқув йилидан бошлаб туризм факультети қошида ўқув-услубий қўлланмалар, дарсликлар, соҳани ривожлантириш бўйича таҳлилий тавсиялар тайёрлаш, туризм иқтисодиёти ривожлантириш ҳамда унинг истиқболларини башорат этиш масалалари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот марказини ташкил этсин.

9.5. “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан ҳамкорликда ТошДИУ нинг халқаро туризм факультети қошида, махсус туристик фирма ташкил этилсин ва унинг фаолиятида профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг кенг иштироки таъминлансин.

...9.6. Халқаро туризм факультети қошида Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган туристик ташкилот ва фирмалар ходимлари учун малака ошириш ва маиший хизмат кўрсатиш курсларини ташкил этиш топширилсин.

12. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов) ва ТошДИУ ректорати (Р. Алимов) билан ҳамкорликда:

12.2. ТошДИУ нинг халқаро туризм факультети қошидаги хўжалик ҳисобидаги марказнинг фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

“О Типовом положении об учебно-научно-производственном комплексе (УНПК)” из ПРИКАЗА

Министерства высшего и среднего специального
образования Республика Узбекистан
№227 от 7 июля 1999 года

В целях развития интеграции образования, производства и науки в соответствии с требованиями Национальной программы по подготовке кадров

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Утвердить Типовое положение об учебно-научно-производственном комплексе (УНПК), разработанное в рамках реализации

Проекта ТАСИС совместно с Минвузом.

2. Ректорам подведомственных высших учебных заведений при разработке и согласовании положений (Уставов) УНПК вуза на договорной основе с НИИ, предприятием руководствоваться утвержденным Типовым положением с учетом специфики и особенностей подготовки специалистов в конкретном учебном заведении.

ТИПОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ ОБ УЧЕБНО-НАУЧНО-ПРОИЗВОДСТВЕННОМ КОМПЛЕКСЕ (УНПК).

Утверждено приказом Министерства высшего и среднего специального образования от 7 июля 1999 года №227 “О Типовом положении об учебно-научно-производственном комплексе (УНПК)”

ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ

1. УНПК представляет собой объединение, в состав которого на договорной основе могут входить образовательные и научные учреждения, предприятия (организации) соответ-

ствующие отрасли, созданное совместным приказом участвующих в нем сторон.

УНПК может создаваться также путем слияния (присоединения) образовательного и научного учреждений с предприятиями на основании постановления учредителя (учредителей).

2. УНПК строит свою деятельность в соответствии с Законом Республики Узбекистан “Об образовании”, Национальной программой по подготовке кадров, иными законодательными и нормативными актами, а также

Положением о высшем образовании и Положением (Уставом) о данном комплексе, разработанном на основе настоящего Типового положения.

3. Учебно-научно-производственный комплекс образовательного учреждения, высшего образования, научно-исследовательского института базового предприятия (организации, учреждения) отрасли (в дальнейшем "предприятие") предназначен для координации их совместной деятельности по подготовке специалистов в целях повышения эффективности учебной и научно-исследовательской работы, апробирования и использования результатов научных исследований, организации повышения квалификации работников предприятия и преподавателей, как одной из форм интеграции образования, науки и производства.

4. Основными задачами УНПК являются:

В области учебной и учебно-методической работы:

- создание условий для всестороннего развития творческой личности, подготовка высококвалифицированных специалистов с высшим образованием на основе интеграции образования, науки и производства;
- повышение квалификации научно-педагогических работников вуза и специалистов предприятия, переподготовка рабочих в условиях рыночных отношений;
- эффективное использование научно-педагогических работников интегрированных современных учебно-лабораторных и практических с привлечением высококвалифицированных специалистов производства;
- воспитание чувства долга гражданина и патриота, нравственное воспитание;
- физическая подготовка и осуществление мероприятий по укреплению здоровья студентов и профессорско-преподавательского состава;
- привитие студентам навыков творческой самостоятельной деятельности как в научно-производственной, так и в управленческой хозяйственной сферах деятельности;
- поиск и поддержка способной и творчески одаренной молодежи;
- организация практики студентов на предприятии (или НИИ) на должностях специалистов с оплатой труда в установленном порядке и согласование программы производственной практики;
- обеспечение непрерывного практического обучения студентов с включением производительного труда на завершающем этапе, организация чтения лекционных курсов и проведение практических занятий;
- разработка учебно-методической документации для студентов и преподавателей;

- улучшение материального положения обучающихся;

- укрепление и развитие материально-технической и лабораторной базы образовательного учреждения высшего образования.

В области научной работы:

- повышение качества образования и подготовки специалистов на основе широкого привлечения студентов к научной, исследовательской, конструкторской, технологической, проектной, внедренческой, производственной, управленческой работе и укрепления связей учебной, производственной и научной работы;

- обеспечение участия студентов в решении актуальных научных и технических проблем, как правило, в соответствии с профилем будущей специальности;

- осуществление внедрения передовых достижений науки и творчества, сокращение сроков внедрения;

- проведение научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ по важнейшим научно-техническим проблемам, связанным с техническим прогрессом предприятия и отрасли в целом;

- осуществление контроля за выполнением научно-исследовательских работ по плану УНПК, разработка планов экспериментальной проверки и внедрения результатов законченных научно-исследовательских работ в производство, а также обеспечение проведения экспериментальной проверки и внедрение высокоэффективных разработок учебных заведений на предприятиях сверх планов НИОКР УНПК;

- организация работы преподавателей по трудовому соглашению в период их стажировки на предприятиях или во время руководства производственной практикой;

- координация профориентационных работ, проводимых силами студентов, преподавателей вуза и кадровыми службами предприятия.

УНПК имеет право:

- участвовать в конкурсе на выполнение научно-исследовательских, конструкторских, технологических и проектных работ по государственному заказам;

- участвовать в выполнении заданий региональных и отраслевых научно-технических программ и планов, в том числе по конкурсу;

- заключать договора на выполнение, передачу, научных и научно-технических работ и на проведение экспертизы научно-технических разработок;

- реализовать по государственному, и договорным ценам собственные законченные работы;

- осуществлять авторский надзор за использованием созданной продукции, авторские права на научно-технические разработки, выполненные комплексом;
- осуществлять в установленном порядке внешнеэкономическую деятельность.

Отношения членов УНПК:

- отношения членов УНПК строятся на договорной основе. Взаимные обязательства вытекают из требований качественной подготовки специалистов с высшим образованием, а также возможностей наиболее эффективного использования учебно-лабораторной и материальной базы объединения;
- финансовые и материальные обязательства членов УНПК строятся на договорной основе за счет собственных средств.

Управление УНПК:

1. Органом управления УНПК является Координационный совет. Председателем совета является ректор высшего учебного заведения, членами - проректор, деканы факультетов, руководители предприятий и НИИ, входящих в состав объединения.

2. Координационный совет УНПК:

- принимает решения по всем вопросам организации и проведения учебно-воспитательного процесса в рамках непрерывной профессиональной подготовке специалистов;

решает вопросы, связанные с использованием материально-технической базы в учебно-научно-производственной деятельности;

- разрабатывает планы совместных научных исследований и внедрения их результатов;
- осуществляет методическое руководство учебно-научно-технической деятельностью УНПК;

- рассматривает вопросы совершенствования управления и организации работы УНПК.

Обязанности ВУЗа:

- планирование учебного процесса в лабораториях, цехах, отделах и других подразделениях предприятия или НИИ;

- организация выполнения курсовых и дипломных проектов (работ), учебной научно-исследовательской работы студентов по тематике, связанной с решением научно-исследовательских и проектно-конструкторских, экспериментально-конструкторских и производственных задач, стоящих перед предприятием;

118

- направление профессоров, преподавателей, сотрудников учебного заведения для чтения на предприятии лекций и проведения занятий по повышению квалификации и подготовке специалистов предприятия;

выполнение научно-исследовательской и

экспериментально-конструкторской работы по тематике предприятия на хозрасчетной основе и по договорам о творческом сотрудничестве;

- приглашение опытных специалистов предприятия для участия в проведении учебного процесса на условиях совместительства и почасовой оплаты, а также для участия в работе научных семинаров;

- осуществление по заказам предприятия целевого обучения студентов для работы на нем по окончании учебного заведения;

- опубликование научных трудов специалистов предприятия в вузовских научных сборниках;

- организация научно-информационного обслуживания работников предприятия;

- осуществление подготовки кадров высшей квалификации через докторантуру и целевую аспирантуру по заказу предприятия;

- организация консультаций и других образовательных услуг работникам предприятия и подготовки по отдельным направлениям науки и техники.

Обязанности предприятия (НИИ):

- направление в установленном порядке работников предприятия на подготовку, переподготовку и повышение квалификации в учебное заведение;

- направление ведущих специалистов производства для проведения учебного процесса и участия в научно-исследовательской деятельности по совместным планам и программам;

- предоставление студентам возможности использования лабораторий, отделов, цехов и других подразделений для выполнения ими всех видов учебной и научно-исследовательской работы, а также выделение рабочих мест для их участия в производственном труде в период обучения в учебном заведении;

- рекомендация тем для выполнения студентами курсовых, дипломных проектов и работ, учебной научно-исследовательской деятельности и выделение с производства руководителей курсовым и дипломным проектированием. Рассмотрение на заседаниях координационного совета работ;

- выполненных студентами по заданию предприятия, и внесенных ими предложений по модернизации и улучшению организации производства;

- выделение помещения для организации филиалов кафедр учебного заведения и их хозяйственно-техническое обеспечение;

- финансирование на хоздоговорной основе выполняемую учебным заведением научно-исследовательскую и экспериментально-конструкторскую работу по профилю деятельности предприятия;

- обеспечение проведения конструкторско-технологических работ, изготовление и

испытание, доводка опытных образцов новой техники, а также оперативного освоения их промышленного выпуска;

- ознакомление студентов и преподавателей с новыми образцами техники и новыми технологиями, применяемыми на предприятии;

- оказание всесторонней помощи учебному заведению в оснащении учебных лабораторий

новыми приборами, аппаратурой, средствами автоматки и вычислительной техники.

Устав УНПК.

В случае создания УНПК путем слияния образовательного и научного учреждений с предприятием на основании постановления учредителя (учредителей) разрабатывается устав комплекса в соответствии со ст.43 ГК РУз и настоящим Типовым положением.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги 2000 йил 27 январ 19 соғли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги маърузасида XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда снёсий, иқтисодий, давлат қурилиши ва бошқаруви, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, ташқи ва ички соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган истиқбол режалари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Ватанимизнинг келгуси тақдирини белгилаб берувчи мазкур масалаларни аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг пухта ўрганишини таъминлаш, уларнинг бу жараёнларда ташаббус кўрсатиб фаол иштирок этишига эришиш, ҳар бир кишида бу вазифаларни бажаришда фуқаролик масъулиятини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда уларни олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва талаба-ўқувчилари орасида атрофлича ва чуқур ўрганиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазирлик ҳузурида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ юқори билимли ва юксак маънавиятли мутахассисларни тайёрлашнинг долзарб масалалари»га бағишланган, донимий фаолият кўрсатадиган Республика амалий семинари ташкил қилинсин. Семинарда қуйидаги масалалар бўйича шўъбалар иш олиб бориши назарда тутилсин:

- таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўқув-услубий жараёнларни ва

бошқарув тизимини янада такомиллаштириш вазифалари;

- талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим вазифалари;

- узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини таъминлаш масалалари;

- олий таълим тизимидаги кадрлар таркибини ўрганиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалалари;

- таълим тизимида фаннинг ўрни, аҳамияти, салмоғини ошириш, олий таълим тизимида фан йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришга, иқтидорли талабалар ва ёш олимларни унга жалб этишга қулай шароит яратиш масалалари;

- малакали кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш механизминини янада такомиллаштириш масалалари;

- олий таълим тизимида маркетинг хизматини такомиллаштириш вазифалари;

- вазирликда ва олий таълим муассасаларида илғор хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, инвестициялар жалб қилинишинини кенг йўлга қўйиш масалалари;

- олий ўқув юртлири моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув юрти жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш масалалари;

- таълим тизимини замонавий дарслик, ўқув қўлланмалари, дастурлар ва бошқа услубий адабиётлар билан таъминлаш механизминини яратиш.

2. Семинар машғулотларига ўқув юртлири раҳбарлари, юқоридаги муаммолар бўйича етакчи мутахассислар, истеъдодли ёшларнинг бевосита иштирок этишлари таъминлансин. Семинар кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан унинг қатнашчилари ўзлари реферат

тайёрлашлари ва шу рефератларни семинар машғулотларида ўқиб эшиттиришлари белгилаб қўйилсин. Мазмуни ва кўтарилган масалалар бўйича таклифлари амалий аҳамиятга эга деб топилган рефератлар танлаб олинсин ва нашрга тавсия этилсин. Рефератлар муаллифлари моддий рағбатлантирилсин.

3. Амалий семинар материаллари таҳлилининг изчил ёритиб бориш мақсадида вазирликнинг мунтазам равишда чоп этиладиган бир босма табоқ ҳажмида «Бюллетени» чиқарилсин.

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлиари ректорлари ва директорларига:

4.1. Мазкур буйруқнинг 1 ва 2 бандларида қўйилган вазифаларни олий ўқув юрти имконияти ва йўналишларидан келиб чиқиб амалга ошириш таъминлансин.

4.7. Маъруза ва семинар машғулотларининг ўтказишга, асосан «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, дастурда қайд этилган махсус мавзулар бўйича ижтимоий-гуманитар кафедраларининг етакчи мутахассис ўқитувчилари жалб этилсин.

4.8. Ўқув юртларида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» махсус курси бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчилар таркиби аниқлансин ва тасдиқлансин.

4.9. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» махсус курсида дарс берувчи профессор-ўқитувчилар учун уюштириладиган илмий-услубий семинар дастурида қайд этилган масалалар бўйича мулоқот ўтказилишини назарда тутиб, унинг қатнашчилари мавзулар бўйича тайёрланиб келишлари таъминлансин.

4.10. Ўқув юртидаги ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар кафедралари профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» номли нутқида илгари сурилган вазифаларни талаба-ўқувчиларга etkaziш мақсадида ўз маъруза ва амалий машғулотларида ундан тўлиқ фойдаланишлари таъминлансин.

5. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д.Ғаниев)га:

5.1. Бошқарма тавсия этган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз» махсус курсининг ўқув режаси ва дастури тасдиқлансин (илова қилинади).

6. Ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш Маркази (Н.Халилов)га:

6.1. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» махсус курсининг ўқув режаси, дастури ҳамда мазкур мавзуга бағишланган илмий-услубий семинар дастурининг старли нусхада чоп этиш ва улар билан барча олий ўқув юртларининг таъминлаш юклатилсин.

7. Иқтисод, илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (М.Саидов)га:

7.1. Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий ўқув юртларидан «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» илмий-услубий семинарига қатнашувчиларни турар жой билан таъминлаш ва уларга бошқа зарур шароитлар яратиш юклатилсин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Биринчи проректор ҳақидаги Низомнинг тўла амал қилишини таъминлаш тўғрисида”ги
2000 йил 26 июл 206 сонли**

БУЙРУҒИ

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Қонунларининг таълим тизимларига тўла жорий этишни таъминлаш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда Республика Президенти Фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, талаба-ёшларни чуқур ватанпарвалик, фидойилик, миллий ғоя ва мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш ишларининг янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда олий ўқув

юртларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректорлари масъулиятини янада кўтариш талабларидан келиб чиқиб

Б У Ю Р А М А Н :

1. Олий ўқув юрти ректорига:

1.1. “Олий ўқув юртининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори ҳақида Низом”, унда белгиланган вазифалар, тадбирлар ва топшириқларни ўқув юртида тўла амалга ошириш юзасидан раҳбарлик учун қабул қилинсин.

1.2. Низомнинг олий таълим муассасасида тўла амал қилишини таъминлайдиган таъсирчан чора-тадбирлар кўрилсин. ўқув юртида таълим-тарбия жараёнларини ўзаро мувофиқлаштириб олиб бориш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш ишларида Биринчи проректорга, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ёрдам кўрсатиш мунтазам йўлга қўйилсин.

1.3. Низом ўқув юрти Илмий кенгашида атрофлича кенг ўрганиб чиқилсин, унинг мазмунидан жамоа тўла хабардор қилинсин. Илмий кенгашда Биринчи проректор ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари фаолияти хар йили камида икки марта муҳокама этилиши белгилаб қўйилсин.

1.4. Вазирликнинг 1996 йил 16 сентябрдаги 221 рақамли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат”

жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги фармонини бажариш вазифалари ҳақида” ҳамда “Ўқув юртларида маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида” (1998 й. 28 июль №205) ги буйруқларида, шунингдек гуманитар таълим ва тарбиявий ишлар бўйича қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қатъий назорат остига олинсин ва уларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши таъминлансин.

1.5. Масала юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирликка ҳар чоракда тегишли равишда ёзма ахборот бериб борилсин.

2. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Қосимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли

Б У Й Р У Ф И

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда олий таълим муассасаларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. “Олий таълим муассасаси факультети-нинг кенгаши тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 5 декабр 343-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг факультети тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, факультет декани қошида ва унинг раислигида факультет кенгаши ташкил этилади.

2. Факультет кенгашининг асосий вазифаси - Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялаштириш ҳамда талабалар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш асосида юқори сифатли мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунларининг бажарилишига факультет жамоасининг саъи-ҳаракат-

ларини бирлаштириш ҳамда унинг фаолиятини демократлаштириш ҳисобланади.

3. Кенгаш таркиби-факультет декани (раис) ва унинг ўринбосарлари, кафедра мудирлари, факультетнинг айрим жамоат ташкилотлари раҳбарларидан ташкил этилади. Шунингдек, кенгаш таркибига мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари, хорижий олимлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутахассислари киритилиши мумкин. Факультетнинг етакчи ўқитувчилари, шунингдек, бошқа илмий-педагогик ходимлари олий таълим муассасасининг ректори белгиланган квоталарга мувофиқ факультет кенгаши таркибига сайланадилар.

4. Факультет кенгаши аъзоларининг сони ва шахсий таркиби олий таълим муассасасининг ректори томонидан уч йил муддатга тасдиқланади.

5. Факультет кенгаши:

- ишчи ўқув режа ва дастурлар лойиҳала-

рини, битирув малакавий ишлар мавзуларини, магистрлик диссертацияларни кўриб чиқади ва тасдиққа тавсия этади;

- ўқув йили натижалари бўйича ўқитувчиларнинг шахсий режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни, кафедраларнинг ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизимини кўриб чиқади;

- факультет профессор-ўқитувчилари таркибининг илмий-тадқиқот ишлари ва малака ошириш режаларини муҳокама этади;

- факультетнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишларига ва талабаларнинг малакавий амалиёт ишларига яқун ясайди;

- деканнинг факультетдаги ўқув, ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича, шунингдек, ҳомийлар орқали бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, таълим хизматларини кўрсатиш, корхоналар буюртмаларини бажариш ва бошқа соҳалардаги фаолияти юзасидан ҳисоботларини муҳокама этади;

- белгиланган тартибда профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш ўринларга танлов ўтказиши;

- профессор ва доцент илмий унвонларини бериш учун тақдим этилган тавсияларни кўриб чиқади;

- фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, докторлик диссертацияси устида ишлаётган ўқитувчилардан катта илмий ходим лавозимига ўтиш истагини билдирган номзодларни муҳокама қилади;

- “Устоз” ва “Умид” жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари, Беруний, Ибн Сино, Улугбек ва Навоий Давлат стипендиялари танловларида иштирок этиш учун ёш ўқитувчилар, олимлар ва иқтидорли талабалар таркибидан кўрсатилган номзодларни муҳокама этади ва тавсиялар беради ҳамда иқтидорли ёшлар билан ишлаш режаларини муҳокама этади;

- ушбу олий таълим муассасаси магистратурасини битирувчилар таркибидан аспирантурага қабул қилиш учун номзодларни муҳокама қилади;

- аспирантларнинг шахсий иш режаларини тасдиқлайди ва ҳар йили уларни аттестациядан ўтказиш материалларини кўриб чиқади;

- кафедраларнинг факультетни битириб кетган бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар ҳамда “Умид” жамғармаси орқали таълим олаётган талабалар билан алоқалари тўғриси-

даги ҳисоботларини эшитади ва кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича талбирларни ишлаб чиқади;

- кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари томонидан дарслик, ўқув қўлланмалари, маъруза матнларини тайёрлаш бўйича, шу жумладан, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ҳам, ҳисоботларини эшитади, уларнинг сифатини аниқлайди ва яхшиларини маънавий ва моддий рағбатлантиришга тақдим этади;

- бюджетдан ташқари маблағларнинг тушиши ва улардан ўқув мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокамага киритади;

- олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини таҳлил этиш, бошқа таълим муассасалари билан алоқаларни ўрнатиш, ишлаб-чиқариш билан интеграцияни такомиллаштириш, кафедралар филиалларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқади;

- ҳомийлар (Васийлар) Кенгашига номзодларни тавсия қилади;

- кафедраларнинг мувофиқ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ўқув-услубий соҳадаги ҳамкорликлари бўйича режа ва ҳисоботларини муҳокама қилади;

- факультетнинг фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

6. Факультетнинг ўқув ва илмий ишларига тегишли барча масалалар юзасидан кенгаш қарори очик овоз бериш йўли билан, оддий кўпчиликнинг овози билан қабул қилинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича ўтказиладиган танловларда ҳамда илмий унвонга тасдиқ этиш учун бериладиган тавсиялар муҳокамасида кенгаш қарори яширин овоз бериш йўли билан, белгиланган тартибда қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда, кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

7. Кенгаш мажлиси, унинг таркибидаги аъзоларнинг 2/3 қисми иштирок этгандагина, ҳақиқий ҳисобланади.

8. Кенгаш мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомалар кенгаш раиси ва илмий котиб томонидан имзоланади.

9. Кенгаш раиси мунтазам равишда қарорлар бажарилишининг назоратини ташкил этади ва кенгаш аъзоларига қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши бўйича ахборот бериб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 2000 йил 10 ноябрь 301 сонли

БҲЙРУҒИ

Президентимиз Ислон Каримов асарлари, маъруза ва нутқлари, асосида ишлаб чиқилган миллий ғоя ва истиқлол мафкураси билан аҳолини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни қуроллантириш, унинг асосий тушунча ва тамойилларини уларнинг онгига сингдириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Зеро, аҳоли ва ёшларда она-Ватанга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг тинчлиги, равнақи ва фаровонлиги учун курашишга тайёр турадиган фидоий инсонлар қилиб етиштириш ва шунингдек, мафкуравий курашлар авж олган ҳозирги шароитда ёшларни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларда зарарли мафкураларга қарши иммунитет ҳосил қилиш шу куннинг талабидир. Мазкур вазифалар жойларда маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда асосий марказлардан бири ҳисобланган олий ўқув юртлари зиммасига катта масъулиятни юклайди. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб

Б У Ю Р А М А Н:

1. Республика олий ўқув юртлари ректорларига:

1.1. Ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган маънавий-маърифий масалалар бўлими қошида миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази ташкил этилсин. Марказга раҳбар тайинлансин ва унга маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи иш ҳақи миқдорида бюджетдан ташқари маблаг ҳисобидан ойлик маош белгилансин.

Марказ таркибини “Миллий истиқлол ғояси” фанидан дарс берувчи профессор ва ўқитувчилар, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларининг етакчи профессор-ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар, магистрлар, иқтидорли талабалардан тузиш назарда тутилсин.

Марказнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат деб белгилансин:

- миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари бўйича зарур бўлган кичик-кичик оммабоп рисоалар, маъ-

руза матилари, методик адабиётлар ва дидактик қўлланмалар тайёрлаш ва уларни аҳоли орасида тарқатиш ҳамда ўз фаолиятида улардан фойдаланиш:

- ўқув юрти жамоаси орасида, маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларда миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш, суҳбатлар, савол-жавоб кечаларини уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш.

1.2. Марказга раҳбарлик қилиш ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириш маънавият ва маърифат масалалари бўйича 1-проректор зиммасига юклатилсин.

1.3. Марказнинг жойлардаги ҳокимият билан келишиб тузилган йиллик иш режаси ўқув юрти илмий кенгашида муҳокама этилиб, ректор томонидан тасдиқланиши белгилансин.

1.4. Марказ зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалда самарали бажарилишини таъминлаш учун унга тегишли шарт-шароитлар яратиб берилсин.

1.5. Марказнинг фаолияти жойлардаги ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида илмий кенгашида ҳар ярим йилда бир марта муҳокама этилиши таъминлансин.

1.6. Марказ томонидан миллий истиқлол ғояси мавзусида тайёрланган материалларни ўз вақтида етарли нусхаларда чоп этириш ва жойларда тарқатишни ташкил қилиш ҳамда материаллар муаллифларига белгиланган тартибда қалам ҳақи тўлаш юклатилсин.

1.7. Марказ ходимларининг миллий истиқлол ғояси мавзусида жойларда ўтказадиган тадбирлар билан боғлиқ бўлган барча харажатларни қоплаш ва уларни моддий рағбатлантириш масалалари белгиланган тартибда ҳал этилсин.

2. Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси (Д.Фаниев)га:

2.1. “Миллий истиқлол ғояси” фанини талабаларга ўқитишнинг янги усулини ўзида акс эттирган услубий кўрсатмани икки ҳафта муддат ичида ишлаб чиқиш топширилсин.

2. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳай-ъати ва Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши-нинг «Олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий-ҳаракати бошланғич ташкилотларининг фаолияти ҳақида»ги 2001 йил 29 ноябр 10/1-сонли

Қ У Ш М А Қ А Р О Р И

3. Олий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими раҳбарларига:

3.1. «Камолот» бошланғич ташкилотининг таълим муассасасида самарали фаолият кўрса-

тишини таъминлаш мақсадида уларни тегишли хоналар, жиҳозлар, алоқа ва техника воситалари билан таъминлаш амалга оширилсин.

3.2. Вазирлик ҳамда Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгашининг қўшма қарорлари, ҳамкорлик шартномалари, шунингдек, Вазирликнинг 2001 йил 26 сентябрдаги 234-сонли «Вазирлик олий ўқув юртлирида талаба ёшларни маъруза матнлари ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни мукамаллаштириш ҳақида»ги буйруғи ва бошқа йўриқнома шаклидаги ҳужжатларда назарда тутилган масалалар юзасидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотларининг ҳуқуқлари ва вазифалари ҳамда уларга бериладиган ваколатларни таъминлаш топширилсин.

3.3. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати-нинг Дастури ва Низомини таълим муассасаси бошланғич ташкилоти аъзоларига етарли даражада тарқатишни таъминлаш юклатилсин.

3.4. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг раҳбари, фаол етакчиларини ўқув юрти ва факультет Илмий Кенгашлари таркибига киритиш ва ёшлар фаолиятига оид масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб, таълим муассасасида мазкур ёшлар ташкилотининг обрў-эътиборини, нуфузини, ваколатларини ошириш тadbирлари кўрилсин.

4. Таълим муассасасидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раҳбарига:

4.1. Таълим муассасасида ўқийётган ва ишлаётган 14—27 ёшдаги талаба ўқувчилар ва ходимларни ўз хоҳиш ва аризаларига мувофиқ «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига аъзо қилиб олиш

ишларини фаоллаштириш тавсия этилсин.

4.2. Бошланғич ташкилотга берилган ҳуқуқлар ва ваколатлардан келиб чиқиб таълим муассасасида амалга ошириладиган тadbирларнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

4.3. Ҳозирги кунда жаҳонда кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиб террорчиликка ва диний экстремизмга қарши кураш олиб бориш, хушёрликни ошириш ҳамда талаба-ўқувчилар орасида гиёҳвандлик, ОИТС (СПИД) касалликлари тарқалишининг олдини олиш масалаларига алоҳида аҳамият бериш ва бу борда тегишли маданий-маърифий тadbирларни амалга ошириш таъминлансин.

4.4. Таълим муассасасида талаба-ўқувчиларнинг дарс машғулотларидан бўш вақтларини ижтимоий фойдали меҳнат билан, турли маданий-маърифий тadbирлар билан, спорт-соғломлаштириш ишлари билан ҳамда уларнинг ихтисослик малакаларини, билимларини, онги ва дунёқарашини оширишга қаратилган тўғарақлар билан банд этишни таъминлаш топширилсин.

4.5. Таълим муассасасида талабалар уйларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоларининг фаолигини ошириш тadbирлари кўрилсин. Талаба-ўқувчиларининг қизиқиш-ларига мувофиқ турли ҳил тугарақларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш, маданий-маърифий тadbирларни ўтказишни режалаштириш ва амалга ошириш юклатилсин.

5. Мазкур ҳайъат қарорининг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Қосимов ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари К. Қуронбоев зиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини Республика таълим тизимига жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома» ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8⁻-сонли

БУЙРУҒИ

2. Олий ўқув юртлири ректорларига:

...2.7. Ўқув юртлирининг «Маънавият ва маърифат» бўлимлари қошида тузилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанини ўрганиш ва тарғиб қилиш Маркази»нинг таркиби ва унинг раҳбари тўғрисида буйруқ билан

расмийлаштирилган ҳужжат ҳамда рўйхат, Марказнинг иш режаси, шунингдек, ўқитувчиларнинг дарсларга ўзаро ташриф жадвали Вазирликка тақдим этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 20 февралдаги 42-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда олий таълим муассасалари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўртасидаги узлуксизликни таъминлаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқариш корхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари билан интеграцияни кучайтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликларининг «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактабни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 19 апрелдаги 85/63-сонли

Қ ў ш м а Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида мамлакатимиз равнақиға хизмат қиладиган иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, уларни фан олимпиадаларига ва олий ўқув юр்தларига тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида

Б У Ю Р А М И З :

1. Ўзбекистон Миллий университети қошида «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактаб» ташкил этилсин.
2. «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактабнинг Низоми» иловаға мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Миллий университети ректори (Т.Долимов)ға Сиртқи мактаб мазкур Низом асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш вазифаси топширилсин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар таълим бошқаруви органлари раҳбарларига Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактаб»ға умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг қобилиятли ўқувчиларини жалб этишға йўналтирилган тарқибот-ташвиқот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилсин.
5. «Маърифат» (Х.Саидов), «Учитель Узбекистана» (А.Долимов) газеталари таҳририятларига мазкур Сиртқи мактаб фаолияти билан боғлиқ бўлган эълонлар, фанлар бўйича топшириқ материаллари ва натижалар таҳлилларини газета саҳифаларида мунтазам чоп этиб бориш топширилсин.
6. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати

Б У Ю Р А М А Н :

1. «Олий таълим муассасаси кафедралари филиаллари тўғрисидаги Намунавий Низом» 1-Иловаға ҳамда «Олий таълим муассасаси кафедраларининг ишлаб корхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тасарруфидаги академик институтлардаги филиаллари тўғрисидаги Намунавий Низом (2-Илова)ға мувофиқ тасдиқлансин.

*Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи А.Зокиров, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юр்தлари Бош бошқармаси бошлиғи Б.Раҳимов ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарининг ўринбосари Р.Неъматов зиммаларига юклансин.

1. Умумий қондалар

1. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактаб (кейинги ўринларда «Сиртқи мактаб» деб юритилади) фаолияти аниқ ва табиий фанларға қизиқувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари орасидан иқтидорлиларини танлаш, газеталарда эълон қилиб бориладиган ёзма иш ёки тест топшириқлари орқали уларнинг тегишли фанға бўлган қизиқишларини орттириш, қобилиятларини ўстириш, фан олимпиадаларига ҳамда олий ўқув юр்தларига тайёрлаб боришға, пировард натижада мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришға қаратилгандир.

2. Сиртқи мактаб Ўзбекистон Миллий университети қошида фаолият кўрсатади, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Миллий университетнинг Низоми ҳамда ушбу Низом асосида амалға оширилади.

II. Сиртқи мактабнинг асосий вазифалари

1. Математика, физика, информатика, кимё ва биология фанлари бўйича турли кўринишлардаги олимпиадалар, ёзги ҳамда қишқи сиртқи мактабларни ташкил этиш, газетада эълон қилинган ёзма иш ёки тест топшириқлари орқали

иқтидорли ёшларни танлаш, хоҳиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда уларни сиртқи мактабга таклиф этиш;

2. Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей дастурлари асосида иқтидорли ўқувчилар билимларини чуқурлаштиришга йўналтирилган аниқ ва табиий фанлардан дастурларни тузиш ва жойларга етказиш;

3. Иқтидорли ёшларни танлаган фанлари бўйича махсус дастур асосида билимларини чуқурлаштириш ишларини олиб бориш;

4. Иқтидорли ёшлардан халқаро олимпиада иштирокчиларини етказиб чиқариш борасида ишлар олиб бориш;

5. Сиртқи мактаб фаолиятига Миллий университетнинг етакчи олим ва профессорлар-ўқитувчиларини жалб қилиш;

6. Иқтидорли ўқувчи-ёшларни етакчи олимлар билан учрашувларни ташкил этиш ва ўтказиш;

7. Хорижий давлатларда шу йўналишда олиб борилаётган иш тажрибаларни ўрганиш ҳамда татбиқ этиш мақсадида алоқалар ўрнатиш.

III. Сиртқи мактабнинг тузилиши

1. Сиртқи мактабда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади;

2. Сиртқи мактабга ўқувчилар Республика газеталарида эълон қилинган ёзма иш ёки тест топшириқларини бажариш натижалари бўйича танлов асосида қабул қилинади;

3. Танловда умумий ўрта таълим муассасаларининг 7-11-синф ўқувчилари, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари иштирок этишлари мумкин;

4. Сиртқи мактабда ўқишнинг давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлиб, ҳар бир ўқув йили икки семестрдан иборат;

5. Ёзма иш ёки тест топшириқлари йил давомида ҳар бир фанидан 4-6 марта газеталарда эълон қилинади;

6. Сиртқи мактабга қабул қилинган ўқувчилар томонидан ечилган ёзма иш ёки тест топшириқлари белгиланган муддатда бажарилиб университетга юборилиши керак. ўқувчилар жавоблар таҳлилин олганларида сўнг, агар бажарган ишлари талаб даражасида бўлмаса, белгиланган муддат ичида топшириқни қайтадан бажариб, ишни қайтадан баҳолаш учун тақдим этиш имкониятига эгалар;

7. Топшириқларни муваффақиятли бажарган ўқувчиларга аввалги тақризлари билан баҳолаш натижалари юборилган ҳамда семестр давомида

юқори кўрсаткичга эришганлар қишки ва ёзги мактабларга таклиф этилади;

8. Ўқув йили натижаларига кўра иқтидорли деб топилган 7-9-синф ўқувчилари Миллий университет қошидаги академик лицейга қабул қилинади, сиртқи мактабни муваффақиятли тугатган ўқувчиларга белгиланган тартибда гувоҳнома берилади.

IV. Моддий базаси, молиялаштириш ҳужжатлари

1. Сиртқи мактаб раҳбари университет маъмурияти томонидан етакчи профессор-ўқитувчилари ичидан тайинланади;

2. Сиртқи мактаб раҳбари ҳар бир фан йўналиши бўйича мутасадди шахсни тайинлайди;

3. Сиртқи мактаб қўйидаги ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатади:

- ўқув-услубий кенгаш томонидан тасдиқланган иш дастури;

- ўқувчилар учун топшириқлар мажмуаси;

- ўқувчилар билан олиб борилган мулоқат натижалари;

- сиртқи мактаб аъзоларининг рўйхати на улар билан ишлаш ҳисоботи;

4. Сиртқи мактабда ўқиш bepул;

5. Сиртқи мактаб фаолияти билан bogлиқ барча харажатлар (профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи, шу жумладан топшириқларни тузиш, текшириш, тақриз ёзиш, кўпайтириш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш, эълон қилиш ва ҳ.к.) Миллий университетнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан қопланади;

6. Сиртқи мактаб раҳбарининг вазифалари:

- фан йўналишлари бўйича топшириқ вариантларини тузишни ташкил этиш;

- топшириқларни газеталарда эълон қилиш ва кўпайтиришни ташкил қилиш;

- жавобларни таҳлил қилиш ва натижаларни ўқувчиларга етказиш ишларини уюштириш;

- юқори кўрсаткичларга эришган ўқувчиларни тақдирлаш.

7. Сиртқи мактабда фаолият кўрсатаётган ходимларга меҳнат ҳақини тўлаш Миллий университет бўйича меҳнат ҳақини белгилловчи мавжуд меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Ушбу Низом Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг 2001 йил 1 мартдаги мажлисида муҳокама этилиб маъқулланди (6-сонли баённома).

Н И З О М И

Умумий қондалар

1. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш сиртқи мактаб (кейинги ўринларда «Сиртқи мактаб» деб юритилади) фаолияти аниқ ва табиий фанларга қизиқувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари орасидан иқтидорлиларини танлаш, газеталарда эълон қилиб бориладиган ёзма иш ёки тест топшириқлари орқали уларнинг тегишли фанга бўлган қизиқишларини орттириш, қобилиятларини ўстириш, фан олимпиадаларига ҳамда олий ўқув юртларига тайёрлаб боришга, пиروвард натижада мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришга қаратилгандир.

2. Сиртқи мактаб Ўзбекистон Миллий университети қошида фаолият кўрсатади, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида", "Қадрлар тайёrlаш миллий дасутри тўғрисида»ги қонунлари, Миллий университетнинг Низоми ҳамда ушбу Низом асосида амалга оширилади.

II. Сиртқи мактабининг асосий вазифалари

1. Математика, физика, информатика, кимё ва биология фанлари бўйича турли кўринишлардаги олимпиадалар, ёзги ҳамда қишки сиртқи мактабларни ташкил этиш, газетада эълон қилинган ёзма иш ёки тест топшириқлари орқали иқтидорли ёшларни танлаш, хоҳиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда уларни сиртқи мактабга таклиф этиш;

2. Умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей дастурлари асосида иқтидорли ўқувчилар билимларини чуқурлаштиришга йўналтирилган аниқ ва табиий фанлардан дастурларни тузиш ва жойларга етказиш;

3. Иқтидорли ёшларни танлаган фанлари бўйича махсус дастур асосида билимларини чуқурлаштириш ишларини олиб бориш;

4. Иқтидорли ёшлардан халқаро олимпиада иштирокчиларини етказиб чиқариш борасида ишлар олиб бориш;

5. Сиртқи мактаб фаолиятига Миллий университетнинг етакчи олим ва профессорлар-ўқитувчиларини жалб қилиш;

6. Иқтидорли ўқувчи-ёшларни етакчи олимлар билан учрашувларни ташкил этиш ва ўтказиш;

7. Хорижий давлатларда шу йўналишда олиб борилаётган иш тажрибаларни ўрганиш ҳамда татбиқ этиш мақсадида алоқалар ўрнатиш.

III. Сиртқи мактабининг тузилиши

1. Сиртқи мактабда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади;

2. Сиртқи мактабга ўқувчилар Республика газеталарида эълон қилинган ёзма иш ёки тест топшириқларини бажариш натижалари бўйича танлов асосида қабул қилинади;

3. Танловда умумий ўрта таълим муассасаларининг 7-11-синф ўқувчилари, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари иштирок этишлари мумкин;

4. Сиртқи мактабда ўқишнинг давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлиб, ҳар бир ўқув йили икки семестрдан иборат;

5. Ёзма иш ёки тест топшириқлари йил давомида ҳар бир фанидан 4-6 марта газеталарда эълон қилинади;

6. Сиртқи мактабга қабул қилинган ўқувчилар томонидан ечилган ёзма иш ёки тест топшириқлари белгиланган муддатда бажарилиб университетга юборилиши керак. Ўқувчилар жавоблар таҳлилини олганларидан сўнг, агар бажарган ишлари талаб даражасида бўлмаса, белгиланган муддат ичида топшириқни қайтадан бажариб, ишни қайтадан баҳолаш учун тақдим этиш имкониятига эгалар;

7. Топшириқларни муваффақиятли бажарган ўқувчиларга аввалги тақризлари билан баҳолаш натижалари юборилади ҳамда семестр давомида юқори кўрсаткичга эришганлар қишки ва ёзги мактабларга таклиф этилади;

8. Ўқув йили натижаларига кўра иқтидорли деб топилган 7-9-синф ўқувчилари Миллий университет қошидаги академик лицейга қабул қилинади, сиртқи мактабни муваффақиятли тугатган ўқувчиларга белгиланган тартибда гувоҳнома берилади.

IV. Моддий базаси, молиялаштириш ҳужжатлари

1. Сиртқи мактаб раҳбари университет маъмурияти томонидан етакчи профессор-ўқитувчилари ичидан тайинланади;

2. Сиртқи мактаб раҳбари ҳар бир фан йўналиши бўйича мутасадди шахсни тайинлайди;

3. Сиртқи мактаб куйидаги ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатади:

- ўқув-услубий кенгаш томонидан тасдиқланган иш дастури;

- ўқувчилар учун топшириқлар мажмуаси;

- ўқувчилар билан олиб борилган мулоқат натижалари;

- сиртқи мактаб аъзоларининг рўйхати на улар билан ишлаш ҳисоботи;

4. Сиртқи мактабда ўқиш бепул;

5. Сиртқи мактаб фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар (профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақи, шу жумладан топшириқларни тузиш,

текшириш, тақриз ёзиш, кўпайтириш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш, эълон қилиш ва ҳ.к.) Миллий университетнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан қопланади;

6. Сиртқи мактаб раҳбарининг вазифалари:
- фан йўналишлари бўйича топшириқ вариантларини тузишни ташкил этиш;
- топшириқларни газеталарда эълон қилиш ва кўпайтиришни ташкил қилиш;
- жавобларни таҳлил қилиш ва натижаларни ўқувчиларга етказиш ишларини уюштириш;

- юқори кўрсаткичларга эришган ўқувчиларни тақдирлаш.

7. Сиртқи мактабда фаолият кўрсатаётган ходимларга меҳнат ҳақини тўлаш Миллий университет бўйича меҳнат ҳақини белгиловчи мавжуд меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Ушбу Низом Ўзбекистон миллий университети Илмий кенгашинининг 2001 йил 1 мартдаги мажлисида муҳокама этилиб маъқулланди (6-сонли баённома).

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Вазирликнинг 26.04.96й. 106-сонли Республика таълим муассасаларининг давлат аттестацияси самарадорлигини ошириш ҳақидаги буйруғига «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги»ни амалга ошириш тўғрисида қўшимча киритиш» 2001 йил 23 апрелдаги 88-сонли

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ва меъёрий ҳужжатларини бажарилиши юзасидан фаолиятини назорат қилишни, шунингдек олий ўқув юртларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини» тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мақсадида

БУЙРАМАН:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш мониторинги билан боғлиқ бўлган вазифалар олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган Ички назорат инспекциялари зиммасига юклатилсин.

2. Олий ўқув юртида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги»ни амалга ошириш тўғрисидаги

вақтинча Низоми тасдиқлансин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Раҳимов)га:

3.1. Уч ой муддат ичида Ички назорат инспекцияси ва «Мониторинг»нинг янги таҳрирдаги намунавий Низоми ишлаб чиқилсин ва тасдиққа киритилсин.

4. Олий ўқув юртлари ректорларига:

4.1. Республика ҳукуматининг қарор ва фармойишлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини Вазирликнинг «Мониторинг» бўлимига ўз муддатида ва сифатли тақдим этиб бориш тизими шакллантирилсин ҳамда бажарилиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқ бажарилишининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИ МОНИТОРИНГИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ВАҚТИНЧА

НИЗОМ

1. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги» (бундан кейин «Мониторинг») олий ўқув юртидаги ички назорат Инспекциясининг таркибий қисмидир.

2. «Мониторинг» ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонушларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишларига, Республика ҳукуматининг қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги-

нинг ҳайъат қарори, буйруқларига ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. «Мониторинг» хизмати олий ўқув юртида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш мониторингини амалга оширади шунингдек, таълим муассасасида Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонуни ва меъёрий ҳужжатларининг бажарилиши бўйича назорат қилади.

4. «Мониторинг»нинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таълим муассасасида Ўзбекистон Респуб-

ликасининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига оид қонунилари, юқори ташкилотларнинг қарор ва фармойишларини, вазирликнинг ҳайъат қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек ўқув юртининг Кенгаш қарори ва буйруқларини бажарилиш назоратини таъминлаш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг ва билим сифатиغا нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши;

- кадрлар тайёрлаш сифати, уларга бўлган эътиёж ва меҳнат бозорини ривожлантириш ҳамда олий ўқув юрти моддий-техника базасининг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш.

5. «Мониторинг» ўзига юклатилган вазифаларни олий ўқув юрти ва унинг факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалари билан ҳамкорликда олиб боради.

6. «Мониторинг» ўзига юклатилган вазифалар доирасида:

- олий ўқув юртида таълим стандартлари мониторингини ташкил қилиш масалалари бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатади;

- таълим муассасасида таълимнинг ҳолати ва ривожланиши ҳақида маълумотлар банки ташкил қилади ва тартибга солиб туради;

- олий таълимни бошқариш органлари (вазирлик, ректорат Илмий кенгаши) га таълимни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлаш;

- олий ўқув юртининг қарор ва буйруқларини ижросини таъминлаш тизимини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- таълим муассасасида ижрочилик фаолиятини таҳлил қилиш асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ва услубий ёрдам курсатиш;

- педагог кадрларнинг малакасини ошириш институтлари, ўқув юртларидаги илгор тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради ва уларни оммалаштиришга имконият яратади.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни мониторинги таҳлил ва назорат талбирлари натижалари бўйича:

- олий ўқув юртида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунилари,

таълим масалалари бўйича Респуб-лика ҳукумати қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини вазирликнинг «Мониторинг» бўлими ва тегишли бошқармаларига ўз муддатида, сифатли тақдим қилишни таъминлайди;

- хулоса, кўрсатилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф ва ҳал қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлайди.

8. «Мониторинг» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- олий ўқув юртида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунилари, таълим масалалари бўйича Респуб-лика ҳукумати қарорлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат қарори, буйруқ, йўриқ хат, модемограмма ва телефонограммаларини, шунингдек ўқув юртининг Кенгаш мажлиси қарори ва буйруқларини бажарилишини факультетларда, кафедраларда таҳлил қилиш;

- таълим муассасаси томонидан давлат таълим стандартларига ҳамда таълимга оид меъёрий ҳужжатларга амал қилинишини текшириш;

- таълим муассасасида бўладиган барча турдаги кенгаш ишларида иштирок этиш;

- ўқув юрти фаолиятини ўрганиш бўйича факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалардан ўз хизмат вазифаларини бажариш учун керакли ҳужжатларни талаб қилиш ва масалага оид мутахассисларни жалб қилиш;

- курс лойиҳаси (ишларини), битирув малакавий ишларни ҳамда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва давлат аттестацияларини ўтказилишини, барча турдаги назарий ва амалий машғулотларни кўриб чиқиш;

- «Мониторинг» ҳуқуқи доирасидаги масалаларни жойларда ўрганиш учун белгиланган тартибда ўқув юрти малакали профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳодда гуруҳлар тузиш.

9. «Мониторинг» ўз фаолиятини вазирликнинг «Мониторинг» бўлими, билан келишилган ва олий ўқув юрти ректори тасдиқлаган йиллик режага мувофиқ амалга оширади.

10. «Мониторинг» фаолияти ҳар йили олий ўқув юрти Илмий кенгашида муҳокама қилинади ва бу ҳақдаги ҳисобот вазирликнинг «Мониторинг» бўлимига ўқув йилининг охирида тақдим этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг «Республика олий ўқув юртларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозимини жорий этиш ҳақида» 2001 йил 30 майдаги 5/6-сонли

ҚАРОРИ

1. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозимини жорий этилиши муносабати билан бошқарув аппарати лавозимлари сонини ўзгартирмаган ҳолда олий ўқув юртларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари

бўйича проректори ўринбосари лавозими бекор қилинсин.

2. Барча олий ўқув юртларида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозими жорий этилсин....

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Республика олий ўқув юртлари томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда маркетинг хизматини янада такомиллаштириш ҳақида»ги 2001 йил 30 майдаги 125-сонли

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги 77-сонли «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 28 январдаги 48-сонли «Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирликнинг 2001 йил 30 майдаги 5\6 рақамли ҳайъат қарори ижросини амалга ошириш, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини замон талаблари даражасида ташкил этилиши-га амалий ёрдам кўрсатиш, таълим муассасалари ўртасида узвийликни таъминлаш ва маркетинг хизматини янада ривожлантириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Барча олий ўқув юртларида 2001 йил 1 июндан академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректор лавозими жорий этилсин.

2. Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтини ҳамда Наманган муҳандислик-педагогика институтларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига педагогик ходимлар тайёрланишини инobatга олган ҳолда ушбу лавозимга биринчи проректор мақоми берилсин.

3. Академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректорнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

3.1. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олий ўқув юртлари томонидан ташкил этилган кафедра филиаллари фаолиятини ўқув

ишлари бўйича проректорлари билан ҳамкорликда мувофиқлаштириш, бозор талаблари асосида Давлат таълим стандартлари, ўқув режа-лари ва дастурларини ишлаб чиқишда таълим узлуксизлигини амалга оширишни таъминловчи талаблар бажарилишини доимий бошқариб бориш;

3.2. Ихтисослашган кафедралар ва олий ўқув юртлари маркетинг хизмати бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига бўлган бозор эҳтиёжининг минтақа ва соҳалар бўйича маркетинг изланишларига асосланган мунтазам таҳлилини амалга ошириш;

3.3. Минтақада ёшларнинг бандлик даражаси, билим ва ҳунар олишга бўлган эҳтиёжлари, уларнинг касбга йўналтирилганлиги ва истиқболда олий таълим муассасаларида ўқишга жалб этиш, таълим муассасаларини ўзгарувчан бозор талабларига тез мосланувчанлигини таъминлаш борасидаги изланишларни такомиллаштириш;

3.4. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ўқув-услубий таъминланганлик даражасини олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари билан биргаликда таҳлил этиш, бу борадаги камчилик, муаммо ва вазифаларни аниқлаш, уларни бартараф этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини назорат этиш;

3.5. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг педагогик кенгашларида белгиланган режага мувофиқ иштирок этиш, ўқув жараёни сифатини оширишга оид вазифалар ҳақида таклифлар киритиш, бу борадаги таҳлилий хулоса ва таклифларни Вазирликка тақдим этиш;

3.6. Таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, таълим тизимининг демократик ва бозор ислохотлари талабларига

мувофиқлигини таъминлаш мақсадида марке-тнинг изланишларини янада такомиллаштириш;

3.7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг илмий салоҳиятини ҳамда магистратура талабалари, аспирант ва докторантларнинг академик лицей ва касб-хунар коллежлари-га ўриндошлик асосида жалб қилинишини таъминлаш;

3.8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Вазирлик олий таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятларидан фойдаланиб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун маъруза матнлари, дарслик ва ўқув қўлланма-

лари, диплом, курс ва лаборатория ишларини бажариш бўйича услубий қўлланмалар тайёрлашни олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари билан ҳамкорликда йўлга қўйиш ҳамда уларни кутубхоналарга етказилишининг назоратини олиб бориш;

3.9. Кутубхоналар ишини янги талаблар ва инфор-мацион технология воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиёт фондларини уларнинг электрон версиялари билан бойитиш, улардан фойдаланиш шарт-шароитини яратиш ва шу кабилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2003 йил 4 апрел 75 сонли, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 4 апрел 46 сонли, Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармасининг 2003 йил 4 апрел 9 сонли «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасини Осиё Тараққиёт Банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Қ Ҳ Ш М А Б У Й Р У Ф И

Таълим соҳасига хорижий сармоялар ишти-рокидаги инвестиция лойиҳаларини жалб қилган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралдаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасини Осиё Тараққиёт Банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 92-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМИЗ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 февралда ги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасини Осиё Тараққиёт Банки иштироки-да амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида-ги 92-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. ОТБ UZB-1961 «Таълим секторини ривожлантириш дастури» Лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган:

Лойиҳа ҳақидаги маълумот 1-иловага мувофиқ;

Лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ таълими вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Аҳлиддиновга Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг фаолият кўрсатиши учун хоналар ажратиш, уларни керакли офис-техникалари,

мебел жиҳозлари ва алоқа тармоқлари билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Халқ таълими вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Аҳлиддинов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов, «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Н.А. Абдуллаевларга:

- Мактабни Ривожлантириш Ташаббус Жамғармаси (МРТЖ) ҳақида фармойиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

- Лойиҳа доирасида жиҳозлар билан таъмирланадиган таълим муассасаларига мебеллар ва бошқа жиҳозларни алоҳида турларини, хусусиятларини (спецификация) аниқлаш бўйича Ишчи гуруҳи тузиш ва фаолиятини таъминлаш;

Лойиҳани амалга ошириш дастури бўйича белгиланган тадбирларнинг ижросини ҳамкорликда таъминлаш;

- Мазкур Лойиҳа ижросини йилда бир маротаба вазирликлар ҳайъатлари, жамғарма Кенгаши мажлисида кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

5. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирликлари ҳамда «Маҳалла» жамғармаси газеталари, журналлари таҳририятларига «Таълим секторини ривожлантириш дастури» Лойиҳаси ҳақида ҳамда уни амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирларни ижросини мунтазам равишда кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммадада қолдирамиз.

ОТБ UZB-1961 «Таълим секторини ривожлантириш дастури» Лойиҳаси ҳақида умумий маълумот

Лойиҳа республиканинг умумий таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, уч Компонентдан иборат:

1-компонент: Таълим соҳасидаги режалаштириш ва бошқариш тизимини кучайтириш.

2-компонент: Ўқитувчилар таълими тизimini такомиллаштириш ва кенгайтириш.

3-компонент: Мактаб таълимига ва таълим олиш шароитларини яхшилашга жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш.

Лойиҳадан қуйидаги натижалар кутилади:

1-компонент — «Таълим соҳасидаги режалаштириш ва бошқариш тизимини кучайтириш» доирасида:

– республика бўйича барча мактабларнинг жойлашиш харитасини тузиш ва фуқароларнинг мактаб билан ҳамкорлигини тадқиқ қилиш;

– таълим олишдаги эҳтиёжни баҳолаш орқали ташкилий аудит ўтказиш;

– соҳадаги истиқбол йўналишларни (стратегияларни) ўрганиш;

– туман халқ таълими бўлимлари ходимлари ва мактаб раҳбарларини ўқитиш.

2-компонент — «Ўқитувчилар таълими тизimini такомиллаштириш ва кенгайтириш» доирасида:

– ўқитувчилар малакасини ошириш тизимига масофадан ўқитиш (МК)ни жорий этиш;

– (а) бошланғич синфлар, (б) ўқитиш методлари, (в) ўрта мактабнинг айрим фанлари бўйича ўқитувчилар учун таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

– ўқитувчилар малакасини ошириш институтларини керакли материаллар ва жиҳозлар билан таъминлаш;

– мактаб ўқитувчиларини ўқитиш малакасини ошириш.

3-компонент — «Мактаб таълимига ва таълим олиш шароитларини яхшилашга жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш доирасида:

– моддий-техника заҳираси заиф бўлган мактабларни таъмирлаш-тиклаш ва уларни таълим учун керакли бўлган асосий жиҳоз ва материаллар билан таъминлаш;

– маҳаллаларга мухтор ва самарали мактаб кенгашларини тузишда ёрдам бериш;

– мактабларга «Мактабни ривожлантириш ташаббус жамғармаси» (МРТЖ)нинг грантларини тақдим этиш.

Лойиҳани амалга ошириш муддати - 5 йил. Биринчи 2 ой давомида Мактабларни ташкилий аудит ва тадқиқотдан ўтказиш, МК тизимини

ташқил этиш (унга мутахассисларни танлаш), МК синов-тажриба дастурини ишлаб чиқиш, ҳар бир ҳудудда МРТЖ ходимларини тайинлаш ва уларни ўқитиш, Лойиҳа тадбиқ қилинадиган туман на мактабларни танлаш, баъзи ҳудудлардаги таъмирлаш ишларининг ҳажмини аниқлаш жараёнини ўз ичига оладиган тайёргарлик тадбирлари амалга оширилади.

Лойиҳадан кутилаётган натижалар

Ушбу Лойиҳадан қуйидагилар бевосита фойда кўрадилар:

I. Тахминан 200 000 нафар мактаб ўқитувчилари.

II. Педагогика институтлари, университетларнинг педагогика факультетлари ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг ходимлари.

III. Тахминан 8000 нафар туман халқ таълими бўлими мутахассислари ва мактаб раҳбарлари.

IV. 500 та таъмирланган тикланган мактабнинг ходим ва ўқувчилари.

V. МРТЖнинг ресурслари билан таъминланадиган тахминан 1000 та мактабнинг ходим ва ўқувчилари.

Ижрочи агентлик ва амалга ошириш тадбирлари

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий Комплекси, Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш (ИМК) назоратида, Лойиҳанинг ижрочи агентлиги ҳисобланади ва Лойиҳани амалга оширишда масъул идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАОГ) ижтимоий комплексга ҳисоб бериб боради ва лойиҳани бошқаришнинг барча кунлик ишларига ҳамда Лойиҳани амалга оширишга масъул идоралар фаолиятининг мувофиқлаштирилишига жавобгардир. Лойиҳа директори ЛАОГга раҳбарлик қилади.

ЛАОГ Лойиҳа менежеридан, баҳолаш ва мониторинг мутахассисидан, молия бўйича мутахассисдан, сотиб олиш мутахассисдан, консалтинг ва ўқитиш бўйича мутахассисдан иборат бўлади.

Лойиҳанинг ҳар учала компонентини амалга ошириш жавобгарлиги ижрочи-ташқилотларга уларнинг вазифалари ва имкониятларига қараб берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий Комплекси I-компонентнинг (таълим соҳасидаги режалаштириш ва бошқариш тизимини кучайтириш) амалга оширилишига жавобгардир, бунда Таълим ислохотлари мониторинги

гуруҳи (ТИМГ) асосий ижрочи орган ҳисобланади;

ХТВ ва ОЎМТВ 2-компонентнинг (ўқитувчилар таълими тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш) амалга оширилиши учун жавобгардирлар. ХТХҚТМОМИ ва ҳудудий (вилоят) ХТХҚТМОИларидаги масофадан ўқитиш (МҚ) бўйича мутахассислар, шунингдек, Таълим ресурслари маркази (ТРМ) сифатида танлаб олинган намуна (пилот) мактаблар асосий ижрочи органлар ҳисобланади.

«Маҳалла» жамғармаси 3-компонентнинг (мактаб таълимига ва таълим олиш шароитларини яхшилашга жамоатчилик иштирокини фаоллаштириш) амалга оширилиган бўйича жавобгардир. Ўқитиш маркази асосий ижрочи орган ҳисобланади.

Таъмирлаш/тиклаш ишлари

Лойиҳага киритилган муассасалардаги таъмирлаш-тиклаш ишлари маҳаллий сармоя ҳисобидан тўлиқ молиялаштирилади ва ОТБ учун қулай бўлган ҳамда стандарт талабларига мувофиқ бажарилади.

Таъмирлаш ишлари олиб борилиши зарур бўлган муассасалар:

- моддий-техника заҳираси заиф бўлган 500 та мактаб;
- 5 та педагогика институтлари (ПИ) ва ОЎМТВга қарашли университетлардаги 8 та педагогика факультетлари (ПФ);
- ХТХҚТМОМИ ва 14 та вилоят ХТХҚТМОИлари;

- таълим ресурслари маркази жойлаштирилдиган 70 та мактаб (14 та ҳудудда маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда танланган 5 тадан мактаб).

Таъмирлаш ва тиклаш ишларидан бош мақсад — мактаб биноларини, шунингдек, санитария хоналари ва алоқа анжомларини ўз ичига олган ҳолда, барча бино ва иншоотларни Лойиҳани амалга ошириш учун талаб қилинадиган даражага келтиришда иборат. Умуман олганда, Лойиҳада иштирок этадиган муассасалар учун жиҳозлар сотиб олинганга қадар, керакли барча қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганлигини ҳамда бинолар Лойиҳа мақсадига мувофиқ тарзда тайёрланганлигини кўрсатиш назарда тутилади.

Мебел ва жиҳозлар

Лойиҳа доирасида, ўқитувчилар тайёрлаш муассасалари учун таълим ва офис жиҳозлари, шунингдек, мебеллар сотиб олиш ҳам молиялаштирилади. ЛАОГ Лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўладиган барча керакли жиҳозлар, мебеллар ва ўқув-услубий қўлланмалар харид қилишни ташкил қилиш ва бошқаришга масъулдир. Лойиҳа доирасида мол (товар) харид қилиш ОТБнинг харид бўйича йўлланмасига мувофиқ амалга оширилади.

Ўқув-услубий қўлланмалар

Таълим муассасалари ўқитувчилари учун ўқув-услубий қўлланмалар харид қилиш Лойиҳа ҳисобидан молиялаштирилади. Харид қилиш — халқаро ёки тўғридан-тўғри сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, Лойиҳа доирасида тайёрланган МҚ модулларини ишлаб чиқариш ҳам молиялаштирилади.

Мактабни Ривожлантириш Ташаббус Жамғармаси (МРТЖ)

Лойиҳа доирасида тахминан 2 млн. АҚШ доллари миқдори эквиваленти-даги сармоя билан жамоатчиликнинг таълим соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватловчи МРТЖ ташкил қилинади. МРТЖ орқали 1000 та мактабнинг (ҳар бири ўртача 2000 АҚШ \$ миқдори эквивалентида) грант соҳиби бўлишлари кўзда тутилади. Грантлар унча қиммат бўлмаган ва маҳаллий бозорда мавжуд бўлган нарсаларни (масалан, таълим қўлланмалари, кундалик сарфлана-диган материаллар, оддий мебел, жиҳозларни кичик таъмирлаш каби) харид қилишга ишлатилиши лозим.

Мониторинг ва баҳолаш

Лойиҳани амалга ошириш юзасидан қилинган ишлар бўйича ЛАОГ ҳар чоракда ҳисобот тайёрлайди. ҳисоботлар ОТБ меъёрларига мос шаклда тайёрланиб, Лойиҳа олдида қўйилган мақсадни амалга ошириш учун бажарилган ишларни, чорак давомида юзага келган муаммоларни, уларни бартараф қилиш учун қўрилган ва қўрилиши таклиф қилинган чоратadbирларни, шунингдек, Лойиҳа доирасида келгуси чоракда бажариш таклиф қилинган ишларни ўз ичига олган бўлиши керак.

ОТБ ва ТИМГ Лойиҳани амалга ошириш жараёнини баҳолаш, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш учун ҳар йили текшириш ўтказиши. Биричи икки йил давомида текшириш ишлари ҳар ярим йилда олиб борилади. Лойиҳани амалга ошириш учинчи йилнинг иккинчи ярмида ТИМГ ва ОТБ томонидан ҳар тарафлама тезкор назорат ташкил қилинади. Тезкор назорат ўтказиш жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади: (1) Лойиҳани амалга ошириш таркиби, режаси ва чизмасини текшириш; (2) Лойиҳани баҳолаш ўтказилган вақтга нисбатан киритилиши лозим бўлган ўзгартиришларни аниқлаш; (3) қўйилган бош вазифани бажариш кўрсаткичлари бўйича Лойиҳани амалга ошириш жараёнининг боришини баҳолаш; ва (4) зарур ҳолларда, Лойиҳани амалга ошириш жараёнининг тузилиши ёки чизмасига ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар бериш.

ЛАОГ, ижрочи-муассасалар билан ҳамкорликда, Лойиҳанинг таъсирини ва унинг

фойдаланувчиларига нисбатан таъсирчанлигини баҳолаш учун Лойиҳадан олинган фойдали баҳолаш ва мониторинг (ФБМ) маълумот тизимини ишлаб чиқади. ЛАОГнинг фойдани баҳолаш ва мониторинг бўйича мутахассиси мазкур тизимнинг ишлашига, шунингдек, ижрочи-муассасалар билан биргаликда мониторинг маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилишга масъулдир. ФБМ тизимининг муҳим кўрсаткичларидан ЛАОГ ва ТРМГшнг чораклик ҳисоботларида ҳам фойдаланилади. ФБМ тизимида Лойиҳадан фойдаланувчи-маҳаллалар ва алоҳида шахслар имкон қадар юқори даражада жалб қилиниши зарур. Шунинг билан биргаликда, ЛАОГ, ФБМ тизими доирасида: (1) Лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган МҚ курси бўйича оралиқ баҳолаш ҳисоботни; (2) МРТЖ механизми бўйича оралиқ баҳолаш ҳисоботни; (3) хорихда ўқитиш бўйича оралиқ ҳисоботни тайёрлайди ва ИМК ҳамда ОТБга тақдим этади.

Лойиҳа компонентларининг қисқача таърифлари

1-Компонент: «Соҳадаги режалаштириш ва бошқарув тизимини кучайтириш». Ушбу компонент, маҳаллий бошқарув тизимини кучайтириш ва қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар захирасини бойитиш воситаси билан бутун соҳадаги аксилмарказлаштириш ва қайта тузиш жараёнини молиялаштиради. Ушбу компонент ЛАОГни тузиш ва унинг тизимини мустаҳкамлаш билан биргаликда, қуйидаги 3 та кичик компонентларни ҳам ўз ичига олади:

1. Эҳтиёж ва имкониятларни баҳолаш: Лойиҳанинг илк босқичларида мактаблар тармогини яхшилаш ва унинг ходимларидан унумли фойдаланиш жадвалини аниқлаш мақсадида, мактаб ва маҳаллаларни ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилади. Шунингдек, соҳадаги маъмурий бўғинни ўқитиш эҳтиёжини ташкилий аудитдан ўтказиш ва баҳолаш тадбирлари ҳам ташкил этилади. Натижалар, таълим соҳасининг маъмурий бўғинидаги ташкилий ўзгаришлар ва ходимларга нисбатан қарорлар қабул қилиш жараёнида ёрдам беради. Мазкур тадбирлар натижасида умумтаълим мактабларининг янги жойлашиш харитаси тузилади ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларининг мавжуд харитаси янгиланади.

2. Истиқбол йуналишларни ишлаб чиқиш: раҳбарлик бўғинларидан тузилган 3 та ишчи гуруҳи раҳбарлигида, истиқбол йуналишларни ишлаб чиқишга ёрдам берадиган олиб борилади.

3. Мактабларни бошқариш ва назорат қилишга кўмаклашиш: 1-кичик компонент доирасида қилинган ташкилий аудит ва ўқитишдаги эҳтиёжларни баҳолаш натижалари

бўйича чиқарилган хулосалардан фойдаланган ҳолда, туман халқ таълими бўлими ходимлари ва мактаб раҳбарлари учун таълим дастури ишлаб чиқилади. Тахминан 5000 нафар мактаб раҳбарлари ва 3000 нафар туман ХТБ ходимлари Лойиҳа доирасида мактаб фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш курси бўйича ўқишдан ўтадилар.

2-Компонент: «Ўқитувчилар таълим тизимини такомиллаштириш ва кенгайтириш». Ушбу компонент замонавий таълим бериш усулини кенг тарқатиш ва умумтаълим мактабларига янги ўқув режаларини жорий қилишга йўналтирилади. Асосий вазифа, таълим олиш имконини кенгайтирадиган янги малака ошириш усули — масофадан ўқитишни жорий қилишдан иборат. Бу компонент 4 та кичик компонентни ўз ичига олади:

1. Масофадан ўқитиш (МҚ) негизини яратиш. Бунинг учун илк қадам сифатида ўз-ўзини ўқитиш ва диалогли таълим республика тизими яратилади. Янги МҚ тизими 3 босқичли тузилишга асосланади. Тараққиёт маркази (ТМ), ХТХҚТМОМИ биносидан жойлашган бўлади ва МҚ материалларини ишлаб чиқиш, инструкторларни ўқитиш, дастурининг жорий қилинишини мувофиқлаштириш ишларига жавоб беради. Иккинчи босқичда 14 та Худудий мувофиқлаштириш марказлари (ХММ) туради. Улар худудий ХТХҚТМОИларда ташкил қилинади ва вилоятда МҚ материалларининг тарқатилишига ҳамда жорий қилинишига кўмаклашади. Ва ниҳоят, учинчи босқич, 70 та намунали (пилот) Таълим ресурслари марказлари (ТРМ), танлаб олинган 70 та мактаб негизда ташкил қилинади. Улар асосий ўқиш ва инструкторларнинг ўқитувчилар билан мулоқот дарслари ўтказадиган жойи ҳисобланади.

2. Бошланғич синфларда таълим савияси ва сифатини ошириш: иккинчи кичик компонентнинг асосий фойдаланувчилари қишлоқ мактабларининг ўқитувчилари бўладилар. Ушбу кичик компонент доирасида кўп тармоқли таълим модули тайёрланади. 3500 нафар қишлоқ ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича поғонали (каскад) таълим дастури жорий қилинади, бошланғич синф дарслари ва ўқитиш услублари бўйича МҚ тажриба курси ишлаб чиқилади. Лойиҳа доирасида ўқитиш услублари бўйича МҚ курсларида тахминан 10.000 нафар бошланғич синф ўқитувчилари қайта таълим олади.

3. Янги ўқитиш услубларини кенг тарғиб қилиш ва тарқатиш: ўқитувчилар таълими тизимида иштирок этишни рағбатлантириш, шунингдек, янги ўқитиш усулларини тарқатиш. 14 та худудий ХТХҚТМОИлар, 5 та педагогика институтлари, университетлардан танлаб олинган 8 та педагогика факультетларининг

ўқитувчи ходимлари хорижда малака ошира-дилар ва кейин 4 та соҳа—математика ва ахборот технологиялари, тил, табиий фанлар ҳамда ижтимоий фанларни ўқитиш услублари бўйича модуллар ишлаб чиқадилар. Ўқитиш услублари бўйича МҚ тажриба-синов курси, шунингдек, анъанавий малака ошириш курсларида фойдаланиш учун бир нечта намуна курслари ҳам ишлаб чиқилади. Тахминан 180.000 нафар мактаб ўқитувчилари замонавий ўқитиш усуллари билан танишадилар.

4. Ўрта мактабда таълим бериш савияси ва сифатини ошириш: тажрибали ўқитувчилар тақчиллиги сезилаётган 5 та асосий йўналиш фанлари бўйича модуллар ишлаб чиқилади. Булар: компьютер технологияси, инглиз тили, тарих ва ҳуқуқ, физика, иқтисодиёт. Мазкур фанларни ўқитиш бўйича тахминан 7.000 нафар ўқитувчининг махсус гувоҳнома олиши мўлжалланмоқда. Бунда ушбу фанларни тегишли таълим олмадан ўқитиши мумкин бўлган ўқитувчиларга эътибор қаратилади.

3-Компонент: Мактаб таълими ва таълим олиш шароитларини яхшилашга кент жамоатчиликини жалб қилишни фаоллаштириш. Ушбу компонент мактаб мухториятини (автономиясини) кучайтиришга йўналтирилган бўлиб, 2 та кичик компонентдан иборат:

1. Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш: маҳаллаларга ўз мактаб кенгашларини тузишда ва таълимга ресурсларни сафарбар қилишда кўмаклашиш. Жамоатчилик ўртасида ахборот ва маълумотлар тарқатиш бўйича, асосан, мактаблар ўз ҳисоб рақамларини очишлари ва бюджетдан ташқари топилган маблагларини ўзлари бошқаришлари мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларни беришга йўналтирилган семинарлар ўтказилади. Маҳалла ва мактаб раҳбарлари дастурнинг асосий иштирокчилари бўладилар. Моддий-техника заҳираси заиф мактабларга ресурсларни йўналтириш ишларини фаоллаштириш учун «Мактабни ривожланти-

риш ташаббус жамғармаси (МРТЖ) ташкил қилинади. Маҳалла аъзоларининг мактаб фаолиятини яхшилаш бўйича ташаббусларини молиялаштириш учун тахминан 1000 та мактаб МРТЖ механизми орқали грант соҳиби бўладилар.

2. Мактабларнинг моддий-техника негизини кучайтириш: ушбу дастур, Лойиҳа доирасида ўтказиладиган тадқиқотлар натижасида аниқланадиган моддий-техника заҳираси кам бўлган 500 та мактабга йўналтирилади. Бажариладиган ишлар мактаб биналарини таъмирлаш-тиклаш (масалан, номувофик иситиш тизимлари ёки тозалик (санитария) шароитларининг ёмонлиги, хавфсизлик тадбирларининг йўқлиги) ва шунинг билан биргаликда асосий таълим жиҳозлари, ўқув мебеллари ва материаллари билан таъминлашни ўз ичига олади.

ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ

ХТВ - Халқ таълими вазирлиги
ОЎМТВ - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ОТБ - Осиё Тараққиёт Банки
ИМК - Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш
ТМ - Тараққиёт марказлари
ҲММ - Ҳудудий мувофиқлаштириш марказлари
ТРМ - Таълим ресурслари маркази
ЛАОГ - Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
МК - Масофадан ўқитиш
ТИМГ - Таълим ислоҳотлари мониторинги гуруҳи
ХТХҚТМОМИ — Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти
ХТХҚТМОИ — ҳудудий Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Таянч олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги
2003 йил 17 апрель 90 сонли

Б У Й Р У Ғ И

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни тизимий ҳал этишни тақозо этади. Жумладан, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ўқув жараёни қандай ташкил этилганлиги, профессор-ўқитувчилар салоҳиёти, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг мавжудлиги, ўқув

лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланганлигига ҳамда талабаларнинг ўқитиладиган фанларга бўлган қизиқиши билан бевосита боғлиқдир. Мазкур омиллар тўла ишлаган ҳолда, таълим сифати-нинг ошиши муқаррардир.

Олий таълим муассасаларининг бу борада олиб бораётган ишлари билан танишиш

натижалари шуни кўрсатадики, аксарият олий таълим, муассасаларида мазкур омилларнинг барчаси бир текисда ишламаётганлиги, шунингдек таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича таянч олий таълим муассасаларининг турдош йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларига кўрсатаётган ўқув-услугий ёрдами мунтазам равишда олиб борилмаётганлиги, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш юзасидан семинарлар ташкил этилмаганлиги, Миллий истиқлол ғояси билан суғорилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва уларнинг электрон версияларини тайёрлаш ишлари кечикаётганлиги, масофавий таълим ва видеоконференцияларни ўтказиш механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги, таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси тўлақонли ишламаётганлиги сабабли, бу борада ижобий натижаларга эришиш имкониятлари чекланмоқда. Жумладан, барча олий таълим муассасаларида фанлар бўйича маъруза матнлари яратилганлигига қарамадан, уларнинг альтернатив вариантлари, яъни бошқа олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган маъруза матнлари билан ўзаро алмашув йўлга қўйилмаган, натижада талабалар ягона маъруза матни бўйича билим даражасига эга бўлмоқдалар ва бошқа олий таълим муассасалари томонидан яратилган маъруза матнлари ҳамда янгиликлардан беҳабар қолмоқдалар. Бу борада таянч олий таълим муассасаларининг ташаббускорлик ва ташкилотчилик хусусиятлари намён этилмаётгани.

Таълим сифатини ошириш механизмлари самарадорлигини кўтариш ҳамда таянч олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий таълим йўналишлари бўйича Таянч олий таълим муассасаларининг янгиланган ва тўлдирилган рўйхати Иловага-мувофиқ тасдиқлансин.

2. Таянч олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. Таълим йўналишлари бўйича бириктирилган (Иловага мувофиқ) олий таълим муассасаларига ўқув-услугий ёрдам кўрсатишни кучайтириш вазифалари юклатилсин ва таълим сифатини оширишга қаратилган қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

- Миллий истиқлол ғояси билан суғорилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва уларнинг электрон версияларини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш;

- масофавий таълим ва видеоконференцияларни ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш;

- таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимига атрофлича ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

- меҳнат бозори маркетинги асосида таълим хизматларини кенгайтириш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш;

- профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш;

- битирув малакавий иш ва магистрантлар диссертациялари мавзуларини ишлаб чиқариш, фан, техника ҳамда янги технологиялар талабларига мувофиқлаштириш.

2.2. Бириктирилган олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари проректорлари билан ўқув-услугий ишларга бағишланган доимий амалдаги камида ҳар ойда ўтказиладиган семинарни ташкил этиш топширилсин.

2.3. Ўқув-услугий қўлланмаларни яратиш жараёнига бириктирилган олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари олимлари ҳамда соҳавий корхона ва ташкилотларнинг етакчи мутахассислари кенг жалб этилсин.

2.4. Дарслик ва ўқув адабиётлари етишмаётган фанлар бўйича етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган маъруза матнлари керакли миқдорда чоп этилсин ва бириктирилган олий таълим муассасаларига етказиш механизми ишлаб чиқилсин.

2.5. Етакчи хорижий давлатларда чоп этилган ўқув адабиётларини таржима қилиш, чоп этиш ёки электрон версияларини яратиш ишларини мувофиқлаштириш ва зарурий ҳолларда бириктирилган олий таълим муассасаларининг моддий ва молиявий иштирокидан (долевое участие) фойдаланиш топширилсин.

2.6. Ўқув жараёнига жорий этилган янги педагогик технологияларни (мультимедия дарсликлари, имитацияловчи виртуал стендлар, видеоконференциялар ва бошқалар) бириктирилган олий таълим муассасаларига етказиш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

3.1. Бириктирилган таянч олий таълим муассасалари билан алоқаларни мустақамлаш мақсадида ўзаро манфаатдор шартномалар расмийлаштирилсин ва уларда таянч олий таълим муассасаларининг ўқув-услугий ёрдами, малакали профессор-ўқитувчиларини ўқув жараёнига жалб этиш, маъруза матнлари билан ўзаро алмашиш, янги педагогик

технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш каби долзарб масалалар назарда тутилсин.

3.2. Малакали профессор-ўқитувчиларни дарслик ва ўқув адабиётлари яратишга кенг жалб этиш ва уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича тadbирлар ишлаб чиқилсин.

3.3. Илмий-услубий кенгашлар ишлари фаоллаштирилсин ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан расмийлаштирилган шартномаларнинг бажарилиши Илмий кенгашларда мунтазам равишда муҳокама этиб борилсин, зарурий ҳолларда Вазирликка таклифлар киритиш йўлга қўйилсин.

4. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Х.Раҳимов)га таянч олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг олий таълим муассасаларига ўқув-услубий ёрдам кўрсатишини ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 12 мартдаги 68-сонли буйруғининг биринчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2003 йил 17 апрелдаги
90 сонли буйруғига
Илова

Олий таълим йўналишларини ва тааллуқли магистратура мутахассисликларини бўйича таянч олий таълим муассасаларининг рўйхати

№	Таянч олий таълим муассасасининг номи	Таълим йўналишларини номлари	Таълим йўналишлари коди	Кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари номлари
	2	3	4	5
1	Ўзбекистон миллий университети	Математика	5460100	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Амалий математика ва информатика	5480100	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Механика	5440200	СамДУ
		Физика	5440100	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Кимё	5440400	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Биология	5420100	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		География	5440500	АндДУ, БухДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Гидрометеорология	5440600	
		Геология	5440700	
		Экология ва табиатдан фойдаланиш	5850200	АндДУ, БухДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, ТИҚХМИИ, ЖизПИ
		Астрономия	5440300	ҚарДУ
		Ўзбек филологияси	5220100	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Славян (рус) филологияси	5220100	БухДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Фалсафа	5220300	СамДУ

		Тарих (мамлакатлар ва минтакалар буйича)	5220200	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
		Журналистика	5320100	ҚҚДУ, УзДЖТУ
		Сийсатшунослик	5310100	ТДШИ
		Психология	5310200	БухДУ, ҚарДУ, ТермДУ, ФарДУ
		Социология	5310300	БухДУ, СамДУ, ФарДУ
2.	Тошкент давлат техника университети	Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари	5440800	
		Иссиклик энергетикаси	5520100	ҚарМИИ
		Электр энергетикаси	5520200	ЖизПИ, ҚҚДУ, ҚарМИИ, ФарПИ, ТТИИИ, НавДКИ, ТИҚХМИИ
		Гидроэнергетика	5520300	ТИҚХМИИ
		Материалшунослик ва янги материаллар технологияси	5520500	
		Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари, жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш	5520600	НавДКИ, СамДМҚИ, ФарПИ
		Пайвандлаш ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси	5522700	
		Технологик машиналар ва жиҳозлар	5520700	ТАИИ, ТТЕСИ, АндМИИ, БООЕСТИ, НамМПИ, НамМИИ, ФарПИ, УргДУ
		Энергетика машинасозлиги	5521000	
		Электротехника, электромеханика ва электротехнология	5521300	ТАИИ, ТДАИ, ФарПИ, ТТИИИ
		Асбобсозлик	5521500	БухДУ, ФарПИ
		Электроника, ва микроэлектроника	5521700	СамДУ, ФарПИ
		Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш	5521600	
		Автоматлаштириш ва бошқарув	5521800	ТТЕСИ, ТТИИИ, НавДКИ
		Энергияни тежовчи электротехника тизимлари ва комплекслари	5522800	ТИҚХМИИ
		Нефт ва газ иши	5540300	БухООЕСТИ, ҚарМИИ
		Хаётий фаолият хавфсизлиги	5860100	ТДАИ, ТИҚХМИИ
3.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Иқтисодиёт (тармоқлар буйича)	5340100	УзМУ, ТДУ, ТАҚИ, ТАИИ, АндМИИ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, ҚарМИИ, НамДУ, НамМИИ, СамДУ, СамКООПИ, ТермДУ, ФарДУ, ФарПИ, УргДУ, ТАТУ, ТТИТМИ, ТИҚХМИИ, ТошДАУ, АндқХИ, СамқХИ
		Менежмент (соҳалар буйича)	5340200	УзМУ, ТДУ, ТАҚИ, ТАИИ, ТМИ, ТДАИ, ТТЕСИ, ТКТИ, АндМИИ, БухООЕСТИ, ЖизПИ, ҚарМИИ, НамМПИ, НамМИИ, СамДУ, СамДМҚИ, СамКООПИ, ТермДУ, ФарПИ, ТАТУ, ТТИТМИ, НавДКИ, ТИҚХМИИ

		Маркетинг (тармоқлар буйича)	5340300	ТДТУ, ТАИИ, ТДАИ, НамМИИ, СамКООПИ, ТИҚХМИИ
		Бизнес	5340400	УзМУ, СамКООПИ
		Божхона иши	5340500	
		Туризм	5810100	
4.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Роман-герман филологияси	5220100	УзМУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДЧТИ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ
5.	Тошкент давлат шарқшунослик институти	Филология (шарқ тиллари буйича)	5220100	
		Тарих: Чет мамлакатлар тарихи; Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослик	5220200	
		Диншунослик	5220400	ТИУ
		Фалсафа: Шарқ ва ғарб фалсафаси	5220300	
		Минтақашунослик (Осиё, Европа, АКД1)	5341100	
6.	Тошкент архитектура-қурилиш институти	Архитектура	5580100	СамДМқИ, УргДУ
		Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши (турлари буйича)	5580200	ТАИИ, БухООЕСТИ, ЖизПИ, СамДМқИ, ФарПИ, УргДУ, ТТИТИИ, ТИҚХМИИ
		Мухандислик коммуникациялари қурилиши	5580400	ЖизПИ, СамДМқИ, ФарПИ, ТТИТИИ
		қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологияси	5580500	СамДМқИ
		Шаҳар қурилиши ва ҳужалиги	5580300	ЖизПИ
7.	Тошкент туқимачилик ва енгил саноат институти	Матбаачилик	5540400	
		Туқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси	5540500	АндМИИ, БухООЕСТИ, НамМИИ
		Енгил саноат маҳсулотлари технологияси	5540600	ЖизПИ, ҚҚДУ
		Туқимачилик ва енгил қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси	5522300	
		Сервис	5810300	ТДИУ
8.	Тошкент автомобил-йуллар институти	Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (транспорт турлари буйича)	5521200	АндМИИ, ЖизПИ, НамМПИ, ТермДУ, УргДУ, ТТИТИИ
		Ер усти транспорт тизимлари (транспорт турлари буйича)	5521100	ТДТУ, СамДМқИ, ТТИТИИ

		Атроф мухит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)	5850100	ТДТУ, ТКТИ, ҚарММИ, СамДМҚИ, ТИҚХММИ
		Транспорт иншоотларидан фойдаланиш	5580600	ТТИТИИ
9.	Тошкент молия институти	Молия	5340600	АндММИ, ҚҚДУ, ҚарДУ, НамММИ, СамКООПИ, ТермДУ, ФарПИ
		Банк иши	5340700	ТДИУ
		Солиқ ва солиққа тортиш	5340800	ТДИУ
		Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	5340900	ТДИУ, ТТЕСИ, АндММИ, ҚҚДУ, ҚарММИ, НамММИ, СамКООПИ, ФарПИ, ТТИТИИ, ТИҚХММИ, ТДАУ, АндХИ, СамҚХИ
10	Тошкент давлат Авиация институти	Авиасозлик ва ракета-космик техника	5220800	
		Авиа ва ракета-космик техникадан фойдаланиш	5520900	
		Хаводаги ҳаракатни бошқариш	5840100	
11.	Тошкент кимё-технология институти	Кимёвий технология (ишлаб-чиқариш турлари бўйича)	5522400	ТДТУ, ЖизПИ, ҚҚДУ, ФарПИ, УргДУ, НавДҚКИ
		Нефт ва нефт-газни қайта ишлаш технологияси	5522500	ТДТУ, БухООЕСТИ
		Етсозлик саноати технологияси, машиналари ва жиҳозлари	5522600	
		Озиқ-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича)	5541100	БухООЕСТИ, СамКООПИ, ФарПИ
12.	Тошкент давлат педагогика университети	Математика ва информатика	5140100	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Физика ва астрономия	5140200	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ҚукДПИ
		Кимё ва экология	5140300	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Биология ва инсон ҳаётини фаолияти муҳофазаси	5140400	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		География ва иқтисодий билим асослари	5140500	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Таспирий санъат ва муҳандислик графикаси	5140700	НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, АндДУ, ГулДУ, НамДУ, УргДУ
		Тарих	5140600	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Ўзбек тили ва адабиёти	5141100	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Чақириққача ҳарбий таълим	5141200	ФарДУ
		Она тили ва адабиёти (ўқитиш олиб бориладиган тиллар бўйича)	5141300	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ, АндДПИ
Меҳнат таълими	5142000	НамДУ		

		Хорижий тиллар ва адабиёти (тиллар буйича)	5141400	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ, АндДПИ
		Миллий истиқлол гоёси: ҳуқуқ ва маънавият асослари	5141500	УЗМУ, АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Касб таълими	5140900	НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ
		Бошланғич таълим ва тарбиявий иш	5141600	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, НукДПИ АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ,
		Мусликий таълим	5141000	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ АндДУ, БухДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ, УзД.Консерваторияси
		Дефектология	5141800	
		Педагогика ва психология	5140800	НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ АндДУ, БухДУ, ҚарДУ, НамДУ, СамДУ, УргДУ
		Мактабгача таълим	5141700	НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ, СамДЧТИ, ТермДУ
13.	Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти	Касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа); машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; туқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси; енгил саноат маҳсулотлари технологияси; туқимачилик енгил ва қоғоз саноатлари буюмлари кимёвий технологияси)	5140900	ТДУ, ТТЕСИ, АндМИИ, ЖизПИ, НамМИИ, СамДМҚИ, ФарПИ
14.	Наманган муҳандислик-педагогика институти	Касб таълими: электр энергетикаси; технологик машиналар ва жиҳозлар; транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; агроинженерия; бинолар ва иншоотлар қурилиши; муҳандислик коммуникациялари қурилиши; информатика ва ахборот технологияси; кимёвий технология; озиқ-овқат технологияси.	5140900	ТДУ, ТАИИ, ТАҚИ, ТКТИ, ТТИТИИ, ҚарМИИ, СамДМҚИ, ТАТУ, НавДКИ, ТИҚХМИИ, ЖизПИ
15.	Самарқанд давлат университети	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият	5141900	АндДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚКДУ, ҚарДУ, НамДУ, ТермДУ, ФарДУ, УргДУ, НавДПИ, НукДПИ, ЖизДПИ, ТВДПИ, ҚукДПИ

		Филология (тожик тили)	5220100	
16	Самарканд қишлоқ хужалиғи институти	Ветеринария	5640100	
		Зоотехния	5620600	ТДАУ, АндқХИ
17	Навой давлат кончилиқ институти	Кончилиқ иши	5540200	ТДТУ
		Металлургия	5520400	ТДТУ
18.	Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти	Даволаш иши	5720100	2-ТДТИ, АндДТИ, БухДТИ, СамДТИ
		Стоматология	5720400	БухДТИ
		Олий ҳамширалик иши	5720600	2-ТДТИ, ТПТИ, АндДТИ, БухДТИ, СамДТИ
19.	Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти	Тиббий-профилактика иши	5720300	
		Касб таълими (тиббий-педагогика иши)	5120300	1-ТДТИ, ТПТИ, АндДТИ, БухДТИ, СамДТИ
20.	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	Педиатрия иши	5720200	АндДТИ, СамДТИ
21	Тошкент фармацевтика институти	Фармация	5720500	
		Касб таълими (фармация педагогик иш)	5140900	
		Биотехнология (саноат фармацияси буйича)	5522900	
22.	Тошкент давлат маданият институти	Халқ ижодиёти (тармоқлар буйича)	5810500	
		Ижтимоий-маданий фаолият	5810400	ФарПИ, НамДУ
		Кутубхонашунослиқ ва ахборот тизимлари	5320200	
23.	Ўзбекистон давлат консерваторияси	Чолғу ижрочилиғи (муסיқа асбоблари турлари буйича)	5210700	
		Вокал санъати (вокал санъати турлари буйича)	5210600	
		Дирижёрлик (турлари буйича)	5210500	
		Бастакорлик санъати	5210100	
		Техноген санъати (телевидение ва радио овоз режиссёрлик)	5211400	
24.	Тошкент давлат санъат институти	Актёрлик санъати	5210300	
		Режиссёрлик	5210400	
		Санъатшунослиқ	5210200	ЎзМУ, ЎзДКонсерваторияси, МРДИ
		Техноген санъати (кино телеоператорлик)	5211400	
25	Миллий рақс ва хореография олий мактаби	Хореография санъати (турлари буйича)	5211300	

26	Миллий рассомчиллик ва дизайн институту	Ранг тасвир (санъат турлари буйича)	5210800	
		Дизайн	5210900	ТДТУ, ТАҚИ, СамДАҚИ
		Графика	5211000	
		Хайкалтарошлик (турлари буйича)	5211100	
27.	Тошкент давлат аграр университети	Амалий санъат	5211200	УргДУ, НамДУ, БухДУ
		Агрохимё ва агротупроқшунослик	5620100	УзМУ, БухДУ, ГулДУ, ҚҚДУ, ҚарДУ, СамДУ, ТермДУ, ФарДУ, СамҚХИ
		Агрономия	5620200	БухДУ, ҚҚДУ, ҚарМИИ, УргДУ, АндҚХИ, СамҚХИ
		Қишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	5620500	ҚарМИИ, НамМИИ, ФарПИ, УргДУ, АндҚХИ, СамҚХИ
		Усимликлар химояси	5620300	АндҚХИ
		қишлоқ хужалиги экинлари уруғчилиги ва селекцияси	5620400	СамҚХИ
		Урмончилик	5620800	
28.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хужалиги механизацияси муҳандислари институту	Геодезия, картография ва кадастр	5540100	УзМУ, ТАҚИ, СамДМҚИ
		Сув хужалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш	5540900	
		Ер тузиш ва ер кадастри	5620700	ҚарМИИ, СамДМҚИ, ФарПИ
		Агроинженерия	5540700	ТДТУ, БухДУ, ГулДУ, ЖизПИ, ҚҚДУ, ҚарМИИ, НамМПИ, АндҚХИ, СамҚХИ
		Сув хужалиги ва мелиорация	5540800	БухДУ, ҚарМИИ, УргДУ, АндҚХИ
		Фермер хужалигини ташкил этиш ва унга сервис хизмати курсаши	554100	ЖизПИ, ҚарМИИ, АндҚХИ
		Биоолар ва иншоотлар қурилиши (гидротехник иншоотлар буйича)	5580200	
29.	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институту	Спорт (спорт турлари буйича)	5810200	
30.	Тошкент ахборот технологиялари университети	Телекоммуникациялар	5522200	ГТИТИИ
		Информатика ва ахборот технологияси	5521900	ТИУ, УзМУ, ТДТУ, ТДИУ, ТАҚИ, АндМИИ, БухДУ, ЖизПИ, ҚҚДУ, ҚарМИИ, НамМИИ, СамДУ, ФарПИ, УргДУ
		Радиотехника	5522000	ТДТУ, ТДАИ
		Телевидение, радиоолока ва телерадиоэшиштириш	5522100	

		Почта хизмати	5840200	
		Ахборот хавфсизлиги	5523000	
		Электрон тижорат	5523100	
31.	Тошкент давлат юридик институти	Юриспруденция (фаолият йўналишлари ва ҳуқуқ турлари бўйича)	5380100	УзМУ, ККДУ, НамДУ, СамДУ, ТИУ
32	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Халқаро муносабатлар	5220500	ТДШИ
		Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар	5341100	ТИУ, ТДШИ, ТДИУ

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъатининг
“Болонья декларацияси ва дипломларни тан олиш муаммолари ҳақида”ги
2003 йил 28 май 5/6 сонли**

ҚАРОРИ

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг (КТМД) иккинчи босқичи - сифат босқичининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси олий таълимнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобланади. Шундай вазифа бирлашган Европа олий таълим тизимлари олдига қўйилгани Болонья декларациясида ўз аксини топган. Декларация миллийликни сақлаган ҳолда таълим сифатининг умумийлигига ва уларнинг стандартларига ишонч ҳосил қилишдан келиб чиқади.

Болонья декларациясининг учта асосий талаблари қуйидагилардир:

- икки босқичли олий таълим тизимини жорий қилиш;

- синовлар бирлигини (зачетные единицы) тўплаш ва ўзга юртларда таълим олинишини таъминловчи кредитларни тўплаш Европа системасини (КТЕС-European Credit Transfer System (ECTS)) қўллаш;

- олий таълим муассасаси ва таълим дастурларини аккредитациядан ўтказишнинг адекват тартибқоидаларини яратиш.

Болонья декларациясининг принциплари 1999 йилда унга имзо чеккан 29та Европа мамлакатларидан бирортасида ҳам ҳозирча тўла рўёбга чиққани йўқ. Болонья декларацияси принцип-ларига кўра бу мамлакатлар Европанинг олий таълим ёзимлари 2010 йилга келиб таққослаёлиш, солиштираолиш, академик ва касбий дипломлар, малака ва даражаларни ойдinлаштираолиш ва тан олишларнинг зарурий ўлчови-мезонига эга

бўлишлари зарур. Натижада олий таълим-мотли мутахассисларнинг ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ишга жойлашувида эркинлик ва мобилликни таъминлайди. Алоҳида айтиб ўтиш керакки, бундай таълим инфраструктура яратишда бошқа давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ҳамкорликда қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон олий таълим тизими қатор позициялари билан Болонья декларацияси принциплари ва мақсадларига мос келади.

Биринчидан, Болонья декларациясининг мақсади (рақобатбардошлик, мобиллик, таълим сифати) - КТМД олий таълим олдига қўйган мақсад ва вазифаларга мос келади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг икки босқичли олий таълим тизими Европада тузилаётган таълим тизими структурасига ўхшайди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълимида мавжуд талаба билимини баҳолаш рейтинг тизими ECTSга осонгина ўтишга имкон беради.

Тўртинчидан, Болонья процесси олий таълим методологияси ва сифатини такомиллаштиришга рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси олий таълимини Болонья декларацияси принципларига мувофиқ равишда шакллантириш, унинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини ва академик ҳамда касбий дипломлар, даража ҳамда малакаларнинг халқаро тан олинишига кўмаклашувчи Болонья принципларини амалга оширишга қўшилиш мақсадида

ҲАЙЪАТ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ОЎМММИ (Э.Имамов)га:

1.2. Янги ўқув йилидан бошлаб ОТМ раҳбар ходимларининг Болонья декларацияси принциплари ва қоидаларини ўрганиш бўйича курслар тўлов шартнома асосида ташкил этилсин. ОЎМММИ 36 соатлик курснинг таълим дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлашга тақдим этсин.

2. Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёр-лаш, кадрлар бош бошқармаси (Ш.Бўтаев)га: Болонья декларацияси принциплари ва қоидаларини ўрганиш курсларига ОТМ раҳбар ходимларининг қатнашишини тўла таъмин-ласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

В Болонской декларации на предстоящее десятилетие чётко определена общая цель:

С П Р А В К А

“О Болонской декларации и проблеме признания дипломов”

создание в Европе гармоничного пространства высшего образования для обеспечения:

мобильности и трудоустройства специалистов с высшим образованием и преподавателей; международной конкурентоспособности и престижа европейского высшего образования в мире.

В рамках данной цели поставлены следующие задачи:

- создание общей структуры классификации точно определённых и сопоставимых степеней;
- введение двух уровней высшего образования: бакалавриата и магистратуры, учитывающих потребности рынка труда;
- обращение совместимых с ECTS (European Credit Transfer System) систем кредитов;
- обеспечение Европейского аспекта в контроле качества;
- устранение препятствий к свободному перемещению студентов, аспирантов и преподавателей.

Болонская декларация не предполагает унификации систем образования. При сохранении многообразия национальных традиций она исходит из того, что надо иметь общее качество образования и уверенность в его стандартах.

Для реализации указанных целей и задач необходимо наличие эффективных средств, отвечающих современным условиям:

- для обеспечения свободы исследований и преподавания всем членам университетского сообщества должны быть предоставлены необходимые средства;
- подбор преподавателей и регламентирование их статуса должны соответствовать принципу неразделимости преподавательской и исследовательской деятельности;
- обеспечение студентам гарантий их свободы и создание необходимых условий для достижения ими требуемого культурного и образовательного уровня;

• свободный взаимный обмен между университетами информацией и документами, а также увеличение числа совместных проектов;

• поощрение мобильности преподавателей и студентов;

• осуществление единой политики предоставления стипендий и равнозначности статуса, званий и экзаменов.

Тремя китами, определяющими архитектуру будущего Европейского высшего образования являются:

- введение двухступенчатой системы высшего образования (бакалавр - магистр);
- применение Европейской кредитной системы ECTS, обеспечивающей перенос и наполнение зачётных единиц;
- создание адекватных процедур аккредитации образовательных программ и высших образовательных учреждений.

В конечном счете, Европейская система высшего образования к 2010 году должна приобрести необходимую меру конвергентности, синергии, сравнимости, сопоставимости, признания и прозрачности академических и профессиональных дипломов, степеней и квалификаций.

Нужен ли Болонский процесс высшему образованию Республики Узбекистан?

Во - первых, цели Болонского процесса - конкурентоспособность, мобильность, качество - отвечают нашим интересам, поставленным перед страной Национальной программой по подготовке кадров.

Во - вторых, Болонский процесс окажет стимулирующее воздействие на совершенствование культуры и качества высшего образования. Возникает потребность в создании более совершенной системы аттестации и контроля качества.

2. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Мудофаа Вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг ўринбосари зиммасига юклатилсин.

БУЮРАМИЗ:

1. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун қўшимча имтиёзлар берадиган тавсияномалар топшириш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги йўриқнома кучга киритилсин (ушбу буйруққа илова).

3. Буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва қуролли Кучлари Бош штабининг бош бошқармалари, бўлим ва хизматлари бошлиқларига, тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар раҳбарларига, ҳарбий округлар қўмондонларига марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм командирларига ва Давлат тест маркази директорига етказилсин.

ҚЎШМА БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги 116-сонли қарориди белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида

БУЙРАМИЗ:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:
1.1. Жорий йилнинг 1 июнига қадар вилоят, шаҳар ва туман Мудофаа бўлимлари билан ҳамкорликда ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар ҳақидаги маълумотлар аниқлансин.

1.2. Бир ҳафта муддатда, жойларда ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар орасида касбга йўналтириш ишлари амалга оширилсин ва уларнинг қизиқишлари бўйича аниқланган маълумотлар асосида, мувофиқ олий таълим муассасаларида бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этилсин ҳамда уларнинг фаолият муддати жорий йилнинг 1 июнидан 28 июлгача деб белгилансин.

Касбга йўналтириш ишлари жараёнида ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшларга олий таълим муассасаларига ўқишга киришда ҳукумат томонидан берилган имтиёзлар тушинтирилсин.

Тингловчилар танлаган таълим йўналишлари жойлардаги олий таълим муассасаларида мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, улар танлаган таълим йўналишлари бўйича махсус тайёрлов курсларида ўқитиш ташкил этилсин.

1.3. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшларга, танланган таълим йўналишлари бўйича, тегишли олий таълим муассасаларида ташкил этилган бепул махсус тайёрлов курслар ҳақидаги аниқ маълумотлар етказилсин.

1.4. Махсус тайёрлов курслари тингловчиларини сифатли тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари жалб этилсин.

1.5. Махсус тайёрлов курсларининг дастурлари, таълим йўналишлари бўйича тест синовларида белгиланган фанлар блокларига

мувофиқ ишлаб чиқилсин. Мазкур дастурларда шахсининг маънавий-маърифий юксалишига, Ватанга содиқлик ва уни ҳимоя қилиш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги "Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ" мавзусида қилган нутқида белгиланган вазифалар, асосий йўналиш сифатида киритилсин.

Махсус тайёрлов курсларида тингловчиларининг ҳафталик юкламаси 36 соат миқдориди белгилансин.

1.6. Махсус тайёрлов курсларига ўқишга кирган ва ётоқхонага муҳтож бўлган тингловчиларга "Талабалар уйи"дан жой ажратилсин ҳамда тегишли шарт-шароитлар яратилсин.

1.7. Махсус тайёрлов курслари фаолияти билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар ҳар 10 кунда Олий ўқув юртлари бош бошқармасига тақдим этилсин.

2. Давлат тест маркази (М.Тўхтаев)га:

2.1. Республика олий таълим муассасаларида жорий этилган махсус тайёрлов курслари тингловчиларига тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча тартиб-қоидаларни тушинтириш ишлари ташкил этилсин.

2.2. Махсус тайёрлов курслари дастурларига киритилган ҳар бир фан бўйича тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси тест синовлари орқали мунтазам равишда аниқлаб борилсин.

3. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.Каримов)га:

3.1. Олий таълим муассасаларида ташкил этилган махсус тайёрлов курслари фаолиятига мунтазам равишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат этиш вазифалари юклатилсин.

3.2. Зарурий ҳолларда Вазирлик ходимларини хизмат сафарига жўнатиш бўйича таклифлар киритиш топширилсин.

4. Махсус тайёрлов курслари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сарф-ҳаражатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилсин.

5. Ушбу қўшма буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммаларимизда қолдирамиз.

Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг 2004/2005 ўқув йили қабул комиссиялари масъул котибларини тайинлаш тўғрисида 2004 йил 126 - сонли

БУЙРУҒИ

Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларида 2004/2005 ўқув йили қабулига пухта тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. 2004/2005 ўқув йили қабули бўйича олий таълим муассасалари қабул комиссияларининг масъул котиблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.А.Каримов)га:

2.1. Жорий йилнинг май-июн ойларида олий таълим муассасалари қабул комиссияларининг масъул котиблари билан 2004/2005 ўқув йили қабулига бағишланган минтақавий семинар-конташларни ўтказиш топширилсин.

2.2. Жорий йилнинг июн ойида олий таълим муассасаларининг қабулга тайёргарлик ҳолати ўрганиб чиқилсин ҳамда ҳайъат мажлиси муҳокамасига масала киритилсин.

2.3. Жорий йилнинг 1 июнига қадар "Абитуриент-2004" республика штаби ташкил этилсин ва унинг таркиби белгиланган тартибда тасдиққа киритилсин.

2.4. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказиладиган фанлар бўйича дастурлар ва абитуриентлар билимини баҳолаш меъзонларини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Олий таълим муассасалари қабул комиссиялари раислари ва масъул котибларига:

3.1. Қабул комиссиялари ишига жалб

этиладиган профессор-ўқитувчилар ва ходимларни тайинлаш жараёнида уларнинг масъулият сезиш, пок ва ҳалоллик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилсин.

3.2. Абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида Низомда белгиланган тартиб-қондалар доирасидан четга чиқиш ҳолларига йўл қўйилмасин ва бу масала бўйича шахсий жавобгарлик қабул комиссияси масъул котиби зиммасига юклатилсин.

3.3. Касбий (ижодий) имтиҳонлар бўйича фан комиссияларининг таркиби белгиланган тартибга мувофиқ ташкил этилсин ва уларнинг раислари тасдиқ учун Вазирликка жорий йилнинг 10 июнига қадар тақдим этилсин.

3.4. Давлат тест маркази томонидан белгиланган шакллар бўйича маълумотлар тўлиқ ва аниқ тўлдирилиши ҳамда белгиланган муддатларда Давлат тест марказига тақдим этилиши таъминлансин.

3.5. Қабулга оид маълумотларни "Абитуриент-2004" республика штабига ўз вақтида етказишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3.6. Доимий амалдаги қабул комиссиялари фаолиятини жонлаштириш, касбий йўналтириш ишларини фаоллаштириш, қабулга оид лавҳаларни тайёрлаш ва уларда абитуриентлар учун зарурий бўлган маълумотларни (касбий (ижодий) имтиҳонлар дастурлари ва баҳолаш меъзонларини) ёритиш топширилсин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат этиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Рекомендация выдана на основании приказа командира войсковой части 00000 (начальника учреждения) от " " 20 г. №
Рекомендация №
от " " 200 года

_____, 19__ года рождения,
(фамилия, имя, отчество)
проходил военную службу в Вооруженных Силах Республики Узбекистан с ____ г.
по ____ г.
(месяц) (год) (месяц) (год)

В соответствии с пунктом 3 Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 октября 1994 года № 496 "О дополнительных льготах военнослужащим срочной службы и членам их семей" _____
(фамилия, и.о.)

рекомендуется в предоставлении льготных условий при зачислении в высшие и средние специальные, профессиональные образовательные учреждения.

Командира войсковой части (Начальник учреждения)
Место
печати

(воинское звание, подпись, инициал имени, фамилия)

Примечание: Бланк рекомендации нумеруется и является документом строгой отчетности.

5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ўқув юр்தларида ўқув ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида"ги 1999 йил 29 март 99 сонли

Б У Й Р У Ф И

1. Олий ўқув юр்தлари ректорларига:

1.1. Талабалар даволатини шахсий назоратга олиш, кундалик таҳлили жорий этиш, ички тартиб-қонунларни бузувчи ҳамда сабабсиз дарс қолдирувчи талабаларга нисбатан кескин чоралар кўриш топширилсин.

1.2. Талабаларнинг дарсларда иштирок этишини назорат қилиш ва улар томонидан сабабсиз дарс қолдириш қолларини олдини олиш ҳамда уларга нисбатан тегишли чоралар кўришда декан ва гуруҳ сардорлари масъулиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилсин.

1.3. Сабабсиз дарс қолдирувчи ва ички тартиб қондаларни бузувчи талабаларнинг ота-оналарини чақиритиш ёки уларни хат билан огоҳ этиш каби услублар жорий этилсин.

1.4. Сабабсиз дарс қолдирган талабаларга нисбатан қуйидаги тартибда чоралар кўрилсин:
- 12 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга хайфсан эълон қилинсин ҳамда гуруҳда кенг муҳокама этилсин;

- 18 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга қатъий хайфсан эълон қилинсин ҳамда уларнинг ота-оналари чақиртирилиб, улардан фарзандларининг хулқ-атворига изоҳ бериш талаб этилсин;

- 30 соатдан ортиқ дарс қолдирган талабаларга нисбатан кескин чоралар кўрилсин ва талабалар сафидан четлаштирилсин;

1.5. Олий ўқув юр்தлари ва талабалар уйларида (ётоқхоналарда) хушёрликни ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш, навбатчиликни ташкил этиш ва бегона кимсаларнинг киришини қатъий таъқиқлаш вазифаси юклатилсин.

1.6. Ота-оналар, жамоатчилик, маҳалла билан ҳамкорликда талабалар орасида экстремизм ва диний ақидапарастликнинг

иллатлари ҳақида мунтазам равишда суҳбатлар ва тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

1.7. Ҳар бир талабанинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ўтказиш мақсадида, уларни спорт шўъбалари ва маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишга кенг жалб этиш топширилсин.

1.8. Маҳаллий ҳуқуқ ва тартибот органлари билан бевосита алоқалар мустаҳкамлансин ва ҳамкорликдаги фаоллият ҳуқуқий-маърифий ва тарбиявий ишларга йўналтирилсин.

1.9. Факультетларда гуруҳ сардорлари ва мураббийлар иштирокида талабаларнинг ҳафталик ўқув ва меҳнат интизомини муҳокама этиш ва уларда гуруҳ мураббийларининг ҳисоботларини эшитиш жорий этилсин.

1.10. Талабаларнинг ўзлаштириши ва уларнинг ижобий ютуқлари ҳамда салбий ҳатти ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот ҳар семестрнинг охирида, талабалар ота-оналарининг иш жойлари раҳбарларига ҳамда улар яшаб турган маҳалла кўмиталари эътиборига етказиш тартиби ишлаб чиқилсин ва амалда жорий этилсин.

1.11. Талабалар, профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг ўқув ва меҳнат интизомининг ҳолатига деканлар ва ўқув ишлар проректорларининг шахсий масъулиятни оширилсин.

1.12. Ўқув ва меҳнат интизомининг ҳолати тўғрисида Вазирликка мунтазам равишда ахборот бериб туриш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1992 йил 23 март 125 сонли ҳамда 1996 йил 25 сентябрь 225 сонли буйруқлари кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**"Таълим сифатини оширишга киритилган 100 инновациялар тўғрисида"ги
2003 йил 28 май 5/5-сонли**

ҚАРОРИ

...Олий ўқув юртлари ички резерв ҳисобига янгиликларни жорий қиладиган янги фикр ва фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини натижаси ва даражасини кўтариш ҳисобига инновация таълим муассасаларига айланиши керак. Фойдали натижа берадиган педагогик ва касбий инновацияларни олий ўқув юртларида ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш - ўқув сифатини ошириш резервларидан биридир.

Кадрлар сифатини таъминлаш мақсадида вазирлик ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кадрлар, илм-фан ва педагогик кадрлар тайёрлаш Бош Бошқармаси (Бўтаев Ш.О.)га ОЎМММИ (Имамов Э.З) билан биргаликда 2004 йилда "Олий ўқув юртлари инновацион

фаолияти натижалари" мавзусида ҳамма олий ўқув юртларидан маърузачилар иштирокида Республика илмий-амалий семинари ўтказилсин.

2. ОЎМММИ (Имамов Э.З)га:

2.3. Янги ўқув йили бошланишига аспирантлар ва магистрантлар учун "Ижодий фикрлаш-ни ривожлантириш" бўйича ўқитувчилар (психология кафедраси ўқитувчилари) тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилсин.

3. ОЎЮ ректорларига:

3.2. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларни Интернетдан касбий ва педагогик инновациялар ҳақида маълумотлар олишни кенгайтириш йўллари ишлаб чиқилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамга оламан.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъатининг "Олий таълим тизимида кредит технологиясини жорий этиш тўғрисида"ги 2003 йил 3 июл 6/6-сонли

ҚАРОРИ

...Талабаларни ўқитишда кредит технологиясини ОТМларда жорий этишни таъминлаш мақсадида Ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

...3. ОТМлари ректорларига:
2003 йил 1 сентябрдан бошлаб кредит

технологияларини чуқур ўрганиш билан боғлиқ ташкилий, илмий-услубий жараёнларни ўз ичига оладиган тadbирлар режаси ишлаб чиқилсин ва ОЎМММИга мувофиқлаштириш учун топширилсин...

"Узвийлашган фан дастурларини узлуксиз таълим тизимига жорий этиш тўғрисида"ги

2003 16 октябр 256-сонли

ҚЎШМА БУЙРУҚ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, таълим мазмуни сифатини кўтариш, ўқув жараёнини такомиллаштириш ва узвийлашган фан дастурларини узлуксиз таълим тизимига жорий этиш мақсадида

БУЙУРАМИЗ:

1. Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълим вазирликларининг 2003 йил 5 июндаги 134/87 сонли қўшма буйруғининг 4-бандига мувофиқ тайёрланган ва иловадаги рўйхатда келтирилган узвийлаштирилган фан дастурлари тасдиқлансин.

2. ОЎМТВ ИИМХ бошқармаси (М.Х.Саидов)га, ЎМКХТМ молия ва иқтисодиёт бўлими (А.Эргашев)га, ХТВ дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси (М.Т.Турсунова)га тегишли таълим турлари бўйича узвийлашган фан дастурларини нашрдан чиқариш учун зарур бўлган маблағ ажратиш топширилсин.

4. ОЎМТВнинг олий ўқув юртлари бош бошқармаси (Б.Х.Рахимов)га, ЎМКХТ маркази (Х.Ф.Масудов)га, ХТВ умумий ўрта таълим Бош

бошқармаси (А.Ш.Зокиров)га узвийлашган фан дастурларини босқичма-босқич узлуксиз таълим тизимига жорий этиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юклатилсин.

5. Узвийлаштирилган фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш Мувофиқлаштирувчи Республика штаби (Ш.А.Аюпов)га фан дастурларини узлуксиз таълим тизимига жорий қилиш мониторингини олиб бориш, натижаларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш топширилсин.

6. ОЎМММИ (Э.З.Имамов), ЎМКХТРИ (А.Икромов), РТМ (Г.Я.Алимова), ЎЗПФИТИ (Х.Ибрагимов)ларга фанлараро узвийликни такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларни давом эттириш ҳамда узвийлашган фан дастурларини амалиётга жорий этиш бўйича семинарлар ўтказиш топширилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирларнинг биринчи ўринбосарлари Ш.А.Аюпов ва Р.Ш.Ахлидинов ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Х.Ф.Масудов зиммаларига юклатилсин.

**Узлуксиз таълим тизимида 19 та фан бўйича ишлаб чиқилган
узвийлаштирилган фан дастурлари**

№	Фанлар	Умумий ўрта таълим	Ўрта махсус, касб-хунар таълими	Олий таълим
1	2	3	4	5
1.	Маънавият асослари	1.Одобнома I–IV синфлар учун 2.Ватан туйғуси V–VI синфлар учун 3.Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари	Маънавият асослари	Маънавият асослари
2.	Инглиз тили	Инглиз тили VIII–IX синфлар учун	Инглиз тили	Инглиз тили
3.	Олмон тили	Олмон тили V–IX синфлар учун	Олмон тили	Олмон тили
4.	Француз тили	Француз тили V–IX синфлар учун	Француз тили	Француз тили
5.	Фалсафа	Шахс ва жамият XI–синфлар учун	1. Шахс ва жамият 2. Эстетика 3. Мантиқ,	1. Эстетика 2. Мантиқ 3.Фалсафа Ахлоқшунослик
6.	Тарих	1. Ўзбекистон тарихи V–IX синфлар учун 2. Жаҳон тарихи VI–IX синфлар учун	1. Ўзбекистон тарихи 2. Жаҳон тарихи	Ўзбекистон тарихи
7.	Математика	1. Математика V–VI синфлар учун 2.Алгебра VII–IX синфлар учун 3. Геометрия VII–IX синфлар учун	Математика	Олий математика
8.	Физика	Физика VI–IX синфлар учун	Физика	Физика
9.	Астрономия	Астрономия XI синфлар учун	Астрономия	Умумий астрономия курси
10.	Информатика	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари VIII–IX синфлар учун	1. Информатика 2. Ахборот технологиялари	Информатика ва ахборот технологиялари
11.	Кимё	Кимё VII–IX синфлар учун	Кимё	Умумий кимё

12.	Биология	Ботаника V–VI синфлар учун 1. Зоология VII синф учун 2. Одам ва унинг саломатлиги VIII синф учун 3. Цитология ва генетика асослари IX синф учун	Биология	Биология ва генетика асослари
13.	Иқтисод	Иқтисодий билим асослари VIII–IX синфлар учун	Иқтисодиёт асослари	Иқтисодиёт назарияси
14.	Чизмачилик	Чизмачилик VIII–IX синфлар учун	Чизмачилик	Чизма геометрия
15.	Ўзбек тили	Ўзбек тили II–IX синфлар учун	Ўзбек тили	Ўзбек тили
16.	Рус тили	1. Обучение детей 5–6 лет русскому языку в детских садах 2. Русский язык для II–IX классов школ с узбекским языком обучения	Русский язык для профессиональных колледжей и академических лицеев с узбекским языком обучения	Русский язык
17.	Ҳуқуқ	Ҳуқуқшунослик VIII–IX синфлар учун	Давлат ва ҳуқуқ асослари	Ҳуқуқшунослик
18.	География	1. Табиий география V синф учун 2. Материклар ва океанлар географияси VI синф 3. Урта Осиё табиий географияси VII синф учун 4. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси VIII синф учун 5. Жаҳоннинг ижтимоий ва иқтисодий географияси IX синф учун	Амалий география	1. Иқтисодий география 2. Ўзбекистон географияси
19	Жисмоний тарбия	Жисмоний тарбия I–IX синфлар учун	Жисмоний тарбия	Жисмоний тарбия

"Олий таълимда маънавий-маърифий ишларни ва ўқув жараёни такомиллаштириш тўғрисида"ги 2003 йил 24 ноябр 10/1-сонли

ҚАРОРИ

Мажлисининг асосий кун тартиби таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар", "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанларини ўқитилиши ва чоп этилган ўқув дастурлари, фойдаланилаётган адабиётларнинг таҳлили, шунингдек, таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, шу кунга қадар бундай вазифаларни амалга оширишда қатор камчиликлар мавжуд эканлиги тўғрисида танқидий фикрлар билдирилди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, таълим тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари ижросини юқори савияда таъминлаб бориш мақсадида Ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.С.Ғуломовнинг жорий йилнинг 24 октябрь куни Бош вазир ўринбосари А.А.Азизхўжаев томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш борасидаги маълумоти ахборот учун қабул қилинсин.

3. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Э.Набиев) ва ОУМММИ (Б.Рахимов)га:

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси билан келишув асосида (муддат 2003 йил декабрь) барча олий таълим муассасаларининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ва "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанлари кафедраси мудирларининг малака ошириш курслари ташкил этилсин.

3.2. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ҳамда Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанлари бўйича янги таҳрирдаги ўқув адабиётларини тайёрлаш ишлари олиб борилсин (муддат 2003 йил ноябрдан бошлаб 2004 йил январь ойи давомида).

4. Барча олий таълим муассасаси ректорларига:

4.1. Олий таълим муассасаларининг талабалар уйларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар қайта кўриб чиқилсин ва мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилсин.

4.2. Олий таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ва "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанлари бўйича дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилсин.

5. Ушбу Ҳайъат қарорининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

"Олий техника таълимини такомиллаштириш тўғрисида"ги

2004 йил 12 январ 8-сонли

БҮЙРУҒИ

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган жадал ўзгаришлар, юртимиз иқтисодий тараққиётини янада тезлаштириш масалалари ва бу борада Президент И. Каримовнинг кўрсатмалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, жумладан, олий техника таълими олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Техника соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасига кўтариш, янги техника ва технологияларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, техника таълимини ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясини янада кучайтириш, мазкур кадрларни тайёрлашнинг минтақа ҳудудида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжларидан келиб чиққан

ҳолда режалаштириш ва шу каби масалаларни амалга ошириш, олий техника таълимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Юқоридагилардан келиб чиқиб,

БҮЙУРАМАН:

1. Республикада ва хориждаги олий техника таълими ҳамда техника ва технология йўналишларида кадрлар тайёрлаш бўйича мавжуд тажрибаларни таҳлил этиш ва унинг асосида олий техника таълимини такомиллаштиришга қаратилган масалаларни ўзида мужассамлантирган Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

2. Республикада олий техника таълимини такомиллаштириш Концепциясини тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Республикада олий техника таълимини такомиллаштириш" масаласи Вазирлик Ҳайъат мажлисининг феврал ойида муҳокама этилсин. Мазкур масалани тайёрлашда қуйидаги муаммоларни ечиш механизми тўғрисидаги таклифлар атрофлича ўрганиб чиқилсин:

- олий техника таълимида янги педагогик технологиялар;
- олий техника таълимини фундаменталлаштириш;
- фундаментал ва ихтисослик фанларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларни ўқитиш кетма-кетлиги;
- ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқи-тишни такомиллаштириш;
- талабанинг билим олишдаги фаоллигини ошириш;
- мустақил таълимнинг ташкилий-услубий таъминотини яратиш;
- замонавий ўқув адабиётлари, маълумотномалар, давлат стандартлари, илмий-техник журналлар билан таъминлаш;
- моддий-техник таъминотни кучайтириш, лаборатория асбоб-ускуналари, сарфланувчи (расходные) ашёлар ва реактивлар билан мунтазам таъминлашни ташкил этиш;
- малакавий амалиётни илғор технологиялари мавжуд бўлган корхоналарда ташкил этиш;
- курс иши, малакавий битирув иши, магистрлик диссертациялари мавзуларини амалий эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгилаш;
- ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграцияни кучайтириш ҳамда кафедралар филиалларини ташкил этиш;
- техника фанлари педагоглари малака-ларини мунтазам равишда ишлаб чиқариш корхоналарида ошириш масалалари;
- устувор йўналишларда таълим олаётган талабаларга имтиёзли стипендиялар тайинлаш;
- таълим ва илм-фан интеграциясини кучайтириш;
- минтақанинг истиқболли тараққиёти ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрлаш;
- буюртмачи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик;
- кадрлар тайёрлаш, таълим хизматлари кўрсатиш, илмий-технологик ва конструкторлик ишлари бўйича маркетинг хизматини такомиллаштириш;

- иқтидорли талабаларни ва техника соҳасидаги ижодиётни рағбатлантириш;

- ОТМ да молиявий-ташқилий бошқарувни ислоҳ қилиш;

- халқаро алоқаларни ривожлантириш;

- талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Ҳ.Раҳимов)га:

4.1.2004 й. 28 январгача олий техника таълими соҳасида республикада ва хоризда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, унинг асосида ДТС, ўқув режа ва дастурларини қайта кўриб чиқиш ва комиссияга тақдим этиш топширилсин.

5. Етакчи техника олий таълим муассасалари (ТДТУ, ТТЕСИ, ФарПИ, НамМИИ, НавДКИ, ТАЙИ, ТИҚХМИ) ректорларига :

5.1.2004 й. 28 январгача ривожланган хорижий давлатлардаги таълим тизими тажрибаларини инобатга олган ҳолда олий техника таълимнинг давлат таълим стандарти, ўқув режа ва дастурларининг муқобил вариантларини тайёрлаш ва комиссияга топшириш вазифалари юклатилсин.

6. Олий таълим муассасалари ректорларига комиссия таркибига киритилган профессор-ўқитувчиларни жорий йилнинг 12 январидан Вазирлик ихтиёрига бир ҳафта муддатга хизмат сафарига жўнатиш топширилсин.

7. Ахборот технологиялари ва масофавий таълим бошқармаси бошлиғи А.Абдуллаевга комиссия фаолиятига зарурий бўлган маълумотларни Интернет тармоғидан олишга амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

8. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Д.Жонбоев)га тўпланган материалларни умулаштириш ва унинг асосида республика олий техника таълимини такомиллаштириш Концепциясининг якуний таҳририни тайёрлаш, уни рўёбга чиқариш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳайъат қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифалари топширилсин.

9. Вазирлик ишлар бошқармаси бошлиғи И.Йўлдошевга комиссия фаолияти учун махсус иш жойини ажратиш ва компьютер билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

10. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Олий техника таълимини такомиллаштиришга қаратилган концепция лойиҳасини ишлаб
чиқиш бўйича ижодий гуруҳ таркиби**

1. Аюпов Ш.А. - Вазир ўринбосари, комиссия раиси
2. Жонбоев Ш.Д. - ОЎЮББ бошлиғи в.б., комиссия раиси ўринбосари
3. Рўзиев Қ.И. - ОЎЮББ бошлиғи ўринбосари, комиссия масъул котиби
4. Аллаев Қ.Р. - ТДТУ ректори
5. Тожиёв Р.Ж. - ФарПИ ректори
6. Райимжонов Б. - НавДКИ ректори
7. Аҳматхўжаев Х.Т. - НамМИИ ректори
6. Абдуллаев П. - ТДТУ проректори
8. Норов Ю.Ж. - НавДКИ декани
9. Тошпўлатов С.А. - доцент, ТАҚИ декани
10. Расулов М.Х. - доцент, ТТЎТМИ декани
11. Эргашев К.Э. - ТПЕСИ кафедра мудири
12. Комилова Х.Х. - ТПЕСИ декани
12. Зоиров И.У. - ТДТУ кафедра мудири
13. Қодиоров Т.М. - ТДТУ кафедра мудири
14. Ортиқов А.О. - ТКТИ декани
15. Перегудов Л.В. - ОЎМММИ директори ўринбосари
16. Тўйчиев Х.А. - ЎЗМУ проректори
17. Абдуллаев А. - АТ ва МТ бошқармаси бошлиғи

**Мамлякатдаги олий техника таълимини
таҳлил этиш бўйича саволнома**

1. Охириги уч йил давомида техника ва технология йўналишларига қабул қилинаётган талабаларнинг тест синовларида тўплаган баллари таҳлили, шу жумладан давлат гранти ва тўлов-контракт бўйича.
2. Техник йўналишлардаги кафедраларнинг услубий меъёрий ҳужжатлар (давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалари ва фанлар дастурлари, Олий таълим меъёрий ҳужжатларининг 1 ва 2-қисмлари), кадрлар ва

лаборатория анжомлари билан таъминланганлиги.

3. Техника ва технологияга оид фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қўшимча ўқув адабиётлари (справочниклар, стандартлар, луғатлар, лойиҳалаш меъерлари, рисоалар, техник журналлар) билан таъминланганлиги.

4. Техника ва технологияга оид фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишни режалари ва уларнинг бажарилиши (уч ёқлама шартнома асосида) Вазирлик грифи билан нашр этилган адабиётлар ва электрон дарсликлар яратиш ҳолати.

5. Техника ва технология соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, уларнинг натижаларини республика ва халқаро миқёсда тап олинганлиги, ишлаб чиқаришда қўлланилаётганлиги ва самарадорлиги.

6. Курс ишлари ва лойиҳалари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларида долзарб ва амалий масалаларнинг қўйилиши ва ечилиши.

7. Профессор-ўқитувчиларнинг ишлаб чиқаришда тажриба ва малака орттириши, у ердаги техник ва технологик масалаларни хал қилишдаги иштироки.

8. Техника ва технология мутахассисликлари бўйича илмий педагогик кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режаси ва унинг амалга оширилиши.

9. Техника олий таълими мавқеини ошириш ва ёшларни техник ижодиётга жалб этиш бўйича режалаштирилган ва амалга оширил- аётган тадбирлар.

10. Битирувчиларнинг ишга жойлашуви ва кейинги фаолиятлари мониторинги.

Илова-2

**Республикада олий техник таълимни такомиллаштириш
Концепцияси (тузилиши)**

11. ОТМ нинг техник олий таълимни ривожлантириш бўйича фаолиятига баҳо бериш. 1-бўлим. Эришилган даража (Расулов М.Х., Комилова Х.Х.)
Таълим йўналишлари ва тайёрланаётган кадрлар миқдорининг эҳтиёжга мослиги, абитуриентларнинг савияси, ўтиш баллари, таълим сифати, меъёрий-услубий ҳужжатлар ва дарсликлар, профессор-ўқитувчиларнинг сифат

ва ёш таркиби, илм-фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш корхона-лари билан алоқалар, инвестициялар, халқаро ҳамкорлик.

2-бўлим. Камчилик ва муаммолар (Расулов М.Х., Комилова Х.Х.)

Ёшларда техникага қизиқишнинг пасайи- ши, тест синовлари ва ўтиш балларининг пастлиги, айниқса тўлов-контракти бўйича,

профессор-ўқитувчиларнинг ёшини ортиб бориши, техника мутахассисликлари бўйича аспирантурага кирувчиларнинг камайиши, илм-фаннинг орқада қолиши, ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлашдаги иштироки камлиги, дарсликларнинг камлиги ва сифатсизлиги, кадрлар тайёрлашнинг тарқоқлиги ва кам сонли гуруҳларнинг мавжудлиги ва унинг оқибатида бир ўқитувчининг кўп сонли фанлардан дарслар ўтиши, фанларнинг майдалиги ва кўплиги, моддий-техниканинг эскилиги, лаборатория анжом ва ашёларининг йўқлиги ва ш.ў.

3-бўлим. Концепциянинг мақсади ва вазифалари (Аллаев Қ.Р., Эргашев К.Э.). Республикада замонавий техника ва технологияларни ярата оладиган ва улардан самарали фойдалана оладиган миллий кадрлар тайёрлаш. Яқин 5-10 йилда амалга оширилувчи стратегик ва тактик вазифалар, олий техника таълимнинг республика учун устувор йўналишлари, уни регионаллатириш ва соҳалаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарини кадрлар тайёрлашдаги фаоллигига эришиш, устувор йўналишлар бўйича амалий тадқиқотлар ўтказиш, натижаларини жорий этиш ва экспорт қилиш.

4-бўлим. Концепцияни амалга ошириш bosқичлари ва муддатлари (Жонбоев Ш.Д., Рўзиев Қ.И.)

Концепцияни bosқичлари ва бўлимлари, уларни амалга ошириш муддатлари ҳамда кутилаётган натижалар.

5-бўлим. Техник олий таълимнинг меъёрий-услубий ва ахборот таъминоти (Тойчиев Х.А., Перегудов Л.В., Абдуллаев А.). Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари (Ўзбекистон, Россия ва Европа мамлакатлари тажрибасига асосан), дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон ўқитиш воситалари, масофавий таълим, кутубхоналар, таълимда ахборот-коммуникация технологиялари, мустақил таълим ва унинг меъёрий-услубий таъминланганлиги ва ташкил этилиши ва б.

6-бўлим. Техник олий таълимнинг кадрлар билан ва моддий-техник таъминоти (Қодиров Т.М., Норов Ю.Ж.). Илмий-педагогик кадрларнинг тайёрлаш ва уларни малакаларини ошириш истиқболи, малака оширишда ишлаб чиқариш корхоналарининг ролини кўтариш, хорижий тажриба орттириш, малака ошириш тизими, профессор-ўқитувчиларни даврий аттестацияси, ижтимоий ҳимояси, мавқеи ва нуфузини кўтариш, ёш педагоглар ва юқори тажрибага эга мутахассисларни педагогик фаолиятга жалб қилиш.

Моддий-техника таъминотини тубдан янгилаш, замонавий лаборатория асбоб-

ускуналари билан таъминлаш, амалий дарслар учун зарурий ашёлар, материаллар ва реактивларни, кўргазмали қуроллар, макетлар ва моделларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ходимлар ва лаборантларни малакасини ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш ва б.

7-бўлим. Техника ва технология соҳасидаги илмий тадқиқотлар, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш (Абдуллаев П., Ортиқов А.О.)

Амалий йўналишларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, корхоналарнинг буюртмалари бўйичар реал илмий, конструкторлик ишлари бажариш, ўқув ишлаб чиқариш ва конструкторлик бюрларини ташкил этиш, диссертациялар ва илмий ишларни корхоналар ва илмий тадқиқот институтларида ҳимоя қилиш, ёшларни илмий-техник ижодга қизиқтириш ва жалб қилиш, танловлар ва кўргазмалар уюштириш, техник йўналишдаги аспирантларга ва тадқиқотчиларга имтиёзлар белгилаш, аспирантлар раҳбарларини рағбатлантириш, долзарб мутахассисликлар бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш истиқбол ва жорий режалари ва б.

8-бўлим. Техник олий таълим ва ишлаб чиқариш

(Зоиров И.У., Тошпўлатов С.А.)

Ишлаб чиқариш корхоналарининг олий техника таълими соҳаларида кадрлар тайёрлашдаги ролини ва жавобгарлигини оширишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий усуллари, таълим муассасаларида корхоналар очиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тажриба базалари барпо этиш, корхоналарда кафедралар ва лабораториялар ташкил этиш, ҳамкорликда илмий ва конструкторлик ишлари бажариш ва ш.ў.

9-бўлим. Техника ва технология соҳасида кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик (Тожиев Р.Ж., Ахматхўжаев Х.Т.)

Хорижий тажрибаларни ўрганиш, ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш, малака ошириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, кафедра, факультет ва институтлар очиш, илмий симпозиумлар ўтказиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва б.

10-бўлим. Жамиятда техника ва технология соҳасидаги фаолият ва ижоднинг обрў-эътиборини кўтариш (Раимжонов Б., Рўзиев Қ.И.)

Оммавий ахборот воситаларида, бадий асарларда, киноларда техник ижодиёт ва шу соҳадаги фаолиятни тарғиб қилиш, техника соҳасидаги ижодкорлар учун фахрий унвонлар, давлат мукофотлари таасис этиш ҳақида таклифлар, муҳандислик академиясини ташкил этиш, ихтирочиликни кенг ёйиш, бу ҳақда киножурнал ва тележурналлар ташкил этиш ва б.

**"Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги
2004 йил 6 феврал 1/3 - сонли
ҚАРОРИ**

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар, юртимиз тараққиётини янада жадаллаштириш масалалари, бу борада Президент И. Каримовнинг кўрсатмалари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни тўла бажарилишини таъминлаш олий техника таълими олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Техника соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини замон талаблари даражасига кўтариш, янги техника ва технологияларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва улардан унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, техника таълимини ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграциясини янада кучайтириш, мазкур кадрларни тайёрлашда ҳар бир минтақа ҳудудида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг истиқболли ривожланишини назарда тутган ҳолда режалаштириш ва амалга ошириш, бугунги кунда олий техника таълимини такомиллаштиришда муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Вазирлик буйруғига (12.01.2004 й.8-сон) мувофиқ ташкил этилган ижодий гуруҳ мазкур вазифаларни чуқур англаган ҳолда "Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси" лойиҳасини ишлаб чиқди. Унда олий техника таълимининг бугунги ҳолати таҳлил этилиб, шу соҳада эришилган жаҳон тажрибалари асосида республикамизда олий техника таълимини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари келтирилган.

Концепция лойиҳасининг дастлабки муҳокамасида бир қатор кафедра мудирлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари иштирок этдилар. Уларнинг таклиф ва мулоҳазалари эътиборга олиниб, лойиҳага тегишли ўзгартиришлар киритилди. Концепция лойиҳасининг сўнгги муҳокамасида техника йўналишидаги барча олий таълим муассасалари ректорлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, олий техника таълимини-такомиллаштириш тўғрисидаги Концепция бугунги куннинг энг долзарб масаласи эканлигини алоҳида таъкидалб, уни ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритиш ҳақида таклиф киритдилар.

Концепция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ раҳбари, ТДТУ ректори Қ.Р.Аллаевнинг ахборотини тинглаб ва муҳокама этиб, ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Олий техника таълимини такомиллаш-

тириш Концепцияси" лойиҳаси маъқуллансин ва жамоатчилик муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

2. Техника олий таълими йўналишларида кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари (ТДТУ, ТАҚИ, ТАЙИ, ТДАИ, ТТЕСИ, ТКТИ, ТАТУ, ТТЙТМИ, ТМҚХММИ, ТДАУ, АндМИИ, БухООЕСТИ, ЖизПИ, ҚарМИИ, НамМИИ, НамМПИ, СамДАҚИ, СамКООПИ, ФарПИ, НавДКИ, АндҚХИ, СамҚХИ) ректорларига:

2.1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти билан ҳамкорликда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартларига ва ўқув режаларига Концепция талабларидан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин ва уларда қуйидагилар албатта назарда тутилсин:

- фанларни ўқитишдаги узвийлик ва узлуксизлик;

- техника олий таълимини фундаменталлаштириш;

- таълимни инсонпарварлаштириш;

- кадрларни илдам (истикбол учун) тайёрлаш;

- мустақил таълимни ролини ошириш;

- амалий ва тажриба дарслар ҳажминини кўпайтириш;

- амалиётларни меъёрий-услубий таъминлаш;

- таълим сифати назоратида ҳолисликни таъминлаш;

- ўзлаштириш тўғрисидаги баҳоларнинг халқаро тан олинсин;

- таълимни замонавий ахборот ресурслари билан таъминлаш;

- профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятини кўтариш;

- таълимни ишлаб чиқариш ва фан билан интеграциясини кучайтириш;

- Болония жараёни иштирокчилари - Европа кенгаши талабларини инобатга олиш.

2.2. Худудий ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжини инобатга олиб зарурий кадрларни тайёрлаш бўйича техника соҳасидаги олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузиш топширилсин.

2.3. Ахборот технологиялари йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурларида миллий дастурчилар (программистлар) тайёрлашга катта эътибор қаратилсин.

2.4. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари орасидан иқтидорли болаларни излаб топиш, уларни олий

техника таълимига жалб этиш ишларини ташкил қилиш вазифаси юклатилсин.

2.5. Техник олий таълимни аҳоли ва айниқса ёшлар ўртасида мавқеини кўтаришга қаратилган тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш топширилсин.

3. ОТМ ректорларига: Концепциянинг иккинчи босқичини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг бажарилиш механизмлари ишлаб чиқилсин, уларда қўйиладиган даражадаги талабаларнинг амалиёт ўташи;

- замонавий технологиялари мавжуд бўлган корхоналарда талабаларнинг амалиёт ўташи;

- халқаро миқёсда тан олинган даражадаги амалий илмий тадқиқотларни бажариш;

- олий техника таълимини моддий техника таъминоти учун бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар ва хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш.

9. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Х. Раҳимов)га:

9.1. "Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси" га мувофиқ "Мухандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари" (500.000) таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, давлат таълим стандартлари, ўқув режаларини қайта кўриб чиқиш бўйича техника олий таълим муассасалари фаолиятларини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

9.2. Жорий йилнинг биринчи августига қадар 500000-чи бакалавриатура таълим йўналишлари классификатори давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг янги таҳрири Вазирликка тасдиққа киритилсин.

9.3. Хорижий тажрибаларга асосланиб, мустақил таълимни ташкил этиш бўйича услубий тавсияномаларини ишлаб чиқиш топширилсин.

9.4. Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларига бағишланган тадқиқотлар ўтказиш бўйича Фан ва технологиялар марказига таклиф киритиш топширилсин.

9.5. Тошкент давлат техника университети ва бошқа техника олий таълим муассасаларини жалб қилган ҳолда "Талабалар техник ижоди (ТТИ)" кўриг-танловларини ўтказиш низоми ишлаб чиқилсин.

10. Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси (Э.Ф.Набиев)га:

10.1. Техника ва технология соҳаларидаги бакалаврият йўналишлари давлат таълим стандартларини қайта ишлаш жараёнида таълимни гуманитарлаштириш ва инсонпарварлаштириш, фанларга миллий истиқлол ҳолисини сингдириш масалаларини назоратга олиш топширилсин.

10.2. Ижтимоий-гуманитар фанларни режалаштиришда мавзулар ва фанларнинг (курсларнинг) асосиз такрорланишига йўл қўймаслик вазифалари юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест марказидан олий техника таълимга билимдон абитуриентларни саралаб олишни таъминловчи қабул тест синовларини жорий этиш сўралсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан мактабгача ва умумий ўрта таълим дастурларига болаларни кичик ёшдан техникага қизиқтирувчи дастурларни киритиш, ёш техниклар клублари фаолиятларини жонлаштириш сўралсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигидан олий техника маълумотли бакалавр ва магистрларнинг эгаллашлари мумкин бўлган лавозимлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш сўралсин.

14. Ўзбекистон Фан ва технологиялар марказидан:

14.1. "Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси"ни рўёбга чиқаришни таъминлаш мақсадида идоралараро мувофиқлаштирувчи Комиссияни ташкил этиш сўралсин.

14.2. Илмий-техник журналлар нашрларини қўллаб қувватлаш, техника соҳаларидаги хорижий янгиликларни реферат-ахборотлар шаклида нашр этишни ташкил этиш сўралсин.

15. Тошкент Давлат Техника университетида Республика Политехника музейини ташкил этиш масаласи манфаатдор идоралар билан ўрганиб чиқилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ва Жаҳон тиллари университетларининг журналистика йўналишидаги бакалаврлар таркибидан техника соҳаларини ёритиш кўникмаларига эга бўлган магистрлар тайёрлаш топширилсин.

17. Ушбу Ҳайъат қарори ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Лойиҳа
Ўзбекистонда 2010 йилгача бўлган даврда Олий техник таълимни такомиллаштириш
КОНЦЕПЦИЯСИ

Кириш

Жаҳон фани, техникаси ва технологияси жуда тез ривожланмоқда. Кўп мамлакатлар XXI асрнинг биринчи чорагида жаҳон бозори учун рақобатбардош маҳсулот етказиш ва хизмат кўрсатиш йўлини белгилаш учун олтинчи технологик тузумни ишлаб чиқмоқдалар. Техник кадрлар ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмини яратадилар ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожланишини белгилайдилар. Ўзбекистон ушбу жараёнга қўшилиши учун барча имкониятларга эга. Республиканинг илмий салоҳиятини хом ашё ва инсон ресурслари билан бирлаштириш жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имкониятини яратди.

Ўзбекистонда таълим соҳасида, жумладан, олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" вазифаларини босқичма-босқич амалга оширилишининг натижаси бўлиб, мамлакатда бир неча ўн йиллар давомида тўпланган сиёсий, иқтисодий, мафкуравий тизимни тубдан ўзгартиришнинг ва иқтисодиётнинг янги асосини яратиш шароитида амалга оширилмоқда. Бозор иқтисодиёти олий таълим, жумладан, техника таълими олдига янги талабларни қўймоқда, чунки мамлакатни замонавий цивилизациянинг илгор марраларига етказиш вазифасини юқори сифатли техник кадрларни тайёрлаш тизимини яратмасдан туриб, бажариб бўлмайди. Жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш ва юксак турмуш даражасига эришишда такомиллашган саноат ишлаб чиқаришининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

1. Олий техник таълим ривожланишининг долзарблиги

1.1. Жамият тараққиётида олий техник таълимнинг роли

XXI асрда, яъни информацион технологиялар, биотехнологиялар, кибернетика ва квант техникаси асрида-цивилизация тараққиётининг устивор йўналишларини қуйидагилар ташкил этади:

фанлараро фундаментал ва амалий тадқиқотлар;

"инсон-яшаш муҳити" тизимини ривожлантиришда узоққа мўлжалланган башоратлаш;

ген инженерияси асосидаги биотиббидиёт ва биотехнологиялар (геобиотехнология, экобиотехнология, тўқималарни ўстириш, инженерлик тиббидиёти ва ҳ.к.);

чуқур илмга асосланган ва авикосмик технологиялар;

микроэлектроникани ривожланиши билан боғлиқ критик технологиялар (нано-, био-, опто- ва акустоэлектроника, сунъий интеллект тизими ва атоматлаштирилган таржима);

амалий йўналтирилган энг янги ахборот технологиялари ва тизимлари, умумтизимли ва талбиқий дастурлаш;

ноанъанавий энергоресурслар, ресурс ва энергия тежаш технологиялари;

табiiй ресурслар ва техник материалларни қайта ишлашнинг янги технологиялари;

белгиланган хусусиятли мутлоқ янги материаллар (ўта мустақкамлик, иссиқбардошлилик, ейилишга бардошлик, хотирага эга бўлган ва бошқа);

машина ва ишлаб чиқариш мажмуалари тизимининг янги авлоди (мослашувчан ишлаб чиқариш тизимлари, роботлар ва робототехник мажмуалар ва бошқалар);

транспорт ва алоқа воситаларининг янги авлоди (юқори тезликка эга, энергия тежовчи ва экологик тоза хусусиятли транспорт, глобал телекоммуникация ва экомониторинг глобал тизимлари).

XXI аср цивилизациясини янада тараққий эттиришда юқоридаги устивор жиҳатларни амалга ошириш учун барча иқтисодиёт соҳаларини тезкор ривожлантириш имконини берадиган техник кадрларнинг янги авлодини кенг қўламда тайёрлаш зарур.

Рақобатбардош техник мутахассисларни тайёрламасдан туриб рақобатбардош иқтисодиётни барпо этиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим, жумладан, олий техника таълим тизимини такомиллаштириш ва ислох қилиш бўйича концептуал ҳужжатлар, 1997 йилда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида" ги қонунлари ҳисобланади. Улар юксак умумий ва касбий маданиятга эга бўлган, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий сиёсий ҳаётда мустақил ҳолда ҳаракат қила оладиган, келажакка қаратилган вазифаларни қўя олиш ва уларни ечишга қодир бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган. Миллий дастурнинг муҳим вазифалардан бири "У мамлакат социал-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият талаблари, фан, техника ва маданиятнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқадиган кадрлар тайёрлаш мазмуни ва структурасини қайта ташкил қилишдан иборатдир".

1.2. Ўзбекистонда олий техника таълимнинг аҳволи

Ўзбекистонда 1995 йилдан буён икки босқичли олий техника таълими тизими амалда қўлланилмоқда, жумладан:

бакалавриат - ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган;

магистратура - бакалавриат негизда ўқиш муддати икки йилдан кам бўлмаган.

Бу тизим ўз тузилишига кўра инглиз тилли мамлакатлар, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тизимларига, шунингдек, Болония жараёни доирасида яратилаётган Европа тизимига ўхшашдир. Олий техник таълимнинг икки босқичли тизими қўплаб мамлакатларнинг илмий техник ва иқтисодий ютуқлари учун самарали асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда техника соҳаси бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш 2 университет ва 16 та институтларда 50 таълим йўналиши ва 500 дан ортиқ мутахассисликлар бўйича олиб борилмоқда:

- нефт ва газ тармоқлари;
- энергетика;
- тоғ-кон ва қайта ишлаш тармоқлари;
- агросаноат мажмуаси;
- кимё саноати;
- енгил ва тўқимачилик саноати;
- транспорт ва транспорт тизимлари;
- ахборот -коммуникация тармоқлари;
- қурилиш саноати;
- юқори технологияли машинасозлик;
- жаҳон стандартларига жавоб берувчи туризм ва сервис соҳаси.

Сўнги 6 йил ичида юқорида қайд этилган тармоқлари учун 32754 бакалаврлар ва 1660 магистрлар тайёрланди. Бакалавр ва магистрларнинг ишлаб чиқаришда касбий мослашуви, уларни замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиниши билан таъминланади. Лекин айрим тармоқларда маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлай оладиган чуқур таркибий технологик ўзгаришлар рўй бермаган, яъни:

чуқур илмга асосланган ахборот технологиялари амалиётга кенг қўламда киритилмапти (автомобилсозлик бундан мустасно), шунингдек, ишлаб чиқаришнинг замонавий автоматлаштирилган воситаларидан фойдаланилмапти ёки амалиётга жорий этиш сууст амалга оширилмапти;

минерал хом ашё (нефт, газ, тошкўмир ва б.) ларни чуқур қайта ишлаш қўлланилмапти; мураккаб юқори технологик маҳсулотлар кам тайёрланмоқда;

ривожланган мамлакатлар билан таққослаб кўрилганда, ўхшаш маҳсулотлар бирлиги учун сарфланаётган масса ва энергия ҳаражати ғоят

катта;

қишлоқ хўжалик хом ашёларини чуқур қайта ишлаш кам қўлланилмоқда;

Ўзбекистондаги олий техника таълимни паст суръатларда ривожланишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда белгиланган олий техника таълими соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг Ўзбекистонда кечаётган динамик ривожланиш жараёнидан ортда қолиши;

таълим тизимидаги маънавий эскирган инфраструктуранинг XXI аср муҳандислиги ва ишлаб чиқариши талабларига жавоб бермаслиги;

кадрлар буюртмачилари ва иш берувчиларининг "Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур"да белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришда номуносиб иштироки.

1.3. Концепциянинг мақсади ва асосий вазифалари

Олий техника таълими тизимини такомиллаштириш давлат, жамият ва шахс манфаатларини қондириш, бозор иқтисодиётига ҳос рақобатбардошликни кучайтириш ҳар бир инсонга таълим олишнинг шакл ва муддати, мазмун ва даражасини кенг танлаш имкониятини беради.

Ўзбекистонда олий техника таълимини такомиллаштиришдан мақсад, уни XXI аср муҳандислиги ва ишлаб чиқариш талаблари доирасида барқарор ва самарали фаолият кўрсатиши учун ривожланиш механизмлари ва шарт-шароитларини яратишдир. Олий техник маълумотли кадрлар қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

ўзига тегишли ва турдош йўналишлар бўйича тобора ўсиб бораётган барча илмий-техник ахборотлар оқидамида осон ва тез иш юрита олиши;

компьютер технологиялари имкониятларидан кенг фойдалана олиши;

касбий мослашувчанликка эга бўлиш, яъни фундаментал тайёргарликка суянган ҳолда амалий ва илмий фаолиятда доимо содир бўлиб турадиган ўзгаришларга тезкор муносабатда бўлиш;

ўз раҳбарлигидаги жамоанинг фаолиятини оқилона ташкил этиш ва бошқариш каби фазилатларга эга бўлиш.

Такомиллаштиришнинг прагматик мақсади олий техника таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мустаҳкам алоқаси асосида малакали кадрлар тайёрлаш орқали рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни таъминлашдан иборатдир.

Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг мазмуни иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, хавфсизлик тизими,

давлат хизмати, хизмат кўрсатиш соҳалари ва шу кабиларнинг талабларига мос бўлиши керак.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун биринчи навбатда қуйидаги устивор ва ўзаро боғланган масалаларни ечиш зарур:

техник кадрлар тайёрлашни жадаллаштирилган усулда ташкил этиш ва уни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш;

таълим тизимини самарали ташкил этувчиларни тайёрлаш;

олий техника таълимини фундаменталлаштириш, инсонпарварлаштириш ва гуманитарлаштиришни таъминлаш;

илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника, чуқур илмга асосланган ва ахборот технологияларини ривожлантириш;

олий техника таълими тизимида таъсирчан менежмент ва маркетинг, самарали иқтисодий муносабатларни шакллантириш;

иқтисодиётнинг таянч тармоқлари муҳандис кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда, рақобатбардош маҳсулот ва хизматларни яратишда қўлланилаётган замонавий фан, техника, технология ва иқтисодиёт ютуқларини тадбиқ этиш.

Натижада, янгиланган олий техника таълими, қуйидагиларни таъминлаши керак:

фуқароларнинг муайян даромадларини ошириш ва яшаш шароитларини яхшилаш;

чиқиндисиз, кам чиқиндили, ресурс ва энергияни тежовчи технологияларни ўзлаштириш, шунингдек, янги материалларни қўллаш;

мамлакат ва унинг аҳолиси хавфсизлигини ҳамда экологик хавфсизликни мустақамлаш.

2. Олий техника таълимнинг устивор йўналишлари

2.1. Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш тамойиллари

Давлат таълим стандартлари (ДТС) ни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

- "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Ўзбекистон Республикаси қонуллари.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим тизимини ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлод тарбиясини тубдан ислоҳ қилиш ҳақида"ги 1997 йил 6 октябрдаги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон таълим тизими учун Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва киритиш ҳақида"ги 1998 йил 5 январдаги № 5-сон қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш ҳақида"ги 2001 йил 16 август № 343-сонли қарори.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ва хорижий мамлакатлар тажрибасига мувофиқ ДТСни ишлаб чиқишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Олий техника таълимнинг фундаменталлаштириш, гуманитарлаштириш ва инсонпарварлаштириш;

техник таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлиги;

техник кадрларни жадаллаштирилган ҳолда тайёрлаш;

мустақил таълим, танқидий фикрлаш ва ижодий фаолият кўникмаларини ҳосил қилиш;

таълим дастурларининг ҳаракатчанлиги; - талабаларнинг академик ҳаракатчанлиги; таълимни давом эттириш имкониятларини кенгайтириш;

техник кадрлар тайёрлашда кўп босқичли таълим сифати ва назорат.

Олий техника таълимнинг фундаменталлаштириш. Техник таълимнинг янгича парадигмаси нафақат юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни, балки кенг маълумотли ижодий шахсларни шакллантиришни назарда тутди. Буни эса ўқув жараёнини фундаменталлаштиришни кучайтирмасдан туриб, амалга ошириб бўлмайди.

Биринчидан, сўнги йилларда фундаментал фанлар муҳандислик ва ишлаб чиқаришда доимий таъсир этувчи ва самарадор кучга айланди.

Иккинчидан, техник таълимнинг фундаменталлаштириш танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятни шакллантиришга самарали ёрдам беради.

Учинчидан, фундаментал фанлар табиий-илмий, касбий ва гуманитар билимларни самарали интеграциясини таъминлайди.

Таълимнинг фундаменталлаштириш олий техника маълумотли кадрларга жонли ва жонсиз табиатдаги жараёнлар ва ҳолисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар, билишнинг илмий усуллари ва тизимли ёндашув асосида билимларни яратиш, илгари суриш ҳамда оммалаштириш учун зарурдир. Чуқур илмга асосланган ва ахборот технологияларни, биотехнологияларни, микродаражадаги технологиялар (нанотехнологиялар, оплотехнологиялар, микротехнологиялар ва ҳ.к), берилган характеристика ва хоссаларига эга янги материаллар (шу жумладан, композит асосидаги), робот техникаси ва робот техникаси тизимларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва самарали қўллаш учун мутахассисга жиддий фундаментал тайёргарлик зарур.

Техника таълимнинг инсонпарварлиги инсонни энг олий ижтимоий қадрият сифатида қарор топишига, унинг қобилиятларини намоён бўлиши ва турли таълимга бўлган эҳтиёжини қондирилишига, умуминсоний

кадриятларни устиворлигига, инсоннинг атроф-муҳит билан муносабатларини уйғунлашувини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Техник таълимнинг гуманитарлаштириш таълим олувчиларда оламнинг яхлит манзараси, юқори маънавий, маданият ва самовий тафаккурни шакллантиришга йўналган бўлиши лозим. Замонавий мутахассис унинг маънавияти ва маданиятини белгиловчи кенг гуманитар билимларни эгаллаши лозим.

Олий таълимнинг гуманитарлашуви этик (ахлоқий), эстетик, эргономик, экологик, иқтисодий ва ҳуқуқий тарбия каби ташкил этувчиларини қамраб олиши лозим.

Узвийлик техника таълимини олдинги босқичдан чиқиш, кейинги босқичга кириши билан "туташиши"ни табиий бўлишини билдиради. Узвийлик натижасида ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқлик техник таълим тизимининг барча босқичларида таъминланади. Биринчи навбатда бу қуйидаги босқичлар занжирига тегишли: ўрта махсус, касбий таълим-олий таълим (бакалаврият, магистратура)-олий таълимдан кейинги таълим (аспирантура, докторантура)-кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Техника таълими босқичлари узвийлигининг меъърий ва илмий-услубий асослари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

мавулараро ва фанлараро узвий алоқаларни таъминловчи давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурларининг интеграллашуви;

техника таълимининг турли босқичларида таълим дастурлари таркибини аниқлашга тизимли ёндашиш;

техника таълимининг турли босқичларида таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни руҳий-педагогик ва ташкилий-услубий асосларининг мувофиқлиги.

Ташкилий ва функционал техника таълими узвийлиги унинг узлуксизлигининг асоси бўлади. Бу борада иқтидорли болалар ва истеъдоли ёшлар мониторингини олиб бориш зарур.

Техник кадрларни илдам ҳолда тайёрлашнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш, ҳозирги ва келгуси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитида мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига самарали кириб боришига йўналтирилган. Жадаллаштирилган ҳолда тайёрлашни таъминлаш учун, ДТС нинг тегишли элементлари фан, техника, технология, иқтисодиёт, таълим ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда таълим йўналиши ва мутахассисликни ривожлантиришга қаратилмоғи зарур. Муҳандисликдаги ва ишлаб чиқаришдаги кадрларга

қўйиладиган илмий башоратланувчи малакавий талаблар жадаллаштирилган тайёрлашнинг асослари бўлади.

Техник кадрлар тайёрлашда мустақил таълим кўникмаларини ҳосил қилиш қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган:

бўлажак мутахассисларда ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантириш учун талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш;

бутун ҳаёт давомида ўзининг касбий, маънавий ва маданий даражасини такомиллаштириш учун талабаларни мустақил билим олишга ўргатиш.

педагогика фанининг сўнги ютуқларига асосланган ҳолда, талабаларнинг билим олиш фаоллигини ривожлантириш.

Таълим дастурларининг мослашувчанлиги шахс, жамият, давлат ва меҳнат бозори талабларини кузатишни таъминлаши учун зарур. Бу ҳаракатчанлик Давлат таълим стандартларидаги фанлар ва курслар, Олий ўқув юртлари кенгашида қабул қилинган, кадрлар буюртмачилари талабларига кўра олий ўқув юртлари аниқлайдиган махсус фанлар блокида таъминланади. Таълим дастурининг ҳаракатчан қисмлари вариантларини таълим олувчи мустақил танлайди.

Техник таълим сифатининг кўп босқичли назорати рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ва олий таълим бошқарувининг уч босқичида амалга оширилади.

Биринчи босқичда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади:

олий ўқув юрти, унинг раҳбари ва илмий педагогик кадрларини таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича аттестация, унинг асосида техника Олий ўқув юртини аккредитацияси масаласи ечилади;

ўқув тарбия жараёнининг самарадорлигини ва техник кадрлар тайёрлаш сифатини эксперт баҳолаш.

Иккинчи босқичда ваколатга эга бўлган таълимни бошқариш давлат органи олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда:

давлат таълим стандартларида кўзда тутилган мазмун ва тайёргарлик даражасини таъминланишини;

давлат таълим стандартида кўзда тутилган касбий вазифаларни ечиш асосида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қиладилар.

Учинчи босқичда олий ўқув юрти томонидан ўқув жараёнида студентларнинг билими, малакаси ва кўникмалари рейтинг-назорати, шунингдек, Давлат аттестация комиссиялари томонидан уларнинг билими таянч фанлар ва битирув малакавий ишлар бўйича назорати амалга ошириш.

2.2. Олий техник таълим сифатининг омиллари
Олий таълим сифати серқирра концепция бўлиб, унинг барча функциялари ва фаолият турларини: ўқув ва академик дастурларни, илмий-тадқиқотлар ва стипендияларни, кадрлар билан таъминлашни, таълим олувчиларни, бинолар, моддий техник база ва жиҳозларни, жамият манфаати ва академик муҳит учун фаолиятни ўзида қамраб олиши керак (XXI аср учун олий таълим тўғрисидаги декларация. ЮНЕСКО).

Таълим сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги-таълим тизимининг асосий якуний натижаси бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

одамларни: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-ёрдамчи ходимлар, маъмурий-бошқарув ходимлари ва бошқалар;

технологияларни: педагогик, тарбиявий, ахборот, бошқарув, назорат қилиш ва бошқалар;

моддий-техник таъминотни: бинолар, жиҳозлар, лаборатория-амалиёт базаси ва ҳаказо.

меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-услубий таъминот; рағбат ва хоҳишлар;

ташқи таъсирларни: бозор иқтисодиёти, шахс, жамият ва давлат талаблари.

Таълим тизимининг таркибий элементлари таълим сифатига ва касбий кадрлар тайёрлашга муҳим таъсир қилувчи устивор омиллар мажмуасини белгилаб беради:

1. Олий ўқув юртигача таълим омиллари: умумий ўрта, ўрта махсус касбий таълим битирувчиларини тайёрлаш сифати ва унинг олий таълим билан узвийлик даражасини. ҳозирги кунда абитуриентларнинг тайёргарлик даражаси паст савияда бўлиб қолмоқда. Техника таълим йўналишларида давлат грантлари асосида қабул қилишдаги ўтиш (50 га яқин йўналишлар) балли умумий тўплаш мумкин бўлган (226 балл атрофида) балнинг 46% ни, тўлов шартнома асосида қабул қилишда эса 25% ни ташкил этмоқда.

2. Меъёрий-ҳуқуқий омиллар: давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фанларнинг дастурлари, ўқув-услубий таъминот, моддий-техник таъминот, малакавий амалиётларни. Фан, техника, технология, экология, иқтисодиёт ва таълимнинг сўнгги, башорат қилинаётган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда техник кадрлар сифатининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янги авлодини яратиш зарур.

3. Профессор-ўқитувчилар таркиби билан боғлиқ омиллар: касбий малака, психологик-педагогик тайёргарлик, маънавият ва маданият, хоҳиш ва рағбатлар, таълим олувчилар билан

ҳамкорлик даражасини. Олий техника таълими тизимида юқори малакали кадрлар (фан номзодлари ва докторлари) тайёрлаш улушини камайиши билан бир қаторда илмий педагогик кадрларнинг ёшини улғайиш жараёни ривожланмоқда. Техникавий мутахассислик бўйича диссертация ҳимоя қилаётганларнинг улуши (барча ҳимояларга нисбатан 9% атрофида) ушбу мутахассисликларнинг (барча мутахассисликларнинг 26 % га яқини) умумий улушидан уч баробар камдир.

4. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси омиллари: ўқув жараёнида малакали мутахассислар ҳамда фан ва ишлаб чиқаришнинг замонавий моддий-техника базасидан фойдаланиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда қатнашиш. Ушбу интеграция жараёни ҳозирча тикланиш босқичида бўлиб, унинг омиллари рақобатбардош кадрларни тайёрлашда сезиларли ўрин эгаллаганича йўқ.

5. Менежмент ва маркетинг омиллари: бошқарув тизими, бошқарув услуби ва усуллари, раҳбарларнинг индивидуал ва ижтимоий психологик фазилатлари.

6. Рақобатбардош бозор муҳити омиллари: шахс эҳтиёжлари ва манфаатлари, уларни қондириш имкониятлари, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояни.

Таълим сифати ва касбий кадрлар тайёрлаш муаммоларини ҳал қилишда тизимли ёндашувдан фойдаланиш зарур. Барча омиллар мажмуасини уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳамкорлиги ҳолида бошқариш керак.

Таълим сифатини ошириш ва таълимнинг конструкторлик, технологик ва эксплуатацион йўналишлари бўйича рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида қуйидагилар зарур:

бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатини мақбуллаштириш;

юқори даражадаги ва чуқур илмга асосланган технологиялардан фойдаланган ҳолдаги чуқур мавзулар ва фанлараро алоқаларга эга бўлган интеграциялашган таълим дастурларини яратиш ва тадбиқ қилиш;

техник кадрлар тайёрлаш сифатини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлган фаннинг мақомини ошириш;

талабаларни муҳандислик ва ишлаб чиқаришнинг долзарб тадқиқий ҳамда амалий вазифаларини ҳал этишга кенг жалб қилишни таъминлаш;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим интеграллашувининг турли хил моделларини кенг қўллаш;

олий техник таълим муаммоларини ҳал қилишда иш берувчилар ва бошқа ижтимоий ҳамкорларнинг кенг иштирокини таъминлаш.

тармоқлар бўйича илмий техникавий бирлашмаларни яратиш.

2.3 Бакалаврларни ихтисослаштирилган тайёргарлиги

Бакалаврни касбий йўналтирилган мутахассис бўлиб етишиши тез мосланувчан бозор механизми ҳаракатига мувофиқ ҳолда рўй бериши зарур, бу бир томондан ихтисослашувнинг муайян турлари ва даражалари хилма хиллигига олиб келса, иккинчи томондан эса, уларни у ёки бу ташкилий шаклларда юзга чиқаради. Бунда, бакалаврнинг олий ўқув юртида мукамал назарий тайёргарлик олишига таянишидан келиб чиқиш керак.

Бакалавр махсус тайёрлов ёки қайта тайёрловни, меҳнат бозори талабларига боғлиқ ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ўтиши лозим, бунда:

бакалаврларнинг муайян муаммони ҳал этишга йўналтирилган мутахассис сифатида шаклланишини таъминлаш;

бакалаврларни касбий билими, қобилияти, кўникмаларини рақобатбардош даражада сақлаб туриш.

У ёки бу мутахассислик бўйича бакалавр тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, таълим йўналишига мувофиқ равишдаги эгалланган мутахассислик билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятни олиб боришга ҳуқуқ берадиган давлат намунасидаги сертификат ҳисобланади.

2.4. Техник кадрлар тайёрлашнинг амалий-лаборатория ва илмий базасини такомиллаштириш

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашда рақобатбардош техника ва чуқур илмга асосланган технологияларни яратиш, фойдаланиш ва лойиҳалаштиришнинг ижодий билим ва кўникмаларини талабаларда ҳосил қилишга мўлжалланган фундаментал, умумкасбий ҳамда махсус фанлар бўйича амалий-лаборатория базаси алоҳида ўрин тутди.

Қуйидаги йўналишлар бўйича мавжуд амалий-лаборатория базаларини чуқур замонавийлаштириш зарур:

ўқув устахоналари ва лабораторияларини замонавий технологик жиҳозлар, асбоблар, ҳаракатланувчи макетлар, тренажёрлар ва ҳоказолар билан таъминлаш;

ўқув жараёнига виртуал амалий-лаборатория воситаларини ҳамда ўқув амалий дастурий маҳсулотларни яратиш ва кенг жорий этиш;

замонавий техник ўқитиш воситалари бўлган компютерлар, проекторлар, аудио ва видео воситалар, электрон намоиш материаллари кабилар билан таъминланган маъруза, семинар ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш учун махсус аудиториялар барпо қилиш;

локал ахборот тармоқларини яратиш ва

INTERNET тармоғидан кенг фойдаланиш;

ўқув бўлинмаларини, талабаларни тарқатма материаллар, маъруза матнлари ва бошқалар билан таъминлаш учун зарур бўлган нусхалаш аппаратлари билан жиҳозлаш.

Масофавий таълим имкониятларидан фойдаланиш технологияси бўйича илмий муассасалар ва ташкилотларнинг ноёб асбоблари, чуқур илмга асосланган жиҳозлари олий техник ўқув юртларнинг амалий-лаборатория базаларининг муҳим элементи ҳисобланади. Бунда, амалий аҳамиятга эга бўлган ва иқтисодиёт соҳаларини кадрлар техник даражасини мустаҳкамлашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган илмий изланишлар ва тадқиқотлар тараққиётига алоҳида эътибор бериш зарур.

2.5. Олий техника таълими тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш

Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири талабаларда табиий-илмий ва умумкасбий фанлар бўйича мустаҳкам асос ярата олишга қодир бўлган, уларни мустақил таълим олишга ўргата оладиган ҳамда илмий-тадқиқот ишлари кўникмаларни ҳосил қила оладиган профессор-ўқитувчилар таркибини яратиш ҳисобланади.

Бундай профессор-ўқитувчиларни тайёрлашда малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими алоҳида рол ўйнаши лозим. У XXI аср ишлаб чиқариш ва муҳандислик талаблари даражасидаги ўқитувчилар кўникмалари ва қобилиятлари, касбий билимларини таъминлаб туриши керак.

Педагогик маънода ўқитувчилар талабаларга танқидий фикрлаш ва ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантира оладиган ўқитиш усуллари ва технологияларини эгаллаган бўлишлари керак. Хусусан:

ахборот ва телекоммуникация технологиялари;

креатив ўқитиш технологиялари; лойиҳалаш усуллари қўлланган ўқитиш технологиялари;

муаммоли ўқитиш технологиялари; ўқитишнинг ўйинли технологиялари; ўқитишнинг инновация технологиялари.

Ривожланган мамлакатлар таълим муассасалари ва илмий марказларида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тажрибасидан, шунингдек, уларнинг замонавий ишлаб чиқариш бирлашмаларидаги стажировкасида кенг фойдаланиш керак.

Муҳандислик ва ишлаб чиқариш соҳасида XXI аср учун техник кадрларни тайёрлаш ва махсус фанларни ўқитишда юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

2.6. Олий техника таълимининг ахборот ресурслари

Олий техника таълимининг ахборот ресурсларига хос алоҳида хусусиятлари, айниқса, махсус фанлар бўйича фан, техника ва технологиянинг ўта тезкор тараққиёти, улар мазмунининг маънавий жиҳатдан тез эскириши билан боғлиқ. Бундай шароитда ахборот ресурслари мазмунининг доимий ўзгариб туриши талаб қилинади.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, техник журналлар ва оммавий ахборот воситаларининг электрон маълумотлар мажмуасици (CD-Rom, дискетлар, аудио-видео кассеталар ва бошқалар) таклиф этувчи янги авлод электрон кутубхоналарини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Махсус фанлар бўйича ахборот ресурслари, асосан, уларнинг мазмунини фан, техника ва технология ютуқларини доимий ҳисобга олган ҳолда янгилашга имкон берадиган электрон базада шаклланиши лозим.

Техника олий ўқув юртларида хорижий техника олий ўқув юртлари электрон ресурсларига кириш учун имкон бера оладиган INTERNET тармоғидан кенг фойдаланган ҳамда локал тармоқларни яратган ҳолда таълим олувчиларнинг электрон ахборот ресурсларига кенг миқёсда жалб қилинишига эришмоқ лозим.

Техника соҳасида барча тоифадаги кадрларни тайёрлаш борасида ҳал этувчи ахборот ресурси сифатида мавжуд ва янги яратилаётган Республика миқёсидаги ҳамда тармоқ илмий-техник журналлари хизмат қилиши керак.

2.7. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

Рақобатбардош кадрларни тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ўз ичига олган интеграция тизимлари муҳим рол ўйнайди (масалан: ўқув-илмий-ишлаб чиқариш марказлари, технополислар, технопарклар ва б.). Бундай тизимларда малакали кадрларни тайёрлаш вазибалари, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини тажрибавий- ишлаб чиқариш сифатида ўзлаштирилиши бирлашади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланмоғи лозим:

1. Касб-хунар коллежи ва (ёки академик лицей) олий ўқув юрти типидagi таълим муассасаларининг тармоқларини ривожланиши. Бундай таълим муассасалари:

касбий таълим даражалари ва босқичларига мувофиқ тарздаги ташкилий ва услубий узвийликни таъминлаш;

кичик мутахассисларни тайёрлаш учун олий ўқув юртлари амалий-лаборатория базалари ва профессор-ўқитувчилар таркибидан фойдаланиш имконини беради.

2. Ўқув-илмий (ОЎЮ-ИТИ), ўқув-ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ) ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ИТИ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ) бирлашмаларини яратиш. Бундай бирлашмалар:

бирлашаётган ташкилотларни педагогик, илмий ва моддий техник имкониятларидан самарали фойдаланиш;

таълим жараёни билан академик ва тармоқ фанининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш; илмий ходим, ўқитувчилар, аспирантлар ва студентларнинг биргаликда фойдаланишлари учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар, тажриба, тадқиқот ҳамда прибор базаларини ривожлантириш;

илмий тадқиқотлар, ихтиролар ва патентларнинг натижаларини рақобатбардош маҳсулотларга айлантириш;

ўқув жараёнида фойдаланиш учун фундаментал тадқиқотларнинг ахборот базасини яратиш;

касбий таълимнинг барча босқичларида узоқ муддатли интеграциялашган малакавий амалиётларни ўтказиб туриш имконини беради; элита техник кадрларни тайёрлаш учун алоҳида ўқув бўлиналарини ташкил этиш.

3. Касбий таълимнинг халқаро интеграциясини амалга ошириш йўллари:

чуқур илмга асосланган технологиялар, биотехнологиялар, микродаражадаги технологиялар (нано, опто, микротехнологиялар ва бошқалар), муайян характеристика ва хусусиятларга эга бўлган янги материаллар (жумладан: композит асосда), робот техникаси ва робот техникаси тизимлари соҳаларида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги таълим муассасаларини яратиш;

иқтидорли ёшларни ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларида ўқитиш;

талабалар, аспирантлар ва ўқитувчилар билан ўзаро алмашишни кенг йўлга қўйиш мақсадида чет элдаги таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш;

олий техника таълим муассасаларини халқаро таълим ва илмий дастурларга киритиш.

2.8. Олий техника таълимида самарали иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши

Олий техника таълимини такомиллаштиришда самарали иқтисодий муносабатлар шаклланишининг асосий элементлари:

кадрлар буюртмачиларидан, турли таълим хизматларидан, жамғармалардан, донорлардан, илмий лойиҳалар учун ички ва ташқи грантлардан, хомийлардан ва бюджетдан тушадиган маблағлар;

олий техника таълимини такомиллаштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда, уни молиявий

қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантириш;

олий таълимни ҳамкорликда таъсис этишни ва кўп тармоқли молиялаштиришни рағбатлантириш, тўлиқ миқёсда шартнома асосида молиялаштиришга босқичма-босқич ўтиш;

олий техника таълими тизимида қўшимча маблағларни жалб қилиш учун шароит яратиш, имтиёзларни, шунингдек, солиқларни тизимлаштириш;

таълимни инновациялашув жараёнини рағбатлантириш, таълимга бўлган юқори талабни қондириш ва ички молиявий манбаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида олий техника муассасалари заминида қўшимча пуллик таълим хизматларини кенгайтириш;

олий техника ўқув муассасалари заминида ихтисослашган ўқув ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш кабилардан иборат бўлиши керак.

Олий техника таълим тизими нафақат давлатдан бериладиган топшириқларни бажаришга, балки ўсиб бораётган ижтимоий таълим эҳтиёжига ҳамда муҳандислик ва ишлаб чиқаришнинг аниқ талабларига қаратилиши лозим. Таълим хизматларида аниқ эҳтиёжларни кўзда тутиш, қўшимча молиявий ва моддий-техника манбаларини жалб қилиш учун асос яратиш керак.

2.9. Олий техника таълимини бошқариш

Олий техника таълимининг ҳуқуқий ва бошқарув оид масалаларини ишлаб чиқишда, қабул қилишда ва амалга оширишда жамоатчилик, кадрларнинг буюртмачилари, ташкилот ва муассасалар иштирокини кенгайтириш зарур. Бу жараён тегишли меъёрий-ҳуқуқий асос, шунингдек, техник кадрларни тайёрлашда жамоатчиликнинг амалий қатнашувини аниқ механизмлари билан таъминланиши зарур.

Амалий фанни, техника, технологияни, иқтисодиёт ва экологияни ривожлантиришда муҳим рол ўйновчи олий техника таълимини жамият ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур.

Пуллик таълим хизмати турларини шаклланишини таъминловчи, касбий йўналишлар ва техник сиёсатни аниқловчи, кадрлар масаласини ҳал қилувчи, донорларни жалб қилувчи, таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағларини сарфлашни жамоатчилик назоратини ташкил қилувчи техника олий ўқув юртларининг Васийлик кенгашлари ҳуқуқий мақомини мустақамлаш зарур.

Олий техника таълимини бошқаришнинг асосий тамойиллари қуйидагилар бўлиши керак:

муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашув;

сифатли натижаларга эришиш учун тизимни режалаштириш;

вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқаришнинг энг мақбул услуби;

техника таълимининг мақсад ва вазифаларига ўзаро тушуниш ва бир хил муносабат;

жамоа аъзолари ва коммуникацияларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

техник кадрлар ва таълим хизматлари бўйича буюртмачиларнинг талабларини таъминлашни кўзда тутиш;

соғлом муҳит ва бир-бирини тушуниш; ходимларнинг касбий ўсишига имкон ва ваколат бериш.

Бошқаришни такомиллаштиришнинг пировард мақсади ўқитишнинг юқори даражасини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва илмий-тадқиқотлар, шунингдек, жамиятга хизмат қилиш йўли билан олий техника ўқув юртлари муассасавий вазифасини мустақамлашдан иборат бўлиши лозим.

3. Халқаро ҳамкорлик

Олий техника таълими тизими соҳасида халқаро ҳамкорлик-рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг устивор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда бундай ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда ривожланиши лозим:

чуқур илмга асосланган ва ахборот технологиялари бўйича ҳамкорликдаги олий техника таълими муассасаларини барпо этиш;

олий техника таълими муассасаларида таълим фаолияти учун хорижий олимлар ва ўқитувчиларни таклиф қилиш;

Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар техника олий ўқув юртлари билан талабалар ва аспирантларининг ўзаро алмашувини йўлга қўйиш;

ўқитувчиларни хорижий олий ўқув юртлари ва илмий марказларга малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш мақсадида юбориш;

амалий фанларнинг турли соҳаларида, шунингдек, олий таълимда, ҳамкорликда тадқиқот ўтказиш;

муҳандислик ва ишлаб чиқариш соҳасида хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда ўқув адабиётларини яратиш;

чуқур илмга асосланган ва ахборот технологиялари, муҳандислик ва ишлаб чиқаришда, саноат экологиясида ресурслар ва энергия тежамкорлиги, инсон омиллари бўйича халқаро конференциялар ва семинарлар ташкил қилиш.

4. Олий техника таълимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, босқичлари ва чора-тадбирлари

Олий техника таълимини такомиллаштириш XXI асда муҳандисликда ва ишлаб чиқаришда илмий-техника таррақиётини белгилайдиган янги сифатга эга бўлган кадрларни тайёрлашга олиб келиши лозим. Будаўлатнинг кенг қамровли дастури бўлиб, бозор иқтисодиёти

ва жамиятнинг фаол ҳамкорлигида амал-га оширилади.

Биринчи босқич 2004-2005 йилларда, шунингдек, муҳандислик ва ишлаб чиқаришнинг устивор йўналишлари учун ҳозирги замон даражасида кадрларни тайёрлашни кўзда тутадиган меъёрий ва ўқув услубий ҳужжатларнинг (Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, фан ва курс дастурлари, ўқув услубий таъминот ва ҳ.к.) янги авлодини ишлаб чиқиш ва ҳаракатга келтиришдан иборатдир.

Рақобатбардош техник кадрларни тайёрлашдаги асосий воситалар:

ташкилий жиҳатдан-таълим мажмуалари (касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейлар-ОЎЮ лари) ўқув-илмий (ОЎЮ-ИТИ), ўқув ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ишлаб чиқариш) ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш (ОЎЮ-ИТИ-ишлаб чиқариш) бирлашмалари;

мазмуний жиҳатдан-юқори ва чуқур илмга асосланган, ресурс ва энергия тежовчи технологиялар, чиқиндисиз ва экологик тоза жараёнлар, компьютерлаштирилган муҳандислик, ишончли юқори меҳнат унумдорлигига эга техника, инсон омиллари ва бошқалар;

ахборот жиҳатдан-ахборот ва телекоммуникация технологиялари;

педагогик жиҳатдан-бўлажак мутахассисларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолият кўникмаларини ривожлантирадиган таълим усуллари ва технологиялар;

ижтимоий жиҳатдан-таълим жараёни объектлари фаолиятининг афзаллиги, интилишлари, ижтимоий ҳимоя;

ресурс жиҳатдан-компьютер технологиялардан кенг фойдаланилган замонавий лаборатория-амалиёт ва илмий база;

сифатни назорат қилиш жиҳатидан-олий ўқув юртлари аттестацияси, давлат ижтимоий бошқарув тизими органларидан мустақил бўлган

таълим сифатини бошқарув тизими ва мониторинги;

молиявий жиҳатдан-бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштиришни кенгайтириш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш; менежмент ва маркетинг жиҳатдан-олий техника таълими тизимидаги ҳуқуқий ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва жорий этишда жамиятнинг фаол қатнашуви, техник кадрларнинг таълим бериш ва илмий йўналишлардаги амалий маркетингини таъминлаш.

Яратилиши зарур:

техник олий ўқув юртлари битирувчиларини, уларда иш танлаш, жумладан, шахсий фаолиятини бошлаш масалаларида мустақил бўлишига тайёр бўлишларини шакллантирувчи ишга жойлаштиришга ёрдам берувчи самарали тизим;

меҳнат бозорининг турли малакадаги ва мутахассисликдаги кадрларга бўлган жорий ва истиқболли доимий мониторинги тизими.

Иккинчи босқич давомида, яъни 2006-2010 йилларда техника олий ўқув юртларининг илмий, лаборатория-амалиёт базаларининг такомиллаштирилиши тўла тугалланган бўлиши керак.

Концепция лойиҳасини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби: Аюпов Ш.А. (раҳбар), Жонбоев Ш.Д. (раҳбар ўринбосари), Рўзиев Қ.И. (масъул котиб), Аллаев Қ.Р., Тожиев Р.Ж., Райимжонов, Б., Ахматхўжаев Х.Т., Перегудов Л.В., Абдуллаев П., Комилова Х.Х., Расулов М.Х., Зоиров И.У., Ортиқов

Концепция лойиҳасини тайёрлашда Фанлар Академияси, Фан ва технологиялар маркази, Давлат тест маркази, Олий аттестация комиссияси ва йирик sanoat корхоналари, вазирликлар мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари инобатга олинди.

"Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари" билим соҳаси йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартларининг янги авлодини ишлаб чиқиш тўғрисида"ги

2004 йил 4 март 51-сонли

БУЙРУҒИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъати кенгайтирилган мажлисининг 06.02.2004 йил № 1/3 рақамли "Олий техник таълимни такомиллаштириш Концепцияси ҳақида"ги қарори (9-банди)га мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Х.Раҳимов)га бакалавриятнинг техник йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасалари ректорлари билан ҳамкорликда:

1.1. 2004 йил 1 мартдан бошлаб "Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш

тармоқлари" билим соҳаси йўналишлари бўйича маҳаллий ва хорижий фан, техника, технология, иқтисодиёт ва таълим ютуқларини ҳисобга олган ҳолда Давлат таълим стандартлари (ДТС) ва намунавий ўқув режаларининг янги авлодини ишлаб чиқишга киришилсин;

1.2. Ўзбекистон Фанлар Академияси, кадрлар истеъмолчилари ва тааллуқли олий таълим муассасаларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда малакавий талаблар, таълим дастурларининг мазмуни ва намунавий ўқув режалари қайта кўриб чиқилсин.

2. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Х.Раҳимов)га ОЎМММИ ва таянч

олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда бакалавриятнинг техник йўналишлари гуруҳлари бўйича ДТС ва намунавий ўқув режаларининг янги авлодини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

3. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (В.В.Алехина)га бакалавриятнинг техник йўналишлари бўйича

ДТС-лар ва ўқув режаларининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва уларни электрон ахборот тарқатувчи (компакт диск)ларда кўпайтиришни бюджет маблағидан молиялаштириш таъминлансин.

Буйруқнинг бажарилиши назорати вазирнинг ўринбосари Ш.А. Аюповга юклатилсин.

"Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ўқувчилари орасида ОИВ/ОИТС касаллигини олдини олишга қаратилган билимлар даражасини ошириш" лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисидаги 2004 йил 12 март 56-сонли БУЙРУҒИ

2001-2003 йиллар мобайнида Республика Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорликда вояга етмаганлар ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида тахсил олаётган талаба-ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик ҳамда ОИТС (СПИД)га қарши кураш борасида бир қатор тadbирлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан янгидан қабул қилинган 2003-2006 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон Республикаси ОИВ/ОИТС эпидемиясини тарқалишини олдини олиш стратегик дастури"ни ижросини таъминлаш ҳамда талаба-ўқувчиларни ОИВ/ОИТС ҳақидаги билимларини ошириш, талабаларимиз учун методик қўлланмалар яратиш, тренинг машғулотларини ташкиллаштириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. 2003-2006 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикасида ОИВ/ОИТС эпидемиясини тарқалишини олдини олиш стратегик дастури"ни амалга ошириш бўйича тайёрланган "Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ўртасида ОИВ/ОИТС касаллигини олдини олиш"га қаратилган билимлар даражасини ошириш лойиҳаси 1 иловага, лойиҳани амалга оширувчи ишчи гуруҳи 2 иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Лойиҳани бажарилишини назорат қилиш ва унинг мониторингини олиб бориш Гуманитар таълим ва шаҳе камолоти Бош бошқармаси (Э. Набиев) ва Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим бўлими (М. Лафасов)га юклатилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш ўз зиммаларини қўлдираман.

Вазирликнинг 2004 йил 12 мартдаги 56 рақамли буйруғига 2-илова

"Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ўқувчилари орасида ОИВ/ОИТС касаллигини олдини олишга қаратилган билимлар даражасини ошириш" лойиҳасини амалга оширувчи ишчи гуруҳи таркиби

- | | |
|------------------|--|
| 1. Ш.Аюпов | - Вазир ўринбосари, лойиҳа раҳбари |
| 2. Х.Маъсудов | - УМКХТМ раҳбари муовини |
| 3. Э.Набиев | - ГТШКББ бошлиғи, лойиҳа координатори |
| 4. М.Лафасов | - УМКХТМ бўлим бошлиғи, лойиҳа координатори |
| 5. А.Шукуралиева | - ТДПУ "Тиббий билим асослари ва фуқаро муҳофазаси" кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н. |
| 6. А.Раҳимов | - ТМИ "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти"ни ўрганиш маркази раҳбари |

Эслатма: Ушбу рўйхатдаги ходимларнинг хизмат лавозимлари ўзгарганда уларнинг ўрнига тайинланган ходимлар тўғридан-тўғри ишчи гуруҳи таркибига киритилади.

Ишчи гуруҳи таркибидаги номзодлар рўйхати келишилган ҳолда тузилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи (2001-2005 йиллар) босқичи талабаларига мувофиқ республика олий таълим муассасаларида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда, айрим олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш, талабалар билимини ҳолисона аниқлаш ва баҳолаш, битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўтказиш ва назорат қилиш масалаларида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2003 йил октябр ойида Тошкент кимё-технология институтини ва Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш инженерлари инсти-тутини аниқланган жиддий хато ва камчиликлар, шунингдек, талабалар ва уларнинг ота-оналаридан турли идораларга ёзилган ариза ва шикоятларнинг таҳлили, бу борада тизимли ёндошув ва тадбирларни амалга ошириш заруриятини талаб этмоқда.

Республика олий таълим муассасалари ўқув жараёнида мавжуд камчилик ва хатоларни мунтазам танқидий таҳлил қилиш ва бартараф этиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мониторингини йўлга қўйиш ва буюртмачиларнинг эътирозлари ва таклифларини ҳисобга олиш ҳамда бу масалаларни ҳал этишда олий таълим муассасалари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб, бакалаврият ва магистратурада ҳар ўқув семестри якунида факультетлар бўйича рейтинг тизими асосида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, шу жумладан якуний давлат аттестацияси натижалари мониторинги ташкил этилсин.

1.2. Талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича мониторинг натижалари, ўқув йили якунида ҳар бир кафедра ва факультетда алоҳида таҳлил қилинсин ва олий таълим муассасаси Илмий кенгашида атрофлича муҳокама этилиб, таълим сифатини узлуксиз оширишга хизмат қиладиган аниқ ва мақсадли чора-тадбирлар белгилансин ва амалга оширилсин.

1.3. Ўқув йили якунида бакалавриятдаги I-курс талабаларининг умумтаълим фанларидан ўзлаштириш кўрсаткичлари алоҳида таҳлил қилинсин ҳамда базавий тайёргарлиги суест ва

ўзлаштириши паст бўлган талабалар ҳақида тегишли умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари хабардор қилинсин (узлуксиз таълим тизимида ҳамкорликни мунтазам такомиллаштириш нуқтаи назаридан).

1.4. Фанлардан якуний давлат аттестациясини ўтказиш ҳамда битирув ишлари ва магистрик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш бўйича якуний давлат аттестация комиссияларининг барча аъзоларига, айниқса, уларнинг раислари зиммаларига, битирувчиларда давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ етарли билим ва кўникмалар шаклландириш ҳақида имзо чеккан хулосалари учун, шахсий жавобгарлик юклатилсин.

1.5. 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб, қайта алоқа тизими асосида, битирувчи бакалавр ва магистрларнинг меҳнат фаолияти мониторинги йўлга қўйилсин. Йирик корхона ва ташкилотлардан битирувчилар билими ва кўникмаларининг даражаси, уларнинг мутахассис сифатида фаолият кўрсатишидаги камчиликлар, меҳнат бозори талаблари, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида олинган ахборотлар ва таклифларни мунтазам таҳлил этиш ва ўқув жараёнига ўрнатилган тартибда тегишли ўзгаришлар киритиш топширилсин.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 18 апрелдаги "Олий таълим муассасалари талабаларининг билимларини ҳолисона баҳолаш, уларга стипендия тайинлаш ва тулаш масалаларидаги камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида"ги 123-сонли буйругининг ижроси қатъий назоратга олинсин.

1.7. Ушбу буйруқ олий таълим муассасасининг навбатдаги Илмий кенгашида атрофлича муҳокама этилсин ва барча профессор-ўқитувчилар, ходим ва талабаларга етказилсин.

2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.Каримов)га республика олий таълим муассасаларидан, шунингдек ташқи оператив назорат орқали олинган маълумотларни ўз вақтида Мониторинг бўлимида жамлаш ва умумлаштириш ҳамда мавжуд аҳволни, ҳар ўқув йилида камида бир марта, Вазирликнинг кенгайтирилган Ҳайъат мажлисида танқидий муҳокама қилишни ташкил этиш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**"Олий таълим муассасаларида таълим-тарбиявий ишлар жарёнини кучайтириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2004 йил 31 март 88 - сонли
БҮЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ватанимиз мустақиллигига таҳдид солаётган хавф, жумладан диний экстремизм ва террорчилик ҳаракатларига мурасасиз бўлиш, уларнинг ғайриинсоний ва ғайри қонуний моҳияти ва мазмунини, мақсад ва фаолиятларида ислом динининг маънавий-ахлоқий қадриятларига алоқаси йўқлиги ва зидлиги тўғрисида аҳоли орасида ва айниқса ёшлар орасида ишонарли далиллар билан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳақида доимо ўқтириб келмоқда.

Президентимизнинг бу кўрсатмалари ва унга мувофиқ қабул қилинган ҳукумат қарорларини, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1998.26.03. №130) ҳужжатида белгиланган вазифалар ва топшириқларни бажариш юзасидан вазирликда бир қатор самарали тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Республика олий таълим муассасаларининг диншунос ўқитувчиларини ҳозирги вақтда динларда кечаётган айрим жараёнлар билан яқиндан таништириш, диний экстремизм, террорчилик, "Хизбут таҳрир", "Ваҳҳобийлик", "Нурчилар", "Диний фундаментализм" ҳаракатларининг моҳиятини очиб ташлаш ҳамда бу борада талаба-ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Республика миқёсида бир қанча семинарлар, конференциялар, малака ошириш курслари ташкил этилди. Уларда республикамиз давлат арбоблари, етакчи олимлар, педагоглар, мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Бундай тадбирлар барча олий таълим муассасаларида ҳам ташкил этилди.

Олий таълим муассасалари раҳбарияти, деканлари, кафедра ва марказ мудирлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун ҳар ойда бир марта дин ва сиёсат, дин ва қонунчилик ҳамда диний экстремизм ва фундаментализм, ақидапарастлик каби масалаларга бағишланган "Мустақиллик ва дин" мавзусида маърифий ўқувлар ўтказилмоқда.

Олий таълим муассасалари жамоалари ва талаба-ўқувчиларнинг жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари билан учрашувлари, давра суҳбатлари, савол-жавоб тадбирлари ташкил қилинмоқда.

Талаба-ёшлар ва профессор - ўқитувчилар учун "Ислон: бағрикенглик ва мутаассиблик",

"Ислон: ханафийлик ва ваҳҳобийлик", "Дунёвий давлат ва дин", "Кўнгилдаги бузилиш", "қонун, виждон эркинлиги ва дин", "Терроризм - инсоният душмани", "Терроризм - тараққиёт кушандаси" каби оммабоп рисоалар қўп нусхаларда нашр этилди ва барча таълим муассасаларига тарқатилди.

Ўқув режасида мавжуд бўлган "Диншунос-лик" фани ҳажми оширилди, барча таълим муассасаларида "Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти" умумий мавзуси остида 10 соатлик курси ўқитилмоқда.

Олий таълим муассасаларининг етакчи мутахассис педагоглари республика диний ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари билан биргаликда марказий матбуотда, радио ва телевиденияда маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятлар мавзуларида, шунингдек, диний экстремистик ва ақидапарастлик ҳодисалар, ғайри қонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида маърузалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида олий таълим муассасаларида "Қувноқлар ва зукколар", "Ниҳол", "Ўзбекистон қўшиқ байрами", "Универсиада" каби бадний, маданий спорт мусобақалари мунтазам ўтказилмоқда.

Ана шундай амалий ишлар олиб борилаётган бир пайтда жорий йилнинг 28, 29 март кунлари мамлакатимизда содир этилган террористик ҳаракатлар ҳаммани диққат эътиборини ўзига тортди.

Воқеа содир этилган кундан бошлаб Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев бошчилигида барча таълим муассасаларида ўқув жараёни ўрнатилган тартибда олиб борилмоқда. қолаверса, 2004 йилнинг 29 март куни А.Азизхўжаев Вазирликда Тошкент шаҳар олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари раҳбарларига, бўлиб ўтган воқеалар хусусида ахборот бериб, ҳаммани огоҳликка даъват элди ва тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жарёнини янада такомиллаштириш ҳамда ички тартиб-интизомни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ тўла-тўқис таъминлаш мақсадида

БҮЙУРАМАН:

1 Олий таълим муассасалари ректор-ларига:
1.1. Тошкент шаҳри ҳамда Бухоро вилоятида

содир этилган террористик ҳаракатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг оммавий ахборот воситаси (29.03.2004 йил) ходимиغا берган интервьюси олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлари ва ишчи ходимлари ўртасида ўрганилсин, атрофлича таҳлил қилинсин ва тегишли чора-тадбирлар белгилансин.

1.2. Вазирликнинг "Февраль воқеаларининг сабоқлари ва ўқув юртларида таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда уларнинг тарбиявий - маърифий имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифалари тўғрисида" (16.03.1999й. №77), "Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти" курсини ўқитиш тўғрисида (31.03.1998й. №78), "Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналарида паспорт тартиби ҳамда хорижий фуқароларнинг яшаш қоидаларига риоя қилиш масъулияти ҳақида" (05.02.1999й. №34), "Талабалар уйларида тартиб ва интизомни кучайтириш тўғрисида" (22.03.1999й. №81), "Хусусий хонадонларда ижарада яшовчи талабалар билан олиб бориладиган ишларни янада кучайтириш тўғрисида" (07.06.1999й. №190), "Ўқув муассасаларида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг ташкилий масалалари тўғрисида" (22.09.1999й. №279), "Талабалар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида" (14.10.1999й. №304), "Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Москвада нашр этиладиган "Время МН" газетасига берган баёнотини ўқув юртларида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида" (19.10.1999й. №306) каби Вазирлик буйруқларининг ижроси қайта танқидий кўриб чиқилсин ва мазкур ҳужжатларда қайд этилган топшириқларни бажариш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилсин.

1.3. Талабалар уйларида кечаю-кундуз тинчлик ва осойишталикни сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-лигининг шахар ва туман бўлимлари билан ўзаро шартномалар тузилсин ҳамда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг назорати ўрнатилсин.

1.4. Даре вақти тугагандан сўнг ўқув хоналари ва залларида раҳбариятнинг рухсати-сиз йнгилишлар ўтказилмасин, шунингдек, олий таълим муассасалари бинолари ва талабалар уйлари ҳудудида кечаю-кундуз навбатчилик ташкил этилиб, навбатчиликни қайд этиш журналларининг тўғри юритилишига эътибор кучайтирилсин.

1.5. Даре жараёни давомида талабаларнинг

давомати мунтазам назорат остига олинсин.

1.6. Хусусий хонадонларда яшовчи талабалар аҳволидан хабар олиб туриш учун мураббийлар масъулиятини ошириш ва уларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси тўғрисида хонадон эгалари билан суҳбатлар уюштириш вазифалари юклатилсин.

1.7. Кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож талаба-ёшларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам бериб борилсин.

1.8. Барча олий таълим муассасалари ректорларининг вақтинча хориж сафарларига чиқишлари тўхтатилсин.

1.9. Мазкур вазифалар юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумот буйруқ кучга кирган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида Вазирликка тақдим этилсин.

2. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммада қолдираман.

Олий таълим вазирлигининг 2004 йил 1 апрелдаги 88-сонли буйруғига илова

Ўқув бинолари ва талабалар уйлари ҳудудида хавфсизликни таъминлашда амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасида қуйидагилар амалга оширилсин:

1. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларидан талабалар хабардор қилинсин.

2. Олий таълим муассасаси раҳбарияти талабалар билан суҳбатлар ўтказсин.

3. Ташкил этилган навбатчиликларда проректор ва деканлар шахсан фаол иштирок этсинлар.

4. Бинолар атрофига навбатчи-назоратчилар тайинлансин.

5. Навбатчи талабаларнинг ҳар бири қўлбоғ (повязка) билан таъминлансинлар.

6. Умумий овқатланиш жойлари ва санитария тармоқлари (душхона, хожатхона) доимий равишда тоза тутилсин ҳамда мунтазам ишлаши таъминлансин.

7. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали тузилсин ва унинг бажарилиши таъминлансин.

8. Ўқув ва талабалар уйлари биноларининг ертўла ҳамда чордоғи эшиклари доим қўлланган ҳолда сақлансин.

5.1. Маънавий-маърифий ишларни ташкил қилиш

5.1. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талаблари асосида ўқув юртларида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 9 январ 3-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ҳозирги шароитда республикада таълим тизимини ислоҳ қилишга Президент Ислам Каримов катта эътибор қаратмоқда. Минтақаларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари базаларини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш, халқ хўжалиги учун зарур мутахассис кадрларни жаҳон талаблари даражасида тарбиялаб етиштириш ишлари бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури каби муҳим ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳужжатлар қабул қилинди. Таълим тизимида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш бўйича Вазирлик комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Ўқув юртларида уни амалга оширишнинг муайян тизимини вужудга келтирди, маънавият ва маърифат марказлари, махсус курслари ташкил этилди. Бундан ташқари ўқув юртларида Президент Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари бўйича 50 соатли курс, "Инсон ҳуқуқлари" бўйича 40 соатли курс жорий этилди. Улардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, Президент девони ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузурда ва Вазирлик қошида ташкил этилган махсус ўқувларда ўз малакаларини оширдилар.

Тарбиявий ишлар бўйича Вазирликнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди ва у барча ўқув юртларида амалга ошириш учун тарқатилди. Кўпчилик ўқув юртларида бу дастурни амалга ошириш юзасидан сезиларли ва самарали ишлар бажарилмоқда.

Бироқ, айрим ўқув юртларида тарбиявий ишларга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши қониқарли эмас ҳамда улар ҳозирги кун талабларига тўла жавоб бермаяпти.

Баъзи ўқув юртларида талаба-ёшлар орасида динга қизиқиш мойиллари кучайиб бораётганлиги сезилмоқда. Айрим талабалар дарс машғулотлари ҳисобига номоз ўқиш билан машғул бўлмоқдалар, ҳатто олий ўқув юртларида, ётоқхоналарда номоз ва таҳорат учун махсус хоналар ажратишни талаб қилмоқдалар. Улар талабалар уйларида, ҳатто ўқув хоналарида кўرғазмали ўқув қуроллари, расмлар бўлишини истамаяптилар. Улар дарс вақтида ундан кейин бўладиган турли тадбирларда, илмий-амалий мунозараларда суҳбат қатнашмоқдалар. Талабалар орасида оқ ва қора матодан ёпинчиқлар ёпиниб юриш, соқол ўстириш ҳоллари учрамоқда.

Талаба-ёшларни диннинг айрим зарарли

оқимлари таъсирдан ҳимоя қилиш масалаларида баъзи-бир ўқув юртлари раҳбарияти тегишли чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Талаба-ёшлар орасида диннинг фундамен-талист, экстремист оқимларининг зарарли фаолиятлари, гоёлари тўғрисида аниқ ва ишонarli суҳбатлар, маърузалар ва бошқа самарали тадбирлар ўтказмаяптилар. Бу эса айрим салбий диний гоёларнинг ўқув юртларига кириб бориш имкониятларини тутдирмоқда.

Талаба-ёшлар орасида тарбиявий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш тадбирларини кўриш, таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, ўқув юртларида ўз касбини юксак даражада эгаллаган етук мутахассислар билан бир қаторда маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахсларни тарбиялаб етиштириш ишларини жонлантириш ва бу масалалар юзасидан 1998 йил 10 январда Вазирлик Ҳайъати қабул қилган қароридан келиб чиқиб

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

...1.2. Ўқув юртларида талаба-ўқувчилар мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ислохотларга муносабатини аниқлашга, касб-ҳунар малакаси, хоҳиш ва истаклари ҳамда моддий-маънавий аҳволини ўрганишга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказилсин ҳамда уларнинг натижаларига кўра тарбиявий ишлар режасига тегишли ўзгартишлар киритиб борилсин.

1.3. Барча ўқув юртларининг раҳбарлари - ректорлар, проректорлар, директорлар ва муовинлари, деканлар ва фан туркумлари раисларининг ҳар бири талаба-ўқувчилар билан ҳар ойда камидан бир марта мунтазам равишда учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериши, талаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича тадбирлар кўриши, учрашувлар мазмунини акс эттирувчи махсус дафтар тутиши ва уларда қайд этилган масалаларни умумлаштириб, ҳар чоракда ўқув юртининг Илмий Кенгаши муҳокамасига олиб чиқиш ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш белгилаб қўйилсин.

1.4. Гуруҳ мураббийлари ҳар бир ҳафтада бир марта душанба кuni гуруҳ талабалари билан мунтазам равишда учрашиб, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришлар, муҳим халқаро воқеалар ва институт ҳаётида рўй

бераётган янгиликлар ва бошқа талабаларни қизиқтираётган саволлар бўйича суҳбат ўтказиб борсинлар.

1.5. Ҳар ойнинг биринчи ҳафта сешанбаси ўқув юртлиари маънавий ва маърифат масалалари бўйича биринчи проректорлари ва директор муовинларининг амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирликда ҳисобот берадиган кун деб белгилансин (Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси жадвали бўйича).

1.6. Ўқув юртлиарида талаба-ўқувчиларнинг таълим-тарбия соҳасидаги таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш, улардан ўқув юрти раҳбариятини ўз вақтида хабардор қилиш ва тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда бевосита талаба-ўқувчиларни жалб этиш мақсадида гуруҳ сардорларининг кенгаши тузилсин. Унинг Низоми ишлаб чиқилсин.

1.7. Ўқув юртлиарида талабаларнинг ҳаваскорлик театри ташкил этилсин ва уларга иқтидорли талабалар жалб қилинсин. Буларга раҳбарлик қилиш учун жойлардаги театрлардан актёр, режиссёр, бастакорлар таклиф қилинсин. Етакчи драматургларга талабалар ҳаётини акс эттирувчи ва уларни қизиқтирадиган мавзулар бўйича турли ҳажмдаги пьесаларга буюртмалар берилсин ва талабалар театрларида сахналаштирилсин.

1.8. Ўқув юртлиаридаги талабалар театр-тўғаракларининг Вазирлик томонидан ўтказиладиган минтақавий ва Республика кўрик-танловларига тайёргарлик кўриб борилсин.

1.9. Айрим диний экстремист, фундаменталист характердаги оқимларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган давра суҳбатлари, маърузалар ташкил қилинсин. Уларга соҳа мутахассислари билан бирга мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли дин вакиллари таклиф этиш назарда тутилсин. Бунда Президент И.Каримов кўрсатиб ўтганидек, "одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо гоёт нозик эканлигига, диннинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган, сиёсий ва тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни" тушунтириш зарурлиги ҳисобга олинсин.

1.10. Талаба-ўқувчиларни ислом қадриятлари ва диний оқимлар тўғрисида тўла илмий маълумотларга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида махсус "Ислом ва исломий қадриятлар", "Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар" ва шу каби лекторийлар уюштирилсин.

1.11. Ўқув юртлиарида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий риоя қилиш белгилаб қўйилсин.

1.12. Ўқув юртлиарида миллатлараро дўстлик, миллий муносабатлар мавзуларида давра суҳбатлари, машҳур фан ва маданият арбоблари, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилсин.

1.13. Талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида улар маданий-маърифий тадбирларга, театр, музейларга, кўргазмалар ва спорт мусобақаларига, фестиваллар, олимпиадалар ва турли кўрик-танловларга кенг жалб қилинсин.

1.14. Ўқув юрти ва маҳаллалар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

1.15. Талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида ўқув юрти қошида, имконият даражасида, ишлаб чиқариш характерида бўлган кичик корхоналар ташкил этилсин ва уларга талабалар жалб қилинсин.

1.16. Талаба-ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш учун бу соҳа фанлари ва курсларини ўқитишни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш тадбирлари кўрилсин. Ўқув юрти жамоасининг ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари билан учрашувлари, давра суҳбатлари мунтазам уюштирилсин. Ҳуқуқий таълим-тарбияга оид семинар-кенгашлар, анжуманлар ўтказиб турилсин.

1.17. Ўқув юртлиарида 1998 йил "Оила манфаатлари йили" муносабати билан баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилсин ва мазкур масала билан шуғулланувчи Кенгаш тузилсин. Кенгаш ўз иш режасида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор берсин:

- эл орасида меҳнаткашлиги ва аҳиллиги билан ҳурматга сазовор бўлган оилалар билан ўқув юрти жамоасининг, хусусан талаба-ёшларнинг учрашувларини уюштириш; бундай оилалардаги ижобий анъаналар билан талаба-ёшларни атрофлича таништириш;

- моддий ва бошқа шароитлари яхши бўлмаган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам бериш чораларини ишлаб чиқиш;

- ўқув юрти жамоаси, талаба-ўқувчиларига ва уларнинг оила аъзоларига бетоб бўлганида дори-дармон учун маблағ ажратиш, шифохоналарга жойлаштириш;

- ўқув юртлиаридаги ёш ходимлар ва талабаларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда уларга яқиндан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири)ни Ўқув юртларида ўрганиш ҳақидаги 1998 йил 15 май 134 сонли БУЙРУҒИ

Ватанимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги қонунда ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи, динга муносабати, фуқароларнинг тенглиги, диний ташкилотларнинг фаолияти демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш тамойиллари нуқтаи назаридан аниқ белгилар берилган. Мазкур қонунни Республика ўқув юртлари талаба-ўқувчилари орасида чуқур ва атрофлича ўрганишни ташкил этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н

1. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ректорлари ва директорларига:

1.1. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) ни ўқув юртининг барча

гуруҳларида жорий йилнинг 25 майдан бошлаб 4 соат (2 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот) ҳажми факултатив соатлар ҳисобидан ўқитиш йўлга қўйилсин.

1.2. Мазкур курсни ўқитишни Вазирлик қошида ташкил этилган "Диний экстремизм ва фундаментализм" махсус курсини битирган мутахассис профессор-ўқитувчилар зиммасига юклатилсин.

2. Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармасига:

2.1. Мазкур курснинг ўқув дастури ва материалларини тайёрлаш ва ўқув юртларини таъминлаш топширилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Холмуродовга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўқув юртида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва талаба-ўқувчиларнинг кундалик турмуш маданиятини юксалтириш вазифалари тўғрисида" ги 1998 йил 24 сентябр 262 сонли БУЙРУҒИ

Республика ўқув юртлари жамоларининг, жумладан, талаба-ўқувчиларнинг кундалик турмуш маданиятини яна юксалтириш, маънавий-ахлоқий фазилатларини такомиллаштириш ва улар орасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, хусусан, уларда ўзи ва атрофдагиларнинг сиҳат-саломатлигига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни шакллантириш, ўз-ўзини турли хил бахтсиз ҳодисалар рўй беришидан (техника, транспорт, электр, газ ва бошқа хавф-хатардан) муҳофаза қила билиш тадбирларини кўриш ҳамда бу ишларга мутасадди бўлган ўқув юрти раҳбарларининг, педагоглар ва мураббийларнинг маъсулиятини ошириш учун ўқув юртида, айниқса, талаба-ўқувчилар орасида тарбиявий ишларни янгича шароитда ташкил этишни ва амалга оширишни таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўқув юрти ректори ва директорига:

...1.2 Ўқув юртида тажрибали педагоглар, олимлар, мураббийлар иштирокида талаба-ўқувчиларда кундалик турмуш маданиятини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Тадбирлар мажмуасида қуйидагилар назарда тутилсин:

- ўқув юрти ходимларининг, талаба-ўқувчиларнинг атроф-муҳитга, ўзлари яшаётган ва ишлаб-ўқиб турган жойларга, ўзи ва атрофдагиларнинг сиҳат-саломатлигига нисбатан онгли, маданий ва масъулиятли муносабатда бўлишини тарбиялашга аҳамият бериш;

- талаба-ўқувчиларнинг ўз-ўзини турли хил бахтсиз ҳодисалар рўй беришидан (техника, кўлик-транспорт, электр, газ, сув, ўт-олов, ҳар хил асбоб-ускуналар, дори-дармон ва бошқалардан фойдаланишда) муҳофаза қила билишга, эҳтиёткорликка ўргатиш;

- талаба-ўқувчиларнинг ўз турмуш тарзини юксак маданий даражада ташкил этишларига - меҳнат қилиш, овқатланиш, дам олиш гигиеналарга тўла ва мунтазам амал қилишларга эришиш;

- талаба-ўқувчилар орасида юксак маънавий-ахлоқий, тамойилларга асосланган муомала маданиятини шакллантириш ва такомиллаштириш; уларда ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларини тарбиялаш;

- талаба-ўқувчиларнинг ўзаро муомала-муносабатларида қўпол сўз ва ибораларни ишлатмасликларига, бир-бирлари билан, шунингдек, ўзидан катта ёшдаги кишилар,

устозлар билан муомалада одоб-ахлоқ қондаларига риоя этишларига эришиш;

- талабалар уйларида "Кун тартиби"ни ишлаб чиқиш ва унда белгиланган тартиб-қондаларга барча талаба-ўқувчиларнинг қатъий риоя қилишларини таъминлаш; ўқитувчиларнинг навбатчилигини ташкил этиш;

- талаба-ўқувчиларнинг ўқиш, ишлаш ва яшаш жойларида санитария гигиена қондаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш. Озодалик ва орасталлик масалалари бўйича талаба-ўқувчилар билан жойлардаги тиббий-санитария ходимларининг суҳбат-учрашувларини ташкил этиш; ўқув юрти бинолари ва талабалар уйларини ҳозирги замон талаблари даражасида жиҳозлаш ва тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш; умуман, ўқув юрти ҳудудидаги, талабалар уйларидаги хизмат кўрсатиш тизими барча тармоқларининг мунтазам ва сифатли ишлашини ташкил этишга эришиш;

- спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишнинг зарарли оқибатлари тўғрисида талаба-ўқувчилар орасида тегишли тушунтириш ишлари олиб бориш, бунга уларни ишонтиришга қаратилган амалий тадбирларни қўллаш;

- ўқув юрти раҳбариятининг "Қамолот", "Маънавият маркази", "Қасаба уюшмаси", "Хотин-қизлар кенгаши", "Талабалар кенгаши" ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг диққат эътиборини, фаолиятини талаба-ўқувчиларнинг маданий савиясини юксалтиришга, маънавий-ахлоқий тарбиясига жалб

этиш;

- ўқув юртидаги кутубхоналар, клублар, маданият саройлари фаолиятини ва турли мавзулардаги тўғарақларнинг ишини талаба-ўқувчилар орасида маданий-тарбиявий тадбирларни кенг ва мунтазам равишда олиб боришга қаратиш; талаба-ўқувчиларни вақтли матбуот билан мунтазам таъминлашни йўлга қўйиш;

- талаба-ўқувчиларнинг ўқишдан-ишдан бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида уларнинг ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, таниқли жамоат ва давлат арбоблари, машҳур кишилар билан суҳбат-учрашувларини ташкил қилиш;

- ўқув юртида, минтақаларда ва ўқув юргларида талаба ўқувчиларнинг билимлари, шунингдек, маданий-ахлоқий савияси жиҳатдан энг яхши гуруҳ, энг яхши курс, намунали ўқув юрти каби унвонлар учун мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказиш тадбирларини белгилаш, муносиблар ва ғолибларни моддий-маънавий тақдирлаш;

- ўқув юрти ходимлари, талаба-ўқувчилар орасида республика ўқитувчилар ва мураббийлар кунини тантанали нишонлаш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш;

1.3. Мазкур буйруқнинг биринчи бандида назарда тутилган тадбирларни молиявий маблағлардан ва ҳомийлар хизматидан, ёрдамидан самарали фойдаланиш йўллари излаб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Президентини фармони ўқув юртларида бажариш тўғрисида"ги 1998 йил 4 ноябр 308 сонли

Б У Й Р У Қ И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида миллий анъаналар ва қадриятларни эъзозлаш билан бирга, айрим ҳолларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишда шухратпарастлик, дабдабазорлик, исрофгарчилик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилаётганлиги, бу эса ўз навбатида муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келаётганлиги, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳамда жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганлиги алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Президентининг юқоридаги фармони бажаришни таъминлаш мақсадида ўқув юртлари раҳбарияти, ходимлари томонидан ўтказиладиган тўй-маъракаларда ортиқча сарф-ҳаражатларга ружу қилмаслик, ўзларининг эҳтиёжларидан ортган маблағларни меҳмурувват йўлида, кам таъминланган оилаларга,

иқтидорли талаба-ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатишда, ўқув юртини ва унга тегишли ҳудудларни ободонлаштириш, таъмирлаш ишларида фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда талаба ёшларни миллий маънавий-ахлоқий анъаналар доирасидаги замонавий урф-одатлар, маросимлар ва миллий тикланиш мафқураси руҳида тарбиялаш ишларини амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб

Б У Ю Р А М А Н:

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

1.1. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонида ва ушбу буйруқда назарда тутилган масалалар ўқув юрти жамоатчилиги орасида кенг ва атрофлича муҳокама этилсин. Ўқув юрти ходимларининг тўй-маъракаларини, оилавий тантаналарни ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан ўқув

юртининг тегишли талбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

1.2. Талаба-ўқувчилар орасида таълим ва тарбия жараёнида халқимизнинг урф-одатлари ва маросимларини жамиятда қабул қилинган умумий маънавий-ахлоқий меъёрлар доирасида, камтарона ўтказишга риоя қилиш тўғрисида кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари йўлга қўйилсин. Талаба-ёшлар орасида ўтказиладиган тўй маросимларни янги, намунавий анъаналар асосида ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилсин.

1.3. Ўқув юртининг кекса ва обрўли, эл-юрт ҳурматиغا савозор бўлган, тўй-маъракаларни ўтказишда муайян тажрибалар орттирган ходимлари, профессор-ўқитувчиларининг маҳаллаларда, оммавий ахборот воситаларида мазкур масала юзасидан чиқишлари, суҳбатлари,

мақолалари билан иштирок этишлари таъминлансин.

1.4. Тўй-маъракаларни ўтказишда ортиқча дабдабозлик, исрофгарчилик ва миллий урф-одатлари, анъаналарни менсимаслик ва шу орқали сохта обрў орттиришга интилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш талбирлари кўрилсин.

1.5. Ўқув юрти ходимлари ўз эҳтиёжларидан ортиқча маблағларга эга бўлган ҳолларда уни хайр-эҳсон, меҳр-мурувват мақсадларида, яъни ўқув юрти жамоасининг кам таъминланган оилаларига, иқтидорли талаба-ўқувчиларга, ўқув юртини ободонлаштириш ишларига сарф-харажат этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Холмуродов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг "Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалар ва ўқувчилари ўртасида жамоат тартибини сақлаш, ҳамда турли ҳуқуқ бузарликларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида"ги 1999 йил 29 январь 26/83 сонли ҚЎШМА БУЙРУҒИ

Республика Олий ва ўрта махсус таълим ва Ички ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ахборот алмашишни яхшилаш, олиб бориладиган тарбиявий-профилактик ишларнинг янада самаралироқ бўлишини таъминлаш учун, талабаларнинг ҳуқуқий билим доирасини кенгайтириш, дарсдан бўш вақтларини тўғри ташкиллаштириш, уларга нисбатан назоратни кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги асосий омиллар эканлигини назарда тутган ҳолда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ва ўқувчилари ўртасида, шу жумладан ўқув юртлари ётоқхоналарида яшаётган талабалар ва ўқувчилар ўртасида жамоат тартибини сақлаш, ҳамда турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш ва 1999 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма ҳайъат қарорини бажариш мақсадларида

Б У Й У Р А М И З :

1. Олий ва ўрта махсус, касб-хунара ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

1.2. 1999 йилдан бошлаб ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандликнинг олдини олиш мақсадларида жойлардаги ички ишлар, соғлиқни сақлаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида ҳар йили икки мартаба кенгайтирилган илмий ва педагогик кенгашлари ўтказиб туриш йўлга қўйилсин.

1.3. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир ҳоллари ўқув юртлари факультетлари ва бўлимлари, илмий-педагогик кенгашларда ва барча ўқув гуруҳларда аниқ тузилган режа асосида мунтазам равишда муҳокама қилиб борилсин.

1.4. Ўқув юрти ётоқхоналарида ўқитувчилари ва мураббийларнинг навбатчилиги, тарбиявий ишларнинг режалари қайта кўриб чиқилсин ва қўйилган вазифаларни бажариш қаттиқ назорат остига олинсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д. Ғаниев), ҳамда Маънавият ва маърифат, гуманитар таълим ва ахборот бўлими (Ж. Лафасов)га:

2.1. Ички ишлар вазирлиги билан қелишган ҳолда талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси бир ой муддат ичида ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

2.2. Ўқув юртларида талабалар ва ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича қўшимча чоралар кўрилсин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда талаба-ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий билим доирасини кенгайтиришга қаратилган махсус учрашувлар, маърузалар, семинарлар ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар, тавсияномалар ташкил этилсин.

2.3 Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг республика соғлиқни сақлаш ва ички ишлар вазирликлари билан талабалар ва ўқувчилар ўртасида тинчлик, ҳуқуқбузарликлар ва гиёҳвандлик аҳволи тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш ва уларни ўз вақтида таҳлил этиш, тегишли хулосалар чиқариш тизими такомиллаштирилсин, ҳамда бу борадаги ишларнинг изчиллик билан мунтазам равишда олиб борилиши йўлга қўйилсин.

3. Таълимни молиялаштириш, илм ва капитал қурилиш бошқармаси (Х.Саидов)га:

3.1. 1999 йилнинг июнь ойидан бошлаб вазирлик тасарруфидаги барча олий ва ўрта махсус

ўқув юртлири ётоқхоналарида милиция органлари ишларига олий ўқув юртлири ректорлари ва ўрта махсус ўқув юртлири ректор-ларининг маънавийят ва маърифат бўйича 1-чи проректорлари, ҳамда ўринбосарлари билан келишган ҳолда вақтинчалик яшаб туриш учун жой ажратилишига рухсат берилсин.

3.2. Вазирлик тасарруфидаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ётоқхоналарида милиция органлари ходимларига вақтинчалик яшаб туриш учун жой ажратилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар ушбу буйруқнинг махсус иловасига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон республикаси Президентги Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга нитилмоқда" маърузасидан келиб чиқадиган кўрсатмалар ва талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида"ги

1999 йил 18 май 184 сонли

Б У Й Р У Ф И

1. Ўқув юрти ректори ва директорларига:

1.2. Ўқув юртида талаба-ўқувчиларнинг қизиқишларига мувофиқ турли мавзулар, йўналишлар ва ихтисосликлар, касб-ҳунар турлари бўйича камида 10 тадан тўғарак, кичик кохоналар, талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини унумли ва фойдали меҳнат билан банд қилишга қаратилган (ҳақ тўланадиган) бошқа тузилмалар ташкил этилсин.

1.5. Талаба-ўқувчиларни дарс машғулотларидан чақриб олиб ёки ундан қолдириб - дарс вақти ҳисобига ўқув юртининг турли хилдаги, жумладан: маъмурий ёки ўқув биноларида навбатчилик қилиш, хоналарни, ҳудудни тозалаш ва бошқа иш - юмушларига жалб этиш қатъиян ман қилинсин. Талаба-ўқувчиларнинг олимпиада, спартакиада, кўрик-танловларда қатнашиши, конференция-ларда маъруза билан чиқиши каби тадбирларда иштирок этиши бундан мустасно деб қаралсин.

1.7. Талаба-ўқувчилар давомати ва фаиларни ўзлаштириши кафедраларнинг, факультет ва бўлимларнинг, ўқув ишлари бошқармаларининг қатъий назорати остига олинсин. Талаба-

ўқувчининг дарс машғулотида иштирок этмаганлик сабабини шу куннинг ўзидаёқ аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш ҳар доим изчиллик билан амалга оширилсин. Ўқув юртида талабалар билимларини аниқлаш-нинг тест тизими ҳамда баҳолашнинг рейтинг-балл тизимига қатъий риоя этилсин.

Талаба-ўқувчилар орасида бадий адабиётни, ҳусусан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган юксак савияли бадий асарларни ўқиш ва ўрганиш ишларига алоҳида эътибор берилсин. Бу тадбирга талаба-ёшларни қизиқтириш мақсадида бадий асарнинг энг яхши талқини, таҳлил ва тақризи учун махсус кўрик-танловлар, китобхоналар конференциялари, муаллиф ва адиблар билан учрашувлар уюштирилсин, голиблар рағбатлантирилсин. Шу мунособат билан ўқув юрти кутубхонасини турли бадий, публицистик асарлар, "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Звезда Востока", "Тафаккур" ва бошқа адабий-бадий, илмий, публицистик журналлар билан ўқув юрти талабаларининг сонига мувофиқ равишда етарли даражада тяминлашга эришилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Республика Олий ва ўрта-махсус ўқув юрти талабаларини соғломлаштириш, уларни маънавий ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1999 йил 17 июнь 204 сонли ва

1999 йил 8 июнь 04/7 сонли

ҚЎШМА ҚАРОРИ

...2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги қуйидаги ишларни амалга ошириши белгилаб қўйилсин:

2.2. Жойлардаги барча ўқув юртларида, талабалар ётоқхоналарида, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ва ёшларнинг соғлигини тиклаш марказлари учун хона ва жиҳозлар ажратилиш;

2.3. Олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари шахсан раҳбарлари зиммасига талабалар ва ёшлар орасида Республика "Камолот" жамғармаси билан ҳамкорликда ёшларни тиббий суғурталашни ташкил этиш, ушбу ишлар учун зарур шарт-шароитлар яратини, тушунтириш ишларини олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Хукумат қарорини
бажариш тўғрисида"ги 1999 йил 23 июн 211 сонли

Б У Й Р У Ф И

2. Олий ўқув юртлар Бош бошқармаси бошлиғи, 1-ишчи гуруҳ раҳбари (Б.Х. Рахимов)га:
6.3. Талабаларни бўш вақтларидан фаол фойдаланиш, уларни соғломлаштириш мақсадида талабалар уйида гигиеник гимнастика ва спорт турлари бўйича мавжуд шўбаларни мунтазам

равнишда ишлашини назорат қилиш юклатилсин.

6.4. Олий ўқув юртлар профессор-ўқитувчилари ва талабалари (хотин-қизлар) учун спорт билан мунтазам шугулланишлари учун шароитлар яратишни назорат қилиш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ишлари
вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг "Ўқувчиларнинг бўш
вақтларини мазмунли ўтказиш ва фойдали машғулотлар билан таъминлаш тўғрисида"ги 1999
йил 21-сентябрдаги 277/201/693-сонли

Б У Й Р У Ф И

2. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда ўқув юртлари директорларига:

2.1. Ушбу қўшма буйруқ ва унинг иловасида белгиланган тадбирларни барча ўқув юртларига етказиш, жамоани таништириш ва мутасадди ходимларга уни бажаришини юклаш;

2.2. Қўшма буйруқ ва тадбирлар асосида ўқувчиларнинг дасрдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш, ётоқхоналарда истиқомат қилаётган талаба-ўқувчиларнинг намунали хордиқ чиқариши бўйича тузилган иш режаларини қайта кўриб чиқиб ўзгартиришлар киритиш;

2.3. Ўтказилиши режалаштирилган тадбирларда талаба-ўқувчиларнинг маънавий-маърифий дунёсини кенгайтириш, уларни ижодий фаолиятга жалб этиш, санъат ва спорт соғломлаштириш ишларига қизиқишларини кучайтириш, бадий-эстетик дидларни ўстириш масалаларига эътиборни қаратиш;

2.4. Ушбу тадбирларга ўз уйларида ва хусусий хонадонларда яшовчи талаба-ўқувчиларни кенг жалб қилиш;

2.5. Бажарилган ишлар юзасидан ҳар кварталда ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг "Маънавият-маърифат, гуманитар таълим ва ахборот" бўлимига маълумот бериб туриш топширилсин.

3. Маданият ишлари вазирлиги фан, ўқув юртлари кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бошқарма бошлиғининг ўринбосари (Ж.Х. Шомуродов)га; Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар маданият уйлари бошқарма бошлиқларига:

3.1. Барча таълим ўқув муассасаларига

тадбирларни ўз вақтида самарали бажарилишига маъсул қилиб шаҳар;

3.2. Шаҳар, туман маданият уйлари имкониятидан келиб чиқиб миллий ўзбек халқ чолғу асбоблари билан ўқув муассасаларини таъминлаш;

3.3. Ўқувчи-талабалар уйида ташкил этилган бадий-ҳаваскорлик тўғрақларининг доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш маъсулияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси (А.Маликов)га: Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари раисларига;

4.1. Шаҳар, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмита мутахасислардан барча ўқув муассасаларида тадбирларнинг бажарилишига маъсул спорт усталаридан бириктириш;

4.2. Ўз ҳудудидаги ўқув муассасаларини жисмоний тарбия ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш;

4.3. Ўқув муассасаларида спорт турлари бўйича мусобақаларни уюшқоқлик билан ўказилишини таъминлаш маъсулияти юклатилсин.

5. Маънавият-маърифат, гуманитар таълим ва ахборот бўлими (М.Лафасов)га тадбирда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ҳар чорақда текшириб туриш топширилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Марказ раҳбари ўринбосари Х.Ф.Маъсудов, Р.Қ.Ниматов, Маданият ишлари вазирини бошқарма бошлиғи И.А.Деҳқонов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раис биринчи муовини Ш.Т.Тулагановлар зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ўқув юртларида тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий тадбирларни кучайтириш вазифалари тўғрисида"ги
2000 йил 18 феврал 46 сонли
Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ватанимиз мустақиллигига таҳдид солаётган ҳавф, жумладан диний экстремизм ва террорчилик қаракатларига муросасиз бўлиш, уларнинг гайринисоний ва гайриқонуний моҳияти ва мазмунини, мақсад ва фаолиятларида ислом динининг маънавий-ахлоқий қадриятларига алоқаси йўқлиги ва зидлиги тўғрисида аҳоли орасида ва айниқса ёшлар орасида ишонарли далиллар билан тушунтириш ишларини олиб бориш ҳақида доимо ўқдириб келмоқда.

Президентимизнинг бу кўрсатмалари ва унга мувофиқ қабул қилинган ҳукумат қарорларини, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"да (1998.26.03.№130) ҳужжатда берилган вазифалар ва топшириқларни бажариш юзасидан вазирликда бир қатор самарали тадбирлар амалга ошириб борилмоқда.

Республика ўқув юртларининг диншунос ўқувчиларини ҳозирги вақтда динларда кечаётган айрим жараёнлар билан яқиндан таништириш, диний экстремизм, террорчилик, "Хизбут-таҳрир", "Ваҳобийлик", "Нурчилар", "Диний фундаментализм" ҳаракатларининг моҳиятини очиб ташлаш ҳамда бу борада талаба ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Республика миқёсида бир қанча семинарлар, конференциялар, малака ошириш курслари ташкил этилди. Уларда республика давлат арбоблари, етакчи олимлар, педагоглар, мутахассислар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Бундай тадбирлар барча олий ўқув юртларида ҳам ташкил этилди. Ўқув юртлари раҳбарияти, деканлари, кафедра ва марказ мудирилари, профессор - ўқитувчилар ва талабалар учун ҳар ойда бир марта дин ва сиёсат, дин ва қонунчилик ҳамда диний экстремизм ва фундаментализм, ақидапарастлик каби масалаларга бағишланган "Мустақиллик ва дин" мавзусида маърифий ўқувлар ўтказилмоқда.

Ўқув юрти жамоалари ва талаба-ўқувчилар жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб тадбирлари ташкил қилинмоқда.

Талаба - ёшлар ва профессор-ўқитувчилар учун "Ислоҳ: бағрикенглик ва мутаассиблик", "Ислоҳ: ханафийлик ва ваҳобийлик", "Дунё-

вий давлат ва дин", "Кўнгилдаги бузилиш", "қонун виждон эркинлиги ва дин", каби оммабоп рисоалар кўп нусхаларда нашр этилди ва барча ўқув юртларига тарқатилди.

Ўқув режасида мавжуд бўлган "Диншунослик" фани ҳажми оширилди, барча ўқув юртларида "Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти" умумий мавзуси остида 10 соатлик янги курс жорий этилди. Мазкур курсни ўқитиш бўйича тегишли дастурлар ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди.

Масала юзасидан республика вилоятлари ўқув юртларида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ҳамда уларга тегишли услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Тошкент олий ўқув юртларининг мутахассис профессор-ўқитувчилари вилоятлардаги олий ўқув юртларига хизмат сафарига юборилди. Улар жойлардаги педагог мутахассислар билан биргаликда турли маҳаллалар, ташкилотлар, корхона ва муассасалар ҳам ўқув юртлари жамоалари орасида маърузалар ўқидилар, давра суҳбатларида иштирок этдилар. Бундай тадбирлар вилоятлардаги 90 дан ортиқ маҳалла ва ташкилотларда ўтказилиб, уларда 20 мингга яқин фуқаро иштирок этди.

Ўқув юртларининг етакчи мутахассис педагоглари республика диний ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг масъул ходимлари билан биргаликда марказий матбуотда, радио ва телевиденияда маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятлар мавзуларида, шунингдек, диний экстремистик ва ақидапарастлик ҳодисаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида, ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида маърузалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Талаба-ўқувчиларнинг дардан бўш вақтларини сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида ўқув юртларида "Кувноқлар ва зукколар", "Ниҳол", "Универсида-2000" каби бадний, илмий тўғарақлар, жисмоний тарбия бўйича секциялар фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, улар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини тўла шакллантириш соҳасида олиб борилаётган ишлар камчиликлардан ҳоли эмас. Талаба-ёшлар орасида қонунбузарлик, гиёҳвандлик каби салбий ҳодисалар учраб турибди, "Хизбут-таҳрир", "Ваҳобийлик", "Нурчилар" оқимларга хайрихоҳлик билдирувчи талабалар борлиги аниқланмоқда. Улар билан дунёқараши, ҳис туйғулари, турмуш тарзлари, қизиқишлари ва

бошқа шу каби хислатларини ҳисобга олган ҳолда яккама-якка суҳбатлар камдан-кам ўтказилмоқда. Ўқув юртларида ташкил топган маънавий ва маърифат тизимидан унумли фойдаланилмапти, баъзи мураббийлар ўз фаолиятларига расмийчилик билан ёндашмоқдалар. Айрим ўқув юртларида экстремизм ва ақидапарастликнинг тарқалишининг олдини олиш ишлари қониқарсиз олиб борилганлиги учун маънавий ва маърифат масалалари бўйича 1-проректорлар ўз вақтида вазифасидан бўшатилган эди (ТошДУ, ТДТУ, ЎзДЖТУ, ФарДУ).

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

1.1. Вазирликнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий ва маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1998 йил 26 март, 30-сонли) қарорини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тадбирлари" (1998 йил, апрел), "Талабалар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида" (14.01. 1999 й. №304), "Февраль воқеаларининг сабоқлари ва ўқув юртларида таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда уларнинг тарбиявий-маърифий имкониятларидан кенг фойдаланиш вазифалари тўғрисида" (16. 03. 1999 й. №77), "Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Москвада нашр этиладиган "Время МН" газетасига берган баёнотини ўқув юртларида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида" (19. 10. 1999 й. №306) "Диний экстремизм ва фундаментализмнинг ижтимоий моҳияти" курсини ўқитиш тўғрисида (31. 03. 1998 й. №78), "Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналарида паспорт тартиби ҳамда хорижий фуқароларнинг яшаш қондаларига риоя қилиш масъулияти ҳақида" (05. 02. 1999 й. №34), "Талабалар уйларида тартиб ва интизомни кучайтириш тўғрисида" (22. 03. 1999 й. №81), "Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Туркистон" газетаси ва "Туркистон-пресс" агентлиги мухбирларининг саволларига жавоблари, Тошкентда бўлган февраль воқеалари ҳамда Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида илгари сурилган гоялар, берилган кўрсатмалар муносабати билан Республика олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар ва истиқболдаги

долзарб вазифалар тўғрисида" (2. 04. 1999 й. №101), "Хусусий хонадонларда ижарада яшовчи талабалар билан олиб бориладиган ишларни янада кучайтириш тўғрисида" (07. 06. 1999 й. №190), Ўқув муассасаларида тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг ташкилий масалалари тўғрисида" (22. 09. 1999 й. №279) йўриқ хатларида белгиланган вазифалар ўқув юртларида тўла бажарилмаётганлигини таъкидлаб, мазкур ҳужжатларда қайд этилган топшириқларни бажариш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

1.2. Ўқув юртида диний экстремистик оқимлар таъсирига берилган ва унга хайрихоҳ бўлган талабалар шахсини аниқлаш ва улар билан ота-оналари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида тарбиявий ишлар олиб бориш ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақида вазирликка зудлик билан ахборот тақдим этиб туриш топширилсин.

1.3. Диний экстремизм оқимларига хайрихоҳ бўлган талаба-ёшларни тарбиялашда ўқув юрти жамоаси аъзоларининг барчасини жалб этиш ва бу соҳада улар масъулиятини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилсин.

1.4. Талаба-ўқувчилар орасида диний экстремизм ва ақидапарастлик мавзуларида ўтказиладиган тадбирларда, уларнинг асл моҳияти ва мақсадларини аниқ очиб бериш билан бирга, ислом дини ва миллий қадриятлар билан бу реакцион оқимлар орасида ҳеч қандай умумийлик, боғлиқлик йўқлигини далиллар билан кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қаратилсин.

1.5. Ўқув юртларида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши курашиш бўйича тузилган тадбирларнинг бажарилишини илмий ва педагогик кенгашларда мунтазам равишда кўриб бориш топширилсин.

3. Гуманитар таълим ва шаҳе камолоти Бош бошқармаси (Д. Ғаниев)га:

3.1. Бошқарма қошида ташкил этилган "Талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муҳим масалалари"га бағишланган амалий семинар машғулотларининг ҳар бирида ўқув юртларида талаба-ёшлар орасида диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши олиб борилаётган тарбиявий ишлар тўғрисида маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-проректорларнинг ҳисоботи тинглаб борилсин ва масала юзасидан уларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб ўқув юртларига етказилсин.

4. Ушбу буйруқни назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш. Қурбонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Соғлом авлод"
Давлат дастурини амалга ошириш тадбирлари тўғрисидаги 2000 йил 3 март 67 сонли
Б У Й Р У Ф И**

Ўзбекистон Президенти И.Каримов томонидан 2000 йил "Соғлом авлод" йили деб эълон қилинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан 2000 йил 15 февралдаги 46 рақамли Қарори қабул қилинди. Уларда мамлакатимиз тараққиётининг умумий вазифалари ўз аксини топган. Қабул қилинган қарорларнинг заминида, маънавий бой, ахлоқан етук, ақл-заковатли, юқори билимли, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама мукамал инсон сифатида шаклланган, мустақил ва эркин фикрловчи шахсларни тарбиялаш каби долзарб вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жамиятдаги мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарнинг инсоний бурчи эканлиги қайд этилган.

Юқоридагилардан ва Вазирлик ҳайъатининг мазкур масала бўйича 2000 йил 2 февраль 2\1. рақамли қароридан келиб чиқиб

Б У Ю Р А М А Н:

1. "Соғлом авлод" давлат дастурини амалга ошириш бўйича Вазирликда махсус ишчи гуруҳи тузилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига;

2.1. Ўқув юртларида "Соғлом авлод" давлат дастурини амалга оширишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқсинлар ва уни мазкур масала бўйича вазирликда тайёрланадиган истиқболли дастурни тайёрлашда фойдаланиш учун 2000 йил 7 мартгача Вазирликка тақдим этсинлар. Тақдим этиладиган тадбир режаларда қуйидаги масалаларга эътибор берилсин:

- "Соғлом авлод" давлат дастурини таълим муассасаларида ўқитувчилар, хизматчилар, талаба - ўқувчилар ҳамда аҳоли орасида кенг тарғиб қилишнинг усуллари, шакллари ва изчиллиги;

- соғлом оилаларни шакллантириш ва уларда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш;

- ёшларнинг оила қуришда ва бола тарбиялашдаги масъулиятни ошириш;

- аҳоли орасида, айниқса ёшлар орасида соғлом оила қуришда насл-зот жиҳатдан ҳар томонлама мустақам саломатликнинг аҳамият тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш;

- соғлом оилани шакллантириш ва насл-зот

тозаллиги масалаларида ота-оналарнинг ўрни ва масъулиятини ошириш;

- таълим жараёнларига оиланинг саломатлиги, маънавияти, маданияти, ижтимоий муҳофазаси ва шу каби муҳим масалаларни қамраб олган мавзуларда "Оила" махсус курсини киритиш;

- "Устоз-шоғирд" ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган ил. ор педагогик технологияларни жорий этиш, баҳслар ва мунозаралар, давра суҳбатлари, викторина ва бошқа шаклларда амалий машғулотлар ўтказишни йўлга қўйиш;

- "Соғлом авлод" дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган ва талаба-ўқувчиларнинг деярли барчасини жалб этишга мўлжалланган турли мавзуларда кўрик танловлар, спорт мусобақаларини ўтказиш, стендлар ва бошқа кўргазмали воситаларини ташкил этиш, ўқув юртининг кўп нусхали газетаси ва ички радио тармоғидан унумли фойдаланиш;

- ёш авлоднинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустақамлаш таълим жараёнларини соғломлаштириш йўналишларига оид муаммолар бўйича махсус илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ижодий изланувчанлик муҳитини яратиш;

- Соғлом авлодни шакллантириш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг устивор йўналишларини аниқлаш, бунга ёш олимлар, магистр ва бакалаврларни кенг жалб этиш;

- илмий тадқиқотларни, ижодий изланишларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни таъминлаш;

- ёш авлоднинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустақамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича махсус адабиётлар тайёрлаш ва чоп эттириш ("Оилавий ҳаёт бўсағасида", "Соғлом авлод - соғлом миллат" ва шу каби рисоалар, "Соғлом авлод - келажагимиз" мавзусида стендлар ва бошқалар);

- эрта ва қариндош - уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш;

- ўқув юртидаги ёш оналарни ўқув режасини тўла ўзлаштиришга қаратилган индивидуал-шахсий дастурлар (график) таъминлаш;

- талаба-ўқувчиларни ҳар йили тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш.

2. Ўқув юртида қуйидаги тадбирлар амалга оширилсин.

2.2.1. Ёш оилалар алоҳида ҳисобга олинсин, соғлиқни сақлаш идоралари томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича "Ёш ота-оналар мактаби"

ташқил этилсин.

2.2.2. Талабалар уйлари (ётоқхоналар)да ёш болали талаба оилалари учун ошхона, музлатгич ва кир ювиш машинаси билан жиҳозланган махсус қават ёки секциялар ташқил этилсин.

2.2.3. Моддий ёрдамга муҳтож ёш оилалар ҳар ойда тегишли тартибда пул ва уларнинг болалари мавсумий бошдан оёқ бепул кийим-кечаклар билан таъминлансин.

2.2.4. Соғлиқни сақлаш идоралари томонидан ишлаб чиқилган "ОИТХнинг олдини олиш" дастури буйича 10 соатлик курс жорий этилсин.

2.2.5. "Меҳрибонлик" уйларидан бири оталикка олдинсин.

2.2.6. Сабзавот, мева-чева, полиз экинларини экиш, гўшт - суг маҳсулотлари етиштириш учун ўқув юрти қошида ёрдамчи хўжаликлар ташқил этилсин. Олинган маҳсулотлар талабалар, ўқитувчилар ва ходимларга, ётоқхоналар қошидаги ошхоналарга бўлиб берилсин.

2.2.7. Маҳаллаларда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган кенг қўламли тадбирларни ўтказишда яқиндан ёрдам бериш мақсадида "Факультет - маҳалла" ҳаракати ташқил этилсин ва қуйидаги вазифаларни бажариш бўйича иш режалари ишлаб чиқилсин;
- маҳаллаларда "Оила", "Ёш оила", "Бизнинг оила", "Аҳил оила" мавзуларида стендлар, кўرғазмалар, бурчаклар ташқил этишда ўқув

юртлари профессор-ўқитувчиларини, юқори курс талабаларини сафарбар этиш;

- талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва бола тарбияси мавзуларида маҳаллаларда ўқув юрти педагог-ўқитувчиларининг маърузалари ва суҳбатларини уюштириш.

2.2.8. Юқорида қайд этилган тадбирларни ташқил этиш ва ўтказишда соғлиқни сақлаш идоралари вакиллари, жамоат ташкилотлари, ишбилармон доиралар, хорижий ҳамкорлар кенг жалб этилсин.

4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш мониторинги бўлими (Ш.Шоҳамидов) га:

4.1. Мазкур буйруқни амалга ошириш мониторинги таъминлансин.

6. Иқтисод, илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (М.Х.Саидов) га:

6.4. Вазирлик тасарруфидаги ўқув юртларининг кам таъминланган, моддий муҳтож профессор-ўқитувчи, ходим ва талабаларининг маълумот банки яратилсин, уларни ижтимоий - иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида зарур ишлар амалга оширилсин.

7. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Ш. Қурбонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг "Таълим муассасаларида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш
тўғрисида"ги 2000 йил 22 сентябр 255 сонли
Б У Й Р У Қ И**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарориди ёшлар орасида, жумладан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар кейинги пайтларда сусайтириб юборилганлиги сабабли ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва турли хил жиноятлар содир этиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш ҳоллари содир бўлаётганлиги таъкидланади.

Ёшлар, жумладан талаба-ўқувчилар, вояга етмаганлар таълим-тарбияси билан шу уланувчи муассасалар, идоралар, комиссиялар, маҳаллий ташкилотлар ишларида муайян камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, айниқса тарбиявий ишларни амалга оширишда изчиллик ва назоратнинг тўла таъминланмаганлиги, ёшларнинг бўш вақтларини фойдали ишлар билан таъминлаш тадбирларининг талаблар даражасида эмаслиги ва бунинг натижасида турли шаклдаги ҳуқуқбузарлик ва

жиноятчилик ҳодисаларининг учраши кўрсатиб ўтилади.

Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муқаддам қабул қилинган ҳайъат қарорларида, масала юзасидан таълим муассасаларига юборилган йўриқ, хатлар ва буйруқларда талаба-ўқувчилар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва ҳуқуқбузарлик ҳодисаларига қарши курашишни кучайтириш, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ўқув юртларида тарқалишига қарши тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, талабалар уйларида тартиб-интизомни кучайтириш, талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этиш, спорт-соғломлаштириш, ҳамда талабаларнинг қизиқишлари бўйича турли хил тўғарақлар ишларини кенг йўлга қўйиш каби қатор долзарб вазифаларни ўқув юрти раҳбариятига топширди. Бу борада анча самарали тадбирлар амалга оширилаётганлиги билан бир қаторда, айрим таълим муассасаларида вазирлик буйруқларининг бажарилишини таъминлаш ишлари ҳозирги кун

талабларига жавоб бермаётганлиги кўзга ташланмоқда. Натижада талаба-ўқувчилар орасида ҳуқуқбузарлик, диний экстремистик оқимлар таъсирига берилиш ва бошқа жиноятчилик ҳодисалари хали ҳам учраб турибди. Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб

Б У Ю Р А М А Н:

1. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д.Ғаниев), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Маънавият-маърифат, гуманитар таълим ва ахборот бўлими (М.Лафасов)га:

1.1. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорига мувофиқ, Республика олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида талаба-ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини ижтимоий фойдали меҳнат ва спорт-соғломлаштириш ишлари билан банд этиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг аҳолини бир ҳафталик муддат ичида текширишни ташкил этиш топширилсин.

2. Таълим муассасалари раҳбарларига:

2.1. Республика Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорини ўқув юрти жамоаси, жумладан талаба-ўқувчилар орасида ўрганиб чиқиш, Илмий кенгашларда муҳокама этиш ва тегишли тadbирлар ишлаб чиқиб амалга ошириш топширилсин.

2.2. Мазкур масала юзасидан ўқув юртининг тарбиявий ишлар бўйича тadbирлар режаси қайта кўриб чиқиб тўлдирилсин ва

такомиллаштирилсин.

2.3. Вазирликнинг 1999 йил 16 июн 77 рақамли, 1999 йил 14 октябр 304 рақамли ҳамда 2000 йил 18 феврал 46 рақамли буйруқларида белгиланган вазифалар ва топшириқларнинг таълим муассасасида бажарилиши шахсан биринчи раҳбарнинг қатъий назорати остига олинсин ва уларнинг изчил ҳамда мунтазам амалга оширилиши таъминлансин.

2.4. Нотинч оилаларда ўсган ва тарбияси оғир бўлган талаба-ўқувчилар таркиби аниқлаб олинсин. Улар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар режаси белгилансин ва амалга оширилсин.

2.5. Талаба-ўқувчилар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳодисаларининг олдини олиш ва унга қарши курашишда жойлардаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг маъсул ходимлари, шунингдек, мутахассислар билан ўқув юрти орасида мустаҳкам ва изчил ҳамкорлик ўрнатилишига эришилсин.

2.6. Ўқув юртида талаба-ўқувчилар орасида ҳуқуқбузарлик, қоидабузарлик, диний экстремистик оқимлар таъсирига берилиш, гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ишлатиш ва бошқа жиноий ҳодисалар содир этилганлиги ҳақидаги маълумотлар Вазирликка ҳар чоракда мунтазам равишда бериб турилиши ташкил қилинсин ва мунтазам назорат остига олинсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосарлари Р. Қосимов ва Ж. Ҳусанов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликларининг "Республика таълим муассасалари ўқувчи ва талаба-ёшлари орасида гиёҳвандликни олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тadbирлари тўғрисида"ги 2002 йил 1 март 61 / 90 сонли ҚУШМА БУЙРУҒИ

Б У Ю Р А М И З:

2002 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш Давлат комиссиясининг булиб утган йиғилиши кун тартибида таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларимизнинг гиёҳвандлик ва унинг зарарли оқибатлари тўғрисида илмий-педагогик ишларни амалий жиҳатдан кучайтириб бориш ва бунинг учун мазкур илм даргоҳларида таълим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур эканлиги ўқтирилди.

Юқорида келтирилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда юртимизда миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланиб келаётган талаба-ёшларни гиёҳвандлик ва унинг зарарли оқибатларидан асраш ва соғлом авлод тарзида вояга етказиш мақсадида

1. 2002 йил 24 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Давлат комиссияси йиғилиш баёнининг 3 бандида келтирилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Вазирликларнинг тadbирлар режаси ишлаб чиқилсин.

2. Республика олий таълим муассасалари ректорлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими худудий бошқармалари бошлиқларига:

3.1. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талаба-ёшларни саломатлиги назоратини кучайтириш мақсадида ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилсин.

3.2. Ўқувчи ва талаба-ёшлар таҳсил олаётган таълим муассасаси тиббий пунктларига 2002 йилнинг 2 чорагидан бошлаб малакали нарколог ёки руҳшунос ходимлар ишга жалб қилинсин.

3.3. Тиббий ёрдамга мухтожлиги сезилган ёшларнинг саломатлигини тиклашга қаратилган зарурий чора-тадбирлар кўлами ишлаб чиқилсин ва амалга оширилиб борилсин.

3.4. Таълим муассасаларида мунтазам "Тиёхвандлик ва СПИДнинг олдини олиш" махсус курси бўйича дарс бериб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилсин.

4. Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти (Ж.М.Собиров)га:

4.1. Республика таълим муассасаларида "Тиёхвандлик ва СПИДнинг олдини олиш" махсус курсидан дарс бериб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг "Наркотик моддаларнинг зарарли оқибатлари ҳақида"ги дарс

мушғулотларини ўтказиш тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва босқичма-босқич фаолият кўрсатувчи малака ошириш курслари ташкил этиш юклатилсин.

4.2. Курснинг қай тарзда амалга оширилиб борилаётганлиги тўғрисида ҳар ойда Республика Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига маълумот бериб туриш топширилсин.

5. Мазкур Қўшма буйруқни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р.Қосимов ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадовлар зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг тантанали тадбирлар ўтказиш жойларини ташкил этиш тўғрисида"ги 2002 йил 12 март 77 сонли БУЙРУҒИ

1. Республика олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. Раҳбарият топшириғига биноан, жорий йилдан эътиборан олий таълим муассасаларининг битирувчиларига "Бакалавр" ва "Магистр" дипломларини топшириш тадбирини ўтказиш бир вақтда режалаштирилмоқда. Мазкур тадбирни юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир факультетнинг битирувчи талабаларига диплом топшириш тадбирларини ўтказиш учун таълим муассасаси ҳудудида алоҳида майдонча танлаш ва бир ҳафта муддат ичида уни ҳозирлаш ишлари (имкон бўлмаган ҳолда яқинда жойлашган муносиб масканларда) амалга оширилсин.

1.2. Ташкил этиладиган майдонда махсус мослама (флашток), таълим муассасаси радио алоқаси, турли мавзуларга бағишланган стендлар, соябонлар ва шу кабилар бўлишлиги назарда тутилсин ва мавжуд ишларни амалга ошириш юзасидан таълим муассасаси раҳбари ҳамда маънавий ва маърифат масалалари бўйича раҳбар ўринбосарлари жавобгар шахс сифатида белгилаб қўйилсин.

1.3. Келгусида мазкур майдонда таълим муассасаси талаба-ёшлар орасида мушоиралар уюштириш, қадриятларимиз ва урф-одатларимиз мужассамлашган турли анжуманлар ўтказишлари учун ҳам фойдаланишлари назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирликларининг "Республика олий ва ўрта махсус касб-хунар ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчи ва талаба ёшлари ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш тўғрисида"ги 2002 йил 18 июнь 181/147, 20 июнь 101 сонли Қ ў ш м а Б у й р у қ и

Республика олий, ўрта махсус ўқув юртлири талаба-ёшлари, мактаб, лицей, коллежлар ўқувчилари ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш ҳамда улар онгида халқимиз бой маданий меросидан гурурланиш туйғуларини кучайтириш, тарихимиз, урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларни чуқур синдириш мақсадида

Б У Ю Р А М И З:

1. Республика музейлари, тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларига талаба ёшларнинг ташриф буюришини ташкил этувчи ишчи

гуруҳи руйхати (1-илова), музейлар ва ўқув юртлири ўртасида мустахкам алоқа ўрнатиш ҳамда ўқувчи ёшлар ўртасида музейлар имкониятларидан кенг қўламда фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган тадбирлар режаси (2-илова) тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Давлат Санъат музейи, Амалий санъат музейи, Республика табиат музейи, вилоят Ўлкашунослик музейлари ва уларнинг тармоқ музейлари, уй-музейлари раҳбарлари:

- олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва

умумтаълим мактаблари билан мустаҳкам алоҳа ўрнатсинлар, ўқувчи ёшларни музейларга мунтазам равишда ташриф буюришини йўлга қўйиш кўзда тутилган ўзаро манфаатли шартномалар тузсинлар;

- музей бойликлари билан талабалар, ўқувчи ёшларни кенг таништириш мақсадида доимий экспозициялар ва мавзули кўргазмалар ташкил этсинлар, ўқувчи ёшлар музейларга ташриф буюрганида уларни малакали экскурсоводлар билан таъминласинлар.

- ҳар бир музейда ҳафтанинг муайян кунларида талаба ёшлар қуни ташкил этсинлар.

3. Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси (Т.Зоитов) вазирлик тасарруфидаги музейлар ҳақида тўлиқ маълумот тайёрласин ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазирликларига иш жараёнида фойдаланиш учун етказсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими ҳамда таълим муассасалари, ўқув юртлигига эга бошқа вазирликларнинг олий, ўрта махсус ҳамда умумтаълим муассасалари раҳбарларига:

- ўқувчи ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантириш, уларнинг бой тарихимиз, маданиятимиз, миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимиз урф-одатлари, анъаналарини чуқур эгаллашларини таъминлаш мақсадида музейларда амалиёт

дарсларини ўтказиб бориш;

- Олий ва ўрта махсус ўқув юртлигида, мактабларда талаба ёшларни ўлка тарихи, табиати, санъат ва адабиётга бўлган қизиқишини янада кучайтиришга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқиш;

- ёшлар ўртасида маънавий-маърифий, маданий тарғибот ишларини янада кучайтиришни музейлар фаолияти билан бевосита узвий алоқада йўлга қўйиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш;

- ўқув юртлигида халқ, амалий санъати турлари - кулолчилик, каштачилик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик ва бошқа турлар бўйича тўғарақлар ташкил этиш;

- музейларда тарихий саналарга, тарихий-маданий ёдгорликларнинг яратилиш тарихи бўйича алломаларимиз ҳақида давра суҳбатлари, баҳс-мунозара кечалари ўтказиш вазифалари юклатилсин.

5. Маданият ишлари, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари газеталари, журналлари таҳририятларига музейлар ва ўқув юртлиги ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини мунтазам равишда кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирларнинг биринчи ўринбосарлари Э.Эрназаров, Р.Қосимов, Р.Ахлидинов зиммасига юклатилсин.

Музейлар ва ўқув юртлари ўртасида мустахкам алоқа ўрнатиш ҳамда ўқувчи ёшлар ўртасида музейлар имкониятларидан кенг қўламда фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилган тадбирлар режаси

Т.р	Тадбирлар номи	Бажарилиш муддати	Масъуллар
4.	Музейларда бой тарихимиз, маданиятимиз, Истиқлол самараларини акс эттирадиган мавзули тадбирлар уюштириш.	Доимий	КҚР, вилоят улкашунослик музейлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
5.	Умуминсоний ва миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни музей экспонатлари орқали талаба ёшлар онгига етказишга қаратилган амалиёт дарсларини ўтказиш.	Доимий	Республика музейлари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
6.	Музейларда ўқувчи ва талабалар иштирокини ҳисобга олган ҳолда давра суҳбатлари, баҳс-мунозара кечаларини ўтказиш.	Доимий	Музей ва ўқув юртлари раҳбарлари
7.	Ёшларни нодир санъат асарлари орқали эстетик руҳда тарбиялашни йўлга қўйиш	Доимий	Музей ва ўқув юртлари раҳбарлари
8.	Маънавият ва маданият, урф-одатлар, маросимлар ҳамда миллий байрамлар ҳақида музейларда давра суҳбатлари ўтказиш.	Доимий	Республика музейлари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
9.	Тарихий-маданий ёдгорликларнинг яратилиш тарихи, буюк алломаларимиз ҳақида савол-жавоб кечалари уюштириш.	Доимий	Республика музейлари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
10.	Халқ Амалий санъатининг қудолчилик, каштачилик, ёғоч ва ганч уймакорлиги, нақшошлик ва бошқа турларини ўрганишга қаратилган турли тўғарақлар ташкил қилишда музей мутахассисларини жалб этиш.	Доимий	Музей ва ўқув юртлари раҳбарлари
11.	Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Ёш экскурсовод» танловини ўтказиш.	Ҳар йили	Маданият, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари тегишли бошқармалари бошлиқлари.
12.	Ёшларнинг улка тарих маданияти, табиати, санъати ва адабиётига булган қизиқишларини янада ривожлантириш мақсадида музейларда махсус дарслар ўтказиш.	Доимий	Республика музейлари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
13.	«Сиз тарихни биласизми?» мавзусида музейларда савол-жавоб кечаларини ўтказиш.	Доимий	КҚР, вилоят улкашунослик музейлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
14.	«Табиат – жамият – инсон» мавзусида музейларда баҳс-мунозаралар ўтказиш.	Доимий	Республика табиат музейи, вилоят улкашунослик музейлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
15.	«Хар ёдгорликнинг уз номи бор» мавзусида музейларда амалий дарслар ўтказиш.	Доимий	Республика музейлари, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академик лицейлар, коллежлар ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари.
16.	Маданият, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари нашрларида музейлар ва ўқув юртлари ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган материалларни мунтазам ёритиб бориш.	Доимий	Вазирликлар тасарруфидаги газеталар ва журналлар таҳририятлари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий
Кенгаши "Талаба ва ўқувчилар ўртасида ижодий иншолар танловларини ўтказиш тўғрисида"ги
2002 йил 13-16 декабрдаги 183/358 "а" (01-04)165 "39-сонли
ҚУШМА БУЙРУҒИ

Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Президент И. Каримовнинг "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузаси асосида 2002 йил 30 сентябрда Президентнинг Ф-1636-сонли Фармойиши ва шу асосда қабул қилинган дастур талабларини бажариш мақсадида

БУЮРАМИЗ:

1. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг 10-11 синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлири талабалари ўртасида "Ўзбекистон тарихи саҳифалари: истиқлол сари машаққатли йўл", "Тарихни билмай, келажакни кўриб бўлмайди (Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги воқеалар)" мавзулари ўтказиладиган ижодий иншолар танлови Низомлари, танловни ўтказувчи республика ташкилий қўмитаси ҳамда танловининг республика босқичи эксперт гуруҳи

таркиби (1-4 иловалар) тасдиқлансин.

2. "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши иншолар танловлари ғолибларини тақдирлаш учун қимматбаҳо совринларни таъсис этгани инобатга олинсин.

3. Белгилаб қуйилсинки, жойларда барча босқичларда ижодий иншолар танловларини Низомда белгиланган муддатларда ва шартларда ўтказиш учун жавобгарлик биринчи раҳбарлар зиммасига юклатилади.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси (А. Зокиров), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ижтимоий фанлар ва шахс камолоти бошқармаси (З. Тошматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Академик лицейлар бошқармаси А. Юнусов) "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари К. Қуронбоевга юклатилсин.

1-Илова

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари
ўқув-талабалар ўртасида "Тарихни билмай, келажакни кўриб бўлмайди (Истиқлолнинг
дастлабки йилларидаги воқеалар)" мавзусида ижодий иншолар танловини ўтказиш
НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамият барпо этишда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакат ривожига бор имкониятдан келиб чиққан ҳолда салмоқли хисса қўшиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муҳим вазифасидир.

Республика таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-талабалар ўртасида ўтказилаётган мазкур танловдан кўзланган мақсад ёшларимизнинг Ватан тарихини, шунингдек, истиқлолга эришиш йиллари арафасидаги ва мустақиллик кўлга киритилганидан сўнгги дастлабки йилларда юртимизда юз берган воқеаларни, Республикамиз Президенти И. Каримовнинг мамлакатимизни мустақилликка олиб чиқишдаги ролини, босиб ўтилган тарихан қисқа - 11 йил давомида мамлакат ички ва ташқи сиёсати мазмунида қандай улкан ўзгаришлар рўй бераётганлигини, Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун Республика раҳбарияти қилаётган савий-ҳаракатлар

туфайли бизни дунё танигани, "Ўзбекистон бугун тенглар ичида тенг" иборасининг мазмунини, иқтисодий юксалиш - ишлаб чиқаришга янги технологиялар ва инвестицияларнинг олиб кирилиши илгари собиқ иттифоқнинг хом-ашё базаси бўлган ўлкада бугун янги турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи юзлаб корхоналарнинг бунёд этилишини, мулкка бўлган муносабатларнинг ўзгаришини ва ижтимоий ислоҳотларнинг боришини, мустақиллик шарофати билан минг йиллик тарихга эга бўлган анъаналаримиз ва қадриятларимизнинг қайтарилишини, ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар - Президентимиз ташаббуси билан "Қадрлар тайерлаш миллий дастури"нинг яратилиши ва унинг мазмун-моҳияти нимага қаратилганлигини, "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Қарияларни қадрлаш йили" нима мақсадларда эълон қилинганини ва шу йилларда ўқувчиларимиз ўзлари яшаётган қишлоқ ва шаҳарларда қандай ўзгаришлар бўлганини теран англаб, тўғри

таҳлил ва талқин қила олишини таъминлаш, юрт тинчлигини, мамлакатимиз хавфсизлигини сақлашда маъсулият ҳиссини шакллантириш, мустақил Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини ўстиришдан иборат.

II. Танловни ўтказиш тартиби

2.1. Танловни ўтказиш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида мутахассислардан иборат танлов хайъати тузилади.

2.2. Танлов уч йўналишда:

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим (мактабларнинг 9-11 синф ўқувчилари ўртасида) муассасалараро;

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалараро;

Олий таълим муассасалараро.

2.3. Танлов натижалари оммавий ахборот воситалари орқали, жумладан матбуот саҳифаларида ёритиб борилади.

2.4. Танлов Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази тизимидаги таълим муассасаларида тўрт босқичда, Олий таълим муассасаларида икки босқичда ўтказилади:

танловнинг биринчи босқичи жорий йилнинг 13-23 январидида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида;

иккинчи босқич 2003 йилнинг 3-13 февралда туман, шаҳарлар миқёсида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларинг ўқувчилари ўртасида алоҳида бўлиб ўтади. Ҳолиб топилган энг яхши биттадан иншо учинчи босқичга юборилади;

учинчи босқич 2003 йилнинг 23-февралдан 3-мартгача вилоятдаги туман, шаҳарларда голиб чиққан мактаб, академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида бўлиб ўтади. Вилоят халқ таълими ҳамда касб-ҳунар таълим бошқармаларида ташкил этилган экспертлар ўринларни белгилаб, биттадан ишни тўртинчи босқичга юбордилар;

тўртинчи босқич: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича голибларнинг Республика якуний босқичи 2003 йил апрель ойининг биринчи 10 кунида бўлиб ўтади.

Танловнинг бу босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юборилган ишлар Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида ташкил этилган экспертлар томонидан алоҳида-алоҳида баҳоланади.

Олий таълим муассасалари ўртасида бўлиб ўтадиган мазкур танлов икки босқичдан иборат

бўлиб, биринчи босқич таълим муассасаларида ўтказилади;

иккинчи босқичда ҳар бир олий таълим муассасасидан биттадан иш қабул қилиниб, Республика олий таълим муассасалариаро ўтказилади. Бу ишларни Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан алоҳида тузилган, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан иборат хайъат томонидан ўрганилиб, баҳоланади.

III. Танловга тақдим этилган ишларга қўйиладиган талаблар

3.1. Танловга тақдим этилган ишнинг қўйилган мақсадга мувофиқлиги;

3.2. Воқеаларнинг ўқувчи-талабалар томонидан тўғри таҳлил ва талқин эта олинган бўлиши;

3.3. Иш талаба-ўқувчининг мустақил фикр ва мулоҳазалари билан тўлдирилган бўлиши;

3.4. Танловга тақдим этилган иш ҳажм жиҳатдан мактаб, лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқувчилар дафтарида, қўлёзмада 12 бетдан кам бўлмаган, дастлабки тақриздан чиқарилган ҳолатда тақдим этилиши;

3.5. Олий таълим муассасаларидан тақдим этилган иш ҳажм жиҳатдан 1,5 интервалда езилган 15 бетдан кам бўлмаган, икки нусхада, дастлабки тақриздан чиқарилган ҳолатда электрон матн (дискет)и билан биргаликда тақдим этилиши;

3.6. Танловга тақдим этилган иш тузилиши жиҳатдан мавзу, режа, матн, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиши, материаллар манбаи аниқ кўрсатилиши лозим.

IV. Баҳолаш мезонлари

Иншоларни ҳолисона баҳолаш ва энг яхши ишни танлаш мақсадида қуйидаги баҳолаш мезони жорий этилади ва шу асосида танловга тақдим этилган ҳар бир иш учун алоҳида; баҳолаш варақалари тўлдирилади, ҳакамлар томонидан имзоланиб, иншо билан бирга танловнинг кейинги босқичига тақдим этилади.

_____ вилоят,
_____ туманидаги _____-сонли мактаб (коллеж)нинг иншолар танловига тақдим этилган ишини баҳолаш варақаси

V. Ҳолибларни муқофотлаш

Иншолар танловининг барча босқичида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган Ҳолиблар таълим йўналишлари бўйича тегишли равишда мактаб (коллеж, академик лицей), туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаларининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

Танловнинг Республика босқичида барча иншолар орасидан 3 та биринчи, 3 та иккинчи, 3 та учинчи ўрин ва 3 та рағбатлантирувчи ўринлар таъсис этилиб, ғолиблар вазирликларнинг ҳамда "Камолот" Ёшлар ижтимоий

ҳаракати Марказий Кенгашининг дипломлари, қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

Энг яхши иншолар матбуот саҳифаларида ва Республика таълим маркази томонидан тўпلام сифатида чоп этилади.

Т/р	Иншога қўйиладиган талаблар ва бошқа мезонлар	Қўйиладиган баллар	
		максимал	минимал
1.	Иншо ёзиш талабларига риоя этилганлиги. Ишнинг шаклан ва мазмунан мукамаллиги, мақсаднинг тулиқ очиб берилганлиги	50	2
2.	Имловий саводхонлиги	10	2
3.	Услубий саводхонлик даражаси	10	2
4.	Мавзунинг ҳаётий фактлар асосида ёритилиши	10	2
5.	Иншо мазмунига тарихий, адабий-бадиий, замонавий публицистик на бошқа материалларнинг сингдирилиши	10	2
6.	Иншонинг оригинал услубий ва бошқа иншотлар ажратиб турадиган жиҳатлари	10	2
	ЖАМИ:	100	12

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил 19 июл 218-сонли БУЙРУҒИ

Республика Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия бераётган аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва таҳсил олаётган талаба-ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, оилада соғлом муҳит ҳамда хотиржамликни шакллантириш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури"нинг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада

тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 242-сонли қарори ва Олий таълим муассасаларига тааллуқли давлат дастури талаблари ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасаси ректорларига:

2.1. Ушбу буйруқ ва унинг Иловасидаги тадбирлар ижроси таъминлансин.

2.2. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги 32-сонли қарори юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар ва вазифаларнинг ижроси мазкур буйруқнинг талабларига мувофиқлаштирган ҳолда бажариб борилсин.

2.4. Мазкур буйруқ асосида олий таълим муассасасининг тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин ва бажарилиши юзасидан маълумотномани ҳар чоракнинг 25 санасигача Вазирликка тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. Вазирликнинг гуманитар таълим ва шахс

камолоти Бош бошқармаси (З.Х.Тошматов)га олий таълим муассасаларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси белгилансин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклатилсин.

Вазирликнинг 2002 йил 19 июлдаги,
218-сонли буйруғига,
Илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил
5 июлдаги 242-сонли "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини
мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор ифалишларини амалга
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва мақсадли дастурини бажариш юзасидан
Вазирликнинг тадбирлар

РЕЖАСИ

№	Мақсадли дастурнинг бажариш	Бажаришга масъуллар	Бажариш муддати
1.	Олий таълим муассасаси тизимидаги таълим муассасаларида узлуксиз спорт мусобақалари ўтказилишини иулга қўйиш ва ушбу мусобақаларга қатнашувчи талаба-ёшларнинг саломатлиги мониторингини олиб бориш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Олий таълим муассасаси раҳбарлари	2002 йилнинг IV чорагидан – бошлаб мунтазам
3.	Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш масалаларини кенг ёритиш бўйича телекўрсатувлар ва радио-эшиттиришларни тайёрлаш ва амалга ошириш учун "Ўзтелерадио" компанияси ва республика минтақаларидаги телерадиокомпаниялар билан ҳамкорликда ижодий фаолият олиб бориш.	Олий таълим муассасаси раҳбарлари	2002–2005 йиллари давомида
4.	Ҳар бир олий таълим муассасасида соғлиқни сақлаш ва ЗАГС ходимлари иштирокида қўйидаги мавзуларда мунтазам равишда семинарлар, кечалар ва учрашувлар тайёрлаш ва ўтказиш: — «Эрта ва қариндошлар уртасидаги никоҳларнинг олдини олиш»; — «Ёш аёллар ва қизларнинг ноҳуш ҳомиладорлигининг олдини олиш»; — «Туғруқлар орасидаги мақбул оралиққа риоя этиш зарурияти»; — «Ҳомила олдириш профилактикаси»; — «Контрацептивларнинг замонавий турлари» ва ҳоказо	Олий таълим муассасаси раҳбарлари	2002–2005 уқув йиллари давомида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаси "Маънавият ва маърифат бўлими" ҳақидаги Низом" ҳамда "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашга доир баъзи тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида" ги

2003 йил 3 январь 5 сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни таълим тизимига тўла жорий этишни таъминлаш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашда Республика Президенти Фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлик ва Олий таълим муассасасида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш, талаба-ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғоя ва мустақиллик мафқураси руҳида тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишда олий таълим муассасаларининг маънавият ва маърифат бўлимлари масъулиятини янада кўтариш талабларидан келиб чиқиб

БУЮРАМАН:

1. Таълим муассасаларининг "Маънавият ва маърифат бўлими" ҳақидаги Низом" ҳамда "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашга доир баъзи тавсиялар" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасаси ректорига:

"Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашга доир баъзи тавсиялар

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, таълим муассасасида ташкил топган "Маънавият ва маърифат бўлими"лари ўз фаолиятларида талабалар онги ва қалбига ватанпарварлик, ўз халқи ва миллатига садоқат, унинг душманларига нисбатан муросасизлик, иймон, диёнат, камтарлик, самимият, адолат, меҳр-шавқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, бағрикенглик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат каби маънавий баркамол инсон фазилатларини сингдириш жараёнида турли воситалардан унумли фойдаланиши керак. Улар ичида энг самаралори "Маънавият ва маърифат бўлими" қошида фаолият кўрсатадиган "Маънавият ва маърифат хонаси" ҳисобланади, чунки унда олдиндан тузилган режа асосида мунтазам равишда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун "Маънавият ва маърифат хонаси" ҳеч қачон бўш бўлмаслиги, у доимо талабалар билан гавжум, у ёки бу қизиқарли тадбирларни ўтказиб турадиган жойга айланиши лозим, Бу эса ўз навбатида "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозланишига, унда

2.1. Таълим муассасаларининг "Маънавият ва маърифат бўлими" ҳақидаги Низом" ҳамда "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашга доир баъзи тавсиялар"ни амалда қўллаш учун киритсин.

2.2. Низом ва "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашга доир баъзи тавсиялар"нинг олий таълим муассасасида тўла амал қилишнинг таъминлайдиган таъсирчан чоратадбирлар кўрилинсин. Таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнларини ўзаро мувофиқлаштириб олиб бориш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш ишларида "Маънавият ва маърифат бўлими"га, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ёрдам кўрсатиш мунтазам йўлга қўйилсин.

3. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси бошлиғи (З.Х.Тошматов)га:

3.1. 2003 йилнинг 5 январига қалар ушбу буйруқ билан тасдиқланган низом ва тавсияларни барча олий таълим муассасаларига тарқатиш топширилсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклатилсин.

ўтказиладиган тадбирларнинг мазмун-моҳиятига ва тадбир ўтказувчининг фаоллигига боғлиқдир.

Охириги вақтда "Маънавият ва маърифат хонаси"нинг жиҳозланиши масаласи буйича таълим муассасасалари бир мунча тажриба тўпладилар. Бундан ташқари 2001 йилда "Маънавият" нашриёти Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг миллий мафқура илмий тарғибот маркази Ш.Жумаевнинг "Маънавият масканлари ва уларни ташкил этишига оид услубий қўлланмасини нашрдан чиқарди. Мазкур қўлланма ўқув муассасаларида ушбу масалалар билан шуғулланувчиларга яқиндан ёрдам беришига шак-шубҳа йўқ.

Аmmo, такомиллашувнинг чеки бўлмагандай, бу муҳим масалани орттирилган тажриба асосида янада такомиллаштирилса унинг самарадорлигини оширишга ишонамиз.

Фикримизча, "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашда қуйидаги умумий қоидаларга риоя қилинса фойдадан ҳоли бўлмайди деб, ўйлаймиз.

Биринчидан, Вазирликнинг буйруғи билан "Маънавият ва маърифат хонаси" қошида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" маркази ташкил этилган, шунинг учун хонани жиҳозлашда мазкур марказнинг вазифа ва мақсадларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Бу бўлимда Ўзбекистон халқи Мустақиллик туфайли сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва ташқи сиёсат соҳасида мисли кўрилмаган ўзгаришларни амалга ошириш имкониятларига эга бўлиш билан бир қаторда, тарихимизни ҳолисона ёритиш, миллий ва диний қадриятларимизни қайтадан тиклаш, ҳаётимизни эски мафкура ва мустабит тузум асоратидан ҳалос этиш имкониятига ҳам эга бўлганлигини таъсирчан лавҳаларда намойиш этиш зарур.

"Маънавият ва маърифат хонаси"даги навбатдаги бўлимда Мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий бой меросини тиклаш борасида амалга оширилган ишларини ҳикоя қилувчи фактларни келтириш шубҳасиз, талабаларда миллий ғурур туйғусини ўйғотади. Бу боисдан истиқлол йилларида миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига буюк ҳисса қўшган бобоқолонларимизнинг туғилган йиллари нишонлаб ўтказилган халқаро анжуманлар, қадимий ёзма маънавий меросимиз "Авесто" ва "Алпомиш"ларнинг юбилейлари тўғрисида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўринда 8-10 йиллар давомида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган қуйидаги йирик халқаро тадбирларни келтириш лозим.

1994 йил - Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги;

1996 йил - Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;

1997 йил - Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги;

1998 йил - Аҳмад Фарғоний таваллудининг 2500 йиллиги;

1998 йил - Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги;

1999 йил - Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги;

1999 йил - "Алпомиш" эпосининг 1000 йиллиги;

2000 йил - Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;

2001 йил - "Авесто" яратилганлигининг 2700 йиллиги; 2001 йил - Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги;

Юқорида қайд этилганларнинг ҳар бири тўғрисида қисқача Тарихий маълумот берилса айти муддао бўлган бўлур эди.

Масалан, Мирзо Улуғбек тўғрисида,

"Улуғбекдай муносиб фарзандлари бўлган миллат ҳар қайси замонда ва ҳар қандай шароитда ҳам янгидан-янги ғояларни яратишга ва ривожлантиришга қодир халқдир".

И.Каримов

Мирзо Улуғбек 1394 йилда Султония (Эрон) шаҳрида, бобоси Амир Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилган. Улуғбек Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзонинг тўнғич фарзанди бўлиб, унга сиёсий, маданий соҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган ислохотларни ўзида акс эттирган кўرғазмалар бир-бири билан боғланган ҳолда намойиш этилиши керак. Бу биринчидан, Иккинчидан "Маънавият ва маърифат хонаси" талабаларнинг фақат экскурсияга келиб, томоша қилиб, чиқиб кетадиган жойи бўлибгина қолмаслиги керак, балки шу билан бирга у инсон маънавий дунёсининг фазилатлари тўғрисида, уларнинг шахс ҳаёти такомиллашувидаги тугган ўрни ҳақида фикр алмашадиган жойига айланиши зарур. Шунинг учун хона унга мувофиқ жиҳозланиши лозим (стол, стул, телевизор, видеомагнитофон, магнитофон в. б.).

Хонанинг кўрғазмалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маънавиятнинг инсон, жамият ҳаётида тугган ўрни, аҳамияти ва маънавият тушунчасининг моҳияти тўғрисидаги сўзлари билан бошланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан: *"Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият-маърифатли инсоннинг икки қаюмидир".*

И.Каримов

Бу сўзлардан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг маънавият тушунчасининг мазмунини инфодаловчи қуйидаги сўзларини ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқдир.

"Маънавиятда инсоннинг иймони эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчини англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон-ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётдан рози кетади".

И.Каримов

"Маънавият ва маърифат хонаси"нинг навбатдаги бўлими мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда маънавият, маданият, миллий истиқлол ғояси масалалари бўйича қабул қилинган Президент Фармонлари, ҳукуратимиз қарорлари ва бошқа муҳим ҳужжатларни ўзида акс эттирган бўлиши керак (бўлимни ташкил

қилишда, ҳужжатларни излаб топишда, уларни хронологик тарзда тартибга солишда юқори курс бакалаврлари ва магистрлари ёрдамидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади).

"Маънавият ва маърифат хонаси"нинг бошқа бўлимлари учун ҳам материалларни йиғишда улар ичидан энг муҳимларини танлаб олишда бакалавр ва магистрлар ёрдамидан фойдаланилса яхши бўлади. Бундай иш бизнингча, маънавият ва маърифат бўлимининг фаолларини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Кейинги бўлимда "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" (И.Каримов) сарлавҳаси остида Ўзбекистон давлатининг харитаси берилади. Харита рангли бўлиб, унда ер ости бойликлари уларга мувофиқ белгилар орқали кўрсатилади. Юқориди бу масала тўғрисида бирмунча тўхтаб ўтилган эди.

Мазкур бўлимнинг ўзида давлатимизнинг рамзлари, мустақиллигимизнинг муқаддас белгилари бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Давлат герби, Давлат байроғининг сураглари, Давлат мадҳиясининг матни намойиши этилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг рамзларини қачон ва қаерда қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

"Маънавият ва маърифат хонаси"дан ўрин олган кўرғазмаларнинг энг катта қисмини Ватанимизда мустақиллик учун олиб борилган кураш тарихи ва уни қўлга киритилиши ҳамда истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий соҳаларда амалга оширилган ислохотларни ўзида акс эттирган навбатдаги бўлим эгаллаши лозим. Бу бўлимнинг аҳамияти, юқориди қайд этилгандек, талабаларнинг маънавий дунёсини шаклланишида жуда катта ўрин тутаяди, чунки улар кўрғазмаларни ўрганиш жараёнида халқимизнинг адолат, бахт-саодат, тинчлик ва шу каби маънавий фазилатларни рўёбга чиқаришда олиб борган кураши ва ҳозирги кунда амалга ошираётган ўзгаришлар тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Халқимизнинг Ватан мустақиллиги учун кураш тарихидан сўз кетар экан, кўрғазма стендларида Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Таробий, Амир Темур, Мадали Эшон, Номоз Примқулов ва бошқалар тўғрисида кичик-кичик лавҳалар берилиши лозим. Бу ўринда Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни мўгул истилочиларидан озод этиб, шарият ва инсоний қонунлар устуворлигини таъминлайдиган, фуқароларнинг манфаатларини бир дақиқа бўлса ҳам кўздан қочирмайдиган, мамлакатда тинчлик ва

осойишталикни таъмин этадиган, ўзга давлатлар билан савдо ила тинч-тотувликни йўлга қўядиган, адолат тарозисига тўла амал қиладиган (И.Каримов) Марказлашган қудратли давлатни барпо этганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

- талабаларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз шахсини камолатга етказиш, ўз руҳий дунёсини такомиллаштириш усулларини эгаллашларига ёрдам бериш;

- мустақилликка таҳдид соладиган экстремистик оқимларга қарши жанговор курашчи бўлиб етишишга талабаларга ёрдамлашиш.

"Бўлим"нинг вазифалари:

- "Бўлим"нинг иш режаларини тузиш ва уларни ижросини таъминлаш;

- "Бўлим" мақсадидан келиб чиқиб, таълим муассасасида талабаларнинг маънавий тарбиясига мутасадди бўлган бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар мазмунини талабаларга етказиб бориш;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика ҳукумати ва Вазирлик томонидан қабул қилинган таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига бағишланган Фармон, қарор ва буйруқлар бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

- ўқув муассасаси билан корхона, ташкилот, ҳуқуқ тартибот идоралари, санъат ва маданий муассасалар, хусусий корхона ва фирмалар ўртасида маънавий-маърифий ишлар соҳасида манфаатли ҳамкорлик шартномаларини тузиш ва уларни амалга ошириб бориш;

- талабаларнинг маънавий-ахлоқий савияси ва маданий эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида улар орасида социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш ва уларнинг натижаларидан тарбиявий ишларда фойдаланиш;

- талабалар орасида маънавият ва миллий истиқлол ғоясининг муҳим масалалари юзасидан тарғибот олиб бориш мақсадида "Бўлим" қошида қуйидаги мавзуларни тарғиб қилиш бўйича шўъбаларни тузиш ва бу ишни ташкилотчиларини тасдиқлаш;

а) Ислом Каримов маънавий баркамол инсон ҳақида;

б) Қарамлик ва мустақиллик шароитида маънавият;

в) Ўзбекистон ижтимоий фикр тараққиётида маънавият ва маърифат масалалари;

г) Ислом динида шахс маънавий қиёфасининг талқини;

д) Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз

миллатига садоқат ва шахс маънавиятининг муҳим мезонлари.

"Маънавият ва маърифат хонаси" таълим муассасида ташкил этилаётганлигини ҳисобга олинса, унда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига бағишланган алоҳида бўлим яратилиши шарт деб ўйлаймиз.

Президент И.Каримов Ватанимиз келажагини баркамол авлод, орзуси билан боғлайди.

"Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ".

И.Каримов

Таълим тизимини бугунги кун талабига мувофиқ ислоҳ қилиш, янги турдаги ўқув юртли-коллежлар, лицейлар, бизнес мактаблар ташкил этиш ва ҳар томонлама камол топган ёшларни шакллантириш жамият маънавиятини юксалтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, Ўзбекистон давлат таълим тизимига қилинадиган сарф-харажатлар даражаси бўйича етук мамлакатларга яқинлашиб бормоқда.

Бугунги кунда Республикаимизда 63 та Олий ўқув юрти, 48 та академик лицей, 414 та касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.

Инсон маънавияти, унинг маънавий дунёси, юқорида айтиб ўтилгандек, аввало, жамиятда, уни ўраб турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар таъсирида шаклланади. Бу жараённи тарбия янада тезлаштиради. Шулар билан бирга инсон ўз онги ва қалбида маънавиятни камол топтириш учун у виждонан меҳнат қилиши керак, ўзини-ўзи тарбиялаши керак, яъни у шахс маънавиятининг фазилатлари, белгилари қандай маънога эга эканлигини ақдан англаб олиши

лозим. Бу ўринда "Маънавият ва маърифат хонаси"нинг навбатдаги бўлимини бу масалага бағишлаш лозим.

Бу бўлимни шартли равишда "Баркамол инсон маънавиятининг мезонлари" деб аташ мумкиндир. Унда ватанпарвар, инсонпарвар, бағрикенглик, иймон, адолат, меҳр-шафқат, диёнат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, вафодорлик, виждон, ғурур, бурч, масъулият ва шу каби тушунчаларнинг мазмунини ифодаловчи таърифларни келтириш мумкин. Шу билан бирга мазкур бўлимда маънавиятнинг қайд этилган инсон фазилатлари ҳақида "Ҳадис", халқ мақоллари, донишмандлар, замондошларимизнинг фикрларидан намуналар келтириш мумкин. Бунда миллий маънавиятимизнинг буюк сиймолари туширилган суъратлари намойиш этилса, нур устига аъло нур бўлади (бу бўлимни тайёрлашда ҳам бакалавр ва магистрларни жалб этиш лозим).

"Маънавият ва маърифат хонаси" юқорида қайд этилган бўлимлардан ташқари қуйидагилар билан таъминланиши шарт.

1. Маънавият, миллий истиқлол гоёси масалаларига бағишланган Президент асарлари;
2. Мустақиллик йилларида чоп этилган маънавият ва миллий истиқлол мафқурасига бағишланган энг асосий адабиётлар;
3. Газета ва журналлар.

Юқорида "Маънавият ва маърифат хонаси"ни жиҳозлашга оид баъзи тавсиялар устида тўхталиб ўтилади. Бу хоналарни мазкур тавсияда белгилангандек жиҳозланиши керак деган маънони англатмайди. Маънавият ва маърифат бўлимининг раҳбари ва унда фаолият кўрсатаётганлар мазкур тавсияларни ўзгартиришлари, уларни янада кенгайтиришлари, қўшимчалар киритишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талаба-ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида"ги

2003 йил 20 январ 15 сонли

Б У Й Р У Ф И

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳозирги кунда давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки биз Ватанимиз сарҳалларининг даҳсизлигини келгусида ана шу ёшлар қўлига топшираемиз.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Ўзбекистон тараққиётининг бош гоёси-мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратиш мақсадидан келиб чиқади. Давлатимиз раҳбари И.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида Республикаимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиётининг навбатдаги устувор йўналишларини кўрсатиб, ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш масаласига аниқлик киритиб, ёшларни ҳарбий Ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтиришнинг долзарб вазибаларини

белгилар эканлар, шунин алоҳида таъкидладилар "Биз учун энг асосий, муҳим устувор мақсад, тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверди ...".

Юқорида баён қилинган вазифалардан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ўқувчиларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга ошириладиган Вазирликнинг тадбирлар режаси I-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиқларига:

2.1. Ушбу буйруқ билан тасдиқланган Вазирликнинг тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ишларнинг бажарилиш назоратини кучайтириш топширилсин.

2.2. Ижтимоий - гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида, шунингдек қузатув гуруҳларида ўтказиладиган мураббийлик соатларида талаба-ўқувчилар онги ва қалбида ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

2.3. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда турли ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратилсин.

2.4. Талаба-ўқувчилар ўртасида ҳарбий ватанпарварликка оид мавзуларда ўтказиладиган давра суҳбати, баҳс-мунозаралар ва семинарларни юқори савияда ташкил этиш ҳамда бу тадбирларда ёшларнинг фаол қатнашиши таъминлансин.

2.5. Ҳарбий соҳа мутахассислари, ҳарбий зобитлар ва аскарлар билан талаба-ўқувчиларнинг учрашувлари ва ёшларнинг ҳарбий қисмлар ҳаёти билан яқиндан таништириш ишлари ташкил этилсин.

2.6. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига тааллуқли таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқот ишлари кучайтирилсин ва талаба-ўқувчиларнинг мазкур мавзу йўналишида энг яхши тайёрланган мақолалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилсин.

3. Вазирликнинг "Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (З.Тошматов) ва Марказнинг "Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим" бўлими (М.Лафасов)га:

3.1. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича Вазирликнинг тадбирлар режаси ижросини таъминлашда таълим муассасаларига амалий ёрдамлар кўрсатиш ва бу бордаги ишларнинг бажарилишини қатъий назоратини олиб бориш топширилсин.

3.2. Таълим муассасаларида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маънавий-маърифий ишларнинг ролин кучайтиришга қаратилган услубий тавсияларни тайёрлашга олимларни жалб қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Ж.Х. Ҳусановлар зиммасига юклатилсин.

**Олий ва урта махсус, касб–хунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба–
уқувчиларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга
ошириладиган Вазирликнинг тадбирлар**

РЕЖАСИ

Т/р	Тадбирлар номи	Бажарилиш муддати	Масъул
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси туққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик узгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йуналишлари» мавзусидаги нутқида ҳарбий соҳадаги ислохотларни янада кучайтириш буйича билдирган фикрларини ва иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини талаба–уқувчилар уртасида кенг тарғиб қилиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари
2.	Талаба–уқувчиларни жойлардаги ҳарбий қисмлар ҳаёти билан яқиндан таништириш ҳамда хизматдаги зобит ва аскарлар билан маънавий–маърифий тадбирлар утказиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари
3.	Талаба–уқувчиларни ҳарбий илмнинг буюк султонлари Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби улуг саркардаларнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништириш орқали уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари
4.	9 май «Хотира ва қадрлаш» кунини муносабати билан талаба–уқувчиларнинг уруш қатнашчилари ва ҳарбий соҳа мутахассислари билан учрашувларини ташкил этиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари
5.	Уқиндан ташқари вақтларда талаба–уқувчилар уртасида ҳарбий ватанпарварлик, миллий истиқлол мавзуларида ҳарбий чегарачилар, мутахассислар, зобитлар билан давра суҳбатлари утказиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари
6.	Таълим муассасалари талаба–уқувчилар уйлари ва ҳарбий таълим кафедралари ҳамда маънавият ва маърифат масканларида ҳарбий ватанпарварлик мавзуларидаги тарғибот–ташвиқот кургазмалар бурчақларини ташкил қилиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари
7.	«Уларнинг яшашга ҳақлари бор эди» мавзусида мустақилликни ҳимоя қила туриб, жон фидо этган ватандош аскарлар хотирасини ёд этиб учрашувлар, кечалар ташкил этиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махсус, касб–хунар таълими ҳудудий бошқармалари

8	Таълим муассасалари кутубхоналари китоб жамғармаларини ҳарбий ватанпарварликни тарғиб қилувчи, мардлик ва жасурликка илҳомлантирувчи, Ўзбекистон қуrollи Кучлари тарихи ва бугунги тараққиётини акс эттирувчи адабиётлар билан бойитиб бориш (И.Абдукаримов, «Мен генерал буламан» Т.,Чулпон, 2000, М қориев. «Спитамен», Т., Чулпон, 2001, Ж.Раҳимов. «Жалолиддин Мангуберди», Т., «ўқитувчи», 2001.).	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махусе, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари
9	Талаба-ўқувчилар уртасида «Ватан оstonадан бошланади», «Ўзбекистон ягона Ватан», «Ғурурли йигит – Ватан таянчи», «Ватанни мардлар қуриқлайди», «Ўзбекистон тинчлик доктринаси тарафдори», «Ватан ободлиги, халқ озодлиги йигитлар қулида» каби мавзуларда давра суҳбатлари, маърузалар ташкил этиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махусе, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари
10	Урта махусе касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари уртасида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларини утказиш	Режа асосида	Урта махусе, касб-хунар таълими Маркази, Республика Камолот ЁИХ билан ҳамкорликда
11	Ёшларни чақирикқача тайёрлаш борасида таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар, юзуклар, муаммолар ҳамда ечимлар ҳусусида соҳа ўқитувчиларининг минтақавий семинарини ташкил этиш	Март	урта махусе, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари
12	«Мустақилликни асраб-авайлаш ва Ватан ҳимоясида ҳарбий ватанпарварликнинг ўрни» мавзуларида рефератлар ва ижодий иншолар танловини утказиш	ҳар йили ноябр-декабр	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махусе, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари
13	Заҳирадаги зобитлар қуrollи Кучлар Мудофааси тизимидаги ходимлар иштирокида талаба-ўқувчилар уртасида «Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик» мавзусида давра суҳбати утказиш	Мунтазам	Олий таълим муассасалари ректорлари, урта махусе, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари

"Олий таълим муассасаларининг шахсни камол топтиришдаги вазифалари ҳақида"ги 2003 йил 10 октябр 9/1-сонли ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9 сессиясидаги "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусида қилган маърузасида ҳозирги вақтда мамлакатимиз олдида турган асосий устувор йўналишлардан бири - бу барча ислохотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгалаб берадиган инсон омили ва мезони эканлиги кўрсатилиб, фуқаролик жамияти

асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири деб, таъкидланди.

Шахсни мунтазам камол топтиришда халқимизнинг ўлмас маънавият, ахлоқ одоб ва маърифат билан боғлиқ бўлган қадриятларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ҳозирги куннинг, жумладан олий таълим муассасаларининг олдида турган долзарб вазифаларидандир. Бу борада республика олий таълим муассасаларида бир қанча ишлар амалга ошириб

келинмоқда. Вазирлик томонидан бу соҳада олиб борилаётган ишларни ўрганиш шунинг кўрсатмоқдаки, айрим олий таълим муассасаларининг миллий истиқлол ғояси асосида талаба-ёшлар орасида амалга оширилаётган тарбиявий ишлари ижобий натижалар бермоқда. Шу маънода СамДУ, ФарПИ, ТДИУ, ЎзМУ, ҚарМИИ, ТДМадИ ва шу каби олий ўқув юрларида таълим олаётган ҳар бир шахс-талабани камол топтиришга қаратилган ишлар, уларни миллий ғоя ва истиқлол мафкураси билан қуроллантириш борасида амалга оширилаётган тadbирлар, бу борда ўқув юртининг масъулиятини ошириш борасида кўрилатган чоралари эътиборга моликдир. Мазкур ўқув юрларида талабалар орасида тарбиявий ишларни олиб боришга қаратилган яхлит тизим вужудга келган. Бу тизимда "Маънавият ва маърифат" "Миллий истиқлол ғоясини" тарғиб қилувчи марказлари, факультет деканларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, мураббийлар кенгаши, факультет мураббийлар кенгаши гуруҳ мураббийлари, "Камолот" - ёшлар ижтимоий ҳаракати қабилар олий таълим муассасаси илмий кенгаши томонидан тасдиқланган тарбиявий ишлар бўйича ягона режа асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Режада бундан ташқари шахсни мунтазам камол топтириш боришда муҳим рол ўйнайдиган жамоат уюшмалари, ҳуқуқ ва тарғибот, соғлиқни сақлаш ва маданий оқартув муассасалари юборилган меъёрий ҳужжатлар ва топшириқлар кўп ҳолларда амалга ошмасдан қорғозда қолиб кетмоқда.

Баъзи таълим муассасаларида тарбия бўйича ўтказилаётган тadbирларда иштирок этаётган та-

лабалар таркиби бир хил. Ойлар давомида бундай тadbирларга қатнашмайдиган ёшлар мавжуд.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб Ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. Миллий истиқлол ғояси асосида олиб борилаётган кўп қиррали тарбиявий ишлар марказида ўз қобилиятини, ўз истеъдодини номоён этишга қодир бўлган, шахс сифатида ўзини номоён этиш имкониятига эга бўлган инсон туришини амалга оширилаётган ислохотларининг муваффақияти, мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболи шу шахслар қўлида эканлиги инobatта олинсин ва унга қатъий риоя қилинсин.

1.2. Талабалар орасида тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар, мураббийлар учун алоҳида-алоҳида мунтазам равишда фаолият кўрсатадиган семинарлар ташкил этилсин. Семинар мавзулари таълим муассасасининг ўзига хос йўналишини талабалар контингентини назарда тутиб тузилсин.

Семинар кун тартибига қўйилган масалаларини ёритиш учун юқори малакали мутахассисларни таклиф этилиши амалиётга жорий этилсин.

4. Ҳайъат мажлисининг ушбу қарорини олий таълим муассасаси Илмий кенгашларида ўрганиб чиқиб, аниқ ва қатъий чора-tadbирлар ишлаб чиқиш таъминлансин.

5. Мазкур ҳайъат қарорининг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

"2004 йил "Меҳр ва мурувват йили" Дастурини тасдиқлаш ва амалга ошириш чора-tadbирлари ҳақида"ги 2003 йил 24 декабр 11/2-сонли ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2003 йил 12 декабрда "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги фармойиши матбуотда эълон қилинди.

Мамлакатимизда 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши "Обод маҳалла йили" дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг манتيқий давоми эканини инobatта олган ҳолда, бошланган шу ишларни мувоффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатини мувофиқлаштириш мазкур фармойишнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Шунингдек, фармойишда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маъ-

навий-маърифий, маданий ва спорт тadbирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамнат ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа соҳаларни янада кучайтириш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқиш, юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағри-кенглик, ўзаро меҳр олиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга сафарбар этиш чора-tadbирларини белгилаш, одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёсини замонга мос

равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий гоёнинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш, меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиладиган тadbирлар тизимини тайёрлаш ҳамда жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш ва турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тadbирлар ишлаб чиқиш каби вазифалари топширилган.

Юқорида қайд этилган вазифалар бўйича, олий таълим муассасалари ректорларининг фикр ва мулоҳазалари эътиборга олинган ҳолда Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган тadbирлар режасини амалга ошириш мақсадида Вазирлик ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2003 йил 12 декабрдаги

"Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги фармойишида кўрсатилган топшириқларни амалга ошириш бўйича Вазирлик вазифалари ҳақидаги С.С. Фуломовнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин.

2. "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги фармойиш асосида ишлаб чиқилган Вазирликнинг тadbирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси бошлиғи (Э.Набиев)га:

3.1. Тасдиқланган тadbирлар режасини олий таълим муассасаларига етказиш ва унинг бажарилиш назоратини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорларига:

4.1. Вазирликни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2003 йил 12 декабрдаги "2004 йил - Меҳр ва мурувват йили" тadbирлар дастури асосида олий таълим муассасасининг ички тadbирлар режасини ишлаб чиқиш ва йил давомида бажарилишини таъминлаш топширилсин.

5. Ушбу Ҳайъат қарори бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

№	Иسمى	Вазифаси	Ташкили
1	С.С. Фуломов	Вазирликнинг маълумоти ахборот	Вазирлик
2	Э.Набиев	Бош бошқармаси бошлиғи	Вазирлик
3

№	Иسمى	Вазифаси	Ташкили
4
5
6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 12 декабрдаги "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги Ф-1877 сонли фармойишда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 декабрдаги кенгайтирилган мажлисида белгиланган вазифаларнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида

бажариш юзасидан тадбирлар

Р е ж а с и

№	Тадбирнинг номи	Бажа- риш муддати	Бажа- ришга масъул	2004 йилдаги харажат- лар (млн. сум)	Молнияла- штириш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натيجا
1	2	3	4	5	6	7
1	Барча таълим муассасаларида кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган, якка-ёлгаз янаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш	2004 йил январь	ГТШКББ, ИИМХББ, ОТМ ректорлар и	-	-	Тадбирлар режаси
2	Инсоннинг маънавий камол топишида ва ҳаётга қадам қўйишида канот ва таянч буладиган ондан мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар ҳамда инсонизлик масаласини ҳал этишга қаратилган «Олиа ҳамма нарсадан муқаддас» «Гудаклик синган меҳр», «Инсон қалбига жойланган дунё дунё», «Тадбиркор қандай иш бошлади?» мавзуларида таниқли олимлар, исломшунос зиёлилар, жамоат ва ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар ҳамда ёзувчи-иждоқорлар билан учрашувлар ва ишро танловлари ўтказиш	Йил давоми да	ГТШКББ, ИИМХББ, ОТМ ректорла ри	1-квартал 500.000 2-квартал 500.000 3-квартал 500.000 4-квартал 500.000	ОТМнинг нобюжет даромадла ри	Тадбир баённомала ри ва ишшолар
3	Талаба-ёшларни маҳаллалардаги маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларида иштирок этишини, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролинини ошириш, ёш авлодни тарбиялаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат курсатинга йўналтирилган «Спорт менинг тақдиримда», «Савдо маданияти», «Отин ойна мулоқоти», «Бизнинг ҳуқуқимиз» мавзуларида давра суҳбатлари ўнштириш.	Йил давоми да	ГТШКББ, ИИМХББ, ОТМ ректорлар и	1-квартал 100.000 2-квартал 100.000 3-квартал 100.000 4-квартал 100.000	ОТМнинг нобюжет даромадла ри	Тадбир режаси ва баённомаси

4.	Халқимизда давом этиб келаётган эзгуликни, ноёб инсоний фазилатларни, бағрикенгликни, ўзаро меҳр-оқибатни, ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, келажаги порлоқ ёшларни савобли ишларга ҳисса қўшишда йўналтирадиган «Ерناк олса буладиган хонадон», «Юта ҳадисни ёд билган талаба», «Меҳр кузда», «Миллий гоҳининг жамиятимиздаги таъсири», «Аҳли динлар дустлик риштаси» каби мавзуларда яхши хонадон соҳибалари билан файласуф олимлар, «Мазнавийят ва маърифат» жамоатчилиқ вакиллари ҳамда ёзувчилар уюшмасининг аъзолари билан мулоқотлар олиб бориш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	1-квартал 150.000 2-квартал 150.000 3-квартал 150.000 4-квартал 150.000	ОТМнинг нобюжет даромадлари	Мулоқотлар режаси ва байномаси
5.	Таълим муассасаларида ёшларнинг руҳият оламини чарогон қилишда кўп минг йиллик давомида ананаларимизга, миллий қадриятларимизга, урф-одатларимизга, ислом динидаги инсонпарварлик мусоффолигини кўрсатиб берилган илмий-оммабоп публицистик асарлар ва ҳужжатли фильмлар билан таништириб бориш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	1-квартал 100.000 2-квартал 100.000 3-квартал 100.000 4-квартал 100.000	ОТМнинг нобюжет даромадлари	Асарлар тақдироти ва фильмлар намойиши
6.	Таълим муассасалари ва ҳудудий бошқармалар «Меҳр ва мурувват йили» дастурини амалга ошириш борасида Вазирликлар, Давлат кўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ташкилотлар, «Маҳалла», «Нуруний», «Соғлом авлод учун» «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси», «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналминвал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармаларнинг илтифат ва шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликдаги шартномаларни тузиш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	Келишув асосида	ОТМнинг нобюжет даромадлари	Тузилган шартномалар
7.	2004 йил давомида Вазирлик томонидан Олий таълим муассасаларига бириктирилган тошкент шаҳри ва вилоятлардаги «Меҳрибонлик уйлари» ҳамда болалар маҳсуе таълим муассасаларига Меҳр ва мурувват курсатини давом эттириш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	Келишув асосида	ОТМнинг нобюжет даромадлари	Маҳсуе режа асосида
8.	Олий таълим муассасалари талаба-ёшларини Миллий истиқлол гоҳси руҳида тарбиялашда амалий жараёнлардан унумли фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2004 йилдан бошлаб ойнинг бир кунини «Мазнавийят кўпи» (музейлар, кибонлар, театрлар, тарихий қадимжолар, Бастокорлар, Ёзувчилар уюшмаларига ташриф буюриш ва х.к.) деб эълон қилиш ва уни амалга ошириб бориш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	1-квартал 500.000 2-квартал 500.000 3-квартал 500.000 4-квартал 500.000	ОТМнинг нобюжет даромадлари	Тузилган шартномалар ва ташриф жадвали

9	Таълим муассасаларида кам таъминланган оилалар, стимуллар ҳамда чин стимулларнинг сонини аниқлаш ва уларга ҳомий ташкилотлар билан биргаликда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб бориш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	1-квартал 1.000.000 2-квартал 1.000.000 3-квартал 1.000.000 4-квартал 1.000.000	ОТМнинг нобюжет даромадлари	ОТМ ректорининг имзоси билан тасдиқланган ҳужжат
10	Таълим муассасаларида таҳсил олаётган кам таъминланган оила фарзандларини йилда бир мартаба дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда профилактик даволанишларини ташкил этиш.	Йил давом ида	ГТШКБ, ИИМХББ ОТМ ректорлар и	1-квартал 1.000.000 2-квартал 1.000.000 3-квартал 1.000.000 4-квартал 1.000.000	ОТМнинг нобюжет даромадлари	ОТМ ички тартибига мувофиқ

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижроси ҳақида"ги 2004 йил 6 феврал 1/1-сонли ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан 2004 йил 27 январдаги 40-сонли қарори асосида мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган "Меҳр ва мурувват йили" дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган "Инсон манфаатлари", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Қари-яларни қадрлаш йили" ва "Обод маҳалла йили" дастурларининг давоми бўлиб унинг асосий маъно-мазмунни халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ҳамда эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

Шунингдек, дастурнинг асосий устувор мақсади аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш, давлат ва нодавлат ташкилотлари масъулиятини кучайтириш, оила ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳр ва мурувват деган улуг тушунчаларнинг теран маъносини кенг халқ оmmasига тушунтириш, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитни, барқарорликни таъминлашга қаратилгандир.

"Меҳр ва мурувват йили" дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчиларини бепул ўқув адабиётлари билан таъминлаш,

шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари учун кутубхона фондларини тўлдириш, кам таъминланган ўқувчиларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қишқи кийим билан бепул таъминлаш, Республикадаги 93 та "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернатлар биноларини, 46 та "Мурувват" ва "Саховат" уйлари ҳамда ижтимоий таъминот муассасаларини капитал таъмирдан чиқариш каби мақсадлар ўз аксини топган.

Мазкур тадбирлар юртимизда бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида ёшларимизнинг онги ва тафаккури ҳар томонлама ўзгарди. Ҳаётларининг фаровон бўлиши ҳам, Ватаннинг гуллаб яшнаши ҳам бевосита ўзларига боғлиқ эканлигини ёшлар тобора чуқурроқ англаб бормоқдалар.

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорлик намуналарини намоён қиладиган, Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар доирасида юксалишига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшадиган авлодларни тарбиялаш бизнинг зиммамиздаги эзгу вазифадир. Биз, ўз навбатида, тарбия жараёнига бутун куч-қувватимизни бахш этишимиз, бунинг учун зарур шароитларни яратишимиз керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Вазирлик Ҳайъати йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили" дастури тўғрисидаги 2004 йил 27 январдаги 40-сонли

қарори юзасидан Вазир С.С.Фуломовнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва иловага мувофиқ тadbирлар режаси тасдиқлансин.

2. Олий ўқув юртлари (А.Каримов), Гуманитар таълим ва шахс камолоти (Э.Набиев), Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати (А.Алехина), Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш (Ш.Бўтаев) Бош бошқармалари бошлиқларига:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги 40-сонли қарори асосида бир ҳафта ичида, вазирликнинг Давлат дастурини самарали амалга оширишга қаратилган тadbирларини ишлаб чиқсинлар ва бажаришга киришсинлар.

Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилсин:

- мазкур қарорни таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, хизматчилар ва талаба-ўқувчилар орасида кенг муҳокама қилиш, белгиланган тadbирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш борасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- соғлом оилаларни шакллантириш ва уларда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш мақсадида ёшларнинг репродуктив ҳуқуқ марказлари ва улар қошида аноним ишонч телефонларини ташкил этиш борасидаги Республика "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда тузилган шартноманинг бажарилишини таъминлаш;

- ёшларнинг оила қуришда ва бола тарбиялашдаги масъулиятини ошириш;

- ёш авлодни меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибалар, эзгу анъаналар, маданий-маърифий қадриятларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида "Соғлом авлод", "Sen yolg' iz emassan" жамғармалари билан ҳамкорликда ёшлар билан кекса фахрийлар ўртасида "Икки авлод учрашуви", "Ҳаёт сабоқлари", "Меҳр кўзда" мавзуларида тadbирлар ўтказиш;

- "Соғлом авлод", "Sen yolg' iz emassan" жамғармалари билан ҳамкорликда "Меҳр ва мурувват йили" дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган ва талаба-ўқувчиларнинг деярли барчасини жалб этишга мўлжалланган турли мавзуларда кўрик танловлар, спорт мусобақалари(гимнастика, етол теннислари, сузиш)ни ўтказиш, стендлар, ва бошқа кўргазмали воситаларини ташкил этиш ва шунингдек, ўқув юртининг кўп нусхали газетаси ва ички радиосидан унумли фойдаланиш;

- оила ва маҳаллада бағрикенглик ва меҳроқибат тушунчаларини, "Жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз қолмаслиги керак" деган инсонпарварлик ғоясини тарғиб этишга доир илмий-услубий рисоалар туркумини яратиш;

- меҳрга ташна бўлган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш;

- таълим муассасаларидаги ёш оналарни ўқув дастурларини ўзлаштиришларига қаратилган индивидуал ўқув жадваллар билан таъминлаш;

- талаба-ўқувчиларни "Маънавият кунлари"-да "Меҳрибонлик" уйларига ташрифини уюштириш ва улар иштирокида маънавий-маърифий тadbирлар ўтказиб бориш.

3. Олий таълим муассасалари ректорлари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

3.1. "Меҳр ва мурувват йили"да кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талаба-ёшларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш бўйича тadbирлар ишлаб чиқилсин. Бу тadbирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган харажатлар таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларининг бошқа тушумлари, вазийлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ажратилсин.

3.2. Республика "Оила" илмий-амалий марказининг "Талаба оиласи" концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида ёрдамга муҳтож оиласи бор талабаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантириш тўғрисидаги таклифидан келиб чиқиб кам таъминланган моддий ёрдамга муҳтож ёш оилали талабалар ҳар ойда тегишли тартибда пул ва уларнинг болалари мавсумий бошдан оёқ бепул кийим-кечаклар билан таъминлансин;

3.3. Республика "Оила" илмий-амалий марказининг Олий таълим муассасаларидаги Хотинқизлар кенгашлари ҳузурида "Оилавий қадриятлар тарғиботи" марказлари тузиш тўғрисидаги таклифи амалда жорий этилсин;

3.4. Оталиққа олинган "Меҳрибонлик" уйларида доимий хабар олиб турилсин(2004 йил режасини ишлаб чиқиш);

3.5. Юқорида қайд этилган тadbирларни ташкил этиш ва ўтказишда жамоат ташкилотлари, ишбилармон доиралар, хорижий ҳамкорлар кенг жалб этилсин.

4. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш мониторинги бўлими(М.Ходжаева)-га:

4.1. Мазкур Ҳайъат қарори ва вазирликнинг тегишли буйруқларини амалга ошириш мониторинги таъминлансин.

5. Ушбу Ҳайъат қарорининг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасаларини "Меҳрибонлик уй"ларига бириктириш ҳақида
2003 йил 16 май 119-сонли
БҮЙРУҚ**

Республика Прокуратурасида жорий йилнинг 11 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги XI-мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Республикадаги "Меҳрибонлик уйи", жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар махсус муассасаларида таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим-тарбия бериш аҳволини ўрганиш масаласи муҳокама қилинди.

Мазкур комиссия йиғилишида Республикадаги мавжуд "Меҳрибонлик уй"лари, болалар махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини қўллаб-қувватлаш, битириб кетаётган болаларни ишга, ўқишга жойлаштириш ва ҳаётга қайта мослаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида таълим муассасаларини уларга оталигини ўрнатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Таълим муассасалари томонидан Мажлис қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда "Меҳрибонлик уйи", болалар махсус олий таълим муассасаларида меҳр-мурувват ишларини амалга ошириш, маънавий ва маърифий ишларни жонлантириш, у ерда тарбияланаётган вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш вазифаларидан келиб чиқиб

БҮЙУРАМАН:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган "Меҳрибонлик уйи" ва болалар махсус таълим муассасаларига мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида Вилоят олий таълим муассасалари иловага мувофиқ бириктирилсин.

2. Оталик ёрдами кўрсатиш мақсадида бириктирилган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Олий таълим муассасалари ректорига:

2.1. Таълим муассасасида тажрибали педагоглар, олимлар, мураббийлар иштирокида "Меҳ-

рибонлик уйи", болалар махсус таълим муассасаларида тарбияланувчи вояга етмаган ёшларда кундалик турмуш маланиятини шакллантириш, меҳр-мурувватга қаратилган кенг қамровли чораталбирлар мажмуаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Талбирлар мажмуасида қўйидагилар назарда тутилсин:

- Бириктирилган "Меҳрибонлик уйи", болалар махсус таълим муассасаларида тарбияланаётган етим, ижтимоий муҳофазага муҳтож ўқувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- "Меҳрибонлик уйи", болалар махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларни таълим муассасасидаги мавжуд спорт секцияларига оммавий жалб қилиш;

- "Меҳрибонлик уйи", болалар махсус тарбия муассасаларини моддий техник жиҳатдан таъминлашга ёрдам бериш;

"Меҳрибонлик уйи" ва болалар махсус таълим муассасаларини битириб кетаётган ўқувчиларни касбга йўналтириш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалий ёрдам бериш ва шу кабилар;

2.2. "Меҳрибонлик уйи", болалар махсус таълим муассасаларида ва Олий таълим муассасаси тасарруфидаги академик лицейларда вояга етмаганлар билан олиб борилган ишлар юзасидан таҳлилий ҳисоботни ҳар чорак охириги ойнинг 20 санасигача Вазирликнинг "Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси"га топшириш вазифалари юклатилсин.

3. "Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси" (З.Тошматов)га:

3.1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Олий таълим муассасаларида вояга етмаган ўсмирлар билан олиб борилаётган ишлар юзасидан раҳбариятга умумий ҳисобот тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

4. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Меҳрибонлик уйларига ҳомийлик ва мурувват ёрдами кўрсатилишини мувофиқлаштириш
тўғрисида 2003 йил 31 октябрь 267-сонли**

ҚЎШМА БҮЙРУҚ

Республикада оила муҳити ва ота-она қаровидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни оила муҳитига яқин шароитда тарбиялашнинг самарали тизими яратилган. Меҳрибонлик уйлари ва уларнинг тарбияланувчиларига кийим-бош, турли моддий қийматдаги ҳомийлик ва мурувват ёрдамларини кўрсатишда қатор вазирлик ва идоралар ҳамда

жамоат ташкилотларининг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2003 йилнинг 21 апрелида "Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларини Олий таълим муассасаларига бириктириш ҳақида" ва 16 майдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Олий таълим муассасаларини Меҳрибонлик уйларига бириктириш ҳақида"

қабул қилган 94 ва 119-сонли буйруқларининг ижроси Республикадаги барча Меҳрибонлик уйлари ва уларнинг тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлигини таъминлаш билан биргаликда катта мадад ва намуна бўлмоқда.

Бироқ, берилаётган моддий қийматдаги ёрдамларнинг мазкур муассасаларда ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда иқтисодий кўмак бериш ва улардан оқилона ҳамда қонуний фойдаланиш жараёнида камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 24-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг яшаш шароитлари етарли ташкил қилинмаганлиги, болалар ички кийимлар билан таъминланмаганлиги, гуманитар ёрдам сифатида келтирилган ўқув қуроллари, кийим-кечак ва ўйинчоқлар болаларга берилмасдан сақлаб келинганлиги, болаларнинг шахсий гигиена талабларига риоя қилиниши ва уларни оватлантириш меъёрлари раҳбарлар томонидан назорат қилинмаётганлиги аниқланди. Бошқа муассасаларда ҳам ушбу йўналишда қилинаётган ишлар етарли эмас.

Юқоридагиларни инобатга олиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш, тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларига кўмаклашишда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ҳамда Республикадаги Меҳрибонлик уйлари, уларнинг тарбияланувчиларига ҳомийлик ва мурувват ёрдами берилишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек уларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш мақсадида

БУЮРАМИЗ:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2003 йил 21 апрелида "Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари Олий таълим муассасаларига бириктириш ҳақида" ва 16 майда "Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Олий таълим муассасаларини Меҳрибонлик уйларига бириктириш ҳақида"ги 94 ва 119-сонли буйруқлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари томонидан Меҳрибонлик уйларига ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш, тарбияланувчиларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби иловага асосан тасдиқлансин.

3. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарларига:

Меҳрибонлик уйларида тажрибали педагоглар, олимлар ва мураббийлар иштирокида тарбияланувчиларнинг турмуш маданиятини шакллантириш, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга кўмаклашиш билан боғлиқ йўналишдаги ишларнинг 2003-2006 йилларга мўлжалланган кенг қамровли дастурини муассаса раҳбарлари билан биргаликда бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар

ва унинг доимий ижросини таъминласинлар.

3.1. Талбирлар дастурида қуйидагилар назарда тутилсин:

- тарбияланувчилар билан учрашув, суҳбат ва ўқувлар ташкил қилиш;

- муассасада маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, тарбияланувчиларни турли тўғарак ва шўъбаларга жалб қилинишини назоратга олиш;
- битирувчиларни касбга йўналтириш ва уларнинг бандлигини таъминлашда ҳамкорлик қилиш;

- тарбияланувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда кўмаклашиш;

- муассасаларни ўқув-методик ва унинг билан боғлиқ техник жиҳозлар билан таъминлашда ёрдамлашиш;

- кўрсатилаётган ҳомийлик ва мурувват ёрдамларининг мақсадли ишлатилишини мувофиқлаштириш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

- тарбияланувчиларни ижтимоий турмушга тайёрлаш юзасидан бириктирилган ўқув юртлари ва Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирлар дастури бажарилишини назоратга олиш ва унинг ижросини йилда камида бир марта қўшма йиғилишларда кўриб чиқиб, муҳокама этиш;

- меҳрибонлик уйи биноларини таъмирлашни маҳаллий ҳокимликликлар бюджети ҳисобидан амалга оширилишини таъминлаш;

- барча турдаги мурувват ёрдамларини Халқ таълими вазирлиги томонидан 2002 йил 28 июнда қабул қилинган "Таълим муассасаларида бюджетдан ташқари топилган маблағларнинг ишлатилишини назорат қилишни кучайтириш тўғрисида"ги 103-сонли буйруғи асосида расмийлаштириш ва фойдаланиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, ҳомийлик ва мурувват ёрдамлари:

Меҳрибонлик уйларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда кўмаклашиш ва уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учунгина қабул қилинади;

Меҳрибонлик уйлари бинолари, уларнинг қурилиши ва таъмирлаш ҳамда ер участкалари ва бошқа техник харажатлар учун қабул қилинмайди.

6. Меҳрибонлик уйларида олиб борилган ишлар юзасидан таҳлилий ҳисоботлар ҳар чорак охириг ойининг 20 санасигача Меҳрибонлик уйи раҳбарлари томонидан Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармасига, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқ-

армасига етказилиши белгилансин.

7. Олиб борилаётган ишлар юзасидан йил якуни бўйича раҳбариятга ҳисобот тақдим этиш Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси (Ш.Пулатов) ва Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош

бошқармаси (Э. Набиев)га топширилсин.

8. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосарлари Р.Аҳлиддинов ва Ш.Аюповлар зиммасига юклатилсин.

“Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанининг ўқитилиши ва унинг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 7 ноябр 274 - сонли

БУЙРУҚ

8. Барча олий таълим муассасалари ректорларига доимий равишда:

8.1. Вазирликнинг ушбу буйруғи билан тасдиқланган тадбирлар асосида ўз тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда миллий истиқлол ғоясини таълим тизимига жорий қилишнинг долзарб масалаларини кенг муҳокама қилиш;

8.6. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишда таълимнинг интерфаол усуллари ва илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш;

8.8. Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси бўйича дарсдан ташқари пайтларда тарбиявий ишлар мазмунига қатъий эътибор бериш;

8.9. Таълим муассасаларида миллий ғоя тарғиботини кучайтириш мақсадида кичик театр, кино ва турли санъат томошаларини ташкил қилиш;

8.10. Миллий истиқлол ғоясини ўқувчи-ёшларимиз қалби ва онгига синдириш мақсадида фидойи ватандошларимиз, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, олимлар, маънавият-маърифат тарғиботчилари билан учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш ҳамда таълим-тарбиянинг ноанъанавий шаклларида ва мавжуд имкониятлардан (музейлар ва тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш, спорт мусобақалари, турли кўрик-танловлар ташкил этиш каби) илғор хорижий тажрибаларни (Япония, Жанубий Корея ва ҳ.к.) ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш;

8.12. Олий таълим муассасалари раҳбарлари ва улар муовинларининг Миллий истиқлол ғоясини қай даражада ўзлаштирганилиги, дунёқараши ва новаторлигига алоҳида эътибор қаратиш каби вазифалар юклатилсин.

“Олий таълим муассасаларида “Маънавият куни”ни ташкил этиш тўғрисида”ги 2004 йил 19 январ 12-сонли

БУЙРУҚ

Таълим муассасасида талабалар онги ва қалбига ватанпарварлик, ўз халқи ва миллатига садоқат, иймон, диёнат, камтарлик, самимият, адолат, меҳр-шавқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, бағрикенглик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат каби маънавий баркамол инсон фазилатларини синдириш жараёнида турли воситалардан фойдаланилиб келинмоқда. Дарс жараёнида берилган билим орқали талабаларнинг қалбини мунаввар этилмоқда, лекин, дарсдан ташқари олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирларни янада кучайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирларни янада кучайтириш мақсадида жорий йилнинг январ ойидан бошлаб ҳар ойнинг бир куни (душанба ва шанбадан ташқари) “Маънавият куни” деб белгилансин.

1.2. Ҳафталик дарс жадвали қайта кўриб чиқилиб, белгиланган куннинг дарс соатлари ҳисобидан фақат “Маънавият куни” тадбирлари ўтказилсин.

1.3. “Маънавият куни”ни ташкил этишда гуруҳ мураббийларининг фаоллиги таъминлансин.

1.4. “Маънавият куни”нинг мазмунли ва унумли ўтишини таъминлаш учун Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасалари 1-иловага мувофиқ, вилоятлар олий таълим муассасалари эса ўзаро келишган ҳолда ҳар ойнинг бир кунини белгиласинлар.

1.5. “Маънавият куни”да ўтказиладиган тадбирларнинг намунавий режаси 2-иловага асосан (гуруҳларга бириккан олий таълим муассасалари ўзаро келишиб) ишлаб чиқилсин.

1.6. “Маънавият куни” учун режалаштирилган тадбирлар харажатлари олий таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишларга ажратилган бюджетдан ташқари 5 фоизлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

2. Олий таълим муассасасида “Маънавият куни” ҳафтанинг қайси кунига белгиланганлиги ва тасдиқланган тадбирлар режасини жорий йилнинг 27 январигача ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотни ҳар чорак тугайдиган ойнинг 20 санасигача Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармасига тақдим этилсин.

2. Буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

О ваЎМТ вазирининг 2004 й. "19" январдаги
"12" сонли буйруғига 2-илова

Олий таълим муассасалари томонидан "Маънавият куни"да ўтказиладиган тадбирларнинг
намунавий режаси

№	Тадбирнинг номи	Мазмуни
	Кутлуг саналарни нишонлаш	Мустақиллик нашидалари; Тил байрами – дил байрами; Конституция – бахтимиз қомуси; Янги йил; Навоийхонлик, Бобурхонлик «Назм ва наво» мусяқий кеча; Аёл билан мунаввар олам; Навруз – меҳр–мурувват байрами; Хотира ва қадрлаш – бурчимиз; – Талабалик – олтин даврим;
	Республиканинг таниқли, кўзга кўринган кишилари билан учрашувлар ташкил қилиш, баҳс–мунозара, давра суҳбатлари уюштириш	Олимлар, ёзувчилар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, уз касбининг етук мутахассислари, фахрийлар, маҳалла фаоллари ва бошқалар.
	Талабалар! Музейлар Сизга мунтазир	«Ўзбекистон тарихи», «Темурийлар тарихи», «Санъат», «Амалий санъат», «Табиат», А.Навоий номидаги Адабиёт музейларига, Ойбек, Фафур Фулом, Мухтор Ашрафий, Абдулла Қаҳҳор, С.Есенинларнинг уй – музейларига ҳамда «Шаҳидлар майдони» мажмуасига ташриф буюриш.
	Тарихий ва замонавий меъморий обидаларимиз – маънавий бойлигимиз	Республикадаги тарихий меъморий обидалар ва зиёратгоҳларга ҳамда Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолари, Халқлар дустлиги ва Туркiston саройлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Бизнес ва Тошкент биржалар марказлари биноларига экскурсиялар ташкил этиш.
	Меҳр ва мурувват – улут инсоний қадрият	Ёш авлодни меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибалар, эзгу анъаналар, маънавий–маърифий қадриятларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида ёшлар билан кекса фахрийлар ўртасида «Икки авлод учрашуви», «ҳаёт сабоқлари» мавзудидаги тадбирлар ўтказиш. «Меҳр – шавқат», «Меҳрибонлик» уйларига ташриф буюриб моддий ва маънавий ёрдам курсатиш ҳамда тадбирлар уюштириш.
	Театр – тарбия маскани	А.Навоий номидаги опера ва балет, Миллий, Абдор Хидоятлов номидаги драма, Муқимий номидаги музыкали драма, Рус драма, «Илҳом», Ёш гомошабинлар, Оперетта театрларига бориш.
7	Олий укув юрти ҳаёти – раҳбар нигоҳида	Талабаларнинг олий укув юрти раҳбари билан учрашув ва очиқ мулоқотларини ўтказиш
8.	Китоб – билим манбаи	Улуғ мутафаккир шоирлар ҳамда замонавий ёзувчиларимизнинг асарлари мутоаласига бағишланган кечалар уюштириш, улар юзасидан баҳс–мунозаралар ташкил этиш. Президент асарларини чуқур ўзлаштирган

		талабаларни аниқлашга йўналтирилган ва «Энг яхши китобхон» каби танловларни ўтказиш.
9	Миллий истиқлол гоёсини урганишда мультимедияли электрон ўқитиш воситалари	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Вестминстер университети ва бошқа олий ўқув юрглари томонидан Миллий истиқлол гоёси бўйича яратилган мультимедияли электрон ўқитиш воситалари билан талаба-ёшларни яқиндан таништириш ва улар юзасидан давра суҳбатлари уюштириш.
10	Ҳамкорлик – тараққиёт омили	Олий ўқув юрглариаро талабалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали айрим маънавий-маърифий талбирларни биргаликда уюштириш.
11	Инсон – табиатнинг бир булаги	Талабалар орасида экологик тарбияни шакллантириш орқали табиатни муҳофаза қилишда уларнинг фаоллигини ошириш.
12	Зукколик ва билагонлик – ақл ойнаси	«Кувноқлар ва зукколар», Баҳру байт танловлари, лирика кечалари, мушоиралар ташкил этиш.
13	Жаҳон маданияти билан танишув	«Байналминнал» маданият Марказлари фаолияти билан танишини орқали уша мамлакат талаба-ёшлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш.
14	Соғ танда – соғлом ақл	Талабаларнинг Олимпиада, Жаҳон ҳамда Осиё чемпионолари бўлган ватандошларимиз билан учрашувларини ўтказиш. Миллий кураш ва бошқа спорт турлари бўйича тугарақлар иштирокчилари ўртасида мусобақалар уюштириш. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланиб республика спорт мажмуалари («Пахтакор» ва «Динамо» стадионлари, Ўзбекистон Миллий банки ва «Жар» спорткомплекслари, «Юнусобод» ва «Динамо» теннис кортлари, «Юнусобод» ва «Митрофанов» номидаги сузиш ҳавзалари ҳамда вилоятлар марказларидаги стадионлар)да ўтказиладиган анжуманларда талабаларнинг иштирокчини таъминлаш.
15	Гнеҳвандлик, СПИД – давр вабоси	«Барбод бўлган умрлар», «Заҳарли томчи» сингари гнеҳвандликнинг фожияларини намоён этишни спектакларни ёшларга ёшлар ижросида курсатиш.

Изоҳ: Вилоятлардаги ОТМ жойлардаги маданият масканлари ва тарихий ҳамда замонавий меъморий обидаларга ташриф буюришади.

Ушбу режа ОТМ маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректорларининг "Раҳбар" Марказида малака ошириши даврида муҳокамадан ўтган ва маъқулланган.

**О ва ЎМТ вазирининг 2004 й.
"19" январдаги
"12" сонли буйруғига 2-илова
Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим
муассасаларида
"Маънавийт куни"ни ўтказиш жадвали**

1-гурӯҳ (Ойнинг биринчи ҳафтасида)	
1.	Сешанба ЎзМУ
2.	Сешанба ЎзДКонсер-я
3.	Чоршанба ТДУ
4.	Чоршанба 2-ТошТиБи
5.	Пайшанба ТДИУ
6.	Пайшанба ТКТИ
7.	Жума ТАҚИ
2-гурӯҳ (Ойнинг иккинчи ҳафтасида)	
1.	Сешанба ТАТУ
2.	Сешанба ТошМаданИ
3.	Чоршанба ТошЮридИ
4.	Чоршанба ТМИ
5.	Пайшанба ТИҚХМИИ
6.	Пайшанба ТошАграрУ
7.	Жума ТПед-ТиБи

"Меҳр ва мурувват йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 2004 йил 16 феврал 34 -сонли БУЙРУҚ

Президент Ислам Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан 2004 йил 27 январдаги 40-сонли қарори қабул қилиниб, унда қатор мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган "Меҳр ва мурувват йили" дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Шунингдек, дастурнинг асосий устувор мақсади аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам бериш, давлат ва нодавлат ташкилотлари масъулиятини кучайтириш, оила ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳр ва мурувват деган улуг тушунчаларнинг теран маъносини кенг халқ оmmasига тушунтириш, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитни, барқарорликни таъминлашга қаратилгандир.

"Меҳр ва мурувват йили" дастури доирасида махсус мактаб-интернатлар, "Меҳрибонлик" уйлари тарбияланувчилари учун кутубхона фондларини тўлдирish, кам таъминланган ўқувчиларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қишқи кийим билан бепул таъминлаш, Республикадаги 93 та "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернатлар биноларини, 46 та "Мурув-

3-гурӯҳ (Ойнинг учинчи ҳафтасида)

1.	Сешанба ТДПУ
2.	Сешанба Рақс.хореогИ
3.	Чоршанба ТГЕСТИ
4.	Чоршанба ЎзДЖис-тарИ
5.	Пайшанба ЎзДЖТУ
6.	Пайшанба ТДШИ
7.	Жума ТошФармИ

4-гурӯҳ (Ойнинг тўртинчи ҳафтасида)

1.	Сешанба ЖИДУ
2.	Сешанба ТошСағъатИ
3.	Чоршанба ТДАвиаИ
4.	Чоршанба Мил-раселдизИ
5.	Пайшанба ТАИИ
6.	Пайшанба ТошТемйулИ
7.	Жума 1-ТошТиБи

Тошкент шаҳридаги Олий таълим муассасалари театр, музей, тарихий ва замонавий меъморий обидаларга ҳамда турли Марказларга бориш кетма-кетлигига риоя қилиш мақсадида улар учун алоҳида жадвал ишланди.

ват" ва "Саҳоват" уйлариини ҳамда ижтимоий таъминот муассасаларини капитал таъмирдан чиқариш каби мақсадлар ўз аксини топган.

Мазкур тадбирлар юртимизда бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга қаратилган экан, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш мақсадида

БУЙРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги 40-сонли "Меҳр ва мурувват йили" давлат дастури тўғрисидаги қарори асосида Вазирликда ишлаб чиқилган тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги 40-сонли қарори асосида қабул қилинган Давлат дастурини самарали амалга оширишга қаратилган Вазирликнинг тадбирлар режаси ижроси ўз вақтида таъминлансин.

2.2. "Меҳр ва мурувват йили"да кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талаба-ёшларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилсин. Бу тадбирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган харажатлар таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларининг бошқа тушумлари, васийлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ажратилсин.

2.3. Ёш авлодни меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш, бой касбий ва ҳаётий тажрибалар, эзгу

анъаналар, маданий-маърифий қадриятларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида "Соғлом авлод", "Sen yoʻlgʻ iz emassan" жамғармалари билан ҳамкорликда ёшлар билан кекса фахрийлар ўртасида "Икки авлод учрашуви", "ҳаёт сабоқлари", "Меҳр кўзда" мавзuidaги тadbирлар ўтказилсин.

2.4. Республика "Оила" илмий-амалий марказининг "Талаба оиласи" концепциясини ишлаб чиқиш ва унинг асосида ёрдамга муҳтож оиласи бор талабаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини шакллантириш тўғрисидаги таклифидан келиб чиқиб кам таъминланган ёш оилали талабалар ҳар ойда тегишли тартибда пул ва уларнинг болалари мавсумий бошдан оёқ бепул кийим-кечаклар билан таъминлансин.

2.5. Республика "Оила" илмий-амалий марказининг олий таълим муассасаларидаги хотин-қизлар кенгашлари ҳузурда "Оилавий қадриятлар тарғиботи" маркази тузилсин.

2.6. Оталикқа олинган "Меҳрибонлик" уйларида доимий хабар олиб туриш мақсадида 2004 йил режаси ишлаб чиқилсин ва ижроси йил давомида амалга ошириб борилсин.

2.7. Юқорида қайд этилган тadbирларни ташкил этиш ва ўтказишда жамоат ташкилотлари, ишбилармон доиралар, хорижий ҳамкорлар кенг жалб этилсин.

2.8. "Меҳр ва мурувват йили" да амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотни ҳар чорак тугайдиган ойнинг 20 кунидан кечиктирмасдан вазирликка тақдим этиб борилсин.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш мониторинги бўлимига:

Мазкур буйруқни амалга ошириш мониторинги таъминлансин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

5.2. ЎҚУВ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини эълон қилиш тўғрисида"ги 1998 йил 12 январ 7 сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 5 январ 5 сонли "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги Қарорини

ЭЪЛОН ҚИЛАМАН:

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар талабларига, шунингдек таълим, фан-техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. "Давлат таълим стандартлари тўғрисида"ги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси ҳузурда таълимнинг тегишли турлари бўйича Давлат таълим стандартлари лойиҳаларининг ҳуқуқий ва техник экспертизаси бўйича эксперт гуруҳ ташкил этилсин (2-илова).

3. Таълим муассасалари Уставини ишлаб чиқиш тартиби тасдиқлансин (3-илова)

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Фанлар Академияси, Олий аттестация комиссияси билан биргаликда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини ва касб-хунар меҳнати бозори талаб-

ларини ҳисобга олган ҳолда:

- касб-хунар таълим турлари бўйича йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар классификаторини;

- ўрта махсус, касб-хунар таълим ва олий мутахассисларнинг малака тавсифларини;

- таълимнинг тегишли турини тамомлаганлик тўғрисидаги Давлат ҳужжатлари намуналарини икки ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация Маркази, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар билан ҳамкорликда "Давлат таълим стандартлари тўғрисида"ги Низомга мувофиқ таълимнинг тегишли турлари учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқсинлар ва:

- ўрта умумий таълимда 1999-2000 ўқув йилида тугаллаган ҳолда;

- ўрта махсус, касб-хунар таълимида 1999-2000 ўқув йилида тугаллаган ҳолда;

- олий таълимда 1998-1999 ўқув йилида тугаллаган ҳолда босқима-босқич жорий этсинлар.

6. Молия вазирлиги давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича инновация лойиҳаларини Фан ва техника давлат қўмитаси тақдим этадиган ҳисоб-китобларга мувофиқ маблағ билан таъминлашни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сон қарорининг 1, 2 ва 3 бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат

қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклатилсин.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ РАИСИ И. КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 5-сонли "Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва уни тadbик этиш ҳақида"ги Қарорини бажариш мақсадида
Б У Ю Р А М А Н:**

Ушбу қарор бевосита ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институти (С. З. Фуломиддинов) Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (П. Р. Исмагуллаев) ва ўрта махсус, профессионал таълим Бош бошқармаси (Р. К. Ниматов) билан ҳамкорликда икки ой муддат давомида қуйидагиларни ишлаб чиқиш ва тасдиқ учун тақдим этиш топширилсин: профессионал таълим турлари бўйича, йўналишлар, мутахассисликлар ва касб классификатори;

ўрта махсус, профессионал ва олий таълим мутахассисларининг квалификациян таснифномаси.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (П. Р. Исмагуллаев) ва ўрта махсус, профессионал таълим Бош бошқармаси (Р. К. Ниматов) 1998 йил 1 мартга қадар ўрта махсус, профессионал ва олий таълимни битириш ҳақида бериладиган давлат ҳужжатларининг намуналарини ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

4. Давлат стандартлари, намунавий ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич тadbикқа киритиш мақсадида олий таълим бўйича 1998-1999 ўқув йилидан ва ўрта махсус, профессионал таълим бўйича 1999-2000 ўқув

йилидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида альтернатив муваққат ижодий жамоалар ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар (илова 1, илова 2) га мувофиқ ташкил этилсин.

4.1. Қуйидагилар ишчи гуруҳларга юклатилсин:

— альтернатив муваққат ижодий жамоалар фаолиятига илмий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотлар бўйича зарурий материаллар билан таъминлаш;

— давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режа ва дастурлар лойиҳалари экспертизасини ташкил этиш.

4.2. Олий ва ўрта махсус мактаблар муаммолари институти (С. З. Фуломиддинов) га:

— 10 кунлик муддат давомида альтернатив муваққат ижодий жамоаларни ташкил этиш ва тасдиққа тақдим этиш топширилсин;

— альтернатив муваққат ижодий жамоалар билан шартномалар тузишни ташкил этиш топширилсин.

5. Вазир муовини У. А. Усмоновга:

— тузилган шартномаларга мувофиқ альтернатив муваққат ижодий жамоалар ишларини молиявий таъминлаш учун бюджетдан ташқари фонддан зарурий маблағ ажратиш топширилсин;

— альтернатив муваққат ижодий жамоалар зарурий оргтехника (икки шахсий компьютер, лазер ва матричный принтер, ксерокс) билан таъминлансин.

6. Фан ва иқтисодиёт Бош бошқармаси бошлиғи (Ш. А. Бўтаев) Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш бўйича инновацион лойиҳаларини молиявий таъминлаш учун Фан ва техника давлат кўмитасига таклиф билан чиқиш топширилсин.

7. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Фанларни модул тизими бўйича ўқитиш тўғрисидаги 1998 йил 11 март 58-сонли Б У Й Р У Ф И

Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини такомиллаштириш, ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи олий ўқув юртларида талабаларга фанларни Модул тизими бўйича ўқитиш борасида тупланган тажрибаларни республикамиз олий ўқув юртларида қўллашни тажрибадан ўтказиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

...3. ФарДУ, ТошДУ, БухООЕСТИ, ТошДУ ва ТТЕСИ ректорларига:

3.1 Модул тизимини қўллаш мумкин бўлган фанлар аниқлансин ва уларни ўқитишда мантйқий кетма-кетликка амал қилинсин.

3.2 Ўқув режалар ва дастурларга тегишли ўзгартиришлар киритилсин ва профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида улар томонидан бажариладиган ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларнинг бажарилиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарориди қўйилган талабларга мувофиқ олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари тўғрисида"ги 1998 йил 3 август 220 сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг тарихчи олимлар, ёзувчи ва журналистлар билан бўлган суҳбатида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1998 йил 27 июл 315-сонли "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарориди белгиланган вазифаларда келиб чиқиб ва олий ўқув юртларида тарихчи кадрларни, хусусан, "Ўзбекистон тарихи" бўйича тайёрланаётган мутахассисларни янги талаблар асосида ўқитишни ташкил этиш, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, ўзбек халқи этногенезиси масалаларини чуқур илмий тадқиқ этиш ва улар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, ёшларни мустақиллик мафқураси билан суғорилган янги ва объектив билимлар билан қуроллантириш мақсадида

БУЙРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижро учун қабул қилинсин ва "Ўзбекистон тарихи" бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юртларининг бош масалаларидан бири этиб белгилансин.

2. ТошДУ, ТошДПУ ва ТошДШИ ректорларига:

...2.2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси билан биргаликда олий ўқув юртларининг "Тарих" таълим йўналишининг 2 ва 3 курсларида тахсил кўраётган талабалар сафидан иқтидорларини танлаб олиш, уларни ТошДУ, ТошДПУ ва ТошДШИнинг Тарих факультетларида "Ўзбекистон тарихи" бўйича мақсадли тайёрлашни ташкил этиш ҳамда талабаларига манбашунослик, этнография, археология, антропология ва бошқа ноёб ихтисосликлар, шунингдек, араб, форс, инглиз ва бошқа тилларни ўргатиш бўйича янги услубларни ишлаб чиқиш, маъруза ўқишга юқори малакали йирик тарихчи-олимларни кенг жалб этиш вазифалари юклатилсин.

2.3. Махсус гуруҳлар талабаларининг ўқув амалиётини ўтказишни тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан мувофиқлаштириш топширилсин.

3. Фан ва иқтисодиёт Бош бошқармаси (Бўтаев Ш.О.)га:

3.1. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон тарихи" бўйича диссертация ишларига қўйиладиган талаблар меъзони олий ўқув

юртлари аспирант ва докторантларига ҳамда уларнинг илмий раҳбарларига етказишни таъминлаш топширилсин.

3.2. Янги талаб ва вазифаларга мувофиқ "Ўзбекистон тарихи" соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг мавзулари қайта кўриб чиқилсин ва зарурий ҳолларда уларга ўзгартиришлар киритилсин.

3.3. Янги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, "Тарих" мутахассислигини имтиёзли диплом билан тугатганларни аспирантурага кенг жалб этиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш, аспирантура ва докторантурага қабул режаларини ошириш топширилсин.

3.5. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб, барча мутахассисликлар бўйича, хусусан, "Тарих" бўйича белгиланган муддатга ёки ундан эртароқ ҳимоя қилган аспирант ва докторантларни 5 та стипендия миқдорида, ҳамда уларнинг илмий раҳбарларини 5 ойлик маош миқдорида моддий рағбатлантириш бюджетдан ташқари тушган маблағ ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (Саидов М. Ҳ.)га:

5.1. Аспирант ва докторантларга ахборот ва илмий манбалардан кенг фойдаланишлари учун зарурий имкониятлар яратиш мақсадида, олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари тушган маблағлари ҳисобидан ҳар бир аспирант учун бир йилда 2-3 мартагача республика ҳудудида илмий сафарга боришини таъминловчи маблағ ажратиш бўйича таклиф киритсин.

6. Олий ва Ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Ғуломиддинов С. З.)га:

6.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг мазкур қарорига мувофиқ Олий таълимнинг йўналшлар ва мутахассисликлар Классификаторини қайта кўриб чиқиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

6.4. Кутубхоналараро абонент фаолияти ва янги адабиётлар рўйхати (каталог)ни қайта тиклаш, адабиётлар ва ахборотлар билан таъминлаш бўйича Интернет алоқасини йўлга қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш юклатилсин.

9. Олий ўқув юртлари ректорларига:

9.1. Тарих соҳасидаги диссертация ишлари ва илмий тадқиқотлар мавзулари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг Қарориди белгиланган вазифалар ва устивор илмий йўналишлар ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилсин.

9.2. Олий ўқув юртларининг "Тарих" факультетлари қошида эски ўзбек тили, араб, форс ва бошқа хорижий тилларни ҳамда эски ноёб қўлёз-

маларни ўрганиш тўғараклари ташкил этилсин.

9.3. Тарих, археология ва шу каби фанлардан талабаларнинг ўқув амалиётини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уни мамлакатимизда олиб борилаётган йирик илмий экспедициялар ва археологик қазилмалар фаолияти билан уйғунлаштирилсин.

9.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорининг 10 бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг архиви ва "Ўзбошархив", ФА Тарих институти ва шу қарор доирасида фаолият кўрсатаётган илмий тузилмалар учун зарур тарихий ҳужжатлардан фойдаланишга имконият яратишга тегишли кўрсатма берилганлиги тарих соҳасида изланишлар олиб бораётган мутахассис-олимлар, аспирант ва докторантлар эътиборига етказилсин.

9.5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабаларига мувофиқ олий таълим тизимининг тарихга тааллуқли йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар, айниқса, магистр ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти ва минтақавий бўлимларининг илмий-педагогик салоҳиятидан кенг фойдаланишга эришиш, Фанлар Академиясининг тегишли илмий муассасалари билан бевосита илмий ва ижодий ҳамкорликни ўргатиш, уларда педагогик ва илмий-тадқиқот жараёнларини уйғунлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилсин.

9.6. Профессор-ўқитувчилар, мутахассис-олимлар, аспирант ва докторантларни тарихимизнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалари билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти томонидан нашр этиладиган "Ўзбекистон тарихи" илмий журналида фаол иштирок этишини таъ-

минлаш юклатилсин.

9.7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти илмий салоҳиятини ёш ва истеъдодли, замонавий фикрловчи олимлар билан тўлдиришга ёрдам бериш мақсадида аспирантура ва докторантуранга тугатган малакали мутахассисларни белгиланган тартибда ишга жойлаштириш учун, тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш топширилсин.

9.8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти томонидан мунтазам равишда ўтказилиши режалаштирилган "Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи" Республика илмий семинари ишида ўқув юртларининг тарихчи-олимлари, аспирант ва докторантларининг фаол иштироки таъминлансин.

9.9. Вазирликнинг "Ўзбекистон тарихи"ни ўрганиш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш марказини тузиш тўғрисида"ги буйруғи (1998 йил 7 июль 172 сонли) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ва олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари" семинар-кенгашининг мажлис баёни (1998 йил 5 август) да қайд этилган топшириқлар инobatта олинсин ва уларни амалга ошириш таъминлансин.

9.10. Буйруқнинг бажарилиши бўйича батафсил ахборот ҳар йилнинг январь ва июль ойларида Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига тақдим этилсин.

10. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Х.)га:

10.1. "Ўзбекистон тарихи" бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнини мунтазам равишда назорат этиб бориш ва услубий ёрдам кўрсатиш юклатилсин.

11. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазирнинг биринчи ўринбосари Р. И. Холмуродов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Республика Президенти Ислоҳ Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" мавзусидаги суҳбати материалларини ўқув юртларида ўрганиш тўғрисида"ги
1998 йил 27 август 238 сонли

Б У Й Р У Ё И

Мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда Ўзбекистон тарихини ўрганиш билан боғлиқ масалалар юзасидан илгари сурилган гоялар, қўтарилган масалалар ва муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар бу соҳада фаолият кўрсатувчи муассасалар, ташкилотлар, илмий ходимлар ва бутун халқимиз учун муҳим дастурамал бўлди. Президентимиз ўз суҳбатида Ўзбекистонда тарих фани тараққиётининг янги йўналишларини белгилаб берди. Миллий тарихимизни ўрганишнинг янги тамойилларга асосланган йўл-йўриқлари бўйича илгор гоялар-

ни илгари сурди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва унда (Ислоҳ Каримов, "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", Тошкент, "Шарқ" нашриёт-матбаа бош таҳририяти, 1998 йил) мавзусидаги суҳбати материалларини талаба-ўқувчиларга ўқитиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

Бугунги кунда талабаларни замонавий ахборот технологиялари, хусусан Интернет билан ишлашга кенг қўламда ўқитиш ва уларда мустақам амалий кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда Интернет орқали ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш, янги билимларни мустақил эгаллай олиш ва келажакда меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қилишга ўргатиш каби муҳим вазифалар олий таълим тизими олдидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

Ушбу устувор вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. 2003/2004 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларининг бакалавриатида "Информатика" ва магистратурасида "Ахборот технологиялари" фанларидан якуний назорат ўтказишда талабаларнинг Интернет тармоғида ишлаш ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини аниқловчи махсус синов киритилсин.

Белгилаб қўйилсинки, олий таълим муассасасининг ҳар бир талабаси мустақил тарзда Интернетдан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозим.

"Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида янги бакалавриатура йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ташкил этиш тўғрисида"ги 2004 йил 24 феврал 2/5-сонли ҚАРОРИ

Республика Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва вазирликнинг бу борадаги тегишли кўрсатмалари ўқув-таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) кенг жорий этиш ҳамда халқаро ахборот-таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни маҳаллий ресурслар билан уйғунлаштириш йўналишида муносиб замин яратади.

Республика Олий таълим муассасаларида таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ривожлантириш бўйича вазифалар аниқланиб ахборотлаштириш

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. Бир ой муддатда "Информатика" ва "Ахборот технологиялари" фанларини ўқитишда талабаларни Интернет билан мустақил ишлашга ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишга ўргатиш учун зарур ташкилий тайёргарлик ишлари амалга оширилсин.

2.2. "Информатика" ва "Ахборот технологиялари" фанларининг қайта кўриб чиқилган ва такмиллаштирилган ўқув дастурларига мувофиқ талабаларнинг Интернет билан мустақил ишлашга ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларини аниқлаш учун белгиланган махсус синов олий таълим муассасасининг интернет синфларида ўқув жараёни жадвалида белгиланган муддатларда ўтказилсин.

2.3. Бакалаврият ва магистратурани 2003-2004 ўқув йилида битираётган барча талабаларга интернет тармоғида мустақил ишлашни ўргатиш учун қисқа муддатли курслар ташкил этилсин ва ушбу курслар якунида ҳар бир битирувчида зарур бўлган амалий кўникмаларнинг ҳосил бўлиши таъминлансин.

2.4. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб, битирув малакавий ишлари ва магистрик диссертацияларини тайёрлаш пайтида талабалар томонидан интернет алоқа ахборот ресурслари (ўқув ва илмий адабиётлар, турли ахборотлари) дан фойдаланиш мажбурий талаб сифатида жорий этилсин ва ушбу талаб ҳар бир битирувчига етказилсин.

2.5. Талабаларни интернет тармоғида ишлашга ўргатиш борасида амалга оширилган ташкилий-тайёргарлик ишлар ҳақида дастлабки ахборот 2004 йилнинг 20 мартига қадар Олий ўқув юртлири бош бошқармасига тақдим этилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

бўйича ишлар тез суръатларда олиб борилмоқда.

АКТларининг кенг этилаётганлиги ҳамда республикаимизда ахборотлаштирилган жамиятни шакллантирилиши боис иқтисодийётнинг барча тармоқларида АКТ соҳасидаги компьютер дастурчилари, объектларда ахборот ҳавфсизлигини таъминловчи ҳамда электрон тижоратни ривожлантирувчи мутахассисларга нисбатан эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда. Ушбу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари Комплексининг 2004 йил 16 январдаги йиғилиши қарори ҳамда Президентимизнинг 2004 йил 7 февралдаги 2003 йил якунларига бағишланган маърузаларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган эди.

АКТ соҳасида республика ОТМларида тайёрланаётган кадрлар халқаро талаблар ва таълим стандартларига жавоб бера олувчи ўқув дастурлари асосида ҳамда ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, ривожланган ва нуфузли хорижий таълим муассасаларида кенг йўлга қўйилган йўналишлар ва мутахассисликларга ("Компьютер илмлари", "Компьютер муҳандислиги", "Ахборот ҳавфсизлиги", "Электрон тижорат", "Компьютер дизайни", "Коммуникация ва медиа", "Роботлар ва робототехник тизимлар") уйғунлашган ҳолда тайёрланишини таъминлаш ўта долзарб масалалардан ҳисобланали.

Ҳозирда таълим жараёнига электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар кенг кириб бормоқда. Давлат тилида, замон талабларига жавоб бера оладиган электрон дарсликларни тайёрлашда фақатгина компьютер дастурчиси эмас балки, мутахассис-педагогнинг ҳам фаол иштирок этиши талаб этилади. Шу боис, таълимда ахборот технологиялари бўйича кадрлар тайёрлашга киришиш лозим.

Умумтаълим мактаблари ўқув режасида "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" фанига 102 соат, академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида эса "Информатика" фанига 120 соат ажратилган. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида шунингдек 40 соатлик "Ахборот технологиялари" фани ўқитилади. Ушбу ажратилган 262 соат доирасида замонавий билимларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш мушкул. Давр талабидан келиб чиқиб, информатикага оид фанларни (умумтаълим мактаблари ўқув режасидаги "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари", ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги "Информатика", "Ахборот технологиялари") номланишини ягона "Информатика ва ахборот технологиялари" деб юритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бир қаторда мавжуд ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳам лозим.

Таълимда ахборот технологияларини кенг жорий этишда келажақда қилиниши зарур бўлган ишларни қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Таълимда ахборот технологиялари соҳасида педагог кадрлар тайёрлашни ривожлантириш:

Таълим йўналишлари классификаторида "Ахборот технологиялари" фани ўқитувчиларини тайёрлаш 140000-ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фанлари билимлар соҳасида назарда тутилмаганлиги боис янги - "Таълимда ахборот технологиялари" йўналиши бўйича педагог кадрлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ, чунки мавжуд "Математика-информатика" йўналиши ва "Информатика" ихтисослиги бўйича тайёрланаётган кадрлар билан ахборот технологиялари соҳасидаги талабларни тўла таъминлаш имконияти етарли эмас.

Замонавий ахборот технологиялари асосида

дарс берувчи малакали педагогларни тайёрлашни кенгайтириш мақсадида педагогика олий ўқув юртлири бакалаврият йўналишларида ахборот технологияларига оид махсус курсларнинг ўқув режасига киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бу курсларда ахборот технологияларидан фойдаланиб, умумтаълим фанларни (математика, физика, кимё, биология ва ҳоказо) ўқитиш бўйича билимлар берилиши зарур. Бундан ташқари педагогика олий ўқув юртлирининг юқори курсларида ўқитиладиган "Математика ўқитиш методикаси", "Физика ва астрономия ўқитиш методикаси", "Кимё ўқитиш методикаси", "Биология ўқитиш методикаси" каби ўқитиш методикасига оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш лозим ва уларга шу фанларни ўқитишда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан боғлиқ мавзуларини кириштиш зарур.

2. Компьютер ва ахборот технологиялари бўйича амалдаги ўқув режалари ва дастурларни такомиллаштириш:

Таълим йўналишлари ўқув режалари ва дастурларида ахборот технологияларига оид замонавий фанлар ва мавзулар ўқитилишига етарли эътибор қаратиш зарур. Республиканинг педагогик олий ўқув юртлирида "Математика-информатика" бакалаврият йўналишида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун ахборот технологиялари бўйича педагог кадрлар тайёрланади. Информатикага оид фанлар мазкур йўналиш бўйича умумий юкланининг атиги 7,4% ни ташкил қилиши умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг замонавий билимларга эга бўлган информатика фани ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларини тўла қоплай олмайди (1-илова). Ушбу муаммо АКТ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг аксарият йўналишлари ва мутахассисликларида ҳам мавжуд бўлиб, юқорида санаб ўтилган янги йўналишлар ва мутахассисликларнинг ўқув режалари ва дастурларини тузишда бу масалага жиждий эътибор берилиши лозимдир.

Бакалаврият ва магистратура босқичларида компьютер ва ахборот технологиялари бўйича амалдаги фан дастурларининг мазмунини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг АСМ, IEEE, IFIP, Massachusets технология институти, Сингапур миллий университети, Стенфорд ва Гарвард университетларининг иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш лозим.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, Вазирлик Ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Ахборот технологиялари соҳасида янги йўналишлар ва мутахассисликлар ташкил этиш тўғрисида"ги масала юзасидан Б.Қодиров ва А.Абдуллаевларнинг маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ахборот технологиялари соҳасида янги

йўналишлар ва мутахассисликлар очиш борасида тегишли таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 3-иловага мувофиқ ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

3. Ишчи гуруҳ (А.Абдуллаев)га: 2004 йил 20 мартгача Ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилиши лозим бўлган янги йўналишлар ва мутахассисликлар ҳамда ушбу соҳала кадрлар тайёрлаш борасида старли даражада илмий, услубий ва кадрлар салоҳиятига эга бўлган республикадаги ОТМлари рўйхати аниқлансин.

4. Педагогика йўналишидаги ОТМлари ректорларига: 2004 йил 1 апрелгача "Ўқитиш методикаси" фанлари ўқув дастурига замонавий ахборот технологияларига оид қўшимча мавзулар мазкур қарордаги 2-иловага мувофиқ киритилсин ва тегишли тақриздан ўтказиб белгиланган тартибда тасдиқлансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

Вазирлик ҳайъатининг
2004 йил 24 февралдаги №2/5–сонли
қарорига 1–илова

140 000–ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фанлари билимлар соҳаси бўйича ахборот технологияларига оид фанларга ажратилган юкламалар ҳақида

МАЪЛУМОТ

5140100–«Математика–информатика» бакалавриат йўналиши бўйича:

№	Ўқув режасидаги фаннинг номи	Умумий юкламага нисбатан ажратилган соат(7344)дан		Умум касбий фанларга нисбатан ажратилган соат(4860)дан	
		соат ҳисобида	% ҳисобида	соат ҳисобида	% ҳисобида
1.	Информатика ва ахборот технологиялари	312	4,2	312	8,8
2.	Математик дастурлаш	57	0,8	57	1,6
3.	Сонли усуллар	57	0,8	57	1,6
4.	Информатика ўқитиш методикаси	114	1,5	114	3,2
	ЖАМИ:	540	7,4	540	15,2

Бакалавриат йўналишлари бўйича:

№	Ўқув режасидаги фаннинг номи	Умумий юкламага нисбатан ажратилган соат (7344) дан		Математик ва табиий фанларга нисбатан ажратилган соат(1141)дан	
		соат ҳисобида	% ҳисобида	соат ҳисобида	% ҳисобида
1.	Информатика ва ахборот технологиялари	199	2,7	199	17,4
	ЖАМИ:	199	2,7	199	17,4

Магистратура ихтисосликлари бўйича:

№	Ўқув режасидаги фаннинг номи	Умумий юкламага нисбатан ажратилган соат (4212) дан		Умум методологик фанларга нисбатан ажратилган соат(723)дан	
		соат ҳисобида	% ҳисобида	соат ҳисобида	% ҳисобида
1.	Ахборот технологиялари	120	2,8	120	16,6
	ЖАМИ:	120	2,8	120	16,6

**Вазирлик ҳайъатининг
2004 йил 24 февралдаги №2/5-сонли
қарорига 2-илова**

**Ўқитиш методикаси фанлари дастурларига
қўшимча мавзулар**

Ўқитиш методлари бўлимига: Дастурий ўқитиш. Муаммоли-дастурий ўқитиш имкониятлари. Тармоқланган ва чизиқли ўқув дастурлар, уларни яратиш методикаси ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Билимларни ўзлаштириш ва баҳолаш натижаларини назорат қилувчи дастур.

Алгоритмик ўқитиш. Алгоритм тушунчаси (қонуи-қондалари, тамойиллари), ўқув лаборатория машғулотида алгоритмик ўқитиш ва алгоритмик амалиётни ташкил қилиш. Илмий изланишларни режалаштирувчи ва тажриба натижаларини қайта ишловчи алгоритмлар. Ўқитишда машқ ва масалалар.

Таълим жараёнини компьютерлаштириш. Компьютер ўқитиш услубиётида дастурий ва алгоритмик ўқитиш методларидан фойдаланиш. Назорат қилувчи компьютер дастурлари.

Таълимнинг узлуксизлиги. Мустақил ўрганиш ва таълим олишни ривожлантириш методикаси.

Таълимнинг ташкилий шакллари бўлимига: Синфдан ташқари билим фаолиятни ташкил қилиш ва ўтказишда компьютернинг роли. Ўқитувчининг ўрнини босишда компьютер имкониятлари: камчиликлари ва афзалликлари. Компьютер ўқув қўлланмалари, уларни яратиш методикаси.

Таълим воситалари бўлимига: Таълимдаги замонавий компьютер-техник воситалар, уларнинг турлари. Жалваллар, график ва фотосуратлар ҳамда шу каби бошқа кўргазмали ўқув қуроллари таълим воситаси сифатида.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолиятини оширишда таълимнинг техник воситаларидан фойдаланиш йўллари. Техник воситаларнинг дидактик имкониятлари ва уларни қўллаш самардорлигини баҳолаш.

Компьютер илмий изланиш ва таълим воситаси сифатида. Амалий машғулот ва лаборатория машғулотларини ўтказишда компьютердан фойдаланиш. Мустақил таълим олишда компьютернинг роли. Телевидение ва "Интернет" тармоғи орқали таълим олиш: афзалликлари ва камчиликлари.

Ўзлаштиришни назорат қилиш бўлимига: Назорат қилишнинг техник воситалари. Билим ўзлаштиришда компьютер назорати.

**Вазирлик ҳайъатининг
2004 йил 24 февралдаги №2/5-сонли
қарорига 3-илова**

**Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида янги йўналишлар
ва мутахассисликлар ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари**

№	Ф.И.Ш.	Асосий иш жойи	Эслатма
1	А.Абдуллаев	АТ ва МУ бошқармаси бошлиғи	Гуруҳ раҳбари
2	Р.Файзиев	ОУМММ институти, директор уринбосари	
3	С.Каримов	Маркетинг хизмати маркази, бошлиқ уринбосари	
4	У.Бегимқулов	ТДПУ илмий ишлар ва АТ бўйича проректори	
5	Ш.Нуриддинов	ОПИ директори уринбосари	
6	Н.Мамбетов	ТАТУ, ўқув бўлими бошлиғи	
7	А.Ёқубов	ТДТУ, тест маркази раҳбари	
8	А.Бегматов	СамДУ декани	

**«Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги
2004 йил 26 март 79-сонли
БУЙРУҒИ**

Олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни мунтазам ва юқори даражада ўтказиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичида ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади. 2003 йилда ўтказилган иқтисод кафедралари мудирларининг аттестацияси натижалари, мазкур кафедраларда олиб борилаётган ўқув, услубий ва илмий ишлар республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан орқада қолаётганлигини кўрсатди. Ўтказилган таҳлиллар, бошқа умумқасбий ва ихтисослик фанлари кафедраларида ҳам, аҳвол шунга ўхшашлигини кўрсатмоқда. Айрим профессор-ўқитувчилар ўз лекцияларини соҳалардаги сўнгги илмий-техник янгиликлардан беҳабар ҳолда 20-30 йил муқаддам нашр этилган адабиётлардан фойдаланиб, эскирган маълумотлар асосида ўқиётганликлари ачинарли ҳолдир.

Республика олий таълим муассасаларида таниқли профессор-ўқитувчилар ва олимларнинг очиқ лекциялари кам ўтказилмоқда, ўтказилаётган очиқ лекцияларнинг савияси, илмий-услубий сифатлари эса, талаб даражасида эмас. Натижада, очиқ лекцияларнинг таълим сифатини ошириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашдаги роли ва аҳамияти пасайиб кетмоқда.

Фан ва ишлаб чиқаришдаги энг сўнгги ютуқ ва янгиликлар асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда лекцияларни тайёрлаш ва ўтказиш, олий таълим муассасаларида ёш педагог кадрларнинг касбий маҳоратини мунтазам ошириш, таълим сифатини кўтариш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. "Олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом" 1-иловага мувофиқ, очиқ лекцияларни ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Олий аттестация комиссияси, Давлат теег маркази, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларга маълумот учун юборилсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. Бир ҳафта муддатда "Олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида Низом" барча кафедраларга етказилсин, педагогик жамоаларда ўрганиб чиқилсин ва ўқув жараёнига тадбиқ этилсин.

2.2. Кафедралар бўйича профессор-ўқитувчиларнинг очиқ лекцияларини ўтказиш жадвали 2004/2005 ўқув йили кузги семестри учун ишлаб чиқилсин ва жорий йилнинг 25 августига қадар Олий ўқув юртлари бош бошқармасига тақдим этилсин.

2.3. Очиқ лекцияларда тегишли фан соҳаси бўйича етакчи олимлар ва ишлаб чиқаришдаги юқори малакали мутахассисларнинг эксперт сифатида иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

2.4. Очиқ лекцияларнинг илмий-услубий савияси, уларга берилган эксперт баҳолари кафедраларда, факультетларнинг илмий-услубий кенгашларида ҳамда олий таълим муассасаси Илмий кенгашида кенг ва атрофлича муҳокама этиб берилсин.

2.5. Юқори баҳоланган очиқ лекциялар матнлари ва уларнинг электрон версиялари олий таълим муассасалари кутубхоналарига етказилсин.

3. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (А.Каримов)га:

3.1. Очиқ лекцияларни ўтказиш жадвалларига мувофиқ, уларнинг ижроси ва муҳокамалари бўйича мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилсин.

3.2. Очиқ лекцияларда Вазирлик масъул ходимларининг иштирокини режалаштириш ва таъминлаш топширилсин.

3.3. Олий таълим муассасаларида ўтказилаётган очиқ лекцияларнинг таълим сифатини оширишга бўлган таъсири, мунтазам таҳлил этилсин ва натижалари йилига икки марта (ҳар семестр якунида) ҳайъат мажлиси муҳокамасига киритилсин.

4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг
2004 йил 26 мартдаги
79-сон буйруғига 1-илова**

**Олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Умумий қондалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги қонуниларига му-

вофиқ ишлаб чиқилган ва унда олий таълим муассасаларида очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланган.

1.2. Муайян фан бўйича ўқув дастурдаги мав-

зуни талабалар, шунингдек, шу мавзуга қизиқиш билдирган ва махсус таклиф этилган профессор-ўқитувчилар, олим ва мутахассислар аудиториясида лекция шаклида ўтказиладиган дарслар очик лекциялар, деб аталади.

1.3. Очик лекцияларни ўтказишдан мақсад, профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялар соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлар билан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда лекцияларни тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш.

1.4. Очик лекцияларни ўтказиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабаларга фандаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни етказиш;

- таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

- илмий-услубий жиҳатдан етук лекцияларни тарғибот этиш;

- ёш ва бўлажак педагог кадрларнинг касб маҳоратини ошириш;

- илмий унвонларга эга бўлган профессор-ўқитувчиларни, ўз касбий маҳоратини ошириш устида мунтазам ишлашларини таъминлаш ва уларда ўқув жараёнидаги масъулиятни ошириш;
- юқори савиядаги лекция муаллифларини рағбатлантириш ва тақдирлаш.

1.5. Очик лекциялар, одатда, ўз соҳаси бўйича таниқли ёки илмий мактаб яратган, илмий даража ва унвонларга эга бўлган тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўтказилади.

1.6. Олий таълим муассасаларида профессор ва доцент илмий унвонларига ўрнатилган тартибда даъвогарлик қилаётган педагог кадрлар учун очик лекцияларни ўтказиш мажбурий ҳисобланади.

1.7. Очик лекцияларни ўтказиш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малага ошириш шаклига киради.

2. Очик лекцияларни ташкил этиш тартиби

2.1. Олий таълим муассасаларида очик лекциялар ўқув режадаги барча фанлардан ўтказилиши мумкин. Умумқасбий ва ихтисослик фанларидан ўтказиладиган очик лекцияларга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади.

2.2. Очик лекцияни ўтказиш тўғрисидаги таклиф профессор, доцент ёки айрим ҳолларда катта ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, шунингдек, профессор ва доцент илмий унвонларига даъвогарлик қилаётган педагог кадрлар томонидан ўқув семестри бошланишига қадар кафедра мудирига маълум қилинади. Таклифда ўқув семестри мобайнида

ўқув режадаги муайян фан, мавзу, талабалар курси ва академик гуруҳлари, шунингдек, дарслар жадвалига мувофиқ очик лекция ўтказиладиган кун, жой ва вақт кўрсатилади.

2.3. Кафедра мудир, очик лекцияга таклиф этилиши мумкин бўлган тажрибали педагоглар етакчи олим ва юқори малакали мутахассислар (ташқи экспертлар) рўйхатини тузади ҳамда белгиланган жадвал шаклида очик лекцияга оид зарур маълумотларни олий таълим муассасаси ўқув ишлари бўйича проректорга топширади.

2.4. Очик лекцияларни ўтказиш тўғрисидаги кафедралар таклифлари, олий таълим муассасаси бўйича умумлаштирилиб, ректор томонидан тасдиқланади ва ўқув семестри бошида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига маълумот учун тақдим этилади.

2.5. Очик лекциянинг матни (ёки унинг қисқа мазмуни - тезислари), аввалдан ўрнатилган тартибда барча талаба ва таклиф этилганлар (экспертлар)га тарқатилган бўлиши шарт.

2.6. Очик лекция, одатда, икки академик соатга мўлжалланади. Лектор, савол ва жавоблар учун, камида 5 дақиқа вақт заҳирасига эга бўлиши тавсия қилинади.

2.7. Лекция мавзуси, услуби, техник воситалари лектор томонидан ихтиёрий танланади.

3. Очик лекцияларни эълон қилиш

3.1. Очик лекция ўтказилиши ҳақидаги ахборот, олий таълим муассасасида мавжуд бўлган оммавий ахборот воситалари орқали бир ҳафта олдин эълон қилинади. Эълонда очик лекция мавзуси, лекторнинг фамилияси, исми-шарифи, илмий даражаси ва унвони ҳамда лекцияни ўтказиш кuni, жойи ва вақти кўрсатилади.

3.2. Очик лекцияга бошқа олий таълим муассасаларидаги турдош кафедраларининг тажрибали профессор-ўқитувчилари, ишлаб чиқаришнинг тегишли соҳаларида фаолият юритаётган илғор корхоналар, айниқса, қўшма корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари, илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда мутасадди давлат органлари - Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Олий аттестация комиссияси, Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг вакиллари, лекция ўтказилишидан икки ҳафта олдин, ёзма равишда таклиф этиладилар.

Очик лекцияга олий таълим муассасасининг Васийлик кенгаши аъзолари ҳам, ўрнатилган тартибда таклиф этилади.

3.3. Очик лекцияда, лекцияни ташкил этаётган кафедранинг ёш педагоглари, магистрант ва аспирантларининг қатнашиши мажбурий ҳисобланади.

4. Очик лекциялар муҳокамасини уюштириш.

4.1. Очик лекциянинг мазмун-моҳияти ва

илмий-услубий савияси бўйича муҳокамаи лекциядан сўнг, кафедрада давом эттирилади. Очiq лекциянинг муҳокамаи кафедра мажлислари баённомасида қайд этилади.

4.2. Очiq лекция ҳақидаги ташқи тақриз ва фикр-мулоҳазалар, ёзма равишда олий таълим муассасаси ректорига юборилади ва матбуот орқали эълон қилиниши мумкин.

4.3. Очiq лекцияни баҳолашда Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Олий аттестация комиссияси, илгор технологиялар жорий этилган йирик корхоналар, Давлат тест маркази таркибдаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси мутахассисларининг тақризлари асосий ҳисобланади.

4.4. Очiq лекцияларни муҳокама қилишга бағишланган кафедра мажлиси қарорларининг нусхалари таҳлил учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилади.

5. Очiq лекциялар муаллифларини рағбатлантириш.

5.1. Профессор-ўқитувчиларнинг муваффақият билан ўтказган очiq лекциялари, уларни ўрнатилган тартибда моддий ва маънавий рағбатлантиришда инобатга олинади.

5.2. Профессор-ўқитувчилар томонидан муваффақиятли ўтказилган очiq лекциялар, уларни рейтингини аниқлаш, малака ошириш курсларига жалб этиш ва аттестациядан ўтказишда инобатга олинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2004 йил 26 мартдаги
79 сон буйруғига

2-илова

да очiq лекциялар ўтказиш

ОТМ номи

Жадвали

№	Кафедра ва фан номи	Лекция мавзуси	Лекция муаллифи, илмий даража ва унвони	Тақлиф этилган ташқи экспертлар, лавозими, иш жойи	Лекция утадиган академик гуруҳ, кун, жой ва вақт
1	2	3	4	5	6

Ректор имзоси

5.3. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат jisмоний тарбия ва спорт қўмиталарининг "Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш тўғрисида"ги 1998 йил 2 июн 107/151/501 сонли ҚўШМА БУЙРУҒИ

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш ва таълим-тарбия жараёнини давр талаби даражасида ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМИЗ:

1. Тошкент давлат университети (Т.Долимов), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (Б.Қодиров), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ж.Буранов), Ўзбекистон давлат jisмоний тарбия институти (А.Хамроқулов) раҳбариятига:

Тошкент шаҳар таълим муассасаларига узоқ муддатли педагогик амалиёт ва мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотларни ўтиш учун юборилган талабаларни белгиланган тартибда, индивидуал таълим режасига ўтказиш, ишчи ўқув режаларига, белгиланган муддатларга тегишли, ўзгартиришлар киритиш, режадаги фанлар дастурларининг бажарилишини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирларни кўриш, шунингдек ҳафтасига камида 2 кун ўқув юртларида ўқишни давом эттириш назарда тутилсин.

...1.5. Таъкидлансинки олий ўқув юртлари ва талабалари ўз зиммасига олган мажбуриятлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолинади.

...4.2. Узоқ муддатли педагогик амалиётта юборилган талабаларни ўз мутахассисликлари

бўйича бир ставкагача иш билан таъминлаб, уларга ойлик маош тайинлаш масаласи ҳал этилсин.

Талабаларни белгиланган таълим муассасалари маъмурияти томонидан ишга қабул қилиниши алоҳида назоратга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий мактабнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 1998 йил 30 октябр 305 сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда (1998 йил 20 октябр № 07/108-83), биринчи босқич тадбирларининг бажарилишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЛАКАВИЙ АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган

1. Умумий қондалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиётини ўтказиш шакллари, тартиби ва услублари белгиланган.

1.1. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти - илғор корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади.

Талабалар амалиёти бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанларининг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқиш жараёнининг бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган давомидир.

Малакавий амалиётлар бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари давлат таълим стандартларида (ДТС) кўзда тутилган турли шаклларда ташкил қилинади.

Олий таълим муассасаси таълим йўналишларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, кадрлар буюртмачилари талабларига биноан, илмий кенгаш қарорига мувофиқ амалиётнинг бошқа турларини киритиш ҳуқуқига эга.

1.2. Ҳар бир амалиётнинг мақсади, муддати ва мазмуни ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланган.

1.3. Амалиёт дастурлари танланган йўналиш (ихтисослик) нинг малакавий талаблари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг (бундан буён - амалиёт объектлари) тавсифи ҳисобга олинган ҳолда тегишли ўқув муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва уларни олий ўқув юртлари

4.3. Дарс жадвалини тузишда талабаларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, белгиланган кунларда, ҳафтасига камида 2 кун ўқув машғулотларида иштирок этишини таъминлаш назарда тутилсин.

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига қадар, меъёрий ҳужжатлар тасдиқлансин ва амалда қўлланишга киритилсин:

...Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида Намунавий Низом (Илова 5)...

ректорлари тасдиқлайди.

2. Амалиётни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик

2.1. Талабалар амалиёти олий таълим муассасаларининг давлат ва акциядорлик корхоналари, муассаса, ташкилот, фирма, қўшма корхоналар ва бошқалар билан тузган шартномалари асосида ташкил қилинади.

2.2. Юридик шахслар билан тузилган контракт асосида ўқийдиган талабалар амалиёт ўтиш учун тегишли амалиёт объектларига юбориладилар.

2.3. Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик олий ўқув юртининг ректори зиммасига юкланади.

2.4. Амалиёт жойлари, талабаларнинг катта гуруҳлари ўтишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасаси яқинида жойлашган амалиёт объектларидан танланади.

Мазкур таянч жойда талабалар амалиёт ўтадиган корхона йўқ бўлса, амалиёт объектлари сифатида олий таълим муассасасига яқин жойлашган корхоналардан фойдаланилади.

Икки томонлама битимлар асосида амалиётни хорижий давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўтиш мумкин.

2.5. Олий ўқув юртлари:

- ҳар йили, 1 декабрдан кечикмаган ҳолда, навбатдаги календарь йили учун амалиёт объектлари билан шартномалар тузади. Амалиёт бошланишидан икки ой олдин талабалар амалиётини ўтказиш дастури ва календарь жадвалини амалиёт объектлари билан келишиб олади;

- амалиёт раҳбари тажрибали профессор, доцент ва ўқитувчилардан тайинланади;

- фан, техника ва маданиятнинг энг янги ютуқлари, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, уни илмий ташкил этиш, бошқариш ва шунга ўхшаш масалалар бўйича амалиёт объектлари

маъмурияти билан биргаликда мутахассисларнинг маърузаларини ташкил этади;

- талабалар ва амалиёт объектларини амалиёт дастурлари билан таъминлайди;

- объектлардаги талабалар амалиётининг ташкил этиш тартиби ва ўтказилишини ҳамда амалиёт муддати ва мазмунига риоя қилинишини назорат этади.

2.6. Олий ўқув юрти тайинлаган амалиёт раҳбари:

- талабалар келишига зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради;

- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар (амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ҳақида кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.) ни ўтказишни таъминлайди;

- талабаларнинг кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади;

- амалиёт объектлари талабаларнинг меҳнат ва маиший хизмат шароитлари меъёрагидек таъминланганлигини назорат қилади;

- талабаларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади;

- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижаларини баҳоловчи комиссия ишида иштирок этади;

- талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, уларнинг иши ҳақида тавсиянома беради. Талабалар амалиёт ўтганлиги, уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатилган амалиётни такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритилган ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этади;

- барча ишларни амалиёт объекти томонидан бириктирилган раҳбар билан биргаликда ўтказлади.

2.7. Талабалар амалиётининг умумий раҳбарлиги амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан маъсул ходимларнинг бирига юклатилади.

Цех, бўлим, лаборатория кабиларда талабалар амалиётининг бевосита раҳбарлиги амалиёт объекти бошлигининг буйруғи билан кўрсатилган таркибий бўлимнинг юқори малакали мутахассиси зиммасига юкланади.

2.8. Шартнома мажбуриятларига мувофиқ амалиёт объектлари:

- талабалар амалиётини амалиёт дастури ва мазкур Низомга мувофиқ ташкил қилади ва ўтказди;

- дастурга мувофиқ талабалар амалиёт ўтказишининг самарадорлигини таъминловчи иш жойлари билан таъминлайди;

- талабалар таълим йўналишлари бўйича бўш иш жойлари мавжудлигида, амалиётчиларни тегишли иш ҳақи билан лавозимларга қабул қилади;

- амалиётни ўтишда олий таълим муассасаси билан келишилган ой-кунлик иш жадвалига амал қилади;

- талабаларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради;

- курс иши ва малакавий битирув ишлари учун мавзулар танлашда ёрдам кўрсатади;

- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мажбурий кўрсатмалар беради, зарур бўлган ҳолларда талабаларни меҳнатнинг хавфсиз усулларига ўргатади ва бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилади;

- амалиётчи талабаларнинг мазкур амалиёт объектида жорий қилинган ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини таъминлайди ва назорат қилади;

- яқин атрофда жойлашган бошқа корхона, муассаса, ташкилотларга биргаликда таширлар ўтказди;

- талабаларнинг амалиёт ўтиш вақтида мазкур амалиёт объектининг тегишли ишчилари учун жорий қилинган шахсий ҳимоя воситалари ва махсус овқат, пойабзал, ҳимоя кийимлари билан таъминлайди;

- шартнома асосида талабалар яшаши учун қулай шароитли ётоқхоналар билан таъминлайди. Зарур бўлганда уларни жойлаштириш учун тураржойларни ижарага олади;

- зарур бўлган ҳолларда, ички меҳнат интизомини бузган амалиётчи талабаларга амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан жазо чоралари кўради ва бу ҳақда олий таълим муассасаси ректорига хабар қилади;

- амалиёт ўтаётган талабалар бахтсиз ҳолидага учраган ҳолда тўла жавобгарликни олади.

2.9. Талаба амалиёт ўтишда:

- амалиёт дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши;

- амалиёт объектининг ички меҳнат тартиб қоидаларига бўйсунishi;

- меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини ўрганиши ва қатъий риоя қилиши;

- бажарилган иш ва унинг натижалари учун шу корхона ишчилари қатори жавобгарлик олиши;

- кундалик дафтар юритиши, чизмалар, тасвирлар ва бошқаларни бажариши;

- амалиёт раҳбарига барча топшириқлар бажарилгани ҳақида ёзма равишда ҳисобот бериши ва амалиёт бўйича синов топшириши шарт.

3. Амалиёт натижаларини якунлаш

3.1. Амалиёт якунида талаба ёзма равишда ҳисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган раҳбар имзолаган кундалик дафтар билан бирга олий таълим муассасасидан тайинланган раҳбарга топширади. Ҳисобот

талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тўғрисидаги маълумотлар, амалиёт объекти бўлимларининг қисқача изоҳи (цех, бўлим, лаборатория ва бошқалар), улар фаолиятининг ташкил қилиниши, ҳаёт фаолиятининг хавфсизлиги тўғрисидаги масалалар, амалиёт натижалари бўйича хулоса ва таклифларни ўз ичига олиши лозим.

3.2. Амалиёт якунида талаба ўз ҳисоботини олий таълим муассасаси томонидан тайинланган комиссия олдида ҳимоя қилади.

Комиссия таркибига ўтилаётган амалиёт фанини олиб боровчи ўқитувчи, олий таълим муассасаси томонидан бириктирилган раҳбар ва имкони бўлса, амалиёт объектидан тайинланган раҳбар ҳам киритилади.

Амалиёт натижаси баҳоси талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда ҳисобга олинади.

Амалиёт якуни олий таълим муассасасининг илмий-услубий анжумани ва амалиёт объектининг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинади.

Олий таълим муассасаси ва факультет илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади.

3.3. Амалиёт дастурини бажармаган, иши ҳақида қониқарсиз тақриз ёки ҳисобот ҳимоясида қониқарсиз баҳо олган талаба таътил вақтида ўз ҳисобидан қайта амалиёт ўтишга жўнатилади.

Айрим ҳолларда, бундай талабанинг келгусида олий таълим муассасасида ўқиши мумкинлиги масаласи ректор томонидан кўриб чиқилади.

4. Моддий таъминот

4.1. Амалиёт объекти ходимларига амалиётга раҳбарлик қилгани учун иш ҳақи олий таълим муассасаси билан тузилган шартномада кўзда тутилган маблағлар ҳисобига тўланади. Бунинг учун бутун муддат давомида тегишли талабалар гуруҳига битта раҳбар ҳисобидан куйидаги меъёрлар бўйича ҳар ойда ҳақ тўланади (асосий иш жойининг ўртача иш ҳақидан фоиз ҳисобида);

а) амалиётчи талабаларнинг сонига қараб умумий раҳбарлик қилувчи амалиёт раҳбарига:

11 дан 20 кишигача - 25%

21 дан 30 кишигача - 35%

31 дан 40 кишигача - 45%

41 дан 50 кишигача - 50%

б) амалиётчи талабаларнинг сонига қараб амалиётга бевосита раҳбарлик қилувчи раҳбарга:

4 кишигача - 20%

5 дан 7 кишигача - 35%

8 дан 10 кишигача - 50%

Фермер хўжалигидаги амалиёт раҳбари, ҳамда педагогик амалиёт учун раҳбарлик қилган мактаб ходимининг иш ҳақи олий таълим муассасасининг амалиёт учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан берилади. Уларнинг иш ҳақи меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Сув ва қишлоқ

хўжалиги ва Халқ таълими вазирликлари биргаликда тузган махсус кўрсатмалари асосида Молия, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда жорий қилинади.

Талабалар амалиётга раҳбар бўлмаган мутахассислар томонидан амалиёт объектида ўтказилган маъруза, маслаҳат ва ташрифлар учун тўловлар, олий таълим муассасаларининг амалдаги тартибда кўрсатилган, соатбай тўлов маоши бўйича, ишлаб чиқариш амалиёти учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан олий таълим муассасаси амалга оширади.

4.2. Талаба амалиёт даврида амалиёт ўтиш жойидан иш ҳақи олиш-олмаслигидан қайтйи назар, унинг умумий қондалар асосида стипендия олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

4.3. Сиртдан ўқийдиган охириг босқичдаги талабаларга, танланган йўналиш (ихтисослик) бўйича бевосита ишлаб чиқаришда иш билан танишиш ва битирув иши (лойиҳа) га зарур маълумотларни тайёрлаш учун, тегишли ўқув юртининг тавсиясига кўра, муассаса раҳбарлари иш ҳақи сақланмаган ҳолда бир ойлик кўшимча таътил берадилар.

Ушбу талабаларга кўрсатилган таътил даврида умумий қондалар асосида стипендия берилади.

4.4. Олий таълим муассасаси ҳудудидан кетиш билан боғлиқ амалиётга жўнатиш кундузги талабаларга олий ўқув юртининг сарф-харажатлар жадвали ҳисобидан бутун амалиёт даври учун кунбай-сафар пули тўланади. Сафар пули тўлаш амалиётчи талабаларнинг объектга бориш ва қайтиш вақти ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Амалиёт даврида экспедиция ва геологик гуруҳларнинг мансаб лавозимларига қабул қилинган ва иш ҳақи, дала таъминоти ёки текин овқат бериладиган талабаларга сафар пули тўланмайди.

4.5. Кундузи ўқувчи талабаларнинг амалиёт объекти жойлашган жойга бориш ва келиши учун йўлқира ҳақи олий ўқув юрти маблағи ҳисобидан тўланади.

4.6. Амалиёт даврида маош оладиган лавозимларда ишлайдиган талабаларга шу мутахассис учун тегишли меъёрда навбатдаги таътил товони тўланади. Аввал ишламаган талабаларга лавозими, ишнинг бошланиши ва тугаланишини кўрсатувчи буйруқ нусхаси ва меҳнат шартномаси тузилганлиги ва тўхтатилганлиги ҳақида саналари кўрсатилган маълумотнома берилади.

Талабалар амалиёт даврида тўловли иш жойи ва лавозимга қабул қилинган вақтдан бошлаб, амалиёт объектидаги умумий меҳнат қонунлари, меҳнат хавфсизлиги ва ички меҳнат тартиб қондаларига амал қилади. Иш жойига қабул қилинмаган талабаларга ҳам меҳнат ва иш кунининг тартиб-қондалари тааллуқлидир.

4.7. Амалиётга раҳбарлик қилишга кетган ўқитувчи хизмат сафарининг тўлови, хизмат сафаридида бўлган бугун давр учун хизмат сафари тўлови ҳақидаги қоида асосида олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

4.8. Амалиётни ўтиш давридаги талабалар бошқа корхоналарга ташрифларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар олий таълим муассасаларининг амалиётни ўтказиш учун харажатлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг "Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш ҳақида"ги

1999 йил 25 июндаги 111/214/460 сонли

ҚЎШМА Б УЙРУҒИ

Тошкент давлат университети (Т.Долимов), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (Б.Қодиров), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ж.Буронов), Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти (А.Ҳамроқулов) ректорларига:

1.2. Тошкент шаҳар таълим муассасаларига узоқ муддатли педагогик амалиёт ва мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотларни ўташ учун юборилган талабаларни, белгиланган тартибда, индивидуал таълим режасига ўтказиш, ишчи ўқув режаларига, белгиланган муддатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш, режадаги фанлар дастурларининг бажарилишини таъминлаш бўйича барча чора-тадбирларни кўриш, шунингдек ҳафтасига камидан 2 кун ўқув юртларида ўқишни давом эттириш назарда тутилсин.

1.3. Ҳар йили 1 сентябрга қадар педагогик амалиётга алоқадор кафедралар ва бўлимларда узоқ муддатли амалиёт ва мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотларни ўтиш учун раҳбарлик қилиш бўйича муваққат тартиб ишлаб чиқилсин ва жорий этиш таъминлансин.

1.4. Ҳар йили 25 августга қадар: Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, туманлар халқ таълими бўлими раҳбарияти билан биргаликда узоқ муддатли амалиёт ва мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотларни ўтиш учун юборилаётган талабалар учун семинар-учрашув ўтказилсин ҳамда амалиётга оид барча масалалар бўйича тушинтириш ва йўриқлар берилсин.

1.5. Таъкидлансинки олий ўқув юртлари ва талабалари ўз зиммасига олган мажбуриятлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолинади.

1.6. Ушбу буйруқнинг юқорида зикр этилган бандлари бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар йили 10 сентябргача Халқ таълими вазирлигининг Педагогик таълим, фан ва малака ошириш Бош бошқармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлари Бош бошқармасига батафсил ахборот берилсин.

3. 1-Тошкент (М.Исмоилова), Ю.Ражабий номидаги Тошкент (Г.Маҳмудова), Тошкент вилояти, (Н.Сайдуллаев) педагогика билим юрт-

рўйхатида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қoplanadi.

4.9. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси билан келишилган ҳолда ўз тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг талабалари амалиёт ўтиши учун йўл-йўриқларни мазкур низом асосида ишлаб чиқариш ва тасдиқлайдилар.

лари, Тошкент индустриал-педагогика техникуми (Э.Ғофуржонов) раҳбариятига:

3.1. Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларини педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида битирувчи курс ўқувчиларини узоқ муддатли педагогик амалиётга юбориш масаласи кўриб чиқилсин, шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ҳал этилсин,

4.2. Узоқ муддатли педагогик амалиётга юборилаётган талабаларни ўз мутахассисликлари бўйича бир ставкагача иш билан таъминлаб, уларга ойлик маош тайинлаш масаласи, белгиланган тартибда, ҳал этилсин.

Талабаларни белгиланган таълим муассасалари маъмурияти томонидан ишга қабул қилиниши алоҳида назоратга олинсин.

4.3. Даре жадвалини тузишда талабаларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, белгиланган кунларда, ҳафтасига камидан 2 кун, машғулотларда иштирок этишини таъминлаш назарда тутилсин.

4.4. Мактаб ўқувчиларининг таътиллари даврида таълим муассасаларига юборилган талабаларни ўқув юртидаги ўқув машғулотларида қатнашиш масаласи услубий жиҳатдан ҳал этилсин.

4.5. Ҳар йили 20 октябрга қадар ўқув юртларидан узоқ муддатли педагогика бўйича юборилган талабалар фаолиятининг ташкил этилиши ўрганилсин ва Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига батафсил маълумотнома киритилсин.

5. Мазкур буйруқ асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий ўқув юртларига, мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили янги ўқув йили бошлангунга қадар вазирлик ҳамда халқ таълими бошқармалари билан биргаликда битирувчи курс талабаларини имконият доирасида узоқ муддатли педагогика бўйича юбориш масаласини ҳал қилишга руҳсат этилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8-июлдаги 228-сонли "Хукумат қарорини бажариш тўғрисида"ги БУЙРУҒИ

11. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Ҳ.Раҳимов)га:

11.2. Олий таълим йўналишларида ўқиётган қобилиятли ва ўз маҳоратларини намоён эта бош-

лаган талабаларнинг ўқув амалиётини "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва унинг хориждаги туристик тармоқларида ташкил этиш мақсадида тегишли шартномаларни расмийлаштириш топширилсин.

5.4. РЕЙТИНГ-НАЗОРАТ. ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 1998 йил 31 декабр 362-сонли БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини жадаллаштириш ҳамда олий ўқув юртларини меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. "Ўзбекистон Республика олий ўқув

юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом" илова 1 га мувофиқ тасдиқлансин.

2. "Олий ўқув юртларида бакалаврнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар" илова 2 га мувофиқ тасдиқлансин.

1-Илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси мазкур Низомга асосан ўтказилади.

2. Битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси, республика олий таълимининг Давлат таълим стандартларида назарда тутилган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртларида ўтказилади ва давлат намунасидаги мувофиқ диплом бериш билан якунланади.

Давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтмаган ва олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни беришни давом эттираётган олий ўқув юртларига битирувчиларнинг якуний аттестацияси учун ушбу Низом намуна ҳисобланади.

3. Якуний давлат аттестацияси ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича олий ўқув юрти учун ташкил этиладиган давлат комиссиялари томонидан амалга оширилади ва у "Давлат аттестация комиссияси" деб аталади.

4. Давлат аттестация комиссияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- битирувчининг тайёргарлик даражасини ва унинг тайёргарлик ҳолати давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ келишини комплекс баҳолаш;

- якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича малака бериш ва битирувчиларга олий таълим тўғрисидаги тегишли диплом бериш масаласини ҳал қилиш;

- комиссия фаолиятининг натижалари асосида битирувчиларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

5. Давлат аттестация комиссиялари ўз фаолиятларини мазкур Низомга, олий мактабнинг меъёрий ҳужжатларига ва бакалавриятнинг таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига ҳамда давлат талабларининг минимум мазмунини бажаришга йўналтирилган бошқа ҳужжатларга таянган ҳолда олиб борадилар.

6. Олий ўқув юрти давлат аттестацияси комиссияси (идоровий бўйсинишидан қатъий назар) ҳар йили (календар йил) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

II. Якуний давлат аттестацияси

7. Битирувчининг якуний давлат аттестацияси қуйидаги кўринишдаги бир ёки бир неча аттестация синовларидан иборатдир:

- айрим фан бўйича якуний аттестация синови;

- йўналиш (мутахассислик) бўйича фанларо якуний аттестация синови;

- битирув малакавий иш ҳимояси.

7.1. Айрим фан бўйича якуний аттестация синови ўқув дастурида назарда тутилган материалларни талаба томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаб бериши ва мазкур фаннинг мувофиқ давлат таълим стандартида белгиланган минимал мазмунини қамраб олган бўлиши керак.

7.2. Таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний аттестация синови айрим фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, мазкур йўналиш (мутахассислик) бўйича давлат таълим стандартида битирувчига нисбатан назарда тутилган умумий талабларни ҳам ҳисобга олиши керак.

7.3. Битирув малакавий ишларни бажариш тартиби, ҳажми ва мазмуни тасдиқланган талабларга мувофиқ олий ўқув юрти томонидан белгиланади.

8. Якуний давлат аттестациясига албатта битирув малакавий ишнинг ҳимояси киритилади. Айрим йўналишлар учун бу тартибга истисно киритиш фақат Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳал этилади. Якуний давлат аттестация синовларини ўтказиш муддати ва тартибини олий ўқув юртининг илмий Кенгаши белгилайди.

Якуний давлат аттестациясига киритилган аттестация синовлари ўзлаштиришнинг жорий, оралиқ ёки якуний баҳолари асосида тайёргарлик даражасини баҳолаш билан алмаштирилиши мумкин эмас.

9. Ўқув йили учун айрим фанлар бўйича якуний аттестация синовлари, таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича якуний фанлараро аттестация синовларининг дастурлари ва битирув малакавий ишларни баҳолаш мезонлари давлат аттестация комиссияларининг раислари иштирокида муҳокама қилинади ва олий ўқув юрти Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади.

III. Давлат аттестация комиссияларининг тузилиши

10. Давлат аттестация комиссияси - аттестация комиссияларидан ташкил топади:

- Айрим фанлар бўйича якуний аттестация синовларини қабул қилиш;

- Таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний аттестация синовларини қабул қилиш;

- Якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган, аттестация синовлари рўйхатига мувофиқ битирув малакавий ишлар ҳимояси.

Лозим бўлган ҳолларда аттестация комиссиялари тузилиши мумкин.

11. Давлат аттестация комиссиясини раис бошқаради. У барча аттестация комиссияларининг фаолиятини ташкил қилади ва назорат этади, ҳамда битирувчиларга қўйиладиган талабларнинг бирлигини таъминлайди. Давлат аттестацияси комиссиясининг раиси аттестация комиссияларидан бирини бошқариши ва уларни бирининг ишида аъзо сифатида иштирок этиши мумкин.

Давлат аттестация комиссияларининг раислари ҳар йили ҳар бир муайян тур бўйича алоҳида ушбу ўқув юртида ишламаётган ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассислари ва олим-

лари таркибидан, олий ўқув юрти ректорининг таклифи бўйича тасарруфида олий ўқув юртлари бўлган вазирлик (ташкилот) томонидан тайинланадилар.

12. Давлат аттестация комиссиялари мутахассис чиқарувчи олий ўқув юртининг раҳбарияти ва илмий-педагогик кадрлари таркибидан (аттестация комиссияси таркибининг 50% дан ортиқ бўлмаган) ва бошқа таклиф этиладиган муассасалар вакилларидан - мазкур соҳа кадрларини истеъмолчилари бўлмиш корхона, ташкилот ва муассасаларнинг обрўли мутахассислари, турдош олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчи ва илмий ходимлари, мувофиқ соҳалар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидаги олимлардан шакллантирилади. Аттестация комиссияларининг раислари - давлат аттестация комиссия раисининг ўринбосари ҳисобланадилар.

Синов турлари бўйича Давлат аттестацияси комиссиясининг шахсий таркиби олий ўқув юрти ректори томонидан битирув семестри бошланишидан бир ой олдин тасдиқланади.

IV. Якуний давлат аттестациясини ўтказиш таркиби

13. Аттестация синовларини ўтказиш шакли ва тартиби олий ўқув юрти Илмий Кенгаши томонидан белгиланади ва якуний аттестация бошланишидан олти ой аввал талабалар эътиборига етказилади. Талабалар дастурлар билан таъминланадилар, уларга тегишли тайёргарлик кўриш ва консултация учун шароит яратилади.

14. Таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний аттестация синовлари ва битирув малакавий иш ҳимоясига таълим дастурларини тўлиқ курсини тугатган ва ўқув режасида назарда тутилган барча аттестация синовларидан муваффақиятли ўтган шахслар қўйилади.

15. Якуний давлат аттестация синовлари ва битирув малакавий ишлар ҳимояси (ёпиқ мавзулардаги ишлардан ташқари) давлат аттестация комиссияларининг очиқ мажлисларида, аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилади.

Якуний давлат аттестациясига киритилган барча турдаги аттестация синовларининг натижалари ўзлаштириш кўрсаткичлари (%га нисбатан) билан аниқланади ва аттестация комиссиясининг мажлис баёни белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг шу куннинг ўзида эълон қилинади.

16. Битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси натижалари бўйича давлат аттестация комиссияси битирувчиларга таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича малака бериш ва олий маълумот тўғрисидаги дипломни бериш ҳақида қарор қабул қилади.

Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режадаги фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 85% дан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 70% дан баланд бўлган), ҳамда якуний аттестация синовлари ва битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари 85% дан юқори бўлган битирувчига “имтиёзли” диплом берилади. “Имтиёзли” диплом беришнинг аниқ шартлари олий ўқув юрти Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.

Давлат аттестация комиссияларининг қарорлари ёпиқ мажлисларда, очиқ овоз бериш йўли билан, мажлисда иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолда, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

17. Олий ўқув юртини битирувчига мувофиқ малака ва олий маълумот тўғрисидаги дипломни бериш унинг якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган аттестация синовларининг барча турларидан муваффиқиятли ўтган ҳолдагина амалга оширилади. Якуний давлат аттестация синовлари, одатда, якуний семестрда ўтказилади.

Якуний давлат аттестацияси синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) ўқиш учун белгиланган муддат давомида ўта олмаган талаба, олий ўқув юртини битиргандан сўнг, уч йил давомида якуний давлат аттестациясига қайтадан киритилади (ўтмаган аттестация синовларининг ҳар бир тури бўйича бир марта). Аттестация синовларининг барча турларидан қайта ўтиш тартиби олий ўқув юрти томонидан белгиланади.

Давлат аттестация синовларидан (ёки аттестация синовлари турларидан бири бўйича) қайта ўта олмаган талаба, академик маълумотнома олади.

Фан (ёки фанлараро синовлар) бўйича якуний аттестация синовидаги қониқарсиз кўрсаткич (55% дан кам) талабани ўқишни давом эттириш ва бошқа фанлар бўйича (ёки фанлараро синов) аттестация синовларидан ўтиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

18. Узрли сабаб билан аттестация синовларидан ўта олмаган талабаларга ректорнинг қарори билан, Давлат аттестация комиссиясининг иши якунланишига қадар, бошқа муддатларда ўтказиладиган аттестация синовларига киритилиши мумкин.

19. Давлат аттестация комиссиясининг иши бўйича йиллик ҳисобот олий ўқув юрти илмий Кенгашида кўриб чиқилади ва давлат аттестация комиссиясининг иши тугаганидан сўнг бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилади.

Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишни бажаришга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998й. 31 декабр №362 сонли буйруғи билан тасдиқланган

1. Битирув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари

Битирув малакавий ишни бажариш (кейинги сатрларда малакавий иш) - олий ўқув юрти бакалавриатида талабаларни ўқитишнинг якуний босқичидир.

Малакавий ишни бажариш мақсади:

Таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустақамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;

Ижодий ишлаш, ишлаб чиқиладиган масаланинг (муаммонинг) қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш;

Замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашга тайёрликларини таъминлаш.

2. Битирув малакавий ишларнинг мавзуси

Малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истикболий ривожланишини аке эттириши керак.

Малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва олий ўқув юрти ёки факультетнинг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда уч йилда бир мартадан ортиқ қайта кўриб чиқилмайди.

Малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибидан) малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўловчи буюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топши-

риқ беради. Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

3. Малакавий ишни бажаришга раҳбарлик қилиш

Малакавий ишларга раҳбарлар ушбу олий ўқув юртининг профессор ва доцентлари ёки илмий ҳодимлари бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сафидан тайинланади.

Малакавий иш раҳбари:

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консултациялар ўтказиши;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларининг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан, кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консултантларни таклиф этиши мумкин.

Малакавий ишнинг бўлимлари бўйича консултантлар этиб, олий ўқув юртларининг профессорлари ва доцентлари, илмий ҳодимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинлиши мумкин. Консултантлар талаба бажарган ишнинг мувофиқ қисмини текширадилар.

Мутахассис чиқарувчи кафедра малакавий ишга қўйиладиган мажбурий талаблар ҳажмини белгилаган ҳолда малакавий ишни бажариш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқади ва талабаларни таъминлайди.

Малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

Малакавий ишнинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёрилади. Малакавий ишда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалар ва мақолалари, ҳисоб-графика ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта, номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс эттирилиши ёки улардан фойдаланиши мумкин.

Тушинтириш қисм (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини ҳисқа ва муайян шаклда ифодалаш лозим Зарурий ҳолларда тушинтириш қисмга графиклар, расмлар, эс-

кизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшимча ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

Тушинтириш қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Тушинтириш қисми камида 10-15 минг сўз ҳажмида белгиланади.

Чизмаларнинг формати, шартли белгилари, шрифт ва масштаблари амалдаги ГОСТлар талабларига қатъий мувофиқ келиши зарур. Одатда, чизмалар А2 форматли қоғозда (5-6 варақ ҳажмида) қаламда бажарилади ёки техника воситалари орқали экранда кўрсатилади. Архитектура йўналишидаги чизмаларга қўйиладиган талаблар мувофиқ ўқув-услубий бирлашмалар (ассоциациялар) томонидан белгиланади.

Кафедранинг тавсиясига биноан малакавий иш чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

4. Малакавий ишнинг бажарилиши

Малакавий иш олий ўқув юртининг, одатда, ушбу мақсадда махсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш корхоналар, муассасалар, илмий, лойиҳалаш ва бошқа муассасаларда бажарилиши мумкин.

Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгилаган муддатларда, талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири малакавий ишнинг тайёрлик ҳолатини белгилайди.

Талаба-иш муаллифи, танланган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

5. Малакавий ишни ҳимоя қилиш

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган малакавий иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар, малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. Кафедра мудири, тақдим этилган материаллар асосида, малакавий ишни талаба томонидан ДАК да ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар, кафедра мудири талабанинг малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баён-

номаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган малакавий иш тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларни истемол қилувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида олий ўқув юртларининг профессор ва ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан ҳимоя учун ДАК га юборади.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг "Таянч" ибораларга асосланган ёзма иш усули тўғрисида"ги 1999 йил 12 март 67 сонли

Б У Й Р У Ф И

1. Олий ўқув юртлари ректорларига:

1.1. Жорий ўқув йилидан бошлаб, таълим йўналишлари бўйича ўқув режалардаги фанларни ўқитиш жараёнида, ҳар бир фаннинг муайян блоклари ўқитилаётган семестр якунида "таянч" ибораларга асосланган, 2 соатга мўлжалланган, ёзма иш назоратини ўтказиш ташкил этилсин.

1.2. "Таянч" ибораларга асосланган ёзма иш ҳажми 800-1000 сўздан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин.

1.3. Фанлардан "таянч" ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказиш жараёнига, ушбу фанларга алоқадор бўлмаган шахслар жалб этилсин.

1.4. "Таянч" ибораларга асосланган ёзма ишларни ҳоли шахслар томонидан текширилиши ва баҳолашнинг таъминлаш мақсадида бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Фанлар Академияси тасарруфидаги институтларнинг олимлари ҳамда таълим йўналишларига алоқадор бўлган ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари жалб этилсин.

1.7. "Таянч" ибораларга асосланган ёзма ишларни текшириш ва баҳолашда субъектив ёндашиш ҳолларини олдини олиш учун, текширилган ёзма ишларнинг 8-10% Вазирлик томонидан

Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларини якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

Малакавий иш ҳимоядан сўнг (камида 10 йил) олий ўқув юртида сақланади. ҳар хил сабаблар бўйича малакавий ишни бошқаларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (тадбиқ этиш, танловлар ва ҳақозо), ишдан нусха олинади (ишнинг асл нусхаси олий ўқув юртида қолдирилади).

белгиланган экспертлар томонидан қайта кўриб чиқилиши ва баҳолашни ташкил этилсин.

1.8. "Таянч" ибораларга асосланган ёзма иш натижалари талабаларнинг мазкур фан бўйича тўплаган баллари билан солиштирилсин ва катта тафовут бўлган ҳолда, талабанинг мазкур фандан тўплаган баллари бекор қилинсин ҳамда фанни ўқитган профессор-ўқитувчидан вазиятни изоҳлаб бериш бўйича тушунтириш хати (ёзма равишда) олинсин ва тегишли чора кўрилинсин.

1.9. "Таянч" ибораларга асосланган ёзма ишларни сақлаш муддати 2 йил деб белгилансин ва масъулият факультет деканлари зиммасига юклатилсин.

2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Раҳимов Б.Ҳ.)га:

2.1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Иминов Т.К.) билан ҳамкорликда олий ўқув юртларига "Таянч" ибораларга асосланган ёзма ишларни ўтказишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

2.3. Ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашда тадбиқ этилаётган ёзма назорат шакллари ўрганиш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги

1999 йил 8 июн 194 сонли

Б У Й Р У Ф И

1. "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида"ги Намунавий Низомнинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ, тасдиқлансин.

2. Янги таҳрирдаги Намунавий Низом 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасаларида жорий этилсин.

3. "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш бошқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича" Намунавий Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб "Рейтинг

тизимининг якуний баҳолаш бошқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" ўқув жараёнига Низомда белгиланган тартибда жорий этилсин.

5. Жорий ўқув йилининг якунида рейтинг тизимининг ЯБ бошқичида ўтказиладиган таянч тушунчаларга асосланган "Ёзма иш" усули ТошДУ, ТошДИУ, ТошДШИ, ТТЕСИ ва ТАЙИ ларнинг биттадан факультетларида тажриба сифатида тадбиқ этилсин.

6. ТошДУ, ТошДИУ, ТошДШИ, ТТЕСИ ва ТАЙИ ректорларига:

6.1. "Ёзма иш" усулини тажриба сифатида

ўтказиш учун белгиланган факультет талабалари ва профессор-ўқитувчиларига барча шароитлар яратилсин.

6.2. Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашда "Ёзма иш" натижаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Олий таълим муассасалари ректорларига:

7.1. Рейтинг тизимини ўқув жараёнига тўла тадқиқ этилишини таъминлаш вазифаси ўқув ишлари проректори зиммасига юклатилсин.

7.2. Ўқув режасидаги фанлар дастурига ҳамда календар-тематик режаларга рейтинг тизимини жорий этилиши ва тартиби тўғрисида 4 соат ҳажмида юклама киритилсин.

7.3. Рейтинг тизими бўйича талабалар билимини баҳолаш тартиби ва меъзонлари мунтазам равишда таҳлил этилсин ва талабалар эътиборига етказиш таъминлансин.

7.4. Рейтинг тизимини тўла жорий этилишини таъминлаш мақсадида кафедраларда услубий қўланмаларнинг яратилишига ва чоп этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Олий ўқув юрлари Бош бошқармаси (Б.Ҳ. Раҳимов)га:

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1999 йил 8 июн 194 сонли буйруғи билан тасдиқланган

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрь 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим тўғрисида"ги Низом асосида ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолашда меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинган.

2. Талабалар билимини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад, талабаларда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мунтазам равишда оширишга интилиш ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантириш ва ушбу тариқа рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришиш.

3. Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- талабалар ўзлаштиришини мунтазам равишда назорат этиб бориш, уларни семестр (ўқув йили) давомида ўз устидарида узлуксиз фаол ишлашларини таъминлаш;

- талабалар билимини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларини уларга мунтазам равишда маълум қилиш;

- талабаларда мустақил ишлаш кўникмала-

8.1. Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашда "Ёзма иш" усулини тадқиқ этиш тўғрисидаги Намунавий Низомни тажриба сифатида тадқиқ этаётган олий таълим муассасаларига услубий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

8.2. Тажриба ўтказилаётган олий таълим муассасаларининг таклиф ва мулоҳазаларини умумлаштириш ва тегишли тавсиялар киритиш юклатилсин.

9. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З. Имомов)га:

9.1. Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашда қўлланилаётган Намунавий Низомларни илмий асосда такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва тегишли таклиф ва мулоҳазалар киритиш топширилсин.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 10 июль 184 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий ўқув юрларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий Низом" ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

рини кенг ривожлантириш;

- профессор-ўқитувчиларда маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш, баҳолаш саволларини тузишда масъулиятини ошириш.

4. Фан бўйича максимал рейтинг бали, ўқув режасида айнан шу фанга ажратилган соатлар миқдори билан белгиланади.

Талаба билимини баҳолашда, аввал унинг ўзлаштириш кўрсаткичи аниқланади, сўнг дарс соатлари миқдорига мувофиқ, унинг фан бўйича рейтинг ҳисоблаб топилади.

II. Баҳолаш турлари ва шакллари

5. Талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);

- оралик баҳолаш (ОБ);

- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ да фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билим даражасини (ўзлаштиришини) аниқлаб бориш назарда тутилади ва у одатда, амалий машғулотлар (семинар ёки лаборатория ишлари) дарсларида амалга оширилиши мумкин.

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг талабанинг на-

зарий билимлари баҳоланади ва унда талабанинг муайян савол ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади.

ЯБ да фаннинг семестр (ўқув йили) давомида ўтилган ҳажми доирасида талабанинг билими баҳоланади. ЯБ турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 30% миқдорида белгиланади.

Фан бўйича ЖБ ва ОБ турларида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал рейтинг баллининг миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70% миқдорида белгиланади. Олий таълим муассасаларига ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ЖБ ва ОБ турларининг фоизларини белгилаш ҳуқуқи берилади.

ЯБ тури таянч тушинчаларга асосланган "Ёзма иш" усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва ҳоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Таянч тушинчаларга асосланган "Ёзма иш" усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тadbиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

6. Ўқув режага мувофиқ ўқитилиши бир неча семестр (ўқув йили)га режалаштирилган фан бўйича талабанинг умумий рейтинг балли, ҳар бир семестр (ўқув йили) давомида шу фан бўйича талаба томонидан тўпланган рейтинг баллар йиғиндиси билан аниқланади.

7. Баҳолаш турлари ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, дарс жараёнида сўров ўтказиш, тест саволларига жавоб бериш, контрол ишларини бажариш, коллоквиум, суҳбат ва шу каби бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

8. Деканат ва кафедралар белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ОБ, ЖБ ҳамда ЯБ ("Ёзма иш" ёки бошқа усул) турларида кўрсатган ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боришлари ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклдаги қайдномаларда қайд этишлари лозим. Баҳолаш натижалари ўқув бўлимида оператив равишда ишловдан ўтказилади.

9. Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Олий таълим муассасаси фан бўйича баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш критерияларини ишлаб чиқарилади (контрол ишлари, тест синовлари, саволлар тўплами ва ҳоказо) ва Услубий Кенгашда тасдиқтайди.

III. Талаба билимини баҳолаш тартиби

10. Семестр давомида ўқитилган фан бўйича максимал баллининг камида 55% ни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Семестр давомида ўқитилган фан бўйича максимал баллининг 55% дан кам балл тўплаган талаба,

қониқарсиз ўқиётган талаба (академик қарздор) деб ҳисобланади.

11. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86-100 фоиз - "аъло";

- 71-85 фоиз - "яхши";

- 56-70 фоиз - "ўрта";

- 55 фоиздан кам - "қониқарсиз".

12. Талабанинг барча турдаги амалиётлардан олган билим ва кўникмалари, курс иши ёки курс лойиҳаси, битирув малакавий иши (лойиҳаси), давлат аттестацияси натижалари ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади ва рейтинг дафтарчасида алоҳида қайд этилади.

13. Рейтинг балларини ҳисоблашда талабанинг ўқув машғулотлардаги фаоллиги, мустақил ишларни бажаришга ижодий ёндаша олиш, ўқув-меҳнат интизомига амал қилиш сифатлари ҳам ҳисобга олинади (рейтинг балли доирасида 10% гача) мақсадга мувофиқ.

14. ЖБ, ОБ ва ЯБ турларида фанни ўзлаштириш олмаган (55%дан кам балл тўплаган) ёки сабабли баҳолаш турларида иштирок эта олмаган талабаларга 1 ҳафта муддат ичида қайта баҳолашдан ўтишга рухсат берилиши мумкин.

15. Фан бўйича белгиланган максимал рейтинг баллининг 55% дан кам балл тўплаган талаба, белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади (биринчи курс талабаларига нисбатан ўқув йили якуни бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ).

16. Талабани курсдан курсга ўтказишда ўқув режада муайян семестр (ўқув йили)га белгиланган фанлардан талаба тўплаган рейтинг баллар миқдори ҳисобга олинади ва ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

IV. Рейтинг натижаларини қайд қилиш тартиби

17. Ҳар бир фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида талаба тўплаган рейтинг баллар миқдори, белгиланган тартибда тасдиқланган шаклдаги қайдномада қайд қилинади.

18. Семестр давомида фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида талаба тўплаган умумий балл, талабанинг "Рейтинг дафтарчаси"га ёзилади.

Талаба, фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида, фанга ажратилган максимал баллининг 55% дан кам балл тўплаган ҳолда, унинг шу фан бўйича тўплаган рейтинг баллари "Рейтинг дафтарчаси"да қайд этилмайди.

19. Ҳар бир фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларининг (ЖБ, ОБ ва ЯБ) натижалари деканат ва кафедралар томонидан рейтинг назорати экраниде мунтазам равишда ёритиб борилади.

20. Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда расмийлаштириш вазифаси факультет декани зиммасига юклатилади.

РЕЙТИНГ ТИЗИМИНИНГ ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ БОСҚИЧИДА "ЎЗМА ИШ" УСУЛИНИ ТАДБИҚ, ЭТИШ БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8 июн 194 сонли буйруғи билан тасдиқланган

Ушбу Намунавий Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8 июн 194 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий ўқув юртраарида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида намунавий Низом" асосида ишлаб чиқилган ҳамда олий ўқув юртраарида талабалар билимини баҳолашда меъерий ҳужжат сифатида қабул қилинган.

Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг таянч тушинчаларга асосланган "Ўзма иш" усули, талабаларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланиш, ўтилган фанларнинг муайян мавзулари бўйича тузилган таянч тушинчаларга асосланган ҳолда, ўз фикрларини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш ҳамда таҳлил этиш каби хусусиятларни, шунингдек, профессор-ўқитувчилардан ўз фанларини чуқур эгаллашни ҳамда маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўришни, ёзма иш саволларни тайёрлашга масъулият билан ёндашишни шакллантиради ва ривожлантиради.

Талабалар билимини баҳолашнинг таянч тушинчаларга асосланган "Ўзма иш" усули, рейтинг тизимининг Якуний баҳолаш босқичида амалга оширилади.

Якуний баҳолаш босқичини "Ўзма иш" усулида ўтказиш фанларини танлаш ҳуқуқи олий таълим муассасаларига берилади (ўқув режада белгиланган фанларнинг 50% дан кам бўлмаган ҳолда). "Ўзма иш" ўтказиладиган фанлар ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади. қолган фанлардан ЯБ турини ўтказиш тартиби (оғзаки, ҳимоя ва ҳоказо) олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

Якуний баҳолаш босқичида "Ўзма иш" усули белгиланган фанлардан Жорий (ЖБ) ва Оралиқ баҳолаш (ОБ) босқичларида тупланган баллар миқдоридан қатъий назар, талаба "Ўзма иш" топшириши шарт.

"ЎЗМА ИШ"НИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Семестр бошида "Ўзма иш" ўтказилиши белгиланган фанларнинг номи кафедралар ва талабалар эътиборига етказилади. "Ўзма иш" ўтказилиши белгиланган фанлар бўйича дарс берувчи

кафедралар томонидан саволлар ва уларни ёритишга ёрдам берувчи таянч тушинчалар ишлаб чиқилади ҳамда кафедра мажлисида кенг муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

"Ўзма иш" ўқув бўлими томонидан тасдиқланган жалвалга мувофиқ, фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг ўтказилади ва ушбу ҳақда талабаларга бир ой олдин маълум қилинади.

Кафедра талабаларга "Ўзма иш"ни ўтказиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар бўйича консультациялар ташкил этади.

"Ўзма иш"ларни ўтказиш учун, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан комиссия ташкил этилади.

"Ўзма иш" саволлари ва уларни ёритишга ёрдам берувчи таянч тушинчалар факультет декани томонидан комиссия аъзоларига "Ўзма иш" ўтказилиши белгиланган вақтдан бир соат олдин, махсус конвертда тақдим этилади.

"Ўзма иш"нинг ҳажми 1000-1200 сўзгача деб белгиланади. "Ўзма иш"ни ўтказиш учун 3 соат вақт берилади.

Комиссия "Ўзма иш"ларни белгиланган тартибда текширувчиларга тарқатади ва натижаларини икки ҳафта муддатда талабаларга маълум қилади.

"Ўзма иш"ларни текширишга ва баҳолашга малакали профессор-ўқитувчилар, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

"Ўзма иш"ларни ўтказиш ва текширишга жалб этилган шахсларга меҳнат ҳақи бюджетдан ташқари маблаг ёки соатбай жамғарма ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилади.

"Ўзма иш"ларни баҳолаш меъзонлари таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва барча олий таълим муассасаларига етказилади.

"Ўзма иш"ларнинг 10% ташқи тақриз учун Вазирлик томонидан бошқа олий таълим муассасаларига жўнатилиши назарда тутилади.

Талабаларнинг "Ўзма иш"лари натижаларига кўра, маъмур фандан бевосита дарс берган ўқитувчининг рейтингини белгиланади ҳамда уни қўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади.

Талабаларнинг "Ўзма иш"лари икки йил мобайнида деканатда сақланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Узлуксиз таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳақида" ги 1999 йил 28-сентябрдаги 288-сонли буйруғи

3. Деканлар номзодлари билан суҳбат ўтказиш комиссияси (Қ.Р.Аллаев)га: - 2000 йилнинг

1 февралидан бошлаб кафедра мудириларини аттестациядан ўтказиш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 1999 йил 31 декабр 392 сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисидаги" қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н :

1. "Олий таълим муассасаларида магистрантлар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низом" тасдиқлансин (Илова 1).

2. "Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби" тасдиқлансин (Илова 2).

3. Олий ўқув юртлири ректорларига:

3.2. Магистрларнинг давлат аттестацияси "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири

битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида Низом"га мувофиқ ўтказилсин.

4. Олий ўқув юртлири Бош Бошқармаси (Б. Раҳимов) га:

Магистрлар қабул қилинган олий ўқув юртлирида магистратурада ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил этиб борилсин.

5. "Муаллим" Мувофиқлаштирувчи Маркази (Рўзиев Қ.) магистратура талабаларининг рейтинг дафтарчалари ва гувоҳномаларини олий ўқув юртлирига тайёрлаб етказишни таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАГИСТРАНТЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 31 декабр 392 сонли буйруғи билан тасдиқланган

I. Умумий қондалар

1. Ушбу муваққат Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрь 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистратура ҳақидаги Низом" асосида ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасаларида магистрантлар билимини назорат қилиш ва баҳолашда муваққат меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинган.

2. Магистрантлар билимини рейтинг тизими орқали назорат этиш ва баҳолашдан мақсад, узлуксиз таълим тизимининг магистратура босқичида тайёрланаётган кадрлар салоҳиятини ва нуфузини янада ошириш, уларда фанларни ўрганишда доимий фаолликни, мустақил ишлаш қобилиятини ошириш, топшириқларга ижодий ёндашиш, ўз билимини мунтазам равишда оширишга интилиш ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш хусусиятларини ривожлантириш ва шу тариқа рақобатбардош магистрларни тайёрлашга эришиш.

3. Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- магистрантлар ўзлаштиришини мунтазам равишда назорат этиб бориш, уларни бутун ўқув йили давомида ўз устиларида узлуксиз фаол ишлаб боришларини таъминлаш;

- магистрантларда мустақил ишлаш кўникмаларини кенг ривожлантириш ва уларда чуқур билим олишга бўлган интилишни кучайтириш ҳамда ўзаро рақобатчилик қилиш муҳитини яратиш;

- магистрантлар билимини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш ҳамда натижаларини уларга

мунтазам равишда маълум қилиш;

- профессор-ўқитувчиларда ўз устида мунтазам ишлаш, устозлик масъулиятини ошириш, янги педагогик технология асосида ўз услубини такомиллаштириш, магистрантларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг билимларини аниқ ва адолатли баҳолаш ва интеграл рейтингини аниқлаб бориш.

4. Магистрантнинг фан бўйича максимал рейтинг бали, ўқув режасида айнан шу фанга ажратилган аудитория соатлари миқдори билан белгиланади.

Магистрант билимини баҳолашда, аввал унинг ўзлаштириш кўрсаткичи аниқланади, сўнг дарс соатлари миқдorigа мувофиқ, унинг фан бўйича рейтингни ҳисоблаб топиллади.

II. Баҳолаш турлари ва шакллари

5. Магистрантнинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва икки босқичда, қуйидаги турлар орқали амалга оширилади;

биринчи босқич:

- жорий баҳолаш (ЖБ) ёки оралиқ баҳолаш (ОБ).

иккинчи босқич

- якуний баҳолаш (ЯБ).

Олий таълим муассасаси ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, магистрантлар билимини биринчи босқичда баҳолашга ЖБ ёки ОБ турининг бирини қўллаш мақсадга мувофиқлигини Илмий Кенгашда кўриб чиқади ва тегишли қарор билан расмийлаштиради.

Фан бўйича биринчи босқичда қўлланиладиган ЖБ ёки ОБ турида магистрант тўплаши мум-

кин бўлган максимал баллнинг миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган аудитория соатининг 50% миқдорида белгиланади.

ЖБ ёки ОБ турига белгиланган баллар миқдори (50%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедранинг қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб, қуйидаги ишларга тақсимланади:

- магистрантнинг давомати ва машғулотлардаги фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаъларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзу бўйича реферат ёзиш;
- илмий тезислар тайёрлаш, илмий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиётга аннотация ёзиш;
- мустақил ишлаш учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазма қуролларини тайёрлаш.

ЯБ да фаннинг семестр (ўқув йили) давомида ўтилган ҳажми доирасида магистрантнинг билими баҳоланади. ЯБ турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган аудитория соатининг 50% миқдорида белгиланади.

ЯБ тури семестр (ўқув йили) давомида ўтилган барча фанлар бўйича таянч тушинчаларга асосланган "Ёзма иш" усулида ўтказилади.

"Ёзма иш" усули, магистрантларда ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндошиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мунтазам равишда ошириш, чет тилларни мукамал эгаллаш, адабиётлардан кенг фойдаланиш, ўз фикрларини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш ҳамда таҳлил этиш каби хусусиятларни ривожлантиради, шунингдек, профессор-ўқитувчилардан ўз фанларини чуқур эгаллашни ҳамда маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўришни, ёзма иш саволларини тайёрлашда масъулият билан ёндошишни талаб этади.

Фан бўйича масъул кафедра "Ёзма иш" саволларини ва уларни ёритишга ёрдам берувчи таянч тушинчаларини ишлаб чиқали ҳамда кафедра мажлисида кенг муҳокама этиб, тегишли қарор билан тасдиқлайди.

"Ёзма иш" деканат (марказ) томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг ўтказилади.

Кафедра магистрантларга "Ёзма иш" ни ўтказиш тартиби ва унга қўйиладиган талаблар бўйича консультациялар ташкил этади.

"Ёзма иш"ларни ўтказиш учун, олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан комис-

сия ташкил этилади.

"Ёзма иш" саволлари ва уларни ёритишга ёрдам берувчи таянч тушинчалар деканат (марказ) томонидан комиссия аъзоларига "Ёзма иш" ўтказилиши белгиланган вақтдан бир соат олдин, махсус конвертда тақдим этилади.

"Ёзма иш"ни ўтказиш учун 3 соат вақт берилади.

"Ёзма иш"ларни текшириш ва баҳолашга маънавий профессор-ўқитувчилар, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарнинг етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

"Ёзма иш"ларни ўтказиш ва текширишга жалб этилган шахсларга меҳнат ҳақи бюджетдан ташқари маблағ ёки соатбай жамғарма ҳисобдан амалга оширилади.

"Ёзма иш"ларни баҳолаш меъзонлари олий таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади ва Илмий Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

"Ёзма иш"ларнинг 10% ташқи тақриз учун, Вазирлик томонидан бошқа олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатилиши назарда тутилади.

Магистрантларнинг "Ёзма иш"лари натижаларига кўра, фандан бевосита дарс берган профессор-ўқитувчининг рейтингини белгиланади ҳамда уни кўшимча равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади.

Магистрантларнинг "Ёзма иш"лари икки йил мобайнида деканат (марказ)да сақланади.

Фан бўйича ўтказилган таянч тушинчаларга асосланган "Ёзма иш" натижаларига кўра, 15% дан кам балл тўплаган магистрантнинг иши ижобий баҳоланмайди ва унга деканат (марказ)нинг рухсати билан, 10 кун муддат ичида, қайта топшириш имконияти берилади.

6. Ўқув режага мувофиқ ўқитилиши бир неча семестр (ўқув йили)га режалаштирилган фан бўйича магистрантнинг рейтинг балли, ҳар бир семестр (ўқув йили) давомида айнан шу фан бўйича магистрант томонидан тўпланган баллар йиғиндиси билан аниқланади.

7. Деканат (марказ) ва кафедралар белгиланган тартибда фан бўйича магистрантнинг ЖБ ёки ОБ ҳамда ЯБ турларида кўрсатган ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боради ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклдаги қайдномаларда қайд этади. Баҳолаш натижалари ўқув бўлимида оператив равишда ишловдан ўтказилади.

8. Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

III. Магистрант билимини баҳолаш тартиби

9. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал баллнинг 65% ни тўпла-

ган магистрант қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 65% дан кам балл тўплаган магистрант, қониқарсиз ўқиётган деб ҳисобланади.

10. Семестр (ўқув йили) давомида фанлар бўйича тўплаган баллар ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади.

11. Магистрантнинг барча турдаги амалиётлардан олган билим ва кўникмалари, диссертация иши ҳамда Давлат аттестацияси натижалари ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади ва рейтинг дафтрасида алоҳида қайд этилади.

12. Фан бўйича белгиланган максимал баллнинг 65% дан кам балл тўплаган магистрант, ўрнатилган тартибда ректорнинг буйруғи билан магистрантлар сафидан четлаштирилади.

13. Магистрантни курсдан курсга ўтказишда, ўқув режада ўқув йилига белгиланган фанлардан магистрант тўплаган рейтинг баллар миқдори

ҳисобга олинади ва ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

14. Семестр (ўқув йили) давомида фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида магистрант тўплаган умумий балл, магистрантнинг "Рейтинг дафтраси"га ёзилади.

Магистрант, фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида, фанга ажратилган максимал баллнинг 65% дан кам балл тўплаган ҳолда, унинг шу фан бўйича тўплаган рейтинг бали "Рейтинг дафтраси"да қайд этилмайди.

15. Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган баҳолаш турларининг натижалари деканат (марказ) ва кафедралар томонидан рейтинг назорати экранида мунтазам равишда ёритилиб борилади.

16. Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда тўлдириб бориш масъулияти факультет декани (марказ бошлиғи) зиммасига юклатилади.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ТАЙЁРЛАШ НАМУНАВИЙ ТАРТИБИ

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 31 декабрь 392 сонли буйруғи билан тасдиқланган

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш намунавий тартиби Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998й. 30 октябрь 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Магистратура тўғрисидаги Низом"га асосланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бандларини тўлдирувчи ва изоҳловчи ҳужжат ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси (кейинчалик - диссертация) магистратурада таълим олаётган талабанинг якунловчи иши ҳисобланади.

Диссертация магистрантнинг ўқиш даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий тадқиқот ишларининг натижасидир.

Диссертация мавзуси ишлаб чиқаришда, таълим, иқтисодиёт, фан-техника тараққиётида, ижтимоий соҳаларда илғор ва долзарб масалаларга бағишланиб муайян бир вазифанинг илмий асосланган ечимини топишга, тавсиялар ишлаб чиқишга, статистик маълумотлар таҳлилига қаратилган бўлиши шарт.

Диссертациянинг мазмуни мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб албатта натижавий ечимга эга бўлиши талаб этилади.

Диссертация мавзулари магистрантларга танлаш учун биринчи ўқув йилининг иккинчи семестри (иккинчи ярми) бошлангандан кейин икки ҳафта давомида тақдим этилади. Контракт бўйича таълим олаётган магистрантларнинг диссертация мавзулари буюртмачи томонидан таклиф этилиши мумкин. Мавзу кафедрада магистрант ва унинг илмий раҳбари иштирокида муҳокамадан ўтказилади.

Кафедра тақдимномасига мувофиқ магистрантларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари олий ўқув юртининг Магистратура Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Магистрантнинг амалиёт ўтиш жойи ва тартибини кафедра аниқлайди.

Магистратура раҳбарининг тақдимномаси асосида магистрантларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари, амалиёт ўтиш жойлари ва тартибини тасдиқлаш тўғрисида олий ўқув юрти ректорининг буйруғи иккинчи семестр бошлангандан кейин 2 ойдан кечиктирилмасдан чиқарилади. Шундан кейин икки ҳафта муддатда диссертация ишининг ўрнатилган шаклдаги топшириғи илмий раҳбар томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади.

Магистрлик диссертацияси қуйидаги тузилишдан иборат бўлади:

- Титул varaғи (илова 1);
 - Мундарижа;
 - Кириш;
 - Асосий қисм боблари (2-3 боб тавсия этилади);
 - Хулосалар;
 - Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхати;
 - Иловалар.
- Мундарижада, кириш, боблар ва уларга тегишли параграфлар номлари, уларнинг бошланиши бетлари рақами, диссертациядаги бошқа бўлимлари кўрсатилади.

Кириш қисмида тадқиқотлар мавзунининг долзарблиғи, диссертациянинг мақсад ва вазифалари, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммолик томонлари, тадқиқот предмети, та-

дқиқот объекти, диссертациянинг тузилиши ёритилади.

1-бобда тадқиқот олиб борилган объект бўйича қисқача характеристика бериш билан бирга мавзунинг умумназарий муаммолари ёритилади.

2-бобда диссертацияга оид вазифа қўйиш, илмий изланишлар, амалиётлар жараёнида тўпланган материаллар, статистик маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, услубиёт, таклифлар келтирилади.

3-бобда олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили асосида эришилган натижалар, янгиликлар, ихтиролар, меъёрий кўрсаткичлар, илгари сурилётган гоя ва фикрлар илмий жиҳатдан асосланади, исботланади.

Хулоса ва таклифлар қисмида диссертация иши бўйича чиқарилган хулосалар ва аниқ таклифлар, магистрант диссертация устида ишлаш даврида ўзи иштирок этган изланишларда эришган натижалари муҳасамалаштирилади. Хулоса ва таклифлар диссертация боблари якунида ҳам берилиши мумкин. Қатъий назар ушбу қисм якун сифатида бўлиши шарт.

Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатида диссертация ишини бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар, олинган патентлар рўйхати келтирилади. Адабиётлар рўйхати алфавит тартибда тузилади. Хорижий адабиётлар рўйхати охирида берилди.

Иловалар қисмида диссертация матнидаги айрим қисмлар учун зарур бўлганда кўرғазмали чизмалар келтирилади.

Диссертация магистрантнинг ўқиган тилида, кафедра тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда химояси таржима билан ўтказилади.

Диссертация ҳажми 60-80 варақдан (илова-

ларсиз) иборат бўлиб, А4 (21x29) формат қоғозга компьютерда (2 интервалда, 12-14-ўлчамли шрифтга мос) терилган ҳолатда тайёрланади (матн қоғоз варағига чапдан 2.5 см, юқоридан ҳамда пастдан 2 см четлаб туширилади).

Диссертация химояси учун зарур кўрғазмали чизмалар мувофиқ стандартлар (шартли белгилар, шрифт, масштаб ва х.к.) талабларига жавоб бериб А2 формат қоғозда (5-6 тагача) бажарилиши ёки техник воситаларда экранда намоиш этилиши мумкин. Архитектура, техника, муайян санъат мутахассисликлари бўйича чизмаларга талаблар мувофиқ Илмий-услубий бирлашмалар томонидан ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг қўйилган талабларга амал қилиниб, берилган топшириққа мувофиқ тўла ҳажмда бажарилишига магистрант шахсан жавобгардир.

Зарур ҳолларда илмий раҳбарнинг тавсияси билан диссертация ишининг алоҳида қисмларига, диссертацияга раҳбарликка ажратилган вақт бюджети ҳисобидан маслаҳатчилар таклиф этилиши мумкин.

Тайёр диссертация иши илмий раҳбарнинг имзоси, тақризи билан кафедрага тақдим этилади. Кафедра муҳокамасидан ўтган ва маъқулланган диссертация ишига кафедранинг қарори билан оппонент тайинланади. Оппонент соҳа мутахассислари, илмий муассасаларнинг ходимлари, бошқа олий ўқув юртлирининг профессор ўқитувчилари бўлиши мумкин. Оппонент илмий даражали бўлиши шарт.

Магистратура марказининг раҳбари диссертация ишини илмий раҳбар ва оппонент тақризи билан Давлат аттестация комиссиясига йўллайди.

Диссертация химоядан кейин 10 кун давомида магистратура марказига топширилади ва ўқув юртида 10 йилгача сақланади.

Илова 1

(вазирлик)

(Олий ўқув юртининг номи)

қўлёзма ҳуқуқида

(Магистрантнинг фамилияси, исми - шарифи)

(Магистрлик диссертациясининг мавзуси)

мутахассислиги

(Мутахассислик шифри)

бўйича магистр даражасининг олиш учун

(Мутахассислик номи)

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Раҳбар: _____

(илмий унвони, ф.и.ш.)

ТОШКЕНТ _____ й

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз" маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида"ги 2000 йил 27 январ 19 сонли БУЙРУҒИ

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ректорлари ва директорларига:

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси бўйича 12 соатлик махсус курс (6 соат маъруза, 6 соат амалий машғулот) ўқув юртлари барча гуруҳларининг дарс жадва-

лига жорий ўқув йилининг 2 семестри бошидан бошлаб киритилсин ва махсус ўқув дастури асосида ўрганиш ташкил этилсин. Маъруза ва семинар машғулотлари ўқув режасида белгиланган факультатив соатлар ҳисобидан қоплансин.

4.5. Махсус курс баҳоли синов билан якунлашиши назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Меъёрий ҳужжатларга қўшимча киритиш ҳақида"ги 2000 йил 7 феврал 27 сонли БУЙРУҒИ

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёни сифатини кўтариш мақсадида.

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8 июнь 194 - сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида намунавий Низом"га қўшимчалар киритилсин:

1.1. 5-бандининг 6-абзаци қуйидаги тахрирда баён этилсин: "ЯБ ва ОБ турлари таянч тушунчаларига асосланган "Ёзма иш" усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва ҳ.к.) ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда ЯБ ва ОБ турларининг "Ёзма иш" усулида ўтказиладиган салмоғи (биргалликдаги) фанга ажратилган соатлар ҳажмининг камида 45%ини қоплаши лозимлиги белгилаб қўйилсин. ҳар бир "Ёзма иш" бўйича талаба 55%дан ортиқ балл йиғиши шарт".

1.2. 14-бандига қуйидагича қўшимча киритилсин:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини Республика таълим тизимида жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома" ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8"а"-сонли БУЙРУҒИ

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.2. Бакалаврлар учун назорат шакли сифатида семестр якунида жорий синов ва ўқув йили охирида ижтимоий фанлар билан уйғунлашган давлат аттестацияси белгилансин.

"ЖБ, ОБ ва ЯБ турларининг ҳар бир босқичида талаба 55% дан ортиқ балл йиғиши шарт".

2. Рейтинг тизимининг оралиқ баҳолаш босқичларида "Ёзма иш"лар ўтказишда "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тadbiq этиш бўйича намунавий Низом" тартиби амал қилиши белгилаб қўйилсин.

Қайд этилган Низомнинг 4-хат боши қуйидагича баён этилсин:

"Барча фанлар бўйича якуний баҳолаш босқичи "Ёзма иш" усулида ўтказилади".

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрь 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом"нинг 9-бандига қуйидаги қўшимча киритилсин:

"Якуний давлат аттестациясининг фанлар бўйича ва тааллуқли йўналиш (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний аттестация синовлари "Ёзма иш" усулида ўтказилади".

4. Ушбу буйруқ бажарилиши назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Ш. Курбонов зиммасига юклатилсин.

2.3. Магистратура босқичида назорат шакли сифатида "Фаннинг фалсафий муаммолари" ҳамда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанлари уйғунлаштирилган ҳолда давлат аттестацияси ўтказилсин.

2.5. Бакалаврият босқичининг қуйи курсларида "Миллий истиқдол гоёси: асосий тушунча

ва тамойиллар" фани ижтимоий-гуманитар фанлар таркибига сингдирилган ҳолда ўқитилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 19 февралдаги 38-сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, унинг мазмуни ва моҳиятини талабалар орасида атрофлича чуқур ўрганишни ташкил этиш ҳамда талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, оғи ва тафаккурини янада такомиллаштириш мақсадларидан келиб чиқиб

БУЮРАМАН:

5. Олий ўқув юртлири Бош бошқармаси (Б.Раҳимов), Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Д.Фаниев), ОУМММИ директори (Э.Имомов)га:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбек тили фанидан давлат аттестациясини жорий этиш тўғрисида"ги 2001 йил 22 февралдаги 46-сонли БУЙРУҒИ

1. Олий таълим бакалаврият босқичининг дарс машғулотлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган ўқув гуруҳларида Ўзбек тили фанидан давлат аттестацияси (имтиҳон) 2000/2001 ўқув йилидан бошлаб жорий этилсин.

1.1. Давлат аттестацияси (имтиҳон) бакалав-

5.1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўқитиш ва ўргатиш билан боғлиқ ташкилий-услубий ишларни амалга ошириш топширилсин.

5.2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олий таълимнинг бакалаврият босқичида 40 соат ҳажмида, магистратура босқичида 18 соат ҳажмида ўқитиш бўйича махсус курсни 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш юклатилсин.

рият босқичида дарс машғулотлари давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган ўқув гуруҳларида ўзбек тили бўйича белгиланган 148 (100 соат амалий машғулот) соатлик курс ўқиб тугатилганидан сўнг (2-курсда) ўтказилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2001 йил 26 декабр 324-сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасаларида магистрлар билимини рад қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги "Рейтинг назорат тизим ҳақида Низом" Иловага

мувофиқ тасдиқлансин.

2-2. Махсус сиртқи бўлимда "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори"га кирган йўналишларнинг давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган таянч ўқув режалари ва шу режага мувофиқ ОўЮнинг Илмий Кенгашида маъқуланган жорий (ишчи) ўқув режаси бўйича таълим жараёни ташкил этилади.

2.3. Махсус сиртқи бўлимда ўқиш муддати 3 йилдир.

2.4. Махсус сиртқи бўлимга кирган шахсларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

2.5. Олий таълим муассасаси ректори махсус сиртқи бўлим талабаларини ўқув-методик адабиётлар, ўқув-меъерий ҳужжатлар, тарқатма материаллар билан таъминлашга ва билим олишлари учун зарур шароитларни яратишга масъулдир.

III. Таълим жараёнини бошқариш

3.1. Махсус сиртқи бўлимни факультет деқани мақомидаги мудир бошқаради.

3.2. Махсус сиртқи бўлимнинг ўқув-ёрдамчи ходимлари штат жадвали ўрнатилган тартибларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий ўқув юрти ректорати билан келишилган ҳолда белгиланади ва тасдиқланади.

3.3. Махсус сиртқи бўлим мудирини қошида ўқув жараёнини такомиллаштириш, унинг илмий-методик муаммоларини муҳокама қиладиган ўқув-методик комиссия ташкил этилади ва бу комиссия факультет Илмий Кенгаши мақомида бўлади.

IV Ўқув жараёни

4.1. Махсус сиртқи бўлимда ўқув жараёни графиги жорий ўқув режаси асосида тузилади ва ҳар йили ректор буйруғи билан тасдиқланади.

4.2. Талаба тасдиқланган ўқув режасидаги барча фанлар бўйича ўқув дастурларидаги билим, маъна ва кўникмаларни эгаллашга мажбурдир ҳамда уларни бевосита амалий фаолиятга, мустақил ижодий фикрлашга йўналтира олиши зарур.

4.3. Махсус сиртқи бўлим мустақил билим олиш шакли сифатида амалда бўлиб, унинг аудиторияларида ўқиладиган маъруза, ўтказиладиган тажриба ва лаборатория, семинар ва амалий машғулотлар талабага ўз мустақил ишини, сессия оралиғи ишини, асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш методлари, технологиялари билан қуроллантиришга қаратилади.

4.4. Махсус сиртқи бўлимда маъруза ўқиш, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказишда илғор метод ва технологиялардан фойдаланилади, жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш. ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва ҳоказолар.

4.5. Махсус сиртқи бўлим ўқув жараёнида талабанинг сессия оралиғи ишлари энг асосий компонент сифатида иштироқ этади. Сессия оралиғи ишлари мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари тўғрисида ҳар бир фан бўйича тайёрланган жорий (ишчи) ўқув дастурларида белгилаб берилади.

Сессия оралиғи вазифалари мазмунидан қуйидаги мустақил иш турлари ўрин олади:

- курс (лойиҳаси) иши;
- савол ва топшириқлар рўйхати;
- тест-синов саволлари;
- машқлар, мисол ва масалалар;
- тажриба натижалари;
- методик ишланмалар, тавсияномалар;

- график ишлар ва ҳ.к.

Сессия оралиги вазифаларини бажаргандан сўнг талаба уни тегишли кафедрала қайдан ўтказди ва у мутахассислар томонидан текширилиб, рейтинг талаблари асосида баҳоланади. Талаба текширув натижаларига кўра уни ҳимоя қилади ҳамда фан бўйича якуний баҳолашга кириш ҳуқуқини олади.

4.6. Махсус сиртқи бўлимда ҳам талабалар билимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8 июнда 194-буйруқ билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги намунавий Низом" асосида амалга оширилади, лекин махсус сиртқи бўлим рейтинг тизимида оралиқ ва якуний баҳолаш модуллари жорий қилинади ҳамда оралиқ баҳолаш фанга ажратилган балнинг 70%, якуний баҳолаш эса 30% ини ташкил этади.

4.7. Муайян босқич фанларини тўлиқ ўзлаштирган талабалар кейинги босқичга ОЎЮ ректори буйруғи билан ўтказилади.

4.8. Узрли сабаблар туфайли муайян босқич ўқув режасидаги фанларни ўрнатилган муддатларда ўзлаштиришга улгурмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Узрли сабабларга ҳужжат билан тасдиқланган қуйидагилар киритилади: касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол ва ш.ў.

Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади.

Шахсий жадвални бажара олмаган талаба олдинги босқичда қолдирилади.

4.9. Талабалар биринчи босқичда ва тақоран (икки марта), бир босқичда қолдирмайди, балки у ОЎЮ талабалари сафидан чиқарилади.

4.10. Махсус сиртқи бўлимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ва унинг шахсияти ҳақидаги маълумотлар ёзилади ҳамда олий ўқув юртидаги фаолиятининг тўлиқ мониторинги юритилади: сессия оралиги вазифаларининг бажарилиши, жорий ва давлат аттестацияси, битирув малакавий ишининг баҳоланиши ва умумий рейтинг балли.

4.11. Махсус сиртқи бўлим талабасига ўқув сессиясига қадар ўрнатилган шаклда хабарнома-маълумотнома юборилади.

4.12. Махсус сиртқи бўлим талабаларига маъруза ўқиш учун ўз соҳасининг етук, салоҳиятли профессор-ўқитувчилари жалб қилинади.

V. Давлат аттестацияси

5.1. Давлат аттестацияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрдаги 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестациялари тўғрисида Низом"га му-

вофиқ ташкил этилади.

5.2. Давлат аттестациялари махсус сиртқи бўлим таянч ўқув режасида кўрсатилган фан ва фанлар мажмуаси бўйича ўтказилади.

5.3. Битирув малакавий иши олий ўқув юрти бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва махсус сиртқи бўлимда битирув малакавий иши бевосита уларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ мавзулар бўйича бажарилади.

5.4. Махсус сиртқи бўлим таянч ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчида давлат аттестацияси комиссиясининг қарорига кўра ОЎЮи ректори уларнинг олий таълим муассисини битирганлиги ва бакалавр даражасининг берилганлиги тўғрисида буйруқ эълон қилади ҳамда уларга ўрнатилган нусхада диплом берилади. Диплом Иловасида таянч ўқув режасидаги фанлар рўйхати ва улар бўйича тўпланган рейтинг кўрсаткичи, малакавий битирув иши мавзуси, унга қўйилган баҳо акс этади.

VI. Махсус сиртқи бўлим талабаларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари

6.1. Махсус сиртқи бўлим талабалари олий ўқув юрти муассасасининг барча ўқув жиҳозлари, аудитория, лаборатория, кутубхона, ҳисоблаш маркази ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалар хизматидан бепул фойдаланади.

6.2. Махсус сиртқи бўлимда бир йўналишдан иккинчисига ва бир шаклдан бошқа шаклларга ўтиш ва ўтказишга йўл қўйилмайди. Махсус сиртқи бўлимнинг муайян босқичида олий ўқув юртидан чиқарилган талабани қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича 1999 йил 24 июндаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (1999 йил 6 август 793-ракам) рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабалари (ўқувчилари) ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом"га асосан амалга оширилади.

6.3. Ҳар бир босқичда талабага ўқув сессияларида иштирок этишлари учун 40 календарь кунлик ўртача ойлик маоши сақланган қўшимча таътил берилади. Ўз босқичида қайта ўқиётган талабалар бундай ҳуқуққа эга эмас. Уларга ҳақ, тўланмайдиган тақлиф-маълумотнома берилади.

6.4. Бир босқичда қайта ўқиш имконияти талабага махсус сиртқи бўлимда ўқиш давомидан фақат бир мартагина берилади.

6.5. Махсус сиртқи бўлим битирувчиси якуний давлат аттестацияларидан ўтиш, битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш учун ўқув жараёни жадвалида белгиланган муддатларда 15 календарь кунлик ўртача маоши сақланган қўшимча таътил берилади.

6.6. Битирув малакавий ишини якунлаш даврида битирувчи хизмат қилаётган ўқув муассасаси унга 30 календарь кунлик маоши сақланмаган қўшимча таътил бериши зарур. Бу муддатда талабага олий ўқув юрти умумий тартибда степендия белгилайди. Талаба иш жойидан муассаса раҳбари ва ҳисобчи имзоси билан шу давр учун ҳақ тўланмайдиган таътилда эканлиги тўғрисида махсус сиртқи бўлимга маълумотнома тақдим этиши жонз.

6.7. Битирув малакавий ишининг якунланганлиги тўғрисида унинг химояси белгиланган

кундан 30 кун аввал махсус сиртқи бўлим бошлиғи ва мутахассис тайёрловчи кафедра мудирини номига билдирги ёзилади ва у тегишли ҳужжатда қайд қилинади. Билдирги талаба ёки унинг илмий раҳбари томонидан берилиши мумкин.

6.8. Битирув малакавий иши очик ҳимоя қилинади.

6.9. Юқоридаги қондалар мос келмайдиган ҳолатларда талаба ўз имтиёзлари ва ҳуқуқларини олий таълимга ваколатли давлат органларига юборилади ва тегишли чоралар кўрилади.

5.7. КЎКРАК НИШОНЛАРИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистратурасини битирганлар учун академик кўкрак нишонини киритиш тўғрисида" 2001 йил 20 февралдаги 41-сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда республика олий таълим тизимида кўп босқичли таълимнинг жорий этилганлиги ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистратурасини битирувчилари учун академик кўкрак нишонининг янги шакли киритилсин.

2. Олий таълим муассасаларини битирувчи шахсларга бериладиган академик кўкрак нишо-

нининг матни ва Низоми 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (М.Х.Саидов) га:

3.1. Академик кўкрак нишонини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сарф-ҳаражатларга маблағ ажратиш вазифалари юклатилсин.

Академик кўкрак нишонининг миқдори олий таълим муассасаларининг буюрмасига биноан белгилансин.

5. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг 2001 йил 20 феврал
41-сонли буйруғига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистратурасини битирганларга
топшириладиган академик кўкрак нишонининг
ТА В С И Ф И

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари магистратурасини битирган шахсларга топшириладиган академик кўкрак нишони, оқ ва ҳаво ранг эмал билан қопланган, сал бўртган эллипс шаклига эга. Эллипснинг четлари ва рангларини бир-биридан ажратиш турувчи чизиқлар олтин рангда ёрқин бажарилган бўлиб, унинг ўртасида ҳаво ранг эмал фонидан олтин рангда ёрқин ифодаланган Ўзбекистон Республикаси гербининг элементи "қуёш чиқиши" фонидан Семург қуши" жойлаштирилган.

Оқ эмал билан қопланган нишон периметрининг юқори қисмида олтин рангда сал бўрттирилган ҳолда "O'ZBEKISTON" ва пастки қисми-

да "MAGISTR" сўзлари ёзилган. "O'ZBEKISTON" ва "MAGISTR" сўзлари ўртасида олтин рангли саккиз қиррали юлдузлар ва лавр барглари жойлаштирилган.

Нишон кийимга тақилиши учун, унинг орқа томонига винт ва гайка ўрнатилган.

Нишоннинг миқёси вертикал бўйича 35 мм, эни 26 мм. Нишон силикат эмалли силлиқлаштирилган томпақдан тайёрланади.

2. Академик кўкрак нишони қутичага жойлаштирилади. қутича тўқ-қизил рангли ледеринга ўралган бўлиб, унинг асосига шойи ёстиқча жойлаштирилган.

Приложение № 1
к приказу Министра высшего и
среднего специального образования
Республики Узбекистан
от 20 февраля 2001 г. № 41

**Описание нагрудного академического знака для окончивших магистратуру высших образова-
тельных учреждений Республики Узбекистан**

1. Нагрудный академический знак для лиц окончивших магистратуру высших образовательных учреждений Республики Узбекистан, имеет форму слегка выпуклого эллипса, покрытого эмалью белого и голубого цветов, причем края эллипса и разделительная полоска между цветами, выполнены в форме окаймления золотистыми бортиками. В середине знака на фоне голубой эмали помещается накладное золотистого и цвета изображение элемента герба Республики Узбекистан "Птица Семург на фоне восходящего солнца".

По периметру знака покрытого белой эма-

лью помещаются выпуклого золотистого цвета надписи: в верхней половине "O'ZBEKISTON" и нижней части "MAGISTR" разделенные золотистыми восьмиконечными звездочками и лавровыми ветвями.

На обратной стороне знака, имеется винт с гайкой для прикрепления знака к одежде.

Размер знака по вертикали 35 мм., по ширине 26 мм. Знак изготавливается полированный из томпака с силикатными эмалями.

2. Нагрудной академический знак помещается в коробочке, облицованной темно-бордовым ледерином, на шелковой подушке.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2001 йил 20 феврал
41-сонли буйруғига
2-ИЛЮВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасини битирганларга
топшириладиган академик кўкрак нишон тўғрисидаги
Н И З О М**

1. Академик кўкрак нишони Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасини битирган ва олий таълим муассасаси магистратурасини битирганлик ҳақидаги мувофиқ ҳужжатнинг (диплом) асл нусхасига эга бўлган шахсларга берилади.

Мазкур олий таълим муассасасида таълим олганлигини билдирувчи бошқа ҳужжатлар, жумладан, маълумотнома, муваққат гувоҳнома, диплом нусхаси академик кўкрак нишони бериш учун, асос бўлиб ҳисобланмайди.

2. Олий таълим муассасалари магистратурасини битирганларга академик кўкрак нишонлари тантанали равишда диплом билан бирга билан бошқа таълим муассасасининг ректори ёки унинг топшириғи билан бошқа маъсул шахс томонидан топширилади.

Магистрлик дипломини илгарироқ олган шахсларга академик кўкрак нишонини топшириш, олий таълим муассасаси ректорининг номидан факультет декани томонидан факультет декани томонидан бевосита ўзларига ёки ишончли орқали амалга оширилиши мумкин.

3. Академик кўкрак нишони, истисно тариқасида олий таълим муассасасида 20 ва ундан ортиқ йил фаолият кўрсатган ва унинг ривожига катта ҳисса қўшган профессор-ўқитувчиларга олий таълим муассасаси Илмий Кенгашининг қарорига мувофиқ берилиши мумкин.

4. Академик кўкрак нишони кўкракнинг ўнг

томонига Ўзбекистон Республикасининг орқали ва медалларидан пастроққа тақилади.

5. Олий таълим муассасаси академик кўкрак нишонини олувчидан, кўкрак нишонининг тан нархи қийматини ундиради.

6. Олий таълим муассасалари академик кўкрак нишонига бўлган зарурий миқдорни аниқлаб, ўз тасарруфликлари бўйича вазирликларига буюртма берадилар, Вазирликлар олий таълим муассасаларидан тушган буюртмаларни умумлаштириб, ўз навбатида Молия вазирлигининг Давлат Белгисига кўкрак нишонларини белгиланган намунада тайёрлашга буюртма берадилар.

7. Академик кўкрак нишони берилганлиги ҳақидаги маълумот махсус дафтарчада ёки диплом берилганлиги ҳақидаги дафтарчада рўйхатга олинади.

8. Академик кўкрак нишони берилганлиги тўғрисидаги маълумот, дипломнинг юқори чап бурчагига "Академик кўкрак нишони топширилган" - деган штампни қўйиш билан белгиланади.

9. Академик кўкрак нишони топшириш тартиби тўғри амалга оширилишини назорат этиш маъсулияти, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар зиммасига юклатилади.

10. Йўқотилган академик кўкрак нишони ўрнига янгиси берилмайди.

5.8. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ВА ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўқув жараёнига оид ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш тўғрисида"ги 1999 йил 11 ноябрь 336 сонли БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалар ҳамда олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, шунингдек, республика олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига оид ҳужжатларнинг қўлланилишида ягона тартибни ўрнатиш мақсадида

Б У Й У Р А М А Н:

1. Олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига тегишли ҳужжатларнинг шакллари қуйидаги иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

1 - шакл "Кафедранинг ўқув юкламаси", 1 - илова;

2 - шакл "Дастур бажарилишнинг календарли режаси", 2-илова;

3 - шакл "Ўқитувчининг шахсий иш режаси", 3-илова;

4 - шакл "Рейтинг балларини тўплаш бўйича қайднома", 4-илова;

5 - шакл "Рейтинг дафтарчаси", 5 - илова;

6 - шакл "Талабалик гувоҳномаси", 6 - илова;

7 - шакл "Турух журнали", 7-илова;

8 - шакл "Ўқув машғулоти ҳажми", 8 - илова;

9 - шакл "Курс (иши) лойиҳасига топшириқ", 9 - илова;

10 - шакл "Малакавий битирув иши бўйича топшириқ", 10 - илова;

11 - шакл "Семестр қайдномаси", 11 - илова;

12 - шакл "Давлат аттестация комиссиясининг (ДАК) баёни", 12 -илова;

13 - шакл "Талабанинг шахсий варақаси", 13 - илова;

14 - шакл "Давлат аттестация комиссиясининг ҳисоботи", 14- илова;

15 - шакл "Талабанинг ўқув варақаси", 15 - илова.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. Бир ой муддатда, олий таълим муассасаси деканатлари ва кафедраларида амалда қўлланилаётган ҳужжатларни иловаларда келтирилган ҳужжатлар намуналарига мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

2.2. Иловаларда келтирилган ҳужжатларни мувофиқлаштирувчи Кенгаш қошида ташкил этилган "Муаллим" марказидан белгиланган тартибда олиш мумкинлиги эътибор учун қабул қилинсин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Б.Х. Раҳимов)га:

3.1. Жорий йилнинг ноябрь ойида, иловаларда келтирилган ҳужжатларни амалда жорий этиш бўйича семинар-кенгаш ўтказиш топширилсин.

3.2. Олий таълим муассасаларида иловаларда келтирилган ҳужжатларнинг қўлланилиши назорат этиш юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

5.9. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТ ВА ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисида"ги 1999 йил 20 феврал 51 сонли БУЙРУҒИ

1. Олий ўқув юртлари ректорларига:

1.1. Талабалар, профессор-ўқитувчиларни спорт билан шуғулланишига шарт-шароитлар яратилсин. Спорт заллари ва майдончаларини таъмирлаш, уларни анжомлар билан жиҳозлаш, мусобақалар ўтказиш ҳамда голибларни рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари тушган маблағларнинг тегишли қисми ажратилсин ва ундан мақсадли равишда фойдаланиш таъминлансин.

1.2. Талабаларнинг ўзбек миллий курашига бўлган эътиборини янада кучайтириш мақсадида олий ўқув юртларида миллий кураш бўйича ҳамда талабалар, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар учун соғломлаштириш бўйича шуъбалар ташкил этилсин.

1.3. Талабаларни бўш вақтидан фаол фойдаланиш ва соғломлаштириш мақсадида талабалар

уйида истиқомат қилувчи талабалар учун эрта-лабки гигиеник гимнастика ташкил этилсин, шу билан бир қаторда тренажер, спорт хоналари ва шуъбалари ташкил этилиб, улар зарур анжомлар билан жиҳозлансин.

1.4. Барча талабаларнинг жисмоний соғломлигини махсус тайёрланган тест орқали аниқлаш ҳафталигини ҳар йили камида бир марта ўтказиш режалаштирилсин.

1.5. 1999 йилдан бошлаб йил давомида олий ўқув юртлари талабаларининг гуруҳлари, курслари ва факультетлари ўртасида ҳамда шаҳар, вилоят, Республика миқёсида спортнинг, энгил атлетика, волейбол, футбол, стол теннис, теннис, шахмат, шашка ва миллий кураш турлари бўйича мусобақалар ўтказиш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 20.02.99.

51 сонли буйруғига

1-Илова

Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, стол тенниси, теннис ва кураш турлари бўйича мусобақалар ўтказиш

РЕЖАСИ

1 Босқич-гуруҳлар ўртасида курслар биринчилиги учун оммавий равишда мусобақалар ўтказиш 1 сентябрдан 31 октябргача.

2 Босқич-курслар ўртасида факультетлар биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш 10 ноябрдан 25 декабргача.

3 Босқич-факультетлар ўртасида олий ўқув юрти биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш 10 январдан 15 февралгача.

4 Босқич-Олий ўқув юртлари ўртасида вилоят биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш 1 мартдан 20 мартгача.

5 Босқич-Вилоят холиблари бўлган олий ўқув юртлари ўртасида минтақа биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш 1 апрелдан 20 апрелгача;

1 минтақа; Андижон, Наманган, Фарғона (Фарғона-ташкilotчи)

2 минтақа; Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё (Самарқанд-ташкilotчи)

3 минтақа; Қорақалпоқистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий (Бухоро-ташкilotчи)

4 минтақа; Тошкент вилояти, Жиззах, Сирдарё (Сирдарё-ташкilotчи)

5 минтақа; Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари.

6 Босқич-минтақа холиблари бўлган олий ўқув юртлари ўртасида Республика биринчилиги учун мусобақалар ўтказиш 1 майдан 20 майгача, Тошкент шаҳрида.

"Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фани бўйича тажрибавий ўқув Дастурини жорий этиш тўғрисида"ги 2003 20 август 206-сонли

ҚУШМА БУЙРУҚ

Иккинчи чақирувга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" - ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Мудофаа, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва бошқа вазирлик ҳамда мутасадди ташкilotлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун "Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фани бўйича тажрибавий ўқув Дастурини 2003-2004 ўқув йилида ўқув жараёнига талбиқ қилиш мақсалида

БУЮРАМИЗ:

1. "Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фани бўйича ишлаб чиқилган тажрибавий ўқув Дастури 2003-2004 ўқув йили учун қабул қилинсин.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўқув адабиётлари, ахборот ва таҳлил бошқармасига жорий йилнинг биринчи сентябрига қадар мазкур фан бўйича тажрибавий ўқув Дастурини 1000 нусхада чоп этиш ва тарқатиш топширилсин.

3. Қорақалпоқистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Самарқанд, Андижон ва Сурхондарё

вилоятлари ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларига юқорида кўрсатилган ҳудудий бошқармалар тажриба-синов майдонлари деб белгиланганлигини эътиборга олган ҳолда ҳар уч ойда ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига мазкур фан бўйича қабул қилинган Дастур ҳусусида тақлиф ва ҳулосаларни бериб боришлар.

4. Мудофаа вазирлигининг ҳарбий таълим бошқармасига ва ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Махфий сафарбарлик бўлимига:

-тажриба-синов майдонларидан келадиган тақлифларни умумлаштириб ишчи гуруҳига киритиш;

-"Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фанининг ўтилиши ҳамда ёшлар орасида олиб бориладиган ҳарбий ватанпарварлик тарбияси борасидаги ишларни ўрганиш ҳамда уларга амалий ёрдам бериш мақсалида юқорида кўрсатилган бошқармаларга қарашли ўқув юртларига хизмат сафари ташкил этилсин.

5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари - Марказ раҳбари ҳамда Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари зиммасига юклатилсин.

Об организации военной подготовки студентов Международного Вестминстерского университета г.Ташкента на военной кафедре Ташкентского Государственного технического университета из

СОВМЕСТНОГО ПРИКАЗА

№236 от 23 сентября 2003 года

В связи с потребностью в квалифицированных офицерах - специалистах, знающих иностранные языки и с целью создания качественного мобилизационного резерва для Вооруженных Сил

ранние языки и с целью создания качественного мобилизационного резерва для Вооруженных Сил

Республики Узбекистан

ПРИКАЗЫВАЕМ:

1. С 2003-2004 учебного года организовать военную подготовку студентов Международного Вестминстерского университета г.Ташкента на военной кафедре Ташкентского Государственного технического университета в соответствии с закрепляемой родственной военно-учетной специальностью - "Боевое применение частей и подразделений дивизионной артиллерии".

2. Ректору Ташкентского Государственного технического университета:

- организовать подготовку студентов Международного Вестминстерского университета г.Ташкента на военной кафедре по программе офицеров запаса в строгом соответствии с "Инструкцией по организации и проведению учебного

процесса на военных кафедрах высших учебных заведений";

- внести необходимые изменения в учебные планы и в расписание военной кафедры.

3. Ректору Международного Вестминстерского университета г.Ташкента:

- совместно с военной кафедрой ТГТУ провести конкурсный отбор студентов на военную подготовку согласно совместному приказу Министра обороны и Министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан № 183/108 от 2 апреля 2002 года.

5. Контроль за выполнением настоящего приказа возложить на заместителя Министра обороны по воспитательной работе и заместителя Министра высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажариш тўғрисида"ги 2003 йил 14 ноябр 278-сонли БУЙРУҒИ

Республикамизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка ва барча олий таълим муассасалари талабаларига етказиш, жисмоний тарбия ва спортнинг тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида

БУЙОРАМАН:

5. Олий таълим муассасалари ректорларига:
- талаба-ёшлар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида машҳур спортчилар билан учрашувлар ўтказиш, спортга оид фотолавҳалар ташкил этиш;

"Олий таълим муассасаларида спортни янада ривожлантириш тўғрисида"ги 2004 йил 20 январ 18 сонли БУЙРУҒИ

Жорий йилнинг 9 январ кунин Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг ўтказилган навбатдаги йиғилишида болалар спортни доимий эътиборда ва уни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Республикада спортнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, соғлом авлодни тарбиялаш ва ривожлантиришга устувор аҳамият берилганлиги туфайли спорт ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантирувчи, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашда асосий омилга айланиб бормоқда.

Самарқанд шаҳрида олий таълим муассасалари талабаларининг "Универсиада-2004" ўтказилиши режалаштирилган. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида ушбу мусобақаларнинг 2 босқичини (олий ўқув юртлиариаро) ўтказишга

қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

"Универсиада-2004" спорт мусобақалари дастурига киритилган ва бугунги кунда жаҳон миқёсида тан олинган ва кенг тарқалган "Ўзбек кураши" республикамиз ёшларининг сеvimли спорт турига айланди. Республикамизда "Ўзбек кураши" билан шугулланувчи ёшларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Олий таълим муассасаларида спортни оммавийлашувини қўллаб-қувватлаш ва уни янада ривожлантириш мақсадида

БУЙОРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1 "Универсиада-2004" дастурига киритилган спорт турлари, шу жумладан "Ўзбек кураши" бўйича ҳар бир олий таълим муассасасида спорт секциясини ташкил этиш ва уларни мураббий кадрлар билан таъминлаш;

1.2 Жорий йилнинг январ-феврал ойларида мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш ва жи-

ҳозлаш;

1.3 Олий таълим муассасасига яқин жойлашган ҳудуддаги мактаб ўқувчиларини (айниқса қишлоқ ёшларини) спорт иншоотларидан бепул фойдаланишига рухсат бериш;

1.4 Мактабларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш, спорт инвентарлари (футбол, волейбол, баскетбол тўплари) билан таъминлашга амалий ёрдам бериш;

1.5 "Универсиада-2004" мусобақаларининг 2-босқичини юқори савияда ўтказиш ва 3-босқичга (финал) пухта тайёргарликни таъминлаш топширилсин.

2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (Ш.Жонбоев)га:

2.1 Спорт секциялари, шу жумладан "Ўзбек кураши" секциясининг иш фаолиятини ҳамда "Универсиада-2004" мусобақаларининг босқичма-босқич ўтказилишини қатъий назорат қилиш;

2.2 "Универсиада-2004" финал босқичи ғолибларини тақдирлаш учун

медаллар, дипломлар, сертификатлар ва бейжикларнинг шаклларини белгиланган муддатда ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (В.Алехина)га: "Универсиада-2004" ғолибларини тақдирлаш учун мўлжалланган медаллар, дипломлар, сертификатлар ва бейжиклар тайёрлашга белгиланган тартибда маблағлар ажратиш топширилсин.

4. Вазирлик ишлар бошқармаси (И.Йўлдошев)га: Зарурий миқдорда медаллар, дипломлар, сертификатлар ва бейжиклар тайёрлаш учун буюртмаларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

6. ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАР. ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ. КУТУБХОНАЛАР

6.1. ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини эълон қилиш тўғриси"да 1998 йил 9 январь 6-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 4-сонли "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида" ги Қарорини эълон қиламан:

Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида" ги Фармонида мувофиқ узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-услубий адабиётлар мажмуи билан таъминлашни такомиллаштириш, бу муҳим ишга етук олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

...5. Давлат матбуот қўмитаси, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, дарсликлар ва ўқув адабиётларига қуйиладиган талаблар ҳамда уларни баҳолаш мезонлари асосида экспертиза-

дан ўтказилган дарсликлар ва ўқув адабиётларига муаллифлик қалам ҳақи миқдорини шартнома асосида эркин белгилаш Низомини ишлаб чиқсин ва амалга киритсин.

...9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат матбуот қўмитаси "Ўздавкитобсавдо-таъминот" ҳамда "Ўзбекбирлашув" билан биргаликда мактаб ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан чакана савдо тармоғи орқали таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

...11. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда ўқув кутубхоналарини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан етарли даражада тўлдириб боришни таъминласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республика таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш тўғрисида" 1996 йил 15 июлдаги 252-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорини бажариш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни та-

комиллаштириш тўғрисида" ги Қарори дастуруламал сифатида қабул қилинсин.

...5. Хўжалик ҳисобидаги "ЎАЖБНТМ" дирек-

тори Н. А. Ҳалиловга:

- ўқув юртлири кутубхоналарини дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар билан етарли даражада тўлдириб бориш вазифаси юклатилсин.

- ҳамда унинг ҳисоботи жорий йилнинг ав-

густ ойидаги Ҳайъат мажлиси кун тартибига киритилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат этиш вазирнинг биринчи муовини Р. И. Холмуродов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон "Устоз" жамғармасининг 1998 йил 26 феврал 48\45\4 сонли

ҚўШИМА БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 4-сонли "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорининг 4-бандини бажариш мақсадида

БУЮРАМИЗ:

1. Узлуксиз таълим тизимини замонавий дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танлови таъсис этилсин ва ҳар йилнинг май ойида танлов эълон қилинсин.

2. "Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиёти муаллифи" танлови ғолибларини мукофотлаш мезони тасдиқлансин (1-Илова).

3. "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти" танловига топширилган адабиётларни тезкор экспертиза қилиш ҳайъати таркиби тасдиқлансин (2-Илова).

5. Республика "Устоз" жамғармаси (А.А. Абдувахобов) дарсликлар танлови ғолибларини жамғарма Низомида белгиланган рағбатлантириш бўйича тадбирларни амалга оширсин. (Илова 1)

"Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" танлови ғолибларини мукофотлаш мезони тайёрлансин.

"Йилнинг энг яхши дарслиги ўқув адабиёти муаллифи" Республика танлови Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги ва "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида"ги қонунари талабларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимидаги барча ўқув муассасалари учун яратилган дарсликларнинг нуфузини кўтариш, муаллифларни маънавий ва моддий рағбатлантириш учун таъсис этилган.

1. Умумий қоидалар

1.1. "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" учун Республика танлови мукофоти узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичи ва соҳаси бўйича биттадан бўлиб, у ҳар йили бир марта ўтказилади. Республика танлов мукофотига сазовор бўлган муаллиф ёки муаллифлар гуруҳига "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи Республика танлов мукофоти номзоли" унвони берилади, ғолибга Диплом тантанали равишда топширилади. Белгиланган

мукофот муаллифлар жамоаси ўртасида баравар тақсимланади.

1.2. "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" Республика танлови ғолибларига мукофотни бериш тўғрисидаги қарор "Ўқитувчилар куни"да матбуотда эълон қилинади, радио ва телевидение орқали эшиттирилади.

2. Танлов талаблари:

2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими ва Халқ таълими Вазирликлари томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари талабига тўлиқ жавоб бериши зарур.

2.2. Дарслик ва ўқув қўлланмалари ўз мазмунига кўра янгилиги, тасдиқланган талабларга ва жаҳон андозаларига мос келиши, аниқ ва тушунарли тилда ёзилган бўлиши керак.

2.3. Ўзбекистоннинг маънавий мероси ва уни ривожлантириш истиқболларини, этнопсихологик мероси, ижтимоий, иқтисодий, маънавий келажагини белгилай оладиган, жамиятнинг маданий ва ижтимоий, иқтисодий тараққиётини чуқур англашига кўмаклашиши керак.

2.4. Жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилган, икки ва ундан ортиқ нашр қилинган, ўзида истиқлол ва мустақиллик ғояларини муассамлаштирган, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарсликларга берилади.

2.5. Дарслик ва ўқув адабиётлари "ўқув-услубий адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситалари" га қўйилмаган талаблар.

3. Дарсликларни республика танловига тавсия этиш ҳуқуқига эга ташкилотлар.

3.1. Қайси муассаса тасарруфида эканлигидан қатъий назар, таълим тизимига доир барча умумий ўрта мактабларнинг ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасалари, олий ўқув юртлири.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий ва марказий муассасалари, вазирликлар, идоралар, қўмиталар ва б.

3.3. Айрим олимлар, педагогик ходимлар, амалиётчилар ва бошқалар.

Бошқа мукофотларга сазовор бўлган ёки уларни олишга тавсия этилган ишлар қайта мукофот олишга қўйилмайди.

3.4. "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув ада-

биёти муаллифлари" Республика танлови лауреатининг янги йирик ютуқлари мавжуд бўлганда, мазкур мукофот, аввал берилган мукофотдан камида 10 йил ўтгандан кейин, такроран берилиши мумкин.

4. Комиссия иш фаолияти

4.1. Тавсиялар "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти" Республика танлови мукофотини таъсис этувчи комиссияси (бундан кейин "Комиссия" деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

4.2. Комиссия ишларини икки босқичда қўриб чиқади. Биринчи босқичда ишлар танловда қатнашиш учун сараланади, иккинчи босқичда - мукофот олиш учун экспертизадан (илова 1.1) ўтказилади ва унинг хулосасига кўра қарор тайёрланади.

4.3. Танловга тақдим этилган ишлар билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида уларнинг

рўйхати, муаллифлар ҳамда бу ишларни тавсия этган ташкилотлар номи кўрсатилган ҳолда "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталарида эълон қилинади. Бу дарсликлар ўқув жамоалари йиғилишларида, матбуотда ҳолисона муҳокама қилиниши керак. Тақризлар, мулоҳаза ва таклифлар Комиссия томонидан қабул қилишда ҳисобга олинади.

4.4. Комиссиянинг диплом ва мукофотлар бериш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими вазирлиги ва Республика "Устоз" жамғармасининг қўшма Ҳайъати тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

4.5. "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти" танлов ғолиби вафот этган тақдирда, Республика танлови мукофоти лауреатининг дипломи ва мукофоти унинг оиласига берилади.

Илова 1.1 форма № 1

Танловга тавсия этилган дарслик ва ўқув адабиётларини экспертиза хулосаси

(Дарсликнинг тулиқ номи ёки шифри)

(дарслик ва ўқув адабиётни экспертизага топширган ташкилотнинг т.у.лиқ номи ва манзили)

эксперт

(исми шарифи, иш жойи, лавозони)

танловга тавсия этилган дарслик ва ўқув адабиётни тасдиқланган талаблар асосида урганиб чиқиб, қуйдагиларни билдираман:

№ дарсликни буйича мезон	Мазкур талаблар буйича		
	Етарли даражада қониқарли	қисман қониқарли	қониқарли эмас

А. Илмий, ғоявий ва тарбиявий мазмуни

1. Ахлоқий асосларни шакллантириш, таълим ва маънавий тарбия бирлиги тамойилларига мослиги.

2. Дунёқарашни шакллантирувчи етакчи ғояларни шакллантирувчи, табиат ва жамиятда юз бераётган ўзгаришларнинг сабабини аниқлашда, зиддиятларни таҳлил қилиш, билимдаги мутлоқлик ва нисбийликни ифода эта билишда кўмаклашиш.

3. Дарсликнинг назарий ва тажрибавий илм асосларига етарли даражада мослиги.

4. Прогрессив фан арбобларининг ҳамда Туркистондаги машҳур фан арбобларининг дунё миқёсидаги илм-фан эволюцион жараёнини ривожланишга қўшган ҳиссаларини ёритиш.

Б. Мазмунининг тушунилиши

1. Ўқув материали баённинг илмийлиги

2. Ўқув материали баённинг тушунарлилиги

3. Ўқув материални очиб бериш мантиқи

4. Ўқув материалнинг баён этиш усулининг талаб даражалари

5. Ўрганилаётган воқеалар ва қонунларни очиб бериш теранлиги

6. Ўқув материалларини асосий ва қўшимча қисмларга бўлинганлиги

7. Савол, масала ва топшириқларнинг мазмундорлиги

8. Тасвирий материалларнинг сифатлилиги

9. График ва бадий жиҳатдан безатилиши (штрихли ва рангли расмлар, чизмалар, график-

(дарсликнинг тўла номи ва шифри)

эксперт гуруҳи:

муҳр

Эксперт гуруҳи имзоларини тасдиқлайман

(дарсликни муҳокамадан ўтказган ташкилот раҳбари)

" ___ " _____ 200 ___ й

лар, жадвал, диаграмма, рангли тасвирлар, суратлар, фото суратлар, слайдлар, олимларнинг суратлари ва бошқалар) нинг сифатлилиги

10. Дарслик тилининг ифодалилиги, лўндалилиги, аниқлилиги, қисқалиги ва таъсирчанлилиги

11. Дарсликнинг фан асослари билан алоқадорлиги

В. Ўқув методик талаблар

1. Дарсликнинг методик тузилиши, таълимнинг мақсади ва вазифаларига, унинг дидактик тамойилларига мослиги

2. Билимларни ўзлаштириш даражасининг ва тушунтириш методларининг акс эттирилиши

3. Ўқувчиларда чуқур билим ва малакани ҳосил бўлиши, уларда фанга бўлган қизиқишнинг шаклланиши учун хизмат қилиши, шу-

нингдек билим қоблиятини мунтазам ошириб бориши

4. Ўқув материалларининг тўлиқ ҳисобот қилинган бўлиши, улар ўқувчиларнинг фикрлаш фаоллигини оширадиган билиш қоблиятларини ривожлантирадиган тарзда баён этилиши

5. Билимларни баён этишнинг турли усулларида меъёрида фойдаланиш, улар орасидаги муносибликни топиш

7. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи муовини Р.И. Холмуродов, Халқ таълими вазирининг биринчи муовини И.С. Саиджонов ва Республика "Устоз" жамғармасининг ижрочи директори А.А. Абдувахобовлар зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус талим вазирлигининг янги ташкил этилаётган академик лицей, касб-хунар коллежларини ўқув адабиётлари ва ўқув дастурлари билан таъминлаш тўғрисидаги 1999 йил 22 июндаги 207- сонли

БУЙРУҒИ

1. Университет ва институт ректорларига:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларида амалда фойдаланиб келинган адабиётлари, ҳамда ташкил этилаётган янги мутахассисликлар учун сотиб олинаётган жаҳон стандартларига мос келадиган, рус тилидаги илғор ўқув адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш учун олий ўқув юрти жамоасидан юқори малакали мутахассисларни танлаб тўловли шартнома асосида ишлашга Марказга тавсия этсинлар (таржима қилинадиган адабиётлар рўйхати илова қили-

иади).

2. Ўқув адабиётлар нашрини режалаштириш, нашр ва таъминот бўлими бошлиғи С.Бобожоновга:

Олий ўқув юртлари томонидан илғор ўқув адабиётларини таржима қилиш учун тавсия этилган юқори малакали мутахассислар ҳамда "Маърифат" рўзномасида эълон қилинган таржимонлар конкурси ғолиблари билан шартномалар тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзлуксиз таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳақида" ги 1999 йил 28-сентябрдаги 288-сонли

БУЙРУҒИ

1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, ўрта махсус касб-хунар таълими ва ўқув адабиётлар, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш марказлари ҳамкорликда нашр этган "Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар" барча олий ўқув юрти ректорлари ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари директорлари учун

дастур амал ҳисоблансин ва ҳаётга тадбиқ этиш учун масъуллиги белгилансин.

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.5. Барча муаллифларга фанларнинг дарсликлари, таълим жараёнида етарли тажрибадан ўтказилган маърузалар матнлари асосида яратилиши ва уларнинг тили равон ҳамда ўзлаштиришга қулай бўлиши, зарурий тасвирлар билан безалиши, таянч иборалар бўрттилиб кўрсатилиши, ўзлаштириш назорати учун саволлар билан таъ-

минлигини талаблари қўйилсин.

4. ОЎМММИ (Имамов Э.З.)га:

4.1. Жорий йилнинг охиригача ўз йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим стандартли, ўқув режалари, фанлар дастурлари ишлаб чиқишни таъминланган ва айниқса дарсликлар яратиш устида сует ишлаётган таянч олий ўқув юртлирини аниқлаб, улардан "Таянч олий ўқув юрти" мақомини олиб ташлаш масаласини вазирликка киритиш юклатилсин.

4.2. Вазирликнинг 1999 йил 10 май 155-сон буйруғининг ижросини таҳлил этиш ва жорий йилнинг ноябргача қадар хулосаларни коллегияга тақдим этиш топширилсин.

5. Республика миқёсида, вазирлик грифи билан нашр этилувчи дарслик яратиш даражасига тенглаштириш ва таржимонлар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш таклифларини ишлаб чиқиш топширилсин.

6. Таълим, илм-фан ва капитал қурилишни молиялаштириш бош бошқармаси (Саидов М. Х.)га, ОЎМММИ (Э. З. Имамов) ва УЖБНТМ (Н.А.Халилов) билан ҳамкорликда:

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 4-сон "Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар, ўқув адабиётлар билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг ижроси бўйича 1999 йил 10 октябрь 324 сонли

БЎЙРУҒИ

Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ва нашр этилган "Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича мезъерий хужжатлар ва 1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар" тўплами барча олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим ўқув юртлири учун дастурамал сифатида қабул қилинсин ва сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

Олий таълим муассасалари ректорларига:

Ишлаб чиқилган маърузалар матнларининг намуналарини турдош олий ўқув юртлирига етказиш, ҳамда уларни сотиш ҳақида шартнома-лар тузиш топширилсин.

Мазкур олий ўқув юртида ишловчи муаллифлар учун 3-6 ойлик ижодий таътиллар ташкил қилиш, дарсликлар қўлёзмаси устида ишлаган давр учун профессор ўқитувчиларга моддий рағбатлантириш механизмларини қўллаш, хорижий турдош кафедра-лар ва соҳа олимлари билан ҳаммуаллифликда ўқув адабиётларини яратишни ташкил этиш ва уни рағбатлантириш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

1.1. Ҳар йили олий ўқув юрти доирасида энг яхши дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма танловларини ўтказиш ва ғолибларни республика танловига тавсия этиш топширилсин.

1.2. Олий ўқув юртлириро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш билан дарсликлар яратиш бўйича яқиндан ҳамкорлик ҳақида шартнома тузиш топши-

рилсин.

7. Чет элларда яратилган ўқув адабиётларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш (Т.Н.Далимов)га хорижий муқобили бўлган дарсликларни экспертизага қабул қилмаслик тавсия этилсин.

9. Ўқув адабиётларини яратиш, сотиб олиш, таржима ва нашр, кутубхоналарни жиҳозлаш мақсадида олий ўқув юртлирининг бюджетдан ташқари маблағининг 25% гача ишлатиш йўлга қўйилсин.

10. УАЖБНТ маркази (Н.А.Халилов) га хорижий мамлакат нашр маҳсулотларини сотиб олишда, мамлакатимиз муаллифларининг дарслик ва ўқув адабиётларини тез ва сифатли нашр этишда олий ўқув юртлирига амалий ёрдам кўрсатиш, бунинг учун бюджет, бюджетдан ташқари ҳамда "Таълим" ҳиссадорлик жамияти учун тушган маблағлардан самарали фойдаланиш юклатилсин.

11. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Қ.Р.Аллаев зиммасига юклатилсин.

рилсин.

1.3. Академик лицей ва касб-хунар коллежаларини ўқув адабиётлари билан таъминлашда патронажлик фаолиятини тўлиқ амалга ошириш юклатилсин.

2. Олий ўқув юртлири бош бошқармаси (Б.Х. Раҳимов) га тасдиқланган графикка асосан (илова 1) олий ўқув юртлиридан маърузалар матнларини қабул қилиш, йўналишлар бўйича жамлансин ва вазирликнинг илмий-услубий кенгашига ахборот бериш топширилсин.

3. Таянч олий ўқув юртлирига:

3.1. Ўзларига беркитилган (Илова 2) бакалаврлик йўналишлари намунавий ўқув режаларига киритилган фан предметларининг намунавий дастурларини ишлаб чиқиш, дарсликлар ва маърузалар матнларини яратиш бўйича жавобгар этиб белгилансин.

3.2. Ишлаб чиқилган режаларга мувофиқ муаллифлар билан ўқув адабиётлар қўлёзмаларини яратиш бўйича контрактлар тузиш топширилсин.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З. Имамов) ва ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш Маркази (Н.А.Халилов) га:

- мамлакатимизда ва хорижда нашр этилган янги ўқув адабиётларининг даврий равишда кўргазмаларини ташкил этиш;

- йил давомида доимий равишда ижтимоий-гуманитар, математик-умумтабiiий фанлар бўйича дарсликлар яратиш учун муаллифлар танлови

Ўтказиш;

- олий ўқув юртларига кичик типография сотиб олишда амалий ёрдам кўрсатиш;

- олий ўқув юртларига ўқув адабиётларининг тезкор нашрини уюштиришда амалий ёрдам кўрсатиш юклатилсин.

9. Олий ўқув юртларидан илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш (Т.Н. Долимов) га:

- олий таълим тизими учун энг зарурий дарсликларни биринчи навбатда экспертизадан ўтказиш;

зиш;

- экспертиза жараёнида таржима қилинган хорижий ўқув адабиётларига устивор йўналиш деб эътибор бериш;

- жалб қилинаётган экспертларнинг меҳнатига "MUALLIM" маркази ҳисобидан ҳақ тўлашни жорий этиш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни вазир ўринбосари К.Р. Аллаевга юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
"Европа ва Россия Федерациясидан дарсликлар келтиришни ташкил
этиш тўғрисида" ги 2000 йил 26 июл 205-сонли
БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январ № 4-сон "Ўзлуксиз таълим тизимини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида" ги қарорининг ижросини ва янги 2000-2001 ўқув йилига тайёргарликни таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н

1. Европа ва Россия Федерациясидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун нашр этилган техник, технологик, табиий фанларнинг янги дарсликларидан Республика таълим тизимида фойдаланишни ташкил этиш мақсадида олий ўқув юртлари ректорларига:

1.1. Халқаро Internet тизими, хорижий нашриётлар билан бевосита алоқа орқали янги нашрлар (1998-2000й) рўйхатини олиш ва техника ва технологияга оид фанлар бўйича (500-600) номла зарурий адабиётларни сотиб олишни уюштириш топширилсин.

1.3. Келтирилган хорижий тилдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни экспертизадан ўтказиш учун мувофиқлаштирувчи кенгашга топширилсин.

1.5. Олий ўқув юртлари томонидан нашрдан чиқарилган дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнларини бошқа олий ўқув юртларидан сотиб олиш ва алмаштиришга рухсат берилсин.

3. Бошқа вазирликлар тасарруфидаги олий ўқув юртлари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим

муассасаларига ушбу буйруқни тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда амалга ошириш тавсия қилинсин.

5. Вазирликнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши (Т.Н. Долимов)га олий ўқув юртлари тақдим этган хорижий тилдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларни таржима учун экспертизадан ўтказиш тавсия этилсин.

6. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов)га экспертизадан ўтказилган хорижий тилдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларни Давлат тилига таржима қилиш ижодий гуруҳларни тузиш ва улар билан вазирлик номидан шартнома тузиш топширилсин.

7. Вазирликнинг ЎАЖБНТ маркази (Халилов Н.А.)га Россия Федерацияси нашриётларида чиқарилган техника ва технология йўналишидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини керакли миқдорда Республикага мунтазам равишда олиб келишни ташкил этиш топширилсин.

8. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (Саидов М.)га:

8.1. Европа ва Россия Федерацияси шаҳарларига хизмат сафари ва хорижий тилдаги адабиётларни сотиб олиш учун кетадиган сарф харажатларни олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

9. Мазкур буйруқ ижросини назорат этиш вазир ўринбосари Қ.Р.Аллаев зиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Маъруза матнларидан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисида" 2000 йил 350-сонли БЎЙРУҒИ

Олий таълимнинг бакалавр йўналишлари ва магистратура ихтисослиги фанларидан сифатли маъруза матнларини тузиш ва улардан турдош олий ўқув юртларида кенг ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вазирлик комиссиясининг таклифи қабул қилинсин ва намунавий деб топилган маъруза матчлари рўйхати матбуотда эълон қилинсин (Илова)

2. Олий ўқув юртлари ректорлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларига намунавий маъруза матнларини буюртма орқали сотиб олиш ва таълим жараёнида қўллаш тавсия

қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсин:

3.1. Иловада келтирилган маъруза матнлари намунавий деб топилсин ва уларнинг муаллифлари олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан 10 минг сўм пул мукофоти билан тақдирласин.

3.2. Олий ўқув юртлари ректорлари белгиланган мукофотларни вазирликнинг марказлаштирилган маблағларни шакллантириш учун ўтказиладиган бадаллари ҳисобидан иловага мувофиқ амалга оширилсинлар.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорати вазир ўринбосари Қ.Р.Аллаев зиммасига юклатилсин.

Илова

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртларида бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари фанлари бўйича ишлаб чиқилган ва таълим жараёнида самарали фойдаланилаётган маъруза матнлари рўйхатини эълон қилади.

II блок.	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	доц. Азимов Т.Ж. кат.ўқ. Солиқов У.В.	ТГТУ
2.	Экология	проф.Абиркулов К.Н.	ТДИУ
3.	Микродорий таҳлил ва операцияларни ташкил қилиш	доц.Жумаев Х.	ТДИУ
4	ОТМ номи	Билим соҳаси номи	Билим соҳаси шифри	Йуналиш ёки мутахассис	Йуналиш ёки мутахассиси	Фанлар блоки	Фанлар номи	Адабиёт тури
	1	2	3	4	5	6	7	8
	Адабиёт номи	Муаллиф Ф.И.Ш.	Наشريёт номи	Нашр этилган йил	Нашр этилган тил	Нашр тиражи	Хажми (б.т.)	Кутубхонада мавжуд сони
	9	10	11	12	13	14	15	16

электрон почта орқали probiem@uzsci.net манзилга юборилсин. Жадвални тўлдиришга оид кўрсатмалар:

Жадвалнинг 2 дан 7 гача бўлган устунлари олий таълим стандартларига (16 август 2001 йил

№343) мос намунавий ўқув режадаги ҳолатга мувофиқ тўлдирилади. 8-16 устунларга 1998 йилдан бошлаб чиқарилган адабиётлар киритилади. Қаторларда бўш каттакларнинг бўлмаслиги шарт.

Устун номери	Мазмуни	Мисол	Белгиларнинг максимал сони
1	ОТМнинг қисқартма номи.	УзМУ	8
2	Билим соҳаси номи	Фан	20
3	Билим соҳаси шифри	400000	10
4	Июналиш ёки мутахассислик шифри	5420100 ёки 5A420101	10
5	Июналиш ёки мутахассислик номи	Биология, Антрополог-ия	60
6	Фанлар блоки	2.00 Математик ва табиий-илмий фанлар	0,00
7	Фанлар номи	Олий математика, информатика, физика, кимё.	60
8	Адабиёт тури	дарслик, ўқув кулланма, маъруза матни, электрон дарслик, электрон ўқув кулланма, электрон маъруза матни, маълумотнома, фан дастури	20
9	Адабиёт номи	Адабиёт номи тулик, ёзилди – Олий математика	60
10	Муаллиф Ф.И.Ш.	Соатов Е.У. ва бошқалар	30
11	Нашриёт номи	Ўқитувчи, Ўзбекистон, Ибн Сино, Шарк,	20
12	Нашр этилган йил	1999	8
13	Нашр этилган тил	ўзбек, қароқалпоқ., рус, инглиз, немис, француз	10
14	Нашр тиражи	1500	6
15	Хажми (б.т.)	8	2
16	Кутубхонада мавжуд сони	10	4

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмиталарининг "Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси"ни тасдиқлаш тўғрисида" ги 2002 йил 7 март 71 / 44 / 22 сонли ҚЎШМА БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни асосида мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи якунланиб, иккинчи босқичига ўтилди. Ўтган вақт мобайнида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим турлари учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мос ўзлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш концепцияси ишлаб чиқилди.

"Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси" "Маърифат" газетасининг 2001 йил 26 декабрдаги сонида чоп этилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокама мобайнида Республикаимиздаги 67та таълим муассалари, жойлардаги халқ таълими бўлимлари, вилоят, туман Ҳокимиятларидан 200га яқин таклиф ва фикрлар келиб тушди. Улар асосида концепциянинг такомиллаштирилган варианты ишлаб чиқилди.

Мазкур концепция асосида ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш жараёнини амалга ошириш мақсадида

БУЙРАМИЗ

1. "Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Концепция ўқув адабиётларини яратувчи муаллифлар, мударрирлар, барча нашриётлар, таълим муассасалари, матбаа корхоналари учун меъёрий ҳужжат сифатида қабул қилинсин.

3. Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепциясини амалга ошириш дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш учун вазирликларимизнинг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, унга яратилган дастурни бир ой мобайнида тасдиққа киритиш топширилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосарлари Р. Қосимов ва Ж.Хусанов,

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р. Ахлиддинов ва Давлат матбуот кўмитаси раи-

сининг ўринбосари Ш. Ахмедов зиммаларига юклатилсин.

1-илова

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси "Ҳамма-мизга аёнки, таълим дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз; даярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас.

... Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир".

(И.А.Каримовнинг 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида сўзлаган нутқидан)

I. Кириш

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи bosқичи (1997-2001 йиллар) якулланиб, иккинчи bosқичи (2001-2005 йиллар)га ўтиди. Утган вақт мобайнида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим турлари учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар узлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга асос бўлиб, ўқув жараёнини сифатли ташкил қилишга хизмат қилади.

Миллий истиқлол ғоясига содиқ етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишни талаб қилмоқда. Мафкурaviй ҳамда мазмун ва моҳияти жиҳатдан эскирган, тўлиқ анъанaviй (босма) усулда нашр этилаётган дарсликларнинг маълум қисми янги таълим тизимининг талаб ва эҳтиёжларига жавоб беролмай қолди.

Илм-фан жадал тараққий этаётган замонавий жамиятда ривожланган ахборот коммуникация тизимлари воситасида турли фан соҳаларида эришилган ютуқларнинг тез янгиланиб бориши таълим олувчилар олдига янги билимларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам равишда мустақил билим излаш вазифасини қўймоқда.

Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш, уларни тайёрлаш борасидаги илмий-услубий, ташкилий (шу жумладан латин алифбосига ўтиш) ва молиявий масалаларни ҳал қилиш, узлуксиз таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига эришишни таъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

II. Мақсад ва вазифалар

Концепциянинг мақсади узлуксиз таълим тизимининг барча таълим турлари учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тамойиллари ва уларни тайёрлаш механизмларини белгилашдан иборатдир.

IV. Ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга қўйиладиган талаблар

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида ўқув адабиётлари таълим турлари бўйича тасдиқланган давлат таълим стандартлари (ёки давлат талаблари) асосида, муайян фаннинг ўқув адабиётлари мазкур таълим турида ўқитиладиган фанлар билан ўзаро боғлиқликни ва бошқа таълим турларида ушбу фаннинг ўқув дастурларидаги узвийликни таъминлаган ҳолда тайёрланади. Ўқув адабиётлар белгиланган тартибда ҳар томонлама экспертизадан ўтказилади.

Ҳар бир таълим тури учун яратилаётган ўқув адабиётларига психологик-педагогик, услубий-дидактик, санитария-гигиеник ва бошқа талаблар алоҳида белгилаб қўйилади.

Узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлар бўйича ўқув адабиётлари асосан анъанaviй босма шаклда тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилади. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, касбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам адабли электрон ўқув адабиётлари тайёрланади.

Ўқув адабиётларнинг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш олинган билимларни bosқичма-bosқич бойитиш, мукамаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётлардан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаш керак.

V. Ўқув адабиётларининг шакллари ва турлари

5.1. Ўқув адабиётларнинг шакллари

Ўқув адабиётлари - муайян таълим тур (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари

асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар - таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қоғоз сифати, муқова тури ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қоғозда чоп этиладиган манба;

Электрон ўқув адабиётлар - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

5.2. Ўқув адабиётларининг турлари

Узлуксиз таълим тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларининг қуйидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, лекциялар курси, лекциялар тўплами, методик кўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

Дарслик - давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий истиқлол ғояси сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фanning асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар бериллади.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгроқ ёритилади. Масалан, "Механика" - физика фанининг механика қисмига бағишланган ўқув қўлланма. "Физикадан масалалар тўплами" - физика фани бўйича масала ва машқлар ечишига мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

Луғат - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси, идиомалар ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзнинг тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳақида ахборот берувчи нашр.

Изоҳли луғат - сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзнинг грамматик, этимо-

логик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Маълумотлар тўплами - фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фани ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган нашр.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Лекциялар курси - фанининг ўқув дастури бўйича ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган нашр, лекциялар курсининг номи тегишли фан номи билан аталади.

Лекциялар тўплами - муайян фанининг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгилашиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик адабли тарқатма материал.

Методик (услубий) кўрсатма - муайян фанининг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик адабли тарқатма материал.

Методик қўлланма - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмуни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарҳ - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, баҳса лойиҳа асарларни, ғояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг ом-

мага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Дайжест - илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, ҳукумат ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, Низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;

- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;

- мультимедиа (multimedia - кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва дисман вербал (матн) шаклда;

- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини "экран оламида" стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланadi.

Маълумотлар банки - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган, статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, қатта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўқув жараёнида билим олувчилар томонидан ўз устида мустақил ишлаши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотларида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

VI. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар

а. Умумий талаблар

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;

- таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишнинг интерактив услубларини тадбиқ қилишда кўмак бериши;

- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;

- интеллектуал инсонпарварлик ғоялари-

нинг акс этирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англашга қаратилиши;

- ватанпарварлик ва миллий гурур ҳиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши;

- маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;

- билимларни онгли равишда ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;

- билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;

- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айнниятлар, таснифлар ва ҳоказо) дан ташкил топиши;

- иллюстрацияларга бой, кўргазмали тасвир ва бадий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;

- билим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;

- билимларнинг мутлоқлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалаши;

- таълим олувчиларнинг билими, ўқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;

- таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор бериши;

- фан ва техника ютуқларининг ахамиятини ифодалаши, илмий масалаларнинг мантикий кетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши;

- яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантикий бир тизимда берилиши;

- матн жозибали шаклда баён этилиши.

- Асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равшан ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши.

Санаб утилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига узига хос булган талаблар қўйилади.

6.2. Мактабгача таълим

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси учун мўлжалланган ўқув адабиётлар қуйидаги талаблар асосида яратилади:

- мактабгача таълимнинг давлат талабларига жавоб бериши;

- миллий ва умумбашарий кадриятлар ҳамда анъаналар, ўзбекона одоб-ахлоқ ва меҳроқибатларнинг болалар онгида сингдирилишига эътибор қаратилиши;

- болаларнинг соғлом ва жисмонан бақувват тарбияланишига хизмат қилиши;

- болалар нутқи, уларнинг билимларга қизи-

қиши ва интилишини ривожлантиришга қаратилиши;

– тасвирий санъатдан илк тушунчалар ҳосил қилиш ва шу соҳада тегишли амалий машғулотлар ўтказишга қаратилиши;

– маданий-эстетик тарбия, бадий меҳнат, мусикий саводхонлик ва оммавий фаолият билан боғлиқ машғулотлар ўтказишга мўлжалланган бўлиши;

– бола тафаккурини ривожлантирувчи ва мустақил фикрлаш малакаларини шакллантирувчи ахборотларга бой бўлиши, мазкур таълим турига оид янги педагогик технологиялардан фойдаланилиши ҳамда мактабдаги таълимга тайёргарликни таъминлаши;

– шахсий гигиена ва экологик таълим-тарбия бўйича бола ёшига мос равишда зарур тушунча ва билимларни бериш вазифасини уташлиги.

6.3. Умумий ўрта таълим

Умумий ўрта таълимдаги ўқув адабиётларга қўйиладиган талаблар:

– ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик ривожланиш хусусиятлари ҳисобга олиниши, санитария-гигиеник талабларга жавоб бериши;

– фаннинг ўқув дастуридаги мавзулар тула ёритилиши;

– фанларaro боғлиқликнинг таъминланиши, билимларни баён этишга муаммоли ёндашиш усулини қўллаш;

– мавзуларнинг оддий ва содда тилда, тушунарли ва раво баён этилиши ҳамда ўқувчиларда билим олишга интилиш ҳисси, мустақил фикрлаш малакаларининг шаклланишига хизмат қилиши;

– ўқув адабиёти дизайни тегишли ўқув фани мазмунига мутаносиблигининг таъминланиши;

– муайян фан бўйича I - 9 синфларда ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида бериладиган билимлар орасидаги узвийликнинг таъминланиши;

– ўқув адабиётнинг ҳажми (босма табоқ) муайян фаннинг ўқув дастури ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;

– ўқув адабиёти муқобил вариантларда яратилиши ва чоп этилиши.

6.4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги ўқув адабиётларга қўйиладиган талаблар қўйилади:

– касбга қизиқишни кучайтириш, уни мустақам эгаллашга ва замонавий билимлар асосида рақобатбардор мутахассислар чиқишини таъминлаши;

– мустақил ва эркин фикр юритиш, масъулиятли қарорлар қабул қилишга қодир бўлган шахсларни тарбиялаши;

– қайси фанга тегишлилигидан қатъий назар назарий билимлар амалиёт билан кенг боғ-

лиқлигининг таъминланиши;

– ўқувчида яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;

– муайян фан соҳасига хос хусусиятлардан келиб чиқиб, эстетик ва дизайн кўрсаткичларда илм-фан ютуқларини тасвирлайдиган кўرғазмали маълумотлар қурилма, аппаратлар ёки уларнинг маълум қисмлари ва бошқалар турли рангда берилишига эътибор қаратилиши.

6.5. Олий таълим

Олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларнинг мазмун-моҳияти ниҳоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифатли кўрсаткичларда бўлишига тақозо этилади:

– ўқув адабиётларидаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмунини тушунарли, илмий ғоя ва тушунчалар моҳияти аниқ ва равшан баён этилиши;

– матнни хотирада сақлашни оsonлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши;

– аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва ғоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлиги;

– таҳлилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

– муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;

мавзуларнинг бир-бирига мантиқан боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг сақланиши.

6.6. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлганлигини инobatта олиб, ушбу таълим туридаги ўқув адабиётлари (олий таълимда қўлланиладиган адабиётлар билан биргаликда даврий илмий, илмий-услубий нашрлар, илмий монографиялар, шарҳлар, дай-жестлар, таржима адабиётлар) қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак:

– илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ёритилиши;

– илмий тадқиқотларни талаб даражасида олиб боришга хизмат қилиши;

– тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазифаларни ўзида акс этиши;

– маънавий-маърифий ва ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда олиб боришга қаратилиши.

6.7. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Касбий билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва янгилашга мўлжалланган мазкур таълим турида ўқув адабиётларга қўйиладиган талаблар

қўйилади:

- тегишли соҳалар бўйича маълумотларга бой, энциклопедик ҳарактерда ва кичик адалли махсус таркатма материал шаклида бўлиши;
- муайян соҳа бўйича илм-фаннинг ва ишлаб чиқариш технологияларининг сўнгги ютуқлари ёритилиши;
- тегишли соҳа менежментига оид стратегик вазибалар ёритилиши;
- илмий-педагогик, маънавий-маърифий, ўқув-тарбиявий фаолиятни илмий асосда ташкил этиш ва олиб боришга қаратилиши;
- касбий маҳорат, билимлар ва кўникмаларни ошириш, чуқурлаштириш ҳамда янгилашга хизмат қилиши.

6.8. Мактабдан ташқари таълим

Ёшларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишларини ташкил этиш учун маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда ташкил этишга қаратилган ушбу таълим тури ўқув адабиётлари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- оммабоп шакл ва кўринишда бўлиши;
- миллий ва умумбашарий қадриятлар ва анъаналар, ўзбекона одоб-ахлоқ ва меҳр-оқибатларнинг болалар онгида сингдирилишига хизмат қилиши;
- болаларнинг билим олишга қизиқиши ва интилишини уйғотиши ҳамда ривожлантириши;
- ўқувчи ёшларнинг тафаккурини ривожлантириш, уларда мустақил фикр юритиш ва фаолиятида ижодий ёндошиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

VII. Электрон ўқув адабиётларини яратиш босқичлари

Электрон ўқув адабиётларини яратиш ва амалга оширишга жорий этиш уч босқичда амалга ошири-

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 2002 йил 15 апрель 119 сонли БУЙРУҒИ

3.3. Чет тиллари кафедраларини малакали профессор-ўқитувчилар билан кучайтириш, чет тиллари ўқитилиши учун ажратилган аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлашга ҳамда уларнинг янги авлоди-

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Йилнинг энг яхши маъруза матни танлови тўғрисида"ги 2002 йил 29 июл 232-сонли БУЙРУҒИ

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида таълим сифатини кўтариш мақсадида, профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнлари устидаги ижодий ишларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида

лади:

1. Ташкилий-тайёргарлик босқичи (2002-2003 йиллар):

- электрон ўқув адабиётларнинг илмий-услубий, ташкилий, молиявий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда барча ўқув фанлари бўйича уларни яратиш;
- таълим муассасаларида электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишга мўлжалланган ахборот технологиялари воситаларини ривожлантириш ва масофавий ўқитиш марказларини ташкил этиш;
- қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимлари, олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув жараёнига электрон ўқув адабиётларини тadbик этиш ва қўллаш борасида илмий-услубий тадқиқотларни ўтказиш.

2. Тажиба-синов босқичи (2004-2005 йиллар):

- тегишли таълим турларида электрон ўқув адабиётлардан фойдаланишга киришиш ва ўқитиш технологияларини синовлардан ўтказиш;
- таълим муассасаларининг техник инфратузилмасини такомиллаштириш ва компьютер дастурлари бўйича моддий-техник таъминотини талаб даражасига чиқариш. Электрон ўқув адабиётларидан фойдаланишни Республика ягона таълим тармоғи имкониятлари доирасида кенгайтириш.

3. Ўқув жараёнида кенг фойдаланиш босқичи (2006 йилдан бошлаб):

- ўқув адабиётларнинг янги авлодини (шу жумладан, лотин алифбосида) кенг ишлаб чиқариш ва таълим муассасаларини таъминлаш;
- электрон ўқув адабиётларни тегишли таълим турлари ўқув жараёнида ялпи қўллаш;
- таълим муассасаларида электрон ўқув адабиётларнинг кутубхонасини ташкил этиш.

ни яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3.4. Чет тили машғулотида янги педагогик технологияларни қўллаш, чет элларда нашр этилган адабиётлар, газета ва журналлардан ҳамда Internet материалларидан кенг фойдаланиш ташкил этилсин.

БУЮРАМАН:

1. 2002 йилдан бошлаб ҳар йили "Йилнинг энг яхши маъруза матни" республика танловини ўтказиш йўлга қўйилсин. Республика танловининг Низоми (Йлова) тасдиқлансин.
2. "Йилнинг энг яхши маъруза матни" танло-

ви матбуотда эълон қилинсин.

3. Олий таълим муассасалари раҳбарларига:

3.1. "Йилнинг энг яхши маъруза матни" республика танловида профессор-ўқитувчиларни фаол иштирокини (10тагача) таъминлаш юклатилсин.

3.2. Саралаб олинган ва танловга тақдим этилган энг яхши маъруза матнлари (10-тагача) муаллифларга 20 минг сўмлик мукофотлар берил-

син.

4. Иқтисод инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (М.Х.Саидов)га танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш режалаштирилсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклатилсин.

"ТАСДИҚЛАНГАН"

29 июл 2002 йил

232- буйруғига

Илова

Энг яхши маъруза матни республика танлови НИЗОМИ

I. Умумий қондалар

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичида таълим сифатини кўтариш мақсадида, профессор-ўқитувчиларнинг маъруза матнлари устидаги ижодий ишларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида 2002 йилдан бошлаб ҳар йили йилнинг энг яхши маъруза матни республика танлови ўтказилади. Танловда 2001/2002 ўқув йилида (кейинги йилларда ҳар ўқув йили учун) таълим жараёнида фойдаланилиб, унинг сифатини кескин оширишни таъминлаган маъруза матнлари қатнашади. Танлов шартлари, иштирокчилари ва якунлари даврий матбуотда эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан маъруза матни муаллифларига диплом ва пул мукофоти берилади.

II. Танловга маъруза матиларини тақдим этиш

Маъруза матни олий таълим муассасасининг раҳбарияти томонидан маъруза матни фани, бакалавр ёки магистратура шифри, маъруза сифати, мазмуни, фойдаланиш самарадорлиги ҳақидаги ижобий хулосалар билан танловга тавсия этилади.

Маъруза матни янги авлод дарсликлари яратиш концепцияси талабларига жавоб бериши, унда режа, таянч иборалар лугати, ўз-ўзини назорат учун саволлар мажмуаси, тавсия этилган адабиётлар рўйхати бўлиши зарур.

Танловга маъруза матилари бир нусха, йўлланма хат, илмий (ёки услубий) кенгаш қарори, мавжуд бўлган ҳолларда маъруза матни бўйича тақризлар (шу жумладан, матбуотда эълон қилинган) илова қилиниши мумкин.

III. Танловни ўтказиш тартиби

Танловга келиб тушган маъруза матнлари фанлари бўйича вазирликнинг буйруғи билан экспертлар ҳайъатлари тасдиқланади. Экспертлар маъруза матнларига 6 та сифатга 10 балдан баҳо қўйиб чиқадилар энг юқори балл тўплаган 3 та маъруза матнига 1, 2 ва 3-чи ўринлар берилиб,

улар ғолиб деб тан олинади.

Танлов олий таълимнинг учта фанлар блоки бўйича ўтказилади:

- ижтимоий-гуманитар фанлар;
- математика ва табиий фанлар;
- мутахассислик фанлари.

Танлов натижалари вазир томонидан тасдиқлангандан сўнг матбуотда эълон қилинади.

IV. Баҳолаш мезонлари

Баҳолаш мезонлари 10 баллик тизимда белгиланади.

1. Маъруза матнига миллий истиқлол гоёсининг сингдирилганлиги.

2. Маъруза режаси (ўқув мақсадлари)нинг сифати, қамровини давлат таълим стандартларига мослиги.

3. Таянч ибораларнинг ёритилиши.

4. Маъруза матнининг тили, сифати, кўргазмали тасвирлар билан таъминланиши.

5. Ўз-ўзини назорат учун саволлар мажмуаси сифати ва сони.

6. Тавсия этилган адабиётлар, даврий нашрлар, Интернет web сайтлари.

Мумкин бўлган баллар йиғиндиси 60 га тенг.

V. Ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш

Танлов ғолибларига 1, 2 ва 3 даражали дипломлар ва 50, 25 ва 15 марта энг кичик маош миқдорига пул мукофотлари берилади. Шунингдек, 1-ўринни эгаллаган маъруза матни муаллифига олий таълим муассасаси илмий кенгаши томонидан вазирликнинг тавсиясига кўра хизмат кўрсатган профессор (доцент, катта ўқитувчи) унвони берилади.

Икки йил давомида кетма-кет II ва III ўринни эгаллаган маъруза матилари муаллифларига ҳам хизмат кўрсатган профессор (доцент, катта ўқитувчи) унвони берилади.

Танлов ғолибларининг рўйхати республика даврий матбуотида, 1 октябр - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида эълон қилинади.

VI. Танлов муддатлари

Танлов шартлари май-июл ойларида эълон қилиниб, маъруза матилари 10 сентябргача қабул қилинади.

Танловга тушган маъруза матилари рўйхати муҳокама учун матбуотда эълон қилинади.

Маъруза матилари 20 сентябргача экспертлар томонидан кўриб чиқилади ва 25 сентябргача ғолиблар вазирлик томонидан тасдиқланади.

–Натижалар 30 сентябрда эълон қилинади.

VII. Танлов харажатлари

Танлов билан боғлиқ харажатлар вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлар,

"Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида электрон ўқув базасини яратиб ва улардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

2002 йил 30 ноябрдаги 309-сонли

Б У ЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 май 2002 йилдаги ПФ 3080-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 6 июн 2002 йилдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш, ҳамда таълим сифатини ошириш ва олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг электрон ўқув базаларини шакллантириш борасида зарурий ўқув-услубий адабиётлар, фанлар бўйича яратилган маъруза матилари ва электрон дарсликлар билан таъминотини йўлга қўйиш, белгиланган тартибда экспертизаланган ва нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётларини талабалар, магистрлар, аспирантлар ва профессор-ўқитувчиларга тезроқ етиб боришни таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ва белгиланган тартибда расмий нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлари ва маъруза матиларининг электрон шаклларини вазирлик томонидан электрон ўқув базаси сифатидаги умумий ахборот Порталга (қуйида "Портал") жойлаш ва барча олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари мазкур Порталда жойлаштирилган янги адабиётлар билан электрон ўқув базаларини мунтазам тўлдириб боришлари йўлга қўйилсин.

2. ОЎМММИ (Э. Имомов ва Қ. Рузиев)га:

2.1. Мунтазам равишда, экспертизадан ўтиб,

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларини талабаларга ўқитиш ҳақидаги

2002 йил 27-декабрдаги 376-сонли

БУЙРУҒИ

3. Ўзбекистон Миллий университет ректори (Т. Н. Долматов)га:

3.2. "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатларини

республика ва халқаро фондлар ажратмалари томонидан қўлланади.

VIII. Танловни ташкил этувчи муассаса

Танловга маъруза матиларини қабул қилиш, эксперт Ҳайъати таркибини тузиш, тасдиққа тавсия этиш, экспертизани ташкил этиш, натижаларни расмийлаштириш, матбуот ва оммавий ахборот воситаларига хабарлар юбориш, ғолибларга мукофотларни тайёрлаш ва уларни тақдим этишни ташкил этиш олий ва ўрта махсус мактаб муаммолар институти зиммасига юклатилади.

расмий нашрга тавсия этилган ўқув адабиётлари ва маъруза матиларининг рўйхати бўйича Порталга тўплаётган ўқув адабиётларини қайд этиб борилсин ва тегишли маълумотлар хусусида Вазирлиқнинг ҳайъат йиғилишида ахборот бериб борилсин.

2.2. КИФИПКТ бошқармаси (Х. Раимов) билан биргаликда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан янги яратилган ва белгиланган тартибда расмий нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётлари ва маъруза матиларининг электрон шаклларини йиғиб бориш ва сақлаш маъсуляти юклатилсин.

2.5. Бир йилда икки марта, ҳар ўқув семистри бошланишидан олдин, "Маърифат" ва бошқа республика рузномаларида ўқув адабиётларини Порталга жойлаган муаллифлар ҳақида маълумотлар ҳамда уларнинг рўйхати бериб борилсин.

2.6. Ҳар йили, Республика "Устоз" жамғармаси билан биргаликда Порталга жойланган ўқув адабиётлари, турли тоифадаги электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалари орасида танловлар ташкил этилиб, ғолиблар ва совриндорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳамда нуфузли таълим муассасаларига малака оширишга юбориш йўлга қўйилсин.

3. АТМУР бошқармаси (Л. Шибаршова)га:

3.2. Вазирликка тавсия этиладиган ўқув адабиётлари ва маъруза матиларининг электрон шаклларини Порталга жойлаб бориш, жонз бўлганда эса маълумотларни янгилаш вазифаси юклатилсин.

3.4. Таълим муассасалари томонидан Порталдан олинган ўқув адабиётлари бўйича Вазирлиқнинг Ҳайъат йиғилишида ахборот бериб борилсин.

ўқитиш махсус курси бўйича маъруза матинини тайёрлаш, чоп этиш ва барча олий таълим муассасаларига етказиш вазифаси юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Таълим муассасасини қўшимча адабиёт билан таъминлаш тўғрисида"ги 2003 йил 7 март 61-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузада белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида Вазирлик томонидан мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг тинчлик-севар ташқи сиёсати, халқаро майдонда мустақил давлат сифатида тан олинishi, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари ҳақида сўз юритувчи "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" номли китоби нашрдан чиқарилди. Мазкур китобнинг мазмунини, унда илгари сурилган, чуқур фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни талаба-ёшлар орасида ўрганишни ташкил этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори (Э.Имомов)га:

1.1. "Молия" нашриёти ва "Фан ва технологиялар маркази" босмахонаси томонидан чоп этилган 500 (беш юз) нусхадаги "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" номли китобини сотиб олиш ва ўрнатилган тартибда барча таълим муассасаларига тарқатишни йўлга қўйсин.

1.2. "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" номли китоб билан таълим

муассасаларини таъминланганлиги тўғрисидаги маълумот буйруқ кучга кирган кундан бошлаб 20 кун ичида Вазирликка тақдим этилсин.

2. Барча олий таълим муассасалари ректори ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

2.1. Таълим муассасаси кутубхоналари, қиратхоналари факультетлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" китоби билан етарли даражада таъминлашни амалга оширсин;

2.2. Талаба-ёшлар орасида "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" китобини ўрганиш ва унинг муҳокамаси уюштирилсин.

2.3. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтидан (144-01-11) "Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви" китобини харид қилиш учун зарур маблағ таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилсин.

3. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (М.Саидов):

3.1. Буйруқнинг 1.1. банди ижросини таъминлаш учун қилинадиган сарф-ҳаражатлар (иловага мувофиқ) ОЎМММИ ҳисоб рақамига ўтказиб бериш Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаларининг янги 2003/2004 ўқув йилига тайёргарлик ҳолати тўғрисида"ги

2003 йил 14 май 113-сонли

Б У Й Р У Ф И

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

3.3. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича куйидаги ишлар амалга оширилсин:

- малакали профессор-ўқитувчиларни дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш ҳамда хорижий адабиётларни таржима қилишга кенг жалб этиш;

- фанлар бўйича яратилган маъруза матнлари асосида муаммоли маъруза матнларини тайёрлашга киришиш, уларнинг альтернатив нус-

халарини тўплаш, керакли миқдорда кўпайтириш ва тарқатма материаллар сифатида талабаларга тарқатиш;

- дарслик, ўқув қўлланма ва муаммоли маъруза матнларининг электрон версияларини яратишга киришиш;

- маъруза ва амалий машғулотларга янги педагогик технологияларни, хусусан, интерактив услубларни кенг жорий этиш...

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг "Олий таълим муассасаларининг янги 2003/2004 ўқув йилига тайёргарлиги тўғрисида (Сифат кўрсаткичлари ва профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларининг янги таҳрири)"ги

2003 йил 28 май 5/1-сонли

Қ А Р О Р И

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:
3.3. Фанлар бўйича тайёрланган маъруза матнлари асосида муаммоли маъруза матнларини ишлаб чиқишга киришилсин ва 2003/2004 ўқув

йили бошланишига қадар, унинг бажарилиш ҳолати ҳақида Вазирликка кенг қамровли маълумотнома тақдим этилсин.

3.4. Фанлар бўйича муаммоли маъруза матн-

ларини тайёрлашга муайян таълим йўналиши (мутахассисликлар) бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари жалб этилган ҳолда ишчи гуруҳлар тузилсин ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириш вазифаси таянч олий таълим муассасалари (Буйруқ: 17.04.2003 й., № 90) рек-

торлари зиммасига юклатилсин.

3.5. Муаммоли маъруза матнларини тайёрлаш жараёнида муайян йўналиш бўйича фан, техника ва технология соҳаларида дунё миқёсида тан олинган янгиликлар ва йўналиш бўйича нашр этилган адабиётларнинг мазмун ва моҳиятларини акс эттириш назарда тутилсин.

**"Таълим муассасасини қўшимча адабиётлар билан таъминлаш тўғрисида"ги
2003 йил 19 май 122-сонли
БУЙРУҚ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов асарлари ва маърузаларида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим муассасаларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларни тайёрлашга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, талаба-ўқувчиларни комил инсон этиб тарбиялашга қаратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа қўшимча адабиётларни яратиш, ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканлиги бир неча бор қайд қилиб ўтилган.

Мазкур вазифани амалга оширишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шоир ва ёзувчилари томонидан талаба-ёшларни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялашда яратилаётган қатор қўшимча адабиётлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Республика олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини қўшимча адабиётлар билан таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Барча олий таълим муассасалари ректори

ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

1.1. Республика "Маънавият" нашриёти (Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси - 41 уй, тел: 136-58-41, 136-10-68) томонидан чоп этилган Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Митти юлдуз" (қайта нашри, баҳоси 300 сҒм) ва янги шеърларидан тузилган "Шоир юраги" (баҳоси 405 сҒм) китоблари билан таълим муассасаси кутубхоналари, қироатхоналари, факультетлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраларини етарли даражада таъминлаш амалга оширилсин:

1.2. Мазкур қўшимча адабиётларни харид қилиш учун зарур маблағ таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилсин;

2. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Вазирликнинг Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси бошлиғи З.Х.Тошматов ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Соғлом авлод камолоти ва гуманитар таълим бўлими бошлиғи М.Ф.Лафасовларга юклатилсин.

**"Лотин алифбосига асосланган ўзбек тилидаги ўқув адабиётларини яратиш
тўғрисида"ги 2004 йил 23 январ 20-сонли
БУЙРУҚ**

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ва олий таълимга 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини лотин алифбосида битирган ёшларни биринчи курсга қабул қилиш жараёни бошланиши ва унга тайёрланиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. 2003 йилида дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилмаганлик сабаблари ўрганилсин, айбдор профессор-ўқитувчиларга, улар ишлаётган кафедра мудири ва факультет деканларига нисбатан кўрилган чоралар ҳақида икки ҳафта муддатда Вазирликнинг ОУЎББга ахборот бериш топширилсин. Шартнома ва режага мувофиқ ўз вақтида яқунланган ва Вазирлик экспертизасидан ўтган қўлёзмалар муаллифлари рағбатлантирилсин.

1.2. Олий таълим бакалавриатура йўналишлари ўқув режаларига мувофиқ биринчи курсда ўқитиладиган фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва услубий кўрсатмаларни лотин алифбосида яратиш ва нашр қилиш, шунингдек, рус забон талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш режалари ишлаб чиқилсин ва 1-февралгача Вазирликка тасдиқ учун тақдим этилсин.

1.3. Вазирликнинг 2003 й. 18 сентябр 232-сонли буйруғига мувофиқ, барча профессор-ўқитувчилар ва ёрдамчи техник ходимларнинг лотин алифбосига ўргатиш курсларида малака ошириши 2003/2004 ўқув йилида яқунлансин.

1.4. Кириллицада яратилган янги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг электрон версиялари асосида махсус "автоматик таржимон" дастурларидан фойдаланилган ҳолда лотин алифбосига ўгириш ташкил этилсин.

1.5. Охириги икки йил мобайнида яратилган ўқув адабиётлари муаллифларига қўлёзмаларни

лотин алифбосига ўтиришдан олдин уларни қайта кўриб чиқиш, Миллий истиқдол ғояси ва фандаги сўнги ютуқлар билан бойитиш, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини янги хорижий адабиётлар ва интернет веб-сайтлари билан тўлдириш вазифалари юклатилсин.

1.6.2003/2004 ўқув йилида яратилиб вазирлик экспертизасидан ижобий ўтган қўлёзмалар муаллифларига ҳар босма табоқ учун дарсликка 50 (эллик) минг сўмгача ва ўқув қўлланмага 20 (йигирма) минг сўмгача қалам ҳақи беришга рухсат этилсин.

1.7. Амалда фойдаланилаётган дарслик, ўқув қўлланма ва маъруза матнларидан камида 10 та хато топган ва уларни асослаб янгилик киритган талабаларга, шу фан бўйича юқори рейтинг баҳосини кўйишга рухсат берилсин.

1.8.Талабалари 100 нафардан кам бўлган таълим йўналишларидаги ихтисослик фанларидан яратилган ўқув адабиётларининг қўлёзмалари белгиланган тартибда экспертизадан ўтганидан сўнг, кам адалларда босмадан чиқарилсин ва уларни дискетларда тарқатиш йўлга кўйилсин.

2. Вазирликнинг ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш маркази (Н.Х.Халилов)га:

2.1.Нашрга тайёрланган ва нашриётларга жойлаштирилган дарслик ва ўқув қўлланмалари рўйхати қайта кўриб чиқилсин ва қўйи курсларда ўқитиладиган фанларга оид ўқув адабиётларини кириллицада нашр этиш заруратининг мақсадга мувофиқлиги аниқлансин.

2.2. Олий таълим муассасаларига ўқув адабиётларини кириллицадан лотин алифбосига ўтирувчи "автогаржимон" дастурини олишга амалий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

2.3. Икки ҳафта муддатда лотин алифбосидаги матнларни таҳрир қилиш бўйича услубий кўрсатма тайёрлансин ва олий таълим муассасаларига шартнома асосида тарқатиш таъминлансин.

3. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б.Ҳ.Раҳимов)га:

3.1.Дарсликлар бўйича республика мониторинги натижаларини 08.02.2002 й.35-сон буйруғида белгиланган муддатларда Вазирликка тақдим этиш таъминлансин.

3.2. Ж.й. 15 февралгача олий таълим бакалавриатура йўналиш-ларидаги фанлар блоклари бўйича лотин алифбосида дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ва унинг асосида уч ёқлама шартномаларни тузиш ташкил этилсин.

3.3. Олий таълим муассасаларининг 2004 йилга тузилган нашр режалари таҳлил қилинсин ва тадиққа киритилсин, таҳлил давомида режаларда электрон дарсликлар ва қўйи курсларга мўлжал-

ланган фанлар бўйича лотин алифбосида яратиладиган ўқув адабиётларининг мавжудлигига эътибор қаратилсин.

3.4. 2003/2004 ўқув йилининг баҳорги семестрида айрим фанлар ва ОТМларда лотин алифбосида дарс ўтиш, курс ишлари ва лойиҳаларини бажариш, рейтинг назоратлари бўйича тажриба ўтказиш таклифи Вазирлик ҳайъати мажлиси муҳокамасига киритилсин.

4. Ахборот технологиялари ва масофавий таълим бошқармаси (Ш.Абдуллаев)га бир ойлик муддатда:

4.1. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнларининг электрон шакллари ва электрон дарсликларнинг муаллифлик ҳимояси ҳамда маълумотларни "қулфлаш" бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилсин.

4.2. Кириллицадан лотин алифбосига ўтказиш бўйича мавжуд компьютер дастурлари таҳлилдан ўтказилиб, энг самарали тури аниқлансин ҳамда у билан олий таълим муассасаларини марказлашган ҳолда таъминлаш йўлга кўйилсин.

5. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Д.Жонбоевга):

5.1. Бир ҳафта муддатда Вазирлик ҳузурида лотин алифбосидаги ўзбекча матнларни таҳрир этувчи ижодий гуруҳни ташкил этиш топширилсин ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ишлаб чиқилсин.

5.2. Вазирлик аппарати ходимларини лотин алифбосидаги ўзбек тилида иш юритишга ўргатувчи курс ташкил этиш юклатилсин.

6. Олий ўқув юртларинро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш "Муаллим" маркази (Қ.И.Рўзиев)га:

6.1. Қўлёзмалар экспертларига мамлакат ва хориждаги энг сўнги (2000 йилдан кейинги) муқобил ўқув адабиётлари билан қиёсий таҳлил ўтказиш ва дарслик мазмунини тақомиллаштирувчи камида 10 та камчилик топиш ва янгилик киритиш вазифаси юклатилсин.

6.2. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида сўнги уч йиллик нашрлар келтирилмаган дарслик ва ўқув адабиётлари экспертизадан ўтказилмасин.

6.3. Вазирлик экспертизасидан ўтказилмай нашр этилган ўқув адабиётлари такрорий экспертизадан ўтказилсин ва натижалари бўйича Вазирлик буйруғи тайёрлансин.

7. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (В.В.Алехина)га олий таълимга лотин алифбосини жорий этиш билан боғлиқ бўлган молиявий ҳаражатларни белгиланган тартибда режалаштириш топширилсин.

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

"Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида"ги 341-сонли қарори ижроси тўғрисида"ги 2003 йил 5 август 7/4 -сонли ҚАРОРИ

1. Барча Олий ўқув юртлири ректорларига:
- Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун зарур бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга муаллифларни жалб қилиш;

"Ўқув адабиётларини янги авлодини яратишга қўйиладиган сифат талаблари ҳақида"ги 2003 йил 24 ноябр 10/5 -сонли ҚАРОРИ

Олий таълим раҳбар ходимлари билан 2003 йил 24 октябрда ўтказилган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир ўринбосари А.А.Азизхўжаев томонидан охириги йилларда яратилган ва ОТМларда ўқув адабиёти сифатида ишлатиб келинаётган электрон ўқув маҳсулотларига эътибор қаратилиб, уларнинг сифатини оширилиши бўйича фикрлар билдирилди. Булар орасида:

- вазирлик порталига жойлаштирилган бир неча адабиётларнинг электрон версияларини электрон ўқув адабиётлари сифатида кўрсатиш;
- республикада юзга яқин яратилган ҳақиқий электрон адабиётларни таълим муассасаларига кенг тарқатиш ва ўқув жараёнига жорий этилиши.

"Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепциясига" аниқ ва ойдин берилган электрон ўқув адабиётларнинг таърифи ва уларни яратилишига қўйилган талабларни муаллифлар томонидан мунтазам қўллаш лозимлиги белгиланганлиги эътироф этилди.

Келтирилган ҳолатлар Олий таълим тизимидаги ўқув адабиётларини яратиш ва экспертизадан ўтказиш, мувофиқлаштириш, ўқув адабиётлар билан таъминланганлик ва яратиш мониторингини олиб бориш, қўлайтириш ва тарқатиш билан шуғулланиб келган бир неча ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари йўл қўйган камчиликлар оқибатидир. Бундай лоқайдлик сиёсати туфайли Олий таълим вазирлигининг охириги йиллар мобайнида олиб борган саъй-ҳаракатларига тўсиқ бўлмоқда.

Яна бир бор эслатиб ўтиш лозим: электрон ўқув адабиёти - бу компьютер технологияларнинг кенг имкониятлари ва анъанавий дарсликнинг асосий ижобий хусусиятларини қамраб олган ўқув адабиётларнинг янги авлодидир. "Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси" да унинг аниқ ва ойдин таърифи берилган.

Анъанавий ўқув адабиётларидан электрон ўқув адабиётларининг афзалликлари қуйидагилар:

- профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатини автоматлаштириш ва жадаллашишига олиб келиши;

- касб-хунар коллежларида кам сонда тайёрланаётган мутахассисликлар учун дастур ва ўқув режасига мос маъруза матилари тайёрлаш вазифалари юклатилсин.

- ўқитишни бевосита мустақил таълим ва унинг шаклида олиб бориш имкониятини бериши;

- эргономика ва экология талаблари бажарилиши;

- ҳақиқий объект, тизим ва жараёнларни ўрганиш билан биргаликда компьютер имитация дастурларини ўқитишда кенг қўллаш имконини бериши;

- гиперматн ва мультимедиа имкониятларини кенгайтириши;

- талабаларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олиш ва улар учун қўлай шароитлар яратиши;

- билимларнинг катта массивларини осон ва ихчам сақлашлардан ташкил топади.

Электрон ўқув адабиётлар XXI аср таълим соҳаси учун принципиал янги ва юқори сифатли ўқув ахборот таъминотини яратиш беради.

Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим (айниқса олий таълим) инсон ҳаётининг барча соҳаларига диверсификациялашувида, билимдонликнинг жамиятдаги ўрнини кўтарилишида, ёшларнинг, талабаларнинг онгида миллий истиқбол ғояси сингдирилишида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олган, ягона жаҳон таълим тизимига ўз қадриятларимиз билан кириб боришимизда электрон ўқув адабиётларнинг роли жуда катта.

Камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳайъат кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Олий ўқув юртлириро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши (Т.Н. Долимов)га бир ой муддатда электрон ўқув адабиётлари яратиши, экспертизадан ўтказиши ва вазирликнинг грифини бериш тартиби ишлаб чиқилсин ва 2004 йилдан бошлаб жорий этилсин.

2. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бўлими (Абдуллаев А.)га:

2.1. "Электрон дарсликлар асосий хоссалари, электрон дарсликларнинг принциплари ва тонфалари" меъёрий ҳужжати икки ҳафта мобайни-

да қайта ишлаб чиқиш ва вазирликка тасдиқ учун киритиш топширилсин. Унда биринчи навбатда қуйидагилар:

-ўқув адабиётлар қаторида электрон ўқув адабиётларнинг мавқеи ва ўрни аниқланиши ва сифат талаблари,

-электрон ўқув адабиётлари, мултимедиа ўқитиш воситалари ва адабиётларнинг электрон версияларига аниқ таърифлар белгиланиши ва улар орасидаги фарқлар кўрсатилиши инobatта олинсин.

2.2. Ҳар йил энг яхши электрон ўқув адабиётлари танловини ўтказиб мезонларини бир ой ичида ишлаб чиқсин ва вазирликка тасдиқ учун киритилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

"Ўқув адабиётлари муаллифларини рағбатлантириш ҳақида"ги 2003 йил 15 май 116-сонли БУЙРУҚ

Вазирликнинг 20.02.2001 й №43 сонли буйруғининг 4 бандига мувофиқ (Дарсликлар яратиш бўйича тузилган жадвал қайта кўриб чиқилсин ва унда 2001/2002 ўқув йили бошланишига қадар олий таълим муассасаларини дарсликлар билан тўла таъминлаш масаласи ҳамда дарсликларни таёрлаган муаллифларга ҳар бир босма табоқ учун 20 минг сўмдан қалам ҳақи тўланиши назарда тутилсин).

БУЮРАМАН:

1. Бакалавриатура II блок фанларига кирувчи "Информатика ахборот технологиялари" икки қисмли (ҳажми 48,25 б.т.) нашр этилган ўқув қўлланмаси учун муаллиф (О.Х.Якубов, Р.М.

-уч ёқлама (муаллиф (муаллифлар)-ректор -вазир) шартнома асосида электрон ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун ижодий гуруҳлар ташкил этилсин ва уларни рағбатлантирувчи мезонлар ишлаб чиқилсин;

-мавжуд электрон ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиб, ДТСларга мослаштирилсин.

4. Ўқув адабиётлар, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш маркази (Н.А.Халилов)га бир ой муддатда яратилган электрон ўқув адабиётларини кўпайтириш ва тарқатиш тартибини ишлаб чиқилсин ва унинг асосида иш юритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиш назорати вазир ўринбосари Ш.А. Аюпов зиммасига юклатилсин.

Ирмухаммедова, М.В. Сағатов, М.М.Арипов, А.М.Хайдаров, Т. Имомов, Х.З. Икромов, М.З.Якубова, А.Б. Ахмедов)ларга ҳар босма табоқ учун 20 минг сўмдан жами 965 минг сўм қалам ҳақи тўлансин.

2. ТДТУ, ЎзМУ, ТДШИ, ТАҚИ, ТДАИ, ТДМад.И ректорларига иловага мувофиқ муаллифларга қалам ҳақи тўлаш учун бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланишига рухсат берилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари Ш.А. Аюпов зиммасига юклатилсин.

"Янги қўшимча ўқув адабиётини нашр этиш тўғрисида"ги 2003 йил 9 июл 173-сонли БУЙРУҚ

Вазирлик томонидан Президент И.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси асосида "Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти" номли китобнинг қўлёзмаси тайёрланди. Унда мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг Президентимиз томонидан белгилаб берилган етти устувор йўналишнинг мазмун-моҳияти баён этилган. Қўлёзма "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича Республика махсус методологик комиссия томонидан нашрга тавсия этилган. Мазкур китобни чоп эттириш ва таълим муассасаларига тарқатишни ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (М.Х.Саидов)га:

1.1. Вазирлик томонидан тайёрланган "Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти асослари" китобини 1000 (минг) нусхада нашр этиш учун кетадиган маблағни "Шарқ" нашриётининг ҳисоб рақамига (иловага мувофиқ) ўз вақтида ўтказиб бериш топширилсин.

2. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (З.Тошматов)га:

2.1. Нашр этилган "Истиқлол, демократия ва фуқаролик жамияти асослари"ни таълим муассасаларига етказишни ташкил этиш топширилсин.

3. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**"Фанлар бўйича тайёрланган маъруза матнларини такомиллаштириш тўғрисида"ги
2003 йил 7 август 194-а-сонли
БҮЙРУҚ**

Янги 2003/2004 ўқув йилига тайёргарликни кенг кўламда олиб бориш ва таълим сифатини оширишга қаратилган тадбирларни кучайтириш мақсадида Вазирлик томонидан қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Таълим сифатини оширишга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, талабаларни ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва муаммоли маъруза матнлари билан тўла таъминлаш вазифаси турибди.

Утган давр ичида фанлар бўйича 2267 номдаги дарслик, ўқув қўлланма, 230 номдаги электрон дарсликлар ва 17 минг номдаги маъруза матнлари яратилган бўлса, бугунги кун талабалари бажарилган ишлар билан чекланмасдан, уларни мунтазам равишда такомиллаштириш, янги услуб ва шаклларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига кенг тadbик этишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда профессор-ўқитувчиларда керакли билим қасрдалиги ва уни қандай топиш мумкинлигини ҳамда зарурий бўлган материалларни тўплаш ва улар орасидан кераклиларини танлаб олиш, олинган материалларни тартибга келтириш ва амалий масалаларни ҳал этишда улардан мустақил равишда кенг фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, барча фанлар бўйича яратилган маъруза матнлари асосида муаммоли маъруза матнларини тайёрлаш, ўқув курсларини бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш, вазиятли (ситуацион) масала ва топшириқларни тузиш ва улар асосида услубий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш, янги педагогик технологи яларнинг энг замонавий турларини кенг қўллаш, ўқув жараёнига кенг тadbик этиш ва шу тарихда талабаларда танқидий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга эришиш устида иш олиб боришни талаб этиш барча олий таълим муассасаларининг бош масалаларидан бирига айланиши лозим.

Қайд этилганлардан ҳамда Вазирликнинг 2003 йил 28 майдаги Хайъат мажлиси қарорининг (5.1.) 3.3. бандида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб

БҮЙУРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1. Профессор-ўқитувчиларнинг янги таҳрирдаги "Шахсий иш режа"си барча олий таълим муассасаларида 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб жорий этилсин ва ҳар бир профессор-ўқитувчининг фаолияти тасдиқланган "Шахсий иш режа" асосида юритилиши таъминлансин.

1.2. Вазирликни 2003 йил 28 майдаги хайъат мажлиси қарорининг (№ 5/1) 3.3. бандида белгиланган вазифанинг бажарилиши жадаллаштирилсин ва муаммоли маъруза матнларини тайёр-

лашда мавзуларнинг Миллий истиқлол ғояси билан суғорилганлигига алоҳида эътибор қаратилсин ҳамда фан, техника ва технология соҳаларида дунёда тан олинган янгиликлар ва йўналиш бўйича хорижий давлатларда нашр этилган адабиётларнинг мазмун ва моҳиятларини акс эттириш назарда тутилсин.

1.3. Фанлар бўйича тайёрланган муаммоли маъруза матнларининг электрон версиялари Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига жорий йилнинг 10 сентябрга қалар тақдим этилсин.

1.4. Янги ўқув йилидан бошлаб, маъруза ва амалий машғулотларда талабалар фаоллигини ошириш мақсадида қуйидаги услублардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилсин:

- ҳар бир таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича таълим жараёнининг мантиқий-тузилиш шаклини (фанларни ўқитишда кетма-кетлик) белгиллаш, ўқув курсларини бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш ва уларни вазиятли (ситуацион) масала ва топшириқлар билан бойитиш ҳамда услубий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш;

- дарс машғулотларида янги педагогик технологиялар, интерактив, танқидий фикрлаш методларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

- ўқув дастурларига мувофиқ ўтиладиган мавзулар бўйича тарқатма материалларни талабаларга етказиш ва талабаларга ҳар бир мавзу бўйича камида 5 тадан савол тайёрлаб келиш вазифасини юклаш, шу тарихда уларни дарс машғулотларига тайёрланган ҳолда келишларини ва натижаларини рейтинг назоратларида ҳисобга олишни таъминлаш;

- дарс машғулотларини мунозара тарзида ўтказиш, талабалар томонидан тайёрланган ва берилган саволларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш, саволлар сифатига қараб талабаларнинг муайян мавзу бўйича тайёргарлик ҳолатини аниқлаш, талабаларда мавзу бўйича фикрлаш, мустақил билим олиш, мавзуга оид адабиётларни топиш, улардан кенг фойдаланиш ва таҳлил этиш кўникмаларини шакллантиришга эришиш;

- мавзу бўйича талабалар тўплаган маълумотларни ўзаро муҳокама этиш, билдирилган танқидий ва муставил фикрларни таҳлил этиш, уларни умумлаштириш ва тўғриларини қўллаб-қувватлаш ҳамда янги йўлланмалар бериш;

- иқтидорли талабалар гуруҳларида фан ва техника ривожига йўналтирилган илмий тadbикот ва изланишларни жонлантириш;

- профессор-ўқитувчиларни ўз вазифаларига масъулият билан ва талаба-ёшларга билим беришда содиқона ёндошаётганликларини аниқлаш

мақсадида ички назорат бўлимларининг фаолиятини кучайтириш ва талабалар орасида "Профессор - ўқитувчилар талабалар нигоҳида" сўровномаларни ўтказиб туриш натижаларини атрофлича муҳокама этиш;

- аудиторияларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва улардан машғулотларда максимал фойдаланиш, маъруза маъруза-машғулотларини йириклаштирилган гуруҳларда (поток) ташкил этиш ҳамда машғулотларни давра суҳбати шаклида ўтказиш учун, аудиторияларни кабинет (доира ва ярим доирадаги ўриндиқлар) шаклига келтириш.

2. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов) га;

2.1.Фанлар бўйича тайёрланган муаммоли маъруза матнларининг электрон версияларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш, экспертиза хулосаларига мувофиқ ижобий деб топил-

ган муаммоли маъруза матнларининг электрон версияларини олий таълим муассасаларига ўқув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этиш ҳамда электрон почта орқали барча олий таълим муассасаларига етказиш, ижобий тақриз олинган муаммоли маъруза матнлари номлари ва муаллифларининг исми-шарифларини "Маърифат" газетасида эълон қилиш вазифалари топширилсин.

2.2. Жорий йилнинг декабр ойида экспертизадан ўтказилган муаммоли маъруза матнлари бўйича танлов ўтказилсин ва қуйидаги мукофотли ўринлар белгилансин:

биринчи ўрин (1та) - 300 (уч юз) минг сўм; иккинчи ўрин (3 та) - 200 (икки юз) минг сўм; учинчи ўрин (7 та) - 100 (юз) минг сўм.

3. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

ОЎМТ Вазирлигининг 2003 йил 6 октябр №244-сон буйруғига илова

"Йилнинг энг яхши маъруза матни" танлови ғолиблари Физика фани бўйича:

1-ўрин. берилмади.

2-ўрин. Р.А.Набиев, Р.Тоҳиров, А.Халилов, А.Х.Хайдаров, Т.Х.Ҳомидов, С.О.Ҳотамов, Н.Х.Юлдашев, М.Таджибаев, Физика курсидан маърузалар матни I,II,III- қисмлар, Фарғона-2002, ФарПИ тавсия этган.

3-ўрин. Ш.Камолхўжаев, Ф.Ғоибов, О.Химматқулов, Механика ва молекуляр физика курсидан маърузалар матни, ТДТУ-2002, ТДТУ тавсия этган.

Математика фани бўйича

1-ўрин. Э.Холмуродов,А.Юсупов, Олий математика III-қисм, қарши-2002, ҚарМИИ тавсия этган.

2-ўрин. В.Р.Таджибаев, Mathematics for engineering, ТДТУ-2002, ТДТУ тавсия этган.

3-ўрин. Х.Валижонов, М-Бафуров, Олий математика I, II, III, IV -қисмлар, Тошкент-2002, ТАЙИ тавсия этган.

Кимё фани бўйича

1-ўрин. М.Акбарова, Х.Абдуллажонов, Кимё

фанидан маърузалар матни, Фарғона-2001, ФарПИ тавсия этган.

2-ўрин. Б.Хасанов, М.Мавлонова, Р.Раҳмонбердиев, Физик ва коллоид кимёдан маърузалар матни, Тошкент-2002, ТКТИ тавсия этган.

3-ўрин. Ш.Абдуллаев, Кимё ўқитиш методикасидан маърузалар матни, Наманган-2002, НамДУ тавсия этган.

Информатика фани бўйича

1-ўрин. Д.Тоштемиров, Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича маъруза матни, Гулистон-2002, ГулДУ тавсия этган.

2-ўрин. Б.Ш.Шоартиков, Ф.Х.Раҳимова, Д.Ф.Шайхутдинова, Информацион технологиялардан маърузалар матни, Тошкент-2002, ТАЙИ тавсия этган.

3-ўрин.З.Узаков, Телематические сети. Начальные понятия, Java Programming, Telematics Systems and Applications, конспекты лекции, қарши-2002, қарМИИ тавсия этган.

"Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани бўйича ўқув дастури ва ўқув қўлланмасини яратиш ҳақида"ги 2003 йил 7 ноябр 271-сонли БУЙРУҚ

Мустақиллик даврида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича давр талабига жавоб берадиган ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўшимча адабиётлар тайёрланди ва чоп этилди. Бу соҳадаги ишлар "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилингандан кейин бирмунча жонлантирилди. Лекин, бу адабиётлардан тўлиғича қаноатланиш мумкин эмас. Уларнинг баъзилари ҳалигача эски тузум мафқураси таъсиридан қутулмаган бўлса,

баъзилари мамлакатимизда кечаётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиб беролмаган, баъзиларида эса бир-бирини тақрорлаш ҳоллари ҳам мавжуд. Агар биз уларни Президентимизнинг "Миллий мафкура - келажак пойдевори" нутқида белгиланган вазифалар, кўрсатмалар ва ғоялар асосида таҳлил қилсак, уларнинг деярли кўпчилигини қайтадан жиддий равишда кўриб чиқишимиз керак.

Ана шундай масалалардан келиб чиқиб, 2003 йил 24 октябрь куни Бош вазир ўринбосари иштирокида ўтказилган Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими ҳамда тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирликларнинг кенгайтирилган мажлисида ҳам юқоридаги фикрлар муҳокама қилинди.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида ўқитилаётган "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани бўйича ўқув дастури ва ўқув қўлланмасини замон талаби даражасида қайта кўриб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасининг "ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссиясини тузиш тўғрисида"ги (2000 йил, 28 май, 208 рақамли) қарори талабини ва Бош вазир ўринбосари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган мажлисида берилган топшириқларни бажариш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фанидан янги ўқув дастури ва ўқув қўлланма ишлаб чиқилсин (муддати уч ой).

2. Янги ўқув қўлланма Президент И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари" китоби ҳамда "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" рисоласи асосида яратилсин.

3. Гуманитар таълим ва шахс камолоти Бош бошқармаси (Э.Набиев), Иқтисодиёт, инвести-

ция ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (В.А.Лёхина), ОўМММИ (Б.Раҳимов) ва УАЖБНТМ (Н.Халидов)га:

3.1. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар муаллифларини моддий рағбатлантириш ва уларнинг ижодий ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш;

3.2. Олий таълим муассасаларини "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани бўйича яратилган ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси билан етарли даражада таъминлаш каби вазифалар топширилсин.

3.3. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани бўйича яратиладиган ўқув дастури ва ўқув адабиётини нашр этиш билан боғлиқ молиявий харажатларни Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш ва нашр ишлари учун ажратилган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказиб бериш ишлари топширилсин.

4. Олий таълим муассасалари ректорларига:

4.1. "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" фани бўйича яратилган ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси билан олий таълим муассасасини ўз вақтида етарли нусхалар (УАЖБНТМ орқали)да таъминлаш;

4.2. Олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мазкур ўқув дастури ва ўқув қўлланманинг тақдимотини ўтказиш ишлари топширилсин.

Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

"Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги

2004 йил 6 феврал 1/3 - сонли

ҚАРОРИ

...3. ОТМ ректорларига: Концепциянинг иккинчи босқичини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг бажарилиш механизмида

ри ишлаб чиқилсин, уларда қуйидагилар албатта инобатга олинсин:

- талабаларнинг мустақил таълимини ўқув ва илмий адабиётлар билан таъминлаш...

6.2. ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг моддий техника базасини ривожлантиришнинг 2002-2005 йилларга мўлжалланган дастури"ни тасдиқлаш ҳақида 2001 йил 26 ноябр 289-сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорининг 7 банди ва 2001 йил 12 июндаги 250-сонли қарорини 9 банди ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг моддий техника базасини ривожлантиришнинг 2002-2005 йилларга мўлжалланган дастури" Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодиёт инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М.Х.Саидовга:
- Давлат инвестицион дастурида белгиланган бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни олий таълим муассасаларининг моддий техника

базасини мустаҳкамлашга мақсадли ва самарали фойдаланишини назорат қилиш топширилсин.

3. Ташқи алоқалар бош бошқармаси бошлиғи Д. Расуловга:

- Узлуксиз таълим тизимини амалга оширишда мазкур дастурни бажариш учун чет эл донорларини, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш чораларини амалга ошириш юклатилсин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идораларга ҳақиқий тушумни ҳисобга олган ҳолда мазкур дастурга ўзгартириш киритишга рұхсат берилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорати ўз зиммада қолдираман.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 26 ноябрдаги
289-сонли Буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг
моддий техника базасини ривожлантиришнинг 2002-2005 йилларга мўлжалланган
ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август 343-сонли қарорининг 7-банди ва 2001 йил 12 июндаги 250-қарорининг 9-банди ижросини таъминлаш борасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мамлакатимизда ва илғор хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларга асосланган ҳолда олий таълим тизимининг тўлақонли фаолиятини ташкил этиш ва ислоҳатларни жадаллаштиришга қаратилган меъёрий ҳужжатлар асосида таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2001 йилгача 61 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда 2001 йил 1 сентябрга қадар 200 мингга яқин талаба таълим олган. Олий таълим муассасалари 13 та вазирлик ва идоралар тасаруфида фаолият юритмоқда (1-Илова). Ҳозирги пайтда Республика олий таълим муассасаларида талабалар контингентидан келиб чиққан ҳолда 52 та янги ўқув лаборатория бинолари (9965,6 минг м²), шу жумладан, 5295 та компьютер хоналари (190,6 минг м²), 189 та талабалар уйи (3781 минг м²), 57 та ошхоналар (218103 ўринли), 87 та кутубхона бинолари (1043,1 минг м³), 54 та спорт мажмуаси (945,2 минг м²), шу жумладан ёпиқ заллар (204 минг м²) етишмайди.

Булардан ташқари, 206 га ўқув бинолари (9552,94 м²) замонавий қурилиш меъёрларига мувофиқ 8-9 баллик зилзилага бардош берувчи, қучайтирилган конструкция асосида қайта қуриш ва реконструкция ишларига, 81 та бино (381118 м²) капитал таъмирлашга муҳтож.

Ушбу ишларни амалга ошириш учун 3-12-Иловаларга мувофиқ 37839,5 миллион сўм талаб этилади. Аммо фақат бюджетдан ташқари маблавлар ҳисобидан дастурда белгиланган ишларни тўлиқ амалга ошириш имконияти йўқ. Олий таълим муассасаларининг фаолият соҳаларини белгилаш, намунавий таркиблари, ўқув, илмий, тарбия жараёнларига тегишли меъёрлар, профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилишга, талабаларни ижтимоий муҳофазалашга, фанларни узлаштириш суръатининг назоратига, кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш борасида маълум ишларни амалга ошириш зарурлиги аён бўлмоқда.

Юқоридаги ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш долзарб масала

бўлиб қолмоқда. Бунинг учун олий таълим соҳасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича фаолият кўрсатиш талаб этилади:

- Олий таълим муассасаларида мавжуд ўқув бинолари тубдан таъмирланиши;

- ўқув ва илмий лабораторияларни лингафон кабинетлар ҳамда улардаги илмий асбоб-ускуналарни, жиҳозлари замон талабига мос равишда янгиланиши жадаллаштирилиши;

- Информацион компьютер технологиялари воситаларни, нусха кўчириш ва проекцион аппаратлар билан жиҳозланиши;

- Замонавий талабалар уйлари, спорт майдонларини, кутубхоналарни, ошхоналарни қуриш, мавжудларида қайта таъмирлаш ишларини ўтказилиши;

- Кутубхоналар ишларини автоматлаштириш, уларни маҳаллий ва корпоратив тармоқларга улаш, Интернетга чиқиш имконияти яратилиши;

- Олий таълим муассасалари қошидаги ахборот ва коммуникацион технология воситаларга эга янги билим уйлари, марказлари ташкил этилиши;

- Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизimini жадаллаштириш учун янги масофавий таълимнинг моддий-техника асосини яратиш.

Олий таълим муассасаларидаги мавжуд ўқув бинолари, ўқув лаборатория хоналари, уларни компьютерлар билан жиҳозланганлиги, талабалар уйлари, спорт мажмуалари, кутубхона ва ошхоналарни 2001 йил 1 сентябргача олий таълим муассасалари бўйича бўлган ҳолатини таҳлилий натижалари 2-Иловада белгиланган. Ушбу таҳлил натижасида республика миқёсида биринчи навбатда бажариладиган ишлар аниқланди ва улар қуйидагилардан иборатдир:

- Республика олий таълим муассасаларининг талабалар контингентидан келиб чиққан ҳолда ва бир талабага 10,5 м² ўқув майдони мўлжалланганлигини инобатга олиб, 52 та янги ўқув лаборатория биноларини (9965,6 минг м²) қуриш, шу жумладан, 5295 та компьютер хоналарини (190,6 минг м²) қуриш ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш. (3-Илова);

- 206 та ўқув биноларини (9552,94 м²) замонавий қурилиш меъёрларига мувофиқ 8-9 баллик зилзилага бардош берувчи, қучайтирилган конструкция асосида қайта қуриш ва реконструкция ишларини бажариш (3-Илова);

- Ўқув биноларининг 1985 йилдан кейин

қурилган биноларининг фойдаланишга топширилган муддатини эътиборга олган ҳолда 81 та бинони (381118м²) капитал таъмирлаш (3-Илова);

- Санитария-қурилиш меъёрларига мувофиқ ҳар бир талабага 8 м²дан тўғри келишини инобатга олиб, янги 189 та - талабалар уйини (3781 минг м²) қуриш (4-Илова);

- Маҳсулотларни қайта ишлаш хоналари билан бирга ҳар

бир талаба учун 4,3 м² меъёрни инобатга олиб, 57 та ошхоналарни (218103 ўринли) қуриш (7-Илова);

- Китоб сақлаш хоналари билан биргаликда ҳар бир, талаба учун 6 м² меъёрни инобатга олиб 87 та кутубхона биноларини (1043,1 минг м²) қуриш (5-Илова);

- Спорт иншоотлари - ҳар 100 талаба учун 4,9 м² меъёрни инобатга олиб, 54 та спорт мажмуасини (945,2 минг м²), шу жумладан, ёпиқ заллар (204 минг м²ни қуриш ва замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш зарур (6-Илова).

Ушбу эҳтиёжлар республикада 200 мингга яқин талабалар таҳсил олишидан келиб чиқиб ҳисобланган.

Республиканинг иқтисодий ривожланишини, чет эл олий таълим соҳасидаги халқаро кўрсаткичларни ҳамда вазирликлар, идоралар ва корхоналар эҳтиёжини инобатга олиб, 2005 йилгача умумий талабалар сонини 300 мингга, компьютерларни сонини (ҳозирги кунда 15,4 мингта) 30 мингга (2010 йилда эса - 135 мингта) етказиш режалаштирилганлиги ҳисобига юқоридаги кўрсаткичлар миқдори 40-50% оширилиши кўзда тутилади.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда:

- Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, корхоналар ва ташкилотлар, ҳомийларнинг ўз маблағлари, хорижий кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 250 -сонли қарори-нинг 9-бандига мувофиқ олий таълим муассасаларининг пулли контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари 5 йилга солиқлардан озод қилинишидан ҳосил бўлган маблағлар олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири деб

ҳисоблаш;

- Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар билан таъминлаш дастурини амалга оширишда мувофиқлаштиришни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идораларга юклаш;

- маблағ билан таъминлашнинг муқобил манбаларини, шу жумладан, корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

- дастурни амалга ошириш учун имтиёзли шартлардан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича, ушбу мақсадлар учун Ҳукумат кафолати берилишини ҳисобга олган ҳолда, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа хорижий инвесторлар билан доимий асосда иш олиб бориш;

- олий таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш дастури топшириқлари бажарилиши амалиётини ҳисобга олиб, зарур ҳолларда унинг кўрсаткичларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш;

- юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромади (фойдаси) олий таълим муассасалари қурилишига, уларни реконструкция қилишга ва жиҳозлашга йўналтириладиган ҳажми миқдорига камайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорида белгиланган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки олий таълим муассасалари томонидан тузилган битимларга мувофиқ олиб келинадиган ўқув-лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув ва маълумотнома адабиётлар божхона тўловларидан озод қилиниши ушбу дастур вазифаларини амалга ошириш жараёнида татбиқ этиш зарур.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини тўлиқ рўёбга чиқариш, республикада рақобатбардош кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш, ўқитишнинг сифатини ошириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини замон талаблари даражасига етказиш билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун мазкур дастурни амалга ошириш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омилли бўлиб ҳисобланади.

№	Вазирлик ва идоралар номи	Олий ўқув юртлиари	Талабалар сони
1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	1	341
2	Ташқи ишлар вазирлиги	1	340
3	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	33	130834
4	Халқ таълими вазирлиги	5	18828
5	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	7	15309
6	Маданият ишлари вазирлиги	4	2422
7	Балий академия	1	717
8	Давлат жисмоний тарбия ва спорт кумитаси	1	1635
9	Почта ва телекоммуникациялар агентлиги	1	3805
10	Адлия вазирлиги	1	2606
11	Ўзбекистон темир йуллари компанияси	1	2670
12	«Қизилқумнодирметаллотин» концерни	1	2079
13	Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги	4	13113
	Жами	61	194699

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича Проректор лавозими ва вазифалари, ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш билан боғлиқ кўшимча тадбирлар ҳақида" ги 2002 йил 25 январь БУЙРУҒИ

3. ОўЮлари ректорларига:

Иш режаларига куйидагилар киритилсин:

- 2005 йилгача мўлжалланган ва куйидаги тадбирларни ўзида мужассамлаштирган
- ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;
- кутубхоналарни замонавий компьютерлар, дастурлар, электрон каталоглар, автотаржимонлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш;
- кутубхона ходимларини компьютер, электрон каталог, дастурлар ва Интернетдан фойдаланишга ўргатиш;
- ахборот технологиялари бўйича илмий ишлар тўпламини доимий чоп этиш ва улар асосида илмий-амалий ва услубий конференцияларни ўтказиш;
- ахборот технологиялари марказлари ва факультетларини ташкил этиш;
- ахборот технологиялари ва Интернет орқали масофавий ўқитиш бўйича ўқитувчиларнинг малакасини доимий ошириб туришни таъминлаш (Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябр 2001 йилдаги 400-сонли қарорини ижро этиш мақсадида);

— электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш;

— ўқув жараёнлари қатнашчилари учун ахборот технологияларини, мультимедиа, интернет, электрон почталарни қўллаш бўйича амалий анжуманлар, машғулотлар ва ўқув курсларни ташкил этиш ва ўтказиш; илмий тадқиқотларни янги компьютер ва ўқув дастурлари, технологиялар ва бошқа маълумотлар билан таъминлаш;

— 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб, алоҳида фанларни инглиз тилида олиб бориш учун, келгусида уларнинг сонини ошириб боришни назарда тутган ҳолда асослар ишлаб чиқиш; иқтидорли талабалар ва ёш мутахассис ўқитувчилар учун ОўЮлари қошидаги тил марказларида чет тилини бепул ўрганиш учун имкониятлар яратиш, халқаро лойиҳаларда қатнашиш ва уларда танлов асосида кенг жамоанинг иштирок этишига имкониятлар яратиб бериш;

— тажрибали ўқитувчиларнинг ўқув машғулотларини видеокассета, компакт диск ёки дискеталарга ёзиб олиш ва вилоятлардаги иқтидорли талабалар ҳамда ёш ўқитувчилар учун ушбу машғулотларни масофавий канал орқали узатиш

ва кутубхоналарга етказиб беришни ташкил этиш;

— ахборот технологияларини таълим жараёнларига тadbик этиш бўйича ишларни ўқитувчиларнинг шахсий режаларига киритиш;

— компьютер дастурлари воситасида масофавий ўқитишни, тажриба ва устахоналарнинг ишларини имитацияловчи воситалар яратиш;

— ахборот технологиялари ва масофавий

ўқитиш борасида касб ҳунар коллежлари ва академик лицейларни оталиққа олиш;

— ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни таълим жараёнларига тadbик этиш борасида амалга оширилган ишлар бўйича вазирлик тасарруфидаги ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармасига йил чораги ҳисоботини кейинги чоранинг биринчи 10 кун ичида тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ўқув машғулотларини ўтишда таълим сифатини ошириш ҳамда ўқув устахоналари ва тажриба қурилмаларининг ишини имитацияловчи виртуал стендларни тadbик этиш ҳақида"ги 2002 йил 31 январ 1/5-сонли ҚАЙЪАТ ҚАРОРИ

2. Олий таълим муассасаларининг ректорларига:

— олий таълим муассасасининг ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш марказлари таркибиде тажрибали профессор-ўқитувчиларни ҳамда бакалаврият ва магистратуранинг иқтидорли талабаларини жалб этган ҳолда электрон дарсликлар ҳамда ўқув устахоналари ва тажриба стендларни яратиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилсин;

— виртуал стендларни яратиш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳларнинг фаолиятини таъминлаш учун ахборот технологиялари ва масофавий

ўқитиш марказлари замонавий компьютерлар ва бошқа воситалар билан таъминлансин;

— бакалаврият битирув ишлари ва магистратура диссертация ишлари бўйича мавзулар рўйхатиға ўқув фанларига тегишли виртуал стендларни яратиш бўйича мавзулар киритилсин;

— ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш марказларининг ишчи гуруҳларида фаол иштирок этаётган профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантиришида Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2002 йил 25 январдаги 23-сонли буйруғининг 3.2-банди қўлландин...

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2002 йил 30 октябрдаги 307/163-сонли ҚЎШМА БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 май 2002 йилдаги ПФ 3080 -сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида"ги 200-сонли қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда республикада миллий компьютер дастурчилари мактабини шакллантириш мақсадида

БУЮРАМИЗ:

1. Республика барча турдаги таълим муассасалари раҳбарларига:

1.2. Ҳар йили олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ва умумий таълим муассасаларининг талабалари, ўқувчи ёшлари, аспирантлари ва докторантлари, профессор-ўқитувчилари, техник хизмат-

чилари ва ходимлари иштирокида "Ахборот технологиялари бўйича энг яхши маҳсулот" мавзусидаги республика конкурси ўтказиш йўлга қўйилсин ва мазкур конкурса фаол иштирок этиш барча таълим муассасаларининг йиллик иш режаларига киритилсин.

1.3. "Ахборот технологиялари бўйича энг яхши маҳсулот" мавзусидаги республика конкурсида ўқувчи ёшлар, талабалар, аспирантлар ва докторантлар, профессор-ўқитувчилар, ҳамда техник хизматчилар ва ходимларнинг фаол иштирок этишлари таъминлансин.

2. Конкурсининг ташкилий қўмитаси ва Низоми 1 ва 2-Иловаларға мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қўшма буйруқнинг бажарилишини назорат этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р. Қосимовға ва Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р. Аҳлидиновға юклатилсин.

Олий ўқув юртларида халқаро интернет тармоқларидан фойдаланишни кенг жорий этишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ечими ҳақидаги 2003 йил 28 май 5/4-сонли ҚАРОРИ

Компьютер технологиялари ва интернет инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири ҳисобланиб, ҳозирги вақтда иқтисодийётнинг барча йўналишларига ва тармоқларига жорий эти-

либ, сифат жиҳатдан янгича мазмун ва моҳият яратилишиға асос солмоқда.

Республикамиз олий ўқув муассасаларининг барчаси ҳозирги кунда интернетға чиқиш имко-

нияга эга бўлиб, улардаги мавжуд жами 11676 та компьютерлардан 3100 таси (39 %) интернетга улангандир. Албатта, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тасдиқланган "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика Дастури"нинг интернетга уланиш билан боғлиқ мақсадли йўналишларидаги кўрсаткичлар бажарилмоқда дейишга асосимиз бор. Аммо, асосий вазифамиз интернетга уланиш билан ҳал бўлиб қолмайди. Бунда, интернетга уланган компьютерларнинг самарадорлигини баланд бўлишига эришиш, ички ахборот ресурсларини мунтазам тарзда янгилаб бориш ва ташқи ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш ва ниҳоят, олий ўқув муассасасига тегишли бўлган маълумотларни ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида кенг тарқатиш каби масалаларни ҳал этилмас экан, интернет кутилган натижаларни олишимизга имкон бермайди. Ушбу масалаларнинг барчасини муваффақиятли тарзда ҳал этилишида интернет хизматининг сифати белгиланган талаб доирасида бўлиши алоҳида аҳамият касб этади.

Баъзи олий ўқув муассасаларида интернетга уланган компьютерлар сонини оширишгагина аҳамият берилиб, улардаги интернетга чиқиш тезлиги ва сифати талаб доирасида бўлиши лозимлиги эътибордан четга чиқиб қолмоқда. Бунинг натижасида эса, оддийгина электрон почта хизматидан фойдаланиш, керакли саҳифаларни очиш ҳам мумкин бўлмай қолаётир. Ушбу ҳолат интернетдан фойдаланувчиларнинг аксарият вақти беҳуда сарфланишига, иш самарадорлигини пасайишига ва интернет хизмати билан боғлиқ тўловларнинг ортишига сабаб бўлади.

Шу сабабларга кўра, интернетга уланаётган компьютерлар сонини ошириб бориш билан бир қаторда, уларнинг ишини ички жадвал асосида ташкил этишга ҳам эътибор бериш лозим бўлади.

Яна бир муҳим масалалардан бири, интернетдан мақсадли фойдаланишни, яъни илмий тадқиқотлар ва ўқув жараёни учун янги ахборотларни олиш, маҳаллий ва ташқи таълим порталларидан ва масофавий ўқитиш курсларидан унумли фойдаланишдир. Интернет хизмати кўрсатувчи провайдерлардан ва аксарият олий ўқув муассасаларидан олинган маълумотлар асосида айтишимиз мумкинки, кейинги вақтларда интернетдан илмий маълумотлар олиш, таълим мақсадларида фойдаланиш ва турли мутахассисдиклар йўналишида ахборотлар излаш кўлами 2002 йилдагига нисбатан сезиларли даражада ортган. Лекин, интернетдан турли муסיқий файл-

ларни, фильмларни кўчириш, кўнгил очар саҳифаларни кўриш мақсадида фойдаланиш ҳоллари баъзида учраб турибди.

Интернет ҳадсиз, ҳудудсиз ахборотлар макони бўлганлигидан фойдаланувчиларнинг муайян вақти ўзи учун керакли бўлган саҳифаларни излашга сарфланади. Бу борада, кутубхоналарда, интернет синфларида ва кафедраларда аксарият фойдаланувчилар мурожаат қиладиган электрон манзилларнинг рўйхатини ташкил этиш қатта самара беради. Ушбу мақсадда, ҳозирда барча олий ўқув муассасалари имтиёзли равишда (бепул) фойдаланишлари мумкин бўлган, керакли мавзулар бўйича тегишли ахборотларни қисқа муддатда ва фойдаланишга қулай шаклда олиш имкониятини берувчи "E-Collector" тизимидан (1-илова), турли соҳалар бўйича тўлиқ матндаги, 5000 га яқин (уларнинг 600 дан ортиқ рус тилида) журналлар ва адабиётларни ўз таркибига олган, EBSCO электрон ўқув базасидан унумлироқ фойдаланиш лозим бўлади. Эътироф этиб ўтиш жоизки, мазкур ўқув базасидан фойдаланишга барча олий ўқув муассасаларида алоҳида эътибор берилмоқда дейишимиз бирмунча мушкул. Бу базалардаги маълумотлардан нафақат фойдаланмаган, ҳаттоки ўз логинларини ишлатмаган таълим муассасаларининг сони ҳам кам эмас.

Шу кунларда вазирликнинг ягона корпоратив тармоғини лойиҳалашга ва ташкил этишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган бўлиб, келгусида мазкур тармоқнинг шаклланишида таълим муассасаларининг ички локал тармоқлари ва ресурслари билан уйғунлаша олишнинг таъминлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса, барча таълим муассасалари учун илгор ва ягона ўқув дастури асосида тармоқ администраторлари тайёрланишини йўлга қўйиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда вазирлик миқёсидаги ҳаракатда бўлувчи аксарият ҳужжатларни интернет орқали, электрон почталарга юбориш йўли билан таълим муассасаларига етказиш йўлга қўйилган. Электрон почталарининг турли домен зоналарида бўлганлиги, баъзи провайдерлар хизматларида ўзаро алоқа каналлари (пиринг) йўлга қўйилмаганлиги вазирликдан юборилаётган ҳужжатларни жойларга баъзан бир неча мартадан юборилишига, кўрсатмалар ва топшириқларни кечикиб бажарилишига сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатдан, ҳужжатларни электрон почталар орқали юборилиши ва олинишида юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этувчи, замонавий ечимларни ўз ичига олган ягона тартибдаги механизм ишлаб чиқиши, ва унинг такомиллашиб бориши натижасида электрон ҳужжат алмасувини йўлга қўйиш вақти келди. Умуман олганда, ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимига тобора чуқурроқ илдиз отиб бораётганлиги, республикамизда ўзинга хос бўлган

ахборот макони шаклланаётганлиги, таълим сифатини оширишда ахборот технологияларининг ва интернетнинг ўрни бекиёслиги, эндиликда барча раҳбарларни (проректорлар, деканлар ва кафедра мудирларини) ўз электрон почталарига эга бўлишлари лозимлигини тақозо этади.

Барча олий ўқув муассасаларида интернетдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унинг сифати белгиланган талаб доирасида бўлишларини таъминлаш, ҳамда интернет орқали илмий тадқиқотлар ва таълим бўйича ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида вазирлик ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А. Абдуллаев)га:

1.1. Бир ҳафта муддат ичида "E-Collector" маълумотлар излаш тизими ва EBSCO электрон ўқув базасидан фойдаланиш учун махсус олинган логин ва пароллар, такроран, тегишли олий ўқув муассасаларига, бевосита илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректорларнинг электрон манзилларига жўнатилсин.

1.2. 15 Кун муддат ичида, "UZSCINET" лойиҳаси асосида ташкил этилган "CISCO Academy" тармоқ администраторлари тайёрловчи ўқув курсларига олий ўқув муассасаларидан тавсия этиладиган номзодлар аниқлансин ва мазкур курсларга номзодларни жалб этиш жадвали тузиб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқлашга тавсия этилсин.

1.3. Бир ойлик муддат ичида вазирлик миқёсидаги асосий ҳужжатлар (буйруқлар, молеминомалар)ни электрон почта орқали жойларга ўз вақтида ёзилишини таъминлаш тартиби ишлаб чиқилсин.

1.4. 2003 йил 15 июнгача барча олий ўқув муассасаларига ягона, "uz." домени зонасида фаолият кўрсатадиган электрон почталари ташкил этиб берилсин.

2. Барча олий ўқув муассасалари ректорла-

рига:

2.1. Икки ҳафта муддат ичида таълим муассасасидаги интернетга уланган компьютерларнинг тармоқдаги самарадорлик кўрсаткичлари (интернетга уланишдаги ва ахборотларни кўчиришдаги тезлик, ишлаш вақти) аниқлансин ва жоиз бўлганда, кутубхоналар, факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмаларни интернетдан навбатма-навбат фойдаланиш вақти графиги ишлаб чиқилсин.

2.2. 2003 йил 15 июнгача 2-иловада келтирилган таълим, илмий тадқиқотлар, масофавий ўқиш курслари ва турли фондлар ва грантлар бўйича веб-сайтлар ва ахборот порталларининг электрон манзиллари рўйхати тегишли мутахассисликлар ва йуналишлар бўйича интернет орқали фойдаланишга тавсия этилиши мумкин бўлган бошқа электрон манзиллар асосида кенгайтирилсин ва кутубхоналарга, интернет синфларига ҳамда кафедраларга, интернетда шугулланувчилар қулай ва осон фойдалана оладиган қилиб, қоғоз ёки электрон файл шаклида тарқатилсин.

2.3. Бир ҳафталик муддат ичида тармоқ администраторлари тайёрловчи "CISCO Academy" ўқув курсларига тавсия этиладиган (инглиз тилида ўқий оладиган ва таржима қилиши мумкин бўлган) номзодлар аниқлансин ва улар хусусидаги тегишли маълумотлар Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га етказилсин.

3. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (М.Саидов)га:

3.1. 2003 йил 15 июнгача Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев) билан биргаликда барча олий ўқув муассасалари учун ягона "uz." домен зонасида электрон почта хизматини ташкил этиш ва маҳаллий ўқув базаларини жойлаш учун алоҳида сервер ташкил этилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат Вазир ўринбосари Ш.Аюповга зиммасига юклатилсин.

1-илова

E-Collector Интернет тармоғидан ахборот тўплашнинг автоматлаштирилган тизими қўлланилиши:

- Интернет тармоғидан ахборот тўплаш жараёнини автоматлаштириш;
- Интернетни корпоратив қўлланиш режимини оптималлаштириш;
- Динамик ахборот базасини шакллантириш;
- Меҳнатнинг самарадорлиги ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш.

Имкониятлари:

- Талаб қилинадиган веб-сайтларда турли тилларда, талаб қилинадиган давр ичида, турли мавзулар бўйича ахборотларни йиғишни автоматлаштириш;
- Ўрнатилган излаш тизими билан шахсий маълумотлар базасини ташкил этиш ва автоматик тарзда ахборот таъминотини таъминлаш;
- Ахборот базаларига локал тармоқ орқали кириш имконияти мавжуд бўлгани каби, интернет орқали ҳам кириш имконияти мавжуд;
- Қулай интерфейс, танланган материалларни автоматик тарзда саралаш;

Рухсат этилмаган киришлардан қўп қатламли ҳимоя;
Ахборотларни фойдаланувчилар томонидан қўллашни ҳисобга олиш ва назорат қилиш.
Мурожаат учун тел.: (998712) 45-17-5 65-86-18
О.А.Никадамбаев, В.И.Чеботарев, И.М.Хен
E-mail: odil@tki.uz
АДРЕС: ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАХРИ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ
ШОХ КЎЧАСИ 2

**"Олий ўқув юртларидаги малака ошириш институтлари, марказлари ва факультетларида
компьютер синфлари ҳамда Вазирлик тассаруфидаги Олий ўқув юртларининг Ахборот
технологиялари бўйича мутахассислар тайёрловчи факультетларида мультимедиа аудиториялар
ташкил этиш тўғрисида" ги 2003 йил 17 июл 182-сонли**

БҮЙРУҚ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таълим сифатини ошириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6.06.2002 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида" ги қарорини бажарилишини таъминлаш борасида

БҮЙУРАМАН:

1. Олий ўқув юртларидаги малака ошириш институтлари, марказлари ва факультетларида, бир ойлик муддат ичида компьютер синфлари ташкил этилсин. Мазкур компьютер синфларини техникавий жиҳозлашда (1-илова) Вазирликнинг 2003 йил 23 июндаги 152-сонли буйруғи бўйича танлов асосида тавсия этилган ҳамда Жанубий Корейдан хайрия сифатида тақдим этилган компьютерлардан фойдаланилсин.

2. Мазкур компьютер синфлари учун ишчи станция сифатидаги компьютерларни Вазирлик томонидан тақдим этиш жадвали тасдиқлансин (2-илова).

3. 2003-2004 ўқув йили бошлангунга қадар, Вазирлик тассаруфидаги Олий ўқув юртларининг ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрловчи факультетларида мультимедиа техникавий воситалар билан жиҳозланган (3-илова) аудиториялар ташкил этилсин. Мазкур мультимедиа техникавий воситаларни танлов асосида олиш ташкиллаштирилсин.

4. Мазкур мультимедиа аудиторияларни жиҳозлашда асосий техникавий таъминот (3-илованинг 1-жадвали) Вазирлик томонидан, иккиламчи таъминот (3-илованинг 2-жадвали) эса олий ўқув юрти томонидан амалга оширилсин.

5. Компьютер синфларини ва мультимедиа аудиторияларни ташкил этишда ва келгусида улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда Олий ўқув юртларининг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректорлари ҳамда ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш марказларининг раҳбарлари шахсан масъул этиб тайинлансин.

6. Маркетинг хизмати маркази (А.Маманзаров), ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев) ва Ишлар бошқармаси (И.Юлдошев)

билан биргаликда:

6.1. Ушбу буйруқнинг 2-илоvasи билан тасдиқланаётган график қаттиқ назоратга олинсин ва ҳар бир синфни ишга тушириш бўйича маълумот тўплансин;

6.2. Мультимедиа аудиторияларни жиҳозлашда асосан техникавий таъминот бирликлари (3-илованинг 1-жадвали) етказиб берувчи ташкилотлар (компания) "Рақобат варақлари" асосида танлансин ва ўрнатилган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилсин.

7. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, марказлари ва факультетлари бўлган Олий ўқув юртларининг ректорларига:

7.1. Мазкур буйруқнинг 2-илоvasи билан тасдиқланаётган графиги асосида тегишли компьютерлар билан таъминлаш ҳамда компьютер синфларини ишга туширувчи мутахассисларни жалб этиш мақсадида транспорт хизмати ташкил этилсин.

7.2. 2003 йил 15 августгача ташкил этилган компьютер синфларини интернет тармоғига улаш ва белгиланган тартибда тасдиқланган жадвал асосида ундан самарали фойдаланиш таъминлансин.

8. Таркибида Ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрловчи факультетлари бўлган, вазирлик тассаруфидаги Олий ўқув юртларининг ректорларига:

8.1. Бир ой муддат ичида мультимедиа аудитория учун тегишли бино фондидан ажратилган хона (маъруза зали) сифатли таъмирдан чиқарилсин ва ушбу буйруқнинг 3-илоvasидаги 2-жадвалда тавсия этилган инвентарлар билан жиҳозлансин.

8.2. Ташкил этиладиган мультимедиа аудиториядан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйилсин.

9. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (М.Сандов)га: ташкил этилаётган мультимедиа аудиторияларни зарур бўлган асосий техникавий бирликлар (3-илованинг 1-жадвал) билан жиҳозлаш учун тегишли маблағлар ажратилсин ва белгиланган тартибда назорат олиб бориш юклатилсин.

10. Ушбу буйруқнинг бажарилиши бўйича назорат вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

"23-24 сентябрда бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит якунлари ва вазирлик олдида турган вазифалар тўғрисида"ги 2003 йил 10 октябр 9/2-сонли ҚАРОРИ

Республикамиз ОЎЮларида АКТни жорий этишни кенгайтириш, таълимни ахборотлаштириш, педагог кадрларимизнинг тўлиқ компьютер саводхонлигига эришиш, ҳамда республикада илк бора ўтказилган Миллий Саммит резолюцияларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлик ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

4. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А. Абдуллаев)га:

4.1. Бир ой муддат ичида АКТ бўйича таянч ОЎЮларининг базасидаги таълим соҳасидаги веб-ресурсларни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш, ҳамда уларнинг асосида бошқа ОЎЮла-

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг ўқитилиши ва унинг ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш тўғрисида 2003 йил 7 ноябр 274-сонли БУЙРУҒИ

8. Барча олий таълим муассасалари ректорларига доимий равишда:

8.5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тайёрланган "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани бўйича мультимедиа дастурлари ва махсус электрон қўлланмалар билан тажриба синов майдончала-

рида таълим сифатини оширишга йўналтирилган АКТ ва янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш бўйича, жумладан, электрон ўқув базаларини, кутубхоналарни ва таълим бўйича веб-ресурсларни яратиш ва ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ва режалар ишлаб чиқилсин.

4.4. 2003 йил 1 ноябргача Ўзбекистон Миллий университети базасида яратилган АПС электрон ўқув адабиётлари порталини ривожлантириш ва унинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишининг назорати вазирнинг ўринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

ри сифатида белгиланган олий таълим муассасаларини таъминлаш ва компьютер ва мультимедиа воситаларидан, электрон версиялардан ўқув жараёнида кенг фойдаланишга эътибор қаратиш;

8.11. Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси махсус бурчакларини ташкил этиш ҳамда уларни етарли адабиётлар ва кўргазмалар воситалар билан таъминлаш...

"Вазирликда ва олий таълим муассасаларида ахборотлаштириш бўйича белгиланган асосий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2003 йил 24 ноябр 10/4-сонли ҚАРОРИ

ОТМларда ахборотлаштириш ишларини жадаллаштириш, компьютерлаштиришни ривожлантириш ва АКТларини ўқув-таълим жараёнига кенг жорий этиш, ҳамда тегишли ҳужжатларни ОТМларига вазирлик томонидан оператив етказилишини таъминлаш мақсадида ҳайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Таълим тизимини ахборотлаштириш, ўқув-таълим жараёнига АКТни кенгроқ жорий этиш, компьютерлаштиришни ривожлантириш, ҳамда АКТ бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, кадрлар ва мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган, 2010 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқилган тадбирлар режаси" (1-илова), Вазирлик томонидан юборилган ҳужжатларни ОТМларига етказиш бўйича Муваққат Тартиб (2-илова) ҳамда "Таълим тизимини ахборотлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаши" Низоми (3-илова) тасдиқлансин.

2. Вазирликнинг ОЎЮББ (Ш.Жонбоев)га, ИИМХББ (В.Алехина)га, КИФИПКТББ (Ш.Бўтаев)га, АТМЎРБ (А.Абдуллаев)га, Мар-

кетинг хизмати Маркази (А.Маманазаров)га, ОЎМММ Институти (Б.Рахимов)га, Мониторинг бўлими (М.Хўжаева)га: "Таълим тизимини ахборотлаштириш, ўқув-таълим жараёнига АКТни кенгроқ жорий этиш, компьютерлаштиришни ривожлантириш, ҳамда АКТ бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган, 2010 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқилган тадбирлар режаси"нинг тегишли қисмлари қатъий назоратга олинсин ва доимий мониторинги ташкил этилсин.

3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

3.1. 2003 йил 15 декабргача Вазирлик томонидан юборилган ҳужжатларни ОТМларига етказиш бўйича Муваққат Тартиб асосида тегишли кўрсатмалар ишлаб чиқилсин.

3.2. Девонхона бўлими (С.Ўринова) билан биргаликда 2004 йил 15 январдан бошлаб вазирликдан ОТМларга юборилган ҳужжатлар мазкур ҳайъат қарори билан тасдиқланган Муваққат Тартиб асосида юборилиши таъминлансин.

"Олий таълим муассасалари фаолиятини ёритувчи илмий-оммабоп фильмлар яратишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2004 йил 26 январь 22-сонли

БУЙРУҚ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий ҳаётимизнинг жуда кўп жабҳаларида туб ислохотлар амалга оширилди. Собитқадамлик билан олиб борилаётган ишлар, шубҳасиз ўз самарасини бермоқда. Ана шундай ишлар қўламини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодий жамоаси томонидан мамлакатимизда кечаётган туб ислохотларнинг афзалликлари ва самараси ҳақида ҳикоя қилувчи буюртма фильмлар яратиш келинмоқда. Мазкур картиналарни яратишда киностудиянинг энг тажрибали сценарийнавислари, кинорежиссёрлари ва операторлари жалб қилинган бўлиб шу кунга қадар тарихдан унутилиб кетган алломаларимиз ҳаёти, ўтмиши ва тарихи билан боғлиқ бир қанча ишлар амалга оширилди.

Олий таълим тизимида ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб йўлга қўйилган халқаро алоқалар, хорижий тажрибалар, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида амалга оширилган ишларни Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан кенг халқ омига етказишни ташкил этиш мақсадида

БУЮРАМАБ:

1. Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг 2004 йил 20 январдаги №01/21 хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Барча олий таълим муассасалари ректор-

ларига:

2.1. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб олий ўқув юртида йўлга қўйилган халқаро алоқалар, хорижий тажрибалар, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқа метражли ҳужжатли фильмлар яратилсин.

2.2. Мазкур ҳужжатли фильмларни халқаро андозаларга мос равишда яратиш, сифат ва мазмунга амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси (Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1-а уй, телефонлар: 77-69-86, 77-85-73, ҳисоб рақами: 20210000400118654003, ГОО НД ВЭД РУ, МФО 00407, ИНН 200795121) билан шартномалар асосида ҳамкорлик алоқаси ўрнатилсин.

3. Вазирликнинг Бош бошқарма бошлиқлари (Ш.Бутаев, Э.Набиев, Д.Расулов, Ш.Жонбоев)га:

3.1. Олий таълим муассасалари фаолияти тўғрисида яратилаётган ҳужжатли фильмлар сценариясини Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг энг тажрибали сценарийнавислари, кинорежиссёрлари билан ҳамкорликда пухта ишлаб чиқиш ва суратга олиш ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилиш даврига қадар кечадиган жараёнларда масъулият билан иш олиб бориш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

"Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги

2004 йил 6 феврал 1/3 - сонли

ҚАРОРИ

...3. ОТМ ректорларига: Концепциянинг иккинчи босқичини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг бажарилиш механизмлари ишлаб чиқилсин, уларда қуйидагилар албатта инобатга олинсин:

- замонавий лаборатория ағжомлари ва ускуналарини сотиб олиш ёки тайёрлаш;

- замонавий технологиялари мавжуд бўлган корхоналарда талабаларнинг амалиёт ўташи;

- яратилаётган ёки импорт қилинаётган янги техниканинг дастлабки нусхаларини тегишли техника олий таълим муассасаларига етказилиши;

- профессор-ўқитувчиларни шахсий компьютерларнинг сўнгги авлоди билан таъминлаш;

- олий техника таълимини моддий техника таъминоти учун бюджет, бюджетдан ташқари маблағлар ва хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш...

Олий таълим муассасаларини компьютерлаштириш ҳолати ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнларига талдиқ этиш мониторингининг натижалари

тўғрисидаги 24 феврал 2004 йил 2/4 - сонли

ҚАРОРИ

Республика олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ 3080-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-ком-

муникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бажариш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика Дастурининг мақсадли йўналишларига мувофиқ, ОТМларининг компьютерлар билан жиҳозланиши 2003 йил охирида ҳар 100 талабага 4,2 кўрсаткичга эришилиши режалаштирилган бўлса, амалда бу 9,6 ни ташкил этди (1-иловадаги 1-жадвал). Баъзи ОТМларида ушбу кўрсаткич 2009-2010 йилларга режалаштирилган даражада эътиборли диққатга сазоварли (ЖИДУ - 34,85; ТТЙМИ - 20,33; ГулДУ - 17,91). Компьютерларнинг умумий сони бўйича эса мониторинг натижалари қуйидагича бўлди: ТДТУда - 822, УзМУда - 713, ТДИУда - 518 та компьютер.

Аммо, республика миқёсида ўртача кўрсаткич режадагига нисбатан юқори бўлиши билан бир қаторда, компьютерлар билан таъминланганлик кўрсаткичининг ОТМлари кесимидаги фарқланиши ҳамон катталигича қолмоқда. Масалан, компьютерлар билан таъминланиш кўрсаткичининг фарқланиши 2002 йилнинг декабрида 1,05 дан 11,23 бирлик ораллигида бўлган бўлса, 2003 йил декабридаги маълумотлар бўйича ушбу кўрсаткич 2,23 дан 34,85 гачани ташкил этган (1-иловадаги 3- ва 4-жадваллар). Компьютерлар билан таъминланганлик кўрсаткичи қуйидаги ОТМларида энг пастлигини эътибор этиш лозим: ТермДУ - 2,26; ТДМИ - 2,33; МРДИ - 2,5. Ушбу ОТМлари компьютерлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишлари ва ундан оғишмай, масалага жиддий ёндошган ҳолда иш олиб боришлари лозимдир.

Интернетга уланиш бўйича ҳам муайян ютуқларга эришилди. Барча ОТМларида интернетга уланиш таъминланган, жумладан, НАТОнинг "Виртуал ипак йўли" дастури бўйича интернетга уланган ОТМларининг сони 2003 йилнинг январидан 26 бўлган бўлса, 2004 йилнинг январига келиб бу кўрсаткич 47 тани ташкил этган.

Интернетдан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг муҳим ва ажралмас компонентларидан бири - интернет орқали олинган маълумотлар ҳажмини ошириш билан бир қаторда, узатиладиган маълумотларнинг ҳам ҳажмини ошириш ҳисобланади. Лекин, ОТМларида интернет орқали олинаётган ва узатилаётган маълумотлар тафовутини (нисбатини) камайтиришга эътибор ҳанузгача суст. Шу сабабдан баъзи ОТМларида интернетга нисбатан фақат ҳаражатлар манбаи сифатида қарашлар мавжуд. Бу борала, аксарият ОТМларида веб-сайтлардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

ОТМларида веб-сайтларни яратилиши ва уларни фаол ушлаб турилишига жиддий эътибор қаратилиши бўйича Вазирлик томонидан бир неча марта кўрсатмалар берилганлигига қарамай баъзи ОТМларида ҳанузгача ўз веб-сайтлари яратилмаганлиги ушбу вазифага юзаки қаралаётганлигидан далолат бермоқда (1-иловадаги 7-жад-

вал).

Таркибида 7000 дан ортиқ, тўлиқ матнли илмий ва оммабоп журналларни ўз таркибига олган EBSCO электрон ўқув базаларидан фойдаланган ОТМларининг сони 2002 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ортган (2002 йилда 22 та, 2003 йил охирида эса 34 тани ташкил этган). Лекин, мазкур базалардаги илмий ва услубий материаллардан ОТМлари томонидан самарали фойдаланиш аксарият, айниқса техника йўналишидаги ОТМларида яхши йўлга қўйилмаган. ОТМларининг кутубхоналари мазкур электрон ўқув базасининг CD-дисклардаги тўпламлари билан жиҳозланган бўлиши қарамай, улардан фойдаланиш кўрсаткичлари юқори эмас.

Интернет орқали турли соҳалар учун мўлжалланган масофавий ўқитиш курсларидан унумли фойдаланиш борасида Республика "Истеъдод" жамғармасининг тажрибаларини кенг ёйиш мақсадга мувофиқ. Ушбу курсларнинг аксарияти бепул бўлиб (2-илова), алоқа каналларига билан даражадаги коммуникацион талабларни қўймайди. Шу сабабдан улардан республиканинг исталган ҳудудидан туриб фойдаланиш мумкин.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда Вазирлик Ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Веб-сайтлари яратилмаган ёки фаоллаштирилмаган ОТМларида (НавДКИ, 2-ТошДТИ, БухДТИ, ТИҚХМИ) 2004 йил 25 мартга қадар бу борадаги ишларни яқунлаб, ёзма равишда вазирликка ҳисобот, акс ҳолда шахсан юқори номидан махсус тушунтириш хати тақдим этилсин.

2. Барча олий таълим муассасаларининг ректорларига:

2.1. 2004 йилнинг декабригача таълим муассасасининг компьютерлар билан (ҳар 100 талабага нисбатан) таъминланганлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури"да белгиланган мақсадли йўналишларининг кўрсаткичларидан кам бўлмаслигига эришиш таъкидлаб ўтилсин.

2.2. Интернет орқали ахборотлар узатишни ривожлантириш мақсадида таълим муассасасининг веб-сайтларидан унумли фойдаланиш йўлга қўйилсин. Ушбу борадаги олиб борилаётган ишлар бўйича ҳисобот йилнинг ҳар чорагида вазирликка тақдим этиб борилсин.

2.3. 2004 йил 25 мартга қадар, 2-иловада келтирилган, бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатувчи масофавий ўқитиш курслари ва порталлари таҳлилдан ўтказилсин ва улардан тегишли соҳалар бўйича, талабаларнинг ўқув машғулотларида ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларида унумли фойдаланиш йўлга қўйилсин.

3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Аб-

дуллаев)га: ҳар йили, ёзги мавсумда, "Истеълод" жамғармаси билан ташкил этиладиган ҳудудий семинар-тренинг курслари дастурига EBSCO электрон базасидан фойдаланиш масалалари кiritилсин ва 2004 йил 1 майгача тегишли услу-

бий кўрсатмалар ва тарқатма материаллар тайёрлансин.

4. Маъжур қарорнинг бажарилиши бўйича назорат вазирнинг ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Вазирлик Ҳайъатининг 2004 йил 24 февралдаги №2/4-сонли қарорига
1-илова

Олий таълим муассасаларида компьютерлаштиришни бориши ва Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни ўрганиш мониторинги бўйича асосий маълумотлар

Таҳлилга 51 олий таълим муассасасидан (ОТМ) маълумотлар келиб тушди. 10 ОТМдан (ЎзДЖТИ, ҚҚДУ, ТИУ, ТВПИ, ЖизДПИ, НукДПИ, АндТИ, СамДТИ, ЎзДКонс ва СамДЧТИ) маълумотлар тавсия этилмади.

Таҳлил натижаси далолат бердики, ОТМларида Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) таълим жараёнларига жорий этиш ва компьютерлаштириш борасида, сўнгги 2.5 йил ичида, сезиларли даражада, ижобий ўзгаришлар амалга оширилган. 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастурида белгиланган Мақсадли йўналишларининг деярли бар-

часи бўйича динамик ўсиш мавжуд. Баъзи ОТМларининг кўрсаткичлари 2008-2010 йил даражасига етган.

Мақсадли йўналишлари бўйича кўрсаткичлар:
I. Компьютерлар билан таъминланганлик.

ОТМларида 223000 дан ортиқ талаба ўқимокда. Улардаги компьютер парки 13900 тани ташкил этиб, улардан 5609 таси Pentium II ва ундан ортиқ русумдаги компьютерлардир. Бунида ҳар 100 талабага компьютерлар билан таъминланганлик кўрсаткичи 9,6 ни, унинг вариацияси эса 2,26 дан 34,85 гачани ташкил этади. Ушбу коэффициентнинг ўсиш динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилган:

Кўрсаткичлар	1—жадвал				
	01.01.2002	01.01.2003		01.01.2004	
	Амалда	Дастурда	Амалда	Дастурда	Амалда
Таъминланганлик кўрсаткичи	2,18	4,7	5,1	4,2	9,6

1. Компьютерлар сони бўйича

а) энг илгор ОТМлар:

2—жадвал

ОТМ	Умумий сони	Жумладан PII—PIV	Интернетга уланганлари	Талабалар сони	Кoeffициент
ГДТУ	822	702	280	8816	9,23
ЎзМУ	713	268	256	10021	7,12
ГДИУ	518	70	132	4850	10,68

б) энг паст кўрсаткичдаги ОТМлар:

3—жадвал

ОТМ	Умумий сони	Жумладан PII—PIV	Интернетга уланганлари	Талабалар сони	Кoeffициент
МРДИ	20	6	1	800	2,50
ГДМИ	35	22	13	1500	2,33
ГДСИ	41	21	5	876	4,68

2. Компьютерлар билан таъминланиши кoeffициенти бўйича (ҳар 100 талабага нисбатан):

а) энг илгор ОТМлар:

4—жадвал

ОТМ	Умумий сони	Жумладан PII—PIV	Интернетга уланган	Талабалар сони	Кoeff-т
ЖИДУ	467	112	80	1340	34,85
ГТИМИ	350	250	30	1500	20,33
ГулДУ	409	188	191	2284	17,91

б) энг паст кўрсаткичдаги ОТМлар:

5—жадвал

ОТМлар	Умумий сони	Жумладан PII—PIV	Интернетга уланган	Талабалар сони	Кoeff-т
ТермДУ	159	51	107	7039	2,26
ГДМИ	35	22	13	1500	2,33
МРДИ	20	6	1	800	2,5

II. Олий таълим муассасасида мавжуд локал тармоқ курсаткичлари бўйича:

Веб-сайтга эга ОТМлар	Веб-сайтга эга бўлмаган ОТМлар*	Веб-сайтлари тугалланиш арафасида
Локал тармоғи мавжуд ОТМларининг умумий сони	Локал тармоғи мавжуд бўлмаган ОТМлари сони	Маълумотлар мавжуд эмас (Ишлаб чиқариш босқичида ёки тугалланиш арафасида)
47	3	11

6-жадвал

Локал тармоғи мавжуд эмас ОТМлар: УзДЖТУ, ТПТИ ва ТДАУ

III. Веб-сайтлар бўйича маълумотлар:

Вазирлик Хайъатининг 2004 йил
24 февралдаги №2/4-сонли қарорига 2-илова

Интернет орқали, бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатувчи масофавий ўқитиш курслари ҳақида маълумотлар

(Курсларнинг рўйхати "Истеъдод" жамғармаси қошидаги масофавий ўқитиш маркази мутахассислари томонидан тузилган)

1. Россия ахборотлаштирилган жамиятни ривожлантириш институти ва Москва давлат электроника ва математика институтларининг "Масофавий курслар яратиш технологияси ва методикаси" ҳамда "Масофавий ўқитиш методикаси" курслари.

<http://www.esavu.iis/htf>

2. Россия Ахборот Технологиялари Интернет университетининг бепул курслари:

- а. Микропроцессор техникаси асослари;
- б. Ахборот хавфсизлиги асослари;
- в. Ахборот хавфсизлиги стандартлари;
- г. Ахборот хавфсизлигининг криптографияси асослари;
- д. CGI га кириш;
- е. HTML га кириш;
- ж. JavaScript га кириш;
- з. Web технология асослари;
- и. Каскадли жадваллар усулини куллаш;
- к. Ахборотларни узатиш тармоқлари асослари;
- л. С++ дастурлаш тили;
- м. Дастурлаш назариясига кириш;
- н. Функционал ёндошув;
- о. Маълумотлар базаси иловаларини лойиҳалаш.

масофавий курслари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш.

<http://www.Intuit.ru>

3. Қуйидаги сайтлардан ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин:

<http://www.Translate.ru> - авто таржимон.

<http://www.Google.ru> - авто таржимон.

<http://www.Ugatu.ac.ru> - турли фанларидан электрон дарсликлар, информатика фанидан тест

саволар мажмуаси ва бошқалар.

http://www.Skgtu.ru/cxpo/exponent.php?e_idk1 - Оптимал дастурлаш комплексларини лойиҳалаш бўйича Электрон дарслик.

<http://www.Infomicer.net/price/KGB.htm> - Электрон дарсликлар, энциклопедиялар, мультимедиа материаллари ва бошқалар.

http://www.cde.spbstu.ru/cd_ed/method_rec/conten.htm/ - ўқув курслари яратиш методикаси.

http://www.Museum.ru/cpik_katalog_CD-ROM/cd.asp?UIDk530 - мультимедиа ишларнинг каталоги.

http://www.Cde.spbstu.ru/CD_ED/method_rec/conten.htm/ - Масофавий ўқитиш учун электрон курслар яратиш методикалари.

http://www.Curator.ru/e_books/index.htm

<http://www.Cnit.ssau.ru/ito/index.htm> - Ахборот технологиялари бўйича масофавий ўқитиш курси (бепул).

<http://www.It-stady.ru> - Ахборот технологияларини бўйича масофавий ўқитиш курслари.

<http://www.Machaon.ru/distant/mesi.html> - Табабалар билимини электрон назорат қилиш системлари.

http://www.Fio.samara.ru/works/25/project4_5/xim2.htm

<http://www.Inftech.webservis.ru> - турли соҳалардан ўтказилган конференцияларнинг материаллари.

[http://www.Ito.bitpro.ru/1997/B/B115\(bkb408.407.12\).htm](http://www.Ito.bitpro.ru/1997/B/B115(bkb408.407.12).htm) - турли соҳалар бўйича ўтказилган конференция материаллари.

http://www.Kstu.kz/~4as/articleses/el_book/index.htm

<http://www.A-Z.ru/rocit/17/index.htm> - турли соҳаларда ўтказилган семинарларнинг материаллари.

http://www.Survey.britishcouncil.org/wi/p2066172/cte_frame.asp/?k25 - турли грантлар.

<http://www.Nerungri.edu.ru/muuo/pedmast/cvalify/kurs5.htm> - Интернетта кириш курси бўйича ўқув қўлланма.

http://www.Abroad.ru/ref_country/us_do.htm - Америка Қўшма Штатларидаги масофавий ўқиш курслари.

<http://www.training.sun.com/US/> - Ахборот технологиялари бўйича масофавий ўқитиш курслари.

<http://www.Link.msk.ru/book/> - Турли фанлардан масофавий ўқитиш учун ўқув материаллари.

http://www.ntu.edu/online/allacurs_ol.asp - Буюк Британиядаги Ахборот-технологияларидан масофавий ўқитиш курслари.

<http://www.word2word.com/course.htm> - Турли тилларни ўрганиш бўйича бепул курслар (Юзга яқин тиллардан)

<http://www.english-online.org.uk/course.htm> - Инглиз тилини ўрганиш бўйича бепул масофавий ўқитиш курси.

http://www.cxm.karelia.ru/index_e.htm - Қишлоқ хўжалиги машиналарини ўрганиш бўйича масофавий ўқитиш курси.

<http://www.conted.ox.ac.uk/pp/philosophyonline/> - Фалсафага кириш бўйича масофавий ўқитиш курси.

Маълумот учун:

Тел.132-62-23 E-mail:Alik1946@rambler.ru

6.3. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ КУТУБХОНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўқув юртларининг кутубхоналарини фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг жамғармасини янги ўқув, илмий техник ва даврий адабиётлар билан тўлдириб бориш ҳақида"ги 1998 йил 30 ноябр 331 сонли БУЙРУҒИ

1. Олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларига:

1.1. Ўқув юртлари кутубхоналарининг фаолиятини такомиллаштириш, уни янги ўқув, илмий техникавий ва даврий адабиётлар билан узлуксиз тўлдириб бориш, моддий-техника базаларини янгилашни ўзларининг асосий вазифаси деб билсин.

1.4. Олий ўқув юртларининг бюджетдан ташқари маблаги умумий миқдорининг 10% гачасини кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш (шу жумладан янги ўқув адабиётларини сотиб олиш) мақсадида сарфлашга рухсат берилсин.

1.5. Кутубхона моддий-техник таъминотини ривожлантириш мақсадида Республика грантлари ва хорижий жамғармаларидан самарали фойдаланишга эришилсин.

2. Ўқув адабиётларни, журнал ва бюллетенларни наршга тайёрлаш маркази (Н.А. Халилов) га:

2.3. ЎАЖБНТМнинг низомига қисман ўзгартириш киритган ҳолда, хориждан сотиб олинган адабиётларнинг бир қисмини "Интеркитоб"

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг кутубхоналарига оид ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2000 йил 14 июн 169сонли

Б У Й Р У Ғ И

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари фаолиятида ягона иш юритиш тизимини жорий этиш орқали кутубхоналараро алоқаларни ривожлантириш мақсадида ва кутубхона ходимларининг II-Республика анжумани тавсияларига кўра

БУЮРАМАН:

1.Ўқув юртлари кутубхоналари фаолиятига оид куйидаги шакллар ва ҳужжатларнинг илова-

магазини орқали эркин савдога чиқаришга рухсат берилсин.

2.4. Йилнинг ҳар чорагида вазирлик ўқув юртлари кутубхоналари учун Республика, Европа ва ҳамдўстлик мамлакатлари нашриётларида чоп қилинаётган илмий, ўқув ва ўқув-услубий адабиётлари ҳақида маълумотлар тайёрлансин ва тарқатилсин.

3.5. Олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчиларини ва бошқа кафедра ходимларини ички аттестациядан ўтказишнинг асосий кўрсаткичи қилиб, улар томонидан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш ва таржима қилиш белгилансин.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Т.К. Иминов) га.

4.1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги учун тайёрланаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий адабиётлар ва фанларнинг намунавий дастурлари вазирликнинг мувофиқлаштирувчи кенгашида муҳокама қилиш ва чоп этишга рухсат берилиши учун, даврий равишда етказилиб турилсин.

даги нусхалари тасдиқлансин:

Ks-1 Инвентар китоб;

Ks-2 Китобхон гувоҳномаси

Ks-3 Йўқолган нашрлар ўрнига китобхонлардан олинган китобларни ҳисобга олиш дафтари; Ks-4 Кутубхона захирасини жамлама китоби;

Ks-5 Китобхон формуляри;

Ks-6 Китобни қайтариш муддати варақаси;

Ks-7 Китоб формуляри;
Ks-8 Дарслик таъминоти varaқаси;
Ks-9 Газеталарни рўйхати олиш varaқаси;
Ks-10 Журналларни рўйхатга олиш varaқаси;
Ks-11 Китобхонни рўйхатга олиш varaқаси;
Ks-12 Каталог varaқаси;
Чизиқли, Чизиқсиз
Ks-13 Жавон ажраткичи;
Ks-14 Китоб ёрлиғи;
Ks-15 Чўнтакча;
Ks-16 Ўнг чизиқли ажраткич;
Чап чизиқли ажраткич;
Ўрта чизиқли ажраткич;
2."MUALLIM" Мувофиқлаштирувчи Маркази (Қ.Рўзиев)га:
2.1. Таълим муассасаларининг тасдиқланган шаклларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш топши-

рилсин;

2.2. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини шартнома асосида зарурий миқдорда тасдиқланган шакллар билан таъминлаш юклатилсин.

3. Олий ўқув юрти ректорлари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларига:

3.2. Тасдиқланган шаклларга буюртма бериш учун бюджетдан ташқари маблағлар ва ўқув мақсадларига мўлжалланган бюджет маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

4. ОУМММИ (Э.Имамов)га:

4.1. Кутубхона фаолиятини янги иш юритиш шаклларига мувофиқ ташкил этиш бўйича семинар ўтказиш топширилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорати вазир ўринбосари Қ.Р.Аллаев зиммасига юклатилсин.

**"Кутубхоналар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги
2004 йил 1 апрел 17-сонли
БУЙРУҚ**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан ҳисобланган ўқув-услубий таъминотига алоҳида эътибор қаратилиши белгилаб қўйилган. Шу асосда ҳозирги кунда олий таълимни ўқув, ўқув-услубий, илмий, қомусий адабиётлар ва маълумотномалар билан таъминлашнинг барқарор тизими шакллантирилмоқда. Бу жараёнда кутубхоналарнинг ўрни муҳим. Замонавий, талабаларга жавоб берадиган анъанавий ва электрон кутубхоналар барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш вазифалари таълим жараёнини такомиллаштиришда алоҳида ўрин тутаяди. Бу йўналишда олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар кўлами диққатга сазовордир.

Пойтахт олий таълим муассасалари (ТДПУ, ТГЕСИ, ТАҚИ, ТКТИ, ТМИ, ТАЙИ, ТИҚХ-ММИ,) кутубхоналари кўриб чиқилганда уларда маъруза матнларининг электрон версиялари ҳамда муаммоли маърузалар матнларидан нусхалар, вазирлик ҳайъати қарорлари, ўқув, ўқув-услубий ва вазирлик ташкил қилган умумий семинарлар материаллар тўпламлари, факультетлар деканлари семинарларида тарқатилган материаллар, олий таълим муассасалари ҳамда факультетлар деканлари чоп этган интернет янгиликлари рўйхатга олинмаган ва ўқувчиларга етказилмаган. Кутубхоналар раҳбарлари вазирлик порталига жойлаштирилган ўқув адабиётлари ва маърузалар матнларидан кўчирма олиш ва ўқувчиларга электрон вариантда тарқатишни йўлга қўймаганлар. Электрон почтадан маълумотлар олиш ва ўқувчиларга тарқатишга киришмаганлар, кутубхоналар фаолиятида таъмагирлик ҳам учраб турибди. Кутубхоналарнинг иш вақти талабаларнинг бўш вақти билан мослаштирилма-

ган, навбатчилик ташкил қилинмаган. Янги таҳрирда кутубхона фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар тасдиқланмаган. Талабалар уйларида ташкил қилинган кутубхоналар филиалларида эски адабиётлар қўйилган, газеталар, мутахассислик журналларидан нусхалар кам ёки умуман берилмаган. ҳанузгача олий таълим муассасаси раҳбарлари (ректор, проректорлар, факультетлар деканлари, кафедралар мудирлари, етук педагог ва олимлар)нинг шахсий китобларидан намуналар қироатхоналарда ташкил қилиниши пайсалга солинмоқда. Кўпайтириш воситаларидан умумли фойдаланиш, қўшимча хизмат кўрсатиш ишларини ривожлантиришга эътибор берилмайди.

Кутубхоналар фаолиятини замонавийлаштириш, ҳақиқий ахборотлар ва маълумотлар базасига айлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

1.1 .Кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг фондиди тўлдириб боришини таъминлаш ва давлат таълим стандартларига жавоб берадиган ўқув адабиётлари (2000 йилдан кейинги нашр) билан таъминлаш, электрон адабиётлар захирасини барпо этиш, мамлакатимиз ва хорижий таълим муассасалари кутубхоналари билан адабиётлар, ахборотлар ва маълумотлар алмашиш бўйича алоқалар ўрнатиш, кутубхона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича аниқ тадбирлар белгилаш ва ижросини таъминлаш топширилсин;

1.2 Кутубхона ишини туғри ва сифатли ташкил қилган, вазирлик Ҳайъати қарорлари ва буйруқлари ижросини тўла таъминлаган, талабалар талаб-истакларини тўла бажарган, ибратли хиз-

мат кўрсатишга эришган, мазкур буйруқ сўзбошида келтирилган камчиликлардан ҳоли кутубхона раҳбарлари ва ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан иш ҳақининг икки баравари миқдоригача рағбатлантириш вазифалари юклатилсин.

2. Олий таълим муассасалари кутубхоналари директорларига:

2.1 Шу йилнинг 31-январигача кутубхона, унинг талабалар уйларидаги филиаллари иш вақтини талабаларнинг ўқишдан бўш пайтларига мослаш ҳамда навбатчилик ташкил қилиш асосида ишлаш даврини соат 21 00 гача узайтириш;

2.2 Жорий йилнинг 1-мартга қадар вазирлик порталига жойлаштирилган, муайян таълим муассасасига тегишли дарсликлар, ўқув адабиётлари, маърузалар матнларидан бир нусхадан китоб шаклида муқовалаш ва электрон версиясини мижозларга етказиш;

2.3 20 - февралга қадар дарсликлар, ўқув адабиётлари, маъруза матнлари алмашиш бўйича кутубхоналар орасида шартномалар тузиш;

2.4 Факультетлар деканлари ва кафедра мудири билан шахсан жавобгарлик асосида кутубхона фондини алтернатив дарсликлар, ўқув адабиётлари, маърузалар матнлари ва уларнинг электрон версиялари билан тўлдириб бориш;

2.5 Кафедра мудири билан ҳамкорликда 2004/2005 - ўқув йилига тайёргарлик доирасида интернетдан, айниқса Россия ва Европа таълим муассасаларидан ҳар бир ўқитиладиган фандан камда 5-6 номдаги хорижий ўқув адабиётлари рўйхатини тузиш ва бу рўйхат кейинги йилларда мунтазам тўлдирилиб борилишини ҳамда талабалар эътиборига доимий етказилишини таъминлаш;

2.6 2003/2004 - ўқув йили бошида ўқитиладиган фанлардан

муаммоли маърузалар матнлари тайёрлаш бўйича вазирлик буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1- мартга қадар илоҳида бурчаклар ташкил этиш, маърузалар матнларидан бир нусхадан муқоваланган ҳамда уларнинг электрон версияларини тўплаш;

2.7 Талабаларга тарқатилган янги ўқув адабиётлари ва муаммоли маърузалар матнлари ёзилган дискеталардан фойдаланишга кутубхона ва талабалар уйларида шароит яратиш;

2.8. Кутубхоналарда электрон дарсликлар, дискеталарга ёзилган дарсликлар, ўқув адабиёт-

лари, маърузалар матнларидан кўчирма нусхалар олишга қўшимча хизмат турларини ташкил қилиш;

2.9. Ҳар янги ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилган ва тўлдирилган муаммоли маърузалар матнларидан тегишли нусхаларда кутубхона ва қироатхоналарда бўлишини таъминлаш;

2.10. Кутубхона фондига топширилаётган янги дарслик ва ўқув адабиётларида фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати 2000 йилдан кейинги йиллардаги бўлган тақдирдагина уларни қабул қилиш вазифалари юклатилсин.

3. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Б. Раҳимов).

Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Жонбоев) ва бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова)ларга:

3.1. Жорий йилнинг 30-январига қадар кутубхоналар орасида дарсликлар, ўқув адабиётлари, маърузалар матнлари, ахборотлар ва маълумотлар, уларнинг электрон версиясини алмашиш ишларини ташкил қилишга оид шартнома матнини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда олий таълим муассасаларига тарқатиш, 1-мартгача шартномалар тузилганлиги ва ижроси таъминланганлиги ҳақида маълумот тайёрлаш;

3.2. Жорий йилнинг 1-мартга қадар кутубхона фаолиятига оид янги таҳрирда меъърий ҳужжатларнинг мажмуасини амалиётга киритилишини таъминлаш;

3.3. Жорий йилнинг феврал ойидан бошлаб вазирлик ходимлари иштирокида кутубхоналарнинг кундалик иш фаолиятини мунтазам ўрганиш, уларга ёрдам кўрсатишни анъанага айлантириш, вазирлик ҳайъати ва аппарати мажлисларида ҳисоботлар бериб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ахборотлар технологияси ва масофадан ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га:

-Янги, 2004/2005 ўқув йили бошлангунга қадар кутубхоналараро дарсликлар, ўқув адабиётлари маърузалар матнлари, ахборотлар, маълумотлар алмашишнинг ахборот -коммуникацион технологияларга асосланган версиялари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқсин ва фаолиятга жорий этсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

7. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаш (стажировка)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8-июлдаги 228 сонли "Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида"ги

Б У Й Р У Қ И

13. Ташқи алоқалар Бош бошқармаси (Қ.Т.Қосимов) га:

13.1. 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, "Умид", "Устоз" ва "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан келишилган ҳолда халқаро туризм факульте-

тининг илғор педагоглари ва иқтидорли талабаларини хорижий давлатларнинг туризмга оид етакчи таълим ва илмий марказлари ҳамда туристик ташкилотларида ўқув амалиёти ва стажировкалар ўташи учун квоталар ажратилиши таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз" маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида"ги 2000 йил 27 январ 19 сонли

Б У Й Р У Ф И

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ректорлари ва директорларига:

4.3. Ўқув юртини битириб чиқувчиларни ўз мутахассисликларига мувофиқ, уларнинг истак ва хоҳишларини ҳисобга олиб меҳнат фаолиятларини мувофаққиятли бошлашларига кўмаклашиш ҳамда улар билан келажакда изчил, мунтазам алоқа боғлаб туриш мақсадида ўқув юрти

қошида Марказ тузилсин ва у республикадаги тегишли идоралар, корхоналар, муассасаларнинг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, улар буюртмаси асосида маълумотлар тўпласин ва бу ҳақда битирувчиларни мунтазам хабардор қилиб турсин. Марказ штати (1 ходим) харажатлари ўқув юртининг бюджетдан ташқари маблағларидан қоплансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаларини битираётган педагог ва муҳандис-педагог кадрларни академик лицей, касб-хунар коллежларига ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тўғрисида"ги

2002 йил 16 апрель 121 сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2001 йил якунларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш тизими олдига қўйилган вазифаларни бажариш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог, муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябр 2001 йил 400-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларини мақсадли ишга жойлаштиришга маркетинг изланишлари асосида кўмаклашиш мақсадида

Б У Й О Р А М А Н:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:

- охириги 3 йилда олий таълим муассасаларини битирган ёш мутахассисларнинг ишга жойлашганлиги мониторингини ўтказиш чораларини кўриш;

- академик лицей, касб-хунар коллежлари билан битирувчиларни ишга жойлаштириш борасида ҳамкорлик қилиш, мазкур таълим муассасаларида ишлашга йўналтирилган ҳамда тўлов-контракт асосида битирувчиларнинг шу таълим муассасаларида ишлаш ҳоҳишини билдирган ҳар бир номзоднинг исми-шарифлари рўйхати ту-

зиш ва тегишли касб-хунар коллежлари раҳбариятига тақдим этиш;

- вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда битирувчиларни академик лицей ва касб-хунар коллежларида ишлаб қолишлари учун қўшимча маънавий ва моддий рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш амалиёти бевосита замонавий янги типдаги лицей ва коллежларда, илғор технологияга эга бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилишини режалаштириш вазифалари юклатилсин.

2. Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг директорлари, олий таълим муассасаларининг академик лицей, касб-хунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича проректорларига:

- академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагог кадрлар таркибини шакллантиришда биринчи навбатда олий таълим муассасаларининг тавсиясига эга бўлган иқтидорли магистр ва бакалаврлар устуворлигини таъминлаш топширилсин.

5. Мазкур буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисида намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида"ги

2002 йил 3 декабрдаги 350-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2000-2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги 2002 йил 4 июн 198-сонли қарорининг 6-бандида қўйилган ёш мутахассисларни иш билан таъминланишига кўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар тузиш вазифаси амалиётга жорий этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Дав-

лат комиссияси мажлисининг 2002 йил 9 октябрдаги 8-сонли баёни, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва Адлия ва-зирликларининг келишув хатларига асосланиб.

Б У Й О Р А М А Н:

1. Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисидаги намунавий шартнома шакли 1-Иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ижро

учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:
- ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва таълим муассасалари раҳбарлари билан давлат гранти асосида билим олувчи ёш мутахассисни иш билан таъминлашга қўмаклашиш тўғрисидаги шартномалар тузиш йўлга қўйилсин;
- умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг педагог-мутахассисларга бўлган катта эҳтиёжини

ҳисобга олган ҳолда ёш мутахассисларни педагогик фаолиятга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилсин;

- амалга оширилган ишлар бўйича маълумот ҳар ойнинг 5-санасига, якуний маълумот 2003 йилнинг 1 мартигача вазирликка топширилсин.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М. Саидовга юклатилсин.

1-Илова
Вазирликнинг 350-сонли буйруғи
билан тасдиқланган

Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга қўмаклашиш тўғрисида НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

(давлат гранти асосида қабул қилинган талаба, олий таълим муассасаси ва потенциал иш берувчи ўртасида ихтиёрий асосда тузилади) № _____ " _____ " _____ 200 ____ й.

(олий таълим муассасининг номи)
кейинги ўринларда "Олий таълим муассаси деб номланади" номидан муассаса Уставига асосланиб иш юритувчи ректор _____ бир _____ (Ф.И.П.)
гомондан, _____ номидаги корхона

Уставига асосланиб иш кўрувчи _____ (таш килот раҳбари, Ф.И.П.)
иккинчи томондан, (кейинги ўринларда "потенциал иш берувчи" деб номланади) ва олий таълим муассасини мутахассислиги бўйича 200 ____ йилда битирувчи _____ да
яшовчи _____ манзили

(кейинги ўринларда _____ (талабанинг Ф.И.Ш.)
"Битирувчи" деб номланади) учинчи томондан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июлдаги 198-сонли қарорининг 6-бандига асосан ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш мақсадида ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ

1.1. Давлат грантлари ҳисобидан олий таълимга эга бўлган ёш мутахассис (бакалавр, магистр)ларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларни иш билан таъминлашда қўмаклашиш.

II. ТОМОНЛАРNING ХУҚУҚЛАРИ

- 2.1. Олий таълим муассасаси:
2.1.1. Ноёб таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича эҳтиёж кўп булган тақдирда Потенциал иш берувчиларни тендер асосида танлаш.
2.1.2. Талаба ўқув амалиётини ўташи учун "Потенциал иш берувчи"нинг интеллектуал ва моддий-техникавий базасининг имкониятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли таклиф киритиш.
2.2. "Потенциал иш берувчи":
2.2.1. "Олий таълим муассасаси" ўқув режа ва дастурлари билан танишиш уларни ишлаб чиқариш талабларига мувофиқлаштириш юзасидан ўз таклифларини бериш.
2.2.2. "Битирувчи"нинг Давлат имтиҳонларида аттестация комиссияси аъзоси сифатида қатнашиш.
2.3. "Битирувчи":
2.3.1. Ўқиш фаолияти даврида белгиланган амалиётларни "Потенциал иш-берувчи" корхонасида ўтиш.
2.3.2. Таълим муассасасини битиргандан сўнг эга бўлган мутахассислиги доирасида иш билан таъминдашни талаб қилиш.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Олий таълим муассасаси:

3.1.1. "Битирувчи" Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайерлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис этиб тайерлаш.

3.1.2. "Потенциал иш берувчи"га "Битирувчи" тўғрисида тегишли тавсия-номалар бериш ҳамда "Битирувчи"нинг корхонадаги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш.

3.1.3. "Битирувчи" иш жойлашгандан кейин 2 йил давомида унга зарур услубий ёрдам кўрсатиш.

3.1.4. Шунингдек, томонларнинг розилигига асосан қуйидаги шартларни бажариш мажбурияти-ни ҳам олади:

а) _____

б) _____

в) _____

3.2. "Потенциал иш берувчи":

3.2.1. "Битирувчи"ни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарта Таснифлагичи (Классификатори)га мувофиқ иш билан таъминлаш.

3.2.2. "Битирувчи"га меҳнат фаолияти давомида услубий ёрдамлар кўрсатиш.

3.2.3. Қуйидаги ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар кўрсатиш:

а) _____

б) _____

3.3. "Битирувчи":

3.3.1. Ўз мутахассислиги бўйича малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" ва "Кадрлар тайерлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари талаблари асосида мустақил фаолият олиб бориш учун мустақил билим ва малакага эга бўлиш.

3.3.2. "Потенциал иш берувчи" корхонасига таълим муассасасини тўлиқ битиргандан сўнг 2 ой муддатда етиб келиш.

3.3.3. "Потенциал иш берувчи"нинг корхонасида камида 2 йил ўз мутахас-сислиги бўйича ишлаб бериш.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонларнинг бири ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидати ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

5.1.1. "Битирувчи"нинг малакаси, билими ушбу мутахассис учун амалда ўрнатилган Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаса.

5.1.2. "Потенциал иш берувчи" иш берувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда.

5.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

"Олий таълим муассасаси":

"Потенциал иш берувчи":

(номи)

(номи)

Манзил _____

Манзил _____

Тел.Факс: _____

Тел.Факс: _____

х/р _____

х/р _____

код _____

код _____

ИНН _____

ИНН _____

Имзо _____

Имзо _____

Сана _____

Сана _____

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъатининг "Халқаро миқёсида миллий таълим тизимини ривожлантириш, чет эл нуфузли олий ўқув юртлири билан алоқаларни кенгайтириш, илмий-педагогик кадрлар, талабалар ва ўқитувчилар алмашишни янада ривожлантириш ҳақида"ги 2003 йил 3 июл 6/6-сонли

ҚАРОИ

...2. Ташқи алоқалар Бош бошқармаси (Д.Расулев)га:

2.1. Халқаро миқёсида миллий таълим тизимини ривожлантириш мақсадида хорижий давлатлар олий ўқув юртлири билан ўзаро профессор-ўқитувчилар, талаба, стажер ва аспирантлар алмашишни жаддалаштириш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъатининг "Олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорликлари" ҳақида 2004 йил 6 феврал 1/2 - сонли

ҚАРОИ

Маълумки, миллий ғоямизнинг ажралмас қисми ҳисобланган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да дунёнинг тараққий этган давлатлари олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, уларнинг тажрибаларини ўрганиб, амалиётга таъбиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, республикамизда дунёнинг нуфузли университетлари билан ҳамкорликда қўшма университет, факультет, кафедралар ташкил этиш, жаҳон олий таълим тизимида интеграциялашув жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассисларнинг фикрича, Германия олий ўқув юртлири ҳеч қачон ҳозиргидек дунёга очилган эмас. Бу борда бизнинг Германия олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигимиз қай даражада?

Немис томонидан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизнинг 9 та олий таълим муассасалари Германиянинг 20 та университет ҳамда олий таълим муассасалари билан шартнома имзолаб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган (қиёсий: Қозонистоннинг 12та университети алоқа ўрнатган). Бугун жаҳон андозалари даражасига эришган ва улкан имкониятларга эга бўлган Германия олий ўқув юртлири билан ҳар тарафлама алоқаларни кучайтиришдан манфаатдормиз. Иккала мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётгани, шунингдек, Ўзбекистонга кириб келаётган Германия технологиясини ишлата оладиган малакали маҳаллий мутахассисларга бўлган эҳтиёж ҳам шуни талаб этмоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, делегацияларнинг хорижга ташрифи давомида танишув тадбирини ўтказиш ва унда нафақат олий ўқув юрти ҳақида, балки ватанимизнинг бой тарихи ва маданиятига оид маълумот бериш, қисқа муддатли фильм намойиш этиш ўзининг катта самарасини беради.

Юқоридигилардан келиб чиқиб, Вазирлик Хайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар

3. Олий таълим муассасалари раҳбарлигига:

3.1. Хорижий мамлакатлар билан талаба ва мутахассислар алмашиш, чет эл фуқароларини ўқитиш ҳамда таълим-тарбия билан боғлиқ бошқа халқаро ҳамкорлик ишларини амалга оширишга эътибор кучайтирилсин...

вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ташқи алоқалар бош бошқармаси (Д.Расулев)га:

2.1. ДААД ва Гёте институти томонидан ташкил этиладиган ўқув курслари ва семинарларига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирок этишлари таъминлансин (муддат: йил давомида).

2.2. Амалий натижа берадиган ташрифлар, жумладан, ўзаро профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар алмашувини ташкил этиш тадбирлари ишлаб чиқилсин (муддат: йил давомида).

3. Олий таълим муассасалари ректорлигига:

3.1. Олий таълим муассасалари ҳаёти ва фаолиятини ҳикоя қилувчи чет тилларида сифатли проспект ва брошюралар тайёрлансин (муддат: феврал-апрел).

3.2. Германия олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро талабалар алмашуви доирасида ўрнатилган тартибда ёзги ўқув лагерлари ташкил этилсин (муддат: 1 июнгача).

3.3. Етуқ хориж олий таълим муассасалари билан алоқа ўрнатиш учун даставвал ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинсин ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, амалга ошириш мумкин бўлган ҳамкорликка оид аниқ таклиф ва лойиҳалар тайёрлансин (муддат: феврал-март).

3.4. Хориждаги ҳамкор олий таълим муассасалари билан биргаликда аниқ йўналишлар бўйича жаҳон андозалари даражасида ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратиш борасида таклифлар ишлаб чиқилсин (муддат: 1 мартгача).

3.5. Ушбу Хайъат қарори ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади.

Ислом Каримов

8. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий мактабнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 1998 йил 30 октябр 305 сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда (1998 йил 20 октябр № 07/108-83), биринчи босқич тадбирларининг бажарилишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига қадар, меъёрий ҳужжатлар тасдиқлансин ва амалда қўлланишига киритилсин:

...Педагогик ходимларни олий таълим муассасаларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом (Илова 4)...

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ПЕДАГОГИК ХОДИМЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ олий таълим муассасаларига педагогик ходимлар (профессор-ўқитувчилар) ни конкурс асосида ишга қабул қилишни белгилайди.

Конкурснинг мақсади Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, замонавий талабларга жавоб берувчи кадрлар тайёрлаш жараёни учун лаёқатли, юқори малакали, чуқур касбий билимга эга, илмий ютуқларга эришган, ижодий-илмий салоҳиятли, юқори идрок ва ахлоқли шахсларни саралаб олишдир.

2. Олий таълим муассасаларида кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи ва ассистент лавозимлари конкурс асосида 5 йил муддатга эгалланади. Муддат тугагач кўрсатилган лавозимлар ушбу Низомга мувофиқ янги конкурс асосида эгалланади.

3. Кафедра мудири ёки профессор лавозимларини эгаллаш учун ўтказиладиган конкурсда, одатда, профессор илмий унвони ёки фан доктори илмий даражасига эга шахслар қатнашишлари мумкин.

Доцент лавозимини эгаллаш учун доцент, катта илмий ходим илмий унвонлари ёки тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражасига эга шахслар қатнашишлари мумкин.

4. Кафедра мудири, профессор ва доцент лавозимларини илмий унвони ва даражаси бўлмаган, шу соҳа бўйича катта амалий иш тажрибасига эга, юқори малакали мутахассислар ҳам эгаллашлари мумкин.

Илгари профессор-ўқитувчи сифатида ишламаган шахслар конкурсдан олдин, олий таълим муассасасида бир йил ўриндошлик ёки соатбай шарти билан ишлаган бўлишлари мақсадга му-

вофиқ.

5. Профессор ва доцент лавозимларини эгаллаш конкурсда қатнашиш учун тегишли илмий унвон ва илмий даражалари бўлмаган, аммо беш йилдан ортиқ илмий-педагогик иш тажрибасига эга, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ёхуд умумтаълим мактаблари учун яқка муаллим сифатида дарслик ёки ўқув қўлланма ёзган, юқори илмий-назарий даражада маърузалар ўқий оладиган олий таълим муассасаси ўқитувчиларига ҳам рухсат берилади.

6. Катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент лавозимларини эгаллаш учун конкурсда, одатда, фан номзоди илмий даражаси, ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган шахслар қатнашишлари мумкин. Катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент лавозимларини, зарур бўлган ҳолларда, тегишли ихтисослик бўйича тўлиқ олий таълимга эга шахслар (магистр, дипломи мутахассис) эгаллаши ҳам мумкин.

7. Лавозим маоши тўлиқ ҳажмда бўлмаган бўш лавозимларга конкурс эълон қилиш ҳақидаги қарор олий ўқув юрти ректори томонидан қабул қилинади.

Ҳомиладор аёллар ҳамда уч ёшгача болалари бўлган аёлларнинг эгаллаб турган лавозимларига конкурс эълон қилинмайди.

8. Олий таълим муассасаларига соатбай ўқитувчи бўлиб ишга қираётган шахслар, расмий тартибда, ректорнинг буйруғи билан конкурсиз қабул қилинадилар.

9. Олий таълим муассасалари ректорларига ўқитувчиларни конкурс ўтказилгунга қадар вақтинча меҳнат шартномаси билан бир йил муддатга қабул қилишга рухсат берилади.

10. Олий таълим муассасасига ишга қираётган йили аспирантура ёки магистратурани тугатган шахс ассистент ва ўқитувчилик лавозимини конкурсиз эгаллайди. Икки йил ўтгандан сўнг кўрсатилган лавозимга ушбу Низомга мувофиқ конкурс эълон қилинади.

II. Конкурслар ўтказиш тартиби

11. Олий таълим муассасаси жорий семестрда 5 йиллик сайлов муддатлари тугаётган кафедра мудири, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ассистентлар лавозимларини, ҳамда бўш лавозимларни эгаллаш учун конкурс эълон қилади.

12. Конкурс бўйича сайловлар олий таълим муассасаларининг (факультетларининг) илмий кенгашларида ўтказилади. Олий таълим муассасаси ёки факультет илмий кенгашида сайланадиган лавозимларни ректор белгилайди. Кафедра мудири ва профессорлар олий таълим муассасалари илмий кенгашларида сайланадилар.

13. Конкурс тўғрисида даврий матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари, жумладан олий таълим муассасаларининг кўп адабли рўномаси орқали эълон қилинади. Конкурсга ариза бериш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ой.

14. Конкурсда қатнашишни хоҳловчилар олий таълим муассасаси ректори номига ариза берадилар ва унга қуйидаги ҳужжатлар: кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа, олий таълим, илмий даража ҳақида диплом, илмий унвон ҳақида аттестат нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхатини илова қиладилар.

Мазкур олий таълим муассасасида ишлаётган шахслар конкурсда қатнашиш учун ректор номига ариза ва илмий ишлар ва ихтиролар рўйхатини топширадилар.

15. Конкурсга тушган ҳамма ҳужжатлар аввало тегишли кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Бу кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин, даъвогар синов маърузаси ўқиши ёки тест синовларидан ўтиши мақсадга мувофиқ. Синов маърузаларининг мавзуси ва тестлар мазкур курс ўқув дастури талабларига мос келиши лозим. Кафедра мудири лавозимига даъвогар номзод муҳокамаси бўйича кафедра мажлисини факультет декани (умумий кафедраларда проректор) ўтказди.

Илгари ўзлари эгаллаб турган лавозимларга конкурсда қатнашадиган шахслар конкурсга бўлган даврдаги илмий педагогик ва бошқа ишлари ҳақида кафедра мажлисида ҳисобот берадилар. Лавозимни эгаллашга конкурсда қатнашувчи ҳар бир номзод ҳужжатларининг муҳокамаси бўйича кафедра мансаблар жадвалидаги ўқитувчилар (шу жумладан ўриндошлар) ва илмий ходимларнинг очиқ ёки яширин усулда оқддий кўпчилик овоз бериш билан қабул қилинган кафедранинг тавсияси ва ўқитувчининг ҳисоботи олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашига тақдим этилади.

Мажлисни бошқарувчи факультет декани (ёки проректор) кафедра мудири лавозимига номзод бўйича ҳулоса қабул қилиш юзасидан овоз беришда қатнашмайди.

16. Илмий кенгаш мажлисида яширин овоз

беришдан олдин ҳар бир номзодга берилган кафедра ҳулосасидаги тегишли тавсия, мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун эса кўшимча равишда, конкурсга бўлган даврда номзоднинг малака ошириш натижалари, ўқиб эшиттирилади.

17. Мазкур лавозим конкурсиди барча қатнашувчиларнинг номлари битта яширин овоз бериш бюллетенига киритилади (1-илова).

Номзодга овоз бериш ёки бермаслик бюллетендаги номзодни исми-шарифини ўчирмай қолдириш ёки ўчириш билан амалга оширилади. Агар овоз берувчи бюллетендагиларнинг биронтасини ҳам ўчирмаган бўлса, унда ҳар бир номзод ижобий овозга эга бўлаверди.

18. Сайлов бошланишидан аввал, илмий кенгаш овозларни санаш учун илмий кенгаш аъзоларидан уч кишидан кам бўлмаган таркибда ҳисоблаш комиссиясини сайлайди. Комиссия овоз бериш натижаларини ҳар бир номзод бўйича эълон қилади.

Ҳисоблаш комиссияси баённомаси илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва конкурс ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

19. Овоз беришда илмий кенгаш аъзоларининг 2/3 дан кам бўлмаган аъзолари қатнашган тақдирдагина, конкурс бўйича илмий кенгаш қарори ҳақиқий ҳисобланади. Кўпчилик, лекин илмий кенгашда қатнашгай аъзоларнинг 50 фоизидан кам бўлмаган, овоз олган номзод сайланган ҳисобланади.

Агар конкурсда икки ва ундан кўп номзод қатнашган тақдирда овозлар бир хил бўлиб қолса, илмий кенгашнинг шу мажлисида қайта овоз бериш ўтказилади. Илмий кенгаш қарори олий ўқув юрти ректори (факультет декани) томонидан тасдиқланади.

Конкурсга ариза тушмаган тақдирда у ўтказилмаган ҳисобланади.

20. Лавозимларни эгаллаш бўйича ўқитувчилар сайлови масаласига бағишланган кафедра ва илмий кенгаш мажлислари очиқ ҳолда ўтказилади. Конкурс қатнашувчиларига улар номзодларини муҳокама қилаётган кафедра ва илмий кенгаш мажлисида қатнашиш, ёки уларнинг хоҳишига биноан, кафедра қарори билан танишишлари мумкин.

21. Илмий кенгаш қотиби конкурс натижалари билан даъвогарларни ёзма равишда хабардор қилади.

22. Ушбу низом талабларига тўла амал қилинган бўлса, олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгаши қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

III. Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш

23. Мазкур олий таълим муассасасида ишламаётган ва профессор-ўқитувчилар таркиби лавозимларига конкурс бўйича сайланган шахслар

билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси (контракт) тузилади ва шу асосда уларни 5 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи (олий таълим муассасаси) ҳар 5 йилда ходим эгаллаб турган лавозимга конкурс эълон қилишга мажбурлиги, ходим эса конкурсда қатнашишга ҳақли эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Ходим шартнома тузилгандан кейин қайси муддат ичида ишга тушиш зарурлиги томонлар келишувига мувофиқ белгиланади, лекин бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак.

24. Мазкур олий таълим муассасасида ишлаган ва конкурс бўйича сайланган шахсларнинг меҳнат шартномаларига:

а) агар улар илгари эгаллаб келган лавозимларига ўтган бўлсалар, янги муддатга меҳнат муносабатлари чўзилганлиги тўғрисида маълумотлар киритилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

б) бошқа лавозимга ўтганда конкурс бўйича сайлов ўтказилган илмий кенгаш баённомасига ҳавола қилинган ҳолда тегишли ўзгаришлар киритилади ва бошқа лавозимга ўтказиш ҳақидаги буйруқ чиқарилади (2-иловада меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва тугатиш ҳақидаги буйруқларнинг намуналари келтирилган).

25. Олдинги лавозимини янги муддатга эгаллаш учун конкурсда сайланмаган ҳамда конкурсга қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси семестр тугагандан кейин Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 97-моддаси 6-бандига биноан янги муддатга еяланмаганлиги, конкурсдан ўтмаганлиги ёки конкурсда қатнашишни хоҳламаганлиги учун тўхтатилади.

26. Кафедралар қўшилганда ва бўлинганди профессор-ўқитувчиларни муддатидан олдин сайловдан ўтказишга рухсат берилмайди. Кафедралар қўшилганда янги кафедранинг мудирилик лавозимини эгаллаш олий ўқув юрти илмий кенгашида ёпиқ овоз бериш билан, олдиндан эълон қилинмасдан, ҳал этилади. Кафедра бўлинганди унинг аввалги мудири ректор буйруғига биноан янги ташкил бўлган кафедраларнинг бирига муддати тугагунча мудири қилиб тайинланади. Бошқа кафедра мудири лавозими конкурс бўйича эгалланади.

27. Олий таълим муассасаси ректорига, бўш қолган кафедра мудири вазифасини бажаришни шу кафедранинг етакчи ўқитувчиси зиммасига сайлов ўтказилгунга қадар юклашга рухсат берилди.

Ваколатли идораларнинг сайловли лавозимларига сайланганлиги туфайли меҳнат шартномаси тўхтатилган ўқитувчилар, уларнинг янги лавозимдаги сайлов ваколат муддати тугагандан сўнг, яна қайта профессор-ўқитувчилар таркибининг улар ўзлари илгари эгаллаб келган жойларига ёки тенг лавозимга аввалги сайлов муддатининг қолган вақти тугагунга қадар ишга қабул қилинадилар.

28. Олий таълим муассасаси ректорига педагог ходимларни ўз лавозимларига лойиқлиги масаласини олий таълим муассасаси (факультет) кенгаши ҳукмига киритиш ҳуқуқи берилди.

Педагог ходим эгаллаб турган лавозимга лойиқлиги масаласи олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида ҳал қилинишидан олдин, ректор томонидан тасдиқланган комиссия унинг ишини текшириб чиқиши керак. Илмий кенгаш қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимга лойиқ эмаслиги туфайли бўшатиш, у маъруза ўқиши, семинар дарсларини олиб бориши қониқарсиз бўлган, илмий, услубий ва тарбиявий ишларни паст савияда олиб борган ҳолларда рухсат берилди.

Агар олий таълим муассасаси (факультет) кенгаши қарорига (ёпиқ овоз бериш йўли билан) мувофиқ кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ўз лавозимига нолойиқ деб топилса, у билан меҳнат шартномаси илмий кенгаш қарор қилгандан кейин бир ой ичида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-банди бўйича тўхтатилади.

Кафедра мудири билан, кафедранинг бошқариш бўйича ўз вазифаларини қониқарсиз бажарганлиги сабабли, меҳнат шартномаси, олий таълим муассасаси илмий кенгаши қарорига биноан тўхтатилиши мумкин.

29. Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркибига кирувчи шахслар билан меҳнат шартномаларини тўхтатиш масалалари бўйича меҳнат баҳслари амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

БЮЛЛЕТЕНЬ

(лавозимнинг номи)

лавозимга сайлаш бўйича яширин овоз бериш учун

илмий кенгашининг

(Олий таълим муассасаси, факультет номи)

илмий кенгаш мажлисига тайёрланган

(сана, баённома рақами)

(исми-шарифи, отасининг исми)

(исми-шарифи, отасининг исми)

(исми-шарифи, отасининг исми)

Овоз бериш натижаси номзоднинг исми-шарифини қолдириш ёки ўчириш билан белгиланади.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси билан меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш ҳақидаги буйруқларнинг намуналари

1. Ишга қабул қилиш

а) Акбаров Ғайрат – конкурс асосида сайланганлиги туфайли 1998 йил 1 сентябрдан "Машина деталлари" кафедраси катта ўқитувчиси этиб, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига меҳнат ҳақи тўлаш тариф сеткасининг 13-разряди бўйича лавозим маоши билан 5 йил муддатга, 2003 йилда қайта конкурсдан ўтиш шarti билан қабул қилинсин.

Асос: 15.06.98 йилда тузилган меҳнат шартномаси, илмий кенгашнинг 05.06.98 йилдаги баённомасидан кўчирма.

Буйруқ билан танишдим
сана _____ имзо.

б) Тошпўлатов Азим Ҳамидович, т.ф.д., профессор - конкурс асосида сайланганлиги туфайли 1998 йил 1 февралдан "Кимё технологияси жараёнлари ва жиҳозлари" кафедраси мудири этиб, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига меҳнат ҳақи тўлаш тариф сеткасининг 17-разряди бўйича лавозим маоши билан 5 йил муддатга, 2004 йилда қайта конкурсдан ўтиш шarti билан қабул қилинсин.

Асос: 10.12.98 йилда тузилган меҳнат шартномаси, илмий кенгашнинг 05.12.98 йилдаги баённомасидан кўчирма.

Буйруқ билан танишдим
сана _____ имзо.

2. Меҳнат шартномасини ўзгартириш

а) Зокиров Равшан Шуқурович, т.ф.н., "Исиклик техникаси" кафедраси ўқитувчиси - конкурс асосида сайланганлиги туфайли, 1999 йил 1 февралдан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига меҳнат ҳақи тўлаш тариф сеткасининг 15-разряди бўйича лавозим маоши билан, 2004 йилда қайта конкурсдан ўтиш шarti билан, шу кафедранинг доценти қилиб ўтказилсин.

Асос: 01.09.95 йилда тузилган меҳнат шартномаси, илмий кенгашнинг 05.06.98 йилдаги баённомасидан кўчирма.

Буйруқ билан танишдим
сана _____ имзо.

б) Мусаев Жўракул, ф.ф.д., "Социология" кафедрасининг доценти - конкурс асосида сайланганлиги туфайли, 1998 йил сентябрдан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига меҳнат ҳақи тўлаш тариф сеткасининг 17-разряди бўйича лавозим маоши билан, 2003 йилда қайта конкурсдан ўтиш шarti билан, "Фалсафа" кафедраси мудири этиб ўтказилсин.

Асос: 01.03.96 йилда тузилган меҳнат шартномаси, илмий кенгашнинг 20.06.98. даги баённомасидан кўчирма.

Буйруқ билан танишдим
сана _____ имзо.

3. Эгаллаб турган лавозимга янги муддатга

қайта сайлаш

Умаров Даврон Тўраевич, т.ф.н., "Назарий механика" кафедрасининг доценти, эгаллаб турган лавозимига 1999 йил 1 февралдан янги муддатга (2004 йилда конкурс бўйича қайта сайланиш шарти билан), конкурс асосида қайта сайланган деб ҳисоблансин.

Асос: 15.02.94 йилда тузилган меҳнат шартномаси, илмий кенгашнинг 20.01.99 йилдаги баённомасидан кўчирма.

Буйруқ билан танишдим
сана _____ имзо.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 97-моддаси 6-банди бўйича меҳнат шартномасини тўхтатиш

а) Турсунов Эркин Дадаевич, т.ф.н., "Материаллар қаршилиги" кафедраси доценти билан аввалги эгаллаб турган лавозимига янги муддатга конкурс бўйича сайловдан ўтаолмаганлиги туфайли, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 97-моддаси 6-бандига мувофиқ, 1999 йил 29 июндан меҳнат шартномаси тўхтатилсин.

Асос: Илмий кенгашнинг 10.05.99 йилдаги баённомаси.

Буйруқ нуҳасини олдим
сана _____ имзо.

б) Тўраев Пулат Аҳмедович, и.ф.д., "Халқаро иқтисодий алоқалар" кафедрасининг профессори билан эгаллаб турган лавозимига конкурс

да иштирок этишни рад этганлиги туфайли, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 97-моддаси 6-бандига мувофиқ 1999 йил 10 январдан меҳнат шартномаси тўхтатилсин.

Асос: Илмий кенгашнинг 12.10.98 йилдаги баённомаси.

Буйруқ нуҳасини олдим
сана _____ имзо.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 100-моддаси 2-қисми бўйича меҳнат шартномасини тўхтатиш

Узоқов Эргаш, "Ноорганик кимё" кафедрасининг катта ўқитувчиси билан, малакаси етарли эмаслиги оқибатида бажараётган ишига лойиқ келмаслиги туфайли тузилган меҳнат шартномаси қасаба уюшма кўмитаси розилиги билан тўхтатилсин ва бир ойлик маош миқдоридан бўшаш нафақаси берилсин.

Э. Узоқовга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 67-моддасида кўзда тутилган моддий таъминланиш кафолати берилсин.

Асос: - Илмий кенгашнинг 05.12.98 йилдаги қароридан кўчирма, қасаба уюшмаси кўмитасининг 10.12.98 йил 9-сонли қароридан кўчирма.

- Э. Узоқовнинг ишга жойлашиш таклифини рад қилиши ҳақида 09.12.98 йилда тузилган дадалатнома.

Буйруқ, нуҳасини олдим
сана _____ имзо.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Умид" жамғармасининг гранти бўйича хорижий ОТМларини тугатиб Вазирлик тизимида ишлаётган ёш-мутахассислар мониторингини таъминлаш ҳақида"ги 2003 йил 6 феврал 25 сонли

Б У Й Р У Қ И

"Умид" жамғармаси гранти асосида чет эл ОТМларида таҳсил олиб қайтган ёш мутахассислардан фойдаланиш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аён бўлмоқда. Бунга мисол тариқасида ЎЗМУ ва ТДШИ ларига юборилган ёш-мутахассислар М.Турабекова ва Ж.Каримовлар "Умид" жамғармаси раҳбариятининг рўхсатисиз чет эл олий ўқув юртиларига илмий стажировкага жўнатилганлиги, маркетинг хизмати марказига ишга олинган А.Бозоров эса ўз аризасига кўра Вазирлик рўхсатисиз эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги каби ҳолатларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умид" жамғармаси йўлланмалари билан чет эл ОТМларини тугатиб, Вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган ёш-мутахассислардан самарали фойдаланиш ва уларнинг фаолиятини доимий назорат қилиш мақсадида

БУЮРАМАН:

3. "Умид" жамғармаси гранти бўйича чет эл ОТМларини тугатиб, Вазирлик бўлим, ташкилот, ОТМларида фаолият кўрсатаётган ёш-мутахассисларнинг самарали фаолияти ва мониторингини таъминлашга оид тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлик ишчи комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлик ишчи комиссиясининг асосий вазифалари этиб, қуйидагилар белгилансин:

- олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларга ишга юборилган "Умид" жамғармаси стипендиатлари бўлмиш ёш-мутахассислар фаолиятининг тизимли мониторингини ташкил этиш;

- ёш-мутахассисларни илмий-тадқиқот ишларига, аспирантура ва докторантураларга жалб этиш;

- ОТМ раҳбариятларининг "Умид" жамғар-

маси совриндорларини ишга таклиф этиш ҳақидаги мурожаатномаларини, ёш мутахассисларни педагогик фаолиятига жалб этиш, уларни хорижий ўқув ва илмий масканларга ўқув-услубий сафарлар ва илмий стажировкаларга юбориш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар бериш ва ҳ.к.

5. Барча бўлим, ташкилот ва ўқув муассасалари раҳбарларига:

- ёш мутахассисларни ишга олиш учун тавсиялар бериш, ишдан бўшатилган ёки бошқа корхоналарга ишга ўтказиш, хорижий мамлакатлар ОТМларига ўқув-услубий сафарлар ва илмий ста-

жировкаларга жўнатиш Вазирлик ишчи комиссиянинг тавсиясига кўра "Умид" жамғармаси раҳбарияти ва Махсус ишчи гуруҳ қарори асосида амалга оширилсин;

- ҳар бир ташкилот ва ўқув муассасасида ёш мутахассисларнинг самарали фаолиятига оид тегишли шароитларни яратишда ёрдам бериш ва йўл кўрсатиш учун маъсул раҳбар сифатида ўқув ишлари бўйича проректор белгилаб қўйилсин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат, қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Умид" жамғармаси грантлари асосида чет эл ОУЮларини тамомлаган Вазирлик ОТМ ларидаги ёш-мутахассисларнинг илмий-педагогик фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ҳақида" ги
2003 йил 20 феврал 44 сонли

Б У Й Р У Қ И

"Умид" жамғармаси йўлланмаси билан хорижий ОТМларини тугатиб, Вазирлик ОТМлари ва бошқа идораларда фаолият кўрсатаётган ёш-мутахассисларнинг иш самарадорлигини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. "Умид" жамғармаси йўлланмаси орқали хорижий

ОТМларини тугатиб, Вазирликнинг ўқув ва бошқа муассасаларида ишлаётган ёш-мутахассислар учун тегишли мониторинг тизимини юритишни таъминлаш ва тегишли шарт-шароитлар яратиш, уларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш каби тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишни таъминлайдиган ҳамда жамоатчилик тамойили асосида бошқариладиган:

- "Умид"чи ёш-мутахассислар жамияти" (УУМЖ) ташкил этилсин ва мазкур жамиятнинг раиси вазифаси Ташқи алоқалар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Ирназаровга юклатилсин.

2. "Умид"чи ёш-мутахассислар жамияти" раиси (Ш.Ирназаров) га ОУМММИ истеъдодли ёшлар билан ишлаш бўлими (О.Бутаёров), ТДТУ факультет декани ўринбосари (Ш.Каримов) ва бошқа ташаббускор "Умид"чилар иштирокида мазкур жамиятнинг таъсис этишга оид барча мезъорий ҳужжатлар (таъсис шартномаси, жамият "Низоми" ва шу кабилар) 1 ойлик муддатда ишлаб чиқилсин ва Вазирлик Ҳайъатига тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

3. "Умид"чи ёш-мутахассислар жамияти" бошқарувига:

Вазирлик тизимида ишлаётган ёш "Умид"чи мутахассисларнинг мониторингини таъминлаш, уларнинг илмий-педагогик фаолияти самарадорлигини оширишга оид барча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва Вазирлик раҳбарияти ёрдамида амалга ошириш, шу жумладан мазкур фаолият

натижаларини оммалаштиришга қаратилган семинарлар ўтказиш (ҳар ойнинг охириги шанба кунин);

4. Вазирлик ОТМлари ректорларига:
- 3 ҳафталик муддатда "Умид" жамғармаси гранти совриндорларини ўриндошлик ёки соатбай асосида илмий-педагогик фаолиятга жалб этилиши ёки аспирантурада ўқиётганлиги ҳақидаги маълумотномани 1-иловага мувофиқ Вазирликнинг Кадрлар, илм-фан бош бошқармасига тақдим этиш;

- тўла ставкада фаолият кўрсатаётган ёш "Умид"чи мутахассисларни (2-илова) бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тегишли факультет деканларининг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича муовини этиб тайинлаш ва бу ҳақдаги буйруқ нусхасини 2-ҳафталик муддатда Вазирликнинг Кадрлар, илм-фан бош бошқармасига тақдим этиш;

- ҳар бир "Умид"чи ёш-мутахассис фаолияти мониторингини ташкил этиш, уларни иш кабинетлари, Интернет тармоғига уланган компьютер ва бошқа воситалар билан таъминлаш ҳамда уларга ОТМнинг илмий ишлар бўйича проректорини маъсул раҳбар ва тегишли кафедраларнинг етакчи мутахассис-олимларидан илмий раҳбар сифатида белгилаш;

"Умид" жамғармаси йўлланмаси орқали хорижий ОУЮларини тугатиб, Вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган ёш-мутахассис таҳсил олган ОУЮ билан самарали ҳамкорлик этишни йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

- "Умид"чи ёш-мутахассисларни ишга олиш учун тавсиялар бериш, ишдан бўшатилган ёки бошқа корхоналарга ишга ўтказиш, хорижий мамлакатларга ўқув-илмий муассасаларига ўқув-услубий сафарлар ёки илмий стажировкаларга жўнатиш Вазирликнинг №25 сонли (6.02.2003й.) буйруғига кўра ташкил этилган ишчи комиссиянинг тавсиясига кўра "Умид" жамғармаси раҳба-

рияги ва Махсус ишчи гуруҳ қарорига асосан амалга оширилсин.

5. "Умид"чи ёш-мутахассисларга:

- "Интернет" тармоғи орқали ОТМга зарур бўлган ўқув-услубий, илмий ва бошқа ахборотларни излаб топиш, уларни таржима этиб, манфаатдор кафедра, факултет ва ОЎЮларига тарқатишни таъминлаш;

- ОТМнинг иқтидорли талабалари билан ёш "Умид"чи мутахассислар ўртасида учрашувлар ва давра суҳбатларини мунтазам равишда ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Вазирлик ўқув ва бошқа муассасаларда фаолият кўрсатаётган "Умид"чи ёш-мутахассисларга хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги энг илғор тажрибалар ва технологияларни Республикамиз ОТМларида қўллаш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин:

Чет эл олий ўқув юртларида таълим олиш хусусиятлари ва тажрибаси ҳақида реферат, газета ва журналларга мақола бериш, чет эл олий ўқув юртида таълим олишг яшаш, дарсдан кейинги бўш вақтини самарали ўтказиш, кутубхона ва Интернет хизматларидан самарали фойдаланиш;

Ўқув режалари ва фанлар дастурлари, услуб-

лари ва илғор технологиялари, ўқув каталоглари, тарқатув материалларини тегишли кафедра-ларга етказиш ва улар орқали тегишли олий ўқув юртининг кутубхонасига топшириш;

Вазирлик томонидан ташкил этилаётган "Чет элда таҳсил олган мутахассисларнинг илмий ишлари" тўпламига илмий ва услубий мақола-лар тайёрлаб бериш;

Талабанинг чет элда таҳсил олиш харажатларида адабиётлар сотиб олиш учун ажратилган маблағларга ҳарид қилинган дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётларни тегишли ўқув юртининг кутубхонасига топшириш (лозим топилса ушбу китобда чет элда таҳсил олиш мобайнида мазкур китобдан фойдаланган талабанинг исми-шарифи кўрсатилиши мумкин);

Чет эл ўқув юртларининг ўқитиш, хизмат кўрсатиш борасида илғор технологиялар ҳақида маълумотлар бериш;

Тегишли олий ўқув юрти ёки факультет ил-мий кенгашининг аъзоси бўлиб сайланиши ва кенгаш муҳокамасидаги масалаларни ҳал этиш-да фаол иштирок этиш;

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатил-син.

ОУМТВнинг 20 феврал 2003 йил

№ 44 сонли буйруғига 1-илова

Ишга (аспирантурага) жалб этилган муассасанинг номи				
Т/Р	Чет эл ОТМни битирган ёш мутахассиснинг Ф.И.Ш.	Қайси мамлакатнинг қайси ОТМни қачон тамомлаган, мутахассислиги	Иш ёки ўқиш жойи, лавозими (аспирантура алоҳида кўрсатилади)	Ишга жалб этилиш шакли(тула ставкада, 0,5 ёки 0,25 да, аспирантурада

Олий ўқув юртларида ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни тадбиқ этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги 2003 йил 5 август 7/5-сонли ҚАРОРИ

Республикамиз олий ўқув юртларида масо-фавий ўқитишнинг замонавий усулларини ва технологияларини кенг жорий этишни йўлга қўйиш мақсадида Хайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

3. Барча олий ўқув юртлари ректорларига:

3.3. Республика "Умид" ва "Устоз" (эндиликда "Истеъдод") жамғармалари буйича чет элда таъ-лим олиб келган ёш мутахассислар ва педагог-

кадрлар билан ишлашга эътибор кучайтирилсин. Ёш мутахассисларга ахборот технологиялари буйича декан муовинлари ва марказ раҳбарлари лавозимига тавсиялар берилсин. Чет элда малака оширган педагог-кадрларнинг ҳисоботлари таъ-лим муассасаларининг ва факультетларининг Ил-мий кенгаш йиғилишларида, ҳамда илмий-амал-ий семинарларда кенг муҳокама этиш йўлга қўйилсин....

9. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ. ИЛМИЙ ДАРАЖА ВА ИЛМИЙ УНВОНЛАР БЕРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий мактабнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида" ги 1998 йил 30 октябр 305 сонли БУЙРУҒИ

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан мувофиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишига қадар, меъёрий ҳужжатлар тасдиқ-

лансин ва амалда қўлланишга киритилсин:
...Магистратура тўғрисида Низом (Илова 6)...

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган Магистратура ҳақида Низом

1. Умумий қоидалар

1.1. Магистратура аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриятдан кейин унинг негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

1.2. Магистрларни тайёрлаш тегишли ихтисосликлар бўйича давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

Магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи алоҳида ихтисослик бўйича олий таълим муассасаси илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест марказининг Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг хулосаси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан берилди.

1.3. Магистратуранинг ихтисослашган таълим дастурлари Давлат таълим стандарти кўзда тутилган куйидаги ихтисосий фанлар блокларини ўз ичига олади:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар;
- математик ва табиий фанлар;
- йўналиш соҳасидаги фанлар;
- ихтисосий фанлар;
- илмий-тадқиқот ва илмий педагогик амалиётлар.

Ихтисослашган таълим дастурларига оид фанлар блокларининг ҳажми, фанлар рўйхати ва уларнинг блоклар бўйича ҳажми "Ихтисослик бўйича магистр ўзлаштириши шарт билимлар минимуми ва унинг тайёргарлик даражасига талаблар" давлат таълим стандарти орқали жорий қилинади.

1.4. Магистр:

- давлат таълим стандарти жорий қилган даражада аниқ ихтисослашган, таълим дастури кўзда тутилган бакалаврият йўналиши бўйича таълим, илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва (ёки) илмий-техникавий соҳалар бўйича кўникмалли мустақил ижодий фаолиятга;

- магистрлик ихтисослиги ёки унга яқин ихтисос бўйича аспирантурада ўқишга, фан номзоди унвонига талабгор тартибида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга тайёр бўлиши керак.

2. Магистратурага қабул қилиш

2.1. Магистратурада ўқиш ҳуқуқи олий таълим ҳақида дипломи бор шахсларга берилди. Магистратурага қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Республика комиссияси томонидан ишланган Низомга мувофиқ конкурс асосида амалга оширилади.

Олинган ўз олий таълим (бакалаврият)ига асосан ихтисослик бўйича магистратурага кирувчи шахс кириш синовларидан ўтади. Кириш синовлари талаблари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан жорий қилинади.

2.2. Магистратурага кирувчилар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- олий таълим муассасаси раҳбари номига магистратура ихтисослиги кўрсатилган ариза;
 - олий таълим ҳақида ҳужжат (диплом) иловаси билан;
 - № 086 шаклдаги тиббий маълумотнома.
- Кирувчилар ҳужжатларни тақдим этаётганда қабул комиссиясига ўз паспорти ва ҳарбий хизматга муносабати ҳақидаги ҳужжатни шахсан кўрсатадилар.

2.3. Магистратурада ўқитиш мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган давлат грантларига мувофиқ Республика бюджети ва жисмоний ёки юридик шахслар маблағлари ҳисобига шартнома асосида амалга оширилади.

2.4. Магистр тўлов-контракт асосида бакалавриятнинг шу ёки унга яқин йўналишига мос яна бошқа магистрлик ихтисослиги бўйича ҳам ўқиши мумкин.

Магистрликнинг бошқа ихтисослик бўйича ўқиш муддати дастлабки магистрлик ихтисослиги бўйича ўқиган муддатни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

3. Магистрнинг умумий тавсифи

3.1. Магистр ҳар томонлама билимдон, фундаментал илмий асосга эга, илмий ижод услубиёти, замонавий ахборот технологияси, илмий маълумотлар қабул қилиш, улардан фойдаланиш ва сақлаш усулларини биладиган, илмий-тадқиқот (илмий-техник) ва илмий-педагогик фаолиятга тайёр бўлиши лозим.

Ихтисослик доирасида магистр:

- билим яратиш ва уни ўргатиш;
- роля ижод қилиш, фан муассасам объект, жараён ва технологияларни таҳлил қилиш ва яратиш;
- тадқиқот услубиётларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- илмий муассаса, конструкторлик бюроси, фанмуассам ишлаб чиқариги корхоналари бўлимлари ва бошқа ташкилот, муассасалар ишини ташкил қилиш ва бошқаришни билиши керак.

3.2. Магистр ўзининг ихтисослашган, илмий-тадқиқот (илмий-техник) ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятнинг:

- лойиҳа-конструкторлик;
- лойиҳа-технологик;
- илмий-тадқиқот ва тажриба;
- ишлаб чиқариш бошқаруви;
- илмий-педагогик турлари билан шугулланиши мумкин.

Магистр бакалаврият йўналишига мос бошқа ихтисосликлар бўйича касбий фаолият билан ҳам шугулланиши мумкин.

3.3. Магистр касб фаолиятининг асосий соҳалари:

- турли мулкчиликка мансуб илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳалаш ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш корхоналари;
- давлат ва нодавлат олий, ўрта махсус, касбунаар таълим муассасалари;
- магистрлик билимини талаб қиладиган бошқа фаолиятлар.

4. Магистрлик дастурига қўйиладиган талаблар

4.1. Магистр билимига қўйиладиган талаблар "Ихтисослик бўйича магистр ўзлаштириши шарт билимлар минимуми ва унинг тайёргарлик даражасига талаблар" давлат таълим стандартида аниқланади.

4.2. Магистр гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича:

- индустрия оқибатидаги цивилизация ва унинг ривожланиш йўналишлари;
- ахборотлашган жамиятнинг ривожланиш муаммолари;
- жамиятнинг маънавий ҳаёти эҳтиёжлари, яратувчанлиги ва ўзаро муносабатлари;
- замонавий илмий-техник жадаллашув, инсониятнинг ҳозирги замон умумбашарий муаммолари;
- билиш ва ижодни ахборотлашган жараён сифатида кўриш ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;
- илмий ва техникавий ижод услубиёти, билишнинг умумий усуллари;

- амалий ва назарий тадқиқот услублари, ҳисоблаш тажрибалари асослари;
- логик қонунлари ва қоидалари, далил келтириб исботлаш ва рад этиш усулларини билиши керак.

4.3. Магистр математика ва табиий фанлар бўйича:

- сунъий интеллектнинг ахборот тизимлари ва билимларни тақдим этиш усуллари;
- ахборотлаш ва телетармоқлашнинг техник воситалари;
- кўп мақсадли ва аниқ муаммолар ечишга йўналтирилган ахборот технологиялари жорий қилишнинг дастурий воситалари, ахборотлар хавфсизлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.
- ахборотли моделлаш асосларини;
- ихтисослик бўйича кўп мақсадли ва аниқ муаммони ечишга йўналтирилган ахборот технологияларини;
- таълимдаги мультимедиа (умумтармоқли) ва тармоқлашган технологияларни;
- "Internet" дан кенг қўламли компьютер тармоқларида фойдаланиш асосларини билиши керак.

4.4. Йўналиш соҳасидаги фанлар бўйича магистр:

- фан тарихи ва услубиёти, унинг ҳозирги замон муаммолари ва ривожланиш йўналишлари ҳақидаги тасаввурга эга бўлиши;
- ўз йўналиш соҳасидаги асосий илмий-техник ютуқлар ҳақида тушунчаларга эга бўлиши;
- мураккаб тизимлар иши (ҳаракати) нинг самарадорлигига инсон омили таъсирини билиши;
- ўз йўналишининг илмий-техник ва бошқа муаммоларини ечишда тизимли ёндошишни билиши ва қўллаши;
- ихтисослик фанларини ўрганиш ва магистрлик ихтисослиги масалаларини ечишда қўлланиладиган ўз йўналишининг илмий-амалий асосини билиши шарт.

4.5. Давлат таълим стандарти кўзда тутилган ихтисослик фанлари магистрда замонавий илмий билимлар олиш, тубдан касбий ихтисослашиш, илмий-педагогик фаолият бўйича билимларни эгаллаш ва амалий қўникмаларни шакллантириши керак.

4.6. Магистр илмий-тадқиқот (ёки илмий-техник) амалиёт натижалари бўйича:

- илмий-тадқиқот (илмий-техник) ишининг асосий тушунчалари, тадқиқот усуллари (абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез);
- магистрлик ихтисослиги бўйича объект ва жараёнларни тадқиқ қилишнинг намунавий моделлари ва услублари, тадқиқот натижаларини қайта ишлаш усуллари;
- тажриба тадқиқотларининг замонавий ил-

мий-техник таъминотини билиши ва улардан фойдалана олиши керак.

- патентга лойиқлик ва патент софлигини тадқиқ қилиш;

- изланиш тадқиқотларини ўтказиш, ўз ихтисосига мос масалалар ҳолатини таҳлил қилиш ва жамлаш;

- ихтисослик бўйича намунавий моделлар ва тадқиқот услубларини қўллаш;

- илмий ва (ёки) илмий-техник ечимлар муқобилларини оптималлаш бўйича тажрибаси бўлиши керак.

4.7. Магистр илмий-педагогик амалиёт натижалари бўйича:

- янги педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув-тарбиявий жараённи фаоллаштириш услублари, талабалар билимларини рейтинг-назорат тизимида баҳолаш;

- мустақил ўқишнинг ташкилий ва ўқув-услубий таъминоти, узоқдан ўқишнинг технологиялари;

- ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш асосларини билиши ва улардан фойдалана олиши керак;

- турли машғулотларни ўтказиш, маърузалар матнлари ва машғулотлар ўтказиш режаларини тузиш;

- талабалар билимлари назоратининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини режалаш;

- тарбиявий ишнинг ташкилий ва ўқув-услубий таъминоти бўйича тажрибага эга бўлиши керак.

5. Амалиётлар

5.1. Илмий тадқиқот амалиёти олий таълим муассасаси, илмий-тадқиқот лабораториялари, академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот амалиёти икки томонлама ёки бошқача келишувлар асосида хорижий давлатларнинг таълим муассасалари, илмий марказлари, корхона ва ташкилотларида ўтказилиши мумкин.

5.2. Илмий-тадқиқот амалиёти.

- магистратура ихтисослиги бўйича намунавий моделлар, объект ва жараёнларни тадқиқ қилиш усулларини ўрганиш;

- тажриба тадқиқотларининг илмий-техник таъминотини ўрганиш;

- тажриба тадқиқотлар ўтказиш;

- тажриба тадқиқотлари натижаларини қайта ишлаш, уларни таҳлил қилиш, хулоса ва тавсиялар тузишни кўзда тутати.

5.3. Илмий-техника амалиёти лойиҳа ташкилотлари, корхоналар, академия ва тармоқ институтларининг конструкторлик, технологик ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-техника амалиётини икки томонлама ёки бошқача келишувлар асосида хорижий

давлатларнинг таълим муассасалари, илмий марказлари, корхона ва ташкилотларида ўтказиш мумкин.

5.4. Илмий-техника амалиёти:

- ихтисослик мавзуси бўйича масалалар ҳолатини кўриш, таҳлил қилиш ва жамлашга доир изланиш тадқиқотларини ўтказиш;

- ечилаётган мавзу бўйича илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириш;

- мавзу бўйича техник ечимлар муқобилларини кўриб чиқиш ва энг самаралигини танлаш;

- техник ечимдаги самарали муқобилнинг патент лойиқлиги ва патент софлигини тадқиқ қилиш;

- энг самарали муқобил ҳисоб, конструкторлик, технологик ва (ёки) техник-иқтисодий ечимни кўзда тутати.

5.5. Илмий-педагогик амалиёт, одатда, олий таълим муассасаларида ўтказилади.

Бундай амалиётни икки томонлама ва бошқача келишувлар асосида хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида ўтказиш мумкин.

5.6. Илмий-педагогик амалиёт:

- ихтисослик фанлари бўйича турли машғулотларни ўтказиш бўйича тажриба орттириш;

- маърузалар матнлари ва машғулотлар ўтказиш режаларини тузиш;

- янги педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш ва қўллаш;

- талабалар билимларини рейтинг-назорат қилиш тизимини ўрганиш ва қўллаш;

- талабалар мустақил билим олишининг ташкилий ва ўқув-услубий таъминотини ўрганиш;

- услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

- тарбиявий ишларни олиб боришни кўзда тутати.

6. Магистрлик диссертацияси

6.1. "Магистр" даражасини берадиган давлат малака аттестацияси (магистрлик диссертациясининг ҳимояси) магистрлик дастурининг якунидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

6.2. Магистрлик диссертацияси илмий ёки илмий-техник мазмунли, ички яхлитликка эга, танланган мавзу бўйича иш жараёни ва натижаларини акс эттирувчи битирув малакавий ишдир.

Бу иш фан, техника, технология, иқтисодиёт ва маданият ривожланишининг замонавий даражасига мос бўлиши керак. Унинг мавзуси долзарб ва, одатда, магистратура ихтисослиги бўйича илмий ёки илмий-техник масалаларни ечишга қаратилган бўлиши керак.

6.3. Магистрлик диссертациясининг илмий (ёки илмий-техник) савияси ўқиш дастурига жавоб бериши лозим. Ушбу ишнинг бажарили-

ши унинг муаллифи илмий (ёки илмий техник) изланишлар олиб бориш, касбий муаммоларни кўра олиш ва уларни ечишнинг умумий усуллари ва йўллари ўрганганлигини тасдиқлаши керак.

Умуман олганда, магистрлик диссертацияси илмий етуклик ва ихтисослик ёки ихтисослашиш бўйича тубдан касбий тайёргарликни тавсиф қилиши лозим.

6.4. Диссертациядаги илмий масалани ечиш бўйича магистр:

- танланган илмий мавзунинг долзарблигини асослаши;
- тадқиқотнинг мақсади ва муайян масалаларини қўйиши;
- тадқиқот объекти ва мавзуини аниқлаши ва таърифлаши;
- тадқиқот усули (ёки услублари) ни танлаши;
- тадқиқот натижаларига ишлов бериши ва таҳлил қилиши;
- олинган хулосаларни шакллантириши, натижаларни баҳолаши ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари учун аниқ таклифларни киритиши керак.

6.5. Илмий-техник масалани ечиш бўйича диссертация ишида магистр:

- танланган илмий-техник мавзунинг долзарблигини асослаши;
- ечилаётган илмий-техник соҳа бўйича масала ҳолатининг таҳлилин жамлаб бериши;
- илмий-техник, техник-иқтисодий ва бошқа талабларни шакллантириш, қўйилган масалани ечиш муқобилларини кўриб чиқиши ва энг самаралигини аниқлаши;
- энг самарали муқобил ечимни илмий, конструкторлик, технологик ва (ёки) техник-иқтисодий асослаб бериши;
- энг самарали муқобил ечимнинг патентга лойиқлиги ва патент софлигини тадқиқ қилиши;
- илмий-техник масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ва иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида қўллаш соҳаларини аниқлаши лозим.

6.6. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари олий таълим муассасалари махсус кафедралари томонидан мазкур йўналишнинг ривожланиши, фан, техника ва технология, иқтисод ва маданиятдаги замонавий ютуқлар, ҳамда кадрлар буюртмачиси талаблари инobatта олинган ҳолда аниқланади ва олий таълим муассасаси илмий кенгашида тасдиқланади.

6.7. Магистрлик диссертациясининг бажарилиши шу таълим муассасасида ишлайдиган, одатда, шу ихтисослик бўйича фан доктори илмий даражасига ва (ёки) ихтисосий кафедра бўйича профессор илмий унвонига эга педагог раҳбарлигида амалга оширилади. Маслаҳатчи сифатида академия ва тармоқ илмий-тадқиқот инсти-

туллари, конструкторлик бюrolари, ҳамда ишлаб чиқаришдан юқори малакали мутахассислар таклиф қилиниши мумкин.

Истисно тариқасида магистрнинг илмий раҳбари этиб олий таълим муассасаси илмий кенгаши рухсати билан фан номзоли, доцент тайинланиши мумкин.

Илмий раҳбар бир йилда 5 нафаргача талабаларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга.

6.8. Ўқишнинг биринчи ойлари мобайнида талабага магистрлик диссертациясининг мавзуси тайинланади, шахсий режа тузилади ва улар олий таълим муассасаси илмий кенгашида тасдиқланади. Илмий кенгаш қарори ректорнинг тегишли буйруғи чиққанидан кейин кучга киради.

6.9. Магистрлик диссертацияси ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн ёки тасвирлар (чизма, расм) шаклида мужассамлантиради ва унда диссертант ўз ишининг илмий муҳимлиги ва (ёки) амалий аҳамиятини исботлайди.

Матн ва тасвирлар шаклидаги ишнинг ҳажми ва мазмуний тавсифи магистрлик диссертацияси мавзусининг (илмий ёки илмий техник) йўналишига, кадрлар буюртмачиси талабларига қараб, махсус кафедра томонидан белгиланади.

6.10. Магистрлик диссертацияси илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон давлат стандартларига мос равишда бажарилади.

6.11. Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси илмий раҳбарнинг тавсияси, шу ихтисослик бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг ташқи тақризи ва касбий таълим бўйича шахсий режанинг бажарилганлиги ҳақида маълумотнома билан давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

Давлат аттестация комиссиясини олий таълим муассасаси тақдимига биноан, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси тасдиқлайди.

6.12. Магистрлик диссертацияси ҳимояси жамoa ҳузурида амалга оширилади.

Ҳимояни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини олий таълим муассасаси илмий кенгаши белгилайди.

6.13. Магистрлик диссертациясининг асл нусхаси ҳимоядан кейин олий таълим муассасасида ўрнатилган тартибда сақланади. Магистрлик диссертацияси натижаларини татбиқ қилиш, уни конкурсга тақдим этиш ва бошқа заруриятлар туғилса, ундан нусха олинади.

7. Магистрнинг ихтисослашган таълим дастурини амалга ошириш

7.1. Магистрнинг ихтисослашган таълим дастури мазкур ихтисослик бўйича аккредитациядан ўтган олий таълим муассасасида такомиллаша борадиган таълим ва ахборот технологияла-

ри, таълимнинг замонавий технологик воситалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

7.2. Мазкур ихтисослашган таълим дастури бўйича ўқув режаси ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги тамойиллари асосида, талабалар билимини, одатда, рейтинг-назорат тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқиши зарур.

Рейтинг-назорат тизимида талабалар билими жорий, оралик ва якуний баҳолашдан ўтказилиши шарт.

Ўқиш даврида талаба камида иккита давлат имтиҳони (психологик-педагогик ва магистратура ихтисослигига мос фанлар бўйича) топширади ва малакавий битирув ишини (магистрлик диссертациясини) тайёрлайди. Давлат имтиҳонлари тегишли фанлар бўйича ўқув жараёни тугаши заҳоти топширилади.

7.3. Талабанинг мустақил билим олишига ажратилган у ёки бу фаннинг маъзулар дастури кафедра томонидан тайинланади ва у бўйича тайёргарлик назарий ва (ёки) амалий (уй вазифаси, курс иши ёки унинг бир қисми ва ҳ.к.) шаклда бўлиши мумкин.

7.4. Талабанинг мустақил билим олиши ҳам барча ўқув фаолияти турларидек, рейтинг-назорати воситасида текширилади.

8. Магистр тайёрлаш сифатини назорат қилиш

8.1. Магистр тайёрлаш сифати, сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир қилувчи талбирлар мажмуидан иборат кўп поғонали назорат усулида амалга оширилади.

Биринчи поғона Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

Бунда:

- олий таълим муассасаси, унинг раҳбари ва илмий-педагогик кадрлари аттестациядан ўтказилади ва бу асосда таълим муассасаси маълум ихтисосликлар бўйича аккредитациядан ўтади;
- ўқув жараёни самарадорлиги ва унинг да-

вомида кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш экспертиза усулида баҳоланади.

Иккинчи поғона таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва муассасалар билан биргаликда амалга оширилади.

Бунда:

- магистр ўзлаштирган ихтисослик мазмунининг минимуми ва унинг даражасини таъминлаш;

- касбий масалалар ечилишини таҳсил қилиш асосида магистрнинг тайёргарлик сифатини назорат қилиш текширилади;

Учинчи поғона олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

Бунда:

- ўқув жараёнида талабаларнинг билими рейтинг-назоратидан ўтказилади, шунингдек, Давлат аттестация комиссиялари томонидан уларнинг фанлардан ўзлаштирган ва малакавий битирув ишидаги билимлари назорат қилинади.

Магистр тайёрлаш сифати, белгиланган тартибда кадрлар бузортмачиси томонидан ҳам баҳоланади. Уларнинг таклиф ва эътирозлари магистр тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш учун асос бўлади.

8.2. Олий таълим муассасалари:

- давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисидаги низомида, кўзда тутилган магистр тайёрлаш сифати;

- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдამчи ходимларнинг малакавий талабларга мослиги;

- ҳар бир фаннинг намунавий дастурда кўзда тутилган ўқув-услубий адабиётлар билан, шунингдек, талабанинг ўзи билим олиши ва мустақил тайёрланиши учун зарур бўлган воситалар билан таъминланганлиги;

- ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти учун масъулдир.

"Магистратура ҳақида Низом"га қўшимча Магистрлик дастурининг намунавий тузилмаси

Ихтисослик бўйича магистр тайёрлашнинг касбий таълим дастури ўқишнинг кундузги шакли бўйича 2 йилга мўлжалланган ва унда вақт қуйидагича тақсимланган:

- Назарий ўқиш - 42 ҳафта
- Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик амалиётлар - 28 ҳафта
- Магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 4 ҳафта
- Жорий ва якуний малакавий давлат аттестацияси - 6 ҳафта

- Таътил - 10 ҳафта
- Олий таълим муассасасини битиргандан кейинги таътил - 4 ҳафта

Талаба ҳафталик ўқув юкласининг чегара ҳажми 54 соат, шу жумладан:

- аудитория ўқув юкласи 18-20 соат
- мустақил билим олиш 16-18 соат
- мустақил иш 18 соат

Икки йиллик ўқиш давомидаги касбий-таълим дастурининг иш сирими 4536 соатни ташкил қилади.

Касбий–таълим дастурининг фанлар блоклари буйича тавсия этилган тузилмаси:

№	Блоklar исми	Юклама соатлари			
		Умумий	Ауди– торияда	Мустақ. уқиш	Мустақ. иш.
1	2	3	4	5	6
1.	Гуманитар ва ижтимоий– иқтисодий фанлар	162	60	48	54
1.1	Табиий, гуманитар ва техник фанларнинг фалсафий масалалари	81	30	24	27
1.2.	Илмий ижод услубиёти	81	30	24	27
2.	Математик ва табиий фанлар	135	50	40	45
2.1.	Фан, техника ва таълимдаги ахборот технологиялари	135	50	40	45
3.	Йуналиш фанлари Фанлар руйхати ва мазмуни магистрнинг умумкасбий тайёргарлигига қуйилган талабларга мувофиқ таъинч олий таълим муассасаси томонидан белгиланади	243	90	72	81
4.	Ихтисосий фанлар Фанлар руйхати ва мазмуни магистрнинг тубдан касбий ихтисосланиши ва илмий– педагогик фаолиятига қуйилган талабларга мувофиқ таъинч олий таълим муассасаси томонидан белгиланади	1728	640	512	576
5.	Илмий тадқиқот (ёки илмий–техник) ва илмий–педагогик амалиётлар	1512			
6.	Магистрлик диссертациясини тайёрлаш	756			
	Жами	4536	840	672	756

Олий таълим муассасалари фанлар блоклари буйича ўқув дастурини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар ҳажмини 5 фоиз чегарасида, блокларга кирган фанлар соатини эса 10 фоиз чегарасида ўзгартириш ҳуқуқига эгадирлар.

Гуманитар ва ижтимоий–иқтисодий фанлар мазмунини ўзлаштириш учун мажбурий минимум:

Табиий, гуманитар ва техникавий фанларнинг фалсафий масалалари:

- индустрия оқибатидаги цивилизация; замонавий илмий–техникавий инқилоб ва илмий–техник жадаллашув, умуминсоний муаммолар; ҳозирги замон ижтимоий жадаллашуви, инсонпарварлаш; жамиятнинг маънавий ҳаёти ва эҳтиёжлари, маънавий яратувчанлик ва муносабатлар; ижтимоий тафаккур, ижтимоий когнитология ибтидоси; фан, техника ва маданиятдаги яратувчан ахборот тизимлари, ахборотлашган жамият, ахборотлашган жамиятдаги демократия муаммолари ва уларни ечиш йўллари.

Илмий ижод услубиёти:

- илмий изланиш–илмий ишнинг асосий шакли; илмий тадқиқотнинг асосий тушунчалари; изланиш тадқиқотлари, илмий башорат; кузатилаётган ҳолатлар, далиллар ва воқеалар ўртасидаги сабаб, боғланишларни излаш, илмий далилларни тўплаш ва қайта ишлаш; илмий билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқотлар усуллари (абстрактлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция); билиш ва ижод ахборотлашган жараёнлар маҳсули, билиш жараёнидаги ўлчовлар; жараён ва объектларни андозалаш; ҳисоблаш тажрибаси, илмий тадқиқотнинг янги услубиёти; мантиқ қонунилари ва қондаларини қўллаш, қарама–қаршилик қонуни, учинчини истисно қилиш қонуни, етарли асос қонуни; далил келтириш ва исботлаш қондалари, инкор қилиш ва унинг усуллари; мавзу танлаш, иш режаларини тузиш, адабиётларни ўрганиш ва ундан далилий ашёларни ажратиш.

Математик ва табиий фанлар мазмунини ўзлаштириш учун мажбурий минимум:

Фан, техника ва таълимдаги ахборот техно-

логиялари:

- сунъий интеллектнинг ахборот тизимлари ва билимларни тақдим этиш усуллари, ахборотли моделлаш асослари; ахборотлашган техник воситалар, телетармоқлаш воситалари; аудио-видео ва телематик тизимлар; дастурий тармоқ воситалар ва кўп мақсадли ахборот технологияларини амалга ошириш воситалари; аниқ муаммолар ечишга йўналтирилган ахборот технологияларини амалга оширувчи дастурий воситалар (илмий тадқиқотларнинг автоматлашган тизимлари, автоматлашган лойиҳалаш тизимлари ва ҳ.к); фан, техника ва таълимдаги кўп мақсадли, муаммолар ечимига йўналтирилган ахборот тех-

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Бакалаврлар тайёрлашни такомиллаштириш ва магистрлар тайёрлашни ташкил этиш ҳақида"ги 1999 йил 15 март 94 сонли БУЙРУҒИ

1. Вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар ва корхона-ташкilotларнинг сўровномаларини инобатга олган ҳолда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.10.98 № 305-сон буйруғи билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги Низомнинг 1.2. банди қуйидаги таҳдирда ифодалансин:

"Магистрларни тайёрлаш белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган, юқори малакали кадрлар ва замонавий лаборатория-изланиш базасига эга бўлган олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

Магистрлар тайёрловчи кафедранинг профессор-ўқитувчилари таркибда кафедранинг ихтисослиги бўйича камидан бир фан доктори ва икки фан номзоди илмий даражасига эга бўлган шахслар мавжуд бўлиши шарт.

Олий таълим муассасасига магистр мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи Вазирликнинг 14.07.98 262-сон "Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим ўқув юрларида таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича кадрлар тайёрлашга руҳсат бериш тартиби ҳақида"ги йўриқ хатда белгиланган тартибда

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини Республика таълим тизимига жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома" ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8"а"-сонли БУЙРУҒИ

2. Олий ўқув юрлари ректорларига:
2.4. Аспирант ва тадқиқотчилар учун "Фалсафа ва фан методологияси" ўрнига "Фалсафа, мил-

нологиялар; мультимедиа (умумтармоқ) технологиялари ва тармоқли технологияларни таълимда қўллаш; "Internet" жаҳон компьютер тармоқлари; ахборотлашган жамиятда шахснинг ривожини унинг ахборот хавфсизлиги.

Йўналиш фанлари мазмунини ўзлаштириш учун мажбурий минимумни таянч олий таълим муассасаси умумқасбий тайёргарликка қўйилган талабларга мувофиқ белгилайди.

Ихтисослик фанлари мазмунини ўзлаштириш учун мажбурий минимумни таянч олий таълим муассасаси магистрнинг чуқур қасбий ихтисослашиши учун ва илмий-педагогик фаолиятига қўйилган талабларга мувофиқ белгилайди.

амалга оширилади"

2. Олий ўқув юрлари Бош бошқармаси (Б.Раҳимов) га:

2.2. Олий ўқув юрлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (Долимов Т.) билан биргаликда бакалаврият йўналишлари, магистратура мутахассисликларини очиш бўйича тақдим этилган материалларни экспертизадан ўтказиш ва тегишли ҳулосаларни тайёрлаш вазифаси топширилсин.

3. Таълим тизими маркетинги Бош бошқармаси (Т.Маърупов)га:

3.2. Магистрлар тайёрлашга вазирликнинг руҳсати бўлган олий ўқув юрларининг магистратура мутахассисликларига 1999/2000 ва кейинги ўқув йилларига талабаларни қабул қилиш учун ўрин ажратиш тўғрисида ўрнатилган тартибда таклиф киритилсин.

4. Олий ўқув юрлари ректорларига:

Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш бўйича таклифлар белгиланган тартибда Вазирликнинг олий ўқув юрлари Бош бошқармасига тақдим этиш юклатилсин (Муддат ҳар йили 31 декабрга қадар).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий малакали илмий-педагогик Кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, аспирант ва докторантларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳақида"ги 2002 йил 14 февраль 45 сонли БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси кенгайтирилган мажлисининг 2001-йил 28-декабрдаги баённомасида белгиланган олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, аспирант ва докто-

рантлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган ишларни яхшилаш тўғрисидаги вазифани амалга ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ўқув юртлиари ректорларига:

1.1 Бир ойлик муддатда охириги 2 йилда ўқув муассасасида мавжуд аспирантура ва докторантуралар фаолияти самарадорлиги таҳлил этилсин ва илмий кенгашда муҳокама этилсин. Аспирантура ва докторантурани тугатиб ҳозиргача диссертация ишини илмий кенгашга тақдим этмаган ҳар бир диссертация учун ҳимоя эта олмасликнинг диссертант ва илмий раҳбарга боғлиқ бўлмаган объектив сабабларини, шу жумладан:

- чет элда мақолалар чоп этиш борасидаги муаммолар;

- автореферат ва диссертацияларни компьютерда териш ва тайёрлаш борасидаги техник ва моддий етишмовчиликлар;

- диссертация ҳимоя этиш учун мазкур соҳада Республикада ихтисослашган илмий кенгашни мавжуд эмаслиги ва бунинг учун МДХ мамлакатлари ёки чет элда ҳимоя этиш лозимлиги, ОАК томонидан чет эл олимлари иштирокидаги бир марталик ихтисослашган кенгаш тузилишини ташкил этиш борасидаги қийинчиликлар;

- диссертация ҳимоя этмасликнинг диссертант ва илмий раҳбарга боғлиқ бўлган сабаблари жумладан, тадқиқотчи, илмий раҳбар ва кафедранинг ташаббускор эмаслиги, диссертацияни ҳимоя этиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар аниқлансин. Ҳар бир қийинчилик ва уни сабабларини баргараф этиш борасида аниқ чора тадбирлар белгилансин;

1.2 Кандидатлик ва докторлик диссертацияларини ўз муддатида тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш борасида доимий равишда илмий раҳбарлар, тегишли кафедра мудирлари, факультет кенгашлари ва илмий бўлимнинг маъсулиятини ошириш чораларини белгилаш, ҳар бир тадқиқотчининг илмий ишини режага мувофиқ равишда амалга оширилаётганлигини қатъий назорат остига олиш, ўз муддатида бажарилмаётган илмий ишлар бўйича сабабларни аниқлаш ва аҳволни яхшилаш аниқ чора-тадбирларини белгилаш, илмий тадқиқотларни ўтказиб, диссертацияни ўз муддатида тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш режасини бажаришга интилмаётган, етарли ташаббус кўрсатмаётган аспирант ва докторантларни рўйхатдан ўчиришгача маъмурий чораларни кўриш каби бошқарув услубларни доимий қўллаш вазифалари юклатилсин.

1.3 Аспирант ва докторантларни ўз муддатида диссертация ҳимоя қилиш имкониятини яратиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини барпо этиш ва қўллаш борасида қуйидаги чора-тадбирлар шу кундан эътиборан амалга оширилсин.

- диссертация ишини ўз муддатида ҳимоя қилган ёки ҳимоя этиш арафасидаги (автореферат чиқарган) аспирант ва докторантларни 5-ой-

лик стипендия миқдорида, уларнинг илмий раҳбарларини эса 3 ойлик маош миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлаш тартиби жорий этилсин;

- аспирант ва докторантларнинг диссертацияларини компьютерда териш ва кўпайтириш шaroитлари яратиб берилсин, уларнинг авторефератларини чоп этиш ва кўргазма материалларни тайёрлаш, уларни тил ўқитиш марказларида чет тилларни ўрганиш билан боғлиқ харажатларни ОУЮларининг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан қоплаш амалга оширилсин;

- аспирант ва докторантлар учун илмий адабиётлар сотиб олиш, тадқиқот мавзусига оид мақолаларни ксеронусхаларини олиш ва кўпайтириш ҳамда ўзларининг илмий мақолаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш мақсадида ҳар йилда ОУЮларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2та стипендия миқдорида (кафедра, илмий раҳбар тавсияномаси ва факультет илмий кенгашлари қарорига мувофиқ) моддий ёрдам кўрсатилсин;

- аспирантуранинг I-чи ва II-чи курсларини индивидуал режадаги барча вазифаларини бажарган ҳолда тугатган ва шу туфайли диссертацияларни ўз муддатида ҳимоя этишга имкон яратган тадқиқотчилар ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари кафедра, илмий кенгаш тавсиясига мувофиқ мос равишда 2, 3 ойлик стипендия ва 1, 2 ойлик маош миқдорида моддий рағбатлантирилсин;

- аспирант ва докторантларни Мустақил ҳам-дўстлик давлатлари, Республика ҳудудида ўтказилаётган диссертация мавзусига оид илмий анжуман, конференция ва симпозиумларда иштирок этиш мақсадидаги илмий сафарларини маблағ билан таъминлаш йўлга қўйилсин;

- ўз тадқиқотларини режага мувофиқ олиб бораётган аспирант, докторант ва уларнинг илмий раҳбарлари учун саломатлигини тиклаш мақсадида профилакторий, санаторий ва дам олиш уйларига бепул йўлланма бериш амалга оширилсин;

- аспирант ва докторантларнинг илмий мақолаларини чет эл журналларида нашр этишни таъминлаш мақсадида зарур маблағларни ОУЮнинг бюджетдан ташқари тушумлари ҳисобидан қоплашни йўлга қўйиш таъминлансин;

- ҳар ярим йилда олий таълим муассасаси аспирантура ва докторантура фаолиятини таҳлил этиш ва илмий кенгашда муҳокама қилиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда мазкур фаолият самарадорлигини оширишга оид тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва вазирликнинг Кадрлар, илм фан бошқармасига етказиш амалга оширилсин.

2. Аспирант, докторантларнинг диссертацияларини ўз муддатларида ҳимоя қилиш ва ҳимояга тавсия этишлари учун ОУЮ ректори маъсул

эканлиги белгилаб қўйилсин ва ушбу буйруқнинг нусхаси барча аспирант, докторантлар ва уларнинг илмий раҳбарлари ҳамда тегишли кафедраларга етказиш вазифаси юклатилсин.

3. Кадрлар, илм-фан ва ИПХТ бош бошқармаси (Ш. Бутаев) га кўзда тутилган чора-тадбир-

ларни бажарилиши ҳақида ҳар ярим йилликда ОўЮларининг ҳисоботини таҳлил этиш ва тегишли хулосаларни раҳбариятга етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ўқув юртлирининг 50 ёшгача бўлган фан докторларини, ёш докторант ва олимларини чет тилидан махсус Дастур асосида тайёрлаш ҳақида"ги 2002 йил 20 март 95 сонли

БУЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида белгиланган мамлакат илм фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциясини фаоллаштириш, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида илмий ютуқлар ва олимлар билан ўзаро алмашинув жараёнини кучайтириш, узлуксиз таълим тизимида чет тилларни фаол ўргатиш учун зарур шароит яратиш ва жаддаллаштирилган услубларни жорий этиш каби вазифаларни амалга ошириш ҳамда вазирлик олий таълим муассасалари (ОТМ)га раҳбарлик лавозимларига захира этиб белгиланган фан докторларини, ёш докторант ва олимларни чет тилидан махсус дастурлар асосида чуқур тайёрлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар олий ўқув юртлири базасида фан докторлари ва докторант тарни чет тилидан махсус Дастурлар асосида интенсив тайёрлашга маъсул этиб белгиланган марказлар ва уларга бириктирилган ОТМ рўйхатлари ҳамда чет тили бўйича махсус Дастурлар асосида тайёрланадиган ёш фан докторлари таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик ОўЮларининг ректорларига шу йилнинг апрел ойидан бошлаб қуйидаги вазифалар юклатилсин:

— ОўЮларининг магистратурасида таҳсил олаётган талабаларни чет тилини интенсив ўқитиш бўйича ҳафтасига 6 соатдан қўшимча дарс ўтилиши белгилаб қўйилсин.

— фан докторлари, ёш докторант ва магистратурада таҳсил олаётган талабаларни (иловага мувофиқ) чет тилидан махсус Дастур асосида белгиланган Марказларда ҳамда ОўЮ чет тили кафедраларида интенсив тайёрлашни йўлга қўйиш ва мазкур тадбирининг харажатларини ОўЮнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплаш,

— чет тили ўрганаётган (иловага мувофиқ) ёш фан докторлар ва педагогик фаолият билан шуғулланаётган ходимларни ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда чет тили ўрганиш учун барча шароитлар (ўқув юктамаларини 50%га қисқартириш ва ҳ.к.) ярағиб бериш,

— ОўЮларидан чет тилини ўргатиш бўйи-

ча алоҳида номлари кўрсатилган (илова) профессор-ўқитувчиларнинг жавобгарлиги белгилаб қўйилсин,

— Маълум муддатда чет тилидан машғулотларга қатнаган ёш фан докторлари ва докторантлар лугат ёрдамида тегишли дарсликларни таржима қила олмасалар ва синондан ўта олмасалар эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилсин.

3. Мазкур Дастурда чет тилида сиёсат, тарих, иқтисодиёт ва бошқа гуманитар соҳаларда, давлат ва таълимни бошқариш, ҳамда ўз илмий йўналиши бўйича эркин сўзлашув, мунозара олиб бориш, маърузалар ўқиш, ёзма манбааларни ўқиб тушуниш ва ёзма таҳлилий материаллар тайёрлаш борасида барча билим ва кўникмалар бериш, етарли сўз бойлигига эга бўлишни таъминлаш кўзда тутилсин.

4. ЎзДЖТУ ректори (Ф. Шоумаров) га:

— 2-ҳафталик муддатда хорижий тиллар (инглиз, немис, француз) бўйича фан докторлари, ёш докторант ва олимларни 6-ойлик махсус Дастур асосида интенсив тайёрлашга оид ўқув режалар ва бошқа услубий материаллар тайёрлаш ҳамда Вазирликка тасдиқлаш учун тақдим этиш ва иловага мувофиқ ОўЮ га тарқатиш вазифалари юклатилсин;

— махсус Дастур асосида чет тилини ўрганиш курсларини битирувчилар олган билим ва кўникмаларини баҳолаш ҳамда тил ўрганганлик тўғрисидаги тегишли сертификат бериш ҳақида қарор қабул қилиш учун иловадаги марказларни ҳар бирида фаолият кўрсатадиган давлат имтиҳон комиссиялари таркибларини ишлаб чиқиш ва 2 ойлик муддатда Вазирликка тасдиқлаш учун тақдим этилсин.

5. Иқтисод инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М. Саидовга: Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тил ўрганишга жалб этилган ёш олимларни ёзги таътил мавсумида чет тилида ўзаро мулоқот қилиш амалиётини кўчайтириш мақсадида тоғ ҳудудида жойлашган дам олиш масканларида ихтисослашган лагерлар ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш кадрлар, илм фан ва ИПХТББ бошлиғи Ш. Бутаевга юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Вазирлик олий ўқув юртларида аспирантура ва докторантура очиб ҳақида"ги 2003 йил 24 декабр 11/7 - сонли ҚАРОРИ

Кадрлар, илм-фан ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бош бошқармаси бошлиғи Ш.О.Бўтаевнинг вазирлик олий ўқув юртларида илмий-педагогик ходимлар тайёрлашни янада ривожлантириш мақсадида айрим олий ўқув юртларида тегишли мутахассисликлар бўйича аспирантура ва докторантура очиб ҳақидаги асосномалари ҳамда уларда бунинг учун салмоqli илмий салоҳият, етарли моддий-техник база ва бошқа шароитлар мавжудлиги ҳақидаги маърузасини эшитиб, Ҳайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вазирлик олий ўқув юртлари илмий кенгашлари асосномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг 12.05.96 йилдаги 11 сонли қарор билан тасдиқ-

ланган "Ўзлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш тўғрисида"ги НИЗОМга мувофиқ иловада кўрсатилган олий ўқув юртларида тегишли мутахассисликлар бўйича аспирантура ва докторантура очилсин.

2. Кадрлар, илм-фан ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш бош бошқармаси (Ш.О. Бўтаев)га вазирлик Ҳайъатининг тегишли олий ўқув юртларида докторантура ва аспирантура очиб ҳақидаги қарори ҳамда тегишли ҳужжатлар ЎЗР Фан ва технологиялар маркази ҳамда олий ўқув юртларига ўз вақтида етказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Кадрлар, илм-фан ва ИПХТББ бошлиғи Ш.О. Бўтаев зиммасига юклатилсин.

Вазирлик тизимидаги ОТМларида очилган аспирантура ва докторантуралар рўйхати

№	ОУЮнинг номи	Мутахассислик шифр ива номи
1.	Ўзбекистон миллий университети	01 03 02– строфизика, радиоастрономия
		02 00 01– анорганик Киме
		03 00 06– вирусология
		03 00 15– генетика
		03 00 11– эмбриология, гистология ва цитология
		04 00 02– геохимё
		04 00 20– минерология, кристаллография
		07 00 10– Фан ва техника тарихи
		08 00 12– минтақавий иқтисод
		10 02 06– туркий тиллар
		19 00 01– умумий психология, психология тарихи
		19 00 05– ижтимоий психология этнопсихология
2.	Бухоро давлат университети	09 00 01– диалектика ва билиш назарияси

**10. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА
БОШҚА КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ**
Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маъкамасининг Қарорини эълон қилиш тўғрисидаги 1998 йил 4 январь 2-сонли
Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчилар тайёрлаш, уларни ривожланган, демократик хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий таърифларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба ортиришини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маъкамаси қарор қилади:

1. "Устоз" республика жамғармаси ташкил этилганлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон банклари уюшмаси, вазирликлар ва идоралар, компаниялар, қўшма корхоналар, жамғармалар, олий ўқув юрталари ва бошқа ташкилотларнинг "Устоз" республика жамғармаси муассислари сифатида иштирок этишлари эътиборга олинсин (1-илова) ҳамда уларнинг Жамғармага молиявий, моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги тақдифлари қўллаб-қувватлансин.

Жамғарма барча юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар ва фуқаролар учун очиқ деб эълон қилинган маъқуллансин.

3. "Устоз" республика жамғармасининг бошқарув таркиби 2-иловага, Жамғарманинг Низоми ва унинг тузилмаси 3-4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Қуйидагилар "Устоз" республика жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

– Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим тизими профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлашга қўмаклашиш;

– иқтисодий ёш педагогларни аниқлаш, уларнинг қобилияти, ижодий салоҳиятларини ривожлантириш, касб малакасини юксалтириш, ривожланган демократик давлатларнинг етук ўқув юрталарида ва марказларида тажриба ортириши-

га қўмаклашиш;

– профессор-педагог кадрларни хорижий таълим муассасаларида малака оширишга юбориш мақсадида танловлар ўтказиш;

– хорижда малака ошираётган ва тажриба орттираётган профессор-педагогларнинг таълим олиш жараёни, шунингдек, ўқишдан кейинги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш, уларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қўмаклашиш;

– Жамғарманинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни жадаллаштиришга қаратилган мукофотларини таъсис этиш;

– профессор-педагог ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳомийлар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ички ҳамда чет эллик сармоядорларнинг инвестицияларини юқори малакали профессор-педагог ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашга жалб қилиш;

– таълимга доир халқаро лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида ривожланган демократик мамлакатлар таълим тизимининг илғор тажрибаларини ўрганиш.

5. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши:

– ривожланган демократик мамлакатларнинг таълим тизимидаги ижобий тажрибалари ўрганиладиган чет эл таълим муассасалари ва марказларини аниқлашда Жамғармага қўмаклашсинлар;

– чет элда билим олаётган ва малака ошираётган профессор-педагог кадрларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид зарур ахборот, манбаалар билан узлуксиз таъминласинлар.

...12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маъкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Вазирлар Маъкамасининг ушбу қарорини бажариш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 декабр 576 сонли "Устоз" республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида"ги қарори бевосита ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий ўқув юртлари бош бошқармаси (П.Р.Исмагуллаев)га:

2.1. "Устоз" республика жамғармасининг Низомига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, жорий йилнинг 1 мартига қадар олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ёш иқтидорли истиқболлий педагогларни аниқлаш механизминини ишлаб чиқиш топширилсин.

2.2. Жорий йилнинг 5 февралига қадар республика олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган истиқболлий профессор-ўқитувчилар банки тузилсин.

2.3. "Устоз" республика жамғармасига танлов ўтказиш жараёнида атрафлича ёрдам кўрсатиш юклатилсин.

3. Олий ўқув юртлари ректорларига:

3.1. Ёш иқтидорли ва истиқболлий профессор-ўқитувчилар рўйхатини тузиш ва улар орасида йилнинг энг яхши ўқитувчиси юксак номини

олиш бўйича махсус танлов ўтказиш топширилсин.

3.2. Танлов ғолибларига хорижий тилларни жадаллаштирилган услубда ўқитишни ташкил этишда ЎзДЖТУ қошидаги тил ўргатиш марказининг услубий ёрдамидан кенг фойдаланиш топширилсин.

3.3. Олий ўқув юртларида ўтказилган танлов ғолиблари Республика миқёсида ўтказиладиган танловда иштирок этишлари учун белгиланган тартибда Вазирликка таклиф киритилсин.

3.4. Республика миқёсида ўтказиладиган танлов иштирокчиларига сафар харажатлари олий ўқув юртлари томонидан ажратилсин.

4. Ташқи алоқалар бош бошқармаси (П.С.Бобомухамедов)га ривожланган хорижий давлатларнинг ётакчи таълим ва илмий марказларини аниқлаш ва улар билан ҳамкорлик этиш тартибларини белгилаш юклатилсин.

5. Республика ва вилоят Тил ўргатиш марказлари директорларига "Устоз" жамғармаси танлови қатнашчилари учун чет тилларидан курслар ташкил этиш ва олий ўқув юртлари билан тегишли шартномалар тузиш топширилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилиши назорат этиш вазирининг биринчи муовини Р.И.Холмуродовга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фаоллар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Қароридан қўйилган талабларга мувофиқ олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари тўғрисидаги 1998 йил 3 август 220 сонли

Б У Й Р У Қ И

8. Олий педагогика институти (Шаропов Ш.Ш.)га олий ўқув юртлари тарих факультетлари ва кафедралари профессор ўқитувчиларининг

малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талаблари асосида ўқув юртларида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 9 январ 3-сонли

Б У Й Р У Қ И

2.3. Республика ўқув юртларида "Диншунослик" фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар ва маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректор ва директор муовинларининг Тошкентда ТошДУ қошидаги Олий педагогика

институти базасида 1998 йил 26 январдан 2 ҳафталик малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси ташкил этилсин. Унинг дастури тузилсин ва мавзулар бўйича маърузачилар таркиби аниқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тўғрисида"ги 1999 йил 19 феврал 57 сонли

Б У Й Р У Қ И

1. Вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари ректорларига бир ойлик муддатда тегишли бошқармалар билан ҳамкорликда ОУЮ қошида педагог, педагог-муҳандислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказларини ва факультетларини 1999 йилнинг 1 апрелидан ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

...6. Ўқув адабиётлари, журналлар ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш маркази (Н.А.Хали-

лов)га Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Т.К.Иминов) ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти (Х.Ф.Рашидов) билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига онд ўқув-методик қўлланмаларни нашр этишни йўлга қўйиш вазифаси топширилсин.

7. Васий олий ўқув юртлари ректорларига ва вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълимининг

худудий бошқармалари бошлиқ арига:

- ҳар бир олий ўқув юрти, вилоят бошқарма бошлиқлари билан биргаликда засий сифатида мавжуд ва вилоятда қурилиши режалаштирилган касб-ҳунар коллежларини бириктириб қўйиш ҳамда 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли малака ошириш ва қайта тайёрлаш режаларини ишлаб чиқиш;

- бириктириб қўйилган касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиётларини яратишда фаол иштирок этиш;

- касб-ҳунар коллежлари машғулотларини ўтказишда олий ва махсус ўқув юртининг мавжуд ўқув-лаборатория жиҳозларидан кенг фойдала-

ниш;

- олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг касб-ҳунар коллежларида алоҳида фанлар бўйича дарс ўтишига жалб этиш;

- касб-ҳунар коллежлари педагогларининг ва муҳандис педагогларнинг малакаларини янги ташкил этилган малака ошириш марказларида оширишини таъминлаш;

- олий ўқув юрти ва вилоят миқёсида касб-ҳунар коллежлари талабаларининг олимпиадаларини ўтказиш, иқтидорли талабалар билан иш-лашни ташкил этиш ҳамда улар билан ишлаш жадвали ва тизимини яратиш вазифалари юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг "Вазирликнинг 1999-2000 ўқув йилига мўлжалланган малака ошириш ва қайта тайёрлаш режасининг бажарилиши ҳақида"ги 2000 йил 13 апрел 102-сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунларида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш узлуксиз таълим тизимининг алоҳида таълим тури сифатида белгиланган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида кадрларнинг касбий билимлари, маҳорати ва кўникмаларини мунтазам равишда чуқурлаштириш ва янгилашга ундайдиган ҳамда меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим хизматлари бозорининг шаклланишига мос янги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Малака ошириш тизимини яратиш бўйича вазирликнинг бу масалага онд қатор буйруқ ва қарорлари қабул қилинди. Шу асосда вазирликнинг 1999 йил 19 феврал 57 ва 28 сентябр 287 - буйруқлари алоҳида ўрин эгаллади. Мазкур буйруқларда вазирлик тасарруфиданги барча олий ўқув юртларида малака ошириш марказлари ва факультетлари фаолиятини ташкил қилиш алоҳида вазифа қилиб белгилаб қўйилди. Ҳозирги кунда вазирлик олий ўқув юртлари қошида 4 та институт, 13 марказ ва 17 факультет ишлаб турибди. Шу малака ошириш масканларида 01.09.1999 йил 20.02.2000 гача олий ўқув юртларининг 1681 нафар профессор-ўқитувчилари (режага нисбатан 62,0%), академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 3578 нафар педагоглари ва муҳандис-педагоглари (режага нисбатан 86,5%) ўз билим савияларини оширдилар.

Олий ўқув юртларида ёш ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва педагогликка тайёрлаш мақсадида барча малака ошириш масканларида уларни ўқитиш ишлари ҳам амалга оширилди. Шунинг билан бирга камёб мутахассисликлар фанлари ўқитувчилари малакасини ошириш ҳам олий ўқув юрти билан ҳамкор бўладиган малака ошириш институти билан бирга амалга ошири-

лиши мўлжаллаб қўйилган ҳамкорлик ишлари айниқса техник ва технологик йўналишларда кенг амалга оширилмоқда.

...Малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг 1999-2000 йилларга мўлжалланган режаларининг бажарилишини тўла таъминлаш ва улардан кўзланган самара ва мақсадларга эришиш учун

Б У Ю Р А М А Н:

1. Малака ошириш тизими ва уни тадбиқ этиш ҳамда молиялаштириш асосларини ифода этувчи механизм яратилганлиги ахборот учун қабул қилинсин.

3. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш борасида вазирлик Ҳайъати белгилаган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кадрлар, илм-фан, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Раимов Х), ОУМММИ (Имамов Э), ўрта махсус таълим маркази (Кучукбаев Ф.М) га:

...3.3. Бюджетдан ташқари маблағлар тушуми миқдорини кўпайтириш ва малака ошириш масканлари моддий техника базасини мустаҳкамлашни замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун малака ошириш масканлари қошида иқтисодий соҳалар мутахассислари малакасини ошириш, пуллик хизматлар кўрсатиш, кичик ва ўрта корхоналар, консалтинг таянч шахобчалари, маркетинг хизматларини барпо этиш ва очиш бўйича илғор тажрибалар асосида маслаҳатлар ва тавсиялар беришни йўлга қўйсинлар.

3.4. Жорий ўқув йилида ўқув дастурлари ва улар асосида ўқув қўлланмалари ҳамда маъруза матнлари ёзишни барча малака ошириш масканлари илмий педагогик салоҳиятидан тўла фойдаланишни назарда тутиб, малака ошириш институтларининг профессор-ўқитувчилари томонидан ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилсин ва бажарилиши устидан назорат ўрнатилсин.

3.5. ... малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ўқув-услубий таъминотини замон талабларига мос ривожлантириш учун барча малака ошириш масканларида зарурий ўқув қўлланма ва услубий тўпланмалар тайёрланиши устидан назорат ўрнатсинлар.

4. ...ОЎМММИ директори (Имамов Э.З) га барча турдаги малака ошириш масканларида соҳа мутахассислари, аҳолини қайта тайёрлаш Низоми лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқлашга киритсин.

5. ... малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини ривожлантириш, унинг тизим сифатида ягона ўқув-илмий-услубий таъминотини мукамаллаштириш, мазмуни ва сифатини янада ошириш, илғор ва чет эл тажрибасини кенг тарғибот қилиш, маъруза матнлари, ўқув адабиётлари тайёрлашни бошқариш, малака оширувчилар фикр-мулоҳазаларини чуқур ўрганиш ва тегишли қарор ва буйруқлар ижросини изчиллик билан таъминлаш ишларини юқори даражага кўтариш учун вазирликда қўйидаги таркибда малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин (1-илова).

6. ... малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг олий ўқув юртлари ўқув-услубий, илмий, педагогик салоҳиятларидан, уларнинг моддий-техника базасидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш ва малака оширишнинг узвийлигини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёнини шу талабга мос ташкил қилинишига эришиш, бошқарув тизимини мукамаллаштириш учун Тошкент давлат иқтисодий университети ҳузуридаги иқтисодиёт, бизнес, мутахассислар малакасини ошириш, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Олий педагогика, Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Олий-муҳандислик-педагогика, Тошкент молия институти ҳузуридаги молия-банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқлараро институтлари директорлари тегишли олий ўқув юртларининг проректорлик лавозимида тасдиқлансинлар.

...8. Олий ўқув юртлари ректорларига 01.06.2000 гача:

8.1. Малака ошириш марказ (факультет) ларига ажратилган маъмурий ва синф хоналарини назоратдан ўтказсинлар ва уларни ҳозирги замон

талаблари даражасидаги жиҳозлар, идора ашёлари, компьютерлар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратсинлар;

8.2. Президент И.А.Каримовнинг Олий Мажлис II - чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқида белгилаб берган вазифаларни малака ошириш масканларида бажарилишини таъминлаш учун улар таркибида кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари барпо этишни амалга оширсинлар;

8.3. Ички имкониятлардан ва ҳомийлик ва васийлик ҳимматларидан фойдаланиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари ва муҳандис-педагоглари учун намуна бўладиган синф хоналари, лабораториялар барпо этиш ва бошқа моддий - техника базасини мустақкамлаш режасини ишлаб чиқсинлар;

8.4. Иқтисодиёт соҳалари мутахассислари малакасини оширишни кенг йўлга қўйиш мақсадида малака ошириш масканининг аҳамияти, имконияти, салоҳияти, ўрни, истиқболи ва бошқа ташкилий-иқтисодий шароитлари ифода этувчи кўргазмали ахборотномалар ишлаб чиқиш ва тарқатиш чора-тадбирларини белгиласинлар;

8.5. Малака оширишнинг замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш ва бу жараёни барча соҳаларда эришилган энг охириги янгиликлари, тажрибалари, технологик ютуқлар ва бошқалар тўғрисида ахборот олишни ташкил қилиш мақсадида корхоналар, ташкилотлар, кўшма корхоналар, илмий-тадқиқот муассасалари, банк-молия тизими, турдош олий ўқув юртлари, чет эл олий ўқув юртлари ва етук олимлари ва бошқа шу каби ҳамкорлар билан узоқ муддатга мўлжалланган алоқалар ўрнатишга киришсинлар;

8.6. Тингловчиларнинг олган назарий билимларини мустақкамлаш борасида улар амалиёт ўтишлари ва янги педагогик йўналишлар бўйича тажриба алмашишлар учун зарурий шарт-шароитлар яратилишини таъминласинлар;

8.7. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари педагоглари ва муҳандис-педагоглари учун уларнинг таълим йўналишлари бўйича махсус кўргазмали ўқув тавсияномалари ишлаб чиқишини йўлга қўйсинлар.

9. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари К.Р.Аллаев зиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Талабаларнинг қишқи таътили даврида педагог кадрлар учун мақсадли курслар ташкил этиш ҳақида"ги 2000 йил 25 декабрдаги 349-сонли БУЙРУҒИ

Талабаларнинг қишқи таътили даврида вақдан унумли фойдаланиш учун профессор-ўқитувчилар педагогик маҳоратини ошириш, янги педагогик ва ахборот технологиялари такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. ОўЮлари ректорларига талабаларнинг қишқи таътиллари даврида педагоглар учун Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига мурожаати ва Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари олдидаги "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга

ошириш юзасидан ХХІ асрдаги стратегик вазифалари ҳақида ҳамда янги педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнида кенг қўллашга қараган мақсадли семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш топширилсин.

2. Кадрлар, илм-фан, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Ҳ.Р. Раимов), ОУМММИ (Э.З. Имамов) ва малака ошириш

институтлари директорлари (Г.Н. Охунова, Ш.Ш. Шаропов, С.А. Абдурахимов, Ф.Ш. Шамсутдинов)га вилоят университетлари билан келишилган ҳолда мақсадли сайёр семинарлар ўтказиш топширилсин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорати вазир ўрнибосари Қ.Р. Аллаевга топширилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Миллий истиқдол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини Республика таълим тизимига жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома" ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8"а"-сонли БУЙРУҒИ

4. Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш Бош бошқармаси (Ш. Бўтаев)га:

4.2. "Миллий истиқдол ғояси: асосий тушун-

ча ва тамойиллар" фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг ихтисослик малакаларини янада ошириш тадбирлари белгилансин ва амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларини тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 28 мартдаги 76/72 - сонли ҚЎШМА БУЙРУҚЛАРИ

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш самардорлигини кўтариш кўп жиҳатдан хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг иқтисодий, ҳуқуқий, касбий билимларини ошириш ҳамда тадбиркорлик, ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришни тақозо этади.

Охириги йилларда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари билан тасдиқланган дастурлар асосида ҳар йили хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг жойларда мақсадли семинар-мунозаралари ўтказилиб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларининг сифат таркибинини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилиб, уларнинг ҳар бирига заҳирага киритилган камидан икки нафар махсус маълумотга ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёш мутахассислар билан маълум бир ишлар олиб борилмоқда.

Лекин, заҳирага киритилган ёшларни мунтазам равишда фаолият кўрсатаётган тайёрлаш тизими яратилмаган. Шунинг учун ҳам ҳанузгача қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ўртасида кўнимсизлик юқорилигича ва сифат таркиби талабга жавоб бермаслигича қолмоқда. Масалан, 1999-2000 йиллар мобайнида 2408 хўжалик раҳбарларидан 1365 таси (51%) алмаштирилган, улардан 361 нафари (15%) умуман махсус маълумотга эга эмас.

Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни талаб даражасида амалга оширишга ва ишлаб чиқариш самардорлигини кўтаришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳат-

чиси ҳузуридаги 2001 йил 13 январдаги 11-105-сонли йиғилиш баённомасида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда хўжалик раҳбарларига кўрсатилган ёш кадрларни иқтисодий, ҳуқуқий ва касбий билимларини чуқурлаштиришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни бажариш мақсадида

Б У Ю Р А М И З:

1. Тошкент давлат аграр университетининг Малака ошириш факультети негизида қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларини тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш Маркази ташкил этилсин.

2. Ушбу Марказнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари заҳирасига киритилган кадрларни тайёрлаш, раҳбар ва мутахассислар ҳамда олий ўқув юртлири, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларини мунтазам равишда малакасини ошириб бориш;

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, аграр соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш талаблари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари олдига турган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, назарий билимлар билан амалиётни узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган ўқув дастурлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

- юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришган, молиявий барқарор хўжаликларда, илмий-ишлаб чиқариш муассасаларида ва чет

мамлакатларда тингловчиларнинг амалиётини ўтказиш;

- ўқув жараёнини юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларини, ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари профессор-олимларини, тажрибали мутахассисларни маъруза қил иш учун таклиф этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

- қишлоқ хўжалиги қорхоналари раҳбарлари захирасига киритилган 40 ёшгача бўлган кадрларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 4 ойлик мобайнида уларнинг иш ўринлари сақланиб

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "ЎзМУ, ЎзДЖТУ, СамДУ, ФарДУ, СамДЧТИларда ўзбек-рус тиллар бўйича юқори малакали таржимон кадрлар тайёрлаш тўғрисида янги 2001/2002 ўқув йилида дарсликлар, ўқув қўлланмалари тайёрлашни жадаллаштириш ҳақида"ги 2001 йил 6 сентябр 213-сонли

Б У Й Р У Ф И

4. Филолог-таржимон кадрлар тайёрлашга жалб этилган профессор-ўқитувчиларни "Таржима назарияси" фанидан қайта тайёрлаш ва мала-

қолган ҳолда ўртача ойлик маошлари ва хизмат сафари ҳаражатлари ўқишга юборган хўжалик, ташкилотлар томонидан тўланади;

- Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва Давлат тилида ўз номи ёзилган муҳри, штампни, ҳисоб рақамига эга юридик шахс бўлиб, молиявий, хўжалик ва бошқа фаолиятларни Низом асосида мустақил амалга оширади;

- ўқув режасини яқунлаган ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга Марказ Низомида кўрсатилган тартибда диплом топширилади.

касини ошириш бўйича доимий амалдаги семинар ташкил этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2001 йил 29 октябр 263-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарорини эълон қиламан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини янада ошириш ҳамда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини давлат таълими стандартлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига жавоб берадиган юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар 2001-2010 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

- академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог кадрлари, шунингдек уларни ўқитишда иштирок этувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби касбий савиясининг узлуксиз равишда ўсиши ва малакаси ошириб борилишини таъминлаш;

- ўқитиш жараёнига замонавий хорижий методикалардан фойдаланиш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагогларини тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркибининг ривожланган мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларида тажриба ошириши амалиётини кенгайтириш орқали илгор халқаро педагогик тажрибаларни жорий этиш;

- замонавий технологияларга асосланган кор-

хоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланган ҳолда уларнинг базавий олий таълим муассасалари билан кооперациялашувини ва ҳамкорлигини чуқурлаштириш йўли билан муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш;

- академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчиларининг мунтазам равишда, камида уч йилда бир марта аттестациядан ўтказилишини ташкил этиш. Раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини танлов асосида тўлдириш;

- замонавий ахборот технологиялари ва Интернет халқаро ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда педагог кадрларни масофадан туриб ўқитиш, методини жорий этиш.

2. Қуйидагилар:

- 2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини педагог ва муҳандис-педагог Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури 1 Иловага мувофиқ;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ихтисослаштирилган олий таълим, муассасаларининг рўйхати 2-Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат тест маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бирга-лиқда 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш сифати мониторингини олиб бурсин ва давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ баҳолаңсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

- ҳар йили ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш касбий даражаси мо-

ниторинг натижаларига кўра академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг миқдорий кўрсаткичларини ва тартибини аниқласин. ...

**Вазирлар Маҳкамаси Раиси
И.А. Каримов**

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорини бажариш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги 2001 йил 4 октябр 400-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари таркибидаги малака ошириш институтлари, факультетлари, марказлари ва курслари фаолиятига жавобгарлик академик лицей, касб-хунар коллеж ва маркетинг хизматлари бўйича проректор зиммасига юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2001 йил 4 октябр 400-сон қарори бўйича ишлаб чиқилган ва I-Иловада келтирилган тадбирлар дастури тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар
тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001
йил 4 октябрдаги
400-сонли қарори бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар**

ДАСТУРИ

№	Тадбирлар	Муддат	Масъуллар
1	Академик лицей ва касб-хунар коллежи педагог кадрларини малакасини оширишнинг 2001—2010 йилларга мўлжалланган режаларининг бажарилишини таъминлаш	2001—2010 йиллар	ЎМКХТ Маркази, ҳудудий бошқармалар
9	Академик лицей ва касб-хунар коллеж педагоглари ва муҳандис-педагоглари малакасини ошириш жараёнида уларни энг илғор ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларига эга бўлган қўшма корхоналарда амалиёт утишларини ташкил қилиш	Уқув йили давомида	Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ, ҳудудий бошқармалар
10	Малака ошириш таълими жараёнида видео-аудио, компьютер, мультимедиа каби техника воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиш, илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни видеокасета, плакат, тўплам альбом ва дискеталар кўринишида тайёрлаш	2002 йилдан бошлаб	Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ
11	Замонавий компьютер тармоқлари, Интернет тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш. Ахборот технологияларига асосланган фанлар таркибини кенгайтириш. Ҳар бир малака оширувчининг компьютерда мустақил ишлашига эришиш	2002 йилдан бошлаб	Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ
12	Янги педагогик ва информацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш, бу йўналишда илғор чет эл тажрибаларини тадбиқ қилиш	2002 йилдан бошлаб	Малака ошириш муассасалари, ЎМКХТРИ
13	Кутубхоналар ишини янги талаблар ва информацион технология воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиёти фондларини электрон версиялари билан бойитиш, янги адабиётлар рўйхатини «Интернет» орқали олишга эришиш	2002 йилдан бошлаб	Малака ошириш муассасалари, ўқув муассасалари

14	Академик лицей ва касб-хунар коллеж педагоглари, муҳандис-педагоглари Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари. Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбар ва йирик мутахассислари билан мунтазам учрашувлар утказишни ташкил қилиш режасини тузиш	Йил давомида	Малака ошириш муассасалари, худудий бошқармалар
15	Республика «Устоз» жамғармаси билан ҳамхорликда ташаббускор ёш педагог ва муҳандис-педагоглари ҳамда раҳбар ходимларни ривожланган хорижий давлатларга тажриба алмашишга юборишни ривожлантириш	Режа асосида	УМКХТ Маркази, «Устоз» жамғармаси
16	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш педагогикаси ва методикасини ривожлантириш мақсадида УМКХТР институтида аспирантура ва доктарантура очил ва уларнинг илмий изланишларига УМКХТР йуналиши бўйича мавзуларни киритиш.	2002 йилдан бошлаб	УМКХТ Маркази УМКХТРИ
18	Фан, олий таълим, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва маданият соҳаларидан амалиётчи мутахассисларни қисқа муддатли курслар орқали қайта тайёрлаш йули билан академик лицей ва касб-хунар коллежларига жалб қилиш.	Доимий	УМКХТ Маркази Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
19	Малака ошириш курсларига маъруза ўқиш учун тажрибали хорижий мутахассисларни жалб қилиш	Доимий	Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, Республика «Устоз» жамғармаси маркази
20	Хорижий мамлакатларда тажриба алмашиб келган педагоглар, муҳандис-педагоглар иштирокида жойларда ўқишлар, семинар-кенгашлар ташкил этиш.	Доимий	УМКХТ Маркази, Республика «Устоз» жамғармаси, худудий бошқармалар
21	Хорижий мутахассислар иштирокида амалий психологларни тайёрлаш бўйича Низомий номли ТДПУ амалий психологларни тайёрлаш факультетида маърузалар курсини ташкил қилиш	2002-2010 йиллар	Республика «Устоз» жамғармаси, УМКХТ Маркази

Педагог ва муҳандис-педагог кадрларнинг эксперимент тариқасида малакасини оширишга мўлжалланган худудлардаги замонавий жиҳозланган таянч академик лицей ва касб-хунар коллежларининг
Р У Й Х А Т И

№	Худудлар	Малака ошириш муассасалари	Малака оширувчилар	Малака оширишга белгиланган таълим муассасалари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	ҚҚДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Нукус қурилиш касб-хунар коллежи
2	Андижон	АндУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Андижон саноат касб-хунар коллежи, янгиси

3	Бухоро	БухДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Бухоро шаҳар Ф.Хужасв туманидаги академик лицей
4	Қашқадарё	ҚарДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Қарши тиббий касб-хунар коллежи
5	Наманган	НамДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	НамДУ қошидаги академик лицей
6	Самарқанд	СамДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Самарқанд шаҳар енгил саноат касб-хунар коллежи
7	Сурхондарё	ТермизДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Иқтисодийёт касб-хунар коллежи
8	Сирдарё	Гулистон ДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Гулистон ДУ қошидаги академик лицей
9	Фаргона	Фаргона ДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Фаргона ДУ қошидаги академик лицей
10	Хоразм	Урганч ДУ	Умумтаълим фан ўқитувчилари	Урганч пахтакор-саноат касб-хунар коллежи
11	Тошкент шаҳри	Тошкент архитектура қурилиш институти	Мутахассислик фан ўқитувчилари	Тошкент қурилиш-коммунал коллежи
12	Тошкент шаҳри	Тошкент ДТУ қошидаги ОМПИ	Мутахассислик фан ўқитувчилари	Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Мутахассисликлар ва фанлар профессор - ўқитувчиларини муқобил қайта тайёрлашни ташкил қилиш ҳақида" ги 2002 йил 28 январь 24-сонли

БҮЙРУҒИ

Вазирлик 27 июл 2001 йил 153-сон буйруғи билан тажриба сифатида 2001 йилнинг сентябр - декабр ойларида Тошкент давлат иқтисодийёт университети ҳузуридаги иқтисодийёт, бизнес, мутахассислар малакасини ошириш институтида Менежмент мутахассислиги ва фани профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлашни ташкил қилишни белгилаб қўйди. Институт ходимлари томонидан тингловчилар фикрини ўрганилганда фан йўналишлари бўйича қайта тайёрлашнинг фойдали эканлиги алоҳида таъкидланган ва муқобил қайта тайёрлаш тизимини яратиш зарурати тугилганлиги ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи - сифат босқичида таълим тизимини замонавий педагоглар билан мухтасарлаш бўйича вазирликнинг буйруқлари ижросини таъминлаш ҳамда муқобил қайта тайёрлашни жорий этиш мақсадида

БҮЙОРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг 22 март 2001 й. тегишли 76 сон ва 72 сон қўшма буйруқлари ижросини таъминлаш ҳамда муқобил қайта тайёрлаш ишларини ривожлантиришга қаратилган малака ошириш ва қайта тайёрлаш маскан-

ларининг мутахассислик ва фан йўналишлари бўйича олий ўқув юр்தларининг тақсимои 1-иловага биноан тасдиқлансин.

Олий ўқув юр்தлари ректорларига:

2. 1. Қўрсатилган муддатларда ва белгиланган миқдорда мутахассислик ва фан профессор-ўқитувчиларини тегишли малака ошириш институтларига жўнатилиши;

2.2. Қайта тайёрлашга юборилаётган профессор-ўқитувчиларга қонунчиликда белгилаб қўйилган йўл ва сафар харажатлари ажратиш таъминлансин.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш масканлари раҳбарларига:

Мутахассислик ва фан тингловчиларини қабул қилиш махсус ишлаб чиқилган ва малака ошириш маскани раҳбари тасдиқлаган тест ёрдамида амалга ошириш, заруратдан келиб чиқиб қабул қилинган тингловчиларни меҳмонхонага жойлаштириш, тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш;

Тингловчиларни қайта тайёрлашнинг дастлабки ҳафтаси ичида илмий раҳбарларга бириктириш ва битирув иши мавзусини тасдиқлаш;

Ҳар бир ўқитиладиган мавзулардан тайёрланган тарқатма материаллар билан тингловчиларни тўла таъминлаш;

Муайян фан бўйича ҳафтанинг ҳар шанба кунини таниқли олимлар, тажрибали педагоглар

билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш ва тарихий обидаларни (музейларни) зиёрат қилиш режасини тузиш ва унинг албатта бажарилишига эришиш;

Ўқув жараёнига Ўзбекистон Фанлар Академияси, тармоқ институтларининг таниқли олимлари, ишлаб чиқариш соҳаларининг етук мута-

хассисларини жалб этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати Кадрлар, илм-фан, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х. Раимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Магистратура босқичида чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида"ги 2002 йил 15 апрель 119 сонли БУЙРУҒИ

1. ЎзДЖТУ ректори (Р.Б. Шоумаров)га:

1.1. ЎзДЖТУ ва Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясининг ЎзДЖТУ қошида инглиз тили бўйича хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик инглиз тили ўқитувчиларининг касбий малакасини ошириш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи асосида икки ҳафта муддатда хўжалик ҳисобида бир ҳафталик касбий малака ошириш курсининг Низоми, жадвали ва сарф-харажатлари сметасини ишлаб чиқиш вазифалари топширилсин.

1.3. Профессор-ўқитувчиларининг касбий малака ошириш курслари "Битирув иши"ни ёзиш ва уни ҳимоя қилиш билан якунланиши белгилаб қўйилсин.

1.4. Малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчилардан ҳар бир мутахассислик хусусиятлари эътиборга олинган терм. нологик лугат-

ларни тузиш, инглиз тили фанидан амалий машғулотларга услубий қўлланмалар яратиш каби ишларни йўлга қўйиш вазифаси юклатилсин.

Малака ошириш курсларида тайёрланган услубий қўлланмаларни мавзулар бўйича тўплаш, умумлаштириш ва улар асосида дарслик, ўқув услубий қўлланмаларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига:

3.6. Инглиз тили профессор-ўқитувчиларини ЎзДЖТУ қошида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги бир ҳафталик малака ошириш курсларига жўнатиш ҳамда сарф-харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ижтимоий гуманитар фанлар" кафедралари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш борасида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсини ташкил этиш ҳақида"ги 2003 йил 2 январ 1 сонли БУЙРУҒИ

Олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис кадрларни тайёрлаш сифатини оширишда, талаба-ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғоя ва мустақиллик мафқураси руҳида тарбиялашда Ижтимоий-гуманитар таълимнинг ўрни жуда муҳимдир.

Шу боис, олий таълим муассасаларида Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари, профессор-ўқитувчилари фаолиятини ва ижтимоий-гуманитар таълим мавқеини янада кўтариш мақсадида

БУЮ РАМАН:

1. Вазирлик томонидан тайёрланган олий таълим муассасалари "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедралари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш борасидаги "Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари" тўғрисидаги низом (1-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорига:

2.1. Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари бевосита таълим муассасаларидаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилсин.

2.2. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари учун ўқув машғулотларини ўтказишга олий таълим муассасасининг салоҳиятли, юқори малака ва илғор тажрибага эга ўқитувчилари, шунингдек малака ошириш муассасалари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ институтлари олимлари жалб этилсин ҳамда уларга бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳақ тўлансин.

2.3. "Ижтимоий-гуманитар фанлар"и кафедраларининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир кафедра марказий даврий нашрларга шунингдек, мутахассислик бўйича чоп этилаётган журналларга обуна бўлиши таъминлансин.

2.4. Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларига раҳбарлик қилиш таълим муассасаларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича 1-проректорларининг зиммасига юклатилсин.

2.5. Масала юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирликка ҳар ойнинг охириги кунда тегишли равишда ёзма ахборот бериб берилсин.

3. Таълим муассасасининг ректорлари доимий

ҳаракатдаги малака ошириш курсларининг ўқув жараёнларини ташкил қилиш ва кадрларни ушбу курсларда ишдан ажралмаган ҳолда тўлиқ ҳамда фаол қатнашишларини таъминлашга масъулдир-

лар.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг биринчи ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклатилсин.

**Олий ва ўрта махсус таълим
Вазирлигининг 2003 йил 2 январь
1 сон - буйруғига илова**

"Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари" тўғрисидаги

Н И З О М

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган "Ўзбекистон Республикасида кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш Концепцияси" асосида Янги педагогик ва замонавий ахборот технологияларни амалда тадбиқ этган ҳолда олий таълим муассасасидаги Ижтимоий-гуманитар кафедралари профессор-ўқитувчиларини Доимий ҳаракатдаги малакасини ошириш тартибини белгилайди.

Доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари (Курслар)ни ташкил қилишдан мақсад олий таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар кафедралари профессор-ўқитувчиларининг малакаларини узлуксиз равишда ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда оширишдан иборат.

I. Умумий қондалар

1.1. Курслар Республика олий таълим муассасалари таркибида бўлиб, юридик шахс ҳисобланмайдн.

1.2. Курслар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Ушбу Низом асосида амалга оширади.

1.3. Курсларнинг фаолиятига умумий раҳбарликни олий таълим муассасасининг ректори амалга оширади.

Курсларнинг асосий вазифалари Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчиларининг маънавий ва маърифий, касбий билимларини, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ютуқлари, янги педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда илғор тажриба асосида бойитиш, чуқурлаштириш ва янгилашни амалга оширишдан иборат.

**"Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси"га
амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 2004 йил 4 май 129-сонли
БҮЙРУҒИ**

2. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари раҳбарларига:

2.1. "Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциацияси" билан узвий алоқаларни ўрнатиш,

Ассоциация томонидан ўтказиладиган тадбирларда (конференция, малака ошириш курслари, "Йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси" танлови) инглиз тили профессор-ўқитувчилари-

нинг кенг иштирокини таъминлаш ва уларнинг хизмат сафари харажатларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ажратиш, жиҳозланган хоналар ва компьютерлар билан таъминлаш топширилсин.

2.2. ЎзДЖТУ ва Ассоциация томонидан инглиз тили фанидан таълим турлари ва ўқитувчилар тоифалари бўйича табақалаштирилган бир ҳафталик малака ошириш курслари маъқуллансин ва улардан унумли фойдаланилсин, Ассоциация раҳбарияти билан келишилган ҳолда (жадвал асосида), профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ташкил этилсин ҳамда Ассоци-

ация томонидан малака оширганлик ҳақида берилган Сертификат (илоvasида ўзлаштирилган янги билим ва кўникмалар кўрсатилган), профессор-ўқитувчиларнинг қисқа муддатли малака ошириш курсини ўтаганликлари ҳақидаги ҳужжат сифатида тан олинсин.

2.3. Ассоциация билан ҳамкорликда инглиз тилини ўқитишни такомиллаштириш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳамда республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг моддий ва услубий кўмагини кучайтириш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари ҳақида"ги Қарорини бажариш тўғрисидаги 2003 йил 14 ноябр 278 -сонли

БҲЙРУҒИ

Республикамиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида жисмоний тарбия ва спортни кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Кўплаб спорт иншоотларининг барпо этилаётганлиги, ўқувчи ва талаба-ёшлар ўртасида уч босқичдан иборат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" ўйинларининг тобора оммалашиб бораётганлиги, юртимиз вакиллари-нинг, жумладан талабаларимизнинг Олимпиада ўйинлари, Жаҳон биринчилиги ва Жаҳон Универсиадаларида юксак натижаларга эришяётганлиги, айниқса эътиборлидир.

Оммавий спортни инсон ҳаётидаги ролини, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб ва ташвиқот қилиш, ўсиб келаётган ёшларга, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришда спортнинг катта аҳамиятга эга эканлигини ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди.

Оммавий спортни янада ривожлантириш ахборот воситалари ролини, жумладан спорт журналистларининг профессионал савиясини оширишни тақазо этади.

Республикамизда оммавий спортни янада ривожлантириш, унинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка ва барча олий таълим муассасалари талабаларига етказиш, жисмоний тарбия ва спортнинг тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида

БҲЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги "Оммавий

спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Республикада "Спорт журналистикаси" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқув курсларини ташкил этишга таянч (базавий) этиб Ўзбекистон миллий университети тайинлансин.

3. Ўзбекистон миллий университети ректорига: Қорақалпоғистон давлат университети Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорликда:

- спорт журналистикаси бўйича ўқув курслари, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш режалари ва дастурларини соҳа мутахассислари билан келишилган ҳолда бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- спорт журналистикаси мутахассисларини ўқув курсларида ўқитиш малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун профессор-ўқитувчилар тажрибали мутахассислар таркибини аниқлаш;

- тингловчиларни ўқиш жараёнида тегишли дастур, адабиёт, қўлланма, аудитория ва зарур жиҳозлар ҳамда ётоқхона билан таъминлаш;

- битирувчиларга махсус сертификатлар тайёрлаш юклатилсин.

7. Иқтисод, инвестиция ва маркетинг хизмати бошқармаси (В.Алехина)га:

Давлат бюджетининг 2004 йилги истиқбол кўрсаткичлари лойиҳасини шакллантиришда спорт журналистлари учун ўқув курслари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш учун маблағ ажратиш кўзда тутилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюповга юклатилсин.

23-24 сентябрда бўлиб ўтган ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий Саммит яқунлари ва вазирлик олдида турган вазифалар тўғрисида 2003 йил 10 октябр 9/2-сонли ҚАРОРИ

Республикамиз ОЎЮларида АКТни жорий этишни кенгайтириш, таълимни ахборотлашти-

риш, педагог кадрларимизнинг тўлиқ компьютер саводхонлигига эришиш, ҳамда республи-

камизда илк бора ўтказилган Миллий Саммит резолюцияларидан келиб чиққан ҳолда Вазирлик Хайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республикада 2003 йилнинг 23-24 сентябр кунлари ўтказилган Миллий Саммитда қабул қилинган резолюция маъқуллансин (2-илова).
2. Барча ОЎЮ ректорларига: Барча педагог

Ўзбекистон Республикаси Президенти "Истеъдод" жамғармасининг масофавий ўқитиш бўйича тўплаган тажрибаси тўғрисидаги 2003 йил 24 декабр 11/3-сонли ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси ҳозирги кунда Россия билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Россиянинг ахборот жамиятини ривожлантириш ва Москва давлат электроника ва математика институтлари билан масофавий малака ошириш курсларини келтириш мумкин. Бу курслар "Масофавий курслар яратиш технологияси ва методикаси" ва "Масофавий ўқитиш методикаси"дан иборат. Ушбу курслар олий ўқув юрталарининг ўқитувчи ва масофавий ўқитиш марказларининг ходимларини малакасини оширишга қаратилган ва улар бир ой мобайнида 72 соат ўқилишига мўлжалланган. Курсни муваффақиятли тугатган тингловчиларга давлат миқёсидаги гувоҳнома берилиши кўзда тутилган. Ушбу малака ошириш курси бўйича барча ёзишмалар амалга оширилиб, институтларнинг харажатлари ҳамда ўқитиш талаб ва шартлари олинди, барча зарур ҳужжатлар тайёрланди ҳар бир малака оширувчига бир курс учун қилинадиган сарф харажат 120\$ни ташкил этади. Институтларнинг талаблари асосида шартномалар тузилди ва экспертизага берилди. Шартномада кўрсатилган миқдордаги маблағ жамғарма томонидаг жўнатилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 19.11.03 йилдаги "Масофавий ўқитиш курсларини яратиш технологиялари ва унинг услубий асосларини ўрганишни ташкил этиш ҳақида"ги 287-сонли буйруғига асосан ўқишни 17 ноябрдан - 17 декабргача ўтказди. Курсда 20 профессор-ўқитувчи таҳсил олди. Курсни муваффақиятли тугатган профессор - ўқитувчилар Россиянинг сертификатига муяссар бўлдилар.

Россиянинг юқорида эслатилган курсларини кейинги гуруҳлари 2003 йил 23 декабрдан 2004 йилнинг 23 январигача ўқишни бошлаб юбордилар ҳозирги кунда республиканинг олий таълим муассасаларининг 40 нафар профессор-ўқитувчилари таҳсил олмоқдалар. Улар уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхоналар билан таъминланганлар. Ушбу гуруҳ тингловчилари асосан ахборот технологиялари марказларининг бошлиқлари ва информатика ўқитувчиларидан иборат. Тинглов-

кадрларнинг компьютер саводхонлигига эришишни таъминлашга қаратилган (вазирликнинг 2003 йил 5 июндаги 133-сонли буйруғи) қайта тайёрлаб чиқиш курсларига жалб этиш режасини бажарилиши алоҳида назорат остига олинсин ва бу бўйича масъул шахс белгилансин. Ушбу борадаги 2003 йил ва 2004 йил режалари вазирликнинг ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармасига 2003 йил 25 октябргача етказилсин.

чиларнинг бир гуруҳи "Масофавий ўқитиш курсларини яратиш технологияси ва методикаси", иккинчи гуруҳи "Масофавий ўқитиш методикаси" курсларини ўқишмоқдалар. Тингловчиларнинг ҳаммаси тарқатма материаллар билан таъминланганлар. Шу йилнинг 15 сентябрда Исроилнинг "e-teacher" компанияси билан жамғарма ўртасида 55 минутлик дарс ташкил этилди. Жамғарманинг масофавий ўқитиш маркази ва Исроилнинг "e-teacher" компаниясининг интернет орқали ўтказилган текшириб кўрилувчи дарси ўз ичига тайёргарлик (15 минут), маъруза (15 минут) ва дискуссия (25 минут) босқичларини олди. Бунда олий ўқув юртига қиравчиларга математика дарсларини интерфозол методлар билан ўқитиш методикаси намойиш этилди.

Ҳозирги кунда Лондон университети билан ON-LINE 10 ҳафталик ва 4 ҳафталик масофавий ўқитиш курсларини уюштириш устида иш олиб боришмоқда. Ушбу курсларни ташкил этиш бўйича Британиянинг British Council ёрдам бериши ҳақида учрашув ўтказилди.

Навбатда қилинган изланишлар натижасида бизнесни бошқариш мутахассислигида магистрлар тайёрлаш бўйича Буюк Британиянинг Херриотт - ВАТТ университети қошидаги Эдинбург Бизнес мактабининг рейтинг аниқланди. Унинг рейтинг эслатилган соҳа бўйича ер юзида биринчи йигирмаликда иккинчи ўринда эканлиги аниқланди. Масофавий ўқитиш орқали бизнесни бошқариш мутахассислигида магистрлар тайёрлаш бўйича топилган университет Буюк Британиянинг Херриотт - ВАТТ университети қошидаги Эдинбург Бизнес мактабининг магистратура дастури бўлди. Бу мактабининг талаби бўйича магистратурада ўқиш 3 йилни ташкил этади. Лекин имкониятга эга бўлган талаба уни тезлаштириши мумкин. Дарсларнинг бошланиши ихтиёрий вақтни ташкил этади. Магистрант ҳаммаси бўлиб 9 та фан ўқиши керак. Улардан 7 таси мажбурий ва 2 таси талабанинг танлови асосида ўқитилади, ҳар семестрда иккита фан ўқилиши ва тугатилиши керак. Агар талаба бир семестр мобайнида қўшимча 1 та фанни ўқишни танласа, у ҳолда тўланадиган маблағларини 15% га

қисқартрилиш имконияти мавжуд. Сарфланадиган маблағ ҳамма фанлар ва дитлом учун тахминан 11.833 \$ни ташкил этади. Ҳозирги кунда барча ёзишмалар тугади. Шартномада мўлжалланган зарур маблағ уларнинг ҳисоб рақамига тушгандан сўнг ўқитишни бошлаш мумкин.

Россиянинг Ахборот технологиялари Интернет университети аниқланиши яхши натижаларга олиб келди. Жумладан, бепулга ўқитиладиган ахборот технологияларига тегишли 13 та курс топилди. Ушбу курсларда ёш педагог ва илмий ходимларни ўқитишга бошланди. Илк бор тингловчилар Низомий номли ТДПУнинг "Информатика ва ўқитишнинг техник воситалари" кафедрасининг ўқитувчиларидан А.Саратовская, О.Ли, Л.Шаймулина ҳамда Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ аспиранти Т.Бадалхўжаевлар бўлишди. Уларнинг ҳар бири иккитадан курсларни тугатиб, Россиянинг ахборот технологиялари Интернет Университетининг сертификатларига эга бўлдилар.

Жамғармада масофавий ўқитиш бўйича қилинган ишлар бўйича оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишлари олиб борилди. Жумладан, Масофавий ўқитиш маркази директори, профессор А.А. Абдуқодировнинг "Учитель Узбекистана" газетасининг 21 ноябр 47(14856)-сонда "Диплом по Интернету" номли мақоласи чоп этилди. "Маърифат" газетасининг 3 декабр 2003 йилдаги 96(7601)-сонда, А.А.Абдуқодировнинг газета муҳбири Х.Туйманова билан "Ўзбекистонда

туриб, Буюк Британияда ёхуд Россияда малака ошириш имконияти яратилди" мавзусидаги, 2003 йилнинг 6 декабрида эса, "Ватандошлар" радиоси муҳбири билан суҳбатлари ташкил этилди. 2003 йилнинг 11 декабрида Ўзбекистон телевидениясининг "Пойтахт" кўрсатувида (Ўзбек ва рус тилларда) Россия курсларининг бориши ҳақида 2 минутлик эшиттириш ташкил этилди. Шулардан келиб чиқиб Ҳайъат йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармасида турли курсларни масофавий ўқитиш бўйича олиб бораётган дастури тўғрисидаги жамғарма ижрочи директори А.Х. Пардаевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

...3. 2004 йил 2 январидан эътиборан ёш истеъодли илмий ва педагогик кадрларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармаси орқали чет элларда (масофадан туриб ва анъанавий) малакасини ошириш ҳамда масофавий ўқитиш курсларига гуруҳларни шакллантириш ва ташкил этиш учун доимий алоқа ўрнатиб туришга олий ўқув юртларининг илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректорлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб кўйилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёналарига тадбиқ этиш ва олий таълим муассасаларида дастурий маҳсулотлар яратишни ривожлантириш борасида таянч олий таълим муассасалари ТАТУ ва ЎзМУнинг тажрибалари ҳақидаги 24 феврал 2004 йил 2/3-сонли

ҚАРОРИ

...4. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бош қармаси (А.Абдуллаев)га:

ОТМларидаги фаол иш олиб бораётган ва юқори натижаларга эришган ижодий гуруҳларнинг раҳбарлари ва алоҳида ажралиб турувчи ижтисодчи дастурчи талабалари хорижий, айниқса

компьютерда дастурлаш соҳасида юқори нуфузга эришган Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Сингапур ва шу каби давлатларда малака ошириш курсларига юбориш учун тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилиши бўйича назорат вазирнинг ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Олий таълим муассасалари педагоглари ва мутахассисларини ахборот - коммуникация технологиялари бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш ҳақидаги

2003 йил 5 июн 133-сонли

БҮЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги 2002 йил 30 майдаги ПФ 3080-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил 6 июндаги 200-сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Дастур асосида, олий таълим муассасалари педагоглари ва мута-

хассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ижросини таъминлаш мақсадида

БҮЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари педагоглари ва мутахассисларини 2003 йилда ахборот коммуникация йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалари (1- ва 2-иловалар) тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:
2.1. 2003 йил 1 июндан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва мута-

хассисларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича курсларида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш 1- ва 2- иловаларга мувофиқ ташкил этиш юклатилсин;

2.2. Бу соҳада таянч олий маълумотга эга бўлмаган барча профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар ахборот-коммуникация технологиялари бўйича қайта тайёрлашдан ўтишлари шарт деб белгилансин;

3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (Шибаршова Л.И)га:

3.1. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари (Шарапов Ш.Ш, Охунова Г.Н, Абдурахимов С.А, Шамсутдинов Ф.Ш) ва таркибида қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ва факультетлари мавжуд олий ўқув юртли раҳбарлари билан биргаликда Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича қайта тайёрлаш (576 соатли-4 ой) ва малака ошириш (144 соатли-1 ой) ўқув режа ва дастурлари лойиҳаси 2003 йил 1 июн-гача ишлаб чиқилсин;

3.2. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув режаси ва дастурлари Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тасдиқидан ўтказиш учун топширилсин;

4. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари ва таркибида қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ва факультетлари мавжуд олий ўқув юртли раҳбарларига:

4.1. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш буюртмачи (олий таълим муассасаси) ва бажарувчи (қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассаса-

си) ўртасида тузилган шартномалар асосида амалга оширилсин. ўқитишни ташкил қилишда 2+2, 1+3 ва 3+1 схемалар кенг қўлланилсин;

4.2. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тингловчилар билан машғулотлар ўтказишда:

- фақат илмий даража ва унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчи ва мутахассислар жалб этиш зарурлиги белгилансин;

- Дунё тажрибаси (интернет орқали) кенг ўрганилсин;

- Тарқатма материаллар сифатли тайёрлансин ва 1 ой илгари тингловчиларга етказилсин;

- Масофавий ўқитиш бўйича фаолият кўрсатётган ахборот порталлари ва учун Web-сайтлар рўйхати аниқлансин ва тингловчиларга тарқатилсин.

4.3. Малака ошириш натижасида битирув ёзма иши ва иккита имтиҳон ўтказилсин: 1) Маъруза матни бўйича ; 2) Малака ошириш курси бўйича.

5. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (Саидов М.)га: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича қайта тайёрлашга юборилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар тегишли маблағлардан қопланишини назарда тутсин.

6. Кадрлар, илм - фан ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Раимов Х)га:

6.1. Олий таълим муассасалари педагоглари ва мутахассисларини 2003 йилда ахборот-коммуникация йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалари (3-4-иловалар) бажарилиши назорати юклатилсин;

Таълим сифат кўрсаткичлари ва педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари ҳақидаги 2003 йил 3 июл 6/2сонли

ҚАРОРИ

7. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазири уринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

...Сифатни таъминловчи асосий компонента равишда педагогларнинг малакаси ва салоҳияти катта аҳамиятга эга. Бундай педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда юқорида келтирилган сифат кўрсаткичларига эришиш, маъсулиятни ўз зиммасига ола биладиган, қобилиятли ҳамда қатъиятли кадрларни раҳбарлик даражаларига тайёрлаш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

о педагог кадрлар фаолиятининг бутун давомида рақобат муҳити ва конкур асосида ишга олиш таъминланиши;

о бутун фаолияти давомида педагог илмий-тадқиқот ишларида фаол иштирок этиши;

о узлуксиз равишда ўз устида ишлаши (малакасини ошириши, мустақил таълим олиши ва б.);

о зарурат туғилганда тез ва сифатли қайта тайёрланиши;

о замонавий педагогик технологияларни (ўқитишнинг интерактив усуллари, танқидий фикрлаш ва б.) ўзлаштириши;

о шахсий сифатлари (таълим бериш, тарбиялай олиш, билимларни баҳолай олиш ва б.)ни ривожлантириши;

о тез ўзгарувчан иқтисодий-ижтимоий шароитда ўз ўрнини топа олиши;

о қайта тайёрлаш ва малака оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиб, масофавий таълим олишни кенг қўллаш.

...Таълим сифатини самарали бошқариш ва педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш ҳамда қайта тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

3. Олий ўқув юртли ректорларига:

- педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга давлат бюджетидан ташқари маблағларни жалб этиш мақсадида ҳудудий маҳаллий ва манфаатдор ташкилотлар, корхона ва идоралар грантларини таъсис этиш ва уларнинг инвестицияларини таълимга жалб қилиш масалаларини васийлик кенгашларида муҳокама этиш ва амалий чоралар амалга ошириш топширилсин.

**"Малака ошириш жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги
2003 йил 5 сентябр 223-сонли
БУЙРУҒИ**

Янги 2003/2004 ўқув йилида малака ошириш жараёнини ривожлан тириш, унинг ўқув-услубий таъминотини мукаммаллаштириш, вазирлик Кореядан олиб келган ва барча малака ошириш таълим муассасаларига тарқатилган компютерлардан ўқув жараёнида унумли фойдаланиш, чет элларда олинган тажрибаларни оммалаштириш ҳамда Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари атестацияси бошқармаси томонидан 2003 йил 11 августда 84-01-439 хат билан малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги ҳамда педагог кадрлар касбий маҳоратини ошириш бўйича таклифларида тавсия этилган ташкилий масалаларни фаолиятта жорий этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий ўқув юртлири ректорларига:

1.1. Янги ўқув йили давомида таълимда кредит технологиялари асосларини ҳамда Болония конференцияси материалларини малака ошириш таълим муассасалари базасида ўрганиш бўйича профессор-ўқитувчилар учун махсус курслар ташкил қилиш ва тингловчилар учун малака ошириш ўқув режаларига мавзу киритиш;

1.2. Хорижда малака ошириб қайтган профессор-ўқитувчилар олган билим ва кўникмалари ҳамда орттирган тажрибаларини оммалаштириш мақсадида уларнинг ўз фани ёки мутахассислик йўналишлари бўйича махсус маърузалар матилари тайёрлашлари ва 1-илова "2003 йил январь-август ойларида хорижда малака ошириб қайтган олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчиларини малака ошириш таълим муассасаларига дарс беришга жалб этиш жадвали"да кўрсатилган малака ошириш таълим муассасалари ва муддатларда дарс бериш вазифалари белгилаб қўйилсин.

2. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э. Имомов) га:

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлаштириш институтининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 400-сонли қарори асосида амалга оширилаётган ишлар таҳлили тўғрисидаги 2003 йил 3 сентябр 8/3 сонли

ҚАРОИ

5. ОТМ ректорларига:

5.1. УМКХТРИнинг МОФ билан Республикамиз ОТМлари қошидаги МОФлар билан мувофиқлаштириш ишларини жонлантиришга амалий ёрдам бериш юклатилсин.

5.2. Барча ОТМ лари қошидаги МОФларида таълим жараёнини халқаро тажрибалар асосида семинар-тренинглар шаклида ташкил қилиш тезлаштирилсин ҳамда ўқув дастурларини модулли тизимга ўтказиш ишлари кучайтирилсин.

5.3. Барча ОТМ лари МОФларида кутубхоналар ишнини янги талаблар ва инфорацион тех-

- жорий йилнинг ноябрига кадар кредит технологияларини ўрганишга оид ўқув-услубий кўрсатма ва тавсияномалар ишлаб чиқиш ҳамда малака ошириш таълим муассасалари ўқув режаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифалари юклатилсин.

3. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўқув-услубий жараёнларни такомиллаштириш, тегишли фанларни ўқитишнинг ягона услубий асосларини мувофиқлаштириш, улар бўйича маърузалар матилари яратиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш, янги фанлар бўйича ўқув-услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш, малака ошириш ўқув-услубий жараёнларига оид меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш каби вазифаларни бажариш бўйича жамоатчилик асосида ўқув-услубий кенгаши таркиби 2-иловада тасдиқлансин.

4. Кадрлар, илм-фан, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Х. Раимов)га:

4.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 июл мажлиси баёни 6-бандида белгиланган вазифаларни вазирлик билан ҳамкорликда бажариш мақсадида Давлат тест марказининг таклифлари жамоатчилик асосида ташкил қилинган ўқув-услубий кенгаш томонидан атрофлича ўрганишни таъминлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

4.2. 2004 йилнинг 1-январидан барча малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида кредит технологияларини ўрганиш бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиниши устидан назорат ўрнатсин.

4.3. Хорижда малака ошириб қайтган профессор-ўқитувчиларининг маъруза матилари билан кўрсатилган муддатларда тегишли малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида сифатли дарс ўтишларини назоратга олсин.

5. Маъжур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

нология воситалари асосида ташкил қилиш, ўқув адабиётларни электрон версиялар билан бойитиш, янги адабиётларни "Интернет" орқали олиш учун шароит яратилсин.

5.4. Республикамиздаги 39 та малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетларини компютер занжирини бир-бирига улаш 1 ой муддатда амалга оширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилиши назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Ж. Хусанов ва вазирнинг ўринбосари Ш.А.Аюповга юклатилсин.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатиш курсларини ташкил этиш тўғрисидаги 2003 йил 18 сентябр 232 сонли БУЙРУҒИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 июндаги 304-сонли, 1996 йил 19 мартдаги 104-сонли қарорларига илова қилинган "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишни таъминлаш юзасидан қабул қилинган давлат дастурини бажариш мақсадида ҳамда 2006 йилдан бошлаб таълимнинг барча турларида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг тўла жорий этилиши муносабати билан олий таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг лотин имлосида ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, дарё бериш ва иш юритиш намуналарини тайёрлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

3. Олий таълим муассасаларининг ректорларига:

3.1. Малака ошириш институтлари, факультетлари, марказлари қошида баъча профессор-

ўқитувчилар учун 2003-2004 ўқув йили давомида лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатиш мақсадли курслари ташкил этилсин.

3.2. Ташкил этилган курсларда асосий штатдаги ходимларни бепул ўқитиш ва харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплашга рухсат берилсин.

3.3. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ва имлосини ўргатиш мақсадли курслари ёзма битирув имтихон олиш билан якунлансин ва курсни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга сертификат бериш ташкил этилсин.

3.4. Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини ўргатиш бўйича жалб қилинган педагогларга соатбай иш ҳақи тўлаш учун таълим муассасалари бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

...5. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябр 400-сон қарорининг малака ошириш масканларида бажарилиши таҳлили ва янги шакллариининг самараси ҳамда "Педагогик кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари" дастурини амалга ошириш ҳақидаги 2003 йил 10 октябр 9/5 сонли ҚАРОРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябр 400-сон қарори ҳамда вазирликнинг "Педагогик кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари" дастури вазифаларини бажариш асосида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, муҳандис-педагоглари малакасини ошириш жараёнининг такомиллаштириш мақсадида вазирлик Хайъати мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

3. Олий ўқув юрглари ректорларига:

ҳузурида ёки таркибида фаолият кўрсатаётган малака ошириш таълим муассасаларига вазирлик томонидан тарқатилган компьютер синфларининг академик лицей, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, муҳандис-педагоглари малакасини оширишда самарали ишлатилишини таъминлаш.

академик лицей, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, муҳандис-педагоглари малакасини оширишга тажрибали педагоглар, олимлар ва

мутахассисларни жалб этиш, амалий машғулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш билан алоқаларни кенгайтириш:

ҳар бир малака оширишга келган педагог муҳандис-педагогни зарурий ўқув материаллари: муҳобама ва тавсия этилган маърузалар матнлари; зарурий тарқатма материаллар; интернет янгиликларини кўпайтириш ва тингловчиларга тарқатиш вазифалари юклатилсин.

5. Кадрлар, илм-фан, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Х.Раимов)га:

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябр 400-сон қарори ҳамда вазирликнинг "Педагогик кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари" академик лицей, касб-ҳунар коллежлари педагоглари, муҳандис-педагоглари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича белгиланган вазифаларни барча малака ошириш таълим муассасаларида тўла бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

"Қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 2003 йил 24 октябр 261 сонли БУЙРУҒИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 сентябрдаги №408-соли қарорини ижроси ҳақида

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "қурилиш соҳасида менежерларни қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини эълон қиламан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг ҚАРОРИ "22" сентябр 2003 й.
Тошкент ш. 40

Қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда қурилиш соҳасидаги раҳбар кадрларни (менежерларни) қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузурида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Бозор шароитларида қурилиш жараёнини бошқариш талабларини, объектларни қуришда ишларни бажаришни ташкил этиш ва унинг технологиясида халқаро ва ватанимизда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш, қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув жараёнининг методик ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш;

Ўқитишни менежмент ва маркетингнинг замонавий методлари билан, республика вазирликлари ва идораларининг, шунингдек чет мамлакатларининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда ташкил қилиш асосида ўқитиш методлари ва усулларини мунтазам равишда такомиллаштириш;

Қурилиш соҳасида тадқиқот ва тажриба - эксперимент ишларини бажариш, менежерлардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш, қонун ҳужжатларига мувофиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

3. Белгилаб кўйилсинки:

Қурилиш соҳасида ўқитишнинг кундузги шакли бўйича менежерларни қайта тайёрлаш пудрат қурилиш ташкилотларининг ва қурилиш индустрияси корхоналарининг (слий маълумотга, ҳамда мутахассислиги бўйича камида 3 йил стажига эга бўлган раҳбарларнинг олти ой муддат билан ўқитган ва белгиланган намунадаги тегишли сертификат берган ҳолда амалга оши-

рилади;

Қурилиш соҳасида бошқарувнинг барча даражаларидаги менежерлар малакасини ошириш сертификат берган ҳолда уч ойгача муддатда амалга оширилади;

Таълим олувчиларни Марказга қабул қилиш қурилиш ташкилотлари ва корхоналари буюртманомаларига биноан, шунингдек жисмоний шахсларнинг аризалари бўйича, суҳбат ўтказиш натижалари асосида амалга оширилади;

Шартнома асосида ўқитиш учун олинган ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасида Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда қурилиш соҳасидаги менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Маркази тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда, мамлакатимиз ва чет эл ўқув юрглари таълим тизимидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Тошкент архитектура-қурилиш институти 2004 йилда таъминлаш харажатлари сметаси таркибида Марказни асосланган ҳужжатлар асосида зарур ўқув ва лаборатория мол-мулки билан жиҳозлаш учун маблағларни назарда тутсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Марказни жойлаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Марказнинг Хомийлик кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармасига профессор-ўқитувчилар таркиби вакилларини ҳамда Марказнинг истеъдодли тингловчиларини малака ошириш ва тажриба орттириш учун етакчи хорижий таълим, илмий ва ўқув марказларига юборишда амалий ёрдам бериш ва қўмаклашиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 сентябрдаги №408-сонли "Қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш Марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БҮЮРАМАН:

1. Тошкент архитектура қурилиш институти қошида "қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш" Маркази очилсин.

2. "Қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш" Маркази директори этиб ТАҚИ малака ошириш маркази декани доц. У.Газиёв тасдиқлансин.

Олий таълим муассасалари тасарруфидаги малака ошириш институтлари, марказлари ва факультетларида ахборот технологиялари бўйича малака ошириш сифатини кўтариш мақсадида замонавий электрон дарсликлар ва маърузалар яратиш тизимларини жорий этиш тўғрисидаги

2003 йил 19 ноябр 286-сонли

БҮЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, таълим сифатини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида, хусусан масофавий ўқитишга ҳамда талабаларнинг мустақил таълим олишларига мўлжалланган мультимедияли электрон дарсликлар яратишни жаддалаштириш мақсадида

БҮЮРАМАН:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ахборот технологияларини таълимга тадбиқ этиш бўйича ташкил этилган эксперт гуруҳининг 2003 йил 28 октябрдаги 4/1-сонли баённомаси (1-илова) билан тавсия этилган, электрон дарсликлар ва маърузалар яратишнинг "LECTOR" тизими (2-илова) билан педагог кадрларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Тасарруфида малака ошириш институтлари, марказлари ва факультетлари бўлган Олий таълим муассасаларида 3-иловага мувофиқ 2003 йил 31 декабргача электрон дарсликлар ва маърузалар яратиш бўйича замонавий "LECTOR" тизими жорий этилсин.

3. Олий таълим муассасаларининг малака

3.1. "Марказ" тўғрисидаги низом (ўздавархитектқурилиш билан келишилган).

3.2. Ҳаражатлар сметаси;

3.3. Ўқув режаси (Ўздавархитектқурилиш билан келишилган ҳолда).

3.4. Марказ тингловчиларига берилган сертификат шакли;

3.5. Марказнинг ташкилий тузилмаси;

3.6. Марказнинг ҳомийлик кенгаши низоми;

4. Марказнинг устави ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

ошириш институтлари, марказлари ва факультетлари раҳбарларига:

3.1. 2004 йил январ ойидан бошлаб Малака ошириш ва қайта тайёрлашга жалб этилган педагог кадрлар режага кўра белгиланган ўқув жараёни даврида, "LECTOR" тизими орқали тегишли ўқув фани бўйича электрон дарсликлар ва маърузалар тайёрлашлари малака ошириш режасига киритилсин.

3.2. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш даврида тегишли фан бўйича тайёрланган электрон дарсликлар ва маърузалар мазкур ўқув фани ишчи дастурида қайд этилган ўқув материалларининг камиди 25%ини қамраб олган бўлиши лозимлиги ҳар бир малака оширувчи педагогга етказилсин.

3.3. "LECTOR" тизими асосида магистратура талабаларининг педагогик маҳоратларини шакллантириш мақсадида уларни мазкур тизимдан ўринли фойдаланишга жалб этилсин.

4. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев)га: "LECTOR" тизими билан тегишли таълим муассасаларининг таъминланиши ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйилиши алоҳида назоратга олинсин ва унинг натижалари бўйича вазирликнинг 2004 йил март ойидаги ҳайъат йиғилишида ҳисобот берилсин.

5. Буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

Фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес мактабларини ташкил этиш тўғрисидаги 2003 йил 25 декабр 322-сонли

ҚўШМА БҮЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли Фармонидан келиб чиқиб, фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактабларини ҳудудларда ташкил этиш, бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, бухгалтерия ҳисобкитоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи

корхоналар билан муносабатлар масалаларини қамраб олган ўқув дастурини ишлаб чиқиш мақсадида

БҮЮРАМИЗ:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактабларини ташкил этиш манзиллари

1-иловага, намунавий Низоми ва штат жадвали 2 ва 3-иловаларга, ўқув режаси ва дастури 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бизнес-мактабларни жойларда ташкил этиш юзасилан вилоятларга бириктирилган Ишчи гуруҳлари таркиби 6-иловага мувофиқ таъқуллансин.

Ишчи гуруҳлари бир ҳафта муддат ичида бизнес-мактаблари раҳбарлари, ўқув юртлари ўқитувчилари ва малакали мутахассислардан иборат лекторлар таркибини аниқласин.

3. Тошкент давлат аграр университети (Х.Бўриев), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари (Ф.Акназаров), Самарканд қишлоқ хўжалиги (А.Исмоилов) ва Андижон қишлоқ хўжалиги (Т.Худойбердиев) институтлари ректорлари зиммаларига бизнес-мактаблар учун танлаб олинган ўқитувчи-лекторларни махсус дастур асосида малакасини ошириш, уларни методик қўлланмалар билан таъминлаш вазифалари 7-иловага мувофиқ юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ва Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакилликлари маҳаллий ҳокимликлар билан келишган ҳолда бизнес-мактабларига фермерларни ўқитишга жалб қилишнинг 2004 йилга мўлжалланган жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Қуйидагилар белгилаб кўйилсин:

- ушбу буйруқнинг 1-илоvasида янгидан келтирилган бизнес-мактаблар тегишли ўқув юртининг бевосита таркибида ташкил этилади ва улар хўжалик ҳисобидан молиялаштирилади, олдин-

дан фаолият кўрсатиб келатган бизнес-мактаблар эса амалдаги тартиб асосида молиялаштирилади;

- бизнес-мактабида фермерларни малакасини ошириш уларнинг ўзлари ҳисобидан жойларда тасдиқланган смета-харажатларига мувофиқ пул ўтказиш ёки нақд тўлаш йўли билан ташкил этилади;

- бизнес-мактаб директори тааллуқли вилоят ва туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма ва бўлиmlари билан келишилган ҳолда тегишли ўқув юрти раҳбарининг буйруғи билан лавозимига тайинланади ва озод этилади;

- бизнес-мактабларида фермерларни малакасини ҳар уч йилда бир маротаба оширилади ва уларга ўқув курсларини тугатганлиги тўғрисида тегишли сертификат берилди;

- бизнес-мактаблари директорлари Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари орқали ҳар кварталда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ёзма ахборот бериб боради.

6. Бизнес-мактабларида фаолият кўрсатадиган ўқитувчиларни ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш учун хизмат сафарларига юбориш чораларини кўриш вазифаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси (Р.Ибрагимов), Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг инвестиция бўлими (М.Йўлдошев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ташқи алоқалар бошқармаси (Д.Расулев) га топширилсин.

7. Мазкур кўшма буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамизда қолдирамиз

Қўшма буйруққа 1 илова

Республика хуудларида фермерлар тайёрлаш ва кайта тайёрлаш буйича бизнес-мактабларни ташкил этиш манзиллари

Бизнес-мактаблар номи	Бизнес-мактабларга бириктирилган туманлар	Туманлардаги фермерлар сони
ҚС РАҚАЛШОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ		
Қорақалпоқ давлат университетининг амалдаги бизнес-мактаби	Нукус тумани Кегейли тумани Хужайли тумани Пахтақўпир тумани Қораузақ тумани Бўзатов тумани	435 253 388 258 433 57 Жами: 1824
Қорақалпоқ давлат университети амалдаги бизнес-мактабининг Тўрткул филиали	Тўрткул тумани Беруний тумани Эликкапыа тумани Амударё тумани	569 521 579 553 Жами: 2222
Нукус бизнес-мактаби (Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали қошида ташкил этилади)	Чимбой тумани Шуманай тумани Қондикул тумани Қўнғирот тумани Мўйноқ тумани	550 215 368 484 28 Жами: 1595
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ		
Андижон таянч бизнес-мактаби (Андижон қишлоқ хужайлик институти қошида ташкил этилади)	Андижон тумани Избоскан тумани Олтинкул тумани Пахтабод тумани Булоқбоши тумани Жалолқудуқ тумани Хўжабод тумани	134 31 79 426 94 312 192
1	2	3
	Қўрғонтепа тумани Шаҳрихон тумани	256 580 Жами: 2104
Андижон муҳандислик иқтисодийт институтининг амалдаги бизнес-мактаби	Балиқчи тумани Улутнор тумани Бўз тумани Асака тумани Мархамат тумани	527 411 196 12 222 Жами: 1368
БУХОРО ВИЛОЯТИ		
Бухоро давлат университетининг амалдаги бизнес-мактаби	Бухоро тумани Когон тумани Жондор тумани Қоровулбозор тумани Олот тумани Қорақул тумани	547 248 618 118 794 524 Жами: 3049

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ		
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг амалдаги бизнес-мактаби	Наманган тумани	315
	Косонсой тумани	198
	Уйчи тумани	203
	Турақурғон тумани	171
	Учқурғон тумани	329
	Норин тумани	279
	Жами:	1495
Наманган давлат университетининг амалдаги бизнес-мактаби	Янгиқурғон тумани	501
	Чортоқ тумани	104
	Поп тумани	432
	Чуст тумани	672
	Мингбулоқ тумани	316
	Жами:	2025
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ		
Самарқанд таянч бизнес-мактаби (Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошида ташкил этилади)	Самарқанд тумани	324
	Жомбой тумани	677
	Пастдарғом тумани	886
	Тойлоқ тумани	482
	Ургут тумани	381
	Булунгур тумани	1285
	Жами:	4035
Пайариқ бизнес-мактаби (Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилади)	Иштихон тумани	1084
	Қушработ тумани	362
	Оқдарё тумани	461
	Пайариқ тумани	1264
	Жами:	3171
1	2	3
Қаттақурғон бизнес-мактаби (Қаттақурғон «Қадан» қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилади)	Қаттақурғон тумани	366
	Нарпай тумани	366
	Пахтачи тумани	621
	Нуробод тумани	475
	Жами:	1828
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Гулистон давлат университетининг амалдаги бизнес-мактаби	Боёвут тумани	569
	Гулистон тумани	717
	Мирзаобод тумани	631
	Сирдарё тумани	752
	Сайхунобод тумани	781
	Жами:	3450
Оқолтин бизнес-мактаби (Оқолтин иқтисодиёт ва бизнес касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилади)	Оқолтин тумани	828
	Шароф Рашидов тумани	751
	Ховос тумани	295
	Меҳнатобод тумани	671
	Янгиер шаҳри	17
	Жами:	2572

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ		
Термиз давлат университетининг амалдаги бизнес-мактаби	Термиз тумани	141
	Ангор тумани	206
	Жарқурғон тумани	35
	Қизирик тумани	25
	Қумқурғон тумани	191
	Бандихон тумани	24
	Музрабод тумани	144
	Шеробод тумани	235
	Бойсун тумани	77
		Жами: 971
Денов бизнес-мактаби (Денов қишлоқ хужалик касб-хунар коллежи қошида ташкил этилади)	Денов тумани	103
	Олтинсой тумани	116
	Сариосиё тумани	246
	Узун тумани	541
	Шурчи тумани	191
		Жами: 1197
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		
Тошкент таянч бизнес-мактаби (Тошкент давлат аграр университети қошида ташкил этилади)	Қибрай тумани	189
	Юқоричирчиқ тумани	749
	Тошкент тумани	66
	Зангиота тумани	83
	Бустонлик тумани	281
	Янгийул тумани	612
	Куйичирчиқ тумани	310
		Жами: 2290
Тошкент бизнес-мактаби (Тошкент ирригация ва қишлоқ хужалигини механизациялаш мухандислари институти қошида ташкил этилади)	Бука тумани	578
	Бекобод тумани	408
	Оққурғон тумани	354
	Пекент тумани	1043
		Жами: 2383
1	2	3
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг амалдаги бизнес мактаби	Чиноз тумани	473
	Урта Чирчиқ тумани	278
	Охангоран тумани	546
	Паркент тумани	541
		Жами: 1838
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ		
Фарғона политехника институтининг амалдаги бизнес мактаби	Фарғона тумани	240
	Охунбобоев тумани	668
	Тошлоқ тумани	315
	Фарғона шаҳри	322
	Ёзёвон тумани	960
		Жами: 2505
Фарғона давлат университетининг Амалдаги бизнес-мактаби	Қува тумани	432
	Қувасой шаҳри	322
	Бовдод тумани	456
	Бувайда тумани	252
	Риштон тумани	314
	Олтиариқ тумани	335
		Жами: 2111

Қўқон бизнес-мактаби (Қўқон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи қошида ташкил этилади)	Дангара тумани	634
	Учкуйрик тумани	325
	Фуркат тумани	572
	Бешарик тумани	570
	Ўзбекистон тумани	325
	Сух тумани	142
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ		Жами: 2568
Урганч давлат университетининг амалдаги бизнес мактаби	Урганч тумани	767
	Хонка тумани	271
	Гурлан тумани	831
	Шовот тумани	453
	Хива тумани	632
	Қушқўпир тумани	775
Янгибозор тумани	1084	
Жами: 3410		
Тошкент давлат иқтисодиёт университети амалдаги бизнес-мактабининг Хива филиали	Хива тумани	632
	Қушқўпир тумани	775
	Богов тумани	323
	Янгиарик тумани	555
	Хозорасп тумани	601
Жами: 2886		

Қўшма буйруққа 2-илова

Фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес мактабининг НИЗОМИ

1. Умумий тушунчалар

1.1. Фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бизнес-мактаби (кейинги матнларда бизнес-мактаб деб, юритилади) бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, менежмент ва маркетинг асослари, хўжаликни юритишнинг ҳуқуқий асослари, молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сугурта, банк ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномавий муносабатлар ҳамда замонавий агротехнология масалалари бўйича фермерларга етарли даражада билим ва кўникмалар берадиган ўқув муассасасидир.

1.2. Бизнес-мактаб ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Талбиркорлик ва талбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг Ҳайъат қарорлари, буйруқлари ҳамда ушбу Низом асосида ташкил этилади ва олиб боради.

1.3. Бизнес-мактаб ташкилий жиҳатдан мос даражадаги касб-хунар ўқув юрти учун кўзда тутилган амалдаги барча имтиёزلарга эга бўлади.

1.4. Бизнес-мактаб юридик шахс мақомига эга

булиб, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига ҳамда давлат рамзи туширилган ва ўз номи лотин алифбосида ёзилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчакли тамгасига эга бўлади.

II. Бизнес-мактабининг мақсади ва вазифалари

2.1. Бизнес-мактабининг мақсади амалда фаолият кўрсатаётган ҳамда янгидан ташкил этилаётган фермерларга аграр соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинаётган меъёрий-услубий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини, фермер хўжалиklarини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни олиб бориш ва бошқариш, бухгалтерия ҳисоби, сугурта, банклар ва хизмат қилувчи корхона ва ташкилотлар билан ишлаш ҳамда талбиркорлик фаолиятини олиб боришни ўргатиш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда илғор агротехнологиялар ҳамда хорижий мамлакатлардаги фермерларнинг илғор иш тажрибалари, ер, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишнинг самарали усуллари билан таништириш.

2.2. Бизнес-мактаб вазифалари ва фаолият йўналишларига қуйидагилар хилади:

- тегишли тартибда тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари асосида талбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган малакали фермерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- фермер хўжаликларига, қишлоқдаги тадбиркорлик корхоналарига, фирмалар ва ташкилотларга бизнесни ташкил қилиш бўйича консултатив хизмат кўрсатиш;

- жойлардаги инфратузилмалар талабларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги йўналишида кичик бизнес ва хусусий корхоналар учун ишчи касби берувчи қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш; бизнес-мактаб ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда восита бўлиб хизмат қилувчи, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишга ҳақлидир.

III. Ўқув жараёни

3.1. Бизнес-мактабда ўқитиш, тегишли тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув режалари асосида амалга оширилади.

3.2. Бизнес-мактаб ўқув курсини тўлиқ ўзлаштирган ва якуний-ижобий баҳоланган тингловчиларга белгиланган шаклдаги сертификат берилади.

IV. Бизнес мактаб тингловчилар

4.1. Бизнес-мактабларига тингловчилар Қорақалпоғистон Республикаси ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилликлари томонидан ишлаб чиқилган ва тегишли тартибда тасдиқланган график асосида муддатли малака ошириш курсларига жалб этилади.

4.2. Тингловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бизнес-мактабнинг моддий-техника базасидан фойдаланиш;

- бизнес-мактабнинг ўқув жараёнини ҳамда ўқитувчилар таркибини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

4.3. Тингловчилар мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ахлоқ ва этика нормаларини сақлаш, бизнес-мактабнинг Низоми ва ички тартибларига амал қилиш;

- фанлар бўйича билимларни қунт билан чуқур эгаллаш, ўз қобилиятини ривожлантириш, билимларини мустақил ошириш ва уни амалда қўллаш йўлларини ўрганиш.

V. Бизнес-мактабнинг педагогик кадрлари

5.1. Бизнес-мактабларига вазирлик ва идораларнинг раҳбар вামутахассислари, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларининг профессор-ўқитувчилари, олимлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг соҳаларида катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ўқув жараёнига соатбай ўқитувчи сифатида жалб этилади.

Бизнес-мактаб педагогларига, Ўзбекистон

Республикаси қонунчилиги томонидан ўхшаш ўқув муассасалари педагоглари учун белгиланган барча имтиёзлар қўлланилади.

5.2. Бизнес-мактаб педагоглари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- дарс ўтиш шакллари, ўқитиш воситалари ва усули ҳамда тингловчиларни тарбиялаш йўлларини мустақил танлаш;

- бизнес-мактаб фаолиятига оид муҳим масалаларни ҳал қилишда қатнашиш;

- ўқув-тарбиявий ва методик ишларни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.

5.3. Бизнес-мактаб педагоглари мажбуриятлари:

- ўқув-методик ишларни юқори профессионал даражада олиб бориш ва таълим мазмунини такомиллаштириб боришда фаол иштирок этиш;

- педагогик ишни юқори савияда ташкил этиш ва юқори маданиятни таъминлаш, тингловчилар томонидан ўқув материалларини сифатли ўзлаштирилиши учун жавобгарлик;

- назарий билими даражаси, педагогик маҳорати ва касбий малакасини доимий ошириб бориш.

5.4. Ушбу Низомнинг 5.1 банди талаблари асосида педагогик ишларга жалб қилинганларнинг соатбай иш ҳақлари олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иш ҳақи ставкалари даражасида сақланиб қолади.

VI. Бизнес-мактабни бошқариш

6.1. Бизнес-мактабни бошқариш коллегиял ва якка бошчилик принциплари асосида амалга оширилади. Бизнес-мактаб директори тааллуқли вилоят ва туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқарма ва бўлимлари билан келишилган ҳолда тегишли ўқув юрти раҳбарининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва озод этилади;

Директорлик лавозимига олий маълумотли, камида 5 йил қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш стажига эга бўлган, педагогик лаёқатига эга раҳбар кадр тайинланади.

Директор бизнес-мактабнинг барча фаолиятига раҳбарлик қилади, ўқув тарбиявий жараёни ташкил этади, уни амалга оширилишини назорат қилади ҳамда бизнес-мактаб ишини самарали ва сифатли бошқарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

6.2. Барча-бизнес мактаблари учун ягона ўқув режалари ва дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва улар билан таъминлаш учун таянч олий ўқув юрти сифатида Тошкент давлат аграр университетининг қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларини тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш марказида тегишли вазирликлар вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-

ўқитувчилари, ишлаб чиқаришда катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассислардан иборат педагогик- услубий кенгаш тузилади.

VII. Бизнес-мактабни молиялаштириш ва моддий техника базаси

7.1. Янгидан ташкил этиладиган бизнес-мактаблар тегишли ўқув юртининг бевосита таркибда ташкил этилади ва улар хўжалик ҳисобидан молиялаштирилади, олдиндан фаолият кўрсатиб келаётган бизнес-мактаблар эса амалдаги тартиб асосида молиялаштирилади.

7.2. Бизнес-мактабнинг маблағларини қуйидагилар ташкил этади:

- фермерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни уларнинг маблағлари ҳисобидан шартнома асосида ташкил этишдан

тушган маблағлар;

- ўрнатилган тартибда ажратиладиган ва тўланадиган банк кредитлари;

- бизнес-мактаб томонидан ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа хўжалик ҳисобидаги фаолияти маблағлари;

- мулкый шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалардан, жамоа ташкилотлари, хўжаликлар, ҳокимиятлар ва хусусий шахслардан ихтиёрий ўтказилган тушумлар.

VIII. Тугатиш ва қайта ташкил этиш

Бизнес-мактабни тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

2004 йилда факултетлар деканлари фаолиятини янада мукамаллаштиришга бағишланган семинарлар ҳақидаги 2003 йил 26 декабр 328 сонли БУЙРУҒИ

Олий таълим муассасалари деканлари учун 2002 йилнинг январ ойида бoшлaб тaшкил қилинaтгaн семинарлар ижобий нaтижaлар бермoқдa. Дaстлaбки пaйтлaрдa фaкултeт декaнлaри учун Кaдрлaр тaйёрлaш Миллий дaстуридa белгилaнган вaзифaлaрнинг бaжaрилиши, сифaт бoсқичи дaвридa амaлгa oширилaдигaн ишлaр мaжмуaси ҳaқидa семинарлaр тaшкил қилинган бўлсa, ўтгaн, 2003 йилдa тaълим сифaтини кўтaришнинг aниқ йўллaри aсосидa фaолиятни янaдa ривoжлaнтириш мaсaлaлaри ўргaнилди. 11-тa йўнaлиш бўйичa ихтисoслaшгaн семинарлaрдa мaлaкa oшириш рaҳбaрлaри вa фaкултeтлaр декaнлaри ўзaro мулoқoтлaр, мунозaрaлaр олиб бoрдилaр, фикр aлмaшдилaр, тaжрибaлaрини ўртoқлaшдилaр. ҳaр бир семинардa кўрилгaн мaсaлaлaр бўйичa қилинган мaърузaлaр, кўшимчa тaрқaтгa мaтериaллaр, журналлaр вa бoшқa мaнбaлaрдaн oлингaн тaълимгa oид мaқoлaлaр, oлий тaълим муассaсaси вa фaкултeтлaр декaнлaри тaйёрлaгaн интернет янгиликлaри бaрчa oлий тaълим муассaсaлaрининг элeктрон пoчтaсигa мунтaзaм туширилди. Нaвбaтдaги вaзифa бaрчa фaкултeтлaр декaнлaри ҳaр бир семинаргa муaйян фaолият бўйичa ҳисoбот, тaклиф, янгиликлaр билaн кeлишини тaъминлaш мaқсaд қилиб белгилaнди. Шу aсосидa ҳaр бир декaннинг Кaдрлaр тaйёрлaш Миллий дaстурини тaлaблaри вa унинг сифaт бoсқичи вaзифaлaри aсосидa иш юритишигa ҳaмдa семинарлaргa oлдиндaн тaйёргaрлик кўриб кeлишлaригa эришиш мaқсaдидa

БУЙУРАМАН:

1. Вaзирликнинг 17 фeврaл 2003 йил 40-сон буйруғининг 1- бaнди; 4 - бaндининг 4.1 - 4.6 - бўлимлaри; 6 - бaндининг 6.2; 6.4 - 6.8 - бўлимлaри ижрoси 2004 йилдa тaъминлaнсин.

2. "2004 йилдa декaнлaр семинарлaридa вa-

зирлик вa oлий тaълим муассaсaсaлaри рaҳбaрлaрининг мaърузaлaр билaн қaтнaшиш жaдвaли вa семинар ўткaзиш мaнзиллaри" (1-иловa), "Олий тaълим муассaсaси фaкултeтлaри декaнлaрининг ихтисoслик вa турдош йўнaлишлaри бўйичa рaҳбaрлaри, рaҳбaр ўринбoсaрлaри, декaнлaр рўйхaти" (2 - иловa), "2004 - тaқвим йилидa oлий тaълим муассaсaлaрининг фaкултeтлaри декaнлaри семинарлaридa иштирок этувчилaр рўйхaти вa жaдвaли" (3 - иловa) тaсдиқлaнсин. Вaзирт вa зaрурaтдaн кeлиб чиқиб вaзирлик семинарлaр мудaвлaригa ўзгaртириш киритиши эътиборгa oлинсин.

3. Ихтисoслaшгaн семинарлaр ўткaзилaдигaн кунлaри (жумa) белгилaнган дaстур бўйичa мулoқoтлaр, мунозaрaлaр ўткaзиш билaн биргa Ўзбекистон фaнлaр aкaдeмияси, унинг тaрмoқ институтлaри вa лaборaтoриялaри, илмий-тaдқиқoт институтлaри, турдош вa бoшқa oлий тaълим муассaсaлaри кутубхoнaлaригa тaшрифлaр aмaлгa oшириш белгилaб кўйилсин.

4. Олий вa ўртa мaхсус мaктaб муaммoлaри институти (Б.Ҳ. Рaхимoв)гa:

4.1 Декaнлaрнинг aсосий семинарлaригa тaсдиқлaнган муддaтлaрдa директор, унинг ўринбoсaри вa бўлим бoшлиқлaригa тaълим сифaти, унгa тaъсир кўрсaтувчи oмиллaр, ўқув жaрaёни, унинг ўқув - услубий тaъминoти ҳaмдa декaнлик фaолиятини янaдa тaкoмиллaштиришгa бaғишлaнган aмaлий-нaзaрий мaърузaлaр тaйёрлaш;

4.2 Aсосий семинарлaргa тaсдиқлaнган мaвзу бўйичa фaкултeтлaр декaнлaригa тaрқaтиш учун хaлқaро интернет тaрмoғидaн oлингaн янгиликлaр, муaйян мaвзугa oид янги aдaбиётлaр рўйхaтини тузиш, зaрурaтдaн кeлиб чиқиб улaргa шaрҳ ёзиш;

4.3 2004 йилнинг 10 - янвaригa қaдaр ихтисoслaшгaн семинарлaрдa 2004 йилдa кўрилиши

лозим бўлган факултетлар фаолиятига оид асосий масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

5. Ихтисослашган семинарларга масъуллар (Р.Х. Муртазасва - ихтимойй йўналишлар ва филология; Ш. Отажонов - физика-математика ва кимё-биология; С.Файзуллаев - табиий фанлар; А.Қирғизбоев - педагогика, мусиқа ва амалий санъат; Н.Ортиқов; Х.Ақромов; Ҳ.Турсунов; А.Ваҳобов; Ф.Абдуллаев)га:

5.1 Ихтисослашган семинарларда Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълим ҳақида қарорлари, Вазирликнинг буйруқ ва кўрсатмаларини атрофлича ўрганиш, уларнинг муайян йўналиш бўйича бажарилишини таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

5.2 Факултетлар деканларининг илгор тажрибалари, алоҳида ютуқлари ихтисослашган семинарларда муҳокама натижаларига кўра, асосий семинар даражасида аҳамиятга молик маърузаларни тавсия этиш ҳамда таълим тизими ва унинг мазмунини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

5.3 Ташкил қилинган семинарларда факултетлар деканларининг даволатини махсус назорат дафтари орқали олиб бориш ҳамда ҳар бир семинар якунида маълумотни асосий семинар котибига етказиш;

5.4 Ихтисослашган семинарларда таълим сифатини янада кўтариш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, деканлар фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий мақолалар тайёрлаш, уларни республика, вилоят, олий таълим муассасалари газета ва журналларида мунтазам чоп этиш;

5.5 Муайян йўналиш бўйича яратилган янги дарсликлар, ўқув адабиётлари, тўлдирилган ва қайта кўриб чиқилган маъруза матнлари тақдироти ва кўргазмаларини ўтказиш;

5.6 Ихтисослашган семинарларда фаол иштирок этган ва ўз тажриба, ютуқлари ҳақида маърузалар тайёрлаган деканларни муносиб тақдирлаш бўйича таклифлар киритиш вазифалари юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Ш.А.Аюпов зиммасига юклатилсин.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Олий ва ўрта махсус таълим

26 декабр 2003 йил

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида" қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълимга оид қарорларини мукамал ўрганиш ва ижросини таъминлаш, тўғридан-тўғри ва бевосита ижрочилар фаолиятини ташкил қилиш, таълим соҳасидаги янгиликлар ва маълумотларни барчага тезкор етказиш, дунё ахборотларидан фойдаланишга эришиш, халқаро интернет тармоғига чиқиш ва илм-фан, таълим борасида эришилган ютуқларни дунёга ёйиш орқали мамлакатимиз салоҳиятини намойиш этиш, давлат раҳбарлари, таълимга оид масалалар бўйича мутасадди ходимлардан маълумотлар олиш, эришилган муваффақият ва тажрибаларни ўзаро ўртоқлашиш ва бошқа кўплаб ҳаётий масалаларга бағишланган семинарлар мавзулари:

АСОСИЙ СЕМИНАРЛАР МАВЗУЛАРИ

10 январь 2004 йил. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси методологик комиссиясининг талаба-ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга оид қарорлари ижроси ҳақида"

21 февраль 2004 йил. "Таълим сифатини кўтаришда замонавий таълим ва педагогик технологиялар - танқидий фикрлаш, интерфаол ва мустақил тайёргарлик тизими самарадорлиги ҳақида"

27 март 2004 йил. "Олий таълим муассасаси факултетларининг ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Фанлар академияси, чет эл олий таълим муассасалари ва олимлари билан алоқаларининг таъ-

лим сифатини кўтаришда ўрни ва аҳамияти ҳақида"

24 апрел 2004 йил. "Таълим жараёнига кредит технологияларини жорий этиш ва таълим ҳужжатларини тан олинисига эришиш мақсадида Европа таълим тизимининг асосий ривожланиш йўналишларини ўрганиш ҳақида"

22 май 2004 йил. "Янги ўқув йилига тайёргарлик ва факултетлар кафедраларида педагог кадрлар тайёрлашнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақида"

26 июн 2004 йил. "Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 4-сон "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида" қарори ва шунинг асосида Вазирликнинг 1999-2004 йилларда ўқитиладиган барча фанлардан ўқув адабиётларини тайёрлаш истиқболлари режасининг бажарилиши ҳақида"

24 июл 2004 йил "Олий таълим муассасаси ва факултетларида вазирликнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи ижросини таъминлаш мақсадида 2001-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режасининг бажарилиши ҳолати ҳақида"

21 август 2004 йил "Янги ўқув йилида олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида маънавий ва маърифий ишларни такомиллаш-тириш ва талаба-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг янги бо-сқичлари ҳақида"

18 сентябр 2004 йил. "Олий таълим муассасалари, уларнинг факултетларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш йўналишлари ва халқаро илм-фан майдонига чиқиш истиқболлари"

09 октябр 2004 йил. "Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябр 400-сон қароридан белгиланган олий таълим муассасаларининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида очган филиаллари ишини ташкил қилиш, ўқув адабиётлари тайёрлаш, илмий раҳбарлик, малака ошириш ва бошқа ҳамкорлик ишларини ривожлантириш ҳақида"

20 ноябр 2004 йил. "Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6-июн 200-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан факультетларда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида электрон дарсликлар, виртуал устахоналар тайёрлаш, компьютерлар ва халқаро интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш ҳақида"

18 декабр 2004 йил. "Факультетларда ва ўрта махсус, касб-хунар вилоят бошқармаларида профессор-ўқитувчилар ва педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сифати кўрсаткичлари ва режаси ҳақида"

ИХТИСОСЛАШГАН СЕМИНАРЛАР МАВЗУЛАРИ.

09 январ 2004 йил. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси методологик комиссиясининг 27 октябр 2003 йил мажлиси баённомасида белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинади. Тарбиянинг янги усуллари, шу соҳада факултет деканлари ва чет эл тажрибаси ҳақида маълумот тайёрланади. Маълумотнинг асосини шу йўналишда Президентимиз талаблари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва шу ҳужжатлар асосида вазирлик ҳамда олий таълим муассасаларида тасдиқланган чора-тадбирлар ташкил қилиши лозим. Ҳар бир факультет декани ўзининг аниқ режаси билан келиши керак. Муҳокама натижалари баённома кўринишида вазирликка тавсиялар билан топширилади.

20 феврал 2004 йил. Муайян фан ёки мутахассислик бўйича интерфаол ва танқидий фикрлаш усуллари ҳамда талабаларнинг мустақил тайёргарлигини ташкил қилиш ҳақида амалга оширилган чора-тадбирлари ҳақида фикр алмашилади. Факультетларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, истиқболли режалар асосида таълим сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади ва вазирликка тақдим этилади.

26 март 2004 йил. ҳар бир факультет декани таълим сифатини кўтариш бўйича ишлаб чиқариш, Фанлар академияси ва унинг жойлардаги филиаллари, шаҳобчалари, чет эл ҳамкасблари билан алоқаларининг самара кўрсаткичлари билан ўртоқлашади. Факультет деканлари ўзлари шахсан ёки интернет орқали ўрнатган алоқлари ҳақида маълумотлар тайёрлайди. Умумлаштирилган маълумот ҳамкорларнинг (чет эл таълим му-

ассасалари билан) интернетдаги манзиллари кўрсатилган ҳолда вазирликка топширилади.

23 апрел 2004 йил. Болония ва Германия конференциялари материалларини ўрганишнинг ҳолати ва муайян фан ёки мутахассислик бўйича таълим ҳужжатларини тан олиншига эришиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси муҳокама қилинади. Муайян фан ёки йўналиш бўйича таълимни ислоҳ қилиш ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар вазирликка тақдим этилади.

21 май 2004 йил. Янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича асосий вазифаларни белгилаш, кафедраларда профессор-ўқитувчилар таркибини ёшартириш, ёш педагогларни тарбиялаш, истиқболли режа бўйича магистрлар сафидан педагогик фаолиятини жалб этиш ва илмий ишлари мавзуларини тасдиқлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тажрибали педагогларга шогирд сифатида бириктириш ишлари ҳақида ўзаро мунозаралар ташкил қилинади. Ҳар бир семинар раҳбари янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича белгиланган вазифалар туркуми ва педагог кадрлар тайёрлаш бўйича тавсияларни асосий семинарда тақдим этади.

25 июн 2004 йил. ҳар бир фан ва йўналишлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражаси аниқланади. Магистрлар учун ўқув адабиётлари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади ва ҳисобот тайёрланади. Учтомонлама шартномаларнинг бажарилиш ҳолати баҳоланади. Янги фанлар бўйича ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий ҳужжатлар тайёрлаш ва уларнинг тарқатиш келишиб олинади. Маърузалар матнлари асосида тайёрланиши лозим бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалари рўйхати тасдиқланади. 2004 йил давомида вазирлик истиқболли режасининг бажарилиши баҳоланади. Муайян фанлар ва йўналишлар бўйича 1999-2003 йилларда режанинг бажарилиши ҳақида маълумот вазирликка семинар раҳбари томонидан тақдим этилади.

23 июл 2004 йил. Олий таълим муассасалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарларининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи - сифат босқичи вазифаларини бажаришга оид 1000та саволномада келтирилган 55 - банддан иборат истиқболли режа бандлари муҳокама қилинади. Муҳокама жараёнида (1000та саволномада) таълим сифатини ошириш бўйича 40-бўлимдан иборат саволлар туркуми ҳам ўрганилади. Шу асосида ҳар бир семинар раҳбари факультетларда қўйилган вазифаларнинг бажарилиши ҳолатини ифода этувчи ҳисобот топширади.

20 август 2004 йил. ҳар бир факультет декани янги ўқув йилига маънавий ишлар режасини тузади. Режа энг аввало мустақиллик руҳини, ватанпарварлик ҳиссиётини мустаҳкамлаш асосида тузилиши лозим. Шунинг билан бирга соф

инсоний фазилатлар тажрибаси мужасамлашган бандлар тарбиянинг асосини ташкил қилмоғи лозим. Шу асосида муайян йўналиш ва мутахассисликлар хусусиятларини ҳисобга олиб тузилган режа бу борада янгича ёндошиш тамойилларини рўёбга чиқаради. Муҳокама натижаси сифатида тарбиянинг янгича шаклларини ифода этган тавсиянома семинар раҳбари томонидан вазирликка тавсия кўринишида етказилади.

17 сентябр 2004 йил. Факультетлар деканлари ўзлари бошқараётган жамоада бажарилган давлат грантлари, хўжалик шартномалари асосида бажарилган ишлар, олий таълим муассасалари учун тасдиқланган мавзу ҳақида, илмий даражалар олиш учун тайёрланган ва ҳимоя қилинган диссертациялар, илмий рисола ва мақолалар, талабалар илмий изланишлари натижалари ҳақида маълумот тайёрлайдилар. Ўзaro муҳокамада жаҳон майдонига чиқариладиган илмий тадқиқотлар натижаларини белгилайдилар. Муайян таълим йўналиши бўйича илмий - тадқиқот ишлари мавзуларини тасдиқлайдилар. Иқтидорли ва истеъдодли талабалар ҳақида фикр алмашадилар ва улар учун тавсиялар ишлаб чиқадиладар. Ушбу мавзу бўйича атрофлича тавсиялар билан тўлдирилган баённома вазирликка топширилади.

08 октябрь 2004 йил. ҳар бир факультет декани Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрь 400-сон қарориди педагог кадрлар тайёрлашнинг вазифаларини ўрганади. Шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларида амалга оширилган ишлари ҳисоботини тайёрлайди. Ҳисоботда кафедра филиалларида амалга оширилаётган педагогик-ташқилий фаолият бандма-банд ёритилади. Асосий эътибор факультет профессор-ўқитувчиларининг дарс беришлари, ўқув адабиётлари тайёрлашлари, илмий ишларга раҳбарлик қилишлари, педагогларга устозлик фаолиятларига қаратилади. Шунингдек, педагоглар малакасини ошириш, уларга маслаҳатлар (ёзма, оғзаки, касеталарда) ташкил қилишлар ҳам атрофлича ёритилади. Факультетда тайёрланган ёки четдан олинган адабиётларидан бир нусха тан бериш ҳақида вазирлик талабларига ҳам эътибор берилади. Ҳисоботлар таҳлили асосида тавсияларни ифода этган баённома ҳисоботлар билан вазирликка тақдим этилади.

19 ноябр 2004 йил. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6-июн 200-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан муайян факультетда амалга оширилган ишлар ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинади. Компютер синфлари имкониятларидан, интернет тармоғидан фойдаланиш кўрсаткичларига, ҳар бир профессор-ўқитувчиларнинг компютер саводхонлигига дарс жараёнида компютерлардан фойдаланишга, локал тармоқларнинг ишлашига, электрон ҳужжатлар юритили-

шига алоҳида эътибор қаратилади. Факультетларда компютерлар сони ва улар билан талабаларнинг таъминланганлик даражаси талабалар уйларида уларнинг сони, халқаро интернет тармоғига уланганлик ҳамда энг замонавийлари ҳақида маълумотлар семинарда атрофлича муҳокама қилинади ва тавсиялар вазирликка топширилади.

17 декабр 2004 йил. Факультетлар кафедраларида ва ўрта махсус, касб-хунар вилоят бошқармалари 2000-2004 йилларда режанинг бажарилиши бўйича маълумот тайёрланади ва атрофлича таҳлил қилинади. Таҳлил асосида малака оширган ёки қайта тайёрлашдан ўтган ҳар бир профессор-ўқитувчи, педагогнинг ҳисоботи, ҳуласаси ва таклифлари бўлиши керак. Малака ошириш жараёнини янада такомиллаштириш, муддатлари ва шакллари ҳақида таклифлар ҳам таҳлил натижалари сифатида вазирликка топширилиши лозим. Академик лицей, касб-хунар коллежлари педагоглари малакасини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрь 400-сон қарориди белгиланган истиқболли режаларининг бажарилишини таъминлаш асосида таҳлил қилиниши ва минтақаларда малака ошириш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган ҳаётий таклифлар бўлиши керак. Таклифлар вазирликка тақдим этилади.

Малака ошириш раҳбарлари белгиланган вазифаларнинг шу таълим муассасаларидан тингловчиларга етказилиши бўйича режа тузадилар.

Ҳар бир факультет ушбу режа асосида ўзининг аниқ чора-тадбирларини белгилаши шарт. Шунингдек, муайян мавзу бўйича амалга оширилган ишлари ҳақида маълумотни олдиндан асосий семинар материаллари тўпламида чоп этишга ва мавзуза қилишга таклиф беради.

Ҳар бир факультет декани йил давомида муайян мавзу бўйича ўзининг ҳисоботини олдиндан тайёрлайди ва уни ихтисослашган семинар раҳбарига таопшириши шарт. Семинар раҳбари ҳисоботлар асосида асосий семинарга тавсиялар тақдим этади.

Заруратдан келиб чиқиб семинар муддатлари ва мавзуларига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ҳурматли деканлар! Эътибор берган бўлсангиз ихтисослашган семинарлар ҳам асосий семинар мавзусига боғлиқ ҳолда ташкил қилинмоқда. Семинар раҳбарига катта масъулият юкланди. Иккинчи томондан Сизларга ҳам ниҳоятда катта вазифа - ҳар бир семинарга тайёргарлик кўриб келиш белгилаб қўйилди. Ихтисослашган семинарлар мавзуларида кўрсатилган вазифаларни бажариб келиш керак. Акс ҳолда факультет декани ўз вазифасини бажаришни хоҳламайди деган ҳуласа чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида фуқаро муҳофазасининг аҳволи ҳамда 2003-2004 ўқув йилидаги вазифалар ҳақида 2003 йил 206а сонли БУЙРУҒИ

...Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида факулдада вазиятларни олдини олиш ва унда ҳаракат қилиш Давлат тизими тўғрисида"ги 1997 йил 23 декабрдаги 558-сон, "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини факулдада вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги 1998 йил 7 октябрдаги 427-сон қарорларини бажариш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1. 2003-2004 ўқув йилида фуқаро муҳофазаси, факулдада вазиятларни олдини олиш ва унинг асоратларини тугатиш, ходимларни, талаба ва ўқувчиларни факулдада ҳолларда муҳофаза қилиш ва унда ҳаракат қилишга ўргатиш

таълим муассасалари фуқаро муҳофазаси бошлиқлари ректор (директор)ларнинг, мазкур хизмат мутасадди ходимларининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари, Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ҳудудий бошқармалари бошлиқларига:

2.1. Фуқаро муҳофазаси штабининг мукамал иш режасини ишлаб чиқиш, тузилмаларини қайта кўриб чиқиш;

2.2. Ҳаёт хайрлиги асослари бўйича 50 ва 27 соатлик ўқув дастурини бажариш, мазкур соҳа мутахассислари, ўқитувчиларининг малакасини ошириш чора-тадбирларини белгилаш;

2.3. ОТМ ва УМТМ раҳбарларини жорий тайёрлашни ҳар ўқув йилида 45 соатлик дастур асосида ташкил қилиш...

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
"Истеъдод" жамғармаси Бошқаруви йиғилишининг
2004 йил " _____ " февралдаги 2-сонли баёни билан
"ТАСДИҚЛАНГАН"**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармасининг 2003-2004 ўқув йилида ривожланган хорижий мамлакатлар илмий марказлари ва олий ўқув юртиларига сафарга юбориш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти грантларига совридорлар танловини ўтказиш ТАРТИБИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма дейилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги ПФ-3272-сонли "Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони билан ташкил этилган. Жамғарма ўз фаолиятини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига биноан мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида ва фан соҳасида илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятнинг устувор ва истиқболли йўналишларини жаҳон амалиётида қўлланилаётган юқори технология ва фан ютуқлари асосида ривожлантириш, ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш ва юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида амалга оширади;

1.2. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларига ва бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатларига

асосланган ҳолда ишлаб чиқилган;

1.3. Танлов синовлари қисқа ва узоқ муддатли грантлар бўйича ўтказилиб, давлат тилида амалга оширилади. Чет тилида синовлар Жамғарма Бошқаруви томонидан ташкил этилган махсус комиссия томонидан қабул қилаётган давлат талаб қилган тилда ўтказилади;

1.4. Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, олий маълумотли, олий, ўрта махсус, умумтаълим муассасаларида педагогик ва илмий педагогик фаолият олиб бораётган ва ташкилотлар, муассасаларнинг илмий бўлимларида муайян ютуқларга эришган, илмий изланишларни бошлаган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган, истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар (стажер, тадқиқотчи, аспирант ва докторант) ҳамда илм-фаннинг барча соҳаларида фаол ишлаётган фан номзодлари ва фан докторларидан қабул қилинади;

1.5. Ариза берувчи ишлаётган ташкилот ёки ўқув муассасаси раҳбари томонидан ҳамда унинг илмий изланишлари тўғрисида кафедра, бўлим ёки секторнинг ва шу соҳадаги етуқ мутахассиснинг тавсияномаларини тақдим этади;

1.6. Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш

жорий йилга тасдиқланган қабул комиссияси зиммасига юкланади. Танлов жараёнини ташкил этиш учун қабул комиссияси раиси ва масъул котиби Бошқарув раиси қарори билан тайинланади. қабул комиссияси таркиби Жамғарма ижрочи директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

2. Жамғарманинг устувор йўналишлари

2.1. Ўзбекистон Республикасининг илмий-техник ривожланишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги йўналишлар бўйича ўқиш, малака ошириш ва тажриба алмашиш учун номзодлар танланади:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида демократик давлатнинг ривожланиши ва фуқаролик жамияти шаклланишининг илмий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш;

2. Жамиятимизнинг маънавий ва ахлоқий уйғониши, тарихий, миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш асосида ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш муаммолари;

3. Минерал хомашё ресурсларини излаб топиш, қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва оқилона фойдаланишининг юқори тех.ологик усуллари ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз саноатида ақлий меҳнатни талаб қиладиган самарали технологияларни яратиш;

4. Эқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклашни ҳамда мамлакат иқтисодий соҳаларининг илғор ривожланишини таъминлайдиган энергия ва ресурсларнинг тежамкор технологияларини ва техник воситаларини ишлаб чиқиш;

5. Соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган тиббиётнинг илғор усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, замонавий илмий ютуқлар асосида, жумладан, ген инженерия ва биотехнология соҳаларида қишлоқ хўжалик экинларининг самарали навларини ва ҳайвон зотини яратиш;

6. Атроф-муҳит муҳофазасини таъминловчи ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш тизимини мукамаллаштириш, тупроқ ҳосилдорлигини оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш;

7. Ишлаб чиқариш, саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва ахборотлаштириш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида илғор техника ва технологияларни жорий этиш.

3. Жамғарма грантлари

3.1. Гуруҳ учун грант (йил давомида ўтказилади). Ушбу грантга таълим стандартлари ва ўқув режалари учун масъул етук ва таниқли олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислардан иборат бўлган гуруҳ сазовор бўлади. Улар маълум (2 ҳафтадан 4 ҳафтагача) муддатга берилувчи "кичик" грантлар асосида тажриба алмашиш, малака ошириш ва

ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун хорижий нуфузли университетлари ва илмий марказларига хизмат сафарига юборилади. Ушбу грантдан қўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Республикаimizдаги етук профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш орқали ёш истиқболли педагог ва илмий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг олган билимларини республика таълим муассасаларига тарқатиш;

3.1.2. Хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларидаги илғор педагогик усуллар ва таълим стандартлари, ҳамда ўқув режаларини ўрганиш, солиштириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

3.1.3. Малака ошириб қайтган профессор-ўқитувчилар ёрдамида хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларидаги илғор таълим стандартларини республикаimizдаги Олий, ўрта махсус ва умумтаълим муассасаларига тадбиқ этиш.

3.2. Якка тартибдаги грант. Ушбу грант ёш олим, фан номзодлари ва фан докторларига 3 ойдан 10 ойгача бўлган муддатда ривожланган хорижий мамлакатларнинг университет ва илмий марказларида педагогик ва илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун берилади.

Грант соҳибларини чет элга малака ошириш ва тажриба алмашишга юбориш муддати 1 ойдан кам бўлса, у ҳолда Жамғарма маъмурияти Бошқарув йиғилишида тасдиқланган Дастурлар ва харажатлар сметаси доирасида таълим муассасалари илмий кенгашларининг тавсияси асосида сафар тўғрисида қарор қабул қилади.

Грант соҳибларини хорижда малака оширишлари билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар (чипталар, ўқиш, малака ошириш, турар жой, тиббий сугурта ва виза олиш учун тўловлар) Жамғарма томонидан қопланади.

4. Ҳужжатларни қабул қилиш

4.1. Танлов бошланишидан камидан 1 ой олдин қабул комиссияси танлов муддатлари, йўналишлари (ихтисосликлар), танлов шартлари ва бошқа ахборотни оммавий-ахборот воситаларида эълон қилади;

4.2. Ҳужжатлар Жамғарма Бошқаруви томонидан ўрнатилган тартибда ва муддатда қабул қилинади;

4.3. Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Жамғарма Бошқаруви раиси номига ариза;

2. Белгиланган намунадаги шахсий варақа (1-илова);

3. Таржимаи ҳол;

4. Чет тилини билиши тўғрисида сертификат ёки тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса);

5. Нашр қилинган илмий ишларининг рўйхати (2-илова) ва ихтиролари иқтисод тармоқларида ишлатилган ёки тадбиқ этилган бўлса, уни

тасдиқловчи ҳужжат;

6. Олий ўқув юртини битирганлиги, фан номзоди, фан доктори илмий даражаси ва доцент, профессор илмий унвони ҳақидаги дипломларнинг нусхаси;

7. Ариза берувчи ишлаётган ташкилот раҳбари (илмий кенгаш тавсияси асосида) томонидан тавсиянома;

8. Паспорт асли ва унинг нусхаси;

9. Ҳужжатлар учун жилд ва конверт;

10. 3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

5. Ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби

5.1. Юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар топширилгандан сўнг танлов комиссияси томонидан ўрганилиб чиқилади;

5.2. Ҳужжатларни тўлғизишда хатоларга йўл қўйилган ва нотўғри маълумотлар келтирилган бўлса, кўриб чиқилмайди;

5.3. Барча ҳужжатлари тўлиқ бўлган ариза берувчиларгина синовларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

6. Якка тартибдаги узоқ муддатли (3, 6, 10 ой) грантларга танлов синовларини ўтказиш

6.1. Танлов синовлари Жамғарма бошқаруви томонидан ўрнатилган муддатларда қуйидаги тартибда ўтказилади:

1-босқич. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича талабгорнинг дунёқараши, унинг тарих, маданият ва маънавият соҳасидаги билимлари ҳамда мутахассислик савиясини аниқлаш бўйича суҳбат;

2-босқич. Талабгорнинг чет тилларидан бирини билиш ҳамда информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги билчмлари юзасидан имтиҳон;

6.2. Танловларнинг 1-босқичи Жамғарма ҳузурда республиканинг етук олим ва фан арбобларидан тузиладиган махсус комиссияси томонидан ўтказилади;

6.3. Танлов синовларининг 1-босқичидан муваффақиятли ўтганларгина 2-босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар;

6.4. Танловларнинг 2-босқичи якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти совриндорлигига номзодлар рўйхати тузилади;

6.5. Якуний қарорни Жамғарма маъмурияти томонидан ташкил этилган мандат комиссияси қабул қилади, Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади сўнг эълон қилинади;

6.6. Ҳар бир босқич натижалари ҳамда кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар рўйхати тегишли маълумотлар орқали барча танлов иштирокчиларига босқич якунланган

нидан сўнг эълон қилинади;

6.7. Синов натижаларини қайта кўриб чиқиш амалиёти қўлланилмайди. Имтиҳон комиссиялари томонидан ўрнатилган баҳо якуний ҳисобланади.

7. Гуруҳ учун қисқа муддатли грантларга танлов синовларини ўтказиш

7.1. Танлов синовлари 2 босқичдан иборат бўлиб, Жамғарма маъмурияти Бошқарув йиғилиши томонидан тасдиқланган Дастурлар доирасидан келиб чиққан ҳолда ўтказилиш муддатларини белгилайди:

1-босқич. Ушбу босқич талабгорнинг танлаган йўналиш бўйича иқтидорини ва билим савиясини аниқлаш мақсадида тавсия этган таълим муассасасининг махсус комиссияси томонидан ўтказилади ва Илмий кенгаш қарори билан расмийлаштирилади;

2-босқич. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан талабгорнинг дунёқараши, унинг тарих, маданият ва маънавият соҳасидаги билимлари ҳамда мутахассислик ва чет тилларидан бирини билиш савиясини аниқлаш бўйича суҳбат-имтиҳон.

7.2. Қисқа муддатли грантлар учун ўтказиладиган танловларнинг 2-босқичи Жамғарма томонидан ташкил этилган махсус комиссия томонидан ўтказилади;

7.3. Комиссия томонидан ўрнатилган баҳо якуний ҳисобланади;

7.4. Совриндорларнинг якуний рўйхати Жамғарма маъмурияти томонидан кўриб чиқилиб, Бошқарув раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг эълон қилинади;

7.5. Барча синовлардан муваффақиятли ўтган талабгорлар Жамғарма гранти совриндорлари ҳисобланади ва бу ҳақда расмий равишда улар ишлаётган ташкилотларга хабар берилади;

7.6. Жамғарма танловида ғолиб деб топилган грант совриндорлари танлов ғолиби деб эълон қилингандан сўнг Жамғарма маъмурияти белгилаган вақт мобайнида Ўзбекистонда тайёрлов курсларини ўтайди, ўрнатилган тартибда виза расмийлаштириш масалалари ижобий ечилгандан сўнгра чет элда тажриба алмашиш ҳамда малака ошириш дастурида иштирок этади ва чет элдан қайтгандан сўнг Ўзбекистондаги ҳамкасблари учун маърузалар қилиб, дарс ўтиб беради, олган энг сўнгги билим ва ижобий тажрибаларини брошюра, ўқув-услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар кўринишида чоп эттириб, республика таълим муассасаларида оммалаштиради. Ўзи малака ошириб келган илмий ва ўқув маркази билан кейинчалик Интернет орқали мулоқотни узулуксиз давом эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларига даъвогарлар танловини ўтказиш қабул комиссияси таркиби:

С. Фуломов - раис, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Жамғарма бошқаруви раиси; ижрочи директори;
А. Пардаев - раис ўринбосари, Жамғарма бош мутахассиси; М. Холматова - масъул котиб, Жамғарманинг бош мутахассиси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларига даъвогарлар имтихонини ўтказиш махсус комиссия аъзолари ва мандат комиссияси таркиби:

- | | |
|---|--|
| 1. Ш. Курбонov - Президент девонининг бош инспектори | 7. А. Исаходжаев-Жамғарма ижрочи директори ўринбосари |
| 2. Б.Убайдуллаев - "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси | 8. А. Абдуқодиров - Масофий ўқитиш бўйича марказ директори |
| 3. П. Ҳабибуллаев -Фан ва технологиялар маркази директори | 9. А. Ваҳобов -ТМИ проректори |
| 4. А. Иброҳимов - Ўзбекистон ФАнинг бош илмий котиби | 10. К. Норкулова -ТДТУ проректори |
| 5. С. Туробожнов -ТКТИ ректори | 11. Х. Фуломов -ЎзМУ проректори |
| 6. М. Икромов - ТДАИ ректори | 11. М. Каримов - ТДМИ I проректори |
| | 12. И. Абдуллаев - ТАТУ проректори |
| | 13. Ф. Гафурова - ТДАУ проректори |

"Истеъдод" жамғармасининг грантларига совриндорлар танловини ўтказиш ҚОИДАСИ

Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш жорий йилга тасдиқланган қабул комиссияси зиммасига юкланади.

Қабул комиссияси раиси ва масъул котиби Бошқарув раиси қарори билан тайинланади.

Қабул комиссияси таркиби ижрочи директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссия Президент девони билан келишув асосида шаръий учун алоҳида тасдиқланади.

Гуруҳ учун грант соҳибларини чет элга малака ошириш ва тажриба алмашишга юбориш "кичик" грантлар асосида бўлиб, Жамғарма маъмурияти таълим муассасалари Илмий Кенгашларининг тавсияси асосида сафар тўғрисида қарор қабул қилади.

Танлов синовлари 2 босқичдан иборат бўлади:

1-босқич. Ушбу босқич даъвогарни тавсия этган таълим муассасасининг махсус комиссияси томонидан ўтказилади ва Илмий кенгаш қарори билан расмийлаштирилади;

2-босқич. Бу босқичда талабгорнинг Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сийосий мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан дунёқараши, унинг таърих, маданият ва маънавият соҳасидаги билимлари ҳамда мутахассислик ва чет тилларидан бирини билиш савиясини аниқланади.

Бу босқич Жамғарма томонидан ташкил этилган махсус комиссия томонидан Давлат тест маркази томонидан тайёрланган тестлар асосида ўтказилади.

Қисқа муддатли грантни қўлга киритган совриндорнинг малака ошириш ва тажриба алмашиш жойи (мамлакати, университети ёки маркази) ва муддати унинг тест якуни бўйича олган жами балларига қараб Жамғарма маъмурияти то-

монидан белгиланади.

"Якка тартибдаги грант" совриндорларини педагогик ва илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун чет мамлакатларга юбориш Бошқарув йиғилишида тасдиқлангандан сўнг амалга оширилади.

Танлов синовлари қуйидаги тартибда ўтказилади:

1-босқич. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сийосий мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича талабгорнинг дунёқараши, унинг таърих, маданият ва маънавият соҳасидаги билимлари ҳамда мутахассислик савиясини аниқлаш бўйича суҳбат;

Бу босқич Жамғарма ҳузурида тузиладиган махсус комиссия томонидан ўтказилади.

2-босқич. Талабгорнинг чет тилларидан бирини билиш ҳамда информатика ва ахборот технологиялари соҳасидаги билимлари юзасидан имтиҳон. 2004 йилда бу имтиҳон тест шаклида Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Якуний қарорни Жамғарма маъмурияти томонидан ташкил этилган ва Бошқарув раиси томонидан тасдиқланган мандат комиссияси қабул қилади. қарор Бошқарув раиси томонидан тасдиқланганидан сўнг эълон қилинади.

Синов натижаларини қайта қўриб чиқиш амалиёти қўлланилмайди. Имтиҳон комиссиялари томонидан ўрнатилган баҳо якуний ҳисобланади.

Якка тартибдаги грантни қўлга киритган совриндорнинг малака ошириш ва тажриба алмашиш жойи (мамлакати, университети, ташкилот ёки маркази) ва муддати унинг танлов жараёни бўйича олган жами балларига қараб Жамғарма маъмурияти томонидан белгиланади.

"Ахборот хавфсизлиги асослари" курсини ўрганишни ташкил этиш 2004 йил

3 феврал 30 сонли

БУЙРУҒИ

...3. Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи (А. Абдуллаев) га:

3.1. ОТМлари томонидан "Ахборот хавфсизлиги асослари" курсларига профессор-ўқитувчиларни жалб қилиниши ва белгиланган режа асосида малака оширишларини назорат этиш вазифалари юклатилсин;

3.2. Малака оширган профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган махсус курс дастурлари ва матбуза матнларини ОТМларида чоп этилиши ҳамда ўқув жараёнига тадбиқ қилинишини на-

зорат этишни йиллик иш режасига киритиш топширилсин;

3.3. Малака ошириш натижаларига кўра, ушбу буйруқнинг 2.3 ва 3.2 бандларига мувофиқ юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарган профессор-ўқитувчиларни белгиланган тартибда моддий ва маънавий рағбатлантиришга тавсия этилсин.

4. Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазир ўринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

"Олий техника таълимини такомиллаштириш Концепцияси тўғрисида"ги

2004 йил 6 феврал 1/3 - сонли

ҚАРОҒИ

...3. ОТМ ректорларига: Концепциянинг иккинчи босқичини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг бажарилиш механизмлари ишлаб чиқилсин, уларда қуйидагилар албатта инноватта олинсин:

- профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ёши 45-50 ни ташкил этишини таъминлаш мақсадида ёш илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш...

2004 йилда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари учун ахборот - коммуникация технологиялари бўйича малака ошириш курсларини ташкил қилиш ҳақидаги 2004 йил 9 март 53 сонли

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифаларни, хусусан, 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастурида белгиланган мақсадли йўналишлар асосида, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари учун 2004 йилда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малака оширишни таъминлаш мақсадида

муассасалари ректорларига:

4.1. Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тингловчилар билан машғулотлар ўтказишда:

- дарс машғулотларини ўтказишга фақат илмий даража ва унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассисларни жалб этиш таъминлансин;

- Ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этишдан аввал ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида тушланган тажриба (интернет орқали) чуқур ўрганилсин ва таҳлил этилсин;

- малака ошириш курслари бўйича тегишли тарқатма материаллар сифатли тайёрлансин;

4.2. Малака ошириш курслари якунида битирув ёзма иши ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича аттестация ўтказилсин.

5. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси (В. Алехина)га; Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малака оширишлари билан боғлиқ бўлган сарф-ҳаражатларни қоплаш топширилсин.

6. Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Ш. Бутаев)га: Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитишни ривожлантириш бошқармаси (А. Абдуллаев) билан биргаликда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини 2004 йилда ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича малака ошириш режасининг бажарилишини назорат этиш вазифаси юклатилсин;

7. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

Б У Ю Р А М А Н:

1. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассисларини 2004 йилда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малака ошириш режаси 1-иловага ва дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Малака ошириш курслари тасдиқланган режа ва дастур асосида, педагог кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган институтлар, марказлар ва факультетларда, ҳамда олий таълим муассасалари тасарруфидаги Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш марказлари қошида ташкил этилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига: 2004 йил 12 мартгача жорий йил учун профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни 1-иловада тавсия этилган жадвал асосида, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малака ошириш курсларига жалб этиш режаси учун ишлаб чиқилсин.

4. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ҳамда таркибидан қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ва факультетлари мавжуд бўлган олий таълим

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
" 9 " март 2004 йилдаги 53 - сонли буйруғига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ
КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БУЙИЧА МАЛАКА ОШИРИШ
КУРСИНИНГ РЕЖА ВА ДАСТУРЛАРИ**

Тошкент 2004

Малака ошириш режа ва дастурлари Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида ва Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтида тузилган.

Муаллифлар: проф. Ш. Нуритдинов, проф. Х. Райимов, доц. Д. Т. Боқиев, доц. А. Қайюмов, доц. Н. Ш. Иноятов, доц. А. Баҳодиров.

Тушунтириш хати

ЎзР Президенти И.А. Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ни жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, уларнинг шарҳлари, қарорга илова қилинган "Компьютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган Давлат дастури", Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Низоми, АКТ йўналишлари бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг 2002-2010 йилларга мақсадли режалари, Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 7-гуруҳи ишлаб чиққан АКТ соҳасидаги педагогик кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш дастури, Вазирликнинг бу соҳадаги дастури ва бошқа ҳужжатлар барча талабаларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлашга кенг ўргатиш, таълимнинг электрон ўқув базасини яратиш, таълим муассасаларининг информатсион инфраструктураларини шакллантириш вазифаларини юклайди. Мазсулиятли вазифалар ўқув юрталарининг барча педагогларини АКТ соҳасида малака оширишни тақозо қилади.

"Келажак учун таълим" INTEL дастурида ҳам, "2002-2010 йилларда Электрон Россия" федерал мақсадли дастурида ҳам ўқитувчиларни фанларга оид информатсион муҳитларини яратишга ўргатиш масалалари кўйилган. "АКТ ни қўлаймиз" босқичидан "АКТ ни ўқув жараёнига узвий қўшамиз" босқичига ўтиш кузатишмоқда. ўқитувчиларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини оширишни ташкил қилишнинг мураккаблиги қайда қилиниб, янги информатсион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш, масофавий ўқитишнинг замонавий шакллари қўллаш маъқул деб топилмоқда (Финляндияда, Россияда).

Анъанавий моделларга биноан педагогларни тайёрлаш уч даражада олиб борилмоқда: компьютер саводхонлигини эгаллаш, телекоммуникацион технологик воситаларни ўзлаштириш ва фанни ўтишдаги малакани оширишга, мос равишда биринчи ва иккинчи босқичга кундузги сиртқи шаклда 36 соатдан (ҳафтасига 2 марта),

учинчи босқични эса кўпроқ сиртқи формала уюштирилмоқда. Биринчи босқичдаги курслар дастурларида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- компьютер ва эргономик меъёрлар билан танишиш;
- компьютер клавиатурасини ўзлаштириш, клавиатура тренажери билан ишлаш;
- Windows операцион муҳитининг асосий тушунчалари: иш столи, файллар, папкалар, ойналар, иконкалар;
- Windows нинг асосий иш қуроллари: ўтказгич, стандарт дастурлар (блокнот, график муҳаррир, ижрочи, мультимедиа асбоблари);
- Word матн муҳаррири, ҳужжатларни яратиш ва таҳрирлаш;
- электрон жадваллар, маълумотлар базалари.

Кейинги босқичда қуйидаги мавзулар қўрилади:

- телекоммуникацион тармоқнинг, Интернет тармоғининг ишлаш тамойиллари;
- телекоммуникация воситаларининг асосий механизмлари, электрон почта;
- World Wide Web, гиперматн, WWW-тармоқларда ишлаш дастурлари;
- FTP-серверлар, файлларни узатиш;
- Web-саҳифаларни яратиш, HTML тили, Web-саҳифаларни яратиш инструментлари, уни серверда жойлаштириш.

Лойиҳалар усулига биноан ижодий гуруҳлар (одатда бир ўқув юрти педагогларидан) йиғилиб, тажрибаси бор информатика педагоглари иштирокида юқорида баён қилинган кундузги-сиртқи локалда курслар ташкил қилинганда ижобий самара кузатишмоқда. Методик таъминот, электрон материаллар яратилмоқда.

Курсни ўтказиш шарт-шароитлари:

- Олий ўқув юрталари педагог кадрлари учун;
- Зишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда:
- бир ўқув юрти доирасида ва компьютер-техник базасида;
- ҳафтасига 12 соат;
- курс муддати - 3 ой;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда:
- малака ошириш муассасасида;
- ҳафтасига 36 соат;
- курс муддати - 4 ҳафта.

Курсни ташкил қилиш

Курс ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўтказилганда ўқув режасининг 1- ва 3-блоклари, 4-блокнинг маърузалари малака ошириш муассасаси, 2-блок тўлалигича ва 4-блокнинг амалий машғулотлар қисми академик лицей ёки касб-ҳунар коллежининг информатика педагоглари томонидан, билим ва қўникмаларнинг асосий қисmini мустақил эгаллашга урғу билан амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини компьютерлаштириш
ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида
МАЛАКА ОШИРИШ курси
(курс номи)
намунавий уқув режаси
уқитиш муддати: 3 ой – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда
4 ҳафта – малака ошириш муассасасида

№	Блоклар ва фанлар	Тингловчининг иш ҳажми (соат)			
		Аудитор машғулотлар			Муст
		Жами	Назари й	Амалий й	
I. Давлат дастурлари ва талаблари					
1.1.	Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари буйича Давлат дастурлари	2	2		1
1.2.	Педагогларга қўйиладиган Давлат талабларида инфор­мацион технологиялар	2	2		1
I Блокнинг жами:		4	4		2
II Информатика ва инфор­мацион технологиялар					
2.1.	Информатика асослари	34	12	22	18
2.2.	Замонавий инфор­мацион технологиялар	12	6	6	5
2.3.	Интернет асослари	14	4	10	7
II Блокнинг жами:		60	22	38	30
III Таълимда инфор­мацион технологиялар					
3.1.	Информацион технологияларни қўллашнинг педагогик-психологик жи­ҳатлари. Ривожланган давлатлардa медиатаълим	4	2	2	1
3.2.	Мустақил ишда инфор­мацион технологиялар ва масофавий уқитиш	8	4	4	3
3.3.	Компьютерли илмий-та­дқиқот усуллари ва имитацион моделлаштириш	12	6	6	6
3.4.	Педагогик дастурий воситалар	6	2	4	2
III Блокнинг жами:		30	14	16	12
IV. Фанга оид тайёр­гарлик					
4.1.	Муайян фанларни уқитишда электрон дидактик материаллардан фойдаланиш	28	4	24	12
4.2.	Замонавий инфор­мацион технологияларнинг муайян фан маз­мунига таъсири	8	4	4	4
4.3.	Давра суҳбати	10		10	
IV блокнинг жами:		46	8	38	16
Малакавий битирув иши		4		4	17
ҳаммаси бўлиб:		144	48	96	77
V. Якуний иш ҳимояси ва аттестация					

Фанлар дастурлари

I-блок. Давлат дастурлари ва талаблари

уқув режадаги №	Фан номи	Тингловчининг иш ҳажми (соат)			
		Жами	Аудитор машғулотлар		Муст та қил
			Назари й	Амалий	
1.1.	Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари буйича Давлат дастурлари	2	2		1

Маъруза мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, унга илова қилинган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. Уларнинг шарҳлари, қарорга илова қилинган "Компьютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2002-2010 йилларга мўлжалланган Давлат дастури, Мувофиқлаштирувчи кенгаш Низоми ва

қарорлари, АКТ йўналишлари бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг 2002-2010 йилларга мақсадли режалари. Вазирликнинг бу соҳадаги дастури, қўшимча чора-тадбирлар режаси ва бошқа ҳужжатлар. Ахборотлаштириш ҳақидаги қонун ва унга ўзгаришлар. Электрон имзо ҳақидаги қонун.

Таълим ҳақидаги қонундан ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан тегишли ўринлар, айниқса имитиҳон моделлаштириш ҳақида.

Адабиётлар:

1. Юқорида зикр қилинган ҳужжатлар.
2. www.ictcouncil.gov.uz сайти.
3. www.bilimdon.uz сайти

уқув режа даги №	Фан номи	Тингловчининг иш ҳажми (соат)			
		Жами	Аудитор машғулотлар		Мус та қил
			Назарий	Шу жумладан Амалий	
1.2.	Педагогларга қўйиладиган Давлат талабларида инфор­мацион технологиялар	2	2	1	

Маъруза мазмуни

Педагоглар малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талабларидан:

Информацион технологиялар йўналиши бўйича педагог:

- инфор­мацион жараён сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- фан, техника ва маданиятдаги инфор­мацион ва креатив жараёнлар;
- инфор­мацион жамиятни ривожлантириш муаммолари;
- сунъий тафаккурнинг инфор­мацион тизим­лари ва билим бериш усуллари;
- ахборотлаштиришнинг техник воситалари ва телекоммуникация воситалари;
- универсал ва муаммоли-мўлжалли инфор­мацион технологияларни амалга оширишнинг дастурий воситалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- тармоқ ва ўқитиладиган фанга тааллуқли бўлган универсал ва муаммоли-мўлжалли инфор­мацион технологияларни;
- таълимда мультимедиа технологияси ва тар­моқ технологиясини;
- инфор­мацион моделлаштириш асосларини;
- ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаш­ган тизимини;
- ўқув материаллари ҳақидаги инфор­мацион маълумот тизимини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитиладиган фан бўйича маълумотлар ба­засини яратиш;
- глобал internet компьютер тармоғидан фой­даланиш;
- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини

қўллаш;

· ўқув жараёнида электрон почтадан фойда­ланишни билиши ва қўллай олиши бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Илмий-тадқиқий тайёргарлик йўналиши бўйича педагог:

- постиндустриал цивилизация ва унинг ри­вожи;
- илмий-техник революция ва илмий-тех­ник тараққиёт;
- инфор­мацион жараёнлар сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- эмпирик ва назарий тадқиқотларнинг усул­лари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- илмий-техник ижод технологиясини;
- илмий билишнинг умумий усулларини;
- тадқиқот усуллари: абстракциялаш, индук­ция ва дедукция, анализ ва синтезни;
- тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва таҳ­лил қилиш усулларини;
- илмий ахборотнинг компьютер-таҳлил усулларини;
- илмий тадқиқотларда математик моделлаш­тиришни;
- ҳисоблаш эксперименти асосларини били­ши ва қўллай олиши;
- ўз билим соҳасида тадқиқот моделлари ва усулларини тузиш ҳамда қўллаш;
- изланув тадқиқотлари ва уларни таҳлил қилиш, обзорлаш;
- илмий ва амалий ечим вариантларини оп­тималлаштириш;
- илмий ва амалий ечимларга оид хулоса ва тавсияларни ифода­лай билиш;

· талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва илмий-услубий таъминлаш;
· билимлар ҳосил қилиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Талабаларнинг мустақил билим олишини услубий ва ташкилий таъминлаш бўйича педагог:

· ривожланган давлатлар талабаларининг мустақил билим олиш технологияси, унинг ташкилий ва услубий таъминланиши;

· "ШАХС - инфорацион муҳит" тизимидаги жараёнлар ва уларни бошқариш;

· инфорацион жамиятни ривожлантириш муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

· мустақил билим олишнинг "ўқишни ўргатиш" тамойилини;

· талабаларнинг мустақил билим олишлари учун глобал Internet компьютер тармоғини;

· ўқитилаётган фан бўйича мустақил билим олишнинг турли ташкилий шакларини;

· "Лойиҳавий ўқитиш"ни;

· талабаларнинг мустақил билим олишлари учун актив ўқитиш усуллари ("Ақлий ҳужум", иш билармонлик ўйинлари ва бошқалар)ни;

· мустақил билим олишда илмий ва техникавий ижод қилиш методологиясини билиши ва қўллай олиши;

· ўқитилаётган фан бўйича талабаларнинг мустақил билим олишини ташкил қилиш, режалаштириш ва услубий таъминлаш;

· талабаларнинг мустақил (шу жумладан, чет тиллардаги биринчи манбалардан) билим олишларига раҳбарлик қилиш;

· талабаларнинг мустақил билим олиш воситалари ёрдамида олган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш;

2 – Блок. Информатика ва инфорацион технологиялар

уқув режа даги №	Фан номи	Тингловчининг иш ҳажми (соат)			Мус та қил
		Аудитор машғулотлар			
		Жами	Шу жумладан		
		Назарий	Амалий		
2.1	Информатика асослари	34	12	22	18

Фан бўйича билим ва кўникмаларга талаблар.
Фаннинг мақсади тингловчиларга компьютерлар билан ишлашнинг назарий ва амалий билим ва кўникмаларини беришдир. Тингловчилар билиши лозим бўлган маълумотлар: hardware ва software ни анъанавий таништириш, компьютерлар локал тармоғидан ва бошқа зарурий воситалардан фойдаланишни, улар билан ишлаш амалиётини эгаллаш эришиладиган кўникмалардандир.

Машғулотлар мазмуни

Маърузалар мазмуни - 12 соат.

1. ЭҲМ ва информатика тарихи. Улардан фойдаланиш - 1 с

2. Ахборот ва алгоритм тушунчалари. Ахборотни ўлчаш. - 2 с

· мустақил билим олишда илмий билиш ва илмий-тадқиқот усулларида фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Бошқа йўналишлардаги инфорацион технологиялар, компьютерларни кенг қўллаш билан боғлиқ талаблар.

Адабиётлар:

1. Юқорида зикр қилинган меъёрий ҳужжатлар.

2. Гулямов С.С. Развитие компьютеризации и внедрении инфорационно-коммуникационных технологий в системе образования Республики Узбекистан. www.bilim.uz сайтида.

3. Ш.Ш.Шаропов. Миллий истиқлол шароитида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими. Тошкент, 2001.

4. Ш.Нуритдинов, Б.Т.Сабиев, С.С.Қосимов, Ш.Ш.Нуритдинов. Педагог кадрлар малакасини оширишда компьютерлаштириш муаммолари. "Қасбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш: муаммолар, ечимлар" мавзудидаги илмий-услубий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2001. 15-б.

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ти­зимда 1999 йилнинг декабр ойидан бошлаб ОУЮ ва ИТИлари илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилсин.

2. Вазирлик ОУЮлари ва ИТИларининг ҳисоб­бот (календар) йилидаги илмий-тадқиқот фао­лиятини комплекс баҳолаш тўғрисидаги Низом 1 - иловага, ОУЮлари ва ИТИларида баҳолаш­ни ўтказиш комиссиясини ташкил этиш комис­сия аъзоларининг таркиби ва сони 2 - иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. ОУЮ ва ИТИларини илмий-тадқиқот ва истеъодли ёшларни тайёрлаш фаолиятини ба­ҳолаш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган қуйидаги асосий йўналишлар кўрсат­кичлар бўйича амалга оширилсин:

технологий.

6. Нейрокомпьютеры нейротехнологии.
7. Признаки и проблемы информационного общества.
8. ALW - астрономия (описание).
9. Лингвистические компьютерные програм­мы(редакторы переводчики).
- 10 Компьютерные программы по психоана­лизу.
11. Понятие алгоритма история происхожде­ния.
12. Стилистические возможности текстовых редакторов.
13. Проблемы использования языков(тексто­вые редакторы)
14. НЛП - нейролингвисти­ческое программирование.
15. Системы искусственного интеллекта.
16. Искусственные нейро-сетевые модели.
17. Базы данных базы знаний.
18. Возможности интеллектуальной автоматизации обучения.
19. Электронные книги
20. Применение STAT for WINDOWS в ана­лизе политологических процессов.
21. Новые типы информационных систем(NT XP NE)
22. Графические пакеты.
23. Анимация в графике.
24. Различные компьютерные технологии меди­аобразования.
25. Аудио возможности компьютеров.
26. Телекоммуникации INTERNET WEB-тех­нологии.
27. Вычислительные методы.
28. Создание сайта
29. База данных КАФЕДРА.
30. Клавиатурный тренажер.
31. Обучающая программа по использованию латинице в узбекском языке.

- мамлакатимиз фанининг жаҳон илм-фани­га интеграциялаш фаоллиги кўрсаткичлари;

- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментлар ва амалий би­лимларни яратиш борасидаги кўрсаткичлар;

- илмий-тадқиқот натижаларини амалиётта тадқиқ этиш ҳамда ОУЮнинг фан ва техноло­гия соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлигини чуқурлаштириш кўрсат­кичлари;

- олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар (ИПК) тайёрлаш ҳамда ёшларнинг ил­мий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувват­лаш фаолиятига кўрсаткичлар;

- иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни тайёрлаш услубиятини, педагогик ва психоло­

гик шароитларини яратиш ҳамда амалга ошириш кўрсаткичлари.

4. Вазирлик ОУЮлари ва ИТИларининг илмий-тадқиқот, илмий педагогик ходимлар ва иқтидорли ёшларни тайёрлаш фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва услубияти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлик ОУЮлари ректорлари ва илмий-тадқиқот институтлари директорларига:

- ҳар бир муассасада жорий йилнинг 15 декабрига қадар мазкур буйруқнинг 2 - иловасига мувофиқ илмий ишлар бўйича проректорлари, директор ўринбосарлари, илмий бўлим бошлиқлари ва тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат баҳолаш комиссиялари тузиш ва ҳар бир комиссия томонидан фаолияти баҳоланадиган ОУЮ (ИТИ)лари белгилансин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг " Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш тўғрисида" ги 2002 йил 7 март 72 сонли Б У Й Р У Ё И

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи - сифат босқичида мамлакатимиз олий таълим муассасалари (бакалаврият ва магистратура)да таҳсил олаётган талабаларни илмий - тадқиқот ишларига кенгроқ жалб этиш, таълим билан фаннинг самарали интеграциясини таъминлаш, таълим муассасаларида илм-фанни жадал ривожлантириш ва шу асосда юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Олий таълим муассасалари ректорларига жорий йилнинг 5 майига қадар:

- ректор ҳузурида муваққат комиссия тузиб, ҳар бир кафедрада, айниқса, магистрлар тайёрлашга киришилган кафедраларда талабалар илмий - тадқиқот ишларига масъул бўлган профессор - ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари ва амалдаги фаолиятлари атрофлича таҳлил этилсин, тегишли фан йўналишлари ва соҳалари бўйича Фанлар академияси ва тармоқ илмий - тадқиқот муассасалари билан ўрнатилган алоқаларнинг самарадорлиги баҳолансин, 2001 йилда биринчи магистратура битирувчиларининг илмий фаолияти уларнинг иш жойларидан олинган ҳолисона тавсифномалар асосида таҳлил этилсин ҳамда Илмий кенгашда атрофлича муҳокама қилинсин;

- олий ўқув юртлири бош бошқармаси (Б.Раҳимов) мазкур масала бўйича ўрнатилган тартибда Вазирликнинг Ҳайъат мажлисига тегишли ҳужжатларни тайёрласин.

2. Барча олий таълим муассасаларида шу йилнинг 5 апрелигача талабалар илмий жамиятлари ташкил этилсин ва уларнинг самарали фаолиятини юргизиш бўйича зарурий шарт шароитлар яратиб берилсин.

3. Олий таълим муассасалари ректорларига 2002/2003 ўқув йилидан:

3.1. Ҳар бир кафедрада, биринчи навбатда магистрантларга эга бўлган кафедраларда илмий семинарлар ташкил этилиши, уларда талабаларнинг иштироки тўла таъминлансин. Илмий се-

6. Кадрлар, илм-фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Ш.О. Бўтаев)га:

- вазирлик тизимидаги барча ОУЮ ва ИТИлари эътиборига мазкур буйруқ ҳамда Низомни етказиш;

- ОУЮлариаро комиссиялар тақдим этган баҳолаш натижаларини умумлаштириш ҳамда Вазирлик Ҳайъат мажлисида кўриб чиқиш учун якуний хулосалар тайёрлаш ва шу асосида ОУЮлари илмий-тадқиқот фаолиятини, илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга оид таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

9. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Қ.Р. Алласв зиммасига юклатилсин.

минарларнинг самарали ўтиши назоратга олинсин;

3.2. Магистратурани битираётган талабаларнинг нашр этилган илмий ишлари, магистрлик диссертациялари мавзулари ва илмий раҳбарлари ҳақида маълумотлар олий таълим муассасасининг махсус бюллетенида чоп этилиши ҳамда тегишли йўналишда фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарига тарқатилиши амалиётга киритилсин.

3.3. Магистрлик диссертацияларининг ҳимоясига тегишли соҳаларнинг йирик мутахассис олимларини таклиф қилиш, уларнинг талабаларнинг бажарган илмий ишларига объектив баҳо бериш масалалари таъминлансин;

3.4. Олий таълим муассасалари талабаларининг жорий илмий ҳамда битирув ишлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, шу асосда ўзлари учун иш ўринлари тайёрлашга қаратилган бўлиши ҳозирги иқтисодий ривожланишнинг асоси эканлиги алоҳида таъкидлаб қўйилсин;

3.5. Ўқув йили якунида кафедра фаолиятига объектив баҳо берилсин ва уларнинг рейтинг кўрсаткичлари олий таълим муассасаси газетасида эълон қилинсин. Рейтинги энг юқори бўлган кафедра профессор - ўқитувчиларига, уларнинг эришган ютуқларига қараб, келгуси ўқув йили давомида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан иш ҳақига қўшимча равишда 50 фоизгача устама белгилансин.

4. 2003 йилда олий таълим муассасалари магистратура талабаларининг I - чи Республика илмий конференциясини ўтказиш муносабати билан магистратура бўлимларига эга бўлган олий таълим муассасалари ректорлари илмий конференцияга пухта тайёргарлик кўрсинлар.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклатилсин.

**"Вазирлик олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳисоботларини ЎзР Фан ва технологиялар марказига топшириш натижалари ҳақида"ги
2003 йил 24 декабр 11/4-сонли**

ҚАРОРИ

Давлат грантлари бўйича йиллик ҳисоботларни белгиланган муддатларда топширмаслик, лойиҳа қайси давлат илмий-техник ёки фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасида бажарилаётганлигини аниқ кўрсатилмаганлиги Фан ва технологиялар маркази томонидан ташкил этилган илмий-техник кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир этмоқда. Бунга мисол тариқасида 20-рақамли давлат илмий-техник дастури асосида амалий илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган БухДУ профессори, т.ф.д. Р. Алоев ўз ҳисоботида дастур номи ва шифрини - "1.4.4.3. Фундаментал тадқиқотлар" деб кўрсатганини келтириш мумкин. Бундай нуқсон ва камчиликлар эса тақдим этилган ҳисоботларда талайгина.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, Ҳайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

3. Вазирлик ОТМлари ректорларига:
- Ўзбекистон Республикаси Фан ва техноло-

**"Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқотлар тўғрисида"ги
2003 йил 24 декабр 11/6-сонли**

ҚАРОРИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ фан билан таълим жараёни алоқаларини ташкил қилиш кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу қуйидагича амалга оширилади:

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали тарзда бажаришни таъминлаш юзасидан тадқиқот ишларини олиб бориш;

фундаментал ва амалий фан соҳасидаги кадрларнинг таълим жараёнида иштирок этишини рағбатлантириш;

педагогик ва тадқиқот жараёнларининг яқин алоқасини таъминлаш;

талаба ёшларни ва ёш педагогларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;

тадқиқот натижаларини таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш.

Юқоридагилар педагогик фаолият билан илмий фаолиятнинг ажралмаслик тамойилни таъминлаш, унинг асосида кадрлар тайёрлаш сифатини кўтариш, ёшларнинг илмий ижодиётини ривожлантириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" қонунларини ижро этиш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уни илмий-услубий ва психологик-педагогик таъминлаш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолиятини жалаллаштириш ва илмий мактабларнинг фаоллигини ошириш мақсадида вазирлик Ҳайъати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Олий таълим муаммолари бўйича тадқи-

қотлар маркази (ФТМ)нинг давлат илмий техник ва фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасида бажарилаётган илмий-тадқиқот ишларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, олинган илмий натижаларни таҳлил этиш, илмий лойиҳаларнинг ҳисоботларини белгиланган муддатларда тайёрлаш ва ФТМга топширилишини таъминлашга илмий ишлар проректорларининг бевосита маъсулиги қатъий белгилаб қўйилсин;
- илмий-тадқиқот ишларининг бажарилиш ҳолати, эришилаётган илмий ютуқлар, тадқиқотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган ва бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни мунтазам равишда кенг мутахассис-олимлар жамоатчилигида муҳокама қилишни йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазир ўринбосари Ш. Аюпов зиммасига юклатилсин.

қотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. 2003/2004 ўқув йилидан олий таълим муаммолари бўйича тегишли тадқиқотлар олиб боришни бошласин.

2.2. Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бораётган барча кафедрада доимий ишловчи илмий-услубий семинарлар ташкил этилсин.

2.3. Олий таълим муаммолари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари бўйича олий таълим доирасида конференция, семинарлар, танловлар ва кўرғазмалар уюштирилсин.

2.4. Тадқиқотларнинг боришини оммавий ахборот воситалари, олий таълим муассасалари даврий нашрларида ва "Таълим муаммолари" журналида ёритиб бориш юклатилсин.

2.5. Йилнинг ҳар чорагида тадқиқотларнинг бориши ва натижалари тўғрисида ОУМММИга ахборотлар бериб борилсин.

3. ОУМММИ (Раҳимов Б.Х.)га:

3.1. Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишларининг бажарилиши бўйича республика мониторингини юритиш топширилсин.

3.2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ажратган грантларини танлов асосида тақсимлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш ОУМММИга юклатилсин.

3.3. "Истеъдод" фонди билан ҳамкорликда якунланган тадқиқот ишлари натижалари бўйича ҳар йили республика танлови ўтказилсин.

3.4. Тадқиқот ишлари натижаларини "Таълим муаммолари" журналида баҳсли мақалалар эълон қилиб турилсин.

4. "Истеълод" республика фондига чет эл тажрибаларини ўрганиш бўйича гуруҳлар тузиш жараёнида олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишлари ижрочиларига имтиёз бериш тавсия қилинсин.

5. Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси (Бўтаев Ш.О.), Иқтисод, инвестиция, маркетинг хизмати бош бошқармаси (Алехина В.В.)га; Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишлари бажараётган олий таълим муассаларига амалий ва молиявий ёрдам кўрсатиш топширилсин.

2004 ва кейинги йиллар бюджетларини шакллантиришда олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишлари грантларини молиялаштириш назарда тутилсин.

6. Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик кадрлар бош бошқармаси (Бўтаев Ш.О.)га:

6.1. ОЎМММИ буюртмасига асосан Фан ва Технологиялар Маркази (ФТМ)дан олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишлари учун давлат грантлари ажратиш ҳақида таклифлар киритиш топширилсин.

6.2. Ўзбекистон Республикаси ОАКига ОЎМММИ таркибида олий таълим муаммолари бўйича илмий даража учун диссертация ҳимояси ўтказиладиган ихтисослашган Илмий кенгашини очиш ҳақида таклиф киритиш юклатилсин.

6.3. ОЎМММИда аспирантура очиш таклифини қўллаб-қувватлаш ва фан ва технология марказга тегишли таклиф киритиш топширилсин.

7. Мазкур Қарор ижросини назорат қилиш вазирининг ўринбосари Аюпов Ш.А. зиммасига юклатилсин.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА УСТУВОР ТАДҚИҚОТЛАР РЎЙ ХАТИ

Кириш

Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсали-инсондир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан муҳаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

И.А. Каримов.

Ўзбекистон жаҳон фани ва умуман цивилизация ривожини бойитган давлат арбоблари ва лашкарбошилари, булук олимлар ва мутафаккирларнинг тарихий ватанидир. Амир Темура, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино (Авиценна), Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий ва бошқалар замонавий математика ва табиий фанлар, тиббиёт, астрономия, филология, давлат қурилиши ва ҳарбий санъатга асос солган буюк адломалардир.

Шу кунларда мустақил Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқи ва эркинлигини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуришни амалга оширмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган таъсирчан механизм ва шароитларни яратиш, ижтимоий ҳуқуқ ва фикрини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг муҳаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури узлуксиз таълим тизимини, шунингдек, олий таълимни ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш бўйича концептуал ҳужжат ҳисобланади. У (Миллий дастур)

юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални туғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Олий таълим тизимида инновацион сиёсатнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- илмий ва таълимий жараёнларнинг бирлиги ва уни жамиятнинг маънавий, ижтимоий, иқтисодий рағнақига йўналтирилганлигини таъминлаш;

- илмий тадқиқотлар кўп шакллилиги, илмий, илмий-техник ҳамда инновацион дастурларни шакллантириш ва бажаришда танловни таъминлаш.

Олий таълим тизимида илмий фаолият қуйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилди:

- юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва мамлакатнинг маънавий-маданий ҳамда илмий-техник салоҳиятини шакллантириш;

- фанужассам жараёнлар, ресурс ва энергия тежаш технологияларни яратиш ҳамда иқтисоднинг турли соҳаларига жорий қилиш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари доирасида олий таълим бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш.

Олий таълим бўйича илмий тадқиқотлар қуйидаги муаммоларни қамраб олиши керак:

кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини рўёбга чиқариш механизмлари ва илмий-услубий асослари;

XXI асрда олий таълим миссияси;

Олий таълим сифати ва рақобатбардошлиги;

Олий таълим педагогикаси ва психологияси;

Олий таълим иқтисоди;

Олий таълим субъектларининг саломатлиги ва ижтимоий таъминоти.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришга, шунингдек, олий таълимни ривожлантириш ва такомиллаштириш, сифатни оширишга йўналтирилган, ОТМ профессор-ўқитув-

чилар таркиби бажарадиган илмий ишлар бўйича баён этилган муаммолар номи ва уларнинг коди куйида келтирилган.

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (ОУМММИ) олий таълим муаммолари бўйича тадқиқот ишлари мувофиқлаштирувчи ҳисобланади, у ҳар бир ОТМ томонидан тадқиқот ишларини режалантириш ва бажариш мониторингини олиб боради.

Ҳар йилнинг май ойида ОТМ янги ўқув йилига режалантираётган тадқиқот ишлари (муам-

мо номи, кодини кўрсатган ҳолда) ҳақида ОУМММИга маълумот беради.

Ҳар йилнинг 30 майгача ОТМ бажарилган тадқиқот ишларини натижалари бўйича қисқа ҳисобот (аннотированнўй отчет) беради.

Бажарилган тадқиқот ишларини натижаси бўйича ҳар йили ОТМларда илмий-услубий семинар ўтказилади. "Таълим муаммолари" журналида мақолалар чоп этилади ва мунтазам равишда (ҳар йили) ўтказиладиган республика танловига ишлар тавсия қилинади.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ БҲЙИЧА УСТУВОР
ТАДҚИҚОТЛАР РУЙХАТИ (2010 йилгача)**

Олий таълим муаммолари бўйича тадқиқотларнинг номи	Муаммо коди
Муаммо йуналиши: XXI асрда олий таълим миссияси	1.0.00
Кадрларнинг дунёқарашини шакллантириш	1.1.00
• Кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг илмий-амалий асослари	1.1.01
• Олий мактабда таълим ва тарбиянинг узвийлиги	1.1.02
• Ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш	1.1.03
• Кадрларнинг ақлий ва маънавий сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш	1.1.04
• Ватанпарварлик ва ватанга муҳаббатни тарбиялаш	1.1.05
• Миллий ва умумбашарий қадриятларни тушуниш руҳида тарбиялаш	1.1.06
• Миллий анъаналар, қадриятлар ва урф-одатлар руҳида тарбиялаш	1.1.07
• ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни тарбиялаш	1.1.08
• Умумий маданий ва эстетик дунёқарашни тарбиялаш	1.1.09
• Атроф муҳитни асраш ва экологик маданиятни тарбиялаш	1.1.10
Олий таълим, иқтисодиёт, давлат, жамият ва шахс ўртасидаги узаро комплекс таъсир	1.2.00
• Давлат ва жамият олий таълимнинг фаолият курсатиши, ривожланиши, такомиллашуви, кадрлар тайёрлаш ва уларга талаб-эhtiёжнинг кафолати сифатида	1.2.01
• Шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг субъекти ва объекти, бузуртмачиси, таълим хизматини яратувчиси сифатида	1.2.02
• Олий маълумотли кадрларга малакавий талабларни ишлаб чиқиш	1.2.03
• Олий таълимда маркетинг	1.2.04
• Олий таълим ва меҳнат бозорининг узаро муносабатларининг мазмуни ва тузилмаси	1.2.05
• Фан ва ишлаб чиқариш моддий-техника база ва малакали кадрлари салоҳиятидан таълим жараёнида фойдаланиш	1.2.06
• Иқтисодиёт соҳаларининг техник, технологик, иқтисодий ва экологик муаммоларини ҳал қилишда олий таълимнинг илмий салоҳияти ва ишланмаларидан самарали фойдаланиш	1.2.07
• Иқтисодиёт тармоқлари учун илмий ва илмий-техник лойиҳаларни бажариш ва амалда қўллаш	1.2.08
• Малакавий амалиётнинг, ташкили, мазмуни рўсбга чиқариш усули ва такомиллаштириш йуллари	1.2.09

• Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш асоси сифатида ишлаб чиқариш кучлари, техник ва технологиясини такомиллаштириш	1.2.10
• Олий таълимни жамоат бошқаруви амалиёти ва методологияси	1.2.11
• Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг давлат ва жамоат тизими	1.2.12
• Олий маълумотли кадрларга булган меҳнат бозори эҳтиёжининг жорий ва истиқбол башорати мониторинги	1.2.13
• Олий таълим муассасаларини минтақалаштириш	1.2.14
Олий таълим: муаммолар ва имкониятлар	1.3.00
• Олий таълим XXI асрда: муаммолар ва вазифалар	1.3.01
• Олий таълимни ижтимойлаштириш	1.3.02
• Олий таълимни инсонпарварлаштириш	1.3.03
• Олий таълимни фундаменталлаштириш	1.3.04
• Олий таълим диверсификацияси	1.3.05
• Олий таълимнинг ҳозирги замон цивилизациясидаги ўрни	1.3.06
• Олий малакли илмий ва илмий–педагогик кадрлар тайёрлаш	1.3.07
• Иқтисодиёт тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш жарёнининг илмий–тадқиқий таъминоти, таълимий ахборот тармоқлари учун илмий маълумотлар базасини шакллантириш	1.3.08
• Илмий тадқиқот натижаларини таълим тарбия жарёнига ва иқтисодиёт тармоқларига жорий қилиш	1.3.09
• Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини самарали бажаришни таъминлаш буйича илмий тадқиқотлар олиб бориш	1.3.10
• Ёшларнинг илмий ижодиёти	1.3.11
• Олий таълимни ахборотлаштириш; ягона ахборот макони	1.3.12
• Олий таълим муассасисининг ахборот–технологик ва таълимий муҳити	1.3.13
• Илмий кадрларни илдам тайёрлаш, мамлакатнинг илмий салоҳиятини шакллантириш	1.3.14
• Илмий–педагогик ва илмий кадрларга булган эҳтиёж мониторинги	1.3.15
• Мамлакат фани ва олий таълимнинг халқаро фаолият тизимига интеграциялашуви	1.3.16
• Мухандислик ва ишлаб чиқаришда инновациялар	1.3.17
• Олий таълим жарёнини такомиллаштириш буйича инновациялар	1.3.18
• Олий таълим муассаси тармоқлари ва тузилмаларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш)	1.3.19
Кадрлар элитасини тайёрлаш	1.4.00
• Иқтидорли ёшларни излаш, аниқлаш ва улар билан ишлаш	1.4.01
• Иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ташкилий ва илмий–услубий таъминоти	1.4.02

• Иқтидорли ёшларни ўқитиш технологияси	1.4.03
• Ўзбекистон иқтидорли ёшлари ҳақида маълумотлар банки ва мониторинги	1.4.04
• Кадрлар элита тайёрлаш мониторинги	1.4.05
Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш	1.5.00
• Таълим турлари бўйича педагогик кадрларни ва раҳбар ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг меъерий-ҳуқуқий, ташкилий ва услубий таъминоти	1.5.01
• Таълим турлари бўйича педагогик кадрларни ва раҳбар ходимларни малакасини ошириш қайта тайёрлаш тизимини илмий ва ўқув-ўқув услубий таъминоти	1.5.02
• Иқтисодиёт тармоқлари ходимларини, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг меъерий-ҳуқуқий, ташкилий таъминоти	1.5.03
• Иқтисодиёт тармоқлари ходимларини ва малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг илмий ва ўқув-ўқув услубий таъминоти	1.5.04
• Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида сифатни баҳолаш ва тахсис	1.5.05
• Малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасида ўз-ўзини аттестациялаш (ўз назорат, ўзаттестация)	1.5.06
• Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида рақобат муҳитини яратиш	1.5.07
• Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг замонавий моддий-техник таъминоти	1.5.08
• Малака ошириш ва қайта тайёрлаш сифатини бошқариш ва мониторинги	1.5.09
Ёши катталарни ўқитиш	1.6.00
Ёши катталарни ўқитишнинг меъерий-ҳуқуқий базаси	1.6.01
Ёши катталарни ўқитиш методологияси ва амалиёти	1.6.02
Ёши катталарни ўқитиш технологияси	1.6.03
Ёши катталарни ўқитишнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, унинг самарадорлиги	1.6.04
Ёши катталарни ўқитиш дидактикаси	1.6.05
Ёши катталарни ўқитиш соҳасида бошқарув	1.6.06
Ёши катталарни ўқитиш мониторинги	1.6.07
Очиқ таълим	1.6.08
Масофавий таълим	1.7.00
• Масофавий таълимнинг меъерий-ҳуқуқий базаси	1.7.01
• Масофавий таълим модели ва ташкилий шакллари	1.7.02
• Масофавий таълимнинг дидактик асослари	1.7.03
• Масофавий таълимнинг ўқув-ўқув услубий мажмуалари ва технологиялари	1.7.04
• Масофавий таълим учун интеллектуал электрон дарсликлар ва ўқув адабиётлари яратиш методологияси	1.7.05

• Масофавий таълим учун виртуал амалий машгулот ва лаборатория ишлари	1.7.06
Муаммо йуналиши: Олий таълим сифати ва рақобатбардошлиги	2.0.00
Олий таълим сифатининг ўқув–услубий ва меъёрий–ҳуқуқий таъминоти	2.1.00
• Давлат таълим стандартларида олий таълим сифатини режалаштириш ва уларнинг ташкилий–бошқарув функциялари	2.1.01
• Интеграллашган курслардан иборат ўқув режалари олий таълим сифатини таъминловчи асос сифатида	2.1.02
• Олий таълимда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини таъминлаш	2.1.03
• Бакалавриятнинг ўқув–услубий таъминоти	2.1.04
• Магистратуранинг ўқув–услубий таъминоти	2.1.05
Олий таълим сифати	2.2.00
• Олий таълим сифати курсаткичлари ва омиллари	2.2.01
• Олий таълим сифатини ташҳис қилиш ва баҳолаш	2.2.02
• Автоматлаштирилган назорат ва баҳолаш тизимлари	2.2.03
• Олий таълим сифатини бошқариш ва мониторинги	2.2.04
• Ўқув–тарбия жараёнининг замонавий моддий–техник таъминоти	2.2.05
• Олий таълим муассасасининг узаттестацияси (ўзназорати) сифатни кутариш асоси сифатида	2.2.06
• Олий таълимда рақобат муҳитини яратиш	2.2.07
• Талабалikka қабулни миқдори ва сифатини такомиллаштириш	2.2.08
Ўқув жараёнининг услубий ва ахборот ресурслари	2.3.00
• Олий таълим муассасасининг кутубхона–ахборот тизими ва таълим муҳити	2.3.01
• Мустақил ва масофавий таълимнинг электрон–ахборот ресурслари: яратиш ва амалга ошириш	2.3.02
• Автоматлашган ўқув–назорат тизимлари	2.3.03
• Электрон таълим нашрлари ва ресурслари	2.3.04
• Интернет тармогидан таълим жараёнида фойдаланиш самардорлиги	2.3.05
• Республика ва минтақавий ахборот–таълим муҳити–кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш асоси	2.3.06
• Дастурий–техник мажмуалар ва масофавий матълумот олиш технологияси	2.3.07
• Ўқув адбиётларининг янги авлодини яратиш ва жорий этишнинг илмий–услубий асослари	2.3.08
• Ўқув–услубий мажмуалар, таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини яратиш ва жорий қилиш	2.3.09
• Мухандислик ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ахборот–таълим муҳити	2.3.10

• Уқув адабиёти маркетинги	2.3.11
• Олий таълим, илм–фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси	2.4.00
• Олий таълим, илм–фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг меъёрий–ҳуқуқий, ташкилий–услубий таъминоти	2.4.01
• Олий таълим, илм–фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида уқув жараёнининг илмий ва уқув–услубий таъминоти	2.4.02
• Олий таълим, илм–фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси доирасида касбий таълим ва илмий–ишлаб чиқариш хизматлари	2.4.03
• Олий таълим, илм–фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг мазмуни ва шакллари	2.4.04
• Буюртмалар асосида фан ва ишлаб чиқариш соҳаларига кадрлар тайёрлаш	2.4.05
• Уқув–илмий–ишлаб чиқариш комплекслари–рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси сифатида	2.4.06
Урта махсус касб–ҳунар ва олий таълимнинг интеграцияси	2.5.00
• Интеграллашган давлат таълим стандарти – урта махсус, касб–ҳунар ва олий таълим мазмунининг узвийлигини таъминлаш асоси сифатида	2.5.01
• Курсларнинг (ёки фанларнинг) комплекс уқув режалари ва дастурлари	2.5.02
• Урта махсус касб–ҳунар ва олий таълим меъёрий–ҳуқуқий ва ташкилий таъминоти	2.5.03
• Урта махсус касб–ҳунар ва олий таълим интеграциясининг комплекс уқув–услубий таъминоти	2.5.04
• Интеграциялланган таълим муассасасининг ахборот–технологик ва таълим муҳити	2.5.05
Олий таълимнинг моддий–техник таъминоти	2.6.00
• Уқув лаборатория жиҳозлари ва уқув–илмий асбоблар	2.6.01
• Мультимедия уқув–услубий мажмуалар ва уқув–машқ тизимлари	2.6.02
• Виртуал ва амалий тажрибани уйғунлаштирувчи амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари яратиш ва жорий қилиш	2.6.03
• Илмий тадқиқотларни бажаришда виртуал муҳитлардан фойдаланиш	2.6.04
Муаммо йуналиши: Олий таълим педагогикаси ва психологияси	3.0.00
• Олий таълим педагогикаси	3.1.00
• Педагогик лойиҳалаш ва педагогик технологиялар	3.1.01
• Педагогик технологияларнинг илмий–услубий асослари	3.1.02
• Педагогик коммуникация	3.1.03
• Уқитишнинг инновацион технологиялари	3.1.04
• Уқитишнинг кредит технологияси	3.1.05
• Кредит технологияси бўйича уқитишнинг ташкилий ва уқув–услубий таъминоти	3.1.06
• Олий таълимда ахборот технологиялари	3.1.07
Узлуксиз таълимнинг ахборот ва услубий ресурслари	3.1.09
Уқув жараёнини компьютерлаштириш	3.1.10
Олий таълимда уқитишнинг интерактив усуллари	3.1.11
Олий таълим профессор–уқитувчиларининг педагогик маҳорати	3.1.12
Олий таълим дидактикаси	3.1.13
Олий таълимда тарбиявий компонент	3.1.14
Педагогик квалиметрия	3.1.15
Бошқарув педагогикаси	3.1.16
Таълим–тарбия жараёнини бошқариш	3.1.17
Замонавий таълим олиш муҳитини яратиш	3.1.19
Талабалар мустақил таълим олишининг шакллари, илмий–услубий асослари ва бошқаруви	3.1.20

Талабалар мустақил таълим олишининг ташкилий ва уқув-услубий таъминоти	3.1.21
Олий таълим психологияси	3.2.00
Талаба шахси ривожланишининг хусусиятлари	3.2.01
Талаба ва уқитувчи шахсининг типологияси	3.2.02
Талаба шахсиятини психолого-педагогик урганиш	3.2.03
Касбий тизимли фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари	3.2.04
Талабани тарбиялашнинг психологик хусусиятлари ва талабалар гуруҳлари нинг роли	3.2.05
Талабаларни уқитишнинг психологик хусусиятлари	3.2.06
Талабалар психодиагностикаси	3.2.07
Бошқарув психологияси	3.2.08
Мотивация-самарали уқув фаолиятининг асоси сифатида	3.2.09
Инсон-машина тизимларини лойиҳалашнинг муҳандис-психологик асослари	3.2.10
Инсон-машина тизимларини муҳандис-психологик баҳолаш	3.2.11
Муаммо йуналиши: Олий таълим иқтисоди	4.0.00
Олий таълимни молиялаштириш	4.1.00
Олий таълим тизимига бюджетдан ташқари маблағлар (шу жумладан хорижий инвестициялар)ни жалб этишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	4.1.01
Қадрларни мақсадли тайёрлашни молиялаштириш	4.1.02
Олий таълим субъектларининг ижтимоий таъминоти ва уларнинг соғлиғи	4.2.00
Талабалар ижтимоий таъминоти ва уларнинг соғлиғи	4.2.01
Талабаларни сифатсиз таълимдан муҳофаза этиш	4.2.02
Профессор-уқитувчилар ва ёрдамчи-уқув ходимларининг ижтимоий таъминоти ва уларнинг соғлиғи	4.2.03

11.1 ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 йил 8-июлдаги 228 сонли "Хукумат қарорини бажариш тўғрисида"ги БУЙРУҒИ

...10. Кадрлар, фан ва иқтисодиёт, малака ошириш ва қайта тайёрлаш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари (Ш.О.Бўтаев) га:

10.1. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда 20

кун муддат давомида белгиланган тартибда Тош-ДИУнинг халқаро туризм факултети қошидаги хўжалик ҳисобидаги марказга 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили учта грант ажратилиши сўралсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорида қўйилган талабларга мувофиқ олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари тўғрисида"ги 1998 йил 3 август 220 сонли

БУЙРУҒИ

5. Илм-фан ва таълимни молиялаштириш Бош бошқармаси (Саидов М. Ҳ.)га:

5.1. Аспирант ва доктрантларга ахборот ва илмий манбалардан кенг фойдаланишлари учун зарурий имкониятлар яратиш мақсадида, олий

ўқув юртларининг бюджетдан ташқари тушган маблағлари ҳисобидан ҳар бир аспирант учун бир йилда 2-3 мартагача республика ҳудудида илмий сафарга боришини таъминловчи маблағ ажратиш бўйича таклиф киритсин.

11.2 ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ, ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида Низом» ни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 10 июл 185 сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. Илова этилган "Иқтидорли талабаларни

излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида Низом" тасдиқлансин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 02.04.94 й. 83-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ИЗЛАШ, АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ МАҚСАДЛИ ТАЙЁРЛАШ ТўҒРИСИДА НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "10"июль 1998 йил 185 сон буйруғи билан тасдиқланган

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Низом, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва унда иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш тартиби ҳамда улар билан мақсадли ишлашнинг шакл ва услублари белгиланган.

Иқтидорли ёшлар – Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим омил ва миллат зийнати ҳисобланади.

1.2. Иқтидорли талабалар махсус психологик, педагогик тест ўтказиш орқали аниқланади. Улар мақсадга интилиш, қатъийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ҳамда ижодий фаолият

билан шуғулланиш истаги билан ажралиб турадилар.

1.3. Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади – республиканинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратишдир.

1.4. Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш вазифалари:

– иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳияти чуқур билим олишга ва қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

— малакали профессор-ўқитувчиларни иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлашга жалб этиш;

— илм-фан тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларига иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш.

— иқтидорли талабалар бўйича республика банки ва мониторингини шакллантириш;

— махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологияларни ишлаб чиқиш;

— буюртмачилар талабларини қондирувчи малакали, ҳар томонлама камол топган кадрларни тайёрлаш.

2. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ИЗЛАШ ВА АНИҚЛАШ ҲАМДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Олий ўқув юртларида иқтидорли талабаларни излаш ўқишнинг дастлабки кунларидан ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш жараёнида амалга оширилади.

2.2. Иқтидорли талабалар, бошланғич билимлар ҳисобга олинган ҳолда, психологик ва педагогик тестлар ўтказиш орқали қобилиятнинг ривожланганлик даражасига қараб аниқланади.

2.3. Аниқланган иқтидорли талабани мақсадли тайёрлаш қуйидаги ўқув-ижодий, тарбиявий масалалар ва йўналишлардан иборат:

— кенгайтирилган ўқув режаси бўйича ўқиш ва қўшимча малакага эга бўлиш (танланган йўналиш бўйича: чет тилидан таржимон; ЭВМ дастурчиси; касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси ва ҳақозо);

— мақсадли дастур бўйича яқка тартибда (индивидуал) ўқитиш;

— чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиш (фундаментал фанлар; умумқасбий фанлар; менежмент, маркетинг, аудит; ҳуқуқий фанлар; экология ва бошқалар);

2.4. Буюртмачилар талабларига асосланган ҳолда олий ўқув юрти иқтидорли талабаларнинг қасбий йўналиши, ўқув-ижодий ва тарбиявий тайёргарлигининг қўшимча йўналишларини белгилаши ва таълим хизматларини жорий этиши мумкин.

2.5. Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш дастурларида қуйидаги омиллар назарда тутилади:

— фанларни юқори даражада ўзлаштириш;

— компьютер билимдорлиги ҳамда програм-малаштириш;

— чет тилларидан бирини пухта эгаллаш;

— курс ва битирув ишларини ҳамда магистрлик диссертациясини ёзишда компьютер ва чет тилидан самарали фойдаланиш;

— илмий-ижодий ишларни бажариш жараёнида мустақил фикрлаш, янги фикр ва мулоҳазаларни билдириш, амалда тадбиқ этиш;

— соҳа бўйича мустақил билим олишга йўналтириш ва илм-фан соҳасидаги янгилик-

ларни тезкорлик билан эгаллаш хусусиятларини шакллантириш;

— давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри тушинадиган ва уни қўллаб-қувватлайдиган, ватанпарвар, баркамол инсон этиб шакллантириш.

3. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛОВЧИ РАҲБАР ВА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАНЛАШ

3.1. Иқтидорли талабаларга дарс беришга илмий даражали ва талабани мақсадли тайёрлаш дастури бўйича етарли билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб этилади.

3.2. Иқтидорли талабаларга илмий раҳбар этиб, ижодий ва услубий ишлаш тажрибасига эга бўлган, ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича рейтинги юқори бўлган профессор ва доцентлар тайинланади.

3.3. Иқтидорли талабалар илмий раҳбарларининг асосий вазифалари:

— иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш дастурини тузиш ва уни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

— иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш;

— янги педагогик технология, компьютер технологияси ва видео-аудио техникаларини ўқув жараёнида кенг қўллаш.

— мақсадли дастурни муваффақиятли бажарётган иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш.

4. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг шакл ва услублари:

— ўқитишни индивидуаллаштириш;

— талабаларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилият имкониятларини билим олишга йўналтириш;

— талабалар қобилиятини ривожлантириш учун максимал шарт-шароитлар яратиш.

4.2. Олий ўқув юртларида “Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими”ни ташкил этиш ва унинг раҳбарини илмий даража ва унвонга эга бўлган психолог ёки педагог сафидан тайинлаш.

4.3. Психологик ва педагогик тестлар асосида иқтидорли талабаларни аниқлаш уларнинг рўйхатини тузиш ҳамда илмий раҳбар ва маслаҳатчиларни белгилаш.

4.4. Иқтидорли талабалар билан ишлашни сифатли ташкил этиш мақсадида университет (институт), факультет ва кафедраларда қуйидаги иш қўғозларини юритиш тавсия этилади:

- иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг Низоми;
- иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг иш режаси;
- йиллик ҳисоботлар;
- иқтидорли талабаларга оид ректорнинг буйруқлари;
- факультет, кафедралар бўйича иқтидорли талабалар рўйхати;
- мураббийларнинг иқтидорли талабалар бўйича берган тавсиялари ва унга илова қилган ҳужжатлар ва фотосуратлар;
- конференция, олимпиада, танлов, викторина ўтказилишига оид ҳужжатлар;
- иқтидорли талабалар излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва Ҳайъат қарорлари;

– хат аризаларни қайд этиш китоби.

4.5. Мақсадли тайёрлашнинг ўқув–ижодий ва тарбиявий дастури иқтидорли талаба томонидан танланади ва унинг бажарилиши бўйича назорат муддатлари кўрсатилган шахсий ўқув режа ва илмий–ижодий ишлар режаси тузилади ҳамда факультет Илмий кенгаши тавсиясига биноан олий ўқув юртининг фармойиши билан тасдиқланади.

4.6. Илмий раҳбар иқтидорли талаба ва чуқурлаштирилган ҳолда ўрганилиши назарда тутилган фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда қўшимча ишчи дастур ва тематик–календарь режасини тузади.

4.7. Юқори кўрсаткичларга эришган иқтидорли талабаларга ИТБИБ тавсиясига биноан, айрим фанлар бўйича дарсларга (ўқитувчининг розилиги билан) эркин қатнашиш ҳуқуқи берилиши мумкин.

4.8. Ҳар ўқув йилининг якунида иқтидорли талабанинг қобилияти, ўқув–илмий ва сифатларининг рейтингини аниқланади ҳамда унинг шахсий делосига тикилади.

5. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

- иқтидорли талабаларни ишлаш ва аниқлашни ташкил этиш;
- таълим олаётган иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда аниқлаб бориш;
- иқтидорли талабаларнинг мойиллигига қараб, уларни мақсадли тайёрлашни уюштириш;
- чет тили ва компьютерни мукамал эгаллаш мақсадида машғулотларни ташкил этиш;
- фундаментал илмий–тадқиқот ишларига, илмий тўғарақларга ва муаллифлик жамоаларига жалб қилишни уюштириш;
- иқтидорли талабаларни илмий мақолаларини чоп этишга ҳамда уларнинг илмий ишла-

ри ва илмий ишланмаларини амалиётга жорий этишда кўмаклашиш;

- иқтидорли талабаларни республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий анжуманларда иштирок этишини таъминлаш ҳамда хорижий давлатларга ўқишга ва стажировкага юборишни ташкил этиш;

- иқтидорли талабалар сафидан Ўзбекистон Республикаси давлат стипендияларига номзодларни махсус тайёрлаш;

- иқтидорли талабаларни илм ва фан арбоблари, ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ва йирик мутахассислари билан учрашувларини ташкил этиш;

- иқтидорли талабалар учун ихтисослик бўйича касб ўйинларини ташкил этиш;

- иқтидорли талабалар ўртасида мунтазам равишда социологик тадқиқотларни ўтказиб туриш;

- маркетинг тадқиқотлари, буюртмачилар талабларини чуқур ўрганиш ва ташкил қилаётган таълим хизматлари банки асосида иқтидорли талабаларга бозор конъюктурасини белгилловчи фанларни танлашда ёрдам кўрсатиш;

- замонавий ахборот тизимидан фойдаланишга шарт–шароитлар яратиш.

6. ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР ВА УЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ТАҚДИРЛАШ

6.1. Иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш дастурига сарфланадиган ҳаражатлар олий ўқув юрти ҳисобидан амалга оширилади.

6.2. Юқори кўрсаткичларга эришган илмий ишлар бўйича шахсий режани намунали бажарган иқтидорли талабалар, уларга бириктирилган раҳбарларнинг тавсияларига мувофиқ ўқув йили якуни бўйича олий ўқув юртлари раҳбарияти томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилишлари ва тақдирланишлари мумкин.

6.3. “Иқтидорли талабаларни қўшимча равишда рағбатлантириш ва тақдирлаш турлари олий ўқув юртларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, кенгайтирилиши мумкин.

6.4. Буюртмачи корхона ташкилот ва муассаса иқтидорли талабаларга қўшимча стипендия белгилаши мумкин.

6.5. Иқтидорли талабалар билан ишлашда юқори натижаларга эришган (олимпиада, танлов, талабалар илмий ишлари кўригида голиб чиққан, илмий мақолалари чоп этилган ва ҳақозо) илмий раҳбар, консультант ва ўқитувчилар “Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими” томонидан қуйидаги рағбатлантириш ва тақдирлашга тавсия этилади:

- Вазирлик ва олий ўқув юртининг буйруғи билан ташаккурнома эълон қилиш;

- қўшимча ойлик маош белгилаш (агар умумий рейтинг ҳам юқори бўлса);

- ўқув йили якуни бўйича уч ойлик маош миқдоридан мукофатлаш;
- фахрий унвонларга тавсия этиш;
- чет элга стажировка ва тажриба алмашишга юбориш;

- дам олиш масканлари ва санаторияларга йўлланма бериш;

- буюртмачи ташкилот иқтидорли талабаларнинг илмий раҳбарлари, маслаҳатчилари ва ўқитувчиларига қўшимча ойлик маош белгилаши мумкин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ВА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ ТЎҒРИСИДА Н И З О М

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг
1999 йил 09 декабрь 365 сонли
буйруғи билан тасдиқланган

I. Умумий қоидалар, олий ўқув юрти (ОЎЮ)нинг илмий-тадқиқот фаолияти (ИТФ)ни комплекс баҳолашнинг мақсад ва вазифалари

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидоги ОЎЮ ва илмий ташкилотларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш фаолиятини комплекс баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифалар - илмий-тадқиқот ишлари ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш натижаларининг самарадорлигини, илмий-техник ишланмаларини тадқиқ этилганлигини ва олий ўқув юртида илмий бўлимлар (ихтисослашган илмий-техник ва ўқув - ишлаб - чиқариш илмий марказлари)ни ривожлантирилганлигини ҳамда ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва мақсадли тайёрлаш борасидаги фаолиятини рейтинг асосида ҳаққоний баҳолаш учун услубий асосдир.

1.3. Низомда кўзда тутилган баҳолаш тизимининг мақсади - Вазирликнинг илмий ва ўқув муассасаларида илм-фаннинг ривожини, олий малакали илмий-педагогик кадрлар (ИПК) ва иқтидорли талабалар тайёрлаш натижаларини ҳамда амалдаги ташкилий-меъёрий механизмлар, моддий-техник база ва ахборотлар етказиб бериш тизимларининг ҳозирги замон талабларига жавоб беришини аниқлаш ҳамда ОЎЮлари профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли ёшларининг илмий фаолиятларининг самарадорлик даражаси ва сифатини рейтинг асосида ҳаққоний баҳолашни йўлга қўйишдан иборатдир.

1.4. ИТФ комплекс баҳолашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир ОЎЮ ёки унинг алоҳида бўлимлари (факультет, кафедра) томонидан олиб борилаётган ИТФнинг рейтинг балли - баҳолаш кўрсаткичининг умумий қийматларини аниқлаш;
- кейинчалик бартараф этиш мақсадида

ИТФ ташкил этишдаги камчилик ва муаммоларни аниқлаш;

- профессор-ўқитувчи ва илмий ходимларнинг самарали меҳнатини моддий рағбатлантириш, илмий бўлимлар раҳбар ходимлари таркибини яхшилаш борасида ташкилий чоралар қабул қилиш мақсадида ОЎЮларининг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўйича солиштирма самарадорлигини аниқлаш.

1.5. Олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот фаолияти Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да кўзда тутилган қуйидаги йўналишлар кўрсаткичлари асосида баҳоланади:

- мамлакатимиз фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясини фаоллаштириш борасидаги кўрсаткичлар;
- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимларни яратиш борасидаги кўрсаткичлар;
- ОЎЮ ва ИТИнинг фан ва технология соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги кўрсаткичлар;
- олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда ёшларнинг илмий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фаолиятига оид кўрсаткичлар;
- ОЎЮнинг иқтидорли талабаларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, педагогик-психологик ва ташкилий шароитларини яратиш ва амалга ошириш борасидаги фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари.

1.6. ОЎЮнинг юқоридаги ҳар бир йўналишларига оид фаолияти Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган кўрсаткичлар ва услубият бўйича (илова 3) амалга оширилади.

1.7. Баҳолаш натижалари Вазирлик томонидан илмий-тадқиқот фаолияти бўйича энг илғор ОЎЮларини рағбатлантириш ва шу билан бир

қаторда бу фаолиятда оқсаётган ОУЮларининг раҳбар ходимлари таркибини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш ва тегишли ечимлар қабул қилиш учун қўлланилиши мумкин.

1.8. Йил якунлари бўйича эришилган баҳолаш кўрсаткичларининг дастлабки ҳисоб-китоблари ОУЮнинг тегишли ходимлари томонидан амалга оширилади, ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлиги эса Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги билан тасдиқланган тегишли комиссиялар томонидан текширилади. Ҳар бир баҳолаш кўрсаткичи бўйича ОУЮнинг мутасадди раҳбарлари комиссия аъзоларига қўйилган балларни асословчи тегишли ҳужжатлар ва материалларни тақдим этади. Баҳолаш натижалари ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолияти бўйича йиллик ҳисоботи билан бирга ҳар йили 31 декабр гача Вазирликка етказилади.

1.9. Баҳолаш рейтинг бади (РБ) ҳар бир кўрсаткичнинг абсолют қиймати (К₁)ни шу ОУЮнинг ҳар бир 1000 профессор - ўқитувчиси (ПУ)га тўғри келадиган ўртача қийматини шу кўрсаткичнинг нисбий салмоғи коэффициентини (К_н)га кўпайтириш билан аниқланади (илова 3), яъни $РБ = К_1 \times К_н / ПУ \times 1000$ (бу ерда ПУ - ОУЮнинг профессор - ўқитувчилари сони).

II. ОУЮ илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс

баҳолашни ташкил этиш

2.1. ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш мақсадида Вазирлик буйруғи билан раис ва комиссия аъзолари таркибидан иборат ОУЮлариаро комиссия тузилади.

2.2. ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш учун комиссия раиси ва аъзолари таркибига асосан ОУЮларининг етакчи профессор - ўқитувчилари тайинланади.

2.3. Комиссия раиси:

- комиссиянинг барча ишларига бевосита раҳбарлик қилади ва ОУЮнинг фаолиятига берилган баҳонинг ҳаққонийлиги учун маъсуллик;

- ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш комиссияси ишини ташкил этади ва бевосита раҳбарлик қилади;

- ўзига таълуқли барча тегишли материалларни ОУЮдан талаб қилиш ҳуқуқига эга;

- ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш натижаларига оид барча зарур материалларни тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун вазирликка тақдим этади;

- комиссия аъзолари ОУЮ илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолашга оид барча вазифаларни юклатади ва қўйилган вазифаларни сифатли бажарилишини назорат қилади;

- рейтинг баллининг якуний қийматлари ҳамда ҳар бир баҳолаш кўрсаткичларига оид маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун бевосита маъсуллик.

2.4. Вазирликнинг фан бўлими ҳар бир ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш бўйича бошқа ОУЮларининг тажрибали мутахассис-олиmlаридан иборат комиссия тузишга оид тегишли таклифлар тайёрлайди, комиссия ишини ташкил қилади ҳамда Вазирлик Ҳайъат мажлисида ОУЮ илмий-тадқиқот фаолиятини якуний баҳолаш ишларини ташкил қилади.

III. Баҳолашни якунлаш ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш

3.1. Олий ўқув юртлариаро комиссия илмий-тадқиқот ишлари ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни вазирликка жорий йилнинг 1 февралига қадар тақдим этади.

3.2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ОУЮ илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш бўйича Олий ўқув юртлари арокомиссия ишига раҳбарлик қилади ҳамда лозим бўлганда, комиссия раисларидан берилган балларнинг ҳаққонийлиги асословчи тегишли материалларни талаб қилади.

3.3. ОУЮнинг илмий-тадқиқот фаолиятини комплекс баҳолаш якунлари Вазирликнинг Ҳайъат мажлисида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг
9 декабр 1999 йил 365 сонли буйруғига илова

Вазирлик олий ўқув юрталари ва илмий - тадқиқот институтларининг илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, илмий - педагогик кадрлар ва истеъдодли ёшларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини
БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УСЛУБИЯТИ

Йўналиш ва курсаткичнинг тартиб сони	Курсаткичнинг тартиб сони (i)	Йўналиш ва курсаткичлар тавсифи	Курсаткичнинг абсолют қиймати К _i	Проф. ўқитувчилар (ПУ) сони ПУ	К _i нинг ҳар 1000 ПУга тури келад. ўртача сони К _i /ПУ x1000	Курсаткичнинг салмоғи коэффициенти	Рейтинг бал қиймати
1	2	3	4	5	6	7	8
I		<i>Миллий дастурда кўзда тутилган йўналиш - мамлакатимиз фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясини фаоллаштириш борасида:</i> - Халқаро илмий-тадқиқот дастурларида (ИТД) олий ўқув юрти (ОЎЮ) иштирокининг самарадорлик кўрсаткичлари:					
I.1.		ОЎЮ халқаро ИТД бош ижрочи бўлган мавзулар бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ)нинг ҳажми, минг сўмда:				10	
I.2.		Ҳамбажарувчи бўлган мавзулар бўйича бажариладиган ИТИ ҳажми, минг сўмда:					
I.3.		Халқаро грант соҳиби бўлган мавзулар бўйича бажарилган ИТИ ҳажми, минг сўмда.				10	
II		<i>Миллий дастурда белгиланган йўналиш - табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимларни яратиш борасида:</i> - ЎзР Фан ва техника давлат комитети қарори билан белгиланган устивор давлат илмий-техник (ДИТ) ва фундаментал илмий тадқиқот (ФИТ) дастурларини бажариш кўрсаткичлари:					
2.1.		ОЎЮ устивор давлат илмий-техник дастурларини бажаришда бош ижрочи бўлган мавзулар бўйича бажариладиган илмий тадқиқотлар ҳажми, минг сўмда				8	

1	2	3	4	5	6	7	8
2.2.	5	Ҳамбазарувчи бўлган мавзулар бўйича бажариладиган илмий тадқиқотлар ҳажми, минг сўмда				6	
2.3.	6	фундаментал илмий-тадқиқот дастури бўлган мавзулар бўйича бажариладиган илмий тадқиқотлар ҳажми, минг сўмда				6	
		<i>- Танлов асосида бажариладиган илмий-техник ва фундаментал илмий тадқиқотлар кўрсаткичлари:</i>					
2.4.	7	ОЎЮнинг танлов асосида бажарган ИТИларининг умумий ҳажми, минг сўмда.				5	
		- Ҳужалик шартномалари асосида бажариладиган ИТИ кўрсаткичлари				6	
2.5.	8	Бажариладиган ИТИ нинг умумий ҳажми, минг сўмда.					
III		<i>Илмий-тадқиқот (ИТ) натижаларини амалиётга тадбиқ этиш ҳамда Миллий дастурда кўзда тутилган вазифа - ОЎЮнинг фан ва технология соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида:</i> - ИТ натижаларини амалиётга тадбиқ этиш кўрсаткичлари:					
3.1.	9	Амалиётга тадбиқ этилган мавзулар бўйича бажарилган ИТИнинг умумий ҳажми, минг сўмда				8	
3.2.	10	Эришилган иқтисодий самара, минг сўмда Патент ва лицензиялар кўринишида амалга оширилаётган ИТИ кўрсаткичлари;				6	
3.3.	11	Сотилган лицензиялар сони;				10	
3.4.	12	Лицензиялар сотишдан олинган даромаднинг умумий ҳажми, минг сўмда;				10	
3.6.	13	Олинган дастлабки ва давлат патентларининг сони				2	
		Монографиялар, илмий мақолалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари шаклида рўсбга чиқарилаётган ИТИ кўрсаткичлари:					
3.7.	14	Нашр этилган монографиялар сони, шу жумладан				8	
3.8.	15	Нашр ҳажми;				0,5	
3.9.	16	Чет элда нашр этилган монографиялар сони, ш.ж.				10	
3.10.	17	нашр ҳажми;				7	

1	2	3	4	5	6	7	8
3.11.	18	ИТИ натижалари ёритилган ҳолда нашр этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг умумий сони, ш.ж.				4	
3.12.	19	Нашр ҳажми;				0.4	
3.13.	20	Нашр этилган дарслик ва қўлланмалардан чет элда ёки чет эл олимлари билан ҳамкорликда чоп этилганлари сони; ш.ж.				5	
3.14.	21	Нашр ҳажми;				0.5	
3.15.	22	ИТИ натижаларини кенг миқёсда реклама этиш мақсадида нашр этилган рисола ва йўриқномалар сони, ш.ж.				10	
3.16.	23	Нашр ҳажми;				0.5	
3.17.	24	Чет элда нашр этилган рисола ва йўриқномалар сони, ш.ж.				10	
3.18.	25	Нашр ҳажми;				0.5	
3.19.	26	ОЎЮнинг нашр этилган илмий ишлар тўпламлари ва конференциялар материаллари сони, ш.ж.				10	
3.20.	27	Нашр ҳажми;				0.5	
3.21.	28	Чет эл омиллари иштирокида чоп этилган илмий ишлар тўпламлари ва конференция материаллари сони;					
3.22.	29	Нашр ҳажми;				0.5	
3.23.	30	Чет элнинг нуфузли илмий журналларида нашр этилган илмий мақолалар сони;				10	
		ИТИ натижаларини халқаро, республика ва ОЎЮлари миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этиш фаоллиги кўрсаткичлари:					
3.24.	31	Республиканинг марказий илмий нашрларида ва ОЎЮнинг журналларида нашр этилган мақолалар сони.				8	
3.25.	32	Халқаро миқёсида ўтказилган илмий конференциялар, симпозиумлар сони.				10	
3.26.	33	Республика миқёсида ўтказилган конференциялар сони.				8	
3.27.	34	Олий ўқув юрти миқёсида ўтказилган конференциялар сони.				6	
3.28.	35	Халқаро миқёсидаги илмий анжуманларда амалга оширилган илмий маърузалар сони.				10	
3.29.	36	Республика миқёсидаги конференцияларда амалга оширилган маърузалар сони.				6	

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "2001-2004 йилларда Республика талабалар олимпиадасини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида"ги 10 январь 2001 йилдаги БҮЙРУҒИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўрсатилган вазифаларни самарали равишда амалга ошириш, олий ўқув юртлирида талабаларнинг ўз билимларини намойиш этиши ва ривожлантиришига кенг имкониятлар яратиш, барча соҳаларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда иқтидорли талабаларнинг Республика ва халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишларига эришиш мақсадида,

БУЙОРАМАН

1. Вазирлик Хайъатининг 29.11.2000 йилдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, мақбулланган:

- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири талабаларининг 2001-2004 йилларга мўлжалланган фан олимпиадаси янги Низоми (1-илова);

- Республика талабалар олимпиадасининг иккинчи босқичини ўтказувчи 36та мутасадди олий ўқув юртлири рўйхати (2-илова) тасдиқлансин.

2. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти (Э.З.Имамов), Кадрлар, илм-фан ва кадрлар тайёрлаш Бош бошқармаси (Ш.О.Бўтаев)га:

- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири талабалар фан олимпиадасини янги Низоми олий ўқув юртлирига ўтказиш ва олимпиа-

дасини юқори савияда ўтказиш топширилсин.

- 2001-2004 йилларга мўлжалланган фан олимпиадасини ўтказиш юзасидан олий ўқув юртлирида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ва фан олимпиадасини ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш ва уларнинг натижалари бўйича мониторингини олиб бориш топширилсин.

4. Мутасадди олий ўқув юртлири ректорларига:

Республика талабалар олимпиадасини юқори савияда ташкил қилиш, ўтказиш ва яқуний ҳисоботларни белгиланган муддатда Вазирликка тақдим қилишни шахсий назоратда олиш юклатилсин.

5. Иқтисод, илм-фан, таълимни молиялаштириш ва капитал қурилиш Бош бошқармаси (М.Х.Сандов)га:

2001-2004 йилларга мўлжалланган Фан олимпиадасини ўтказиш сарф-харажатлари йиллик сметаларда назарда тутилсин.

6. Олий ўқув юртлири Бош бошқармаси (Б.Х.Рахимов)га:

2001-2004 йилларга мўлжалланган Фан олимпиадаси Низомида голиб талабаларга берилган имтиёзлар магистратурага қабул қилиш қондасини тайёрлашда инобатда олинсин.

7. Ушбу буйруқнинг бажарилиш назоратини Қ.Р.Аллаевага топширилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини Республика таълим тизимига жорий этиш юзасидан кўрилган тайёргарлик ҳақидаги маълумотнома" ва мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг топшириқлари ҳақида 2001 йил 15 январдаги 8"а"-сонли БҮЙРУҒИ

4. Кадрлар, илм-фан ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш Бош бошқармаси (Ш.Бўтаев)га:

4.1. Олий ўқув юртлирида белгиланган ва олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар мавзулари миллий истиқлол ғояси асосида қайта кўриб чиқил-

син ва уларнинг таркибига миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ўзида акс эттирган янги мавзулар киритилсин ҳамда уларнинг юқори илмий савияда бажарилиши таъминлансин.

**Олий ва махсус таълим
вазирлигининг 10.01.2001 й
№ 3 буйруғига 1-илова**

**Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири талабалари олимпиадаси
Н И З О М**

I. Умумий қондалар.

1.1. Республика талабалар олимпиадаси талабаларнинг олий таълим дастуридаги фанлардан олган билим кўникмаларини бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, иқтидорли ва истеъодли ёшларни Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўрсатилган вазифалар асосида мақсадли тайёрлаш бўйича оммавий ра-

вишда ўтказиладиган интеллектуал мусобақалардир.

1.2. Республика талабалар олимпиадасининг мақсади - олий ўқув юртлирининг мавқеини аниқлаш, ўқитиш ва ўқишдан ташқари ишларни кучайтириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини самарали равишда юқори даражага кўтариш, талабалар ижодий қобилиятларини ривожланти-

риш ва юксалтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар билан ишлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда келажақда барча интеллектуал соҳаларда илмий-амалий вазифаларни амалга оширувчи юқори малакали, Давлат ва миллат равнақи йўлида хизмат қилувчи Фидойи ёш кадрлар пдтенсиалитини шакллантиришдан иборат.

1.3. Талабаларининг фан олимпиадаларида қатнашишлари, уларни илмий раҳбарларининг хизматлари талабанинг эгаллаган ўрнига (яъни голиблик) қараб, олий ўқув юртининг Давлат аттестациясида эътиборга олинади.

1.4. Ўзбекистон Республикаси талабалари фан олимпиадасининг ушбу Низоми Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиғи билан тўрт йил (2001-2004) муддатга кучга киритилади.

1.5. Республика талабалар олимпиадаси икки хилдан иборат:

- 1) Умумтаълим фанлари
- 2) Касбий (мутахассислик) фанлари.

1.6. Умумтаълим фанлари олимпиадалари ижтимоий гуманитар, табиий, умуммутахассислик фанлардан ўтказилади.

1.7. Касбий (мутахассислик) фанлари танлови - келажақдаги касб фаолияти учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар тизимини шакллантирувчи ихтисослик фанлар мажмуасини ўрганган юқори курс талабаларининг мусобақасидир.

1.8. Олимпиада топшириқлари талабаларнинг назарий билимларини, замонавий информация технологиялардан фойдаланиш малака ва кўникмаларини, чет тилларни билишини ҳамда бўлажак кадрларнинг касбга тайёргарлик савиясини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим. Улар қатнашувчи ОУЮ вакиллари билан келишилган ҳолда тузилади ва расмий тартибда мутасадди ОУЮ ректори тасдиқлайди.

1.9. Республика талабалар олимпиадасида, қайси вазирлик тасарруфда бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлар (шу жумладан, ички ишлар, ҳарбий ва бошқа олий ўқув юртлари)нинг талабалари иштирок этадилар. Ўзбекистонда таълим олаётган хорижий талабалар умумий асосда қатнашадилар.

2. Республика талабалар олимпиадасини бошқариш.

2.1. Республика талабалар олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказишда биринчи босқич ОУЮларига услубий ёрдамни мутасадди ОУЮлари таъминлайди, ушбу Низом асосида бу ишларни олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти мувофиқлаштирилади ва мониторингини олиб боради.

2.2. Республика талабалар олимпиадасининг биринчи босқичини ўтказиш учун ушбу Низом асосида ҳар бир олий ўқув юртида ташкилий

қўмита тузилади ва унинг раҳбари этиб олий ўқув юрти ректори тайинланади.

Ташкилий қўмита олий ўқув юрти берадиган билимларга асосланиб, олимпиадани ўтказиш муддатларини белгилайди, топшириқларни тайёрлашни, текширишни ва баҳолашни назорат қилади.

2.3. Республика талабалар олимпиадасининг иккинчи босқичи талбирлари ОУМТВ томонидан тасдиқланган мутасадди олий ўқув (1-илова) юртларида ўтказилади. Уларни самарали ўтказиш мақсадида мутасадди олий ўқув юртида ректор раҳбарлигида Ташкилий қўмита тузилади. Унинг таркибига ҳакамлар Адолат Ҳайъати ва Фанлар комиссияси киради.

2.4. Республика талабалар олимпиадасига умумий раҳбарликни Олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғи билан тасдиқланган Республика фан олимпиадаси Ташкилий қўмитаси амалга оширади.

3. Ҳакамлар ҳайъати ва комиссияларнинг таркиби ҳамда уларнинг вазифалари

3.1. Ҳакамлар ҳайъати (сони учтадан кам эмас): Республика талабалар олимпиадаси иккинчи босқичининг ҳакамлар ҳайъати ҳар бир фан бўйича ташкил этилади, унинг таркиби мутасадди олий ўқув юртининг етакчи профессор-ўқитувчилари, олимлари, делегация раҳбарлари асосида ташкил қилинади. Мутасадди олий ўқув юртининг вакили ҳакамлар Ҳайъатининг раиси қилиб тайинланади.

3.2. Ҳакамлар Ҳайъати мусобақадан сўнг топширилган ишларни, норозилик бўлган ҳолда қайта текшириб, баҳолайди ва мусобақа қатнашчилари билан муҳокама қилади ҳамда олимпиада натижаларини тасдиқлайди. Адолат комиссияси таркиби таклиф қилинган етакчи олимлар ва мутахассислар, мутасадди олий ўқув юрти вакиллари ва делегация раҳбарлари асосида ташкил қилинади.

Адолат комиссияси иштирокчиларнинг шикоятларини бир кун муддат ичида қараб чиқади ва ҳакамлар ҳайъатига тегишли таклифлар киритади. Адолат комиссияси қабул қилган қарор тегишли равишда баён этилади ва унга адолат комиссиясини аъзолари, ҳакамлар Ҳайъатининг аъзолари, Мандат комиссиясининг аъзолари имзо қўядилар. Адолат комиссияси энг яхши ишларни қайта текшириш ҳуқуқига эга.

3.3. Мандат комиссияси:

Мандат комиссияси таркибига мутасадди олий ўқув юрти вакиллари киради.

Мандат комиссияси иштирокчиларнинг ваколатини текширади, бажарилган ишларни шифрлаш ва шифрларини очиш талбирларини амалга оширади ҳамда ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилади.

Республика фан олимпиадаси Ташкилий

қўмитаси - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ўқув юртлири бўлган бошқа вазирликлар, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти вакилларидан таркиб қилади.

Ташкилий қўмитага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўзининг биринчи ўринбосарлари раислик қилади.

3.5. Республика фан олимпиадаси Ташкилий қўмитаси қўйидаги ишларни амалга оширади:

- Республика талабалар олимпиадасини жойларда ташкил қилиниши ва уни ўтказилишини назорат қилади;

- Республика талабалар олимпиадани ўтказиш шакли ва услубларини такомиллаштиришга доир тавсияномалар беради;

- зарурий услубий ва ахборий адабиётларни нашр этишни ташкил қилади;

4. Республика талабалар олимпиадасини ўтказиш тартиби.

4.1. Республика талабалар олимпиадаси жорий йил давомида икки босқичда:

- биринчи босқич ҳар бир олий ўқув юртлирида, феврал ойи;

- иккинчи босқич мутасадди олий ўқув юртлирида апрелдан - 5 май кунларида ўтказилади. (илова 2)

4.2. Биринчи босқич ўтгандан сўнг олий ўқув юрти Ташкилий қўмитаси ҳисобот тайёрлайди. Ушбу ҳисоботда иккинчи босқичда иштирок этувчи талабалар рўйхати ф.и.о., курси кўрсатилган ҳолда Низомнинг 2,3-иловалари бўйича 20 мартгача Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига тақдим қилиниши шарт.

Биринчи босқич ғолиблари рўйхати - Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг "иқтидорли талабалар" маълумотлар банкида умумлаштирилади. Ушбу маълумотлар асосида мониторинг олиб борилиб, талабаларнинг иккинчи турга қатнашиши расмийлаштирилади. Биринчи босқич маълумотларини муддатда етказмаган олий ўқув юртининг талабалари иккинчи босқичда қатнашишдан маҳрум қилинади.

4.3. Биринчи босқичда 1,2,3 - ўринларни эгаллаган талабалар олимпиаданинг иккинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқини оладилар. Улар иштирокида ташкил этилган командалар - иккинчи босқичда қатнашадилар.

4.4. Иккинчи босқични ўтказиш талбирлари мутасадди олий ўқув юртида тузилган Ташкилий қўмиталар томонидан амалга оширилади.

5. Республика талабалар олимпиадасини якунлаш тартиби.

5.1. Республика талабалар олимпиадаси биринчи босқичининг ғолиблари ва фаол ташкилотчилари Ташкилий қўмита тавсиясига кўра олий ўқув юртлири ректори томонидан тақдирланадилар.

5.2. Республика талабалар олимпиадасининг иккинчи босқич ғолибларига вазирлик I, II, III даражали дипломлари ҳакамлар Хайъати қарорига асосан бериледи.

5.3. Республика талабалар олимпиадаси иккинчи босқичининг якунлари ҳақидаги ҳисоботлар мазкур Низомнинг 4,5,6 -иловалари бўйича тайёрланиб, расмийлаштиригач, жорий йилнинг 20 майгача Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти "Истеъодли ёшлар" секторига (700011, Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси 3, тел: 41-10-62)га топширилади.

5.4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Республика талабалар олимпиадаси натижалари бўйича мутасадди ОўЮлардан келган ҳисоботларни таҳлил қилади, республика талабалар олимпиадасининг жорий йилдаги якуни ҳақида ҳисобот ва вазирнинг буйруғини тайёрлайди.

6. Олимпиада ғолибларини, фаол иштирок этганларини ва уларнинг илмий раҳбарларини тақдирлаш

6.1. Республика талабалар олимпиадасининг иккинчи босқичида шахсий биринчиликка эришган (мутахассислик) фани бўйича биринчи ўринни эгаллаган талаба:

- Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги буйруғи ва ушбу Низом асосида тегишли йўналишнинг магистратурасига кириш имтиҳонларисиз, давлат гранти асосида ўқишига имтиёз бериледи.

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи даражали махсус дипломи, беш стипендия миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади ҳамда ҳомий ташкилотларнинг махсус дипломлари, фахрий ёрликлари, улар ва бошқа ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар ва совринлар билан рағбатлантирилиши мумкин.

- Умумтаълим фани олимпиадаси бўйича шахсий биринчиликни эгаллаган талаба Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг биринчи даражали махсус дипломи, беш стипендия миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади, шунингдек ҳомий ташкилотларнинг махсус дипломлари, фахрий ёрликлари, улар ва бошқа ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар ва совринлар билан рағбатлантирилиши мумкин.

6.2. Иккинчи ўринни эгаллаган талаба уч стипендия миқдорида пул мукофоти ҳамда вазирликнинг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланади.

6.3. Учинчи ўринни эгаллаган талаба икки стипендия миқдорида пул мукофотлари ҳамда учинчи даражали дипломлар билан тақдирланади, ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан рағбатлантирилиши мумкин.

6.3. Уч йил давомида ўқув фанлари бўйича

1,2,3 - ўринларни эгаллаган талаба Вазирликнинг буйруғи ва ушбу Низом асосида тегишли йўналиш бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, давлат гранти асосида ўқишига имтиёз берилади.

6.5. Республика талабалар олимпиадасининг ўтказишда фаол қатнашган илмий ва раҳбар ходимлар рўйхати мутасадди олий ўқув юрти Ташкилий кўмитаси томонидан тавсия қилиниб, Вазирлик буйруғи асосида рағбатлантирилади.

6.6. Республика талабалар олимпиадасининг иккинчи босқичида уч йил давомида, муттасил равишда 1,2,3 - ўринларни эгаллаб келаётган талабаларнинг илмий раҳбари Олий ва ўрта махсус вазирлигининг фахрий унвонларига ўз олий ўқув юрти ректорати томонидан тавсия этилади.

6.7. Ғолиблар мос фан бўйича давлат имтиҳони топширишдан озода қилиниши мумкин, бу ҳолда уларнинг синов дафтарчаларига мазкур фандан энг юқори балл қўйилади ва кейинчалик олаётган олий маълумоти тўғрисидаги дипломи иловасига махсус ёзув ёзилади.

7. Республика талабалар олимпиадасининг моддий таъминоти.

7.1. Республика талабалар олимпиадасининг биринчи босқичини ўтказиш ҳамда унинг ғолибларини, илмий раҳбарларини ва фаол ташкилотчиларини тақдирлаш харажатлари олий ўқув юртининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан Ташкилий кўмиталар томонидан ишлаб чиқилган смета асосида жойлар-

да қопланади.

7.2. Республика талабалар олимпиадаси иккинчи босқичида иштирок этадиган талабаларнинг ва уларни кузатиб келган ўқитувчиларнинг йўл харажатлари ўз олий ўқув юртлари томонидан тўланади.

7.3. Республика талабалар олимпиадаси иккинчи босқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар мутасадди олий ўқув юрти Ташкилий кўмитаси томонидан тузилган смета асосида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан қопланади.

Ўқув фанлари олимпиадалари ва мутахассислик танловларини ўтказиш харажатлари билан боғлиқ бўлган харажатлар сметаси Ташкилий кўмиталар томонидан ишлаб чиқилади ва олий ўқув юртлари ректорлари томонидан тасдиқланади. Сметада маиший ва маданий ишларни ташкил қилиш, ахборий ва услубий материалларни тайёрлаш ҳамда нашр қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

7.4. Республика талабалар олимпиадасининг иккинчи (якуний) босқичи ғолибларига, уларнинг раҳбарларига ва фаол ташкилотчиларга бериладиган пул мукофотлари олий ўқув юртларининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўтказилган Республика талабалар олимпиадаси якуни ҳақидаги буйруғи асосида ўз олий ўқув юртлари томонидан тўланади.

"Иқтидорли талабалар билан ишлаш фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2001 йил 11 октябр 249-сонли БУЙРУҒИ

Республика олий таълим муассасаларида таълим олаётган иқтидорли ёшлар билан ишлаш фаолиятини янада такомиллаштиришни, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш жараёнига - тажрибали ва етакчи профессор-ўқитувчиларни кенг жалб этиш, бу фаолиятда олий ўқув юртларининг раҳбар ходимлари масъулиятини кучайтириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтидорли ёшларнинг фаолиятини Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида йўлга қўйиш талаб ва қоидалари ҳақидаги Эслатма олий, таълим муассасаларнинг барча раҳбар ходимлари учун Дастуруламал сифатида қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтидорли ёшларнинг фаолиятини Республика ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида йўлга қўйиш талаб ва қоидалари ҳақида Э С Л А Т М А

Муҳтарам раҳбар ходимлар!

Сиз, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг олий ўқув юртида билим олиши ва тегишли соҳа бўйича бакалавр (магистр) даражасини эгаллаш, олий таълим тизимининг янада раванқ топшиш учун ўзингизни самарали ҳиссангизни қўшасиз деб ўйлаймиз ва қўйидаги йўналишларда биз билан бевосита ҳамкорлик қилишингизни сўраймиз;

Ал-Хоразмий, Беруний, Навоий, Улугбек ва шу каби атоқли алломаларга ўхшаган 40-50

тадан иқтидорли ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ва бу вазирлик таълим сарруфидаги мос олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан таълимни ташкил этиш борасидаги фаолиятини янада мукаммаллаштириш масалаларида ҳамкорлик этиш;

Сиз фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаси мисолида Республикамызда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликлар, замонавий ўқитиш услублари ва янги

технологиялар ҳақида газета ва журналларда мақолалар эълон қилини;

• Уз тажрибангизга асосланиб дардан кейинги бўш вақтларни самарали ўтказиш, кутубхона ва Интернет хизматларидан самарали фойдаланиш ва шу кабилар ҳақида йуриқномалар тайёрлаш;

• Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган дарслик, ўқув-қўлланма, турли адабиётлар ва услубий материалларни иқтидорли талабаларнинг курс ва диплом ишлари, илмий ва бошқа мақолаларини, магистрлик диссертацияси бажаришда ва бу ахборотлардан фойдаланиш борасида тегишли услубий кўрсатмалар бериш;

• Олий ўқув юртлиари томонидан чоп этилаётган илмий журналлар, тўпламларда чоп этиш учун иқтидорли талабаларнинг илмий мақолаларини тайёрлашда илмий ва услубий ёрдам бериш;

• Иқтидорли талабалар учун индивидуал режа асосида дарс ва маслаҳатлар ташкил этиш;

• Республика олий ўқув юртлиари иқтидорли талабаларининг ижодий учрашувларини ташкил этиш;

Иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари натижаларини аке этирувчи тўпламлар чоп этишни йўлга қўйиш;

• Ўқув, ишлаб чиқариш амалиётини Республика мида фаолият кўрсатаётган йирик ишлаб чиқариш корхоналари, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларида олиб боришларини ташкил этиш;

• Иқтидорли талабаларнинг олий ўқув юртлиари о илмий семинарларини ташкил этиш;

• Чет тили ва мутахассис фанларини чуқур ўрганиш учун қўшимча соатлар ташкил этиш, уларга тажрибали профессор-ўқитувчиларни бириктириб қўйиш;

• Иқтидорли талабаларнинг ёзги дам олиш лагерларини ташкил этиш;

• "Умид" фонди ва бошқа чет эл ташкилларини кенг жалб этиш, ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиш;

• "Умид" фонди орқали чет эл олий ўқув юртлиарида магистратурани битириб келганларни иқтидорли талабаларга дарс беришга жалб қилиш; Бошқа олий ўқув юртлиари тажрибали профессор-ўқитувчиларини иқтидорли талабаларга таълим беришга жалб этиш, вилоятлардаги талабаларни Тошкент шаҳар университетлари профессорларининг дарсларига олиб келиш;

• Талабалар, профессор-ўқитувчиларнинг қисқа муддатли ўзаро алмашув тарикасидаги ўқув ва илмий-услубий сафарларини ташкил этиш;

• Республика олий ўқув юртлиари ва Респуб-

ликанинг тегишли жамғармалари – "Устоз", "Умид", "Камолот" ва "Улугбек" фондлари билан ижодий ҳамкорлик ришталарини боғлашга, мазкур ўқув юртлиари о "Интернет" тизими орқали алоқларни тиклашга ёрдам бериш;

• Олий ўқув юртлиарининг ўқитиш, хизмат кўрсатиш борасида илғор технологиялар ҳақида маълумотлар бериш, жумладан:

- кутубхоналарда ўқувчилар учун яратилган қудайликлар ва китобхонага хизмат кўрсатиш технологиялари;

- ўқитиш жараёнида қўлланилаётган замонавий технологиялар, талабаларни ўқитиш ва мустақил ишлаш технологиялари;

• ўқув жараёнини режалаштириш хусусиятлари, чунончи, дарс жадвали, ўқув режаси, фанларни дарс жадвалига киритиш тартиби, модул цикллари асосида ўқитиш, талаба ва ўқитувчиларнинг ҳафталик ўқув юкламалари, аудитория ва дардан ташқари машғулотларни ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларнинг дарс ўтиш услубияти;

• Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали, тажрибали мутахассис-олимларини олий ўқув юртлиари фаолиятида самарали иштирок этиши борасидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- олий ўқув юртининг тегишли кафедраларида ярим ставкада ёки соатбай тарзда дарс беришлари, магистрлик диссертацияларига, курс ишларига, ўқув амалиётига раҳбарлик қилиш;

- тегишли олий ўқув юрти ёки факультет Илмий кенгашининг аъзоси бўлиб сайланиши ва кенгаш муҳокамасидаги масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш;

- ОУЮ иқтидорли талабалари билан хорижда таълим олган магистрлар учрашувларини ташкил этиш;

- ҳар ойда бир марта ОУЮнинг иқтидорли талабалари билан давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш ва ш.к.;

- иқтидорли талабаларнинг стипендияларини олий ўқув юртининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 2-3 баробар кўтариш;

- компьютер технологиялар билан чуқур таништириш;

- ОУЮ меъёрий ҳужжатлар тўпламидан фойдаланиш;

- таъмагирликка қарши курашининг механизмини ишлаб чиқиш;

- витаминларга бой, интеллектуал потенциални устирадиган озиқ-овқат билан таъминлаш;

- Республикадаги машҳур олимларга бириктириб, йил давомида 4-5 мартаба бир ҳафталик махсус жадвал асосида таълим бериш.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Вазирлик тизимида математика соҳасидаги
иқтидорли магистратура талабалари учун Ал-Хоразмий номли кичик илмий академияни ташкил
этиш ҳақида"ги 2001 йил 26 декабр 325-сонли
БҮЙР УҒИ**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида иқтидорли ёшларни излаб топиш, улар билан мустақил ишлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шу муносабат билан Вазирлик ва етакчи университетлар томонидан иқтидорли талабаларни аниқлаш мақсадида учрашувлар, танловлар, олимпиадалар ва бошқалар ўтказилмоқда. Иқтидорли талабалардан иборат гуруҳлар учун чуқурлаштирилган дастурлар асосида қўшимча дарслар ташкил этилди. Айрим фундаментал, умумкасбий ва мутахассислик фанлари иқтидорли талабалар учун хорижий тилларда ўқитилмоқда.

...Истеъодли талаба ёшларни мамлакатимиз-

нинг йирик олимлари илмий мактабларида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларга кенг жалб қилиш мақсадида

БҮЮ РАМА Н:

1. Олий ўқув юртларининг математика йўналишидаги (асосан I-курс магистратура) талабалари учун Ал-Хоразмий номидаги истеъодли математикларнинг Республика "Кичик илмий (кейинчалик - кичик академия)си ташкил қилинсин ва унинг раҳбари этиб (розилик билдиргани эътиборга олиниб) академик Ш. Аюпов тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси
олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалар билан
ишлашнинг такомиллаштириш ҳақида"ги
2002 йил 30 сентябрдаги 279-сонли
БҮЙ РУҒИ**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг сифат босқичи вазифаларини самарали бажариш ҳамда олий таълим муассаса (ОТМ)ларида талабалар илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, мазкур фаолиятнинг меъёрий-услубий таъминотини яратиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Талабалар илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга оид меъёрий-услубий ҳужжатлар тасдиқлансин:

- ОТМ Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими Низоми (1-Илова);
- ОТМ Талабалар илмий жамияти Намунавий Низоми (2-Илова).

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:
- Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими фаолияти Низом талабларига тегишли равишда мослаштирилсин;

- Талабалар илмий жамияти фаолияти бир ой муддатда шакллантирилсин.

3. ОЎМММИ (Э.З.Имомов)га:

Олий таълим муассасаларида талабалар илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш юзасидан мониторинг олиб борилсин ҳамда мазкур масала юзасидан тегишли тартибда Вазирликнинг Хайъат йиғилишига материал тайёрлансин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилиши назоратини ўз зиммамда қолдираман.

1-Илова

**Олий таълим муассасасининг Иқтидорли талабалар
билан ишлаш бўлими
Н И З О М И**

I. Умумий қоидалар

1.1. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими (бундан кейин Бўлим) - олий таълим муассасасида иқтидорли талабаларни аниқлаш, уларни илмий-тадқиқот, ижодий фаолиятга жалб қилиш ва йўналтириш, кафедра, факультетларда бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи ташкилий марказдир.

1.2. Бўлим - Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг сифат босқичи талабаларидан келиб чиқиб, иқтидорли талабаларни аниқлаш ва танлаш, уларни фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот фаолиятларига йўналтириш талабаларга ўз иқтидорини рўёбга чиқаришлари ва ривожлантиришлари учун илмий муҳит

ва ташкилий шароит яратиш бу ишга илмий мактаблар ва олимларнинг фаол иштирокини таъминлаш, кафедрада олиб борилаётган долзарб илмий-тадқиқот, ижодий ишларга талабаларни фаол қатнашишга жалб этиш касбий тайёргарлик бўйича уларнинг ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш борасидаги фаолиятларни йўналтириш, мувофиқлаштириш ва бошқариш мақсадида ташкил қилинади.

II. Бўлимнинг вазифаси

2.1. Бўлим иқтидорли талабалар билан ишлашнинг ташкил этиш борасида куйидаги фаолиятларни олиб боради:

- иқтидорли талабаларни аниқлаш ва танлаш, мойиллигига қараб, уларни мақсадли тайёрлаш-

ни ташкил этиш;

- иқтидорли талабалар фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- талабалар илмий жамияти фаолиятини йўналтириш мувофиқлаштириш;

- таълим олаётган иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини даврий равишда аниқлаб бориш;

- талабаларни илмий-тадқиқот; ижодий ишларга, илмий тўғараклар (лаборатория)га фаол жалб қилиш;

Республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий анжуманлар, фан олимпиадалари, семинарлар, танловларда иқтидорли талабаларнинг иштирокини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари, "Умид" жамғармаси, хорижий фондлар грантларига, номдор стипендияларга тавсия қилиш;

- хорижий таълим муассасалари ва илмий марказларига иқтидорли талабалар ва ёш мутахассис-олимларнинг боришига тавсия бериш ва ташкил этиш;

- иқтидорли талабалар ўртасида мунтазам равишда социологик тадқиқотлар ўтказиш.

2.2. Талабаларни илмий-тадқиқот ишларига фаол йўналтириш борасида Бўлим томонидан қуйидаги вазифалар юзасидан фаолият олиб борилади:

- талабаларга ўз иқтидорини рўйбга чиқаришлари ва ривожлантириш учун илмий муҳит ва шароит яратиш, бу ишга илмий мактаблар ва олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

кафедраларда олиб борилаётган долзарб илмий-тадқиқот, ижодий ишларга талабаларни фаол қатнашишини таъминлаш;

- иқтидорли талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- касбий тайёргарлик бўйича уларнинг ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган фаолиятга кенг илмий жамоатчиликни жалб қилиш;

- истеъодли талабаларни илмий-тадқиқот дастурлари асосида олиб борилаётган фаолиятларга қатнашувини таъминлаш;

- талабалар илмий анжуманлари, семинарлари, илмий-тадқиқот ишлари танловларини, давра суҳбатларини, фан олимпиадаларини ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш.

2.3. Бўлим иқтидорли талабалар билан самарали ишлашни йўлга қўйиш вазифаларини амалга оширишда қуйидаги бошқарув фаолиятини олиб боради:

- кафедраларда иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган ишларни ташкил қилиш, назорат қилиш ва бошқариш;

- талабалар илмий жамияти, кичик академия

фаолиятини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, йўналтириш ва бошқариш;

- илмий-тадқиқот ишларида ва ўзлаштиришда юқори натижаларга эришган истеъодли талабаларни рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш;

- факультетлар билан келишилган ҳолда хорижий тилларни ўрганиш, информацион технологияларни ўрганиш, мутахассислик ҳамда бошқалар бўйича махсус ва мақсадли курсларни ташкил қилиш;

- Республика талабалар фан олимпиадаси I-босқичи (тегишли ҳолда II иккинчи босқич)ни ташкил қилиш ва ўтказиш;

- "Энг яхши талаба илмий иши" танловини ташкил қилиш ва ўтказиш;

- иқтидорли талабалар фаолияти бўйича маълумотлар банкни яратиш ва даврий равишда янгилаб бориш.

2.4. Бўлим қуйидаги ишлар бўйича мониторинг олиб боради:

- талабалар илмий-тадқиқот фаолияти, илмий тўғараклар, илмий лабораториялар, семинарлар, танловларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши;

- кафедраларда талабалар илмий-тадқиқот ишларининг ташкил этилиши;

- талабалар илмий-тадқиқот ишлари бўйича кафедраларнинг Фанлар академиясининг тегишли тармоқ илмий муассасалари ўртасида интеграция жараёнининг бориши.

2.5. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими қуйидаги ишлар бўйича ёрдам кўрсатади:

- иқтидорли талабаларнинг Республика ва халқаро илмий анжуманларда илмий маъруза билан қатнашувиди;

- иқтидорли талабаларнинг илмий ишланмаларини чоп этишда ҳамда уларнинг илмий ишлари ва илмий ишланмаларини амалиётга жорий этишда;

- талабаларга авторлик гувоҳномаларини, патентларини ҳужжатлаштиришда;

- факультетларда илмий анжуман, семинарлар, танловларни ташкил қилиш ва ўтказишда, йирик олимлар билан учрашувлар ўтказишда;

- иқтидорли талабалар, аспирантлар ва ёш олимларнинг илмий стажировкаларини ташкил қилишда.

III. Бўлим фаолиятини ташкил қилиш

3.1. Бўлим ўз фаолиятини Вазирликнинг тегишли буйруғи ва мазкур Низом асосида ташкил этади ҳамда олиб боради.

Бўлимнинг фаолият самарадорлигини назорат қилиш - Ректор зиммасига, унинг фаолиятига жавобгарлик - Илмий ишлар ва информацион технологиялар бўйича проректор зиммасига юклатилади. Бўлимга тегишли фаолият юзасидан факультет деканлари ҳамкорлик қилиши шарт.

Даврий равишда олиб борган фаолияти ҳақида Бўлим белгиланган тартибда юқори ташкилотларга ҳисобот беради.

3.2. Ҳар ўқув йили бошида Бўлим иш режаси ОТМ Илмий Кенгаши муҳокамасидан ўтгач, ректор томонидан тасдиқланади.

3.3. Бўлим самарали фаолият олиб бориши учун ректорат томонидан қуйидаги тегишли шароитлар яратилади:

иш кабинети, кабинет ва иш жиҳозлари ажратилади;

компьютер мажмуаси ва телефон рақами (ички ва ташқи тармоқ) билан таъминланади.

3.4. Бўлим ўз таркибига кирадиган Талабалар илмий жамияти фаолиятини йўналтиради, мувофиқлаштиради ва бошқаради.

3.5. Бўлимга иқтидорли талабалар билан ишлашни сифатли ташкил этиш мақсадида ўз фаолиятига тегишли қуйидаги иш қозғаларини юритиш тавсия этилади:

- Низом;
- иш режаси;
- чорак, йиллик ҳисоботлар;
- олий таълимга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва Ҳайъат Қарорлари, ректор буйруқлари;
- факультетлар, кафедралар буйича иқтидорли талабалар рўйхати;
- иқтидорли талабаларга берилган тавсиялар ва унга Илова ҳужжатлар ҳамда фотосуратлар;

- талабалар илмий анжуманлари, семинарлар, олимпиада, танловлар ўтказилишига оид ҳужжатлар;

- хат, аризаларни қайд этиш китоби.

3.6. Бўлим ўз фаолияти даврида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Умид" жамғармаси ва бошқа маҳаллий ҳамда хорижий жамғармалар билан ҳамкорлик қилади.

IV. Бўлимнинг ташкилий тузилмаси

4.1. Олий таълим муассасаси ректори Иқтидорли талабалар билан ишлаш Бўлим бошлиғини илмий даража ва унвонга эга бўлганлар сафидан тайинлайди.

Бўлим бошлиғи ОТМ илмий кенгаши таркибига қиради. Мазкур Низом асосида ўз тасарруфида бўлган ходимлар фаолиятига жавобгар.

4.2. Бўлимнинг таркибий тузилмаси (штати)ни бажарадиган иш ҳажмидан келиб чиқиб, таълим муассасаси, ректори белгилайди.

Бунда Бўлимнинг баъзи функциялари жамоатчилик асосида ёки ўриндошлик асосида ҳам бажарилиши мумкин. Бўлим таркиби қуйидагилардан иборат бўлади:

- Бўлим бошлиғи;

Талабалар илмий жамияти кенгаши Раиси (жамоатчилик асосида)

Методиет.

4.3. Бўлимнинг таркибидаги ходимларга иш ҳақи белгиланган тартибда тайинланади.

4.4. Бўлим бошлиғи белгиланган тартибда даврий равишда ўз малакасини ошириб боради.

2- Илова

Олий таълим муассасасининг Талабалар илмий жамиятининг НАМУНАВИЙ НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Талабалар илмий жамияти (кейинчалик - ТИЖ) - кўнгилли илмий жамияти бўлиб, ОТМ илмий ходимлари раҳбарлигида илмий-тадқиқот ишлари билан фаол шуғулланаётган иқтидорли талабаларидан иборат илмий тўғарак (лаборатория)ларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

1.2. ТИЖ ўз фаолиятини Иқтидорли талабалар бўлими таркибида амалга оширади. Илмий ишлар ва ахборот технологиялари буйича проректор ТИЖ фаолиятига бевосита масъул бўлиб, уни бошқаришни амалга оширади.

1.3. ТИЖ ўз фаолиятини мазкур Низом ва олий таълимга тегишли меъёрий, услубий, йўриқ ҳужжатлар асосида олиб боради.

1.4. ТИЖ ижроия органи - ОТМ ТИЖ Президиуми факультетларда ТИЖ Кенгашлари, кафедраларда ТИЖ илмий тўғараклари ҳисобланади.

1.5. Президиум таркибига Низом асосида қуйидагилар қиради: раис, унинг ўринбосари, илмий котиб ва факультет ТИЖ Кенгашларининг раислари ҳамда Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

Илмий даража ва унвонларга эга бўлганлар сафидан номзодлар альтернатив асосда танланиб, ТИЖ Президиуми раислигига ОТМ Илмий Кенгаши томонидан уч йилга сайланиб, ректор буйруғи билан тасдиқланади. ТИЖ Президиуми раиси мазкур Низом асосида ОТМ Илмий кенгаши аъзоси ҳисобланади. ТИЖ раҳбарларининг фаолияти жамоатчилик асосида амалга оширилади.

1.6. Факультетлардаги ТИЖ Кенгаши таркиби юқоридаги аналогик тузилмага кўра ташкил этилади.

1.7. ТИЖ юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг фаолияти тижорат мақсадига эга эмас.

II. ОТМ талабалар илмий жамияти мақсади ва вазифалари

2.1. ОТМ ТИЖ мақсади - иқтидорли талабаларнинг кафедралар қошидаги илмий тўғарак ва илмий мавзулар доирасида олиб бораётган барча шаклдаги илмий фаолиятини мувофиқлаштириш ва рабатлантиришдир. Талабанинг илмий-тадқиқот фаолияти бевосита индивидуал илмий раҳбар назорати бошқарувида амалга оширилади.

2.2. ОТМ ТИЖ вазифалари:

- талабаларнинг ўқув жараёни ва илмий-ижодий меҳнат фаолиятга тайёргарлиги аҳлиқлигини таъминлаш, уларни ижодий жараёнга кенг жалб этиш; ўз касби ва мутахассислигининг илмий методологиясини эгаллашини таъминлаш;
- талабаларнинг шахсий ижодий қобилиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шароит яратиш, бўлажак малакали мутахассис-профессионал ва олимга замонавий шароитларда зарур бўлган тарбия, сифатларни, кўникмаларни ривожлантириш;

- ОТМнинг илмий-тадқиқот бўлинмалари, талабалар илмий бирлашмалари, кафедралар томонидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ва илмий-техник фаолиятларида иқтидорли талабаларнинг белгиланган қонуний ҳуқуқлар асосида иштирокни таъминлаш ва уларнинг илмий-тадқиқотлари самарадорлигини ошириш;

- ўқув, тарбиявий ва амалий масалаларни ҳал қилишда фаннинг таъсирини кучайтириш;

- илмий профессионал мактабларни сақлаш ва ривожлантиришга, ёшларни авлодлар эришган узлуксиз муваффақиятлар асосида ватанпарварлик туйғусида тарбиялаш борасида илмий ишларни иқтидорли талабалар билан ҳамкорликда олиб бориш жараёнида профессор-ўқитувчилар, илмий, техник ва ишлаб чиқарувчи таркибни фаоллаштириш, бўлажак мутахассис ва олимга юқори ахлоқий сифатларни шакллантириш, илмий ва педагогик кадрлар захирасини шакллантириш ва тайёрлаш.

2.3. ТИЖ Президиуми ва факультетлар ТИЖ Кенгаши иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими билан ҳамкорликда талабалар илмий ишларини муҳокама қилиш, апробация ўтказиш, татбиқ этиш бўйича оммавий тадбирлар ташкил қилади ва ўтказиши.

2.4. ТИЖ Президиуми ва факультетлар ТИЖ Кенгашлари кафедралар қошидаги илмий тўғараклар мақсиди, вазифаси ва фаолияти юзасидан информацион-тушунтирув ишларини олиб боради, талабаларни илмий тўғаракларга жалб қилишни ташкил этади, энг яхши талабалар илмий ишлари танловини ўтказиши ва уларни Республикада ва хорижда ўтказилаётган конкурслар, конференциялар, семинарлар, мактаблар, олимпиадалар турли даражадаги кўргазмаларга таштайди.

2.5. ТИЖ Президиуми даврий равишда факультет ТИЖ кенгаши раислари, илмий тўғарак раҳбарларининг талабалар илмий фаолияти ҳақидаги ҳисоботларини тинглайди.

2.6. ТИЖ Президиуми самарали илмий-тадқи-

қот ишлари учун талабаларни рағбатлантиришга тавсиянома беради.

2.7. Кафедра ҳар ўқув йилининг бошида, ўз профессор-ўқитувчилари сафидан илмий тўғарак раҳбарларини, талабаларнинг индивидуал илмий раҳбарларини тайинлайди ва илмий мавзуларни тасдиқлайди.

III. Олий таълим муассасасида талабалар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш

3.1. Мазкур Низом асосида ОТМ ТИЖ Президиуми томонидан "Талабалар илмий-тадқиқот фаолиятларини ташкил қилиш ва ривожлантириш" дастури жорий ўқув йилига тузилади ва ОТМ Илмий кенгаши муҳокамасидан ўтгач, ректор томонидан тасдиқланиб, амалиётга киритилади. Мазкур дастурда кафедраларнинг бажариши лозим бўлган вазифалар кенг таъминланиши керак.

3.2. "Талабалар илмий-тадқиқот фаолиятларини ташкил қилиш ва ривожлантириш" дастурини амалга ошириш масъулияти ва жавобгарлик - Илмий ишлар ва информацион технологиялар бўйича проректор зиммасига юклатилади. Дастурнинг амалга оширишида - факультет деканлари ҳамкорлик қилиши шарт.

Даврий равишда олиб борилган фаолият ҳақида ўрнатилган тартибда юқори ташкилотларга ҳисобот беради.

IV. ОТМ ТИЖ Президиуми ва факультетлар ТИЖ

Кенгашларининг иш тартиби

4.1. ОТМ ТИЖ Президиуми ва факультетлар ТИЖ Кенгашларининг йиғилиши ҳар чоракда камидан икки марта ўтказилади.

ОТМ ТИЖ Президиуми ёки факультетлар ТИЖ Кенгашлари ўз мажлисларида аъзоларининг ярми қатнашганда, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Барча масалалар о'ниқ овоз бериш ва мажлис қатнашчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.2. ТИЖ Президиуми ва факультетлар ТИЖ Кенгашларининг тадбирларини молиялаштириш, шу тадбирни ташкил этиш ҳақидаги ректор буйруғи асосида амалга оширилади.

Айрим тадбирларнинг ижобий натижасига кўра ректор буйруғига асосан ТИЖ раҳбарлари моддий рағбатлантирилади.

4.3. ТИЖ Президиуми фаолияти йиллик режа асосида кўрилади ва у ўз олиб борган ишни юзасидан ОТМ Илмий Кенгаши олдида мунтазам равишда ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Таълим сифатини оширишга қаратилган Инновациялар тўғрисида"ги 2003 йил 14 май 115 сонли

Б У Й Р У Ф И

1. Олий таълим муассасалари ректорларига:
.....1.7.- иқтидорли талабалар гуруҳларида

фан ва техника ривожига йўналтирилган илмий тадқиқот ва изланишларни жонлантириш;.....

Вазирлик тизимида иқтидорли талабалар билан ишлашни такомиллаштириш ҳақидаги 2003 йил 18 декабр 314-сонли

Б У Й Р У Ф И

Иқтидорли талабалар билан олиб борилаётган фаолиятни янада такомиллаштириш, талабаларнинг мустақил фикрлашларини ривожлантириш, уларнинг ўз билимларини, иқтидорларини намоён этиш ва ривожлантиришига қаратилган ижодий давра суҳбатларини ташкил қилиш мақсадида

Б У Й О Р А М А Н:

1. Вазирликнинг олий таълим муассасалари иқтидорли талабалари, аспирантлари ва ёш олимлар иштирокида 2004 йилда ўтказиладиган ижодий учрашувлар ва давра суҳбатларининг дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мутасадди олий таълим муассасалари ректорларига:

-Дастур асосида мавзуларни тайёрлашга мутасадди кафедра ва деканатларни белгилансин;

- давра суҳбатида маъруза билан қатнашадиган талабаларни топниш ва уларни тайёрлаш топширилсин;

- иштирокчиларга зарурий шароитларни яратишни ҳамда мазкур жараённинг оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилишини шахсий назоратга олсинлар;

- давра суҳбатларини тайёрлаш юзасидан вазирликка ахборот берилсин;

3. КИФ ва ИПКТ Бош бошқармаси (Ш.Бўтаев) га:

- Иқтидорли талабаларни ҳамда уларнинг илмий раҳбарларини, ташкилотчиларни молдий ва маънавий рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритиш топширилсин.

Ушбу буйруқнинг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР ВА АНЖУМАНЛАР, ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий ўқув юртлари факультетлари деканлари учун ташкил қилинган семинарлар самарадорлигини ошириш ҳақида"ги 2003 йил 17 феврал 40 сонли

Б У Й Р У Ф И

Таълим қонунлари, унга оид қарорлар, буйруқлар, кўрсатмаларнинг бевосита ижросини таъминловчи факультетлар деканларининг билим даражасини ошириш мақсадида вазирлик 2002 йилнинг январидан бошлаб тасдиқланган махсус режа ва дастур асосида ҳар ойда семинарлар ўтказди. Ҳар бир семинарда ёшлар тарбияси ҳамда билим сифатини кўтаришга қаратилган мавзулар бўйича ва илғор тажрибалар, ўқув адабиётлари, услубий кўрсатмалар, Интернет янгиликлари, махсус педагогикага оид адабиётлар, қарорлар, буйруқлар ва бошқалар тарқатма материал сифатида ҳар бир деканга дискеталарда, тўпلام кўринишида шахсан ва Интернет орқали барча олий ўқув юртларининг электрон почтасига тарқатилди.

Семинарларда фаол қатнашган деканларнинг фикрича тўғридан-тўғри ва ҳамкасблар билан мулоқотлардан олинган ахборотлар, етказиб берилган тарқатма материаллар фикрлаш, мулоҳаза юритишга ўргатиш билан бирга маънавий баркамолликка олиб келмоқда. Бу жараённи ихтисослаштириш ва самарадорлигини янада ошириш таълимда янги сифат кўрсаткичларга эришни таъминлайди. Семинарлар мазмунини янада яхшилаш мақсадида

Б У Й О Р А М А Н:

1. Факультетлар деканлари билан ҳар ойда ўтказиладиган семинарлар икки қисмдан: давлат бошқаруви ва вазирлик аппарати ходимлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим раҳбарлари, семинарга таклиф қилинган чет эл ва бошқа вазирликлар мутахассислари, фанлар академиясининг олимлари, ҳуқуқ- тарғибот органлари раҳбарлари, факультетлар деканларининг турдош ва таълим тизими бўйича ихтисослашган йўналишлар раҳбарлари ёки деканлар маърузалари ва таклиф-мулоҳазалари муҳокамасини амалга оширадиган асосий семинар ва Тошкент шаҳар олий ўқув юртларида бевосита ўқув ишлари бўйича проректорлар бошчилигида ўтказиладиган деканларнинг таълим йўналишлари бўйича ихтисослашган семинарларида деканлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари муҳокамаси ташкил қилинсин.

3. Деканлар семинарлари ҳафтанинг жума кунлари ўтказилиши муносабати билан шанба деканларнинг ўзаро фикр алмашиш, фаолиятни ўрганиш, маслаҳатлар олиш, эришилган ютуқларни ўртоқлашни кун қилиб белгилансин ва шу асосда Ўзбекистон фанлар академияси ҳамда

тармоқлар илмий-тадқиқот институтларига, турдош ва бошқа олий ўқув юртларига, марказий кутубхоналарга таширфлар амалга оширилсин.

4. Олий ўқув юртлари ректорларига:

4.1. Тасдиқланган рўйхат ва муддатларда факультетлар деканлари, малака ошириш ва кутубхона раҳбарлари, проректорлар ҳамда заруратдан келиб чиқиб семинарларга қўшимча таклиф қилинган раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар иштирокчини;

4.2. Ҳар бир факультет декани фаолиятини ўзида ифода этган маълумотнома ва илгор тажрибани тарғибот қилишга мўлжалланган маъруза тайёрлаши ҳамда семинарларга фаол қатнашишини;

4.3. Семинарда муҳокама қилинган ҳар бир масала олий ўқув юртининг Илмий кенгашида атрофлича ўрганилишини, белгиланган вазифаларнинг бажарилишини;

4.4. Семинар ўтказилиши режалаштирилган олий ўқув юртларида ўзлари тайёрлаган дарсликлар, ўқув адабиётлари, ўқув-услубий ҳужжатлар, электрон дарсликлар, интернетдан олинган маълумотлар, яратилган илмий янгиликлар ва маҳсулотлар, касб-ҳунар коллежлари учун тайёрланган ўқув адабиётлари ва бошқа эришилган ютуқлари кўргазмаларини ташкил қилинишини;

4.5. Факультетлар деканлари олган семинар материаллари энг аввало кафедра мудирига етказилишини ва, албатта, кутубхоналарга бир нусхадан қўйилишини;

4.6. Тошкент шаҳри олий ўқув юртлари факультетлари деканларининг жойлардаги турлош ёки ихтисослик йўналишидаги факультетларга уларнинг фаолиятини ўрганиш ёки маслаҳатлашиш учун йил давомида тегишли олий ўқув юртига хизмат сафарига жўнатишни таъминлаш вазифалари юклатилсин.

5. Олий ва ўрта махсус, мактаб муаммолари институти (Э.З.Имомов)га:

5.1. Деканларнинг асосий семинарларига тасдиқланган муддатларда директор, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиқларига таълим сифати, унга таъсир кўрсатувчи омиллар, ўқув жараёни, унинг ўқув-услубий таъминоти ҳамда деканлик фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланган амалий-назорий маърузалар тайёрлаш;

5.2. Асосий семинарларга тасдиқланган мавзу бўйича факультетлар деканларига тарқатиш учун халқаро интернат тармоғидан олинган янгиликлар, муайян мавзуга оид янги адабиётлар рўйхатини тузиш, заруратдан келиб чиқиб уларга шарҳ ёзиш;

...6.2. Ихтисослашган семинарларда Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг таълим ҳақида қарорлари, вазирликнинг буйруқ ва кўрсатмаларини атрофлича ўрганиш, уларнинг муайян йўналиш бўйича бажарилишини таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини;

6.3. Тасдиқланган йиллик режа асосида навбатдаги семинар бошланишидан камда бир ҳафта олдин семинар дастурини тасдиқдан ўтказилишини;

6.4. Факультетлар деканларининг илгор тажрибалари, алоҳида ютуқлари ихтисослашган семинарларда муҳокамаси натижаларига кўра асосий семинар даражасида аҳамиятга молик маърузаларни тавсия ҳамда таълим тизими ва унинг мазмунини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар қилинишини;

6.5. Ташкил қилинган семинарларда факультетлар деканларининг даволатини махсус назорат дафтари орқали олиб борилишини ҳамда ҳар бир семинар якунида даволат ҳақида маълумот асосий семинар котибига етказилишини;

6.6. Ихтисослашган семинарларда таълим сифатини янада кўтариш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, деканлик фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий мақолалар тайёрлаш, уларни республика, вилоят, олий ўқув юртлари газета ва журналларида мунтазам чоп этилишини;

6.7. Муайян йўналиш бўйича яратилган янги дарсликлар, ўқув адабиётлари, тулдирилган ва қайта кўриб чиқилган маъруза матнлари тақдироти ва кўргазмалари ўтказилишини;

6.8. Ихтисослашган семинарларда фаол иштирок этган ва ўз тажриба, ютуқлари ҳақида маърузалар тайёрлаган деканларни муносиб тақдирлаш бўйича таклифлар киритилишини таъминлаш вазифалари белгиланган бўлисин.

7. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазир ўринбосари Ш.А. Аюпов зиммасига юклатилсин.

2004 йилда Вазирлик ОТМларида ўтказилган илмий конференциялар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги 2004 йил 4 март 52-сонли

БУЙРУҒИ

тайинлаш комиссиялари томонидан ишлаб чиқилган таклифларни олий таълим муассасаси Вазирлик кенгашида атрофлича муҳокама қилиш тартиби амалиётга киритилсин.

2.5. Талабалар стипендияларидан ушлаб қолиш, уларни турли моддий харажатларга мажбурлаш ҳолатларига чек қўйилсин, стипендияларни белгиланган миқдорда ва муддатларда талабаларга топшириш таъминлансин. Талабалар стипендияларидан ноқонуний тарзда ушлаб қолишга интилган, уларни моддий харажатларга ундайдиган ҳар қайси шахс жавобгарликка тортиқсин.

14.1. НОМЛИ СТИПЕНДИЯЛАР, ГРАНТЛАР

"Ўзбекистон Республикаси талаба ёшларини ўқитишни ташкил этиш учун Япония ҳукумати грантидан самарали фойдаланиш тўғрисида"ги 2003 йил 10 июн 175-сонли

БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси талаба ёшларини ўқитишни ташкил этиш учун Япония ҳукумати грантидан самарали фойдаланиш ва Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 30 июнидаги қарорини амалга ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1) Ташқи алоқалар Бош бошқармасига бошлиғи Д.Расулевга:

1. Япония томони билан келишган ҳолда лойиҳани амалга ошириш учун беғараз ёрдам маблағларини олиш ва уларга хизмат кўрсатишга доир барча тартиботларни расмийлаштириш, шу жумладан стипендиатларни биргаликда танлаш ва Японияга юборишга юклатилсин;

2. Япония таълим грантлари соҳиблари маълумотлар банкини яратсин;

3. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур тоифадаги ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича зарур чора-

тадбирларни амалга оширсин;

4. Уларнинг хизмат фаолияти мониторингини ташкил этсин;

5. Мазкур грант ва танлов ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида ёритилсин;

2) Япония халқаро ҳамкорлик маркази билан ҳамкорликда контракт ишлаб чиқиш ва шу контрактни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги номидан имзолашга ТАББ бошлиғи Д.Расулев вакил қилинсин.

3) Иқтисод, инвестиция ва маркетинг Бош бошқармаси бошлиғи М.Саидовга:

Мазкур грантга тегишли барча сарф-харажатларни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириш юклатилсин.

4) Олий таълим муассасалари ректорларига:

1. Танловда ғолиб деб топилган талабаларга ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш юклатилсин;

2. Мазкур грант ва танлов ҳақидаги маълумот

барча талабаларга етказилсин.

5) Мазкур буйруқ бажарилишини назорат

қилиш вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Республика олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси
Давлат стипендияларини (Беруний, Улугбек Ибн Сино, Навоий, Имом ал-Бухорий номли)
тайинлаш тўғрисида 2003 йил 21 ноябр 290-сонли
БУЙРУҒИ**

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарорини амалга ошириш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1.1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2003 йил 13 октябрдаги 253-сонли "2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ тузилган Комиссия йиғилишининг жорий йилнинг 14 ноябрдаги баённомаси асосида 1,2,3,4,5 иловаларда исми-шарифлари келтирилган талабаларга 2003 йил 1 сентябр инвестициядан 2004 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари (Беруний, Улугбек, Навоий, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий) тайинлансин.

1.2. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Жонбоев)га ОУМММИ (Б.Раҳимов) билан ҳамкорликда:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари совриндорларига тантанали равишда Гувоҳномаларни топшириш тадбирини 8 декабрга қадар ташкил этиш ва совриндорларни кенг

жамоатчиликка таништириш ҳамда тарғибот этиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

2. Олий ўқув юртлари ректорларига:

2.1. Бир ҳафта муддат ичида 1,2,3,4,5 иловаларда номлари қайд этилган талабаларга Давлат стипендияларини 2003 йил 1 сентябрдан 2004 йил 1 сентябрга қадар тайинлаш тўғрисидаги тегишли буйруқлар расмийлаштирилсин.

2.2. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимлари ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда Давлат стипендиялари совриндорлари иштирокида ўқув йили давомида амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилсин.

3. Ишлар бошқармаси (И.Йулдошев)га бир ҳафта муддатда Давлат стипендияси совриндорига топшириладиган гувоҳномалар ва эсдалик совғаларни тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

4. Иқтисодиёт, илм-фан, таълимни моликлаштириш ва маркетинг хизмати Бош бошқармаси (В.В.Алёхина)га: Давлат стипендиялари совриндорларига топшириладиган гувоҳномаларни тайёрлаш ва эсдалик совғаларни харид этиш учун зарур маблағ миқдорини Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратиш топширилсин.

Ушбу буйруқ бажарилишининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

**Олий ўқув юртлари талабалари учун 2003/2004 ўқув йилига Ўзбекистон Республикаси Президентини
Давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида 2003 йил 24 ноябр 10/3-сонли
ҚАРОРИ**

2003/2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияга танлов ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 майдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарори билан тасдиқланган "Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ 2003 йил 13 октябрда Вазирликнинг 252-сонли буйруғи билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликларнинг масъул ходимлари ва қатор олий таълим муассасалари ректорларидан иборат махсус танлов комиссияси ташкил этилди. Комиссия номига Республиканинг 57 та олий таълим муассасаларидан жами 97 номзоднинг ҳужжатлари тақдим этилди. Жумладан: УргДУ-6 йўналиш бўйи-

ча, СамДУ-5, АндДУ-5, ФарДУ-4, НамДУ-4, ТДПУ-3, БухДУ-3 йўналиш бўйича номзодлар танловга тавсия этилган бўлса, ТДАИ, НавДКИ, ТошФарМИ, ТошДСИ, ЎзДЖТИларидан бирорта ҳам ҳужжат тақдим этилмади.

Махсус танлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига танлов ўтказиш Низомини ишлаб чиқилди ва мазкур Низом асосида танлов ўтказилди. Номзодларни синовдан ўтказиш бўйича ЎзМУда "Ўзбекистон тарихи, Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари", ТАТУда "Информатика" ва ЎзДЖТУда "Чет тили"дан синов комиссиялари ташкил этилди. Ўтган йиллардан фарқли равишда, бу йил номзодлар тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш учун, эксперт гуруҳи ташкил этилиб, номзодларнинг олий ўқув юртига кириш синовларида тўплаган баллари, фанлардан бажарган яқуний ёзма ишлари, илмий

мақолалари, жамоат ишларида қатнашишлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, тегишли хулоса берилган.

Синовларда 97 нафар номзоддан 2 нафари ҳар хил сабабларга кўра қатнашмаган. Синовлар натижасига кўра 95 номзоднинг 40 нафари ўз билимларини Низомда белгиланган талаблар даражасида кўрсата олмаган. Низомга мувофиқ тест синовларида 75 балдан кам натижага эришган талабалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига ўтказиладиган Махсус танлов комиссиясининг якуний сўхбатига таклиф этилмади. Айниқса "Педагогика" йўналиши бўйича танловда иштирок этган номзодлар ўз билимларини Низом талаблари даражасида кўрсата олмаганликлари сабабли ушбу йўналишдан фақат биргина номзод якуний сўхбатга таклиф этилган.

Якуний сўхбат хулосаларига кўра, танлов комиссияси 55 номзоддан 11 нафарини (ТДТУ-1, ЎзДЖТУ-1, ТДПУ-1, ТМИ-1, ТошДЮИ-1, ГулДУ-1, СамДУ-1, СамДТИ, АндДУ-1, ТошДКонс-1, НукусДПИ-1) яширин овоз бериш орқали қолиб деб топди ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларига тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Танлов комиссиясининг тавсиялари белгиланган тартибда тасдиқ учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъати мажлисига тақдим этилди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Вазирлик Ҳайъат мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2.3. Номзодларни Ўзбекистон Республикаси Президент ва Давлат стипендияларига тавсия этиш, Вазирлик томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Давлат стипендияларига олий таълим муассасалари томонидан танловнинг биринчи босқичини ўтказиш

ва номзодлар ҳужжатларини Вазирликка тақдим этиш тартиби" асосида амалга оширилсин. Танловда номзодларнинг олий таълим муассасасига кириш тест синовларида тўплаган балларига, фанлардан бажарилган якуний ёзма ишлар натижаларига ҳамда жамоатчилик ишларидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилсин.

2.4. "Педагогика" ва "Чет тили" йўналишлари бўйича танловга тақдим этилган номзодлар сони камайиб бораётганлиги алоҳида қайд этилсин ва шу соҳалар бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларининг бу борада олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмаслиги таъкидлаб ўтилсин.

2.5. Ушбу Ҳайъат қарори барча олий таълим муассасаларининг Илмий Кенгашларида атрофлича муҳокама қилинсин ҳамда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш борасида талбирлар ишлаб чиқилсин.

3. Олий ўқув юртлари Бош бошқармаси (Ш.Жонбоев)га Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиялари совриндорларига тантанали равишда Гувохномаларни топшириш тadbирини 8 декабрга қадар ташкил этиш ва совриндорларни кенг жамоатчиликка таништириш ҳамда тарғибот этиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига ўтказилаётган танловда номзодлар сони кўпайиб бораётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари ва таълим йўналишлари классификаторига мувофиқ белгилаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси тўғрисида Низом" қайта кўриб чиқилсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилсин.

5. Ушбу қарор бажарилишининг назорати Вазир ўринбосари Ш.Аюпов зиммасига юклатилсин.

14.2. МУКОФОТЛАШ, МОДДИЙ ЁРДАМ, НАФАҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Қарорида кўйилган талабларга мувофиқ олий таълим тизимида юқори малакали тарихчи-кадрларни тайёрлаш вазифалари тўғрисидаги 1998 йил 3 август 220 сонли БУЙРУҒИ

...3.5. 1998/99 ўқув йилидан бошлаб, барча мутахассисликлар бўйича, хусусан, "Тарих" бўйича белгиланган муддатга ёки ундан эртaroқ ҳимоя қилган аспирант ва докторантларни 5 та стипен-

дия миқдориди, ҳамда уларнинг илмий раҳбарларини 5 ойлик маош миқдориди моддий рағбатлантириш бюджетдан ташқари тушган маблар ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури талаблари асосида ўқув юртларида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 9 январ 3-сонли

Б У Й Р У Ғ И

1.17. ...моддий ва бошқа шароитлари яхши бўлмаган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам

бериш чораларини ишлаб чиқиш;
- ўқув юрти жамоаси, талаба-ўқувчиларига

ва уларнинг оила аъзоларига бетоб бўлганида дори-дармон учун маблағ ажратиш, шифохоналарга жойлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ҳукумат қарорини бажариш тўғрисида"ги 1999 йил 25 март 93 сонли

Б У Й Р У Ф И

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш мониторинги бўлими (Шоҳамидов Ш.Ш.)га:

5.1. Вазирлик тасарруфидаги ўқув юртларида аёллар манфаатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайти-

- ўқув юртларидаги ёш ходимлар ва талабаларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда уларга яқиндан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш.

риш, уларнинг меҳнати ва турмуш шароитларини енгилаштириш бўйича Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиш ҳолатини назорат этиш ва бу борада амалга оширилган ишларни умумлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида" 2000 йил 14 сентябр 248 сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш Комплекси мажлисининг 2000 йил 18 август 11-23-34 рақамли мажлис баёнида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Й О Р А М А Н

2. Олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари раҳбарларига:

-вазирлик томонидан мазкур масалалар бўйича қабул қилинган буйруқлар, Ҳайъат қарорлари ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилсин;

-таълим муассасаларидаги хотин-қизларнинг маънавий-ҳуқуқий савиясини оширишга қаратилган тарбиявий ишларни кучайтириш борасида қўшимча чора-тадбирларни ўз ичига олган

кенг қамровли дастурлар ўн беш кун муҳлат ичида ишлаб чиқилсин;

-нафақага кетган профессор-ўқитувчи ходимларни аҳолидан узлуксиз хабар олиб туриш мақсадида аниқ тадбирлар ишлаб чиқилсин ва ушбу ишларга масъул шахслар ҳисоботи доимий равишда тинглаб борилсин;

-бева-бечора, кўп болали, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз қарияларга хайр - эҳсонларни бериш масаласи ўрнатилган тартиб асосида қайта кўриб чиқилсин;

-юқоридаги ишларни амалга оширишда обрў эътиборли педагог хотин-қизлар кенгроқ жалб қилинсин.

2. Амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумот жорий йилнинг 1 октябрига қадар вазирликнинг "Техника" бўлими (Ҳ.Йулдошев)га тақдим этилсин.

3. Ушбу буйруқ ижроси назорати вазирликнинг ИИ ва МХ Бош бошқармаси бошлиғи М. Саидов зиммасига юклатилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Меъёрий ҳужжатни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2001 йил 16 майдаги 109-сонли

Б У Й Р У Ф И

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш ва Мустақилликнинг 10 йиллигини олий таълим муассасаларида меҳнат зафарлари билан муносиб кутиб олишда ўрнатилган кўрсаткичларни, талаба, магистрант, аспирант, ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири ва деканларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида

Б У Й О Р А М А Н:

1. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда ва Мустақилликнинг 10 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлашга ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этиб, бошқаларга ўрнатилган олий таълим муассасаларининг хизматчи, талаба, магистрант, аспирант, ўқитувчи, доцент, профес-

сор, кафедра мудири ва деканларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган "Олий таълим муассасаларида "Энг яхши хизматчи", "Энг яхши талаба", "Энг яхши магистрант", "Энг яхши аспирант", "Энг яхши ўқитувчи", "Энг яхши доцент", "Энг яхши профессор", "Энг яхши кафедра мудири", "Энг яхши декан" унвонларига танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМ иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига "Олий таълим муассасаларида "Энг яхши хизматчи", "Энг яхши талаба", "Энг яхши магистрант", "Энг яхши аспирант", "Энг яхши ўқитувчи", "Энг яхши доцент", "Энг яхши профессор", "Энг яхши кафедра мудири", "Энг яхши декан" унвонларига танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМни жорий йилдан амалда тадбиқ этиш вазифаси юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2001 йил 14 май буйруғи билан тасдиқланган**

**Олий таълим муассасаларида "Энг яхши хизматчи", "Энг яхши талаба", "Энг яхши магистрант", "Энг яхши аспирант", "Энг яхши ўқитувчи", "Энг яхши доцент", "Энг яхши профессор", "Энг яхши кафедра мудир", "Энг яхши декан" унвонларига танловлар ўтказиш тартиби тўғрисида
Н И З О М**

I. Умумий қондалар

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга ҳамда Мустақилликнинг 10 йиллигини меҳнат зафарлари билан муносиб кутиб олишга қаратилган ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган.

"Энг яхши хизматчи", "Энг яхши талаба", "Энг яхши магистрант", "Энг яхши аспирант", "Энг яхши ўқитувчи", "Энг яхши доцент", "Энг яхши профессор", "Энг яхши кафедра мудир", "Энг яхши декан" унвонлари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга муносиб хисса қўшиб келаётган, ўз вазифаларига масъулият билан ёндошиб, бошқаларга ўрнак кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг хизматчилари, талаба ва аспирантлари, ўқитувчи, доцент, профессорлари, кафедра мудирлари ва деканларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида олий таълим муассасалари Илмий Кенгашлари қарорларига мувофиқ, ректорларнинг буйруғи билан, ҳар йили бир марта Мустақиллик байрамини нишонлаш арафасида берилади.

Мазкур унвонларга сазовор бўлган шахсларга тантанали равишда олий таълим муассасасининг "Фахрий ёрлиғ"и топширилади ҳамда бир йил давомида стипендия на ойлик маошларига 50% миқдорда қўшимча ҳақ белгиланади.

Мазкур унвонларга сазовор бўлган шахсларга қўшимча ҳақ тўлаш, олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Совриндорларни кенг тарғиб ва ташвиқот этиш мақсадида, олий таълим муассасасининг кўп тиражли газетасида уларнинг фотосуратлари ва қисқача биографинлари чоп этилади ҳамда олий таълим муассасасида "Энг яхшилар" лавҳаси ташкил этилади.

II. Мазкур унвонларга тавсиялар киритиш тартиби

"Энг яхши хизматчи" унвонига номзодлар ўқув-ёрдамчи ходимлар таркибида фаол меҳнат қилаётган, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, ташаббускор ходимлар сафидан, уларга бевосита раҳбарлик қилаётган раҳбар томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши талаба" унвонига номзодлар, мутахассис чиқарувчи кафедралар фикр-мулоҳаза-

лари ҳисобга олинган ҳолда, юқори кўрсаткичларга ўқиётган, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, намунавий хулқ билан бошқа талабаларга ибрат кўрсатаётган битирувчи курс талабалари сафидан факультетлар деканлари томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши магистрант" унвонига номзодлар, мутахассис чиқарувчи кафедралар, хусусан, магистрантнинг бевосита илмий раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда, магистратура факультети (бўлими)нинг декани томонидан, битирувчи курсда таълим олаётган ва юқори кўрсаткичларга ўқиётган, илмий-тадқиқот ишларида ижобий натижаларга эришаётган, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, намунавий хулққа эга бўлган магистрантлар сафидан тавсия этилади.

"Энг яхши аспирант" унвонига номзодлар, илмий-тадқиқот ишининг 75% ни бажарган, тадқиқотга оид мақолалари минтақавий ёки республика (халқаро) миқёсида ўтказиладиган илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилган, номзодлик минимуми таркибига кирувчи ижтимоий-гуманитар ва чет тиллари фанларидан имтиҳонларни юқори кўрсаткичларга топширган ва жамоат ишларида фаол иштирок этувчи аспирантлар сафидан бевосита илмий раҳбарлар таклифлари ҳисобга олинган ҳолда, кафедралар томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши ўқитувчи" унвонига номзодлар, олий таълим муассасасида 10 йилдан ортиқ педагогик фаолияти билан шуғулланган, илмий мақолалар ҳамда ўқув-услубий қўлланмалар чоп этган, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига талбиқ этувчи, педагогик фаолияти давомида талабалар эътиборини қозонган, ташаббускор ва маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этувчи ўқитувчи ва катта ўқитувчилар сафидан факультет деканлари томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши доцент" унвонига номзодлар, олий таълим муассасасида педагогик фаолияти 10 йилдан кам бўлмаган, докторлик диссертацияси устида иш олиб борувчи, қатор мақолалари чоп этилган, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратган, камида икки фан номзодини тайёрлаган, аспирант ва магистрантларга илмий раҳбарлик қилувчи, талаба ва профессор-ўқитувчилар эътиборини қозонган, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи ва ташаббускор доцентлар сафидан факультет деканлари томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши профессор" унвонига номзодлар, олий таълим муассасасида педагогик фаолияти 10 йилдан ортиқ бўлган, фан доктори илмий даражасига ва профессор илмий унвонига эга бўлган, фан номзодлари ва фан докторларини тайёрлаган, ўзининг илмий мактабига эга бўлган, дарслик ва қатор ўқув-услубий қўлланмалар яратган, талаба ва профессор-ўқитувчилар эътиборини қозонган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этувчи ва ташаббускор профессорлар сафидан мувофиқ проректорлар томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши кафедра мудирини" унвонига номзодлар, олий таълим муассасасида педагогик фаолияти 10 йилдан кам бўлмаган, докторлик илмий даражасига ва профессорлик илмий унвонига эга бўлган, кафедра мудирини давримизда камидан бир муддат фаолият кўрсатган, кафедра илмий салоҳиятини оширишга бевоқиф катта ҳисса қўшган, кафедра томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишини ташкил этган ва бу борда ўрнатилган кўрсаткичларни, фан номзодлари ва фан докторлари диссертацияларига илмий раҳбарлик қилувчи, ташаббускор кафедра мудирлари сафидан мувофиқ проректорлар томонидан тавсия этилади.

"Энг яхши декан" унвонига номзодлар, олий таълим муассасасида педагогик фаолият билан камидан 10 йил фаолият кўрсатган, камидан фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, факультетда таълим-тарбия ишларини ташкил этишда юқори кўрсаткичларга эришган, факультетларaro танловда совринчи ўринларни эгаллаган, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жо-

рий этишда ташаббус кўрсатган, профессор-ўқитувчилар эътиборини қозонган факультет деканлари сафидан ўқув ишлари бўйича проректорлар томонидан тавсия этилади.

III. Мазкур унвонларга танлов ўтказиш тартиби

Мазкур унвонларга танлов ўтказиш учун олий таълим муассасасида махсус комиссия ташкил этилади. Махсус комиссия фаолиятига бевоқиф раҳбарлик қилади. Комиссия аъзоларининг таркиби мазкур унвонлар белгиланган поғоналарда фаолият кўрсатаётган алоқадор, ташаббускор, қатъий фикр билдирувчи шахслардан ҳамда проректорлардан ташкил этилади.

Махсус комиссия ҳар ўқув йили якунида мазкур унвонларга номзодларни тақдим этиш учун, олий таълим муассасасининг кўп тиражли газетасига эълон беради ва тавсиялар киритиш муддатини белгилайди.

Тақдим этилган тавсиялар махсус комиссия йиғилишида атрофлича муҳокама этилади. Мазкур унвонлар белгиланган ҳар бир поғона бўйича танлов, тақдим этилган тавсиялар бўйича алоқадор очиб овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда, махсус комиссия раисининг таклифи иноватга олинади.

Танлов натижалари, ўқув йили якунига бағишланган Илмий Кенгаш мажлиси муҳокама-сига киритилади ва тегишли қарор билан тасдиқланади. Илмий Кенгаш қарорини олий таълим муассасасининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва кўп тиражли газета орқали жамоат аъзоларига эълон қилинади.

14.3 ТАЛАБАЛАР УЙИДАН ҲОИДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлири ётоқхоналарида милиция органларининг офицер унвонига эга бўлган ходимларига вақтинчалик яшаш учун турар-жой ажратиш
ТАРТИБИ

1999 йил 29 январь 26-83-сонли қўшма
буйруғига Махсус илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ётоқхоналарида жойлардаги милиция органларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, паспорт тизими хизмати, дафлат автомобил назорати, қўриқлаш, тергов, шахсий таркиб билан ишлаш бўлимларида намунали хизмат қилувчи, тажрибали, офицерлик унвонига эга бўлган, лекин уй-жой билан таъминланишга муҳтож ходимларига вақтинчалик яшаш турар-жой ажратилиши қўйида кўрсатилган тамойиллар ва тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

1. Вазирлик тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ётоқхоналарида вақтинчалик яшаш

турар-жой учун милиция ходимига жой ажратилишида жойлардаги тегишли милиция органи раҳбарининг ўқув юртлири раҳбариятига қўшма буйруқда биноан ёзилган расмий хати асос бўлиб хизмат қилади.

2. Ётоқхонага жойлашмиш ва онда яшаш ихтиёрий ҳисобланади.

3. Вақтинчалик яшаш учун ётоқхонадан турар-жой билан таъминланган милиция ходими турар-жой олиш рўйхатидаги навбати сақланиб қолади.

4. Ётоқхонага жойлашган оилали милиция ходимларига:

- эр-хотин ўзлари ёки боғча ёшидаги бир болали бўлса бир хона,
- иккита ёки учта болалиларга икки хона,
- уч ёки ондан кўп болалиларга уч хона ажратилиши мумкинлиги назарда тутилади,

5. Милиция ходимлари жойлашадиган хоналарни тегишли, зарур, жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси ўқув юртлари раҳбарияти зиммасига юклатилади.

6. Ётоқхонага жойлашган милиция ходими зиммасига ўзининг бевосита хизмат вазифаларидан бўш вақтларда ётоқхонада қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилади:

- паспорт тизими қондаларига доимо риоя этилишини назорат қилиш, талабалар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш,

- бегона шахсларнинг ётоқхонага руҳсатсиз кириши ва ноқонуний жойлашиши ва яшашига йўл қўймашлик,

- ётоқхоналарда белгиланган яшаш тартибини бузган талаба ва бошқа шахсларга нисбатан чоралар куришни маъмуриятга билдириш,

- ҳудудий милиция органларига ётоқхонадаги паспорт тизими аҳволи (руйхатга олиш, руйхатдан чиқариш ва уларнинг қонунийлиги)ни текшириш, ётоқхонада ва унга тегишли бўлган ҳудудда содир этилган ҳодисалар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар бўйича суриштирув ишларини олиб боришда, ҳуқуқбузарлар ёхуд жиноятчиларни ушлашда ёрдам кўрсатиш,

- ётоқхонада яшовчи талабалар ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказишни ташкил этиш,

- ётоқхонадаги дам олиш ва маланий-маърифий тадбирлар ўтказиш хоналарини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Республика ҳукумати қарорлари, ҳамда бошқа директив ҳужжатлар, китоблари, плакатлар, шнорлар билан таъминланиши ва безатилишида ётоқхона маъмуриятига ёрдам кўрсатиш,

- ётоқхона маъмурияти билан ҳамкорликда талабалар яшаётган хоналарнинг аҳволи, яшаш шароити, санитария ҳолати ва тасдиқланган жадвал асосида профессор-ўқитувчилар томонидан навбатчилик олиб борилишини текшириб туриш ва натижалари тўғрисида ўқув юрти раҳбариятини хабардор қилиш, бевосита ётоқхо-

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ётоқхоналарида паспорт тартиби ҳамда хоржий фуқароларнинг яшаш қондаларига риоя қилиш масъулияти ҳақида»ги 1999 йил 5 феврал 34 сонли

Б У Й Р У Қ И

1. Олий ўқув юртлари ректорлари ва ўрта махсус ўқув юртлари директорларига:

- ётоқхоналарда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан белгиланган паспорт тартибига қатъиян риоя қилиш, шахси номтаълим кишиларни ётоқхона ёки меҳмонхоналарга сабабсиз жойлаштириш ҳолларини инкор этувчи чора-тадбирларни 10 кун мобайнида ишлаб чиқиш,

- хоржий мамлакатлар фуқароларини ётоқхоналарга жойлаштиришда амалдаги қонуниятларнинг сўзсиз бажарилишига, ётоқхоналарнинг ички тартиб-қондаларига риоя қилинишига эришиш,

нада ва унга тегишли бўлган ҳудудда содир этилган ҳодисалар, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга суриштирув ишларини олиб боришда, ҳуқуқбузарликлар ёхуд жиноятларни ушлаш чораларини куришда ёрдам кўрсатиш,

7. Ётоқхонага жойлашган милиция ходими жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасидаги ишларни амалдаги қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруқларида белгиланган тартибда амалга оширади.

8. Ётоқхонага жойлашган милиция ходими қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- оила аъзолари билан ётоқхонада бепул яшаш ва ётоқхонада мавжуд бўлган барча моддий шарт-шароитлар ва қулайликлардан фойдаланиш,

- ўзи ва оила аъзолари билан мазкур ётоқхона руйхатида туриш,

- уй-жой билан таъминлаган тақдирда ўз вақтида руйхатдан чиқиш ва кўчиб кетиш,

- электр энергияси, газ, сувдан бепул фойдаланиш,

9. Олий ва ўрта махсус ўқув юрти раҳбарияти ёки ётоқхона маъмурияти томонидан ётоқхонага жойлашган милиция ходимига юқорида белгиланган вазифалардан ташқари топшириқлар ва курсатмалар бериши қатъиян таъқиқланади.

10. Ётоқхонага жойлашган милиция ходими милиция органлари ходимлари унвонини обрўсизлантирувчи ноқуя ҳатти-ҳаракатлар содир қилган ҳолларда, ўқув юрти ёки ётоқхона маъмурияти томонидан мазкур ходим хизмат қиладиган милиция органи раҳбари номига расмий тақдимнома киритилади ва уни ётоқхонадан чиқариш чораси кўрилади.

11. Агар ходим милиция органларидан бошқа сабабларга кўра бўшатилган тақдирда, бўшаган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ётоқхонадан чиқиб кетмаса, суднинг қарори билан мажбурий равишда чиқариб юборилади.

- ётоқхоналарни паспорт тартибига жавоб берадиган хизмат қисмларини виждонан ишлайдиган ҳалол кишилар билан таъминлаш,

- ётоқхоналарнинг санитария ва гигиена ҳолатларини мунтазам равишда текшириб туриш ҳамда бунга масъул ходимларни тайинлаш вазифалари юклатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг бажарилганлиги ҳақида вазирликка 1999 йил 20 февралгача маълумот берилсин.

3. Буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Р.И.Холмуродов зиммасига юклатилсин.

Талабалар уйларининг ҳолатини яхшилаш бўйича чоралар ва тадбирлар режаси
тўғрисида 2003 йил 3 сентябр 8/5-сонли
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 июн №275 рақамли "Республика иқтисодийети тармоқларини 2003/2004 йил куз-қиш даврига тайёрлаш" ҳақидаги топшириғини ижро этиш борасида вазирликнинг 2003 йил 25 июль №154 рақамли буйруғи чиқарилган бўлиб, ушбу буйруқда олий таълим муассасаларидаги ўқув бино ва талабалар уйлари, қозонхона, иссиқлик ва газ тармоқларини ўз вақтида сифатли таъмирлаш, 2003/2004 янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини кечиктирмасдан ҳолда босқичма-босқич амалга ошириш борасида тегишли топшириқ ва кўрсатмалар белгилаб берилганлигига қарамай, Тошкент шаҳар ҳокимияти раҳбарияти билан ҳамкорликда олиб борилган текширувлар натижаси, ҳамда Тошкент шаҳар давлат санитария эпидемиология назорати марказининг берган маълумотида кўпчилик олий таълим муассасалари талабалар уйларининг аҳволи ачинарли ҳолатда эканлиги, ушбу олий таълим муассасалари раҳбарияти вазирлик томонидан берилётган топшириқ ва кўрсатмаларни талаб даражасида бажармаётганлиги кўринмоқда. Ваҳоланки, вазирлик тасарруфидоги талабалар уйлари, ўқув биноларини моддний техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларига ҳомийларни жалб қилишни қўллаб қувватлаш, ички имкониятлардан кенг фойдаланишни рағбатлантириш мақсидида "Энг намунали факультет", "Энг намунали талабалар уйи", "Энг яхши кафедра" каби кўрик танловлари мунтазам ўтказилиб борилиб, гоилибларни қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотлари билан тақдирлаб боришмоқда. Шунга қарамастан айрим олий таълим муассасаларининг талабалар уйлари қониқарсиз аҳволда қолмоқда.

Жорий йилнинг июн ойида Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорат маркази томонидан Тошкент шаҳар ҳокимиятининг топшириғига асосан Тошкент шаҳрида жойлашган 28 та олий таълим муассасаларига қарашли 65 та талабалар уйларида санитария-гигиена талабларига риоя этилиши, янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши ҳолати ўрганиб чиқилди. Ушбу марказнинг тақдим этган маълумотномасида 14 та олий таълим муассасасининг 18 та ётоқхонасида санитария-гигиена қондалари ва меъёрлари талабларига жавоб берадиган ҳолга келтирилганлиги, умумий фойдананиш жойларида, яъни ошхоналарда, душ ва ювиниш хоналарида, талабалар таом тайёрлайдиган ошхоналарда, ҳожатхоналарда жорий таъмирлаш ишлари ва сантехника жиҳозлари алмаштирилиб, фойдаланишга тайёрлаб қўйилганлига таъкидлаб ўтилган. Аммо шу билан бир қаторда талабалар уйларининг кўпчилик

қисмида янги 2003-2004 ўқув йилига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмаган. Жумладан, ТТЕСТИнинг 2 сонли, ТошДПУнинг 2 сонли, Ахброт технология университети ётоқхонасининг Б блоки, ТИҚХМММИнинг 1,2,4 сонли, ТоШИТИнинг 1,2 сонли, ЎЗМУнинг 5,9,12 сонли талабалар уйларида таъмирлаш ишлари ҳанузгача бошланмаганлиги қайд этилган. Ундан ташқари ТАЙИ 3-сонли талабалар уйидаги 48 та қўл ювиш раковиналарининг 20 таси, кир ювиш хонасида 2 та раковинадан 1 таси ишламаслиги, қаватлардаги линолиумлар эскириб кетганлиги, 4-сонли ётоқхонадаги мавжуд 49 та ҳожатхонанинг 9 тасида жорий таъмирлаш ишлари талаб этилиши, ТДПУнинг Чилонзор туманидаги талабалар уйида таъмирлаш ишлари кеч бошланганлиги, қаватлардаги овқат тайёрлаш хоналарида мавжуд 16 та газ плиталарининг 6 таси ишламаслиги, ёритиш лампаларининг 60 %и қуйганлиги ва кир ювиш хонасининг санитария-гигиена ҳолати ўта қониқарсизлиги, ТКТИ нинг 2-талабалар уйида капитал таъмирлаш ишлари секин олиб борилаётганлиги, 1-талабалар уйида эса таъмирлаш ишлари умуман олиб борилмаётганлиги, ювиниш хонаси, девор ва шифт сувоқлари, эшик кесакилари кўчиб кетганлиги, барча қаватлардаги яшаш хоналари, ҳожатхоналар, душхона ва овқат тайёрлайдиган хоналар таъмирталаблиги, қўл ювиш мосламаларини ва ўрин кўрпаларни эскириб кетганлиги, ТТЕСИ 2-сонли талабалар уйида унитазлар, сантехник жиҳозларнинг алмаштирилганлиги, душ хонанинг 8 та кабинасидан 3таси ишламаслиги, ЎЗМУга қарашли 12-сонли талабалар уйи туб таъмирлашга муҳтожлиги, ҳожатхона ва душ хоналарининг сувоқлари кўчиб кетганлиги, вентиляция тизими ишламаслиги, кафелларнинг кўчиб кетганлиги, худди шу аҳвол университетнинг 2, 18-талабалар уйларида ҳам мавжудлиги, шу билан бирга ТДТУнинг 72-а сонли талабалар уйида қаватларида ҳар 2 та электр плитасидан 1таси ишламаслиги, коридорларда ойналарнинг синиб ётганлиги, 72-б сонли талабалар уйининг 9-қаватига сув чиқмаслиги, 2,4,8-қаватлардаги йўлакларнинг дераза ромларининг ойналари синиб ётганлиги ва 80-а сонли талабалар уйининг 4,5,8-қаватларининг ошхоналаридаги электр плиталарининг 1 тадан уяси ишламаслиги, 7 ва 8-қаватлардаги йўлакларнинг ойнаси синганлиги каби камчиликлар кўрсатиб ўтилган.

Аксарият талабалар уйларининг умумфойдаланиш хоналари, ошхоналар, ҳожатхоналар, душ ва ювиниш хоналарининг ҳолати санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги, кўпчилик ҳожатхона ва душларнинг ишламаслиги, газ ва электр плиталарининг носоз аҳволдалиги таъкид-

лаб ўтилган. ТошДАИ, УзДЖТУ, ТошДПУ, ТошКТИ, ТТЕСТИ, УзМУ, ТошДТУ ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги бир қанча олий таълим муассасалари талабалар уйларининг аҳволи қониқарсиз эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

2003/2004 янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарликни жадаллаштириш мақсадида вазирликнинг 2003 йил 12 август №198 рақамли буйруғи чиқарилиб, ушбу буйруқга биноан жойларга чиқиб аҳволни ўрганиш, ҳамда таълим муассасаларига амалий ёрдам бериш мақсадида вазирликнинг мутасадди ходимлари таркибидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ушбу гуруҳ томонидан таълим муассасалари талабалар уйларининг ҳолати қайта ўрганиб чиқилди ва таълим муассасаларининг масъул ходимларига тегишли кўрсатмалар бериб берилди. Натижада жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига кўра юқорида номлари қайд этилган олий таълим муассасаларида текшириш натижасида қайд этилган камчиликлар қисман бартараф этилди. Аммо ТКТИнинг 1-сонли талабалар уйида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Олий таълим муассасалари талабалар уйларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, уларда яшаш шaroитлари яхшилаш мақсадида Хайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М.Х.Сандовнинг "Талабалар уйларининг ҳолатини яхшилаш бўйича чоралар ва тadbирлар режаси туғрисида"ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига: -вазирликнинг 2003 йил 25 июль №154 рақамли ҳамда 2003 йил 12 август №198 рақамли

буйруқлари ижросини тўлиқ таъминлаш;

-Тошкент шаҳар давлат санитария эпидемиология назорат марказининг Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларига қарашли талабалар уйларида санитария-гигиена талабаларига риоя этилиши, янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши туғрисидаги ахборотда кўрсатилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

-кўрсатилган камчиликлардан келиб чиққан ҳолда талабалар уйларидаги санитария-гигиена ҳолатига жавобгар шахсларга тегишли чоралар кўриш;

-талабалар уйларини жиҳозлашни ўрнатилган метёр ва талабалардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

-техника ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатига асосий эътиборни қаратиш;

-бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан талабалар уйларини жорий ва капитал таъмирлашга мақсадли йўналтирилишини таъминлаш;

-талабалар уйларини жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашда ҳомийлар кўмагидан кенгрок фойдаланиш;

-талабалар ўртасида талабалар унини ва ундаги жиҳозларни авайлаб асраш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин;

-амалга оширилган ишлар юзасидан 10 кун муддат ичида вазирликка ёзма маълумот берилсин.

3.Ушбу Хайъат қарори ижросини таъминлаш Иқтисодиёт, инвестиция ва маркетинг хизмати бош бошқармаси бошлиғи М.Х.Сандов зиммасига юклатилсин.

15. ХУЖЖАТЛАР, ҲИСОБГА ОЛИШ ВА ҲИСОБОТ, АРХИВ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Вазирлик ва унинг тизимидаги таълим муассасаларининг 2001 йилги фаолияти якунлари ва 2002 йилги дастурлар ҳақида"ги 2002 йил 31 январ -сонли

ҲАЙЪАТ ҚАРОРИ

...7. Олий таълим муассасалари ректорларига:

- олий таълим муассасалари томонидан бажарилган ишлар ҳақида ҳар чорак ҳисобот вазирликка тақдим этилсин;

- ҳисобот даври учун қилинган ишлар ҳақидаги маълумот таҳлил қилинганлиги ва мазмун жиҳатидан аниқ, тўлиқлиги таъминлансин ҳамда динамикаси кўрсатилсин;

- ҳисобот давридаги маълумотлар олдинги йилнинг шу давридаги кўрсаткичлар билан таққослансин;

- ҳисобот даври учун камчилик, муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича тақдирлар берилсин;

- ҳисобот уч қисмдан иборат бўлиши лозим (I - қисмда - бажарилган ишлар, II - қисмда - камчилик ва муаммолар, III - қисмда - камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари);

- ҳисобот ҳар чорак ойининг 15 санасигача мониторинг бўлимига тақдим этилсин.

8. Мониторинг бўлими (М. Хужаева)га йиллик ҳисоботларни олий таълим муассасаларида амалга оширилган тадбирлар натижалари асосида шакллантириш ва вазирликда тасдиқланган дастурларни бажариш мониторингини олиб бориш юклатилсин...

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва унинг тизимида Архив ишини такомиллаштириш ҳақида" ги 2002 йил 1 март 60 сонли БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Архивлар тўғрисидаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги "Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 482-сонли Қарорини амалиётга тадбиқ этиш ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг идоравий архиви ҳақидаги Низом, архив иши бўйича вазирликнинг марказий эксперт комиссиясининг таркиби ва унинг низоми тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш ИИМХББ бошлиғи М.Саидовга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил "1 март" № 60 сонли буйруғига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ИДОРАВИЙ АРХИВИ ҲАҚИДАГИ НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Вазирлик фаолияти давомида ташкил бўлаётган барча ҳужжатлар идоравий архив таркибига киради ва барча илмий-ижтимоий, маданий ҳамда тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архив фонди таркибига киради.

2. Ҳужжатларни сақлаш, уларни ҳисобга олишни таъминлаш, улардан илмий ва амалий мақсадда фойдаланиш ҳамда белгиланган маълум бир муддатдан сўнг Ўзбекистон Республикаси "Архивлар тўғрисидаги қонуни"га ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябр 482-сон қарорининг иловасига мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида идоравий архив ташкил этилган.

3. Вазирлик архиви вазирлик ҳақидаги Низомга мувофиқ ҳужжатлар билан ишлашни йўлга қўйиш учун жавобгар бўлган ишлар бошқармаси раҳбарига ва вазирлик маъмуриятига бўйсинади.

4. Вазирлик архиви ўз иши фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликнинг буйруқ, фармон, фармойиш, кўрсатмалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг қоида, йўриқнома, тавсия, кўрсатмалари ва мазкур Низом асосида иш олиб боради.

5. Архив мудирини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазири томонидан тайинланади.

6. Архив раҳбарият томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ иш олиб боради ва ўз фаолияти ҳақида раҳбариятга ҳисобот беради.

7. Архив мудирини ходимларнинг хизмат вазифалари, бажарадиган ишлари вазирлик раҳбарияти томонидан тасдиқланган мансаб йўриқномалари асосида олиб борилади.

II. Вазирлик архиви ҳужжатларининг таркиби.

1. Идора архиви ҳужжатлари таркиби қуйидагилардан иборат:

2. Вазирлик таркибидаги таркибий бўлинмалар иш фаолияти жараёнида келиб чиққан, иш юритиш давомида тугалланган ҳамда амалий жиҳатдан архив ташкил этишга имконият бўлмаган ташкилотнинг қўйи таркибий бўлинмалари ҳужжатлари;

3. Нашрий ҳужжатлар, архив иши, илмий тадқиқот ахборот ва маълумот мақсадида фойдаланиладиган ҳужжатлар;

4. Архив ҳужжатлари мазмунини тўлдирувчи, очиб берувчи ва маълумот сифатида қўлланиладиган ҳужжатлар (ҳужжатлар рўйхати, тарихий маълумотнома, кўрсатма, қўлланма, йўриқномалар).

III. Вазирлик архивининг асосий бажарадиган вазифалари.

1. Архив қуйидаги вазифаларни бажаради:

2. Иш юритиш хизмати томонидан тугалланган, "Иш юритиш ва архив ишини йўлга қўйиш" қисмининг ҳужжат бобидаги, "Идорага қарашли архивларнинг асосий қондалари" тартибига риоя қилган ҳолда ташкилот таркибий бўлинмаларнинг тартибга келтирилган ҳужжатларини қабул қилади, ҳисобга олади ва сақлайди;

3. Шахсий таркибга эга бўлган ҳужжатларни қабул қилади ва сақлайди.

4. Архивга қабул қилинган йиғма жилд ва ҳужжатларга жамғарма тартиб рақами берилади;

5. Архивга сақланаётган ҳужжатларга илгари

давлат сақловига топширилган илмий маълумот аппарати билан биргаликдаги ҳужжатларни ҳисобга олади ҳамда илмий маълумот қисмини тўлдирди, ташкил этади;

6. Ҳужжатларни илмий ва амалий аҳамиятини сақланишини ташкил этади, бўлинмалар иш юритишда ҳужжатлар қимматини аниқлашда услубий ёрдам кўрсатади;

7. "Идораларга қарашли архивларининг асосий қоидалари"да белгиланган муддатларга мувофиқ (15 йил ўтган) доимий сақланадиган ҳужжатларни тайёрлаб, Давлат сақловига марказий давлат архивига топширади;

8. Давлат архивига архивда сақланаётган ҳужжатлар таркиби ва ҳажми ҳақида тасдиқланган статистика шаклга мувофиқ доимий равишда маълумотлар тақдим қилади;

9. Ишлар бошқармаси билан биргаликда таркибий бўлимларнинг ҳужжатларини тўғри тартибга келтирилганлиги ва жиҳозланишини текширади, назорат қилади, йиғма жилдлар рўйхатини тузишда ёрдам беради;

10. Ҳужжатлардан фойдаланишни ташкил қилади ва белгиланган тартибга ташкилот ва алоҳида фуқароларга ижтимоий ҳуқуқий, меҳнат стажи ва маоши ҳақидаги маълумотнома, ҳужжатлардан кўчирма ва нусхалар беради;

11. Архив ходими қуйидаги услубий ишлар олиб боради.

12. Тизим архив ишини ўрганади.

13. Архив иши ва иш юритишда ҳужжатлар билан ишлаш қисми бўйича метёрий-услубий ҳужжатларни (йўриқнома, тавсия, низом) ишлаб чиқишда иштирок этади.

14. Қўйи таркибий бўлинма, ташкилот ходимларига ҳужжатлар билан ишлашни ташкил қилиш ва архив иши масалаларига доир тавсиялар ишлаб чиқади.

15. Қўйи ташкилот иш юритиш хизмати ва архив ходимларини малакасини ошириш тадбирларини ташкил этади.

IV- Вазирлик архивининг ҳуқуқлари.

1. Архивга бажарилиши лозим бўлган вазифаларни олиб бориш учун қуйидаги ҳуқуқлар берилади.

2. Белгиланган тартибда таркибий бўлинмалар ва қўйи ташкилот архивларига иш юритиш ва архив ишини йўлга қўйишни ҳужжатлар билан ишлаш қисмида белгиланган қонун, қоидаларга амал қилган ҳолда кўрсатмалар бериши.

3. Ташкилот таркибий бўлинмалари ва қўйи ташкилот архивларидан архив иши учун зарур бўлган маълумотларни сўраш.

4. Зарур бўлган вақтларда эксперт ва маслаҳатчилар сифатида Марказий Давлат архивининг малакали мутахассисларини таклиф қилиш.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2002 йил "1 март" № 60 сонли буйруғига
3-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИ (МЭК) ҲАҚИДАГИ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ҳужжатларни, шу жумладан бошқарув (иш юритувчи) илмий-техникавий ҳужжатларни қийматини, қимматдорлигини аниқлаш ва архив сақловига топширишга тайёрлашда услубий ва амалий ёрдам беришини ташкил этиш учун ҳамда эксперт комиссияси (ЭК) фаолиятини вазирлик қўйи ташкилотлари ва уларга тобе идора ва муассасаларини бошқариш ва мувофиқлаштириш учун доимий фаолият кўрсатувчи марказий эксперт комиссияси (МЭК) ташкил этилади.

2. МЭК маслаҳат берувчи орган ҳисобланади. Унинг қарорлари вазирлик раҳбарлари, зарур ҳолларда эса тегишли архив идораларининг тасдигидан сўнг кучга кирилади.

3. МЭК вазирлик раҳбарининг буйруғи билан асосий тармоқларнинг юқори малакали мутахассислари орасидан бир раҳбар ходим раислигида сайланади. Комиссия таркибига албатта архив мудир ва вазирлик ҳисобидаги тегишли архив бўлинмаларидан вакил ҳамда қўйи ташки-

лотлардан вакиллар киритилиши мумкин.

4. МЭК ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига РВМ ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг қоидалари, низомлари ва кўрсатмаларига ҳамда вазирликда амал қилаётган буйруқ кўрсатмаларига, ҳужжатларнинг намунавий ва тармоқ рўйхатларига, ЎР давлат архива хизматининг тегишли муассасаларининг метёрий услубий ҳужжатларига, ушбу Низомга суянади, амал қилади.

5. Ушбу Низом ЎР Марказий Давлат архиви билан келишилади ва вазирлик раҳбариятида тасдиқланади.

II. МЭК вазифалари

Марказий эксперт комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг вазирлик ва унинг тармоқ муассаса

ва корхоналари фаолиятида ташкил топган ҳужжатлар таркибини такомиллаштириш мақсадида фикр мулоҳазалари ва таклифларини ишлаб чиқади.

2. Бевосита бўйсунувчи давлат архивининг жамлаш манбаи бўлган ва жамлаш манбаи бўлмаган идора-муассаса ва корхоналарнинг рўйхатини иш юритиш бўйича йуриқномалар лойиҳаларини, классификаторларини, давлат архивларига топширилиши лозим бўлган рўйхатини, вазирликлар ва идораларга тобе бўлган тармоқ идораларининг ЭК тўғрисидаги низомларини ҳамда бошқа иш юритишдаги ҳужжатларни ташкил этиш масалалари бўйича метъерий-услубий қўлланмалари лойиҳаларини, уларни қимматдорлигини аниқлаш ва ҳужжатларни архив сақлови учун тайёрлашни кўриб чиқади ва тегишли давлат архивида тасдиқлаш учун тақдим этади.

3. Ҳужжатлар қимматини экспертиза қилиш иш юритишда ҳужжатларни ташкил этиш (ҳужжатларни классификациялаш) йиғма-жилдлар рўйхатини тузиш ва уларни вазирликлар, бевосита тобе идоралар, муассасалар иш тартибига киритиш, иш юритишда йиғма-жилдларни ташкил этиш ва уларни архив сақловчи учун тайёрлаш) услубий амалий масалалар бўйича маслаҳатлар беради ва ушбу тавсияномаларни тегишли архив муассаса ЭТУК-эксперт текширув услубий комиссиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

4. Архив ва вазирлик иш юритиш хизмати билан бирга вазирлик бўлимларида ва унга тобе муассасаларда ҳужжатларни сақлаш ва йўқ қилиш учун ажратишни ташкил этиш ва тартибга келтириш ишини белгилайди.

5. Белгиланган тартибда маъқуллаш ва тасдиқлаш тўғрисида қарорларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

6. Давлат томонидан сақлаш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва топширишга оид жадвалларни;

7. Муассаса йиғма жилдлар номенклатурасини - иш юритиш бўйича йуриқномани;

8. Доимий ва узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) йиғма жилдлар жамланма рўйхатини (йиллик бўлимлари) шу жумладан шахсий таркиб бўйича йиғма жилдларни;

9. Лойиҳалар рўйхатини, доимий сақловдаги илмий техникавий ҳужжатлар мавзуларини;

10. Сақлов муддатлари тугаган вазирлик архивлари ва уларга тобе ташкилотларда сақланаётган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш тўғрисидаги далолатномаларни;

11. Вазирликда ва тармоқ идораларида қидириш йўллари тугаган йиғма жилдларнинг топилмагани тўғрисидаги далолатномаларни;

12. Тегишли архив идораси билан келишилган ҳолда вазирлик таркибий қисмлар ва унга тобе муассасалар ЭКларига маълум даврга муносиб доимий ва узоқ муддатли сақланувчи йиғма жилдлар рўйхатини кўриб чиққандан сўнг мустақил равишда ҳужжатларни йўқ қилиш ҳуқуқи бериш тўғрисида қарор чиқара олади.

13. Амалдаги рўйхатларда кўзда тутилган ҳужжатларга сақлов муддатини белгилаш тўғрисидаги фикр мулоҳазаларни кўриб чиқади ва белгиланган тартибда уларни архив муассасалари кўриб чиқиш учун тегишли фикр мулоҳазалар билдиради.

